



ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

МУСО ТОШМУҲАММАД ЎҒЛИ
ОЙБЕК

МУКАММАЛ АСАРЛАР ТЎПЛАМИ

УН ТУҚҚИЗ ТОМЛИК

Таҳрир ҳайъати:

Марат Нурмуҳамедов, Комил Яшин,
Шоназар Шоабдурахмонов, Иззат Султон,
Ҳомил Ёқубов, Зарифа Саидносирова

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЕТИ

А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЕТ ИНСТИТУТИ

МУСО ТОШМУҲАММАД ЎҒЛИ
ОЙБЕК

МУКАММАЛ АСАРЛАР ТЎПЛАМИ

ҲН БЕШИНЧИ ТОМ

ЕВРОПА АДАБИЕТИДАН
ТАРЖИМАЛАР

ТОШКЕНТ — 1980

ББК 84Уз
0—38

Изоҳлар билан нашрга тайёрловчилар:

*Машҳура СУЛТОНОВА,
Нинель ВЛАДИМИРОВА,
Шарофиддин ЭШОНХУЖАЕВ,
Зарифа САИДНОСИРОВА («Тартюф»)*

Масъул муҳаррир

Наим ҚАРИМОВ

○ $\frac{70403-1033}{M355(06)-80}$ 210-79

© **Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1980 й.**

I
АНТИК АДАБИЁТДАН
ХРЕСТОМАТИЯ

РИМ АДАБИЁТИ

1. БИЗНИНГ ЭРАДАН ИЛГАРИГИ III—I АСРЛАР АДАБИЁТИ

ТАҚЛИДИЙ КОМЕДИЯ («ПЛАШЧ КОМЕДИЯСИ»)

ПЛАВТ

Тит Макций Плавт — қадимги Римнинг драматурги, тақлидий комедия («Плашч комедияси»)нинг энг буюк намояндасидир. У III асрнинг ўртасида туғилиб, бизнинг эрамизгача бўлган замоннинг 184 йилларида ўлган. Унинг таржимаи ҳоли унчалик аниқ эмас. У Умбрия (Италиянинг бир области)да туғилган. У дастлаб Римда актёрлар труппасида ишчи, эҳтимол Ателлан театрида (ниқоб комедияси) актёр ҳам бўлгандир. Бошқа бир ривоятга қараганда, савдо ишида сишиб, тегирмонда ишлаган. Унинг 20 та тўла ва битта айрим парчалардан иборат комедияси шу вақтга қадар сақланган. 10

Плавт сўнги буржуазия комедиясининг жарчиси дидир, Мольер, Шекспир ва бошқалар унга кўп дафъа тақлид қилганлар.

Русчага таржимаси А. В. Артушковники (том I, 20 «Академия» нашри, 1933 й. II ва III томлари нашр қилинмоқда).

ХУМЧА [КЎМИЛГАН ХАЗИНА] ТЎҒРИСИДА КОМЕДИЯ

[Бу комедия ўз фабуласи бўйича бир тўла грекча Менандо комедияларига мансубдир (унинг оригинали Менандо эҳсан тўғрисида ҳам фикр бор).

Хасис Эвклионнинг қизига унинг сой қўшини Мегадор совчи қўяди, лекин Эвклионнинг қизи эса Мегадорнинг жияни Ликонид томонидан илгари зўрланган.

Тўйга тайёрилик бошланиб, Эвклионнинг қизи туғишга яқинлашган вақтда Ликонид у қизни йўлдан олдирганини Эвклионга эътироф қилади, ахер бўлиб, Эвклион қизини Ликонидга беради. 10

Комедиянинг бутун кучи хасис Эвклион устида тўланади, у топиб олган ва яширган бир хум олтиннинг сақлашиги учун қалтирайди ва у шундай хасиски, қул Стробилининг масхара қилишига



Ойбек. 1967 йил фотоси.

қараганда, у «уйқисида мабодо нафасини чиқариб юбормаслик учун уллаш олдидан ўз оғзига қоп ёпади».

- 20 Бу комедия Плавтнинг Европа драмасига, биринчи галда, Мольернинг буржуазия комедиясига таъсирини очиқ кўрсатиш жиҳатдан ҳам материал бўла олади; Мольер ўзининг «Хасис» номли комедиясида анча жонли ситуацияларни ва саҳналарни ундан олади (уқтиришларга боқинг).]

ИШТИРОҚ ЭТУВЧИ ШАХСЛАР

Л а р — хонадон худоси.

Э в к л и о н — чол.

С т а ф и л а — кампир, Эвклионнинг хизматчиси.

М е г а д о р — бой чол, Эвклионнинг қўшниси.

Э в н о м и я — Ликониднинг онаси, Мегадорнинг синглиси.

Л и к о н и д — йигитча, Эвномиянинг ўғли.

С т р о б и л — қул.

- 30 Анфрак }
Конгрион } ошпазлар

П и ф о д и к — қул.

Ф е д р а — Эвклионнинг қизи.

Эвклион ва Мегадорнинг қамти уйлари бўлган бир кўча. Вифодорлик маъбудасининг¹ ибодатхонаси ва унинг олдида қурбонлик саҳни.

ПРОЛОГ

Л а р

Билмайсизми мен кимман? Қисқача айтай.

Ҳозир келиб чиқдигим анови уйнинг —

Хонадоннинг Ларимен². Мен бунда кўп йил

- 40 Яшаб келдим, бу янги уй эгасининг

Ота-боболарини ҳимоя қилдим.

Яширилган олтинни менга омонат

Топширганди бобоси: уй ўртасига

Кўмди-да, қўриқлаш-чун менга ёлворди.

У ўлди: руҳи шундай очкўз эдиким,

Кўрсатмади олтинни ўз ўғлига ҳам,

Афзал кўрди ўғилнинг қашшоқлигини,

Ёлғиз хазинасини кўрсатмаслик-чун.

Қолдирди унга фақат кафтдаккина ер,

- 50 Меҳнат-машаққат билан яшасин, куйсин.

Хазинани у менга топшириб ўлгач,

Разм сола бошладим, отадан кўра

- Кўпроқ ҳурмат кўрсатар ўғил менга, деб.
 Аммо у борган сари оз ҳурмат қилди,
 Азиз совғаларни у оз бағишлади,
 Мен ҳам унинг феълига яраша боқдим.
 Мана у ҳам ўлди, бир ўғил қолди,
 Уйнинг хожаси энди удир, ана у
 Нақ отаси, бобоси билан феъли бир.
- 60 Унинг ёлғиз қизи бор, у ҳар кун менга
 Шароб ё шунинг каби бир нима элтар,
 Гулдасталар келтирар. Унинг шарафи
 Учун Эвклионга олтин топишни
 Рухсат этдим, бу билан у ўз қизини
 Қулайгина бериши мумкиндир эрга.
 Лекин уни зўрлаган донгдор йигитча:
 У йигитча билади қизнинг кимлигин,
 Қизнинг зўрланганини билмайди ота.
 Шунинг каби танимас йигитчани қиз.
- 70 Шундай қилайки, мана, қўшни — мўйсафид
 Хотинликка сўрайди қизни, оқибат
 Қулайгина уйланур қизга йигитча:
 Қизни олмоқчи бўлган мўйсафид киши,
 Церера³ байрамида қизни зўрлаган
 Йигитчага бўлади туғишган тоға.
 Мана, чол алжирайди: у доим шундай,
 Сирни сезмасин учун кампирни қувар.
 Олтин ўз жойидами, йўқми — билмоқчи.

БИРИНЧИ ПАРДА

I саҳна

Эвклион, Стафила.

Эвклион

Иўқол! Иўқол бу ердан! Кет! Қорангни кўрмайин!
 Мўралаш бўлса сенга кўзни пиёла қилиб!

Стафила

Нима учун калтаклайсан мен бечорани?

Эвклион

- 10 Сен, касофат, чинакам ҳам бахтсиз бўл, чиркин,
 Нақ ўзингга муносиб чиркин яшагил.

С т а ф и л а

Ҳозир мени нима учун уйдан ҳайдайсан?

Э в к л и о н

Сенинг каби шақилдоққа ҳисоб берайми?
Кет эшикдан! Йўқол бундан! Боқинг у қандай
Имирсилар! Биласанми, иш нима бўлар?
Ҳозир арқон ёки таёқ оламан қўлга,
Бу тошбақа қадамнингни тезлаштираман!

20

С т а ф и л а

Сенга хизмат қилганимдан кўра тангрилар
Менга дорни насиб этса яхши бўларди.

Э в к л и о н

Уз ичида ниманидир минғирлар разил!
Тўхта, ҳайвон! Худо ҳақи, кўзинг ўяман!
Орқа-ўнгдан пойлаш учун йўл қўймайдирман.
Кет! Кет! Яна, тағин! Ҳа, ана шунда тур!
Худди шунда тур! Агарда — худди шу ердан
Менга томон қитдай-жиндай қимирласанг-чи
30 Ёки мендан рухсат олмай алангласанг-чи,
Таъзирингни бердираман айтиб жаллодга!
Бу кампирдан разилроқни мен бутун умр
Кўрмаганмен! Ростиндан жуда қўрқаман:
Ногоҳ келиб суқулганин мен билмай қолсам,
Олтин қайга беркитилган — искайди бурни!
Ялмоғизнинг ҳар томонда кўзи бўлади,
Бориб қарай, яширилган жойдами олтин?
Уҳ, у қанча ташвиш, ваҳм солди бошимга!

(Кетади.)

40

II саҳна

С т а ф и л а

Хўжайинга нима бўлди, фаҳмим етмайди!
Бало бўлди! Бекаму-кўст жинни бўлган у.
Ҳар кун мени ўн марталаб уйдан қувади,
Ўйлаб асло тушунмайман, қандай жинга у
Йўлиққандир! Бутун кеча ухламас, кундуз
Сира уйдан чиқмас чўлоқ этикдўз каби.
Яна ташвиш: хўжайиннинг қизи шарманда,

- Буни қандай яшираман (туғиши яқин)?
50 Билмайман! Мен учун қолади бир йўл,
Мен бўйнимга пишиққина бир боғич солиб,
«Алиф» каби бўйим чўзай, деган ўйим бор.

III саҳна

Эвклион, Стафила.

Эвклион

Энди кўнглим тинчиб қолди, кета қоламан,
Очиб кўрдим! Ҳаммаси бут-бутун экан.
Ҳой, қайт энди ўйимни пойлаб ўтиргил.

Стафила

- 60 Мен пойлайми? Уйни биров олиб қочарми?
Ўғриларга уй ичида бошқа нима бор,
Бўм-бўш уйда тўлиб ётар ўргумчак ини⁴.

Эвклион

- Эй ялмоғиз, сенинг кўнглинг учун Юпитер⁵
Мени бой — шоҳ Филипп⁶ ёки Доро⁷ қилсинми?
Мен истайман, шу ўргумчак инин кўриқла.
Мен камбағал. Сабр этаман! Бу — худо иши!
Қир ичкари, эшикни ёп. Ҳозир қайтаман.
Ётларга сен эҳтиёт бўл, сира киргизма.
70 Агар улар ўт сўраса — сўндиргил дарров.
Сув сўраб келишаркан — сен айт: сув битди.
Қўшниларим ҳамиша бош қотиради:
Гоҳ идиш дер, гоҳ пичоқ дер, гоҳ ховонча дер:
Айт уларга, барчасини ўғри кўтарган.
Хуллас калом, ким бўлмасин менсиз киргизма!
Ёдингда тут, ҳеч кимсани киргизма, гарчи
Фортунанинг⁸ ўзи бизга ташриф қилса ҳам.

Стафила

- Эҳтимолки, ўзи ҳам ҳеч истамайди
80 Бизга киришни; бирон марта кириш эмас,
Яқинлашган йўқ.

Эвклион

Жим бўл, тез кир!

Стафила

Сўзламайман. Қираман.

Эвклион

Эшикларни жуда пухта ёпиб ол барин!
Ҳозир қайтаман.

(Стафила кетади.)

- 90 Улиб бўлдим! Уйдан менинг кетишим керак!
Уҳ, узилгим келмас уйдан, иш қурғур бор-да.
Камбағаллар учун ақча берилишини
Айтди менга туманимиз⁹ бошлиғи ҳали.
Мен бормасам, дарров мендан шубҳа қилишар
Ва ўйлашар: мен уйимга олтин кўмганман.
Мумкин ишми, бу дунёда камбағал одам,
Чақа-пақа, деб маошга назар солмасин?
Мен ҳаммадан яшираман ўлиб-қутулиб,
У ҳаммага маълум каби кўринар менга:
- 100 Аввалгидан лутфикорроқ саломлашурлар!
Қўлларимни қисадилар тўхтатиб мени,
Сўрайдилар ишим қалай, соғлигим қалай?
Кўзлаган жой сари борай, сўнг ўз уйимга,
Мумкин қадар тезроққина қайтай мен яна.

(Кетади.)

ИККИНЧИ ПАРДА

I саҳна

Эвномия, Мегадор.

Эвномия

- Ака, менинг бу сўзларим қалбдан чиқади
Ҳамда сенинг фойданг учун, инонасанми?
Хотинларни севмайдилар, тўғриси ҳам шу,
Бизни эзма-сергап дерлар, бу бекор эмас.
Бир мақол бор: хотинлардан биронта соқов
- 10 Учрамаган эмиш сира азалдан буён,
Лекин, ака, бир нарсани мулоҳаза қил:
Мен сенга яқинман, шунингдек сен ҳам,

Кел иккимиз битта ишни ўйлаб кўрайик,
Бу тўғрида иккимиз ҳам кўп кенгашайик.
Ҳеч нимани яширмайлик ва чўчимайлик,
Дилимизни очайлик биз ўзаро гапда.
Мен сени бу ерга чақирдим пинҳон,—
Оилавий ишларингдан баҳс очмоқчиман.

Мегадор

20 Хотинларнинг энг сараси, қўлни бер менга.

Эвномия

Ким? Қим энг яхшиси?

Мегадор

Сен.

Эвномия

Мен?

Мегадор

Йўқми? Хўп ундай эса.

Эвномия

30 Лекин, ака, ҳақиқатни сўзлаш керакдир.
Яхши хотин тополмайсан,
Ҳаммаси ҳам бир-биридан ёмонроқ.

Мегадор

Қўшиламан бу хусусда, эътирозим йўқ.

Эвномия

Тингла мени, сендан сўрайман.

Мегадор

Хўп, тинглайман. Диққатим сенда.

Э в н о м и я

40 Мен келганман кенгаш беришга,
Сенинг учун жуда муҳим иш.

М е г а д о р

Сенга ўхшаса майли.

Э в н о м и я

Бундай эса яхши бўларди.

М е г а д о р

Сўзла, синглим, ўзи нима гап!

Э в н о м и я

Ака, сенга мангу саодат
50 Авлодларинг билан бир келсин.

М е г а д о р

Айтганинг бўлсин!

Э в н о м и я

Истайманки, сен бир хотин ол.

М е г а д о р

Вой, ўлдирдинг!

Э в н о м и я

Хўш, нима билан?

М е г а д о р

60 Савалайсан миямни, синглим,
Сўз эмас бу — тошлардир билсанг.

Э в н о м и я

Тингла, синглинг кенгашига кир.

М е г а д о р

Ҳафсалам йўқ.

Э в н о м и я

Узингга фойда.

М е г а д о р

Мен уйланишдан кўра, ўлимимга розиман.
70 Агар эртага келиб, индинга остонамдан
Ҳайдаб чиқариш мумкин бўлган бирон хотинни
Таклиф қилсанг, мен бунга рози бўламан.
Мана шу шартга кўнсанг, тўйни ҳозирла.

Э в н о м и я

Қалин моли кўп бўлган қиз кўрсатаман,
Лекин навжувон эмас, ўрта яшар у.
Сенга совчилик қилай, агар истасанг.

М е г а д о р

Рухсат қиласанми бир савол берсам?

80

Э в н о м и я

Марҳамат эт, сўра.

М е г а д о р

Ёш улғайгач, ўрта ёшли хотин олиш маъқулми?
Балки бу чол бола кўрар кампиридан бемаҳал:
Ахир қутуладими «кенжатоё» лақабидан?
Ҳозир сени бўшатаман машаққатдан, енгиллан.
Тангриларнинг ризоси ҳам аждодимнинг меҳнати
Билан бойман. Нима керак мақтанчоқлик,
кўркам мол,

Қий-чув, ишва, фармон, упа, фил тишли аравалар,
90 Хотинларнинг кийимлиги — бундан менга не фойда?
Бу одатлар эркакларнинг барин тутқун қилади¹⁰.

Э в н о м и я

Қани, сўйла, хотинликка кимни танладинг?

М е г а д о р

Ҳозир айтаман.

Эвклион деган чолни биласанми? Қўшнимиз,
йўқсул.

Э в н о м и я

Бўлмаса-чи, мен биламан, ёмон одам эмас у.

М е г а д о р

100 Мен унинг қизига уйланмоқчиман.
Йўқ бунга эътироз қилма сен, синглим.
Биламан, сен уни камбағал дейсан:
Камбағал эса-да, менга ёқади.

Э в н о м и я

Бахтингни берсин.

М е г а д о р

Умид қиламан.

Э в н о м и я

Яна нима?

110 М е г а д о р

Яхши қол!

Э в н о м и я

Хайр!
(Кетади.)

М е г а д о р

Уйда бўлса Эвклион, мен бориб кўрай.
Мана у: қайтиб борар қайдандир уйга.

II сахна

Эвклион, Мегадор.

120

Эвклион

Уйдан жўнаш бекорлигин кўнглим сезганди.
Уз билганим тўғри чиқди! Бордим — ҳеч ким йўқ:
Бошлиқ ҳам йўқ, пул тарқатиш деган гап ҳам йўқ.
Илдам, илдам уйга чопай! Узим бунда, дил уйда.

Мегадор

Эвклион, салом сенга, бахтли бўл, соғ бўл.

Эвклион

Ассалом, Мегадор!

Мегадор

130 Хўш, қалайсан, ишинг қалай, соғлигинг қалай?

Эвклион
(четга қараб)

Камбағалга бой сурканар, бу бежиз эмас:
Олтнинининг ҳидин сезган, шунга хушомад.

Мегадор

Соғлиқ қалай?

Эвклион

Чакки эмас, фақат пулдан маза йўқ.

Мегадор

140

Э, гап ема!

Кўнгил тинчлиги керак, ҳаётга бу кифоя.

Э в к л и о н
(четга қараб)

Маълум бўлди, кампир қурғур олтинни айтган.
Мана қайтиб тилни кесай! Кўзларин уяй!

М е г а д о р

Нима қилиб бир чекада шивирлайсан сен?

Э в к л и о н

Шикоятим қашшоқликдан.

150 Қизим етук: қалин, молсиз қандай бераман?
Қайдан топай куёвни?

М е г а д о р

Ердамлашай, нима лозим?
Барин тўкиб сол!

Э в к л и о н
(четга қараб)

Ваъда қилар, ковлар, олтин учун иштаҳа карнай!
Бир қўлида нон кўрсатар, бир қўлида унинг тош.
Камбағалга бой ширинсўз бўлса, ишонч йўқ,
160 Қўлни сиқар дўстчасига, лекин иш тез пачава¹¹.
Мен буларни хўп биламан.

М е г а д о р

Эвклион, қитдай диққат. Мен сенга қисқа
Қилиб айтай бир ялпи ишни.

Э в к л и о н
(четга қараб)

Вой, шўрим қурсин!
У кўтарган олтинимни, биламан энди
Мен билан у бўлишмоқчи. Йўқ, уйга боқай!

170

М е г а д о р

Сен қаерга?

Э в к л и о н

Мен бир зумда қайтаман. Уйга бир кўз ташлайин.
(Кетади.)

М е г а д о р

Мен қизига уйланишим айтган ҳамон у,
Ишонаман, шундай дейди: «Бу таҳқир этиш».
Қўрмаганман қашшоқликдан бундай хасисни.

180

Э в к л и о н
(қайтиб келади)

Худойимга шукур, бутун: не бўлмасин у бутун
Разм солиб шундай қўрқдим: капалагим учди-я!
Мегадор, мен келдим; сўйла, нима ишинг бор?

М е г а д о р

Мен кўп миннатдор.
Сендан нима сўрасам, жирканмасдан жавоб бер.

Э в к л и о н

Сен нимани сўрайсан? Баъзи жавобга тоб йўқ.

М е г а д о р

190 Хўп, бўлмаса. Сен на дейсан, менинг зотим яхшими?

Э в к л и о н

Ҳа, яхши.

М е г а д о р

Шухратим паст эмасми?

Э в к л и о н

Ҳеч қандай.

Мегадор

Юруш-турушим қалай?

Эвклион

200

Инсоф, номусли.

Мегадор

Биласанми менинг ёшимни?

Эвклион

Нақ пулингдек у ҳам оз эмас.

Мегадор

Шунинг каби сен ҳам менга ҳамиша,
Ҳозиргидек ҳеч қусурсиз граждандирсан.

Эвклион
(четга қараб)

210

Искайди у олтин ҳидини
Иш қандай бўлди?

- Мегадор

Мана шундай кўзни кўзга солиб турганда,
Сенинг, менинг бахтимиз-чун, қизинг бахти-чун,
Сен қизингни менга бер. Айт: айтганинг бўлсин!

Эвклион

Оҳ, Мегадор! Бундай қилиш ишларингга муносиб
эмас.

Ҳузурингда ожиз қашшоқ: нега масхаралайсан,
Сўз билан ҳам, иш билан ҳам? Бунга лойиқ эмасман.

220

Мегадор

Мен кулмайман, кулиш учун сабаб ҳам йўқдир.

Э в к л и о н

Ундай эса, нима учун уйланасан қизимга?

М е г а д о р

Ҳолингизни яхшилаيمان, сиз — менинг ҳолим.

Э в к л и о н

Эсимга шу келади: сен бир бой одам,
Ҳам обрўли, мен қашшоқлар қашшоғи.
Хўп, мен сенга қизим берай (бошимда бу ўй):
230 Сен — бир ҳўкиз, мен — эшакча. Бизни қўшга
қўшса бўлурми?
Сен билан юк тортолмайман: эшак лойга йиқилди,
У ётади — ҳўкиз боқмас: гўё эшак тег-туғи йўқ.
Сен менга жўр бўлолмайсан, тенгларим масхаралар.
Араз бўлсак, на у ерда, на бу ерда менга
оғил топилмас.
Мени тишлар барча эшак, ҳўкиз шоҳи эзади.
Эшаклардан ҳўкиз томон ўтиш менга зўр ваҳм.

М е г а д о р

Номуслилар билан уруғ бўлиш жуда яхши иш.
Қулоқ сол-да, таклифимни қабул эт,
240 Қизни менга унаштир.

Э в к л и о н

Аммо, қалин, моли йўқ!

М е г а д о р

Майли! Хулқи гўзал бўлса, бу ўзи давлат.

Э в к л и о н

Ўйламаки, чол қандайдир хазина топган.

М е г а д о р

Биламан, сен ўргатма. Розимисан?

Э в к л и о н

250

Майли. Юпитер! Ажалимни бер!

М е г а д о р

Сенга нима бўлди?

Э в к л и о н

Нима? Темир шақиллаган каби бўлди нақ ҳозир.

(Чопиб чиқиб кетади.)

М е г а д о р

Буюргандим боғ чопишни. Лекин у қани?
Бир сўз айтмай кўздан учди! Мени илмас назарга!
Кўрадики, дўстлашгумдир, ҳамма каби ноз қилар:
260 Агар бир бой камбағал-ла дўстлашишни ўйласа,
Яқинлашдан қўрқиб қашшоқ бутун ишни бузади,
Фурсат қўлдан кетгач, ўзи истар, лекин беҳуда.

Э в к л и о н

(уйга қараб сўзлайди)

Агар тилинг таги билан кесиб ташламасам мен,
Кимга таслим этсанг майли, мени ҳатто бичсинлар.

М е г а д о р

Сен масхара қилиш учун бирон кекса одамни
Қидиргансан, лекин бунга мен сазовор эмасман.

270

Э в к л и о н

Мегадор, мен кулмадим ҳеч. Хоҳласам-да
эпламасдим.

М е г а д о р

Хўш, қизингни беришга сен розимсан?

23

Э в к л и о н

Майли, агар мен
Сўзлаган шартларимга рози бўлсанг...

М е г а д о р

Берасанми?

Э в к л и о н

280 Май.

М е г а д о р

Тангри, хтни оч?

ч о н

Бахт бер, тангри! Ле ам унутмагил
Мен қалинсиз қиз берам. ҳар ҳолда,
чу шартга кўндик.

М е г а д о р

Унутмайман.

Э в к л и о н

Мен биламан, сиз қандай чатоқли. чз:
290 Битишгандик — битишиқ йўқ, келишгандь.
Ф а қ а т с и з - ч у н м а ъ қ у л б ў л с и н . келишув

М е г а д о р

Мен ҳеч қандай талашувни кўрмайман.
Тўйга келсак, нега букун мумкин эмас ўтказиш?

Э в к л и о н

Жуда яхши.

Мегадор

Қани, ундай бўлса агар,
Мен тайёрлик кўрайин. Демак, гап шу?

300

Эвклион

Сўз шу.

Мегадор

Борай. Хайр!

(Кетаркан.)

Ҳой, Стробил, юр бозорга, оёғингни қўлга ол!

Эвклион

Бундан кетди. Эй тангрилар! Олтин кучини қара!
Уйимдаги хазинани эшитган деб ўйлайман.
Шунинг учун оғзи карнай, қариндошликка урди.

310

III саҳна

Эвклион, Стафила

Эвклион

Ҳей, қаёқдасан? Қақиллабсан ҳамма қўни-қўшнига,
Мен қизимга гўё қўшгум қалин мол!
Стафила! Ҳой, қайдасан, эшитасанми?
Чақираман. Идишларни юв, тозала, қизни —
Узатаман, Мегадорга бу кун уни топшираман.

Стафила

Бахти кулсин! Аммо бу иш мумкин эмас-ку бирдан...

320

Эвклион

Жим бўл! Жўна, мен қайтгунча барча ишни
бажаргил.
Эшикларни ёпиб қўй, мен тез қайтаман.

(Кетади.)

С т а ф и л а

Энди нима қилсам экан?

Мана битди бизларга кун, хўжайин қизи жўнар!
Яширилмас шармандалик! Яқин қолган туғиши!
Шу вақтгача им-жим эди, энди мумкин эмас бу.
Майли, борай. У келгунча буюрганин бажарай.

330 Қайгу-ҳасрат ютишдан мен кўрқаман.

(Кетади.)

IV саҳна

Стробил², Анфрак, Конгрион.

Стробил

Хўжайин бозордан ошпазлар билан
Найчиларни ёлларди; нарсаларни хард қилди
Ва уларнинг ўртасидан қоқ бўлишга буюрди.

А н ф р а к

Очиқ айтай, мени бўлиш керакмас,
340 Бутун ҳолда ишни яхши қиламан.

К о н г р и о н

Гўзал ва уятчан фоҳиша хотин!
Ким истаса, сен ҳам қоқ бўлинасан.

С т р о б и л

Мен тамом бир бошқа нарса сўзлайман,
Эсинг бошқа ёқда. Бизнинг хўжайин
Букун ўз тўйини ўтказаётир.

А н ф р а к

Кимнинг қизин олар?

350

С т р о б и л

Эвклионга қўшни чолнинг қизини. Унга
Олинган молларнинг ярмин, ошпазни,
Найчилардан бирини беришни айтди.

А н ф р а к

Аҳа, ярми унга, ярмиси сизга?

С т р о б и л

Нақ шундай.

К о н г р и о н

360 Демакки, у кекса ўз ҳисобига
Қизининг тўйини ўтказолмаган?

С т р о б и л

Э!

К о н г р и о н

Хўш, нима гап?

С т р о б и л

Нима гап? Бу қандай савол?
Чолимиз — қаттиқ нон, қуруқдан-қуруқ.

А н ф р а к

Ростми-а?

С т р о б и л

370

Хўп деявер.

Мен айтай — сен ўйла: унинг қумғони
Остидан озгина тутун чиқса-чи,
Додлайди, худони ва одамларни
Гувоҳга чақириб, «Мен ҳалок бўлдим,
Хонавайрон бўлдим», дея қичқирай!
Уйқу олдидан оғзин қоп билан боғлар.

А н ф р а к

Нега?

С т р о б и л

380 Уйқида нафасин чиқармаслик-чун...

А н ф р а к

Пастки ҳалқумга ҳам нафас чиқмас-чун
Бирон нарса тиқиб қўярмикан у?

С т р о б и л

Буни ўзинг биласан.
Сенга мен инонгандек, сен менга инон.

А н ф р а к

Албатта, инонаман.

С т р о б и л

390 Биласанми, яна қандай хулқи бор?
Сал ювинса — йиғлар: сувни қизганар!

А н ф р а к

У чолдан бирмунча пул тилаб олиб,
Ўзимизни озод қилсак бўлмасми?

С т р о б и л
Балли!

Очликдан қарз сўрасанг, барибир бермас,
Сартарошда бир кун тирноғин олган:
Тирноқларни йиғиб киссага солган.

400 А н ф р а к

Маълум, зиқна эса — зиқна, сенинг одаминг.

С т р о б и л

Ўйла, у шу қадар зиқна ва исқирт!

Яқинда калхат унинг шовласини чўқиб қочган.
У фиғон кўтариб боради судга,
Калхатни, албатта, судга тортишни¹³
Илтимос қилади... оҳу-воҳ билан.
Вақт бўлса сўзлардим юзларчасини.
Айтнинг, қай бирингиз эпчилроқдирсиз?

410

А н ф р а к

Мен —

Анча яхшиман.

С т р о б и л

Менга ўғри эмас, ошпаз керакдир¹⁴.

А н ф р а к

Тўғри-да, мен ошпаз.

С т р о б и л

(Конгрионга)

Сен нима дейсан?

420

К о н г р и о н

Кўриб турибсиз.

А н ф р а к

Маърака ошпази, тўққизинчи кун
У даъват қилинар¹⁵.

К о н г р и о н

Уч ҳарфли лақаб!¹⁶

Мени сўкасанми? Сен ўғри, ўғри,
Фирт ўғри сенсан.

С т р о б и л

430 Жим бўл! Семиз қўзидан биттасини ол...

А н ф р а к

Албатта, буни...

С т р о б и л

Конгрион, сен ол анов бирини
Ва анов уйга кир. Сиз ҳам ортидан,
Қолган ҳаммаларичг бизникига юр.

К о н г р и о н

Тақсим тўғри эмас,
Қўйнинг семизини уларга бердинг.

440

С т р о б и л

Аmmo сенга берай семиз найчини,
Ҳай, Фригия, сен у билан бор.
Элевсия, сен бизникига юр!

*(Анфрак, бир қисм ошпазлар ва бир найчи
Мегадор уйига кетадилар.)*

К о н г р и о н

Эй, маккор Стробил, ахир бу нима?
Кимга қувдинг мени? Кекса хасисга!
Ундан на оласан? Минг дод-де, қуруқ.

450

С т р о б и л

Сен аҳмоқ, билмайсан миннатдорликни.

К о н г р и о н

Қандай гап тагин?

С т р о б и л

Биринчидан, бу уйда ҳеч кимса шовқин
Қўтармайди. Нима керак, келтирасан уйингдан:
Сўраб-тилаб ҳеч овора бўлмайсан.

30

Бизникида шовқин-сурон, тиқилинч, ҳаммаёқ одам,
Идиш-оёқ, кумуш, гилам ва олтин.
460 Бир нима йўқолса (биламан, қўлга киргунча,
Сен жуда инсофли ва тортинчоқсан),
Айтадилар албатта: «Ошпазлар ўғирлаган!
Боғла! Сава! Чуқурга тиқ!» Аммо у уйда
Бундай нарса ҳеч бўлмайдди, чунки у ерда
Ўғирлашга ҳеч нарса йўқ. Юр кетимдан бу ёққа.

К о н г р и о н

Бораман.

V с а ҳ на

Стробил, Стафила, Конгрион.

470 С т р о б и л

(эшикни тақиллатади)

Ҳой, Стафила, эшикни оч. Оч, бўл!

С т а ф и л а

Ким унда?

С т р о б и л

Стробил.

С т а ф и л а

Нима керак?

С т р о б и л

480 Ошпазларни ол,
Бу найчини ҳам. Мана бу озуқ.
Тўй учун буларни Эвклионга
Мегадор юборди.

С т а ф и л а

Тўйи Церера¹⁷ худосига бағишланганми,
Бунча қуруқ ўтказамиз биз?

VI саҳна

П и ф о д и к

- Чалишинглар! Ошпазлардан хабар олайин.
Улардан ҳеч кўз узмаслик керак. Яхшиси,
Овқатларни ертўлада тайёрлатиб, сўнг
Пишган чоқда юқорига ташитиш лозимдир?
Балки, нима пиширсалар ошаб қўярлар?
Томда ҳамма овқат тотмас, пастда мўл бўлар!
520 Ишим йўқдек мен эзмалик қилмасам мунча,
Уйда озми таловчилар, эҳтиёт лозим.

(Кетади.)

VII саҳна

Эвклион, Конгрион.

Э в к л и о н

- Бу кун қизим тўйига ўзимни бироз
Яйратиб, руҳимни кўтармакчидим,
Бозор бордим: балиқ сўрасам — қиммат экан кўп,
Сўнг сўрадим қўй гўштини, сигир, бузоқ гўштини,
530 Нимаики қўлга олсанг, бари қимматдир.
Айниқса ҳам менга қиммат: сира пулим йўқ.
Олиш учун бир чақам йўқ, дард билан кетдим.
Шундай қилиб қароқчилар қўлидан қочдим.
Йўл-йўлакай ўйлаб келдим мен ўз-ўзимча:
«Байрам куни ўнг-сўл боқмай танти бўласан,
Байрам ўтгач, декчанг сувда» — мен юрагимга
Ва меъдамга бу фикрни яхши уқдирдим.
Тўйни қандай оз сарф билан ўтказиш учун
Тузган ушбу қароримни дил маъқул топди.
540 Сотиб олдим бир гулдаста, тутатқи ўт бу.
Уй худосин меҳробига²⁰ қўяман буни,
Қизим учун бахт-саодат бағишласин у.
Хўш, нима гап? Уйимизнинг эшиги очиқ.
Ичкарида шовқин-сурон, талайдиларми?

К о н г р и о н

(уйда)

Хумча сўра қўшнилардан: бу сенинг хумчанг
Кичик, бунга ҳеч сифмайди.

550

Офат, мен битдим!
 Вой, хумчамни ахтаришар! Олтин талашар!
 Қутқар мени! Ердамга кел, Аполлон!²¹ Менинг
 Хазинамнинг ўғрисини ўқ билан йиқит:
 Сен илгари баъзиларга кўмаклашардинг.
 Хўш, нимага анқаяман? Тез кирай уйга.

(Уйга чопади.)

VIII саҳна

А н ф р а к

(Мегадор уйидан чиқади)

560 Сен, Дромон, балиқ тозала. Сен, Маҳерион,
 Келгунимча, барчасини суяклардан тозала.
 Шу яқиндан, Конгриондан ясси қозон сўрайман.
 Сен хўрозни шундай яхши тозалаки,
 У юлинган актёрдан²² ҳам сип-силлиқ бўлсин.
 Қўшнилларда нега бунча шовқин-сурон бор?
 Э, ошпазлар ўз ишига киришган ўхшар.
 Уйга қайтай? Бу ерда ҳам шовқин чиқмаса.

(Яна кетига қайтади.)

УЧИНЧИ ПАРДА

I саҳна

К о н г р и о н

(Эвклион уйидан югуриб чиқади)

Гражданлар, ёт,бегона! Қўшниллар ҳам келгиндилар,
 Жой берингиз, қайга қочай! Кўчаларни бўшатингиз!
 Мен илк дафъа ошпаз бўлдим вакханкалар²³ зўр
 базмига!

Шогирдлар ҳам, мен фақир ҳам калтакландик
 ўлгудек!

Ҳамма ёғим оғрир, ўлдим! Чол мени хўп савалади!
 Шу чоққача бундай қаттиқ бир таёқни кўрмагандим.

10 Бизни урди таёқ билан ва эшикка улоқтирди.

Вой, вой, ўлдим! У қутурган чиқаётир! Ҳа, мана у
Қуваётир! На қилишни мен биламан! Ўзи ўргатди.

II саҳна

Эвклион, Конгрион.

Эвклион

Қайт! Қаерга югурасан? Тўхта, тўхта!

Конгрион

Аблаҳ, нега бақирасан?

Эвклион

20 Маҳкамага мен устингдан чақиқ қиламан.

Конгрион

Нима учун?

Эвклион

Ахир сенда пичоқ бор-ку.

Конгрион

Ошпазда бу бўлиши керак.

Эвклион

Ҳужум қилдинг сен менга.

Конгрион

30 Бир нарсани ёмон қилдим: пичоқ билан биқинингга
урмадим.

Эвклион

Қандай ёвуз! Бу кабилар жаҳонда ҳеч бўлмаган!
Катта бир шавқ билан сени яна уриб тўйсам эди!

Конгрион

Жим бўлсанг-чи! Қилган ишинг шундайин ҳам очиқ
маълум.

Калтаклардан латта бўлдим нозиклашган бузуқдек.
Нега бизга ёпишдинг, разил!

Э в к л и о н

Нима? Бу қанақа саволлар!
40 Мен сизларни оз қоқдимми? Истайсизми қўшимчани?

К о н г р и о н

Тўхта ҳали! Сен биздан ол! Бошинг ҳали бутунми?

Э в к л и о н

Сўнг на бўлар, кўражакмиз. Ҳозир фақат бошга
тегди.
Бунда сенинг на ишинг бор? Айт, нимага
сўрамасдан
Уйга кирдинг, мен у уйдан чиқиш билан?

К о н г р и о н

Қоранг ўчир!
Биз тўй учун ошпазликка келган эдик.

50

Э в к л и о н

А, касофат!
Сенга нима: хом ошайман ё пишириб?
Сен қаердан ҳимоячи бўла қолдинг?

К о н г р и о н

Айт, сен бизнинг бетимизга:
Бу кун овқат тайёрлашга берасанми имкон ё йўқ?

Э в к л и о н

Сен айт менга, менинг молим қоладими ўз жойида?

К о н г р и о н

60 Ўз молимни олиб кетсам шунга шукур қиламан.
Ўзимники етар менга, молинга ҳеч кўз тикмайман.

Э в к л и о н

Жуда аъло биламан мен,
Ургатма менга.

К о н г р и о н

Сен нимага моне бўлдинг бизга қозон қайнатишга?
Бирон ёмон иш қилдикми? Ё қалтис сўз сўзладикми?

Э в к л и о н

Сен қароқчи! Нима савол? Ахир бутун уй ичини,
70 Ҳар уйдаги пучмоқларни айқаштирган сиз эмасми?
Ут олдида ўз ишингда куймалансанг, у чоқ балки,
Бошинг ҳеч дарз кетмас эди. Беҳудага урилмадинг,
Қароримни билиш учун сабринг йўқми? Биلاجаксан.
Эшик томон, манов ёққа, сен берухсат оз-моз
силжсанг,—
Дарҳол сени бандаларнинг бахтсизии қилажакман.
Ниятимни тушундингми?

(Уйга кетади.)

К о н г р и о н

Қайт! Қаерга борасан?
80 Онт ичаман ўғриларнинг худоси Лавернага²⁴:
Идишимни бермас эсанг, ўз уйингнинг олдида
Ост-устингни мен ағдариб сўкажакман ниҳоят!
Нима қилай? Қутсиз вақтда мен бу ерга келибман!
Икки драҳма²⁵ — ҳақим, аммо табибга кўп тўлаш
керак!

III саҳна

Эвклион, Конгрион.

Э в к л и о н

(Олтинли хумчани ушлаб, сийпаб, уйдан чиқади.)

Ўз ёнимда! Қайга борсам, ўзим билан бирга бу энди,
90 Хавф-хатарлар орасида қолдирмайман бунни мен
Ошпазлар ҳам, найчилар ҳам, барчангиз киринг уйга.

Озлик қилса, олиб киринг ҳатто юзлаб қулларни,
Қовурингиз, пиширингиз истаганингиз қадар.

К о н г р и о н

Нақ фурсатда: дастлаб бизнинг бошимизни тешиб,
Энди...

Э в к л и о н

Сен уйга кир: ёллангансан ишга, бекор сўз сётма.

К о н г р и о н

Эй, чол! Сен-да урганинг-чун мен иштраф шиламан!
100 Ёлланганман ош қилишга, калтакланиш учунмас.

Э в к л и о н

Майли, судлаш сен мен билан, кўп чиранма.
Овқатни қил
Эки йўқол уйдан эшак бозорга...

К о н г р и о н

Ўзинг жўна.

(Кетади.)

IV саҳна

Э в к л и о н

У кетди. Қамбағал бой билан боғлансин учун
110 Керак унга кўп жасорат. Мана Мегадор:
Мен шўрликни ҳар мақомга солиб алдаб синайди!
Гўё шараф учун менга шунча ошпаз юборди
Ҳам уйдаги у хўрозни — бир кампирнинг мулкини.
Олчоқ қандай лақиллатди? Мени хароб қилди бутун!
Олтин учун тирноқ билан теваракни хўп ковлаган.
Сўзга ҳожат борми бунда? Ғазабимни зўр қайнатди,
Таёқ олдим: у хўрозим, майда ўғри тушди қўлга!
Хазинамни топиш учун ошпаз бўлиб ёлланган у,

Бунга шак йўқ: қўлларидан қуролни мен тортиб
олдим!

120 Лекин Мегадор — қариндошим, келаётир майдондан.
Ўзни четлаш мумкин эмас, тўхтай, бироз сўзлашай.

V сахна

Мегадор, Эвклион.

Мегадор

Эвклион қизига уйланишимни
Мен барча дўстларимга сўзлаб бергандим.
Ҳамма мақтар: «Бу жуда маъқул иш бўлмиш».

Менимча, ҳамма бойлар шундай қилсайди,
Яъни қалин-молсиз йўқсул қизларга
130 Уйлансалар, гражданлар барчаси у чоқ
Кўпроқ аҳил бўлишарди, ҳасад озаяр эди.
Ҳозир қандай ҳасад бордир бир-биримизга!
Хотинлар ҳам кўпроқ қўрқув сезарди,
Чиқимлар ҳам анча қисқарар эди.
Кўпчилик аҳволи яхшиланароқ,
Озчиликка, очкўзларга кураш кетарди.
Улар очкўзлиги, ютоқлигига
Қонун ва чек қўйиш асло мумкин эмасдир.
Лекин камбағалга ҳуқуқ берилса, бойлар,
140 Қалинлилар кимга тегади, дерлар.
Шундай бўлса, ҳозиргидан кўра соз бўлар,
Оилага яхши ахлоқ келтирардилар.

Эвклион

(четга қараб)

Мен буни қандай завқ билан тинглайман!
Аъло сўзлайди у тежаш ҳақида!

Мегадор

Хотинлардан бири демас: менинг қалиним
Сенинг мол-мулкингдан анча зиёда.
150 Биз бу безак учун ва олтин учун,

Канизлар, кузатчилар, қўтослар ҳамда
Сайр-жавлон учун экипажлар бер.

Э в к л и о н

Хонимларнинг қилиғини соз билади у,—
Хотинларнинг адабини яхши терговчи
Бўла олгай у.

М е г а д о р

- Ҳозир қайга бош суқма, ҳар уй олдида
Баъзи қўрадагидан юк арава кўп!
160 Лекин бошқа ҳар хил чиқимлардан бу
Яхшироқдир. Бунга чидаш мумкинми?
Сукночи, заргар билан туради сўзаначи,
Чевар-тикувчилар ва уқачилар,
Иштон бичувчилар, енгчилар, упачилар,
Бўёвчилар: қоратувчи, сариқчилар,
Матофуруш ҳамда қанча кавшдўзлар,
Этик усталари ҳамда ботинкадўзлар,
Қаққаяди сандиқчилар, пардозчилар,
Қичқирарди сукночилар, қичқирарди ямоқчилар,
170 Қорсетчилар дув келар, ёпирилар қопловчилар.
Ҳа, энди битди дейсан, лекин улар ўрнига
Бошқалар келишади, буларга сон-саноқ йўқ.
Уй атрофин қуршайдилар мўр — малахдек,
Юнгчилар, папақчилар, қутичилар,
Улар билан ҳисоб-китоб битгандан сўнг
Ёпирилади бўёқчилар-заъфарчилар.
Аллақандай чиркин махлуқ тўдаси ҳар чоқ
Бир нимани кутиб турар эшикда²⁶.

180

Э в к л и о н

(четга қараб)

Сасланардим, қизғонаман: у хотинларнинг
Хулқи тўғрисида ҳикоясини
Узади: майли у сўзласин, қўшсин!

М е г а д о р

Бекорчилар билан барча ҳисоб тугагач,
Оч жанговар²⁷ келиб, оқча сўрайди!

Саррофга йўлиқиб узишар ҳисоб.
Ошамай, жанговар маошга фақат
Умид қўяр. Сарроф билан ҳисоби битгач,
190 Қарайдики, яна ўзи қарздордир.
Лекин у умидвор эртага қадар.
Қўп кўнгилсиз воқеалар, бошқа ўринсиз
Чиқимлар боғланган катта қалин-ла.
Эрнинг тасарруфида қалинсиз келин;
Қалин молли хотин — эрни қуритар.
А, уруғим, Эвклион, дарвозада. Хўш, қалай?

VI сахна

Уларнинг ўзлари

Э в к л и о н

200 Сўзларинг билан мен роса маст бўлдим.

М е г а д о р

Эшитдингми?

Э в к л и о н

Бошдан-охиригача тингладим барин.

М е г а д о р

Қизингнинг тўйинга ясансанг агар,
Менга бир қадар хуш келар эди.

Э в к л и о н

210 Қимки давлат ва маблаққа қараб, шон
Ва дабдаба қозонса, у ўз насабин
Хотирласин. Одамларнинг кутганидан ортиқча
Ҳеч нарсага эга эмас бир камбағалман.

М е г а д о р

Бундай дема, тангрилар
Сақласин, кўпайтирсин сенинг мулкингни!

Э в к л и о н

(четга қараб)

«Сенинг мулкинг» — қандай хунук сўздир бу.
У менинг молимдан мендан яхшироқ
220 Хабардордир, ҳаммасини кампир вайсаган.

М е г а д о р

Нега сен суҳбатдан бўйин товлайсан?

Э в к л и о н

Сени койиш учун ўйлаб қолдим мен.

М е г а д о р

Нима учун?

Э в к л и о н

Нима учун? Уйдаги ҳар бир бурчакни
Уғрилар-ла тўлдирдинг! Беш юз ошпазни
230 Келтирибсан бизникига, ҳар бирида олтига қўл;
Улар ҳақиқатан Герион²⁸ авлоди.
Юнона²⁹ томонидан Иога³⁰ терговчи бўлган
Теварагин кўз қоплаган Аргус³¹ пойласин,
Барибир пойлолмас. Яна бир найчи хотин;
Шароб бўлиб оқса агар сув тошқини,
Коринфдан³² оқиб ўтган Пиренанинг³³
Бор манбаин тагигача симирар у,
Юбормишсен яна ҳар хил озиқ-овқат...

М е г а д о р

240 Улар етар бутун бир полкка!
Яна бир қўй юбордим.

Э в к л и о н

Қўйча экан-да!
Мен бундай бир ўлумтикни кўрган эмасман.

Мегадор

Улумтикми? Айтинг! Бу қандай гапдир?

Эвклион

Пўст остида суяклари яп-яланғоч;
Ҳали тирик, барқ уради ичидаги лаш-луши,
250 Финикалилар³⁴ фонаридек равшандир ичи.

Мегадор

Сўйиш учун сотиб олдим.

Эвклион

Уни тезроқ ерга кўмгил, ўйлайманки,
Ҳаром қотган энди у.

Мегадор

Қалай, бу кун ичамизми?

Эвклион

Тўғриси, мен ичмас эдим.

260

Мегадор

Ўз танимдан бир бочкача эски шаробдан
Келтиришни буюрар эдим.

Эвклион

Таъбим тортмас,
Фақатгина сув ичишни истайман.

Мегадор

Фақатгина сув ичасан?
Барибир мен сени хўп суғораман!

(четга қараб)

Нима мўлжаллади! Биламан! Шароб билан у
 Мени қулатишга йўл тузаётир!
 Сўнг олтиним ўзгартирар маконини.
 Эҳтиёт бўлиб, хазинамни уйдан чиқарай,
 Шароби, меҳнати бекорга кетсин.

М е г а д о р

Қурбонликка таҳорат қилиш-чун борай.
 Хайр.

(Кетади.)

Хумча! Сенинг душманларинг кўп!
 Сендаги олтинга кўз ташлашади.
 Шундай қилмоқчиман: Садоқат маъбадига³⁵
 Сени элтаман, унда дуруст кўмиласан.
 Садоқат, мен сени ва сен мени биласан.
 Мен ўз молимни сенга омонат қўйсам,
 Хиёнат қилма менга! Сенга бораман,
 Маъбуда, ишонаман садоқатингга!

ТЎРТИНЧИ ПАРДА

I с а ҳ н а

С т р о б и л

Миришкор қул бўлсанг агар, нима қилсам, сен
шуни қил.
 Тўхтамасдан, ранжимасдан, буюрилган ишни
бажар.
 Виждон билан хизматингни ижро қилган чоғингда
 Дастлаб ўйла хўжайинни, сўнг ўзингни ўйлагил.
 Сен ухласанг, уйқингда ҳам аниқ билки, сен фақат
қул.

Ўз хўжангнинг иродасин ўрганишга чалиш сен.
10 Пешонаси нима истар, кўзинг дарров англасин.
Иш буюрса: шамолдан ҳам тезроқ учиб бор ишга.
Агар шундай ғамхўр бўлсанг, қамчинларни
тотмайсан.

Ўз айбинг-ла кўзларингни ишқамайсан ойнадай,
Менинг хўжам Эвклион қизини кўп севади³⁶.
Хабар олдим: Мегадорга берармишлар у қизни.
Бунда нима ҳангома бор, билиш учун юборди.
Гумон қилмаслари учун қурбон саҳнида турай,
Мен бу жойдан ҳам у ёқни, ҳам бу ёқни кўраман.

II саҳна

Эвклион, Стробил.

Эвклион

Сен, маъбуда, топширдигим бу олтинни ҳеч кимга
Кўрсатма ҳеч. Биров уни ўз-ўзинча тополмайди,
Хавф-хатар йўқ: олтин яхши беркитилган.
Агар биров топса уни, иши роса ўнг бўларди,
Олтинли хум! Эй вафокор маъбуда, ҳеч кимга
берма!

Хўш, энди мен ювиниш-чун борай, қурбон кесилар.
Ялинаман, ялинаман, хазинамни сақла, Вафо!³⁷
Олтинни сенга қўйдим, маъбад оғочзорига
30 Жуда яхши яширдим.

(Кетади.)

Стробил

Нима эшитаман! Нима дер чол! Тангрилар!
Маъбаддамиш олтин тўла бир хумча! Вафо, сен
менга
Кўпроқ вафодор бўлгил! Хўжайин суйган қизнинг
У отаси бўлса керак. Мен кираман
Ичкарига, маъбад сари; ҳаммаёқни титаман,
У машғулкан, топмайманми олтинни.
Топилса-чи, Вафо учун лим-лим тўла ва ҳаққоний
Ўлчовда май бағишлайман. Бағишлайман мен
сенга,

40 Иш битириб, сўнг мен ўзим ичаман.
(Маъбадга киради.)

III саҳна
Эвклион
(Қайтади)

Оҳ, сўл ёқдан қағиллади қарға. Яхшилик эмас!
Тирноғи-ла ерни ковлаб қаттиқ қағиллади у.
Юрак, моҳир ўйинчидай, дарров ўйнади.
Кўкрагимни уради у. Нима учун мен турибман?
Тезроқ югурай!

(Маъбадга киради.)

IV саҳна
Эвклион, Стробил.

50

Эвклион

Йўқол, ҳашарот! Ер остидан шу зумда чиқдинг!
Сен илгари тамом йўқдинг: чиқдинг, энди маҳв
Хўп ўхшатиб жаззанг берай сен муттаҳамга!
бўласан.

Стробил

Жин чалдими? Нега менга ёпишиб қолдинг?
Нега мени итарасан ва судрайсан, бунча урасан?

Эвклион

60 Пачоқ тумшуқ! Яна мендан сўрайсанми, ўғри,
қароқ!

Стробил

Нима олдим?

Эвклион

Қайтариб бер!

Стробил

Нима берай?

Э в к л и о н

Бер!

С т р о б и л

70 Ҳеч нимани олганим йўқ.

Э в к л и о н

Узинг учун олганингни менга бер.
Қани, чўз!

С т р о б и л

Нима берай ахир сенга?

Э в к л и о н

Мендан илиб кетолмайсан.

С т р о б и л

Ахир сенга нима керак?

80

Э в к л и о н

Чўз, орқангда нима бўлса.

С т р о б и л

Кўраманки, сен орқадан пойлашга
уста.

Э в к л и о н

Сен бер буни, бўлма фирром! Сира ҳазил қилмайман!

С т р о б и л

Нима берай? Очикроқ айт, номини сўзла.
Мен ҳеч нима олмадим ҳам ҳеч нимага тегмадим.

Э в к л и о н

90

Кўрсат қўлинг бу ёққа.

С т р о б и л

Мана.

Э в к л и о н

Тағин!

С т р о б и л

Мана, иккови.

Э в к л и о н

Мен кўраман, сен учинчи қўлингни чўз!

С т р о б и л

100 Эси айнабди чолнинг! Жин урганга ўхшайди.
Бу ранжитиш эмасми?

Э в к л и о н

Жуда. Дорга осилганинг йўқ ҳали сен,
Агар иқрор бўлмасанг, бу ҳам бўлажак.

С т р о б и л

Хўш, нима гап?

Э в к л и о н

Сен нимани ўғирладинг бу ердан?

С т р о б и л

110 Сенинг нарсанг олган бўлсам, ўлақолай.
Ҳатто тамом ўйлаган ҳам эмасман.

Э в к л и о н

Тўхта, бундай тўнингни қоқ!

С т р о б и л

Мана, сен силкит.

Э в к л и о н

Қийим остида, айт, ҳеч нима йўқми?

С т р о б и л

Узинг ушлаб кўр.

120

Э в к л и о н

Оҳ, қароқчи, жон-дил билан ўзин тинтув қилдирар,
Гўёки мен нарсамни у олган, дея ўйламай!
Биламан бу ҳазилларни. Яна қўлингни кўрсат.
Унгни!

С т р о б и л

Мана.

Э в к л и о н

Сўлни!

С т р о б и л

130 Энг яхшиси, икковин ол!

Э в к л и о н

Тинтув битди. Қайтариб бер!

С т р о б и л

Сенга нима бераман?

Э в к л и о н

Сен беҳуда сўзни ташла! Уғирлагансан ахир?

С т р о б и л

Мен нимани ўғирладим?

Э в к л и о н

140 Мен айтмайман. Барин билиш истайсан-а?
Мундан нима ўғирладинг, барин қайтар.

С т р о б и л

Эй эси йўқ, хоҳлаганча тинтдинг сен мени,
Лекин менда ҳеч нимани тополмадинг-ку.

Э в к л и о н

Тўхта, тўхта! Ким сен билан бўлди унда? Шерикни
айт!
Ҳалок бўлдим! Ичкарида у қидирар, буни қўйсам,
Қочиб кетар. Лекин буни тинтдим. Ҳеч нима йўқ,
кет!

С т р о б и л

Йиқилиб ўл!

Э в к л и о н

Ташаккур, ёмон эмас. Ичкари кириб,
Уртоғингнинг томоғидан маҳкам тутаман.
Сен йўқол, тур! Кўзимдан қоч!

С т р о б и л

Кетаётирман.

Э в к л и о н

Мундан буён кўринма!

(Маъбадга киради.)

V сахна

Стробил

Майли мени золим ажал ҳалок қилсин, мен фақат,
Бу кексани тузоғимга туширсам бас. Лекин у
Олтинни яна шунда кўмишга жазм қиларми?
Албатта, у олади-да янги жой қидиради.
Мана, эшик гичирлайди. Олтинни чол олиб чиқар.
Мен лип этиб эшикдан бу томонга беркинай жим.

(Яширинади.)

VI сахна

Эвклион, Стробил.

Эвклион

Мана, Вафо худосига ишонч билдирмоқчийдим:
Сал қолдики, бурнимни у ерга ишқасин.
Қарға ёрдам бермаса-чи, мен бечора маҳв

бўлардим!

У билдирган қарға менга келса эди шу топда,
Дарров уни яхши сўз-ла қарши олган бўлардим.

Овқат бермас эдим: нега керак бекор чиқим!
Энди буни олисроққа қандай қилиб яширай?

Шаҳардан чет, пастқамликда Сильваннинг³⁸

ўрмони бор,

Унда тўп-тўп дарахтлар бор, у ердан жой топаман.
180 Мен Вафодан кўра Сильван учун ишонч билдирай.

(Кетади.)

Стробил

Мана бу саз! Халос қилар мени худолар!
Мен олдинроқ югураман, сўнг бир дарахтга чиқиб,
Чол қаерга у олтинни яширади, кўраман.
Тўғри, хўжам буюрганди бунда туришни:
Майли! Урса-урар, аммо фойда кўраман анча.

VII сахна

Ликонид, Эвномия, Федра.

(сахна орқасида).

190

Ликонид

Барча сўзим айтдим. Сен-да мен каби энди
Эвклион қизи тўғрида ҳамма гапни биласан.

Ана, мен яқинда сўраганимни яна
Қайта-қайта ўтиниб сўрайман сендан:
Бу тўғрида тоғам билан сўзлашиб боққил.

Э в н о м и я

Биласанки, мен ҳар вақтда орзуларингнинг
Юзага чиқишин кўрмак истайман.
Умидим бор акамдан, бу иш битади, албат.
200 Агар сен маст бўлиб қизнинг номусин
Олганинг рост бўлса, бу иш одил иш.

Л и к о н и д

Мумкинми қаршингда ёлғон сўзлашим?

Ф е д р а

(саҳна орқасида)

Оҳ, энага, энага! Уламан! Қандай оғриқ!
Юнона, ёрдам қил менга!

Л и к о н и д

Мана, эшитасанми?
210 Қичқиради, туғмоқда у! Иш равшандир ҳар
қандай сўзчан.

Э в н о м и я

Ўғлим, мен билан юр, акам олдига,
Унинг розилигин олайлик бирга.

(Кетади.)

Л и к о н и д

Юр, борамиз. Ажойиб иш,
Кулим Стробил қаерда экан?
Мен унга буюрдим бунда кутишни.
Майли, агарда мен учун чалишса,

- 220 Аччиглашиш учун йўқ бир баҳона.
Ҳаётим ҳал бўлган жойга бораёмин.

(Кетади.)

VIII саҳна

С т р о б и л

- Олтин конли тоғларда ажиб қушлар бор:
Мен ёлғиз бой улардан. Бутун шоҳлар менга нима?
Арзимаиди тилга олиш, улар гадойдир!
Мен шоҳ Филипп, кам эмасман. Эй, ажойиб кун!
Мен бу ердан ҳали кетиб, олдинроқ бордим,
230 Бир дарахт устига чиқиб ўтирдим.
Мен пойладим; олтинни чол қайга кўмар?
Чол жўнагач, дарахтдан тушдим бир зумда,
Қазиб олиб хазинани, чопдим, мана бу:
Чол қайтди, лекин у мени кўрмади,
Ўўлдан бир томонга бироз бурилдим.
А, мана ўзи келар. Бунни яширай.

(Кетади.)

IX саҳна

Э в к л и о н

- 240 Мен битдим! Мен ҳалок! Вой, мен қаерга
Югурай, қаерга югурай? Тўхта, ушла!
Ким? Кимни? Кўрмайман, билмайман, мен сўқир!
Қайга борай? Мен қайдаман? Мен кимман?
Эс-ҳушум йўқ! Қўмаклашинг, ялинаман.
Ўғирлаган кимдир, кўрсатинг менга!
Нима дединг сен! Сенга ишонгим келар,
Сен яхши одамсан, афтингдан маълум.
Бу нима? Куласиз. Биламан барчангизни.
Аксарингиз — ўғрилар, бунга шубҳа йўқ.
250 Оқланган кийим³⁹ билан айбингиз ёпиқ,
Номусли одамлардек ўтиришади.
Булардан ҳеч бири кўтармаганми?
Уҳ, ўлдирдинг мени! Қани, айт менга:
Ким олди? Билмайсанми? Қандай фалокат!

Мен қуртдай эзилдим! Балога ботдим!
Қанча фиғон ва қанча золим қайғуни,
Очлик, қашшоқликни келтирди бу кун!
Ер юзида мен энг ожиз, энг паст бир одам!
Менга умр нима? Шунча олтиним
260 Иўқотдим, мен қандай асраган эдим!
Ўз-ўзимни ўғирладим, энди халойиқ
Расволигим, қазабимга хурсанд бўлади,
Бунга бардош учун менда мадор йўқ.

Х саҳна

Ликонид, Эвклион

Ликонид

Ким йиглайди, ким сиқтайди уйимизнинг олдида?
Фаҳмлайман, бу Эвклион! Иш очилган! Мен
битдим!
У, албатта, ўз қизининг туғишидан хабардор!
270 Нима қилай? Қетай! Қолай? Унга борай, қочайми?

Эвклион

Бу ерда ким?

Ликонид

Мен бир бахтсиз.

Эвклион

Йўқ, мен бахтсизман, мен энди
ҳалок!
Бошимга шунча дард, қайғу йиқилди!

Ликонид

Тинчлангил бироз!

280

Эвклион

Тинчланиш мумкинми?

Л и к о н и д ,

Руҳингни паришон этган у ишни,
Эътироф этайин, мен қилган эдим.

Э в к л и о н

Нима дейсан ўзинг?

Л и к о н и д

Мен, мен!

Бу тўғри.

290

Э в к л и о н

Хўш, мен сенга нима ёмонлик қилдим?
Нечун мени, фарзандларим маҳв қилишга
уридинг?

Л и к о н и д

Худо мени бунга йўллаб, унга мени жалб этди.

Э в к л и о н

Қандай?

Л и к о н и д

Иқрор қиламан мен ўз айбим, масъулиятим,
Сендан сўрашга келдим: кўнгилдан мени кечир!

300

Э в к л и о н

Қандай қилиб ботиндинг бировникин олишга?

Л и к о н и д

Нима қилай? Шундай бўлиб чиқди. Афсус, беҳуда.
Тангри ризоси экан, усиз бўлмаган бу иш.

Э в к л и о н

Иўқ, тангрилар хоҳиши бу — сени занжирда бўғай!

Л и к о н и д

Йўқ, бундай дема!

Э в к л и о н

310 Менинг неъматимга сен қўл солишга
ботиндинг,
Қандай қилиб, менсиз?

Л и к о н и д

Шароб ва ишқдадир айб.

Э в к л и о н

Виждонсиз! Уятсиз, разил!
Бу сўз билан келишга қандай жасорат қилдинг,
Бу билан узр этишга ҳақли бўлсанг, у чоқ юр,
Қуппа-қундуз хотинлардан олтинларин юламиз.
Ушласалар-бўйсунамиз: мастлик, севги-айбдор.
320 Мастлар, севишганлар ҳеч бир жазосиз
Истаганларин қилса, шароб, севги беқадр.

Л и к о н и д

Аҳмоқчилик қилдим, лекин ўзим узр сўрайман.

Э в к л и о н

Севмайман, ким ёмонлик қилиб, оқланишни
кўзласа,
Билардинг-ку, сеникимас, тегини керак эмасди.

Л и к о н и д

Мен бир карра тегибман, яхиниси менда қолсин.

Э в к л и о н

330 Қандай менинг рухсатимсиз — меники?

Л и к о н и д

Эй, йўқ.

Нега рухсатсиз? Лекин меники бўлсин,
Эвклион, сен ўзинг ҳам буни тўғри топасан:
У меники бўлиши керак!

Э в к л и о н

Судга сургаймен сени! Агар қайтармасанг, мен
Ариза ҳам бераман,
Худо ҳақи.

340

Л и к о н и д

Мен нимани қайтараман? Нимани?

Э в к л и о н

Нимани ўғирладинг.

Л и к о н и д

Менми? Уғирладим? Қаердан? Бу нима?

Э в к л и о н

Агар сен билмасанг,
Тангри қаҳрига учра.

Л и к о н и д

350

Йўқ, сен гапир, сен нима
ахтарасан?

Э в к л и о н

Олганим хумда эди. Олганингни иқдор қилдинг.

Л и к о н и д

Йўқ, сўзламадим, олганим йўқ.

Э в к л и о н

Қандай? Сир бермайсанми?

Л и к о н и д

На олтинни, на хумчани, ҳеч нарсани билмайман.

Э в к л и о н

360 Сильван ўрмонидан олган хумчани қайтар,
Бер, сўрайман. Бўлишамиз. Яرمىси сенга.
Ўғри бўлсанг-да, хира бўлмайман. Қайтар!

Л и к о н и д

Мен ўғрими? Эвклион, ҳозир жилла соғ эмасга
ўхшайсан.

Мен ўйлагандимки, сен бошқа ишни билгансан,
У ҳам муҳим ишдир ҳам менга оид.

Вақт бўлсайди, мен сен билан сўзлашар эдим.

Э в к л и о н

Айт, виждонан, сен олтинни ўғирламадинг?

370

Л и к о н и д

Ўғирламадим.

Э в к л и о н

Ким олганин ҳам билмайсан?

Л и к о н и д

Йўқ, билмайман.

Э в к л и о н

Билсанг, уни
Менга кўрсатасанми?

Л и к о н и д

380

Ҳа.

Э в к л и о н

Уғри билан шериклашмайсан?
Ким бўлмасин, ҳеч ҳимоя қилмайсан?

Л и к о н и д

Иўқ.

Э в к л и о н

Агарда алдасанг?

Л и к о н и д

У чоғ менга Юпитер қаҳрини сочсин.

390

Э в к л и о н

Қифоя.
Энди сўйла, нима истайсан.

Л и к о н и д

Эҳтимолки, сен билмассан,
Мен ким, қайси уруғдан. Мегадор тоғам,
Антилох отамдир, исмим Ликонид.
Онам — Эвномия.

Э в к л и о н

Зотингни биламан. Сўзлагил энди
400 Сенга нима керак?

Л и к о н и д

Сенинг қизинг бор.

Э в к л и о н

Ҳа, уйда, яқин.

Л и к о н и д

Сен уни тоғамга бермоқчи бўлдинг?

Э в к л и о н

Нақ айтганингдай.

Л и к о н и д

410 Мен орқали у ҳозир рад жавобин юборди.

Э в к л и о н

Тўй учун ҳар нима муҳайё. Қандай рад қилар?
Тангрилар, маъбудалар унга қаҳр этсин!
А, мен эса у юздан қанча олтин йўқотдим,
Шўрим қурсин!

Л и к о н и д

Вазмин бўл, қарғишга тилни югуртма.
Сенинг ҳам, қизинг ҳам бахтига бу ниц
Аврилсин! Шундай бўлсин, дегил сен ҳам.

420

Э в к л и о н

Тангрилар шунга муяссар қилғай!

Л и к о н и д

Менга ҳам насиб этсин!
Тингласанг-чи! Гуноҳ қилиб, уят, номус билмаган
Одам қандай разил ва паст бўлади! Ялинаман,
Эвклион, сенинг ва қизинг қаршисида
Мен гуноҳкор бўлганман, сен кечир мени
Ва қизингни никоҳ қилиб бер, мен иқрор қилай.
Қизингни мен ранжитдим Церера байрамида.
430 Шаробнинг ва ёшликнинг ўтига берилибман.

Э в к л и о н

Шўрим қурди! Қандай қилдиқ! Нималарни
эшитяпман!

Л и к о н и д

Нега фигон?
Қизинг никоҳиға сен бобо бўлсанг, ёмонми?
Церера байрамидан ўнинчи ой ўтди, сана,
Шунинг учун мен юзимдан тоғам рад қилди тўйни.
Бу қанчалик тўғрилигин уйға кириб бил.

Э в к л и о н

440 Бу тўппа-тўғри ўлим!
Бир офатдан сўнг бошқаси устма-уст ёғилмоқда.
Бу қанчалик тўғри экан, билиш учун уйға борай.
(Кетади.)

Л и к о н и д

Изидан борай.
Бу иш битиб, ўпқонликдан чиқдим шекилли.
Бир нарсани англамайман, қулим Стробил қани?
Уни бироз мунда кутиб, сўнг у ерга бораман.
Эвклион ўз қизидан сўрасин учун
450 Барча ишни, фурсат берай. Барча иш қизга
маълум.

БЕШИНЧИ ПАРДА

І саҳна

[Стробил олтин тоғани тўғрисида Ликонидга мақтанади ва озод қилинишни сўрайди. Ликонид олтинни қайтаришни талаб қилади.]

[Комедиянинг охири сақланган эмас. Лекин комедиядаги баъзи бир аломатларга қараганда, хумчадаги олтин комедия охирида Эвклионга қайтарилади. У эса олтинни қалин сифатида қизига беради. Хазинанинг Эвклион қизининг тақводорлиги учун унга насиб қилиниши ва шу орқали унинг эрга чиқишини осонлаштириши — асарнинг прологидан ҳам кўриниб туради].

МАҚТАНЧОҚ ЖАНГЧИ

(Парча)

[Бу комедия мақтанчоқ жангининг образини ёрқин тасвирлаш билан гўзалдир. Плавтнинг комедияси бу «Венера»⁴⁰ набирасини»

- (у ўзини шундай атайди) бутунлай масхаралаш билан тугайди; у тузоққа илинади, бегона хотинларга шилқимлик қилгаини учун уни урадилар. Кейинги вақтдаги драмаларда бу образ XVI—XVII асрлардаги итальян комедияси делл-артеда, Шекспирнинг Фальстафида ва бошқаларда махсус шаклда қайтадан жонланади.
- 20 Биринчи саҳнаёқ ғоят қизиқдир, бунда ҳалиги жангчи тутуриқсиз бир мақтанчоқ, авантюрист ва ловелас⁴¹ сифатида ёрқин характерланади ва бу билан бирга паразит, тайёрга-айёр ва хушомадгўй одамнинг «усталиги» тасвирланади.]

БИРИНЧИ ПАРДА

I саҳна

Пиргополиник, Артотрог⁴², яроқдорлар.

Пиргополиник

(хизматкорларига)

- Қалқонимни тозаланг! Очиқ кунги қуёшдан
Кўра ёрқин порласин. Керак бўлган чоқда биз
Тикка чопқалашармиз, душманларнинг кўзига
Ялтирасин ва ўткир кўзларин хира қилсин.
Мен содиқ қиличимга таскин бермоқчидирман,
10 У ҳеч хафа бўлмасин ва ғазабга кирмасин,
Душманларни қиймалаш учун у интилади,
Мен кўпдан буён уни беҳудага тақаман.
Артотрог қаерда?

Артотрог

Мана, ёнингда турар.
Шоҳона қоматли, бахтиёр, ботир эр!
Бундай жанговар билан ботирликда, шуҳратда
Ҳатто Марс⁴³ ҳам ўзини ҳеч вақт тенглаштиролмас.

Пиргополиник

- 20 Червив майдонларида, Нептуннинг⁴⁴ набираси
Бомбомахид Клитоместоридисархид⁴⁵
Сардор бўлган замонда мен томондан қутқарилган
Бу эмасми?

Артотрог

Ҳа, ёдимда, у кун, олтин қуроли эдинг,
Унинг легионларини⁴⁶ нафасинг билан шамол
Барғни узган ё томлардан сомон парчасин
Учиргандек, тўзғитдинг.

Пиргополиник

30 Арзимаган нарса бу.

Артотрог

(четга қараб)

Сен бутунлай қилмаган
Ишларга нисбатан бу, албатта, арзимади!
Ўтакетган ёлғончи! Бунга ўхшаш мақтанчоқни
Қим кўрган бўлса унга, мен қул бўлайин ўзим,
Ўзим борай қул бўлиб! Бир нарсага ачинаман:
Жангчининг винегрети ғоят тотлидр.

Пиргополиник

40 Сен қайдасан?

Артотрог

Мен мунда. Ҳиндистонда сен битта
Бир зарб билан қўлин синдирган эдинг. филнинг

Пиргополиник

Қўлиними?

Артотрог

Яъни тўпифини демоқчи эдим.

Пиргополиник

Секин урган бўлсам керак!

Агар сен яна пича
Уринсайдинг, у вақтда қўлинг филнинг ичаги
Ва бошидан тешиб чиққан бўларди.

П и р г о п о л и н и к

Эҳе, сўзлаш ортиқча!

А р т о т р о г

Тўғри! Бу нарсаларни
Сенга сўзлаш ҳам ортиқ! Биладан зафарларинг.

(Четга қараб.)

Қулоқларинг тингласин, тишингни фижирлатма.
60 У ёлғонни вайсаса, сен қўшилиб кўпиртир.

П и р г о п о л и н и к

Айтмоқчийдим бир нарсани...

А р т о т р о г

Мен биламан,
Эсимда бор, шундай эди.

П и р г о п о л и н и к
Нима?

А р т о т р о г

Нима бўлса у.

70

П и р г о п о л и н и к

Сен билан...

А р т о т р о г

Варақларми? Ҳа, менда. Қалам ҳам бор.

Пиргополиник

Қандай эпчиллик билан менга пайрав бўласан!

Артотрог

Мен хулқингни-феълингни равшан билишим керак,
Нима истасанг, олдин билишга интиламан.

Пиргополиник

80 Эсингдами?..

Артотрог

Эсимда. Киликияда бир ярим юз,
Скифолатронияда эса бир юз одам,
Македониялилардан эллик, Сардларда ўттиз,—
Мана, сен бир кундаёқ шунча одам ўлдирдинг.

Пиргополиник

Жами қанча бўлар?

Артотрог

Барини йиғиштирсак, етти минг бўлар.

90

Пиргополиник

Шунча бўлиши керак. Ҳисобинг жуда тўғри.

Артотрог

Кошки бирини ёзсам! Бари шундай эсимда...

Пиргополиник

Эсни қара-я!

Артотрог

Хайр-эҳсонинг зеҳнимни очди!

Пиргополиник

- 100 Ҳамиша шундай қил — доимо тўқ бўласан,
Ҳар вақт дастурхонимдан ўзингга жой толасан.

Артотрог

Каппадокияда қандай? Бир зарб билан беш юзни
Ўлдирган бўлар эдинг: қилнч ўтмасди, афсус!

Пиргополиник

Улар ожиз ва ниёда аскардир! А, қўй, қуи кўрсин!

Артотрог

- Нима деб алжирайман! Бутун дунё билар буни!
Пиргополиник! Сен дунёда ягона одам.
110 Сен ягона шунинг билан ва ажиб ҳуснинг билан,
Ботирликда сенга тенгни топиш мумкин эмасдир.
Ҳамма хотинлар сени севади, бу табиий;
Чунки сен жуда гўзал! Масалан, мени кеча
Яхтагимдан тутқалаб тўхтатишди...

Пиргополиник

Хўш, улар нима деди?

Артотрог

- Улардан бири сўрди: «Сен Ахилл⁴⁷ эмасмисан?»
«Йўқ, укаси». Бири деди: «У қандай гўзал,
120 Қандай нафис!» «Жингалак соч унга қандай кел-
лишган!»
«У билан ухлаганлар чиндан бахтиёр!»

Пиргополиник

Нақ шундай дейишдимми?

Артотрог

Ҳа, бугина эмас ҳали:
Ёлворишиб ёпишди иккиси менга,
Ёнимиздан олиб ўт, дея мендан сўрашди.

Пиргополиник

Гўзал бўлиш даҳшатли офат!

130

Артотрог

Сўрашиб, ялнинишиб бошимни қотиришди,
Сени кўришга муштоқ, уйларига чорлайлар,
Ишларингни ўйлашга менга имкон бермайлар!

Пиргополиник

Биз энди майдон сари боришимиз керакдир.
Варақларга ёзилган ёлланувчилар номи,
Уларнинг маошини ҳозир тўлашим керак.
Одам тўплаш ва ёллаш ишини менга бериб
Ва ўтиниб сўраган эди-ку шоҳ Селевк⁴⁸.
140 Бу кунни подшоҳга балки мен бағишларман.

Артотрог

Хўи, бўлмаса, борайлик.

Пиргополиник

Муҳофизлар, юрнинг орқамдан!

[ФИТНАЧИ ҚУЛ ОБРАЗИ]

[Плавт севган аёллар, эпчил қул образи Аристофан комедиясида тугила бошлаб, грек маиший комедияси томонидан тараққий эттирилди. Бу образ италян комедияси дель-арте ва француз драмаси (Мольер, Бомарше)да кўрилган эпчил, қув хизматкор образининг бошланғич кўринишидир. «Мақтанчоқ жангчи» комедиясида муҳим бир масалани ўйловчи шундай бир қулнинг ҳаракатлари кўрсатилади. «Псевдол» (алдамчи) комедиясида эса бундай қулнинг фигураси марказий ўринни олади; у гоҳ ўзини тўсатдан илҳом қучган шонрга, гоҳ шаҳарни тик ҳужум билан олувчи қўшин бошлиғига ўхшатади.]

10

„МАҚТАНЧОҚ ЖАНГЧИ“ КОМЕДИЯСИДАН

Периплектомен

Томоша қилингиз!

Қандай турар! Маиғлайини буруштирган, ташвишланган, ўйлайди, 20

Қўли билан кўксин урар: қалбини у чиқармоқчи
шекилли.

Қайрилди у. Сўл панжасин сўл биқинга тиради,
Унг қўл бармоқлари билан ҳисоб юргузди,
Унг биқинни уради у, кучи билан уради.

- Нима қилгай, бир фикрга келолмади шекилли!
- 10 Бармоқларин қисирлатди. Қийин аҳвол. Бечорада
бардош йўқ.
Бошин чайқар. Ёмон ўйлаб чиқарди. Лекин қандай
бўлмасин,
Пишмаганни бермас. Нима тотли қовурилган, шуни
берар.
Режа қурур. Даҳаннинг остига бир устун қўйди,
қара-чи қандай?

„ПСЕВДОЛ [АЛДАМЧИ]“ КОМЕДИЯСИДАН

БИРИНЧИ ПАРДА

IV саҳна

П с е в д о л

Сен ёлғизми ҳозир, Псевдол!

Хўш, нима кўзлайсан? Ваъдага танти эдинг,

Билмадим, ижроси қандай бўлажак?

Режанг қани? Ҳеч бир. Ақча? Бу ҳам йўқ.

Қитдай ҳам йўқ. Нима қилиш керак, ўзим бил-
майман:

- 10 Сўзанага қўл солишни мен қаердан бошлайман
Ва қаерда битираман, маълум эмас. Лекин шоир
Қоғоз олар, фақат унга нима ёзишни билмас,
Аммо ўз хаёлини ҳақиқатдек кўрсатар.
Мен ҳам шоир бўламан: ҳеч қайда йўқ йнгирма
Минани⁴⁹ ҳар йўл билан, албат, топаман.

ИККИНЧИ ПАРДА

I саҳна

П с е в д о л

Менинг бутун қилиқларим, Юпитер,
Яхши чиқаётир, мен бахтиёрман!

На шубҳани, на қўрқувни биламан.
Қўрқоқ қалбга улуғ зафар топшириш,
Аҳмоқликдир, албатта!
Ишни қанча муҳим билсанг, уни шунча соз

бажарасан.

10 Мен олдиндан бутун кучни ўз руҳимда
тўпладим:

Бутун макр ва алдашни икки-уч қатла
Орттирдим мен, қайда душман йўлиқса,
[Шоили аждодимга⁵⁰ сиғиниб, олиб мадад]
Чалишқоқлик, макр ва фириб билан
Жанговар душманларнинг барчасин осон
Енгай, шон-шавкатдан маҳрум қилайин.
Баллонни⁵¹ (сизга, менга у ялпи душман)
Замбаракдан отиб ҳозир ўлдираман:
Фақат сизлар диққат билан қараб туринг.

20 Бу кун тикка ҳужум қилиб олмоқчиман шаҳарни.
Мен бошлайман қўшинларим бу томонга ҳам.

Фатҳ этаман — гражданлар учун бу бир
ғалаба,

Сўнгра дарҳол қўшинларим билан бора-
ман,

Эски қалъа устига юриш қиламан.

Ўзимга ҳам барча қатнашчиларга,
Юклайман, қалайман ғаниматларни,
Душманларга қўрқув солиб, ҳайдайман:
Улар билсин, аждодимга қандай ўхшай-
ман.

Мана мен қай наслдан! Улуғ зафарлар
30 Сари юриш керак эди менга кўп чоқдан,
Абадий шон бағишлар зафарлар кейин.

КУРКУЛИОН

(Парча)

[Ўз севгилисини чақирувчи ёш йигит томонидан бажариладиган, ёпиқ эшик орқасида айтилувчи «қўшиқ»лардан Плавтда шу биргина намуна берилди. Плавтнинг бу қўшиғи элли⁵² лирикаси услубида ёзилган.]

БИРИНЧИ ПАРДА

II саҳна

Ф е д р о м

(куйлайди)

Эй, қасрлар, қасрлар, руҳимдан сизга салом!
Сизни суйиб, сизни истаб, сизни ундаб, ялинаман!
Сиз гўзали саройларнинг, ишқ соати сизга полам:
Барчангизнинг ўрнишгизда қизқчилар рақс этсин,
Йўл берингиз, ҳатлаб пастга тушсин у, ялинаман:
Мен бечора, қоним ичган унинг ҳирсли қулиман!
10 Оҳ, боқ, шўрим қурди меним, саройлар данг қотиб
ухлар,
Кўмакчим йўқ, келмайдилар, уларда йўқ, ҳаёт ҳеч
йўқ!
Мен учун сиз ёрдам қилми истамайсиз бутунлай,
Мен кўраман.
Жим туринг, тининг, ўтинаман!

ТЕРЕНЦИИ

Публий Теренций Афер — Рим драматурги бўлиб, Плавтга ўхшаш тақлидий комедиянинг намояндасидир. У милоддан илгариги ҳисобнинг 185 йил ораларида Шимолий Африкада туғилган. Ёшликда қул қилиниб Римга келтирилган ва сенатор¹ Теренций Лукан қўлида яшаган, бу киши унга яхши маълумот бериб, озод қилган. Теренций грек маданиятига қизиқиш кўрсатган аристократларнинг либерал гуруҳлари томонидан тузилган тўғаракка тез кунда аъзо бўлиб киради ва бизга 10 қадар сақланган олтига комедияни ёзади. Кейин у Грецияга жўнайди, лекин у ерда милоддан илгариги ҳисобнинг 159 йилида вақтсиз вафот қилади. Унинг комедияси ҳам, Плавтда кўрилгани каби, қайтадан ишланган грек маиший, «янги» комедиядир, лекин у Плавтга қараганда асл оригиналлариغا кўпроқ яқин туради.

Ҳатто ўрта асрларда ҳам Теренцийни кўп ўқиганлар. X асрда роҳиба Хротсвита, унинг комедияларининг ахлоқ бузувчи таъсиридан қўрқиб, Теренцийга тақлидан ўз комедияларини ёзади, лекин улар христіанлик руҳи 20 билан суғорилгандир. Ренессанс даврида Теренций комедиялари гуманистлар учун нафис латин тилининг намунаси каби хизмат қилган: унинг комедиялари Мольерга таъсир кўрсатган; масалан, «Қайин она» деган комедияси XVIII асрдаги буржуазия сентиментал драмаси учун намуна бўлган.

АНДРИЯНКА

(Парча)

ПРОЛОГ

[Илк аввал ёзилган бу комедиянинг прологн Теренций билан 30 драматик шоирлар ўртасида қўзғалган адабий мунозарани жуда

яхши очиб беради. Драматик шоирлар маълумоти оз бўлган кенг омма театри, Плавт театрининг тарафдори эдилар.]

- Ижоднётга мароқ сезиб ўзида,
Шоир қўйди ўз олдига бир вазифани,
10 Истади асарлари оммага ёқсин,
Лекин тамом бошқача чиқишни кўрар:
Пролог ёзиш учун кўп чалишади.
Мақсади пьесаларнинг мазмунини баён
Қилиш эмас², душмани, эски шоирга³,
Очиқ ҳақоратларга жавоб беришдир.
Унинг қабоҳати нима экан, тинглангиз!
Икки комедияни Менандр ёзган
«Андросска», «Перинфянка», улардан бирин
Ўқисангиз, икковин ҳам билажаксиз:
20 Мазмунан уларнинг жилла фарқи йўқ.
Лекин тилда, услубда кўп айирма бор.
Шоир иқрорга тайёр: «Перинфянка»дан
Лозим сўзни кўчириб «Андросска»га,
Фойдаланган ундан ўзиникидек,
Бу билан таъналаб, эътироз қилар:
Икки комедиядан бир комедия⁴
Яшаш мумкин эмасдир. Бундай донолик
Аҳмоқликнинг уччига чиқиш эмасми?
Уни айблаб, бу билан айни замонда
30 Бизнинг шоир ўзига намуна билган
Ва тақлидига тайёр⁵ Плавт, Невийни⁶,
Эннийни⁷ ҳам шундайин айблайдик-ку.
Яхшиси, жим бўлиб, таҳқирни қўйгай,
Бўлмаса, очилгай ўз қабоҳатлари.
Тинглангиз сиз тинчгина, лутфкорлик-ла⁸,
Ҳал қилинг, келажакда бизнинг у шоир,
Саҳналардан қувилмай, балки кўришга
Арзир комедиялар яраталарми?

ҚАРДОШЛАР

(Парчалар)

[Ўз бадийлиги билан Теренцийнинг энг яхши комедияси бўлган бу комедия, қадим тарих кўрсатиши бўйича, милоддан илгариги ҳисобнинг 160 йилида, кўмондон Луций Эмилиийнинг Павелнинг шарафига бўлган кўмиш маросими ўйинларида Рим саҳнасида қўйилган.

Узининг ижтимоий истиқомати бўйича, бу комедия замондаги Рим воқелиги учун бошқалардан кўра кўпроқ актуал аҳамиятга эга бўлган дейиш мумкин. Бу комедия тарбия масаласини, оталарнинг ўғилларига муносабати масаласини қўяди. Комедия, Менандр изидан бориб ўғилларига, дўстлик ва мулоимликка асосланган, эпикуроно камтарин либерал муносабатни ташвиқ қилади. Лекин Рим оиласида отанинг ҳокимлиги ҳали тўла равишда кучсизланмагани учун Теренций бу масалада одил тура олмаган, унинг қадимги комментаторининг кўрсатишига қараганда, у Менандр пьесасининг охириги ўзгартган: қаттиқ тарбия идеологи бўлган Демей, гарчи болаларга нисбатан юмшоқликнинг фойдасига ишонгандек кўринаса ҳам, лекин одампарварликдан киноя қилади ва тарбия масалаларида қатъийликдан, қаттиқ қўлликдан воз кечмайди.

Бу комедия Мольернинг буржуа комедиясига бир қадар таъсир кўрсатган, Лессинг эса уни ўзининг «Гамбург драматургияси»да анализ қилади.]

10

20

ҚАТНАШУВЧИ ШАХСЛАР

Микион — чол, шаҳарли, либерал тарбия тарафдори.
 Демей — унинг қишлоқда яшовчи укаси, у болаларга қаттиқ, қаҳрли муносабат тарафдори.
 Саннион — қўшмачи.
 Эсхин — Демейнинг ўғли, Микион уни ўғил қилган.
 Перменон } Микионнинг қуллари
 Сир }
 Қтесифон — Эсхиннинг укаси.
 Кострата — Эсхиннинг келажакдаги хотини Памфилянинг онаси.
 Кантара — кампир, Состратанинг энагаси.
 Гета — Состратанинг қули.
 Регион — чол, Состратанинг қариндоши.
 Памфила — Состратанинг қизи.
 Дромон — Микионнинг қули.

30

Пролог

Шоир сизди ҳасадчилар унинг ижодин
 Таъқиб этар ғазаб билан ва сўкмоқчилар
 Уйналмоқчи бўлган ушбу комедияни;
 Шунинг учун ўз ҳақида шоир қисқача
 Маълумот беришга қасд қилди ҳозир.
 Сизлар ҳукм чиқарасиз унинг устидан,
 У мақташга ё танбеҳга сазовор бўлар?
 Дифилнинг⁹ бордир битта комедияси,
 10 Сарлавҳаси унинг «Synapotthescontes»,
 Плавт уни ўзгартирган: «Бирликда ўлим».
 У грекча асарда бор бир йигитча,
 Қўшмачидан олиб қочар пьеса бошида
 Бир қизни у; бу нуқтани Плавт бутунлай
 Қолдиргандир, мана шуни ўз асарига

73

- Автор олди ва кўчирди бутун сўзма-сўз.
 Қўйилди ҳозир янги бу комедия.
 Кўриб буш ҳукм этингиз, буида нима бор;
 Уғирликми ёки фақат аҳамиятсиз
- 20 Қолдирилган¹⁰ бир нуқтадан фойдаланишми;
 Ҳасадчилар уқтирарки, номдор одамлар
 Кўмакчилар бу авторга гўё шериклар,—
 Бу уларга жуда кучли таҳқир кўринар¹¹,
 Автор учун бу ҳол эса улуғ бир шараф:
 Демакки, у ҳаммангизга, бутун шаҳарга
 Гўзал бўлган одамлар-чун ёқимлидир-да.
 Урушдами, тинчликдами, қандай бўлмасин
 Муҳим ишлар тушса ҳар ким ўз навбатида,
 Бўйнин солиб улардан ёрдам сўрар-ку.
- 30 Мазмунини кутманг бу комедиянинг:
 Дастлаб чоллар чиқиб баён қилар бир қисмин.
 Бошқа қисмин кўрсатарлар ҳаракатларда.
 Ёзувчининг ўз ишига интилишини
 Кўпайтирсин сизнинг бундай бетараф баҳо.

БИРИНЧИ ПАРДА

I саҳна

Микнон

(уйга қараб сўзлайди)

- Сторак!¹² Ҳой, қулоқ сол! Кечки овқатдан буён
 Эҳсин қайтмади, у йўқ ва унинг орқасидан
 Кетган қуллар ҳам йўқдир. Халқ мақоли тўғридир:
 Уйдан кетган чоғингда ёки бирон жойда сен
 Кечкиб қолганингда, сендан ранжиган, куйган
 Хотинингни айтгани ё ўйлагани бўлсин.
- 10 Меҳрибон ота-она ўйлови ҳеч келмасин.
 Бир ерда қолсанг агар, хотин дер: у севгандир
 Ёки уни севганлар. Ичади-да, ўз-ўзин
 Юнатади. Фақатгина эри маза қилди.
 Унга шундай машаққат. Мана, ўғлим қайтмади,
 Қанча ташвиш чекаман! Инмаларини ўйламайман!
 Шамоллаб қолмасайди! Бирон жойга йиқилмаса,
 У бирон азвосини синдирмасайди! Эвоҳ-воҳ!
 Ўз-ўзидан азизроқ бўлувчи бир нарсага
 Илакнишини одамнинг бошига келар экан!
- 20 Ўз ўғлим эмас яна, у укамнинг ўғлидир —
 Унинг феъли-атвори то ёшлигидан буён

- Бутун бошқача эди, мен буни билар эдим:
 Мен эса илиққинна шаҳарли ҳаётини,
 Осуда вақт завқини бахт деб суярдим,
 Уйланмадим; укам-чи — ҳар бир ишда менга терс:
 У ҳаминна қишлоқда яшади кулфат ичра,
 Уйланди, икки ўғил кўрди, улардан бирини,
 Яъни катта боласи Эсхинни ўғил қилдим,
 Гўдакликдан ўз болам каби тарбияладим,
- 30 Севдим ва эркаладим, бутун қувончим унда,
 Бу ёлғиз менга давлат. У ҳам менга нақ шундай
 Муносабатда бўлсин учун мен чалишаман,
 Кўнглига қарайман-да, оталик ҳуқуқимдан
 Тўла фойдаланмайман, мен, ниҳоят, ўргатдим.
 У бошқалар сингари ёшлик ҳавасларига
 Берилиб, ҳаракатини мендан ҳеч яширмагай.
 Ким ўрганса ёлғонга ва отани алдаши,
 У бемалол алдайди бошқа одамларни ҳам.
 Қўрқитибмас, уят, номус сезгиси билан
- 40 Болаларни тиймоқлик қулайдир, ўйлашимча;
 Лекин менинг фикримга укам ҳеч бир қўшилмас,
 Қошимга келади у кўпинча қичқирароқ:
 «Микион, нима учун уни ҳалок қиласан?»
 «Нимага у ичади, севади? Нима учун
 Бу ишларга харжлашга оқча берасан, уни
 Олифтами қиласан? Нега бунча эсинг йўқ!
 У инсофсизчасига қаҳрли, қаттиқ одам.
 Дўстлик ва самимият туғдирган ҳокимликни,
 Фақат кучга суялган ҳокимликдан афзалроқ .
- 50 Ва кучлироқ, десаким, у жуда янглишади.
 Менинг эътиқодларим, қондаларим шудир:
 Кимки таёқдан қўрқиб ўз бурчини бажарса,
 У бошқалар билмас деб, қўрқув сезади фақат.
 Агар унда бор сирини яшириш учун умид
 Пайдо бўлса, у яна эски феъллига қайтар.
 Кимни яхшилик билан ўзинга жалб этсанг сен,
 У ҳам яхшилик этар, кўнгли билан боғланар:
 Сен бундаки ёки йўқ, у бир турда бўлади.
 Қўрқув остида эмас, балки сарбастлик билан
- 60 Ҳар инмани ишлашга болаларини ўргатиш,
 Эзмаслик, қисмаслик — бу отанинг вазифаси:
 Ота ҳам истибодчи, нақ бу билан фарқланар.
 Ким буни эпложмаса, болаларини парварниш
 Қилишини билмаслигин у иқдор қилсин.

А! Қим тўғрида ҳозир мен сўзладим, ана у!
Чиндан ҳам у! Нечундир хафароқ кўринади!
Ишонаман, одатича, ҳозир сўкишни бошлар.
Демея, сени соғ-саломат кўриб шодман!

II саҳна

Демея, Микион.

Демея

А, менга сен нақ шу чоқда жуда керакдинг.

Микион

Нега хафасан?

Демея

Саволга боқ! Эсхин қалай, деб
Сўрасанг бўларди. Хафа эмиш-а.

Микион

Мана! Узим ҳам билгандим.
80 А, нима қилди?

Демея

Нима қилди? Унда уят йўқ.
Қўрқув ҳам ҳеч йўқ, қонун нима,
Билмайди. Илгариги қилмишларини
Майли, қўяйлик. Яқиндагисин сўра!

Микион

Нима гап?

Демея

Эшикларни бузиб, бегона уйга
90 Босиб кирган, уй эгасин саваган,
Чала ўлик қилган уриб уй аҳлини,
Севгилисин айириб олган. Энди ҳамма
Қичқиради: қандай чиркин ҳаракат!
Йўл-йўлакай менга қанча сўзлашди!

Ҳамманинг оғзида фақат ушбу гап.
Унинг орқасидан кутувчи йўқдир.
Унга айтган сўзим, Микион, сенга
Тегади. Сўйла, унинг бузилишига
Йўл қўясан.

100

М и к и о н

Нодон одамлардан кўра бир инсофсизроқ
Ҳеч нима йўқ: улар ўзлари қилган
Ишнинггина фақат тўғри топадилар.

Д е м е я

Нимага сен бундай дейсан?

М и к и о н

Шунинг учунки,
Бу тўғрида сен бутунлай ноҳақсан.
Менга инон, йигит учун кезиш-юриш,
110 Шўхлик қилиш, эшик бузиш катта айб эмас.
Агарда биз сен билан бундай қилмаган эсак,
Қамбағаллик йўл бермаган. Сен нима билан
Мақтанасан? Қамбағаллик юзасидан сиқинчинг
билан!

Инсофсизлик! Шундай ишга қурбимиз етса,
Биз ҳам қилар эдик; агар инсон бўлсангди,
Ўғилнинг шўх йигитлиги чоғида,
Унинг шундай ўйинига йўл берардинг.
Йиллар ўтгач, ўқинишнинг фойдаси йўқ.

Д е м е я

120 Йўқ, сен мени тентакликка судрайсан!
Ғавго йўқми бу ишларда ўспири-чун?

М и к и о н

Бу ҳақда кўп вайсамаслик учун тингла,
Ўз болангни ўғилликка менга бердинг,
У фарзандим, агар бирон гуноҳ қилса,
Менгагина жавоб берар. Ҳаммадан кўпроқ

Мен куяман. Үйин-кулги, шўхлик қилса у
Бари менинг ҳисобимдан. Ишққа берилди?
Лозим топсам, мендан ақча олади у,
130 Лозим топмас эсам, у чоқ кўчага уни
Ҳайдашим жуда мумкин. Эшик буздими?
Тузатишар. Кўйлак йиртган? Ямалади.
Маблағ етар бу ишларга, худога шукур,
Шу чоққача чиқимлари менга оғирмас.
Демакки, сен қўлни силк, йўқса, истасанг,
Судга чақир, бу тўғрида мен сендан кўпроқ
Ҳақлигимни маҳкамада исбот қиларман.

Д е м е я

Офат! Урган
140 Оталикни, кимлар ота бўла билар.

М и к и о н

Табнатар — сен ота, руҳан — мен ота.

Д е м е я

Руҳан? Сенми?

М и к и о н

Бас қил сўзни, йўқса кетаман.

Д е м е я

Бу нимаси?

М и к и о н

150 Айни сўзни чайнай бериш бсроён!

Д е м е я

Ташвишга солади бу.

М и к и о н

Мени ҳам. Қел, ука,
Машаққатни бўлишайлик. У ўғил — сенга;

Бу — меники: икковига гамхўрлик қилиш —
Совғасини яна қайтиб олиш демакдир.

Д е м е я

А!

160

М и к и о н

Шундай гумон қиламан мен

Д е м е я

Истай! Ундай бўлса агар
Ўз ёғида қовурилсин, ҳалок бўлсин! Ишим йўқ!
Ҳатто бир сўз эшитсам сўнг...

М и к и о н

Тагин аччиғланасан?

Д е м е я

Нима, инонмайсанми? Берганимни
170 Қайтиб талаб қилмайман. Лекин ҳар нима
Бўлмасин, мен ачинаман: мен ёт эмас-да.
Сенга тўсиқ бўламанми? Қўйдим, хўп майли!
Менга фақат бир ўғилнинг гамхўрлигини берасанми?
Жуда яхши, тангриларга қуллуқ қиламан.
Унинг қандай бўлишини истаганимни
Кейинчалик ўғлинг ўзи сезиб қолади!
У тўғрида ёмон нарса айтгим келмайди.

(Кетади.)

М и к и о н

Бир нима бор... гарчи бари бўлмаса ҳам, албатта...
180 Ҳар исчुकдир менга жилла маъқул эмас. Лекин мен
Ўз қайғимни кўрсатишни унга ҳеч истамадим.
У шундайдир; унга агар таскин беришга бошлаб,
Бир қаршилик кўрсатсанг ё ғазабдан туширсанг,
Бу нарсага бардош қилар, лекин жуда зўрланиб;

- Унинг қизғин қонлилигин тутоқтириш, кучайтириш
Унинг билан биргаликда телбаланиш эмасми?
Эсхинни ҳам тўла оқлаш мумкин эмас, албатта.
Қандайгина гўзалларга ишқ боғламас у йигит?
190 Қимни фақат бағишламас? Мана, яқин ўртада
[Гўзалларнинг баридан у зериккан бўлса керак]
Уйланмоқчи эканини айтди. Умид қилдим, ёшлиги
Қайнаб ўтиб, қуюлгандир, деб мен жуда суюндим;
Мана, яна бошланибди! Билиш керак пима гап?
Мен майдонга бориб унга йўлиқай ва сўзлашай.

(Кетади.)

ИККИНЧИ ПАРДА

[I саҳна. Қўшмачи Саннионнинг қаршилигига қарамай, Эсхин созанда Вакхидани зўрлик ўз уйига олиб кетади, унинг қуллари қўшмачини урадилар. Эсхин бу хотин бадалига, қўшмачи уни неча пулга олган бўлса, шунча пул беришни қўшмачига таклиф қилади.]

[II саҳна. Вакхидани мана шу пулга сотишга Микионнинг қули Сир қўшмачини кўндиришга тиришади. У рози бўлади. Қтесифон киради, Эсхин хотинни у учун зўрлаб олган эди.]

III саҳна

Ктесифон, Сир, Саннион.

К т е с и ф о н

Ҳар кимсадан неъмат қабул қилиш ёқади,
Айниқса хизмати-ла бизни хурсанд қилувчилардан.
Эй оғам! Сени қапдай мақтайин? Мен ҳар қандай
Кўркам сўзлар термайин, лекин хизматинг баланд.
Бошқаларнинг олдида қандай афзаллигим бор?
Ҳеч қаерда, ҳеч кимсада бундай дилдор қардош
йўқ.

С и р

А, Ктесифон!

20

К т е с и ф о н

Сир, қаерда Эсхин?

80

С и р

У уйда, сени кутар.

К т е с и ф о н

Аҳа!

С и р

Хўш, нима?

К т е с и ф о н

Нима дейсан? Мен у билан тирик! Қандай гўзал
одам у!

30 Ҳар нимадан жаҳонда баланд қўйди фойдамни,
Ҳар нарсани ўз зиммасига олди:
Ишқимни, гуноҳимни ва бутун мушкулотни!
Тагин нима?.. Аммо эшик ғичирлайди.

С и р

Тўхта, келган унинг ўзи!

IV саҳна

Э с х и н, С а н н и о н, К т е с и ф о н, С и р.

Э с х и н

Қасрдадир у разил!

40

С а н н и о н

Мени ахтаради! Бирон нарсами
Олиб чиқди? Офат! Қўлларида ҳеч нимани кўрмай-
ман!

Э с х и н

А, мана дуч келди! Сени ахтараман. Нима, Ктесифон?
Иш жойида, энди сен ўз хафақонлигингни ташла!

К т е с и ф о н

Шундай оғам бўлади-ку қайғуни ташламайми!
Менинг гўзал Эсхиним! Менинг сен туғишганим!
Юзингга мақташдан қўрқаман, балки ўйларсан:
50 Миннатдорликдан эмас, риёкорлик қилиб мақтай-
ман.

Э с х и н

Қўй, э нодон! Гўё билмаймиз-да бир-биримизни!
Бир нарсага хафаман: биз кеч билдик, иш шунга
етмиш,
Барчи дунё тиришса, сенга ёрдам қилолмасди.

К т е с и ф о н

Мен уялдим.

Э с х и н

Уят эмас, аҳмоқликдир: арзимаган нарсага
Ватанни тарк этиш! Айтиш ҳам уят! Тангри сақ-
ласин!

60

К т е с и ф о н

Адашибман.

Э с х и н

Биз билан нима бўлди Саннион иши?

С и р

Қўлбола бўлди.

Э с х и н

Хўп, мен майдонга, ҳисоб қилишаман у билан ҳозир,
Сен у хотин уйига боргил!

70

С а н н и о н
(Сирга)

Бўш келма!

82

С и р

Борайлик. У Кипрга¹³ ошиқади-ку.

С а н н и о н

Жуда ҳам эмас,
Жилла машғул эмасман, кутаман ҳали:

С и р

Қўрқма, сенга беришажак.

С а н н и о н

80 Лекин тўла беришса.

С и р

Тўла берар! Фақат жим бўл, боравер!

С а н н и о н

Бораман.

К т е с и ф о н

Хей, Сир!

С и р

Ҳа, нима?

К т е с и ф о н

90 Лутф эт, тезроқ ҳисоблаш
Сен бу итвачча билан. Тагин жаҳлин чиқарсак,
Балки отамга борар: мен у чоғ тамом ҳалок.

С и р

Тинч бўл! Уйда ҳозирча хотин билан ҳангома қур,
Буюр бизга жой қилсин, ҳар нарса тайёр бўлсин,
Ишни битириб, озиқ-овқат олиб қайтаман.

К т е с и ф о н

Жуда яхши. Омад келмиш, бу кун хурсанд
бўлайлик.

УЧИНЧИ ПАРДА

[I—II саҳна. Эсхиннинг севгилиси Памфила туғади, бу парса унинг онаси Состратани ва эпагасини ташвишга солади. Бу вақтда Состратанинг қули Гета келади, у Эсхин созанда хотини ўз укаси учун айриб олганини билмасдан, Эсхиннинг Памфилага вафосизлик қилганини Состратага билдиради. Сострата ўз қариндоши Гелнони олиб келиш учун Гетани юборади.]

III саҳна

Демей, Сир.

10

Демей

Адо бўлдим! Уғлим Ктесифон қиз олиб қочиб
Ишида Эсхин билан бирга қатнашган эмиш.
Етишмаган каби менга яна бир офат,
Эсхин бузиб қўйсин уни, бирон юмушга
Ким ярайди? Мен уни қайдан топаман?
Бирон жойда майхонага кирмиш, ўйлайман.
Бошлаб кирган бўлса керак анов бетайин!
О, Сир келмоқда. Уғлим қайда, ундан сўрайман.
Лекин у ҳам у шайкадан: ахтарганимни
20 Сезса, ўлиб қолсинки, айтмайди, олчоқ!
Билдириш керак эмас.

Сир

Нима иш бўлган эса
Барчасини бирма-бир чолга сўзладик.
Шундай хурсанд бўлди чол!

Демей

Эй, Юпитер! Мана у
Қандай бир аблаҳ!

Сир

30

Уғлини у мақтади, менга эса у,
Маслаҳат берганим-чун ташаккур қилди.

Д е м е я

Ерилиб кет!

С и р

У дарров пулларни санаб ташлади.
Харажат-чун бундап бошқа яна пул берди:
Мен уларга макон топдим!

Д е м е я

40 Ҳой, қурғур! Мана кимга
Омонат топшир! Парварши қилар!

С и р

Демся! Сен? Мен кўрмайман. Ишларинг қалай?

Д е м е я

Ишлар! Мен сизларга, сизнинг ҳаракатларга
Ҳали ҳайрат қилиб бўлолмадим!

С и р

Бемаъни, тўғриси, ҳақиқатан шалоқ ҳаракат...
Қолган ҳамма балиқни тозала, Дромон,
Манов катта балиқ бироз суза турсин-чи.
50 Мен қайтган, тозала уни, нлк эмас!

Д е м е я

Мана говға.

С и р

Менга ҳам ҳеч ёқмайди,
Койийман, койийман... Стефанион!
Буларни яхшилаб шўрттанг қилинғиз.

Д е м е я

Тангрилар! Оҳ,
Ўз ўғлини расво қилиш унга вазифа,
60 Бу билан у мақтанарми? Вой, шўрим қурсин!
Гадой бўлиб бирон жойга ёлланиш учун
Қочар кунин гўё кўриб тураман.

С и р

Ақл бурун остидаги нарсани кўриш эмас,
Балки олдиндан кўриш, кейингини ҳам.

Д е м е я

Ашулачи хотин қалай, гапир-чи?

С и р

У уйдадир.

70 Д е м е я

Наҳот уни уйда асрамоқ истар?

С и р

Овсарлигига қараб шундай қилади, дейман.

Д е м е я

Ҳар номаъқул иш қилинар!

С и р

Бу отанинг аблаҳча
Юмшоқлиги ва маъносиз марҳаматидир.

Д е м е я

80 Мен оғамга номус қилиб, ундан ранжийман.

С и р

Ҳа сизларнинг орангизда каттакон фарқ бор:
Бошдан-оёқ сен ақлнинг тимсолидирсан,

У бемаъни бир хаёлчи. Ўзга ўғлигга
Шундай ишга йўл берарми эдинг сен?

Д е м е я

Йўл бериш-а!
У бир ишни мўлжаллашдан олти ой бурун
Мен ҳидини билган бўлардим!

90

С и р

Сергаклигинг ҳақида айтмай қўяқол.

Д е м е я

У мен каби бўлса эди!

С и р

Барча оталар
Шундай қилар, ўғилларидан одамиёлик кутса!

Д е м е я

Букун уни сен кўрддингми?

С и р

100

Ким, ўғлингнингми?

(Ўз ичида дейди.)

Жўнатай қишлоққа уни!

(Товушини чиқариб.)

Ҳе, мен ўйлайман.
У кўпдан қишлоқда ва ўз ишида.

Д е м е я

Ростми?

Ишонасанми?

С и р

110 Бўлмаса-чи? Уни ўзим кузатдим.

Д е м е я

Жуда яхши. Мен бу ерда айланиб қолган,
Деб қўрққандим.

С и р

Сўнгра у кўп аччиғланди.

Д е м е я

Қай жиҳатдан?

С и р

Ашулачи хотиннинг туфайлидан майдонда
120 Акасига ёпиша кетди.

Д е м е я

Чинми?

С и р

Бари тўғри!

Пулни санаб туришганди: бирдан келиб қолди у.
Шовқин-сурон кўтарди. «Эсхин, нима қиласан?
Шармандалик эмасми? Сен бундай қилиб
Бизнинг аждодимизни ерга урасан!»

Д е м е я

130 Суюнгандан йиғлагим келар!

С и р

«Пулни елга учирмайсан, ҳаётинг маҳв этасан!»

Д е м е я

Зотига тортган у! Тангри, соғлиқ бер унга!

С и р

Бу ҳам оз!

Д е м е я

Таълим билан у чиниққан.

С и р

140

Уҳў! У барчасин

Ўз уйида таълим олган.

Д е м е я

Тўғри, мен унга
Ургатишга тиришаман, бошқаларнинг ҳаётига,
Ойна каби боқиб, ундан ибрат олишга,
Буюраман ва дейманки: «Мана мундай қил!»

С и р

Тўғри.

Д е м е я

150 «Мана бундан қоч!»

С и р

Маъқул!

Д е м е я

«Мана бу билан
Мақташ мумкин».

С и р

Жуда саз!

Д е м е я

«Мана бу иш-чун қоңиласан».

160

С и р

Гүзал!

Д е м е я

Ундан кейин...

С и р

Фақат сени тинглаш учун
Ҳеч вақтим йўқ: мен таъбимга ярашур балиқ

топдим:

- Қўрқаманки, бу балиқлар эскиб қолмаса!
Демея, бу бизлар учун худди сен айтган
Хатолар сингари бир жиноятдир.
- 170 Мумкин қадар ўргатаман қуллар-ўртоқларимни,
«Бу ер шўрттанг! Куйиб кетган! Ювилган эмас!
Манов дуруст! Бундан кейин унутма!»
Ўргатаман барчасини зеҳнига қараб.
Қозонларни ойна каби артиб-суртишни
Буюраман. Насиҳатсиз иш мумкин эмас!
Сезаманки, аҳмоқликни биз кўп қиламиз!
Чора борми? Чиқишасан одамга қараб!
Тағин нима?

Д е м е я

180

Ақлга тўқ бўлишингиз истаيمان.

С и р

Борасанми сен қишлоққа?

Д е м е я

Тўппа-тўғри жўнайман.

С и р

Бунда нима қилажаксан! Насиҳатларинг жуда
Гўзал, аммо бунда ҳеч ким тингламас сени.

(Кетади.)

Д е м е я

- 190 Ўғлим учун келган эдим. У қишлоғига
Жўпаминдир, демак мен ҳам кетишим керак.
Елғиз унгагина ғамхўр бўламан ўзим.
Биродарим ўз ўғлига боқсин майлича,
Мен узоқдан кимни кўраман? Ҳа, у Гегион!
Бизнинг элат! Ҳа, албатта, бу унинг ўзи.
Болаликдан у дўстимдир! Шафқатли тангри,
Бизда бундай гражданлар жуда камёбдир!
Қадимги шон ва номуснинг одами мана!
Юрт неъматига зиён бермас одамлар булар!
- 200 Буларни, у шонли насл қолдиқларини
Кўраркан, янадан яшаш истайсан.
Уни кутай, саломлашай, ҳангомалашай.

[IV саҳна. Ўғли Эҳсиннинг бутун кирдикорини ҳайратда қолган
Демейга Гегион сўзлайди ва ўз қариндоши Памфиланинг номусини
ҳимоя қилиш учун тайёрлигини билдиради. Иккови ҳам Микионни
кўришни истайди.]

ТҮРТИНЧИ ПАРДА

I саҳна

К т е с и ф о н, С и р.

К т е с и ф о н

Отам қишлоқ кетдими?

С и р

Анча бўлди кетганига.

К т е с и ф о н

Бу чин сўзми?

У виллада¹⁴. Ишонаман, у ҳозир бирон
Иш билан овора бўлмоқда унда.

К т е с и ф о н

Оҳ, шундай бўлсайди!
Фақатгина соғ бўлса бас! У чарчаб-толиб
Туролмасин ўз ўрнидан уч кун муттасил!

С и р

Мумкин бўлса, мундан кўпроқ ҳам.

К т е с и ф о н

20

Мен шу кунимни
Бошдан-оёқ завқ-сафода ўтказмоқчиман.
Қандай манфур қишлоқдир бу, кошкиди қишлоқ
Узоқроқда бўлса эди, у чоқда дадам
Бу томонга қайтгунича кеча бўларди.
Энди унда мени топмай буёққа чопар,
Мен қаерда бўлганимни, биламан, сўрар:
«Бутун кун мен кўролмадим!» Нима айтаман?

С и р

Бошингда ҳеч жавоб йўқми?

30

К т е с и ф о н

Бошим бўм-бўш.

С и р

Ундай эса ишинг расво.
Ер, ошна-дўст, оғайни сизда йўқмидир?

К т е с и ф о н

Бор. Хўш, нима?

С и р

Мен уларга хизмат қилдим — баҳона.

К т е с и ф о н

40 Иўқ, бу мумкинмас. Хизмат, юмуш бўлмадими?

С и р

Хўн де, мумкин.

К т е с и ф о н

Кундуз бўлган, агарда мен бу ерда
Кечолсам, мен нимага суяламан, Сир?

С и р

Афсуски, сен кечаликка бир баҳона тополмайсан!
Лекин тинч бўл, унинг феълин хўп биламан. У қай-
насин,

50 Майли; аммо у қўйдек ювош.

К т е с и ф о н

Нима қиласан?

С и р

У суйди сенга мадҳин: гўё сени худо каби
Мақтайман. Шоңларингни санаб ўтаман.

К т е с и ф о н

Меним?

С и р

60 Шоңлигидан кўзёшлари қуюлиб кетар.
Ана, холос! Сенинг. Дарҳол бола каби

К т е с и ф о н

Нима бўлди?

С и р

Гуқласанг, у бир зумда ҳозир!

К т е с и ф о н

Дадамми у?

С и р

70 Ҳа, у.

К т е с и ф о н

Нима қилмоқ керак энди?

С и р

Уйлаб кўрай.
Сен уйга кир. Мен бу ерда уни кўраман.

К т е с и ф о н

Сўрса агар.. Мени ҳеч ерда.. Ҳа ҳеч бўш келма!

С и р

Жаврама кўп!

[III саҳна. Демея Микионни қидиради. Ашулачи хотин юзасидан уни Қтесифон ўлдирәёзганини сўзлаб, шикоят қилади. Демея ўглини мақтайди. Микионнинг қаерда эканини Сир Демеяга айтиб беради.]

III саҳна. Ашулачи хотиннинг Эсхинга эмас, балки Қтесифонга тааллуқли эканини Микион Гегнонга тушунтиради.

IV саҳна

Э с х и н

Бағрим пора. Бир варакай шунча жабр бошга тушди!

Мен билмайман, нима қилғум ва нимага тутунаман.
Тан қўрқинчдан бўшашади, руҳим бойқиш қақшар,
титрар.

- 90 Юрагимда йўқдир маҳкам бир қарор,
Қандай қутуламан саросимадан?
Шундай бир шубҳа-гумон
Менга тушди ҳамда унинг сабаблари бор.
Сострата ишонади, ашулачи хотинни
Ўзим учун сотиб олган эмишман.
Кампир менга шундай деди.
Дояга у юборилган. Уни кўриб дарров сўрдим:
«Хўш, Памфила қалай? Унинг туғиш вақти яқинми?
Доя учун борасанми?» У қичқирди: «Йўқол, Эсхин!
Хўп алдадинг! Етар, етар ишонтириш!»
- 100 «Нима бўлди сенга?» — дейман. «Хайр! Ўзга ёринг-
ла бўл!»
Мен англадим дарҳол фикринг, лекин ўзимни тий-
дим:
Айтайми у эзмага укамни, дедим. Иш очилган бў-
ларди.
Нима қилай энди? Укамники, деб айтайми?
Мумкин эмас. Қўяй! Балки иш бутунлай очилмас.
Агар бирдан ишонсалар! Эҳтимоллар жуда кўп-ку!
Олиб қочдим, мен пул бердим, мен ўзим-ла бирга
илдим!
Иқрор қилай, айбим шулки, мен дадамга айтмадим!
Мен у қизга уйланишим учун рухсат олсайдим.
Мен ишни кўп узайтирдим. Лекин энди уйғон, Эс-
хин!
- 110 Биринчи иш: мен уларга бораёй ўзим оқланиш-чун.
Қандай бало! Эшигини тиқирлатсам — титрайман.
Ҳой, унда ким! Мен Эсхин, мен! Ким бўлмасин
очингиз!

Биров чиқди. Четроқ тураёй.

[V саҳна. Микион ўғли Эсхинни синаш учун, отасидан айрилган
етим Памфиланинг қонуи бўйича энг яқин қариндошига тегиши ке-
раклигини гапирди. Эсхин довдираб қолади.]

Э с х и н

Тингла, ота, ўтинаман.

М и к и о н

- 120 Барчасини биламан, Эсхин. Лекин сени суяман.
Сенинг бутун ишларинг ҳам менинг дилимга яқин.

Э с х и н

Оҳ, ота! Сен то тириксан, мен ҳамиша севгингдан Баҳра олиш истар эдим. Мен бир қалтис иш қилдим, Бунинг учун кўп хафаман, қаршингда уяламан.

М и к и о н

Сенинг асл хулқинг билиб ишонаман, лекин меним Қўрқинчим зўр, сен ҳаддан тиш эҳтиётсиз.

Уйлаб қара, қай шаҳарда яшайсан, буни?

- 130 Хафа этдинг қизни: сенда борми эди бунга ҳуқуқ?
Тўғри, катта, кўп катта айб, лекин на эса инсонча
иш;

Ҳатто яхши одамлар ҳам бундай ишни қилганлар.
Шу воқеа бўлган экан, нимага кутдинг ахир?

Сўнг на чиқар? Қалай борар? Барин менга айтиш
учун

Уялдингми? Мен қаердан билар эдим! Мана сен
Тараддудда қоларкансан, ўтди роса тўққиз ой!
Ўзингни ҳам, ўғилни ҳам ва у бахтсиз қизни ҳам
Ерга урдинг! Сен нимани кўзлагандинг?

- 140 Уйқидами худоларнинг ўзи сенга жон чекар?
Чалишмасанг унинг ўзи оғушинга кирармиди?
Мен бундайин гумроҳликни бошқа ишда истамас-
дим!

Уйланасан унга, тинч бўл.

Э с х и н

Қандай қилиб?

М и к и о н

Такроп айтай,
Кўнглинг тинч қил!

Э с х и н

Сен масхара қиласанми, ота, мени?

Ким! Мен?

Нима учун?

Э с х и н

Мен билмайман. Бу ҳақиқат бўлишини,
Қанчалик зўр орзу қилсам, шунча қўрқинч босади.

М и к и о н

Уйга кир-да, уйланиш-чун ибодат қил. Кир уйга!
.....

Э с х и н

160 Яхшиси сен ибодат қил. Тангриларнинг марҳамати,
Шубҳасизки, тоатингга кўпроқ, албат, ёғилажак,
Ота, мендан қанча яхши бўлсанг, шунча дуонг
мақбул.

М и к и о н

Бориб ишни тайёрлайинь. Айтганимнинг барини қил.

Э с х и н

Бу на демак? Ота бўлиш ёки ўғил бўлиш демак?
Қардошим ё дўстим бўлса, менга кўпроқ меҳр

етарди?

Уни севмай, иззат қилмай, бошга олмай бўларми?
Лутфи билан у менга зўр бир ташвишни келтирди.
170 Мен ғафлатдан бир нимадан уни хафа қилмасман.
Бундан кейин онгли тарзда огоҳ бўлиб юраман.
Тараддуд на? Уйга борай! Ўз тўйимни кечиктирмай.

(Кетади.)

VI сахна

Д е м е я

Юра-юра чарчадим. Эй, йўл кўрсатмай,
Ер қаърига кириб кет сен, Сир!

Кезиб чиқдим бутун шаҳарни қарийб...

180 Аммо менинг укамни ҳеч ким кўрмаган.
У қайтиб келгунча мен унинг уйи
Олдида ўтирай.

VII саҳна

Микион, Дедея.

Микион

Бизнинг томондан
Ҳеч қандай монелик йўқлигини сўзлай.

Дедея

А, мана ўзи келди. Қидираман сени.

190

Микион

Нимага?

Дедея

Гўзал йигитчанинг даҳшатли гавғо -
Жанжалларини сенга тақдим этаман.

Микион

Тағин! Янадан!!

Дедея

Ҳатто жиний...

Микион

200 Оҳ, қўйсанг-чи...

Дедея

У қандай, сира билмайсан

Микион

Барчасини билламан

Дедея

Аҳмоқ! Уйлайсанки, ашулачи хотин ҳақида
Сўзлайман? Йўқ, ватандош бир қиз ҳақида!

М и к и о н

Мен биламан.

210

Д е м е я

Нима?

Биласанми? Чидайсанми бу ишга?

М и к и о н

Нега чидолмайин?

Д е м е я

Додламайсан? Ва жонинг чиқиб кетмайди?

М и к и о н

Ҳеч бир!

Д е м е я

220

Йўқ? Лозим эди! Уғил туғилди.

М и к и о н

Бахтини берсин!

Д е м е я

Қиз бутунлай камбағал.

М и к и о н

Мен эшитдим.

Д е м е я

Қалин-молсиз.

М и к и о н

230

Менга маълум.

Д е м е я

Энди нима бўлур?

М и к и о н

Буюргани бўлади-да: у қизни
Бизникига келтиришар.

Д е м е я

Юпитер! Оҳ!
Мана иш қандай?

М и к и о н

240 Бошқа нима қила оламан?

Д е м е я

Бошқачами? Агарда сен бепарво бўлсанг,
Ёлгондакам койи, — лоқали одам бўл!

М и к и о н

Аксинча, мен унаштирдим у қизни,
Ишни жойига қўйдим: тўй тайёрланмоқда,
Қўрқувдан қутқардим барча одамни,
Мана, инсоф, одамгарчилик!

Д е м е я

250 Қани, сўзла, ёқадими бундай ҳаракат?

М и к и о н

Ёқмайди.

Лекин уни ўзгәртишга қодир эмасман,
Мумкин эмасми, демак, сокин чидайман.
Инсон ҳаёти гўё қиморбозликдир.
Қўпроқ истаган нарсанг сенга чиқмайди,
Нима чиқса — тузат, лекин усталик билан.

Д е м е я

Моҳир тузатувчи! Сенинг кўп ақчанг
260 Ашуланига кетди, тезда қувламоқ
Керак уни: агар сотиш мумкинмас эса,
Жилла қурса текинга бериб юборгил.

М и к и о н

Йўқ, йўқ, уни сотишга мен уринмайман.

Д е м е я

Ҳа, нимага?

М и к и о н

Уйда тураверади.

Д е м е я

270 Тангрилар! Қандай гап бу?
Демак, эрли хотин билан бирга фоҳиша
Бир уйда яшайди?

М и к и о н

Нимадан мумкин эмас?

Д е м е я

Эсинг жойидами?

М и к и о н

Жойида бўлса керак.

Д е м е я

280 Э, тангрилар! Сен мунча бемаънидирсан,
Бирга куйламак учун сенга созанда лозим!

М и к и о н

Нимадан мумкин эмас?

Д е м е я

Янги келинчакни ҳам
Ургатасан бу ишга?

М и к и о н
Бўлмаса-чи?

Демея

290 Улар ўртасида аргамчи ушлаб,
Уйинга тушасан!

Микнон

Майли.

Демея

Майли?

Микнон

Агар лозим
Бўлса, бизлар билан ўйшамайсанми?

Демея

00 Эҳ, уят-андишанг йўқми!

Микнон

Мана, яна тутоқдинг!
Етар, бас! Уғлинг тўйига сен ҳам
Хурсанд бўл, ҳаммага дилдор бўл энди.
Мен уларга бориб, яна қайтаман.

(Кетади.)

Демея

Юпитер! Оҳ!

Мана, ҳаёт! Мана, ахлоқ! Мана, телбалик!
310 Қалин-молсиз хотин келин бўлади,
Ашулачи хотин бунда, уй ҳам исрофгар!
Уғлим ҳалок бўлар фаҳшдан, чол эсдан кетган!
Тангри халос қилишни истаган чоқда
Бундай оилачани халос қилолмас сира.

БЕШИНЧИ ПАРДА

[I саҳна. Маёт қул Сири Демея сўкади.]
[II саҳна. Ктесифон бу уйда эканини Сир Демеядан яширади.]

III сахна
Микион, Демея.

Микион

Мен айтаман, Сострата, бизда ҳар нарса
Тайёр. Эшикни бундай ким тақирлатди қаттиқ?

Демея

10 Оҳ-воҳ! Нима қилай? Қандай йиғлай, қичқирай?
Эй фалак, эй денгиз ва ер!

Микион

Мана, бунга боқ!
Ҳаммасини билган! Маълум, шундай бақирар,
Жанжал-низо тайёр! Кетишга кўмак лозим!

Демея

Болаларимизга ялпи бузгунчи, мана!

Микион

Ҳазабингни юмшат ахир, ўз эсингни йиғ!

Демея

20 Юмшатдим! Келдим! Ташладим ҳар қандай
сўкишларни ҳам.
Уйлаб кўрайлик, ўртамизда шундай битим бор эди,
[Сендан чиққан эди шу гап] меним ўғлимга тегма,
Мен ўғлинг-ла ишим йўқ. Шундай эмасми эди?

Микион

Тўғри, баҳслашмайман, гап шундай эди.

Демея

Нима учун бу ерда ҳозир у ялла қилар?
Нима учун ўғлимга жой берасан уйингда?
30 Нечун унга рафиқа сотиб олдинг? Адолатми

Мендан кўра ҳуқуққа кўп эга бўлиш?
Ўғлинг менга керак эмас, ўғлимга тегма!

М и к и о н

Сен ҳақ эмас.

Д е м е я

Йўқми?

М и к и о н

Қадимги бир мақол бор:
Дўстлар ҳар бир нарсага шерик бўлиши керак.

40

Д е м е я

Ажойиб гап! Энди бундай гаплар чиқмоқда!

М и к и о н

Оғирлик келмаса, эшит. Биринчи:
Ўғилларнинг чиқимидан балки хафа бўларсан?
Уйлаб қара ўзинг ахир, сен иккисини
Тарбиялаб қўйгансан: маблағ икковга етар;
Ишонгансен, албатта, уйланишимга,
Илгариги мўлжалингни ҳозир ҳам сақла:
Нима топсанг, тўпла, асра, уларга кўпроқ
50 Нарса қолдир, ўзингнинг бу шуҳратингни сақла.
Кутилгандан нима ортиқ қолса уларга мендан,
Қўй, улар фойдалансин. Бу нарса билан
Капитал ҳеч камаймайди,
Қўшимчани ҳисоблайвер соф фойда дея.
Агарда сен бу фикрни маҳкам ушласанг,
Оғир юкдан қутқарасан ҳаммамизни ҳам,
Уларни ҳам, ўзингни ҳам, мени ҳам.

Д е м е я

Пулни қўяйлик. Улар юриш-туриши лекин...

- Тўхта, мен биламан. Шуни мўлжаллагандим.
 Енгил ҳукмларга сабаб бўлувчи сифат,
 Инсонларда жуда кўпдир, Демея, англа:
 Нақ бир ишни қилади икки шахс кўп чоқ,
 Сен айтасан — бунга мумкин, бунга мумкинмас.
 Ишда фарқ йўқ, бажарувчи шахсларда фарқ бор.
 Уларда кўрган нарсам умид беради менга
 Ки, улар орзумизнинг йўлидан чиқмас:
 Улар онгли, тушунчали, замонга қараб
 70 Қадам босар, бир-бирини жуда суяди,
 Уларда кўринади гўзал фикр, характер;
 Истаган онда йўлга солишинг мумкин;
 Улар мулкка ва молга биров бепарво
 Эканидан қўрқмагил. Демея! Дўстим!
 Еш улғайиб, ҳар нимага ақлимиз ўсар,
 Қариликда бир нуқсон қолади фақат:
 Ақчага биз ҳаддан ортиқ меҳр қўямиз.
 Замон ўзи уларни қуюлтиради.

Д е м е я

- 30 Ҳа, фақат сенинг бундай
 Гўзал далилларинг ва беозорлигинг
 Бизни синдириб хароб қилмаса эди.

М и к и о н

Жим бўл! Ундай бўлмас! Бу гапларни қўй!
 Менинг ихтиёримга бер шу кунингни сен.

Д е м е я

- Хўп,
 Шароит талаб қилса, кўнмай нетамиз.
 Тонг ёригач, эртагаёқ қишлоғим сарн
 90 Мен кетаман, ўғилни ҳам бирга оламан.

М и к и о н

Менга қолса, кечаси кет. Бу кун хурсанд бўл.

Д е м е я

Ашулачи хотинни ҳам олиб жўнайман.

М и к и о н

Узил-кесил зарба!
Бу йўл билан ўз ўглингни у хотинга бутунлай
Боғлайдирсан. Фақат уни сақлагил.

Д е м е я

100 Ҳа, бу нарса учун тиришиб кўраман.
Учоқда куймаланиб тутунни, чангни тотсин,
Бундан ташқари, куннинг энг қизиган пайтида,
Пичан йиғишга уни ҳайдаб қўяман,
Жингиртоб қилиб уни кўмирдек қорайтаман.

М и к и о н

Жуда соз. Мана, маъқул сўзлайсан энди.
Мен ўғлимни у билан бирга туришга
[Истайдими ёки йўқ] мажбур қилардим.

Д е м е я

110 Сен куласанми? Сенинг феълинг қандай гўзалдир!
Мен сезаманки...

М и к и о н

Тагин?

Д е м е я

Хўш-хўш!

М и к и о н

Борайлик, ўтказайик кунни хурсандчилик-ла.
(Кетади).

Ҳеч вақт мумкин эмас ҳаёт китобига яқун яшаш,
 Ки шароит жараёни тажриба ҳам, ёш ўтуви
 Бир янгилик бермасин-да, янги фикр сари бизни
 Келтирмасин! Уйлагандим: биламан, деб; билмас
 эканман;
 Мен нимани муҳим десам, энди ташлаш тўғри
 келар.

Шу нарса рўй берди менга. Қаттиқ турмуш
 кечирдим мен.
 Йўлнинг қарийб охирида айриламан ундан. Нега?
 Одам учун юмшоқликдан, камтарликдан яхшироқ
 ҳеч

Нарса йўқдир бу дунёда, буни жуда равшан кўрдим.
 130 Акамни ҳам мени мисол қилинса кўп қулай билиш.
 Умр сурди у роҳатда, базмларда, очиқ юзли,
 Ҳеч кимни у сўкмади ҳам қаршилади табассум-ла
 Ҳар кимсани. Ўзи яшаб, ҳам ўзига сарф қилди куч.
 Уни ҳар ким севар, мақтар; мен эса бир

қишлоқиман,
 Қўпол, хасис, доим тажанг, ваҳший, исқирт яшадим.
 Хотин олдим. Уҳ, мен бундан қулоқ-миям қанча
 битди!

Ўғилларим — янги ташвиш. Мен уларга кўпроқ
 нарса

Бериш учун ўз умримни, ёшлигимни ўтга отдим.
 Менинг ёшим маррасига борган чоқда мен улардан
 146 Меҳнатим-чун мана қандай совға-ҳадя оламан.
 Нафрат! Унга эса машаққатсиз ёғилади оталикнинг
 Мевалари: уни севиб, мендан эса қочишар,
 Ишонароқ сўзлайдилар унга бутун фикрларин,
 Иззатлашар, иккиси ҳам у биландир, четда қолдим.
 Унга умр тилашарди, менга ўлим кутишади,
 Мен уларни қийинчилик билан боқдим, у оз сарф-ла
 Олди-қўйди; менга қайғи, бутун нашъа унга бўлди.
 Ширин сўз ҳам марҳаматли бўлишга бир

уринмайин,
 Истайманки, мен ҳам ундай севилай ва қадрланай.
 150 Бунинг учун керак бўлса саҳийлик ҳам
 хушпайравлик,

Бу тўғрида паст кетмайман. Агар маблағ етишмаса,
Бунинг сира маъниси йўқ. Мен энди кўп
кексайганман.

V саҳна

Сир. Демея.

Сир

Қардошинг сўрар сендан узоққа кетма.

Демея

Ким бу? Сирми? Ёқимтойим, ишларинг қалай?

Сир

Дуруст.

Демея

Мен жуда шод.

(Уз ичида.)

Ҳозир феълимга қарши дедим уч сўзни:

«Ёқимтойим! Ишлар қалай!»

(Қаттиқ сўзлайди.)

Яхши хислатлар

Сенда бордир, сенга ёқар хизмат учун
Мен тайёрман.

160

Сир

Раҳмат!

Демея

Йўқ, Сир, жиддий сўзлайман.

Бунга инонасан тезда амалда

VI саҳна

Гета, Демея.

Гета

Сострата, мен ҳозир қўшниларга кираман,

Келинни тез даъват қилар ё йўқ, биламан.

170 Демея! Саломимни қабул эт!

108

Демейя

Исминг нима?

Гета

Исмим Гета.

Демейя

Гета, сенинг қаҳрингни мен
Бу кун билдим. Хўжайинга ғамхўр бўлган
Шундай қулни ҳурмат қилмай бўладими?
Ҳар вақт шундай эдинг, Гета. Бу феълинг учун
180 Фурсат келгач, сенга, яхшилик қилғум.

(Ўз ичиди.)

Очиқ юзли бўлишга

Тиришаман ҳамда дуруст чиқаётир.

Гета

Раҳмат, сен кўп яхши одам.

Демейя

(Ўз ичиди.)

Мана шу тарзда

Секин-секин жалб этаман гўл одамларни.

VII саҳна

Эсхин, Демейя, Сир ва Гета.

Эсхин

Машаққати жонга тегди! Кўп тантанали
Қиладилар тўйни! Тайёрлик кўриш учун
Утар бутун кун.

Демейя

Хўп, иш қалай, Эсхин?

Эсхин

Ота!

200 Сен мундами?

Д е м е я

Табиатан ва руҳан мен отангдирман.
Қўзларимдан кўра кўпроқ сени севаман.
Хотинингни нега уйга таклиф қилмайсан?

Э с х и н

Чалишаман,
Лекин мана тўсиқлик: найчилар йўқ,
Тўй қўшигин айтувчи йўқ.

Д е м е я

210 Мен кексага
Қулоқ солиш истайсанми?

Э с х и н

А, нима?

Д е м е я

Ташла, сен
Бор ғалвани, қўшиқларни, машъалларни,
Найчиларни. Тезроқ буюр, боғнинг деворин
Йиқитсинлар, бу йўл билан келинчакни тез
Олиб кел, ялпи уй қил, бу срга кўчир
220 Онани ва бошқа бутун уй ичини ҳам.

Э с х и н

Қандай яхши маслаҳат бу,
Азизим отам!

Д е м е я

(ўз ичида)

«Азизим» деб аталаман!
Қардошимнинг уйи бўлар ўткинчи йўл;
Кирди-чиқди кўпаяди, чиқимлари эзади.
Менга нима? Мен «азизим», уларга ёқдим.
230 Сир! Жўна сен ва бажар!

С и р

Нима қилай? Нима?

Д е м е я

Ағдар!

Чақир, бошлаб уларни!

Г е т а

Тангри сени ярлақасин,
Демся! Сен бизнинг бутун оилага
Яхши бир иш қилмоқдасан.

240 Д е м е я

Сен арзийсан.
Сенга қандай?

Э с х и н

Мен розиман.

Д е м е я

Туққан, касал хотинни
Кўча-кўйдан юргизгандан кўра, бу
Анча яхши.

Э с х и н

250 Мен жаҳонда кўрганим йўқ
Сендан яхши одамни.

Д е м е я

Одатим шундай.
Мана Микион ўзи ҳам чиқмоқда уйдан.

[VIII саҳна. Памфилянинг онаси Состратага уйлавиш учун
Микионга Эсхин ҳам Демья кенгаш берадилар. Ниҳоят, Микион
рози бўлади.]

IX саҳна

С и р, Д е м е я, М и к и о н, Э с х и н.

С и р

260 (Демьяга қараб)

Бажарилди сен буюрган иш.

Д е м е я

Балли! Қандай азаматсан! Сизга фикрим шу:
Букун Сирни озодликка чиқариш керак.

М и к и о н

Озодликка? Қандай қилиб?
Сирни? Хўш, нима учун?

Д е м е я

Унинг жуда кўп хизмати учун.

270

С и р

Оҳ, сен қандай раҳмдилсан?
Иккисига болаликдан зўр парвариш қилганман,
Мумкин қадар таълим бердим, ўргатдим
яхшиликка.

Д е м е я

Бу равшанди: меҳмондўзлик асбобини ҳалоллик-ла
Сотиб олиш, маъшуқани келтиришлик,
Зиёфатлар тузиш; йўқ, ҳар ким қўлидан келмас!
куппа-кундуз

С и р

Оҳ, бу қандай ҳазилвон!

280

Д е м е я

Ашулачи хотинни ҳам сотиб олиш учун у
Ёрдам берган ва чалишган. Кўтармайин бўларми?
Бошқалар ҳам яхшиланар. Бунни ўғил-да истар.

М и к и о н

Хоҳлайсанми, бунни Эсхин?

Э с х и н

Ғоят!

112

М и к и о н

Буни истар экансан,
290 Сир, кел менга яқинроқ. Сен озод бўл!

С и р

Раҳмат! Сизга ташаккурим қандай билдирай?
Ва айниқса сенга раҳмат, Демея!

Д е м е я

Мен кўн мамнун!

Э с х и н

Мен ҳам!

С и р

Ишонаман! Бу шодликни яна тўла қилинсайди!
Озод кўрмак истар эдим Фригия — хотинимни.

300

Д е м е я

Гўзал хотин!

С и р

Бу кун сенинг набирангни,
Эсхин ўглин у биринчи марта эмизди.

Д е м е я

Бу жуда ҳам муҳим нарса: илк дафъа у берган
Уни дарров озод қилиш керак, албатта. бўлса,

М и к и о н

Қандай! Шу учунми?

Ҳа, шу учун
Қўявер, у қанча турса, мендан ол, майли.

С и р

Бутун орзуларингга тангрилар тез етказсинлар!

М и к и о н

Омад келган экан сенга букун, Сир!

Д е м е я

Ҳа, агарда сен яна
Уз бурчингни ижро қилсанг уларнинг қаршисида,
320 Қўлингга ҳам бирон нима беришарди — қайтарарсан.

М и к и о н

Бу қандай гап!

Э с х и н

Ишбилар одам!

С и р

Қайтараман. Бер!

Э с х и н

Ота!

М и к и о н

Д е м е я

У қайтарар!

С и р

Қандай ажойиб одам!

Э с х и н

Оҳ, отамдан айланай!

М и к и о н

Нима бўлди? Нима бирдан феълингни ўзгартирди?
Бу мурувват, бу сахийлик қайдан келди тўсатдан?

340

Д е м е я

Мен айтаман, қулоқ солинг!
Кўрсатмоқчи эдим буни. Ўғилларимиз сени
Шу сабабдан яхши, хушфеъл дерларки ҳар вақт,
Сен уларга қулоқ солиб, совға бериб эркалайсан.
Ўз ҳаётинг тўғри ёки маъқул тадбир соҳиб
Бўлганингдан эмас. Агар менинг ҳаётим сизга
Кўп нафратли кўринса ҳам (сиз ҳақлими, ёки
йўқми)

Мен сизларга монеликни истамайман:
Сотиб олинг ва совуринг, на қилсангиз, майли
қилинг.

350 Фақат лозим кўрсангизки, мен тузатай ва тияй,
Ёшлик қилиб адашсанглар, шавқни эплаб
олмасанглар,
Дуруст ўйлаб етмасанглар, шундай вақтда мен
сизни
Огоҳ қилиб қўйсам,— бунга каминангиз тайёрман.

Э с х и н

Бунини сенга топширамиз. Ота, нима кераклигин
Биздан яхши биласан сен.

М и к и о н

Тасдиқлайман. Олқишлангиз!

ЛИРИКА

КАТУЛЛ

Кай Валерий Катулл — Рим ва жаҳон адабиёти лирикасининг машҳур намоёниси бўлган бир шоирдир (милоддан илгариги ҳисобнинг 87—55 йилларида). Катуллнинг ижоди Римда граждан урушининг қонли даврида тараққий этди.

- Катулл Верона (Италиянинг шимолида) шаҳрининг атрофида туғилган, бу ерда Гард кўлининг соҳилида
- 10 унинг катта ери бўлган. Қулайгина шуҳрат қозониш орзусида у Римга келиб ўрнашади ва у «янги» шоирлар тўғарагининг (улар шундай номланар эдилар) энг таланти аъзоси сифатида танилади. Катуллнинг 116 та шеърдан аксариси «онлар» поэзияси, шоирнинг ўз таъбирича, «беҳуда нарсалар»дан иборат, унинг шеърлари галвали «жаҳон пойтахтида» шоирнинг бир дамда жилваланган ранг-баранг кечинмаларини ифода қилади. У дам ёш шоирлар тўғарагининг, ўзи юраги бўлган тўғаракнинг интим маишатини кўрсатади, дам кўҳна,
- 20 муҳофизакор аристократия шоирлари билан қизгин мунозарага киришади, дам аччиқ эпиграммаларида ўзининг шахсий душманларига ҳужум қилади; у трибун (халқ ҳокими) Клодий Пульхрнинг сингиси Клодия билан ўз ўртасида бўлган воқеани айниқса ёрқин ва ҳисли равишда очиб ташлайди, уни лесбияли шоира Сапфога¹ ўхшатиб, Лесбия деб атайти. 57 йилда Клодия билан алоқаси узилганидан сўнг, шоир пойтахтдан Кичик Осиёдаги Вифиния деган бир областга жўнайди, лекин у ерда ҳам Цезарь тарафдорлари билан тўқнашиб, ижтимоий ҳаётда бир ўрин тополмай, ўз ватанига қайтади, ўзининг ўксинишини «Аттис» деган гўзал эпиллиясида² акс эттиради, ўз ғазабини, ҳиддатини Юлий Цезарь³ ва унинг тарафдорларига қаратилган эпиграммалар билан.

ANTIK ADABIJATDAN XRESTOMATIJA



IKKINCI TOM

RIM ADABIJATI

TUZUCI PROF. N.F. DERATANI
AJBEK TARÇIMASI

KTABNIN TARÇIMASINI
OZSSR M X K
TASDIQ ETGAN

ALIJ PEDAGOGIK
OQUV JURLARI
UCUN

OZSSR DAVLAT OQUVPEDNASR
TASHKENT - 1939

«Антик адабиётдан хрестоматия» китобининг титул
вараги.

маларда тўқади. Катулли Байрон, Гёте, Пушкин («Болага» деган Катулл шеърининг Пушкин томонидан қилинган таржимасига қаранг) севган.

№5 [ЛЕСБИЯГА]

- Яшаймиз, севамиз, менинг рафиқам!
Ғазабланган чоллар вайсасин, майли,
Биз уни олмаймиз синиқ чақага!
Кўкда қўён ботар, яна лов ёнар,
Биз учун бир оғли нур оз-моз сўнса,
Бошланар ёришмас, қални бир кеча!⁴
Мени ўп: юз марта, икки юз марта,
Кўпроқ ўп: минг марта, яна юз дафъа.
Янадан минг марта, яна юз марта.
10 Юзларни, мингларни биз кўп санаймиз.
Шунча кўп ўпишни зимдан пайқаган
Қундошлар бағрини ёқмаслик учун
Ўпиш саногини сўнг унутамиз!⁵

№ 3 [ЧУМЧУҚНИНГ ЎЛИМИГА]

- Йиғла, Венера, сиз ҳам, севинчлар, йиғланг!
Қалбида меҳр-шафқат бўлган йиғласин!
Ўлди жононимнинг бойқиш қушчаси.
Бойқиш қушча, жононим севгиси эди!⁶
Унга қадрли эди ўз кўзидан ҳам,
Асалдан тотлироқди, ўз бекасини
Қизча ўз онасини севгандек севди.
Меҳрибон бекасининг тиззасидан у
10 Тушмас ва ёлғиз унга ширни чийларди,
Ўйин қилиб ҳар ёнга қапот қоқарди.
У энди кетар туман босган йўллардан?⁷
Бир даҳшатли диёрга, ундан қайтиш йўқ.
Сенга лаънат, маҳшаргоҳ, кеча оғуши.
Ҳамма гўзалликин сен ҳалок қиласан!
Сен бир ажиб чумчуқни олдинг-да кетдинг!
Оҳ, ғаддорлик! Ҳаёт! Бахтсиз, бечора қушча!
Аччиқ кўз ёшларидан гўзалнинг кичик
Кўзларини қизартдинг ва хуноб этдинг.

№ 40 [РАҚИБГА]

Қандай бир офат сени, эй бадбахт Равид⁸,
Ямбларимнинг тўрига сени ҳайдади?

Ҳалокатли, қўрқинчли бу талашувга
Қандай қаҳрли худо сени итарди?
Ғийбатнинг ўйинчоғи бўлиш истайсан?
Ёки қандай бўлмасни, шуҳратга ўчсан?
Хўп, исминг ўлмаяжак! Катулл қўлидан
Рафиқасин тортинга журъат қилибсан.

№ 85 [НАФРАТЛАНАМАН-СЕВАМАН]

Хайр! Севаман, нафратлансам-да,
Бу мумкинми, сўрайсан?
Изоҳламайман. Лекин дард-ла шундай сезаман⁹.

№ 27 [ШАРОБ]

Аччиқ мойи билан кўҳна Фалернинг
Пиёламни тўлдир, лим тўлдир, ука!
Постумия — малика¹⁰ шундай буюрган,
У мастликда узум донасидан маст.
Сен эса нари тур, дарёнинг суви!
Сен шароб душмани! Рўзадорга бор!
Биз Ваххнинг ичамиз тиниқ шарбатин¹¹.

№ 50 [ШОИРОНА ҲАНГОМА]

Дўстим Лициний!¹² Кеча, бўш чоғимизда,
Анча вақт лавҳаларни эрмак қилишдик.
Жуда гўзал ва қувноқ ўйинлар қилдик.
Навбат билан биз қанча шеърлар ёздик.
Бир вазни танладик, ўзгасин олдик,
Едик ва ҳазиллашдик, қизиди ўлтириш.
Лициний, зарофатинг, ёрқин руҳинг-ла
Юрагим оловланиб уйга жўнадим,
16 Таом менга сира ҳам таскин бермади,
Уйқусиз кўзларимни мудраб юммадим,
Мен маст каби тўшакда ҳар ён тўлғондим,
Сен билан сўзлашиш ва сен билан бўлиш
Орзусида саҳарни кутдим интизор,
Юрак тўлқинларидан ҳорғин, паришон.
Чала ўлик сингари қотгач ўринда,
Бу сатрларни сенга, энг яқин дўстим,
Ёздим: сен ўқиб менинг қайғумни англа.

Сақлан, ўтинчларимни масхаралашни
20 Уйлама ва у қадар такаббур бўлма,
Немезида¹³ сендан ўч олмагай эди!
У ғазабланса, даҳшат. Куфрга кетма!

№ 95 [АДАБИЙ МУНОЗАРА]¹⁴

Цинна¹⁵ ўз асарини ёзиб бўлди. «Смирна»¹⁶ ҳам
тугади.
Тўққиз марта ҳосил йиғиб, шунча марта
қаршиладик баҳорни¹⁷.
Лекин бизнинг Гортензиймиз¹⁸ кунда беш минг
байт ёзмоқчи бўлади¹⁹,
Аммо унинг шеърлари ҳам унутилар бир кунда.
«Смирна»нинг овозаси етар Сатрах²⁰ сувларининг
мавжига.
«Смирна»нинг шони кўҳна асрлардан ўтиб, албат,
бонг урар,
Волюзийнинг²¹ китоблари туғилдиги жойда ҳалок
бўлажак.
Бозорларда савдогарлар унга балиқ ўраб сотар,
албатта²².
10 Фахр этаман ўз дўстимнинг юпқа, нафис шеър
китоби билан мен,
Майли оломон олқишласин тамтароқли, оғир сўз
ғиштларини!

№ 57 [ЮЛИЙ ЦЕЗАРГА ДОИР ҲАЖВНОМА-ПАМФЛЕТ]

Ажойиб дўст бўлишибди икки разил ва олчоқ,
Мамурра²³ мушук билан шилқим, беадаб Цезарь!
Ҳайратга ҳеч ўрин борми? Римли ҳамда Формийли.
Фаҳшбозларнинг бетларида айни чиркин, айни доғ,
Иккисининг манглайига фаҳшнинг тамғаси босиқ,
Иккиси ҳам чирик, мазак, иккиси — нимча мулла,
Зинокорлик гуноҳлари қанча бўлса тўймайди.
Иккиси ҳам бир ўринда ағанаб ётишади;
10 Қизчаларни бир-бирдан улар тортқилашади.
Ажойиб дўст бўлишибди иккита разил олчоқ.

- Аттис²⁴ учди енгил, равон қайиқчадан денгизларни
ошароқ;
Фригия²⁵ у пастқамлик ўрмонига ё бўлмаса
тангрининг
Қудсий жойи бўлган қални тўқайларнинг
қаъригами югурди.
Жўшқин ҳирсинг зарбасидан, тўлқинланган
газабдан у мастланиб,
Ўзининг ёш баданини ахталади ўткир тош-ла
кесарак,
Ўз-ўзини енгил сизди, эрлиги йўқ жисмини у ҳис
қилиб,
Иссик қони билан ҳўллаб қовжираган
тошлик-қумлик ўтлоқни,
Қиз қўлида рост кўтарди тўлқин сасли,
гумбурловчи дўмбира
10 Мана сенинг дўмбиранг бу, Кивева,²⁶ ана, қудси
дўмбиранг!
Ҳўкиз терисини қўлга олди, чирманда ҳам янгради.
Фигонли ва қаттиқ товуш хитоб қилди сўзга кирар
дўстларга:
«Галлар²⁷, тоққа! Кивеванинг ўрмонига!
Чакалакларга илдам!
Галлар, тоққа! Диндименанин²⁸ — маъбуданинг
камтарин махлуқлари.
Қувғиндилар галаси, сиз ёт элларга эргашингиз
орқамдан,
Сиз сўзимга таслим бўлиб, изларимдан югурдингиз
бу ерга.
Шўр қасирга қўрқитмади, шоширмади сизни денгиз
қаъри ҳам.
Венеранинг совғасидан нафратланиб танингизни
бичдингиз.
Севинчларга тўлиб учинг, кўксингизда қалбларингиз
ўйнасин!
- 20 Маъбуданинг шарафига суюнингиз! Галлар, мёндан
қолишманг!
Фригия ўрмонига! Кивеванинг ерига! Муқаддас у
Манзилларга! Бунда дафлар гумбурлайди, бунда
сўзлар жаранглар,

Духобага ўралишган Менадалар²⁹ ўйнар бунда
майсада.
Менадалар нидо қилур бунда гир-гир айланишиб,
рақс этиб:
«Унда шавққа, завққа тўлиб шўхлик қилар
маъбуданинг бандаси!
Биз у ерга тез елайлик! Орзу бизни у ерларга
чақирай!».
Жисман бир қиз бўлган бойқиш Аттис шундай
хитоб қилди дўстларга.
Оний фиғон билан жавоб берди тентак ва қутурган
улфатлар,
Янграб кетди карнай-сурнай, дўмбира ҳам
гумбурлади муттасил.
30 Яшил Ида³⁰ сиртларидан ошқич учди бир тўда шўх
ўйинчи.
Чилдирмани Аттис урар ва ҳансираб чақиради
бўғилиб,
Телбаланиб учар Аттис чангаллардан, ғазабланган
бу раҳбар.
Бошвоғини отиб ташлаб шундай илдам югуради
бузоқча.
Бу жўшқин қиз, бу йўлбошчи орқасидан учар
Галлар энтикиб.
Қивеванинг даргоҳига етиб борди азоб чекиб бу
тўда
Ва тинкаси қурганликдан ухлаб қолди ҳеч бир
овқат тотинмай.
Узоқ уйқи оғир босиб, чарчаганлар кипригини
жипслади.
Тинч танбаллик оғушида ғазаб ўти сўнади.
Эртасига қуёшнинг нур тўла кўзи ярқирагач
самода,
40 У даҳшатли денгизнинг ва юксак тоғлар сассизлиги
устидан
Тун зулматин қувар экан, кўкда олов таққан отлар
парвози³¹.
Узоқларга суриб кетган уйқи шу дам тарк этади
Аттисни.
У қанотли Пасифейни³² яна олди қудратли, зўр
бағрига.

Безар эди гўзал уйим энг муаттар гулдасталар
 Ҳамиша.
 Мен ҳамиша тонг чоғида ётоғимдан турар эдим шод
 бўлиб.
 Мен энди бир ходимамен, Қивсвага содиқ чўри
 бўлибман!
 Мен Менада, заиф-чўлоқ ва мевасиз, бойқиш ахта
 бўлибман!
 70 Мен Иданинг чангалида ва муз тўнгоғ сиртларида
 саёқман.
 Мен даҳшатли Фригия тоғларида, ўрмонларнинг
 тунда!
 Бунда яшар чопқир эчки, бунда қайроқ тишли
 тўнғиз тентирар!
 Э воҳ, э воҳ! Мен ўзимни нобуд қилдим! Э воҳ!
 Нима қила олғум!!
 Ҳорғин, нафис дудоқлардан дардли фарёд эндигина
 учганди,
 Бу ўқиниш фарёди тоғ маъбудаси қулогига
 етаркан,
 Кивева ўз арслонларин бошвоғидан дарҳол ечиб
 юборар,
 Ҳўкизларнинг подасига омонсиз ўч бўлганларга
 шундай дер:
 «Менинг ғаддор дўстим, тез кет, худога сўз
 тегизганга даҳшат қил!
 Паноҳимдан қочиб кетган у энг бадбахт, у телба,
 осий одам,
 80 Кучли қўрқинч билан қақшаб ўрмонларнинг
 чангалига қайтсин.
 Елкасини ёй каби бук, бу даҳшатли думинг билан
 ур уни!
 Наъранг билан тоғлар бағрин тўлдир, ер ҳам
 наърангдан зир титрасин!
 Сен бу золим ёлнингин силк, қўнғир тукинг
 ғазаблардан тиккайсин!
 Деб Кивева уқтиради йиртқишга ва бошвоғини
 ечади.
 Арслон тоқат қилмас. Ёлқин каби ёвуз ғазаб кирар
 кўксига.
 У кетади, ҳайқиради, панжасидан қуруқ оғочлар
 синар.

У чиқади мавжли денгиз кўпиклари тошган
Қирғоқдаги баланд мрамор қояларда у кўради қирғоққа.
Арслон сакрар, Аттис қочар, ваҳмаланиб қалин Аттисни.
90 Бунда Аттис чўри бўлиб яшар, дардли умрин ўрмон ичига.
Эй маъбуда! Эй Кивева, эй Диндимен бунда кечирар.
Сени кўрмай, сенинг мудҳиш сирларингдан мен тоғларининг бекаси!
Сенинг қаҳринг бошқаларни маст айласин! узоқда яшайин!
Бошқаларни йўлдан оздир!

ДИДАКТИК ПОЭМА

ЛУКРЕЦИИ

Тит Лукреций Кар — гражданлар уруши давридаги Рим шоири, Эпикур материализмининг пропагандистидир. Милоддан илгариги ҳисобнинг 94 йилида туғилиб, маълум мавқега, обрўга эга бўлган «суворилар» гуруҳига мансуб бўлган. Маълумотини Грецияда битириб, тахминан милоддан илгариги ҳисобнинг 55 йилида ўлган бўлиши эҳтимол. Лукреций «Нарсаларнинг табиати ҳақида» деган ўзининг дидактик поэмаси (6 китобдан иборат) билан машҳурдир, бу асарда у милоддан илгари IV асрда яшаган грек файласуфи Эпикурнинг материалистик таълимотини катта қизиқиш билан оммалаштиради. Поэманинг аввалги уч китобида Эпикурнинг физикаси (атомлар ҳақида таълимот), тўртинчи китобида — каноника (маърифат назарияси), бешинчисида — астрономия, геология ва инсон тарихи, олтинчи китобида — табиатнинг турли ҳодисалари баён қилинади, милоддан илгари V асрда Афинада бўлган вабони тасвирлаш билан поэма тамом бўлади.

Лукрецийнинг поэмаси Рим поэзияси ва Европа фалсафасига катта таъсир кўрсатган; айниқса XVIII аср француз материаллистлари динга қарши далилларни ундан олганлар. Ўз диссертациясида Демокрит ҳам Эпикурнинг фалсафасини текширган Марк Лукрецийга, файласуф ва шоир сифатида юқори баҳо бериб, уни «дунёнинг тоза, жасур поэтик ҳукмрони» (Эпикур стоик, скептик фалсафа тарихи ҳақидаги асарларидан) деб атаган.

НАРСАЛАРНИНГ ТАБИАТИ ҲАҚИДА

[ЭПИКУРГА МАДҲИЯ]

- Бунда, ерда дин-эътиқод исканжаси билан ғоят
сиқилган
Инсон умри ҳамманинг-да назарида кўр-аянчли
сурилди,
У самовий салтанатдан бош чиқарди ва юксакдан
тубанга
Ўз қаҳрли нигоҳини отди доим ожизларнинг устига.
Унга қарши тик боқишга журъат қилган
бандалардан илк одам
Греция деган юртли, унга қарши илк дафъа у
курашди.
Лоямутлар эзгулиги, на чақмоқлар, на кўкнинг
10 Қалдироғи асло уни ман қилмади, балки яна
кўпроқ журъат билан у
Табиатнинг ёпиқ бўлган эшигидан маҳкам қулфни
ҳаммадан
Аввал бузиш учун қалбнинг бутун кучин сўнг
даража тўплади.
Жонбахш бўлган муҳокама кучи шундай
эриштирди зафарга,
Бу дунёнинг ёлқинланган ҳудудларин қўйиб
узоққа учди,
Муҳокама ва руҳ билан коннотнинг чексизлигига
кирди.
Ғолибона келтирди у грек бизга табиатда имконлик,
Имконсизлик, шунинг каби ҳар буюмда бўлган
ҳадли қувватлар,
Муҳокама қўйган сўнгги мақсадларнинг тўғрисида
маърифат,
Шу сабабдан диннинг ҳамма хурофоти яна бизнинг
оёқлар
20 Остидадир, биз эса у зафар билан самоларга
юксалдик¹.

[ЛУКРЕЦИЙНИНГ МОМАҚАЛДИРОҚ ҚЎШИҒИР]

Мақтовларга интизорлик солар менинг юрагимга
орзулар,
Айни вақтда кучайтирар музаларга³ кўксимдаги
ишқимни,

Мен уларнинг ёрдами-ла, ўткир сезги ва ақлга
 Бу вақтгача ҳеч бир кимса бўлмаган у Пиэрид суяниб,
 Чангалзорни ўтажакман. Мен илк марта соф даласидаги
 Мен у машҳур гулдастани ўз бошимга тақиш учун манбага етаман.
 Мартаба мен у ерлардан янги гуллар топаман ва биринчи
 Ки бу билан менга қадар ҳеч ким сени безамамиш узаман.
 музалар,
 10 Шунинг-чунки, мен ҳаммадан аввал муҳим
 нарсаларни шарҳлайман⁴,
 Қутқаришга чалишаман хурофотнинг бўғовидан
 руҳларни,
 Зулмат босган нарсаларнинг тўғрисида ёрқин
 қўшиқларимни
 Тўқийдирман ва дунёга илҳомимнинг нашъаларин
 сочаман.

[ШЕЪРИЙ ФОРМАДА БАЁН ҚИЛИШ]

Мен табибдек йўл тутаман. Еш болага аччиқ дори
 беришни
 Истаса у,— дастлаб коса четларига қаҳрабодек ва
 ширин
 Болдан суриб қўяди-да, бу билан у гўдакларнинг
 лабларин
 Чучук қилар ва уларнинг тажрибасиз, гўдак
 муҳокамасин
 Адаштирар. Шундан кейин ҳеч қийинлик чекмай
 ютар болалар
 Ҳар бир аччиқ дорини ҳам; бу алдаш зиён бермас
 уларга,
 Аксинча бу яна кўпроқ маҳкамлайди уларнинг
 соғлигини.
 Мен ҳам шундай йўл тутаман. Мулоҳазам
 маърифатга ёт бўлган
 10 Бир кўплар-чун зериктиргич кўринажак; ундан
 бутун оломон
 Юз ўғирар; шунинг учун таълимотим Пиэрид
 шеърин жаранг

- II. Бунинг каби масалалар кўрилганда ҳайрон қолдирмагай шу:
- Ибтидоий заррачалар⁵ бу узлуксиз ҳаракатда бўларкан,
20 Уз кучи-ла қимирлашга хос сифатли махлуқлардан ташқари,
Нарсаларнинг бор мажмуи бизга сокит кўринажак ҳар вақтда.
Ибтидоий заррачалар табиати сезгимиздан ғоятда
Узоқ чуқур яширинган. Сен ҳаракат кўролмаган бир жойда
Ҳар ҳолда бир ҳаракат бор, яширинча бўлиб туради, лекин
Ҳаттоки биз кўришимиз мумкин бўлган нарсалар ҳам кўпинча
Анча узоқ масофада кўзимиздан яширинган бўлади.
Тепаларнинг ён бағрида тентирашар юнг берувчи кўп қўйлар,
Мўл овқатни ошайдилар. Ҳар бирини жалб этади у ерда
- 30 Тоза шабнам ювган зумрад кўринишли майсаларнинг яшили,
Тўқ қўзилар шу ердаёқ бир-бирини сузиб шўхлик қилишар.
Узоқликдан булар бари бир тўпلامдек кўринади бизларга,
Яшил адир қучоғида оқсимон бир доғ сингари манзара.
Нақ шунингдек, зўр паҳлавон легионлар тўдалашиб майдонга
Тез йиғилиб, бу ерда жанг манзарасин кўрсатаркан, ҳашамат
Кўкка қадар юксалади, бу чоқ атроф, ҳамма томон мис кийим —
Совутлар-ла ярқирайди, жанг ўтидан қизиб кетган оёқлар
Дўпирлаши ҳамма ерда эшитилар, яқин тоғда акс этган
Товушлар ҳам коинотнинг етар узоқ юлдузларига қадар.

40 Кенг увалар бўйлаб ҳар ён югуради илдам отлиқ
аскарлар,
Уларнинг зўр ва қудратли ҳужумидан далалар ҳам
қарқайди.
Лекин шундай юксак жойлар бўладики, бу
нарсалар у ердан
Бари сокиг кўринар ва ялтироқлик ердан чиққан
туюлар.

[ЛУКРЕЦИЙ ЗАМОНАСИДАГИ ҲАЁТНИ ТАНҚИД]

III. Юксак мавқе мақсадида кечаси ҳам, кундузи ҳам
одамлар
Ҳеч тинимсиз ишлайдилар. Ҳаётнинг бу яралари
кўп вақтда
Улим хавфи ва даҳшати орқасидан келиб чиқар.
Шармандалик гап-сўзлардан уялиш ва нафрат,
аянч йўқсиллик
Гўё мазор йўлагиди одамларни кутиб, пойлаб
турармиш,
Тинч ва роҳат тирикчилик билан улар мос
келишмай, таслим бўлар⁶.
Шу сабабдан сохта бир қўрқинчиликдан зир
қақшаган одамлар
Шунинг каби офатлардан сақланишни, амин
бўлишни ўйлаб,
10 Ватандошлар қони билан ўз бойлигини орттиради,
бойлигини
Очкўзлик-ла тўплайдилар, ўлдиришни қат-қат
қалаб ташлайлар,
Хурсанд бўлиб элтадилар мазорга ўз оғаларин ҳар
қони,
Ўз туғишган қардошлар-ла бир столда кайф
қилишдан қўрқалар⁷.
Кўрамизки, одамларни кўнишча бу қўрқув, ҳасад⁸
қуритар:
Қаршисиди мана биров қудратли бир ҳокимликка
эгадир,
Манов эса порлоқ шараф, ҳашамат билан
жилваланад кўзларга,
Ҳақиқатда улар ўзи сафолатда ва зулматда
судралар.
Шон, ҳайкалга эришиш-чун зўр орзуда ҳалок бўлар
кўп одам,

Баъзан ўлим хавфи шундай даражага етадики,
 одамлар
 20 Ҳаётга ҳам нафрат қила бошлайдилар, дунё чиркин
 уларга;
 Ўз-ўзлари қайғу-ҳасрат билан қалбга санчадилар
 ўлимни;
 Мапа бунда номуссизлик келтирувчи, ана унда
 дўстликнинг
 Богичларини узиб, улар помусининг асосларин
 йиқувчи
 Кулфатларнинг манбалари нақ шу қўрқув эканин
 унутишар,
 Чунки кўп чоқ Ахеронтнинг⁹ у қаҳрли ўпқонидан
 қўрқароқ,
 Одамлар ўз ватанига, уруғига қилди олчоқ хиёнат...

[маданият тараққиёти]

Кемачилик, ерни ишлаш, уй-жой қуриш ва
 қонулар
 Кийим-кечак, қурол, йўллар, шунинг каби ҳар хил
 нарса,
 Яна ҳаёт безаклари ва ҳар турли завқ-сафо:
 Картиналар*, куйлар, шеърлар, нафис, ажиб
 обидалар
 Барчасини одамларнинг ўткир фикри ё ҳожати
 Яратгандир, секин-аста камолатга етишади.
 Вақти билан ҳар хил нарса тарқалади ер юзига,
 Инсон ақли улар барини чиқаради бу жаҳонга:
 10 Ҳар бир нарса ўзгасидан маъно топган сабабли
 Санъатларда¹⁰ инсон гоят юксакликка эришади.

* Картиналар — манзара (ред.)

БИЗНИНГ ЭРАДАН ИЛГАРИГИ I АСРНИНГ НОТИҚЛИК ПРОЗАСИ

ЦИЦЕРОН

Марк Туллий Цицерон Римнинг машҳур нотиғи ва ёзувчисидир. У милоддан илгариги 106 йилда Арпинум теварагида (Римдан жануби шарқда, Лацнумда) туғилиб, Римда ва кейин Грецияда жуда яхши умумий ва риторик таҳсил олган. «Суворийлар» табақасидан Цицерон ўзининг ораторлик — нотиқлик қобилияти орқасида юқори давлат мансабларига қадар кўтарила билган. 63 йилда у консул бўлиб, Катилинанинг¹ фитна- 10 сини ғоят қаттиққўллик билан бостиради. У Рим граждандларини судсиз ўлдиришда халқ трибуни Клодий томонидан айбланиб, 58 йилда сургунга жўнашга мажбур бўлган, у ердан 57 йилда қайтган. 51 йилда у Киликияга (Кичик Осиёга) проконсул (нонб) тайинланган. Юлий Цезарь² билан Помпей³ орасидаги гражданлик урушида Цицерон республикачи сифатида Помпей томонида туради. Юлий Цезарь диктатурасида (48—44 йиллар) Цицерон сиёсатдан узоқлашишга мажбур бў- 20 либ, бўш вақтини адабий ишга бағишлайди. Цезарь ўлдирилгандан сўнг у Цезарь тарафдори Антонийни⁴ республикага хиёнат қилгани учун кескин нутқларда тормор қилади. Милоддан илгариги 43 йилда Цицерон ҳуқуқдан маҳрумланиш варақасига киритилиб, Антоний агентлари томонидан ўлдирилган.

Цицерондан бизга 56 нутқ, ораторлик санъати назариясига оид асарлар («Оратор ҳақида», «Оратор», «Машҳур ораторлар» ва ҳоказо), фалсафий ва сиёсий трактатлар, мактублар қолган. 30

Европа маданиятига Цицероннинг таъсири жуда катта бўлган. XVIII асрда француз революциясининг ораторлари (Мирабо, Камилл Демулен, Робеспьер)

сиёсний нутқларини тузишда Цицерон нутқларидан фойдаланганлар

24-нутқнинг (милоддан илгариги ҳисобнинг 81—66 йилигача) Зелинский таҳрири остидаги таржимаси рус тилида «Цицерон нутқлари тўплами»да босилган (1 том, Санкт-Петербург, 1901 й.). Катилинага қарши йўналтирилган нутқларнинг таржимаси «Катилина фитнаси» исмли китобда босилган («Академия», 1935 й.).

ВЕРРЕСГА ҚАРШИ

(Парча)

[Аристократиянинг қўйган одами Веррес Сицилияда ноиб бўлган вақтида сицилияликларни талаб, хонавайрон қилган. Цицерон 70 йилда сицилияликларнинг ҳуқуқларини мудофаа қилган ва бир қатор нутқларда Верресни пачақлаб таълаган.]

[Муқаддима]

Судьялар, Қ. Веррес Сицилияда, ҳамманинг кўзи олдида ҳамма биноларни; керак муқаддас, керак дунёвий, керак хусусий, керак ижтимоий биноларни талагани чин эканига бу ерда ҳеч кимда шубҳа кўрмайман, у ўғирлик ва таловчилик ишларини бажариб, тангрилар қошида қўрқув ҳис қилиш эмас, ҳаттоки жиноятларини яширмади ҳам. Лекин менга қарши алоҳида бир мудофаа, тумтароқли ва гўзал мудофаа қўйилади: буни қандай воситалар билан дафъ қилиш кераклигини, судьялар, мен олдиндан ўйлаб олишим лозим. Ишнинг шунга келтирадиларки, унинг шавкати ва фавқулодда ҳушёрлиги орқасида нотинч, галаёнли замонларда Сицилия вилояти қочқин қуллардан ва умуман уруш хавфидан сақланган эмиш. Нима қилишим керак, судьялар? Қоралашимнинг асосини нимада марказлаштиришим керак? Қаерга мурожаат қиламан? Менинг бутун ҳужумларимга, бу яхши қўмондон шухрати, аллақандай бир сарҳад каби қарши қўйилади. Мен буни биламан, Гортензийнинг⁵ бу ерда қандай қилиб галаба қозонишини кўраман. У уруш хавфини, давлатнинг оғир замонларини, командирлар етишмаслигини тавсиф қилади, сўнг бизга ёлборишга бошлайди, ундан кейин сицилияликларнинг кўрсатишлари бўйича, Рим халқидан шундай бош қўмондонни тортиб олмаслик учун,

уинг яхши қўмондон шухратига сизнинг ихтиёрингиз билан очкўзликда айблаш кўлка солмаслик учун, гўё одилона бир таклифни кўндаланг қўяди.

[Рим гражданининг ўлдирилишини ораторча тавсифлаш]

162. Мессана⁶ майдонининг нақ ўзида Рим гражданини⁷ дарралар билан савадилар, судьялар, лекин изтироб ва дарра саслари орасида бу бахтсизнинг мана шу сўзларидан ўзга: «Мен Рим граждани»⁸— на биронта фиғон, на биронта сўз эшитилмади. Ўз гражданлигини арз этиш билан ҳамма зарбалардан, ҳамма азоблардан қутулишни ўйлаган у; аммо у дарранинг кучининг мўътадил бўлишига сира эришмади,— йўқ, ҳатто у ёлбораркан, ўз гражданлигини борган сайин тезроқ такрорлар экан, унга крест тайёрладилар,— балли, илгари шундай қабиҳ қуролни сира кўрмаган бу бахтсиз ва қийналган одам учун крест тайёрладилар. 40

163. Эй озодликнинг тотли номи! Эй, гражданлигимиз билан боғланган алоҳида ҳуқуқ!.. Эй, Рим фуқароси шундай кучли орзу қилган ва, ниҳоят, унга қайтарилган трибун ҳокимияти! Наҳотки, бу нарсалар шунчалик орқага ташланганки, ўзининг гавҳарлари ва шавкатлари билан Рим халқининг хайрли ишига бурчли бўлган шахс, боғланган Рим гражданини Рим халқининг вилоятида, иттифоқ шаҳрининг майдонида савалаб жазоласин? 50

КАТИЛИНАГА ҚАРШИ НУТҚЛАР

(Биринчи нутқдан парча)

[Ўзи консуллик қилган замонда Катилина фитнасини раҳмсизлик билан бостирган Цицероннинг Катилинага қарши тўрт нутқни очик кўрсатадики, Цицерон ўз идеологияси бўйича бу ҳаракатнинг ижтимоий сабабларига чуқур киришга оз уринган. Бу нутқлар риторика маъно пардозлигининг ва шақилдоқ жумлаларининг аллақандай мушакбозлигидан иборат, бу нутқлар таъсир ўтказишга ва Катилина ҳақида ўз фитнаси орқали бутун ерни ёнгин билан хароб қилишни ва бутун коинотни емиришни кўзлаган бир бандит каби тасаввур яратишга қаратилган. Биринчи нутқ милоддан илгариги ҳисобнинг 63 йили 7 ноябрида сенатда, Катилинанинг ўзи ҳам иштирок қилган мажлисда сўзланган.] 10

- Ниҳоят, Қатилина, сен қачонгача бизнинг сабримизни сунистеъмом қиласан? Яна узоқ замонми сен ўзингни телбаларча кирдикоринг билан бизни масхара қиласан? Сен ўз жиловсиз жасоратинг билан зўравонлик қилишдан қачон чекиласан? Палатинни⁹ кеча посбонлари
- 20 қўриқлайди, шаҳар бўйлаб қоровуллар туради, халқ ғалаёнда, ватанни севган барча одамлар кенгашга етиб келишган, сенат энг мустаҳкам жойда¹⁰ мажлис қиладди, бу ерда ҳозир бўлганларнинг юзларида ғзаб ифодаланади... Наҳотки бу нарсалар сенга таъсир қилмади? Сенинг ўйларинг фош этилганлигини сезмайсанми? Сенинг фитнанг очилиб, у тўғрида барча сенаторлар билишини сен билмадингми? Кеча кечаси ва аввалги кун кечаси нима қилдинг, қаерда бўлдинг, кимларни чақирдинг, қандай қарорга келдинг, буларни, сенинг
- 30 ўйлашингча, биздан ким билмайди? Эй, замона! Эй, ахлоқ, хулқ! Бунинг барини сенат билади, консул кўради, а, бу азамат ҳали тирик. Ҳа, фақат тириккинами? Йўқ, ҳатто у сенатга келади, ижтимоий йиғиннинг қатнашувчиси бўлади, бизлардан кимни ўлдириш керак, буни кўзлайди! Биз эса, ботир одамлар, унинг жинни қуролидан қутулган бўлсак, давлат олдида бурчимизни ўтадик, деб хаёл қиламиз! Қатилина, сени кўпдан, консул фармони бўйича, ўлимга олиб бориш, бизнинг ҳаммамизга сен кўпдан буён тайёрлаган ҳалокатни
- 40 сенинг ўзингга қаратиш керак эди...

ОРАТОР ҲАҚИДА

(Парча)

[Партияли суд сиёсий ораторининг образи]

- 1, 20. Мен шундай фикрдаманки, ҳамма муҳим илм, фанларни ўрганмасдан туриб, ҳеч ким ҳар жиҳатдан мукамал оратор бўлолмайди. Ҳақиқатан, нутқ билимининг кўркам меваси бўлиши керак, агар оратор ўз нутқининг мавзуини ўзлаштирмаса ва англамаса, у вақт бундай нутқнинг сўз формаси пуч ва гўдак эзмалигига
- 10 ўхшаб қолади.
48. Агар биров ораторни фақат суд даъвосининг кўйинлиши ва музокарасида ёки халқ қаршисида ёки

сенатда мазмунли сўзлай оладиган одам сифатида таъриф қилса, у ҳатто шундай таъриф доирасида ҳам ораторга бир кўп яхши хислатларни нисбат бериши ва бунга иқдор бўлиши керак. Ҳан шундаки, ҳар турли ижтимоий ишларда анчагина тажриба бўлмаса, қонунларни, одатларни, ҳуқуқни билмасдан, инсон табиати ва характерлар билан таниш бўлмасдан, у бу соҳада ҳам етарли даражада эпчиллик ва пишиқлик билан ишлаёлмайди. Бу билимларни ўзлаштирмагунча, суд ишларида ҳеч ким энг кичик позицияларни ҳам мудофаа қилолмайди, фақат бу билимларни касб этган одам учун олий билимнинг бирон масаласи ёт бўлиши мумкинми? Агар ораторнинг кучи фақат силлиқ, нафис ва мазмунли гапира билишдан иборат эса, у вақт мен сиздан сўрайман: сизнинг томонингиздан рад қилинган билимларсиз, оратор сўзлаш уқувига қай равишда эриша билади? Гапирувчи киши ўзи танлаган мазмунни тўла равишда ўзлаштирмаган бўлса, сўз санъатини тасаввур қилиш мумкин эмас. 20 30

[§ 49—50. Баъзи файласуфларнинг нафис ёзиши (мисоллар) уларнинг ораторлик қобилиятларига боғлиқдир.]

XII. Хўп, фарқ нимада? Мен номларини айтган ёзувчиларнинг нутқларининг кўркемлиги ва тўлғунлиги билан ифоданинг бундай рангдорлиги ва нозиклигига эга бўлмаганларнинг қуруқлиги орасидаги айирмани қандай белгилаш керак? Фарқ, албатта, биргинадир: нутқ қобилиятига эга бўлган одамлар ўзларидан бир нима қўшадилар, яъни силлиқ-текис, нафис нутқни, маълум даражада бадиийлик ва пардозга эга бўлган нутқни қўшадилар. Лекин оратор томонидан англанилган ва ўзлаштирилган мазмунга эга бўлмаган бундай нутқ ё ҳақиқий нутқ эмас ёки у ялпи масхара бўлиши керак. 51. Ҳақиқатан, гарчи энг танланган ва энг нафис бўлса ҳам, лекин ҳеч қандай бир фикрга ва билимга асосланмаган жумлаларнинг пуч жаранги сингари бемаъни ва бемаза нарса бўлиши мумкинми? Демак, ҳар қандай масалани, у қайси турда ва қайси бир санъатга доир бўлмасин, оратор ўз клиентининг иши каби текшириб кўрдими, сўнг уни бу ишнинг устаси ва ихтирочисидан ҳам яхшироқ ва нафисроқ баён қилади. 50 52. Албатта, агар биров, ораторларгагина хос бўлган

махсус фикрлар ва суд доираси билан чекланган масалалар, белгили маърифат-биликлар доираси бор, деган фикрни айтса, мен унга қўшиламан; ҳақиқатан, бизнинг нутқ кўпроқ шу соҳада айланиб туради; лекин худди шу масалалар соҳасида жуда кўп нарсалар борки, уларни риторика муаллимларининг ўзлари ўқитмай-
60 дилар ва билмайдилар ҳам.

53. Масалап, тингловчиларда ғазаб, нафрат ёки қайғу уйғотиши ва уларни бу эффектлардан яна юмшоқлик ва шафқатга мойил қила билишда ораторнинг кучи ҳаммадан кўра кўпроқ майдонга чиқини кимга маълум эмас? Кимки шахсиятларнинг хусусиятлари бўйича инсон руҳларига кирмаган бўлса, одамларни ҳаяжонлантириб ёки янада овитувчи сабабларни билмаса, у ўз нутқи билан истанилган мақсадга эришолмайди.

54. Бу соҳанинг барчаси файласуфларнинг моли — сарватидир, ораторга менинг маслаҳатим — бунга қарши ҳеч вақт баҳслашмасликдир; у бу билимни уларга қолдиради, чунки улар фақат бу соҳада ишлашни хоҳлаганлар, лекин унинг сўз билан ифодасини ишлаб чиқишни, гарчи фанний мазмунсиз у нуздан иборат эсада, оратор уни ўз мулки деб ҳисоблайди; мен бир кўп мартаба айтганим каби, нақ шу томон, яъни тингловчиларнинг тушунчаларига ҳам улар фикрларининг равишига мосланган салмоқли ва нафис нутқ ораторнинг ўзинга хос сарватидир.

80 XIII. 55. Бу нарса ҳақида Аристотель¹¹ ва Феофраст¹² ёзганлигини мен инкор қилмайман. Лекин боқ, Сцевола¹³, менинг сўзларимни бу тўла равишда исбот қилмайдими? Уларда ораторга тегишли қандай умумий нарса бўлса, мен уларни олиб фойдаланавермайман: бу нарсалар ҳақида улар ўз тадқиқотларини ораторлар моли деб иқрор қиладилар. Шунинг учун улар ҳамма бошқа китобларини ўз фанларининг номи билан атайдилар, буларни эса риторик деб номлайдилар ва белгилайдилар. 56. Ҳақиқатан, агарда улар нутқнинг
90 тараққиётида умумий нуқталарга дуч келиб қолсалар — бу нарса кўпгина бўлиб туради, — бунда ўлмас таңгрилар, монелик, розилик, дўстлик, умумий инсоний ҳуқуқ, адолат туйғуси, қаноат, руҳнинг улуғворлиги ҳақида ва ҳоказо фазилатлар ҳақида айтилган гапларни эшитиб, ҳамма гимназиялар ва файласуфларнинг бутун мактаблари, мен ишонаман, шовқин кўтарадилар, буларнинг

бари уларнинг мулки эканини, бу нарсаларнинг ораторга ҳеч бир алоқаси йўқлигини сўйлайдилар. 57. Қандай бўлмасин, бирон бурчакда вақт ўтказиш учун, мана бу нарсалар ҳақида мулоҳаза юргизиш учун розилик беришга мен тайёрман. Лекин улар қандайдир қуруқ ва жонсиз-қонсиз тил билан мулоҳаза қилган айни масалаларни бутун имкон борича ёқимли ва салмоқли равишда тараққий эттириш учун ораторга ҳавола қилман. Афинада бўлган вақтимда файласуфлар билан баҳслашиб, шундай қарашни мен уларга баён қилган эдим. Ҳозирги вақтда қуруқ эдил¹⁴ бўлган бизнинг М. Марцелл бу нарсага мени мажбур қилмиш эди, агар у ўйинлар ташкил қилиш билан машғул бўлмаса эди, бизнинг ҳозирги мусоҳабамизда, шубҳасиз, қатнашган бўлар эди; у ўша вақтдаёқ, анча ёш бўлса ҳам, бунинг сингари машғулотларга ҳайрон қоларлик даражада берилган эди.

[§ 58. Мутахассисларнинг ўзи оратордан кўра яхшироқ фаҳмлайдиган, лекин нафис, бадий ифодаланиш томони ораторга тегишли бўлган бошқа масалаларнинг мисоллари.]

Маълум соҳалар борки, улар ўзларининг бутун кучларини уларни англашга ва ишлаб чиқаришга сарф қилган кишиларнинггина ўз мулкларини ташкил қилдилар, гап шундаки, мен буни ҳеч вақт инкор қилмайман; лекин ҳар нима бўлмасин, тасдиқлайманки, ҳар қандай нарса ҳақида ким мазмунли ва ранг-баранг гапира билса, ҳар жиҳатдан етук ва мукамал оратор ўшадир.

XIV. Ҳамма томонидан ораторларнинг соҳаси деб танилган ишларда шундай масалалар йўлиқадикки, уларни сиз ёлғиз ораторларга қолдирасиз, суд практикаси асосида эмас, балки қандай бўлмасин, бошқа озроқ ҳаммабоп бўлган билимлар ёрдами билан ёритишга тўғри келади. 60. Мен сўрайман, ҳарбий ишда тажрибасизлик, ёки қуруқликнинг ва денгизларнинг тузилишини билмасдан, ҳарбий бошлиққа қарши ёки ҳарбий бошлиқни ёқлаб гапириш мумкинми? Давлат ишларини чуқур билмай ва чуқур тушунмай туриб, халқ қаршисига чиқиб, қонунларнинг қабул қилинганлиги ёки қабул қилинмаганлиги тўғрисида, сенатда эса идоранинг ҳамма томонлари тўғрисида сўзлаш мумкинми? Одамларнинг характерлари ва индивидуал айрим турлари

140 ҳақида файласуфларнинг изоҳ қилдиқлари ҳамма наза-
рияларни энг синчиклаб текширмасдан туриб, нутқ би-
лан тингловчиларнинг фикрларини, туйғуларини ёлқин-
латиш ёки совутиш (бу эса ораторнинг муҳим кучи-
дир) мумкинми?

61. Лекин мен мана нимада сизни ишонтиришга оз-
роқ муваффақ бўларман; ҳар ҳолда мен ўз фикримни
айтишга ўйлаб турмайман. Сен ҳозиргина ишорат қил-
ганинг физика, математика ва ҳоказо фанлар ва санъ-
атлар ўз мазмунлари бўйича мутахассисларнинг билим
150 мавзуларидир; агарда бир киши уларни нафис-бадий
ифодаламоқчи бўлса, унга оратор санъатига мурожаат
қилишга тўғри келади.

[§ 62—63. Бу ҳолатни тасвирловчи мисоллар.]

XV. 64. Шунинг учун кимки оратор тушунчасининг
кенг ихотали ва унинг ҳамма хусусиятларини қамровчи
таърифини бермоқ истаса, менинг фикримча, шундай
кўп маъноли унвонга сазовор оратор нутқда баён эти-
лишни талаб қилган ҳар қандай масалани корсозлик,
адил-текис, нафис равишда сўзловчи, унутувчанлиги
160 орқасида ҳеч нимани тушириб қолдирмовчи ва, бундан
ташқари, ишни бажаришда маълум мумтозликка риоя
қилувчи одамдир.

[§ 65—69. Оратор ҳар бир мавзуга доир (масалан, ҳарбий иш, фал-
сафа, айниқса этика-ахлоқ) маълумотларни мутахассислардан
йигиб олиб, у мавзунини мутахассислардан кўра нафисроқ баён
қилади.]

XVI. 69. Астрономия билан таниш бўлмаган одам,
масалан, Арат¹⁵ осмон ва юлдузлар тўғрисидаги таъли-
мотни жуда нафис ва яхши шеърларда баён қилганли-
гини, ҳам Никандр Колофонский¹⁶ каби дала ишларига
170 шундай бегона бўлган одам зироатга доир қобилияти
билан эмас, балки қандайдир шоирлик қобилияти ор-
қасида қишлоқ хўжалиги ҳақида жуда гўзал ёзганли-
гини мутахассислар тасдиқласалар, бу ҳолда оратор
белгилни иш учун ва маълум вақтда танишган мавзулар
ҳақида нима учун энг юксак даражада гўзал гапира
олмасин?

70. Шоир ораторга жуда яқинлашади: у оҳанг-ритм
масаласида бир қадар кўпроқ сиқилади¹⁷, сўзларни ўз

хоҳишига қараброқ танлайди; иккинчи томондан, сўзни безашга келганда, улар иттифоқчи, ҳатто бир-бири билан тенглашиб қолади; лоақал, бир жиҳатдан, албатта, уларнинг иши бир, бу шундан иборат: айни қобилият ва айни тўлалик орқасида, истаган жойларида жавлон қилишга моне бўлувчи ҳеч қандай чегара билан ўз фаолият соҳасини у ҳам, бу ҳам чегараламайди ва беркитиб қўймайди.

[Оратор ҳам актёр]

[Рим оратор санъати актёр санъатига жуда яқин бўлган. Нутқ вақтида турли ҳаракатлар қилиш ва ўзини тутиш йўсинларини Цицерон ўз давридаги машҳур актёрлар Эзоп ҳам Российдан ўрганганлиги маълум. «Оратор ҳақида» дейилган трактатда оратор ҳам актёр орасидаги бу яқинлик очиқ кўрсатилади.]

II. 189. Агар оратор судьяда вужудга келтирмоқчи бўлган руҳий ҳаракатлар ораторнинг ўзида жилваланмаса ва очиқ ифодаланмаса, тингловчининг қайғуси, нафратланиши, бадхоҳлик, қўрқув сезиши, йиғи ва ачинишга қадар бориши мумкин эмас.

190. Ҳақиқатан ҳам, сен бир кишига нисбатан судьяни ғазаблантирмоқни истасанг, лекин унга қарши сен ўзинг лоқайдлик кўрсатсанг, судьяни ғазаблантириш қулай эмас, агар дастлаб судья сенинг нафратдан оловланганини кўрмаса, сен истаган одамнингга қарши судьяни нафратлантириш осон эмас; агар унинг қаршисида сен фикрлар билан, сўзлар билан, товуш билан, юзинг ифодаси билан, ниҳоят, кўз ёшларинг билан ўз қайғунинг ишоратларини кўрсатмасанг, судьяни қайғиртиш мумкин эмас.

191. Хусусан бегона ишларда кишининг шунчалик аччиқланиши, шунчалик қайғу сезиши, унда ҳар турли руҳий ҳолларнинг шу қадар кўп дафъа ғалаёнга келиши одатдан ташқари ва ҳайрон қоларли бўлиб кўришмаслиги учун шунини айтиш керакки, нутқда кенгайтириши ҳам изоҳ қилиниши керак бўлган у фикрлар ва у умумий приёملар кучининг ўзида шундай каттадир. Бошқаларни ҳаяжонлантириш учун қўлланилган нутқ табиатининг ўзи, тингловчилар ичида ҳар қандай кишидан кўра кўпроқ ораторни тўлқинлатишга қобилдир.

192. Қайфият жиҳатдан ўзига энг бегона одамларни мудофаа қилган чоқда ҳам оратор уларни бегона деб ҳисоблай олмайди.

220 193. Лекин бу нарса бизни ҳайратга солмаслиги учун мен сўрайман: шеър, саҳна, пьесалар каби шу даражада ўйлаб тўқини самараси бўлган нима бор? Бироқ бу соҳада ҳам тубандаги байтларни ўқиркан, актёрнинг кўзлари ниқоб¹⁸ орқасидан гўё ёниб чақнаганлигини мен ўзим кўп кўрганман:

«Сен ўзингдан уни узоқлаштириб, усиз Саламинга қадам қўйишга ботиндингми? Сен отанинг нигоҳидан ҳаё қилмадингми?»¹⁹

230 «Нигоҳ» деган сўзни актёр ҳеч вақт шундай айтмадики, ўғлининг ҳасрати билан ўзидан кетаёзган ва ғазабланган Теламонни мен тасаввур қилмаган бўлай. Лекин шу актёрнинг ўзи овозига аянчли бир оҳанг бериб, шуларни айтар эди:

«Болаларидан маҳрум бўлган кекса кишини сен яраладинг, ўкситдинг, маҳв этдинг; сен биродарингнинг ўлимни ва унинг сенинг ҳимоянгга топширилган кичкина ўғлини ўйламадинг»,— мана шу чоқда актёр бу сўзларни йиғлаб, қайғуриб айтгандай туюлар эди.

II. РИМ АДАБИЁТИНИНГ КЛАССИК ДАВРИ

(Милоддан аввалги ҳисобнинг I асрининг охири,
милоддан кейинги ҳисобнинг I асри бошлари)

ЛИРО-ЭПИК ПОЭЗИЯ

ГОРАЦИЙ

Рим адабиётининг «олтин аср» шоири Квинт Гора-
ций Флаккдир. У милоддан илгариги ҳисобнинг 65 йили-
да Везузия шаҳрида (Апулияда) туғилди. Горацій янги
кўтарилиб келувчи озод қилинган қуллар табақасидан
келиб чиқди. Римнинг энг яхши мактабида таҳсил ол-
ди. Ўз маълумотини мукаммаллаштириш учун Афинага
борган Горацій республикачилар тарафида туриб,
Юлий Цезарь тарафдорларига қарши Филипп яқини-
даги урушда иштирок қилди (унинг тубандаги «Қаси-
да» («Ода»)ларига қаранг, II, 7).

Республикачилар мағлуб бўлгандан кейин у Ита-
лияга қайтди; унинг отадан қолган катта ери Октавиан-
нинг¹ аскарлари учун мусодара қилинган эди. Тирик-
чилик учун маблағи қолмаганликдан, Горацій бир
неча вақт котиб бўлиб ишлади ва адабий фаолиятга
киришди. Вергилий орқали у Августнинг йўлдоши —
Меценатнинг² адабий тўғарагига кирди (тубанда кел-
тирилган «Сатиралар»га қаранг). Горацій республика-
чи бўлишдан «Август куйчиси»га (Пушкин) айланади.

Горацій «Сатиралар» ёки «Сухбатлар»ини милод-
дан илгариги ҳисобнинг 30 йилида ёзиб битирди, «диат-
риба» (кенгайтирилмаган фалсафий диалог) шаклида-
ги бу асарларда ҳар турли маишат мавзуларига доир
«сухбатлар» юргизади, сўнг «Бағишлов шеърлари»ни
ёзади ва буларда ҳам ўз синфининг ҳар хил одамлари
билан суҳбатлашади. Айниқса унинг тўрт китобдан
иборат бўлган лирик шеърлари — «Қасидалар»и («Ода-
лар»и) мароқлидир. Унинг илгарироқ ёзган шеърлари
«Нақаротлар» («Эподлар») шулар ичига киради.

Горацій милоддан илгариги ҳисобнинг 8 йилида ўл-
ди. Шеър санъати тўғрисида унинг «Пизонларга бағиш-

лов» деган асари XVII аср француз классицизм назариячиларига (Буало) катта таъсир кўрсатди; бу «Бағишлов»да у ўз замонасидаги поэзия аҳволига назар ташлаб, ўзининг поэзия назариясини (айниқса драматургия ҳақида) шеър билан ёзади.

Русчага муфассал шеърый таржимаси А. Фетники (Москва, 1883).

ЭПОДЛАР

I, 7 [Римликларга]

[Тўхтовсиз давом этган гражданлик урушига қарши, ўз мулкидан ажралган Гораций учун характерли бир норозиликдир]

- Қайга, жиноятчилар, қайга? Нечун тифларни
Қинлардан суғирасиз?
Ёки ерда, денгизда тўкилган лотин қони
Ҳали оз деб ўйлайсиз?
У нафратли ва мағрур Карфаген келсин
- 10 Ёқилган қалъа каби —
Бошдан-оёқ банд этилган, ўжар британиялик
Муқаддас йўлга тушсин,—
Йўқ, парфянлар³ истагандай шаҳримизни ўз қўли
Хароб қилсин учун бу.
Бўриларда, арслонларда бу қилиқ йўқ, балки
бошқа
- Ииртқичларда бўлмаса.
Қўр тентаклик ё қудратли кучми сизни судрайди?
Ё қусур? Жавоб беринг!
Сас кесилди, юзлари бўздай оқарди ночор,
- 20 Фикрлар бошдан учган.
Ремнинг маъсум қони ерга томиб, эвараларга
Ирим бўлиб қолганмиш,
Ҳали ҳам римликларни қувлар у золим тақдир
Ва қардошни ўлдириш⁴.

I, 9 [Меценатга]

[Эпод Меценатга қаратилган. Милоддан илгариги ҳисобнинг 31 йилида Акциумга яқин ерда бўлган қатъий денгиз жангида Оквавианининг Антонийни¹⁵ енгганиги муносабати-ла Гораций қўшиқ (гимн) таранум қилади. Гораций императорнинг галабасини Меценатнинг уйда қутламоқчи бўлади.]

Цезарнинг бахтига суяниб, Дория созига Фригий⁶ найларининг жонли куйини жўр қилиб, байрамга аталиб яширилган Цекубни Зевс инояти билан сенинг уйингда тезроқ ичаманми, азиз Меценат? Мунофиқ қўлларнинг елкасидан дўстона ечиб олган занжирлар билан Римга таҳдид қилган уларнинг денгиз йўлбошчиси ўзининг ёндирилган кемаларидан мана энди қандай қочиб кетди! Эвоҳ, келажак насллар бизга ишонмаслар, римликлар бир аёлга таслим этилди⁷. Бурушқоқ, разил навкар каби, қўрага қурол-аслаҳа ташишга тайёрлар. Қуёш ҳарбий белгилар орасида чивинлардан чиркин бўлган бир чодирни ҳам кўради. Бундан ҳижолатланиб, икки минг галл⁸ Цезарга улуғ ҳурмат билдирмоқ учун отларини бурдилар, мағлуб бўлган кемалар эса портга яшириндилар ва қочдилар. Эй зафар! Сен шон аравалари билан нима кутасан, сенинг қурбон кесилажак ҳўкизинг қаерда?

Эй зафар! Сен бундай ғолиб билан Югуртадан⁹ ҳам қайтмаган эдинг. Карфаген ғалабаси билан ёдларда қолган Африкан¹⁰ ҳам бундай эмас эди. Бизнинг ёвимиз қуруқликни ва денгизни қўлдан чиқариб, ёрқин либосини ечиб ташлади. У чиркин шамоллар билан кўп касабали Критгами¹¹, Сиртларгами¹² уриб жўнаб қолди ёки Нотдан¹³ юраги эзилиб, вафосиз денгизлами сарсон бўлиб юради. Қани энди, ука, Хиос билан Лесбосдан¹⁴ бизга кўпроқ қуй. Ё бўлмаса, энг тўғри даво бўлган Цекубни қадаҳларга қуй. Цезарнинг ёзмиши ҳақидаги бутун машаққатларни ширин Лией ювиб кетсин!

[САТИРАЛАР]

I, 6 [Горацийнинг Меценатга муносабати.]

Меценат, мен каби дархон қилинган отадан бўлган эътиборсиз одамга, бошқа бир кўп одамлар қилганидек, сен карамдимоғлик қилмайсан, сабаби: Этрусклар ерга келган барча лидияликлардан ҳеч бири асилзодаликда сен билан тенг эмаслигида эмас, она ва ота томондан сенинг боболаринг буюк легион дасталарига ҳукмронлик қилганида эмас, сен кишининг отаси ким бўлганини ҳисобга олмадинг, у фақат озод бўлиб туғилса бас, дединг, сен ҳақиқий суратда англадингки, донгсиз Туллийнинг¹⁵ салтанати ҳукмрон бўлганга қадар ҳам энг фақир аждодлардан тарқалган бир кўп эрлар кўпинча ўз умрларини ҳалол кечирган ва фахрий ўринларга

эришган эдилар; аксинча бир вақтлар Тарквиний¹⁶ мағ-
рурни тахтдан туширган ва Валерий¹⁷ уруғига мансуб
Левин эса, халқнинг фикрича, бутун умри бўйича бир
қора чақа қадар қадр-қимматга эга бўлган эмас, сен
20 биласанки, кўпинча халқ нодонликдан нолайиқ одам-
ларга шараф ва ҳурмат кўрсатади ва шуҳратга маъно-
сиз равишда қулчилик қилади, нуқул имзоларга ҳам
аждодларнинг тасвирларига¹⁸ ҳайрон қолади...

[18--44 гача бўлган шеърларда зодагонликка қараб нотўғри баҳо-
лашнинг яна бошқа мисоллари берилади.]

Мен ўз ҳақимда сўйлайман, мен қул бўлиб туғилган
отанинг ўғлиман, қулликда туғилган отанинг ўғли бўл-
ганимдан, мени ҳамма чайнайди, илгари мени, мен
ҳоким бўлиб, Рим легионига етакчилик қилганим учун
30 чайнашар эди, бу кун эса, Меценат, мен сенга ҳамқур
бўлганим учун чайнашади. Бунда бирон ўхшашлик бор-
ми ахир? Ҳурмат-шараф юзасидан биров менга ҳасад
қилиши, балки мумкиндир ва балки у бунга ҳақлидир,
лекин ҳар қандай фирибгар яланг оёқлардан узоқ бўл-
ган, дўстликка сазоворларни қандай қилиб интиҳоб
қилишни билган сен каби одамга дўст бўлиши мумкин
эмас. Бахтиёр деб атала билишим, тасодифий ёзмиш ор-
қасида сенга дўст бўла билганимдан эмас, сени менга
ёзмиш дуч келтирмади: кўпдан аввал гўзал Вергилий
40 ҳам Варий¹⁹ менинг тўғримда сенга гапирганлар. Мен
сенинг олдинга кирган онда тутила-тутила сўзладим,
чунки нафасим ичимга тушди, забунлик муфассал сўз-
лаш учун монелик қилди: отам зодагонлардан эканини,
ўз мулкларимни Сатурий²⁰ отида айланиб чиқишимни
айтмадим, ёлғиз мен ўзим кимлигимни айтдим. Сен,
одатингча, менга оз жавоб бердинг, мен кетдим; тўққиз
ойдан сўнг эса, сен янадан мени даъват қилдинг ва
мени дўстларинг қаторига қўшдинг. Отасининг асил-
зодалиги билан эмас, балки ҳаёти, тоза қалби билан
виждонли ҳисобланган кишини таниб олувчи одамга
50 ёқиб қолганим учун фахрланаман.

II, 6 [Қишлоқ ҳаётини мақтов]

Муножотим эди ёлғиз: бир парча ер, ортиқ эмас
жиллаям;
Фақатгина унда бўлсин уйга яқин чопиб оққан бир
булоқ,

Яна бунга кичиккина бир огочзор. Лекин менга худолар
 Яхшироқ ва кенгроқ бир ер берди²¹. Кўп соз. Сўрамайман ортиқча,
 Май²² ўғли бу совғани менинг учун тасдиқлаб берса,
 Кўпайтмаган бўлсам агар ёмон йўллар билан бору басдир,
 Фисқу фужур ёки шароб билан уни камайтириб йўғимни,
 Лҳмоқ каби ёлбормайман: «Жилла қурса яқиндаги қўймасам,
 анови
 10 Муюшни мен қирқиб олсам, чунки ҳозир бутун
 ерни у бузар.
 Оҳ, тақдиржон юборсайди, анов каби, бир хумча
 пул менга ҳам,
 У, тошилган хазинага сотиб олди дала, илгари ерни
 Ижарага олар эди, Геркулеснинг²³ марҳамати
 қилди бой».
 Нима бўлса, ўшанга мен рози бўлиб, бир нарсани
 сўрайман:
 Эгасининг ҳайвонлари, руҳдан бошқа бор нарсаси
 семирсин,
 Ҳар вақтдаги каби сен бўл менинг олий ҳимоячим,
 сақловчим²⁴.

[16—72 гача бўлган шеърлар. Гораций ўзининг шаҳардаги нотинч ҳаётини тасвирлайди, қишлоқда, хилватда яшашин хаёл қилади: у ерда меҳмонлар билан фалсафий суҳбат қуриш кўнгилли очади, у ерда қўшнисини шаҳар ва қишлоқ сичқонлари ҳақида чўпчак айтиб беради.]

Айталарки, бир кун шаҳар сичқонини қишлоқли
 Сичқон эски, қалин дўстдек қабул қилмиш инида;
 Узи қандай қаттиқ, бахил, мол тежовчи бўлмасин,
 Меҳмондўзлик билан жуда талтаймоқчи бўлибди.
 Хуллас калом, аямабди узун бошли сулнини,
 Тўкиб солмиш нохотларининг ҳар хиллини меҳмонга,
 Тумшуғи-ла ташибди у қуруқ мева, оз-оз мой,
 У, такаббур тиши билан ҳар нимадан чўқилаб
 Турган меҳмон безмасин, деб хил-хил қилар
 таомни.

30 Уй эгаси тоза сомон устида ётиб ғажир
 Қорамуқни ва какрани,—яхши овқатга тегмас.
 Шаҳарлиси дебди: «Уртоқ, тоғ сиртида, ўрмонда,

Яшамоқдан безмадингми, бунда қандай маза бор,
Бу қаҳрли ўрмонлардан халқ кўп шаҳар созмасми?
Менга ишон, юр мен билан. Жумла махлуққа
тақдир

- Ўлим берган; қутулолмас улуг, кичик ўлимдан,
Шунинг учун, модомики, сен яшасанг, азизим,
Яша гўзал шароитда умринг қисқа эканин
Унутмасдан гўзал яша». Бу сўзларни айтиб у,
- 40 Ановини қизиқтириб, индан чиқди тезгина.
Бир кечада шаҳри азим деворларига етиш
Учун мана йўлга тушди энди улар иккови.
Бой бир уйга улар етгач, бўлган эди тун ярим.
Фил суякдан ложаларда тўшалганди шафақдай
Ёрқин, гўзал тўқилмалар бу уйнинг ҳар ерида
Ва кечаги мўл таомдан қолган экан; қаланган
Саватларда лим-лим тўлиб турар эди овқатлар.
Энди қишлоқ сичқонини қизил гиламга жойлаб,
Шаҳарлиси, хўжайкадек, таом ташишга тушди,
- 50 Фартук тутди, ҳар қандайин оқсоч кўриб танг
қолар,
Ҳар бир тортган овқатини ўзи илк ялаб олар.
Анов ётар, тақдирининг ўзгарганига хурсанд,
У меҳмондир, мўл-жўлликдан рози,— лекин шу
чоқда
Эшикларнинг қанотлари, даҳшатли бир қалдироқ
Каби, бирдан қалдирлади, сачраб турди иккови.
Уй ичида югуришди типирчилаб қўрқувдан:
Бутун уйда янграганда молос итлар²⁵ ҳовлаши
Каттиқ титроқ, ваҳма босиб, азоб берди уларга;
Мана шу чоқ шаҳарлига деди қишлоқ сичқони:
60 «Бундай ҳаёт керак эмас. Хайр, ўрмонда иним,
Мени бундай ғалвалардан асрар фақир ёвғоним».

ҚАСИДАЛАР (ОДАЛАР)

I, 9 [Улфатчилик қўшиғи]

Кара: юксалади қорли Соракта²⁶,
Ўрмон бош эгибди оғир юкидан,
Ўткир, ёвуз қора совуқ банд этган
Барча дарёлар ҳам аста тўхтабди.
Эй Талнарх²⁷, мўл-мўл ташлаб ўчоққа
Ўтинларни, илдам қувла совуқни:
Қани тез бўл, менга кўзачадан қуй

10 У топ-тоза эски Собин майини²⁸.

Қўй ўзгани, денгизда шамоллар жангин
 Бўйсундирган худо қайғисин есин!
 Ана ҳозир тип-тинч баланд сарвлар,
 Шамшодлар туради қимир этмасдан.
 Эрта нима бўлар,— яхшиси сўрма,
 Қўл келган неъматни илавер беғам,
 Ҳали ёш экансан, бўйин товлама
 Ширин муҳаббатдан ва шўх рақслардан.
 Жингалак сочингда ҳали оқ йўқми,
 20 Майдонга, у хилват жойларга югур
 Ва кечки учрашув соатида сен
 Борлигинг-ла майин садоларни ил,
 Хилват жойда тингла қиз кулишини,
 Беркинган қизларни хандасидан бил,
 Тез кўнар ва маъсум гул бармоқларнинг
 Узуқларин асра, ишқ гарови деб.

I, 11 [Левконояга]

Йўқ, билмоққа сен уринма — билиш гуноҳ,—
 тангри менинг,
 Ёки сенинг ҳаётингни нетажакдир охирида,
 Левконоя²⁹, бас фол очиш, халдейларнинг³⁰
 рақамларни
 Маъносига киришни қўй! Тақдир нима бағинласа,
 Бардош яхши: тангри бизга Тиррен суви³¹
 қирғоқларин
 Тўлқинларнинг зарбаси-ла эзаётган шу қишними
 Ёки яна кўп-кўп қишлар яшамоқни насиб этган:
 Эсингни йиғ, қадаҳларга суз шаробни, жуда узоқ
 10 Хаёлларни яқинлаштир. Биз бу ерда сўз сотгунча,
 Кечар бизнинг қисқа умр. Дам ғанимат, шу
 дамларни
 Қўлдан қўйма, энг оз инон эртанги кун лаззатига.

I, 19 [Гликерага]

Эҳтироснинг зolim онаси³²,
 Ёш Дионис³³, шўх майл билан³⁴,
 Мен унутган севгига яна
 Буюрдингиз кўнгил беришга.
 Ургуламен Гликерадан,
 У Пароснинг мармаридан ҳам³⁵

Ёрқин, оқ нур билан порлайди.
 Ўргиламен ноз ғамзасидан,
 10 Кўзни олар латиф юзидан;
 Венеранинг зўри олдида
 Мен ожизман: чунки айрилди
 Кипрдан³⁶ у: парфянлар ёки
 Скифларми,— хулласки нима
 Ишққа ётдир — куйлатмас менга.
 Хўп, берингиз, ходимлар, менга
 Қаламча ҳам ёш новда, сумбул
 Ва муқаддас косада шароб.
 Маъбуда ҳам лутф этиб келсин!

I, 30 [Венерага]

Сен суюкли Кипрни тарк эт, сунбулнинг
 Мавжларида тингла зорин Гликеранинг;
 Кел, сен унинг уйига, эй Венера, кел,
 Книднинг³⁷, Пафнинг³⁸ маликаси, кел!
 Ва сен билан югурсин қизғин гўдагинг³⁹,
 Нознинг сарбаст атласларин ўраган парилар,
 Келсин сенсиз қайғу-ғамда ўртанган Геба⁴⁰,
 Меркурий⁴¹ ҳам келсин у билан бирга.

II, 7 [Помпей Варга⁴²]

Бизга эркининг шарпаси учун
 Ботир Брут⁴³ бўлганда сардор,
 Илк сафарлар, жанглар даҳшатни
 Уртоқлашган дўстни бу диёр
 Сари қайси тангри қайтарди?
 У билан жанг ҳаяжонларин
 Унутардим чодирда май-ла,
 Солқиб тушган сочларни майин.
 10 Пардозлардим бирга Сурияда,
 Уни қайси худо юборди?
 Ёдингдами қўрқинч жанг чоғи
 Мен, қалтироқ бир Рим одами,
 Помуссизча, қалқонни ташлаб
 Қочган эдим ўқиб дуони?..⁴⁴
 Қандай қўрқдим ва қандай қочдим!
 Лекин Эрмий⁴⁵ булутга ўраб
 Олиб қочди узоқларга жим.

- У қутқарди яққол ўлимдан.
 20 Сен, биринчи меним арзандам,
 Яна қолдинг жанг майдонида...
 Римга қайтдинг сен букунгина,
 Сени кўрди қоронғи кулбам.
 Манзилимда ўтир, ором ол,
 Берингиз жон! Аяманг, меним
 На шаробим, на атриётим!
 Жом тайёрми, ука? Қуй, қуй, бемалол!
 Жоиз эмас энди қаноат;
 Ваҳший скиф каби бир ичай;
 30 Дўстим билан қуриб шан улфат,
 Ақл-ҳушни шаробга кўмай.

II, 10 [Лицинийга]

[Гораций учун характерли бўлган мўътадиллик ва «олтин миёналик»ни ваъз этиш.]

- Лициний⁴⁶, сен интилмасанг кенг дарёлар қаърига,
 Ёпишмасанг у бевафо қирғоқларга зўр бўрон
 Қўрқинчидан сезгир, сийрак,— шунда яхши
яшарсан,
 Кимки мендай қилган бўлса олтин мўътадилликни,
 У кўрмагай оғир кулфат ва қолмагай бошпанасиз
 Ва ҳасадга сабаб бўлган юксак мансаблардан ҳам
 10 Ҳокимона четда тутар ўзини;
 Ел кўпинча қайиради энг қари арчаларни;
 Даҳшат билан қулаб тушар энг катта миноралар;
 Яшинларнинг ўқи ёлғиз урар мағрур чўққили
Катта тоғларни.
 Ким ҳаётни фаҳмлаган бўлса, қўрқмас қайғудан,
 Бениҳоят бахтга етса, ҳушёр боқар узоққа;
 Бизга золим қиш келтириб, яна олиб кетувчи
Юпитернинг ўзидир.
 Майли, ҳозир шундай бўлсин,— бундай бўлмас
ҳамиша,
 20 Шундай соат келадики, созни чалиб Аполлон
 Уйғотади илҳомларни,— нишон учун ҳар қачон
Буравермас ёйини.
 Ҳаётнинг бор кулфатларин тетик, маҳкам қаршила,
 Бахт шамоли агар ғоят кучли эсса, у чоқда,
 Сен кеманинг муносиб пуфакланган чодирин
Танлаб ола бил.

II, 15 [Горацийнинг фалсафаси]

[Уз замонасининг зийнатини мазаммат қилиш ва ўтмишга муурожаат.]

- Ботмон-ботмон ерларни омоч
Саройларга бериб бормоқда;
Лукрин кўли⁴⁷ каби ҳовузлар
Қўражаксан, боқсанг қаёққа:
Ҳар ён шумтол, қайрагочлар оз,
Вафоли ишқ дарахтзориди
Бинафшалар кулиб, қилар ноз.
10 Хўжайиннинг қарамоғиди
Усар эди бу ерда зайтун⁴⁸.
Барги қуюқ лавр оғочлари,
Истайларки, туширмасин кун...
Пахмоқсоқол Катон⁴⁹ бундайн
Уйламаган; Ромул ҳам буни
Қилмаганди бизга васият:
Қўр-қутлари оз эди, лекин
Умумники кўп эди, албат,
Салқин учун узунчоқ айвон
20 Қаратилмас эди шимолга⁵⁰.
Шаҳар жомларин у замон
Безамоқни янги тош билан
Хазинага ўргатди қонун,
Оддий фиштни менсимасликни
Лекни элга ман этди бутун⁵¹.

III, 9 [Лидияга]

[Бу шеър Горацийнинг аввалги севгилиси билан бўлган гўзал диалогдир. Шеър Горацийнинг сўзлари билан бошланади.]

- «Сенинг оппоқ бўйнингга, меним
Еш рақибим эркалаб-суйиб,
Қўлларини солмаган чоқда,
Мен сен учун суюкли эдим;
Яшар эдим у вақт бахтлироқ
Мен Эроннинг подшоҳидан».
10 «Оҳ, ўзгани сен Лидиядан
Кўра қизғин севмас экансан.
Мен у чоқда Хлоядан⁵² ҳеч
Паст эмасдим: ҳаммага маълум,

- Мен унда Рим Илиясидан⁵³
 Кўра ортиқ шарафли эдим». —
 «Менга ҳоким букун Хлоя;
 У билади чанг солишни, ҳам
 Яхшигина қўшиқ айтади;
 Мен у учун ўлимга боргум,
 20 Ёлғиз унинг гўзал руҳига
 Қазо қадар омон берса бас». —
 «У Орнитнинг ўгли Қалайсдир,
 Аслин сўрсанг, ўзи Турийлик⁵⁴,
 Кўксимда у бир олов ёқди.
 Мен у учун икки ўлимга
 Рози; ёлғиз йигит умрига
 Қазо қадар омон берса бас», —
 «Агар севги яна бир келса,
 Бир-биридан айрилганларни
 30 Мисдек маҳкам банд-ла бойласа?
 Хлоянинг ҳукмронлигин
 Йиқиб, эшик очайми яна,
 Мен ўзим рад қилган гўзалга?» —
 «Майли йигит олтин юлдуздан
 Гўзал бўлсин, сен эса майли
 Шамолдан ҳам беқарор бўлгин,
 Адриатик зўр тўлқинидан,
 Майли жаҳлинг даҳшатли бўлсин,
 Мен яшагум келар сен билан,
 40 Ҳатто сен-ла ўлмоқ ҳам ширин!»

II, 14 [Постумга]

- Ҳайҳот! Йиллар сезилмасдан тез учмоқдадир,
 Эй Постум, эй Постум!⁵⁵ Муножотлар беҳуда:
 Пешонада ўй асари — бурушқлар йўқолмас;
 Қарилик ҳамда ўлим муқаррар даҳшат эрур.
 Кунда уч юз ҳўкиз сўйиб, эй дўст, беҳуда
 Ёлбориш-ла Плутонга таъсир қилмайсен:
 Қўз ёшсиз, уч баданли у Герионни⁵⁶,
 Титийни⁵⁷ ҳам чулғаб олди ҳасрат мавжига.
 10 Бу тўлқинда мумкин эмас сузмаслигимиз,
 Биз шоҳларми ёки фақат йўқсил деҳқонлармизми,
 Ўз меваси билан бизни тўйғизадиган
 Дунёдаги барча махлуқ кетажак бир кун.
 Бизга бекор тегмай ўтар қонхўр Марс⁵⁸, яна

- Қивралган тўлқини-ла ҳайқирган Адрий⁵⁹,
 Қуз чоғининг ели каби оғриқ, сочароқ,
 Улим ели эсса агар, қўрқиш беҳуда:
 Сайр этармиз жаҳаннамнинг қоронғисида
 Қўз ёш дарёсини ҳамда Данайнинг⁶⁰ малъун
 20 Авлодини, яъни Сизиф, Эолиднинг
 Қўлларида бекорчи мангу заҳматни⁶¹.
 Қолдирасан еринг, уйинг, рафиқангни ҳам...
 Ўз қўлинг-ла ерга эккан дарахтларингдан,
 Эй, сен дақиқалик соҳиб, борар орқангдан
 Коринг учун нафратланган бир сарв оғочи⁶².
 Гоят пинҳон ин-инида асралган майни
 Топиб олар подваллардан пишиқ меросхўр:
 Роҳиблар ҳам ичмаган бундай соф майни
 Оқар қилиб тўкишдан у ҳеч уялмайди.

IV, 15 [Августга мадҳия]

- Мен тараннум қилмоқчидим қонли жангни,
шаҳарлар
 Ҳалокатин, лекин бирдан жаранглади соз саси
 Ва Аполлон билдирдики, Тиррен⁶³ мавжига қарши.
 Кўҳна чодир кема билан курашга бормагаймен.
 Эй Цезарь, сенинг асринг мўл-мўл самара бериб,
 Бахтиёр қўшчиларнинг меҳнатини яшнатди;
 У такаббур парфянлар⁶⁴ қалъаларидан олиб,
 Сен қайтардинг шуҳрат қушин бизнинг
Зевсимизга⁶⁵
 10 Ҳамда Янус Квириннинг эшикларин беркитдинг⁶⁶,
 Жиловладинг, чеклаб қўйдинг бебошбоқлик руҳини
 Ва қудратли қўлинг билан зир қақшатдинг
фасодни,
 Қувонтирдинг бизни яна қадимий шароб билан⁶⁷.
 Удир ҳурмат бағишлаган лотин исмига баланд,
 Халқнинг улуғ руҳини парвариш қилган удир,
 Мағрибдан то Машриққача румо халқининг буюк
 Шуҳратини ва донғини оламга ёйган удир.
 Цезарь бизни кулфатлардан қўриқласа агарда,
 Гражданлар исёнлари тинчликни бузмас асло.
 20 На дунёнинг юқориги соҳилида турган халқ,
 На Гет, на Сер, на-да бизнинг айёр душманамиз
форс
 Ва на Доннинг узоқ суви бўйларида яшаганлар,

Бари бизнинг қонундан ҳеч бўйин товлай олмас.
 Биз эса хоҳ иш кунлари, хоҳ байрам кунларида
 Шароб тангриси берган совғага тиз чўкамиз.
 Хотин-халаж, бола-чақа, уруғ-аймоқ барчамиз.
 Таомилдек худоларга дастлаб қилиб илтижо,
 Сўнг най билан оталарни, қаҳрамонларимизни
 Биз тараннум қиламиз-да, бу қўшиқда қадрдон
 30 Анхизни ва Трояни юксак сас-ла ёдлаймиз,
 Венерага, унинг мумтоз наслига биз дуохон⁶⁸.

III, 30 [Ҳайкал]

Мен ўрнатдим бир ҳайкални мисдан ҳам чидамли у;
 Унинг қадди шоҳона эҳромлардан юксакдир,
 На ёмғирнинг ўткир дами, на пучак ел Аквилон,
 На кечувчи йилларнинг бениҳоят кўп сафи
 Ва на замон пойгаси абадиян бузолмас.
 Пўқ, мен тамом ўлиб кетмайман: менинг кўп
қисмим
 Унутилар, вафотдан сўнг шуҳратим билан яна
 Униб чиққум, олий роҳиб Капитолийда ҳали
 10 Сукунатли қиз билан вазифасида экан⁶⁹;
 Аталғумдир жўшиб оққан Авфид⁷⁰ соҳилларида,
 Суви камчил чўпонларнинг қабиласига
 Давн¹⁷ бир вақт подшоҳлик қилган жойларда:
 Мен ҳечликдан қудрат топдим⁷², мен илк марта
Эолия⁷³
 Куйларини итальянча оҳангларга уйдирдим.
 Ифтихорга сазоворман, Мельпомена, қабул эт,
 Ва Дельфнинг⁷⁴ шон тожи билан шарафлангир
 бошимни.

ПИЗОНЛАРГА БАҒИШЛОВ

[Шеърий асарнинг бирлиги ва бутунлиги]

Агарда рассом инсоннинг бошига от энгасини уласа
 эди ва турли аъзолар қурамасини ола-була патлар би-
 лан безаса эди ёки гўзал хотин баданини қора балиқ
 шакли билан тамомлаган бўлса эди,— бунни кўрган
 вақтда, дўстларим, сиз қаҳқаҳадан ўзингизни тута би-
 лармидингиз?
 10 Ишонинг, Пизонлар, бундай сураг шундай бир
 китобга ўхшайдики, унда бир-бирига қовушмаган хаёл-
 лар, касал одамнинг туши каби, шу қадар пойма-пой-

- дирки, оёқ билан бош бир бутун вужуд ташкил қила олмайди⁷⁶. «Рассомларга, шунингдек шоирларга ҳам ҳар нимага уриниб кўришга азалдан тўла ҳуқуқ берилган», дерлар. Биламиз бу гапларни! Бу эркинликни сўрашга ва беришга биз розимиз. Лекин ваҳший махлуқ билан беозор махлуқ оғиз-бурун ўпишуви учун эмас, қушлар билан илонлар, шерлар билан қўйлар бирикуви учун эмас. Муҳим ва кўп нарса ваъда қилувчи бир бошланғичдан кейин аксар вақт кўпроқ порлоқлик бериш учун асарга рангдор қуроқларми ё бошқа нарсами ёпиштирилади, оғочзорнинг кўлкасиними, Диананинг меҳробими⁷⁷ ва гўзал далалар оғушида оққан анҳорнинг буралишларини ёки Рейн дарёсини, ё бўлмаса, кўкда кўринган камалакни бизга тавсифлаб беришга бошлайдилар. Лекин бу нарса бу ерда жойига тушмаган бўлади. Сен эҳтимол, сарлавҳаларни ёзишга устадирсан? Аммо бунда дарёда фарқ бўлганлар тасвирланар экан, ҳайбаракаллагиларнинг нима даҳли бор?
- 30 Қўшқулоқ ясамоқчи бўлдинг, кулолчилик чарҳини айлантирдинг — нимага тувак чиқиб қолди? Бир сўз билан айтганда, нима қилишни фикрлаган бўлсанг, у воҳид — бутун бўлсин⁷⁸. Ота-бола Пизонлар, аксар вақт бизни — шоирларни, ҳақиқат сароби ҳалок қилади, қисқа сўзлашга қанча тиришмасин, борган сари англашилмас бўлаётирман; баъзи одам енгил бўлишга тиришиб, кучни ва руҳни йўқотади, манови эса, улуғвор бўлишга уриниб, сунъий — тумтароқли бўлиб қолган; бўрондан қўрқувчи тупроқда гоят эҳтиёт бўлиб сурғалади, кимки оддий-анчайин нарсани безаш билан ажойиб қилмоқчи бўлса, у ўрмонда дельфинни, денгиз ўртасида ёввойи чўчқани ёзади... Ёзувчилар! Ўз кучингизга мос келадиган мавзуларни танланг ва елкангиз нимани кўтармайди, нимани кўтара олади, буни жуда диққат билан тартиб-ўлчаб кўринг. Кимки ўз ҳоли-қудратига яраша ишни танлаган бўлса, бунда ҳар вақт ифода — сўз етарли бўлади ва тартиб ҳам очиқлик бўлади. Тартибнинг қуввати ҳам ҳусн — бу ерда нима айтиш лозим эса, уни худди мана шу ерда айтишдадир (ёки мен хато қиламанми?).
- 50

[Сўзларни ва ифодаларни танлаш]

Сен сўзларни моҳир, аниқ қўшиб, гўзал таққослаб, маълум бир сўзга енгиллик бера билсанг, у вақт ёқи-

шинг мумкин. Лекин янги тушунча учун бирон янги сўзга зарурият сезилса ҳамда қадим шоёрларда эшитилмаган бирон гап матлуб бўлса, мутавозе равишда киритмоқ лозим⁷⁹. Эндигина киритилган янги сўзларда, грек руҳи бироз ўзгарилса, улар ҳақ қозонади. Плавт билан Цецилийга⁸⁰ имкон бериб, нимага Варий⁸¹ ёки Вергилийга⁸² рад қилади римлик? Камтарлик билан ишлайди-да, мен яна марҳамат кўрмай? Оталарнинг сўзини Катон⁸³, Эний⁸⁴ тили бойитди, буюмларга янги-янги исмлар топиб қўшишди. Замонасининг тамғасида зарб уриб, янги сўзлар киритишга ҳақ берилган, яна берилажакдир. Йил ўтиши билан ўрмон барглари ўзради, эски барглар тўкилади,— эскирган сўзлар шундай ҳалок бўлар, янгилари йигитдай кўркам гуллайди. Биз ҳам, бизнинг бор нарсамиз ҳам ўлимга маҳкум эрур... Эскирган кўп сўзлар яна тирилади, бошқалар — одат истаса,— буқун ҳурмат кўрган сўзлар ўлар: тил қонунининг, қондасининг буюк судьяси одатдир.

[Меросдан фойдаланиш]

Умумий нарсани ўзинга мос бир шаклда ифодалаш қийиндир; Ҳеч ким эшитмаган ва билмаган нарсани илк марта тўқиб чиқаришдан кўра, сен Илиаданинг⁸⁵ қўшиғини катта муваффақият билан пардаларга бўла оласан. Агарда юзаки ва тубан доирада айланиб қолмасанг⁸⁶, агарда таржимон каби сўзма-сўз кўчирмасанг, оёқларингни тортиб олишга ё номус, ёки асарнинг маъноси имкон бермайдиган бир разолатга ботмасанг, у вақт умумга маълум бўлган нарса сенинг молинг — неъматинг бўлиб қолади.

[Драматик персонажнинг характери,
унинг ёши билан уйғун бўлиши ҳақида]

Истасангки, ҳар парданинг юксалишин кутсин
 томошабинлар
 Ва ўтирсин то қўшиқчи «олқишлангиз», деб
 тураркан уларга,
 Сен ҳар ёшга махсус бўлган одатларни қайд
 этишинг керакдир.
 Еш чоқлар ҳам етук чоқлар ифодасин сақлашинг
 керак бўлур.

Тетик қадам боса билган ва сўзларни айта билган
 Ёш бола
 Ўз тенглари билан бирга ўйнамоқни истар, лекин
 бир дамда
 Гоҳ қизишар, гоҳ қарабсан, сокинлашар, ҳар соатда
 ўзгарар.
 20 Соқол-муртсиз бир ўспирин назоратсиз қолдимни,
 бас, у энди
 Отларни ҳам кучукларни, ёрқини, гўзал Марс
 майдонин⁸⁷ севади.
 Ёмон йўлга мумдай юмшоқ, тўғри йўлга
 даъватларга ўжардир.
 Фойдалиқни кеч кўради; ақчаларни юборади
 созуриб,
 У қайноқдир, кеккайгандир, нима севса, уни осон
 тарк этар,
 Бунга тамом тескариндир эркак руҳи ҳам унинг
 етук ёши,
 Кейинчалик ўзгартириш оғир бўлган ҳар нарсадан
 У қочар.
 Бойлик, ҳурмат, таниш-билиш қидиришга мажбур
 қилади уни.
 Чол атрофин қуршаб олар кўп машаққат; сабаби:
 Ё у бойлик қидиради, топгач уни, қўл тегизишга
 қўрқар.
 20 Ё бўлмаса, ҳар бир ишни қўрқа-писа ва қизиқмай
 бошқарар.
 Келгусида бўлар, дея, ҳар бир ишни кетга
 сураверадн.
 У забардаст ва инодчи; у ўз ёшлик чоқларини,
 ўтмишни
 Мақтайди-да, сўнгра замон ёшларини текширар,
 ҳукм қилар,
 Ўзи билан кўп қулайлик келтиради жараёнида
 йиллар,
 Кўп нарсани олиб келар қайтишида; чол родини
 йигитчага
 Ёки бола ролларини етук эрга тақиб қўймаслик
 учун
 Биз ҳамиша ҳар бир ёшга уйғун бўлган роль
 берайлик.

Кеча-кундуз қўлдан асло қўймайин
30 Греklarнинг ижодларин ўрганишга тиришингиз...

[Шакл ҳам мундарижа]

Тўғри ёзмоқ истайсанми — чалиш тўғри фикр
этишга:

Сукрот⁸⁹ мактаби сенга тушунтирар бу нарсани,
Мавзу яхши ўйланилса, сўзлар ўзи оқаверар.
Ватанига ва дўстига нисбатан ўз бурчини ким
Идрок қилса; отасини, қардошини ва меҳмонни
Қандай севмоқ лозимлигин билса, сенат вазифаси,
Судья иши ва урушга кетаётган қўмондоннинг
Вазифаси нималардир,— кимки идрок қилса буни,
40 У, шубҳасиз, ҳар бир ролга лойиқ образ бера
билар,

Мен ақлли тақлидчига шундай кенгаш берардим:
Урф-одатга ва ҳаётга қара, ундан жонли сўз ол!
Баъзи жойи гўзал, тўғри, лекин асл нафосатдан
Маҳрум, кучсиз ва санъатсиз оддий турмуш

асарлари
Тамтароқли ва бемаъни пуч шеърларга қараганда,
Халқни кўпроқ мафтун қилар ва яхшироқ жалб
этар.

Мангу шонга⁸⁹ интилгани учун илҳом, ижодий руҳ
Греklarга бағишлади гўзал, ўткир, салмоқли нутқ...

[Чинакам шоирнинг образи]

50 Ким ўйинга моҳир эмас, ким отмайди Марс далада
на лапта,
На тўп, на диск, атрофини қалин қуршаб олган
томошабинлар
Бирдан унинг аҳволига ҳақли кулги ёғдирмасин
яна деб;
Аммо мана шундай киши шеър ёзишга киришади
нимага⁹⁰
Ёзмасин у? У озоддир ҳамда яхши оиладан ва ҳатто
Эътиборли суворийдир, беками, кўст у хусусий
ҳаётда.

- Сен ҳеч нима қилолмайсан Минервадан⁹¹ беихтиёр,
айтмайсан.
Бунга кафил ақлинг, завқинг. Лекин ёзмоқ учун
жазм қилсанг сен.
У маҳалда сен Мецийнинг⁹² сезгиларин судья қилиб
сайлагил⁹³
Мурожаат қил отанга, яна менга; ёзган
нарсаларингни
60 Тўққиз йилча яшириб қўй; нашр этгунча
тузатишлик қулайдир.
Бутун халққа эълон бўлган сўзни эса ҳеч қайтариб
бўлмайди.
Гўзал шеърни табиатми ёки санъат яратади, бу
ҳали
Масаладир. Ва лекин мен билмайманки, агар
талант бўлмаса,
Бирон нарса яратишга фан қодирми ёки талант
санъатсиз?
Иккиси ҳам бир-бирини чақиритиб, бўлишади кўп
иноқ,
Ким маррага⁹⁴ илк етишга тайёрланса, болаликдан
бошлаб у
Ҳормай-толмай юк кўтарган, терлаб-пишган, совуқ
еган, ишлаган,
Лаззат нима, шароб нима — ҳеч билмаган; кимки
илҳом найига
Берилибди — даставвал у муаллимда таълим
кўрган, ўқиган;
70 Кифоядир бугун айтиш: «Мен ажойиб, гўзал қўшиқ
тўқийман.
Қолоқларни зиллат боссин, уяламан энг кейинги
бўлишдан
Ёки ўзим ўқимаган нарсаларни билмаслигим
тонмоқдан».

[Шоир ва танқид]

Оломонни мол олишга жарчи чақирган каби,
Нўноқ шоир жалб этади мақтовчиларни шундай,
Агар ер-сув, ўсиб турган капиталга бой бўлса у.
Лоақал у кўнгил тортар зиёфатлар беришга,
Қамбағал-чун кафил бўлиш ёки суддан қўллашга
Қобул бўлса; танг қолардим агар шундай бахтиёр,

- 80 Чин дўстларни айра билса қалбакилардан оз-моз.
 Сен бировга совға берсанг ёки бермоқчи бўлсанг,
 Сен шу вақтда шеърларингни унга ўқиб бермагил:
 У шодланиб қичқиради: «Аъло! Гўзал! Кўп нафис!»
 Хатто бирдан ранги ўчиб, меҳрли кўзларидан
 Ёш тўкади, дик туради, шавқдан ерни тепади.
 Уликнинг тепасида фарёд-фигон қилиш учун
 Ёлланганлар сингари, балки улардан кўпроқ
 Интрайдилар, сўзлайдилар ғоят хазин сўзларни,
 Масхарачи мақтовчидан чиндан кўпроқ мутаассир.
- 90 Қадаҳларни тута бериб қийнаш бойларда одат,
 Шахс дўстликка лойиқми-йўқ, улар буни май билан
 Синамоқчи бўлишади. Шеър тўқисанг агарда,
 Тулки тери ёпинган мақтовлардан чўчигил.
 Квинтилга⁹⁵ шеър ўқисалар: «Дўстим,— дейди у,—
 Буни, мана буни тузат», десанг икки-уч мартаба
 Уринсам-да эполмадим; у дер: «Бўлмаса ўчир,
 Сандонда эзилмаган шеърни тузатиш учун».
 Инод қилсанг, ўз хатонгни тузатмасга тиришсанг,
 У вақтда у беҳудага сўз сотиб ўтирмайди,
- 100 Ўз фарзандинг, ўзинг ёлғиз севабер, деб топширар.
 Ҳам шеърларни қабул этмас виждонли, онгли
 судья,
 Дағалини чиқит қилар, қоришиқ байт остига
 Қора тортар, такабурлик пардозларин кесиб
 ташлар;
 Муғлоқ шеърни равшанлашга мажбур этар; йўл
 қўймас
 Тутал гапга; ўзгартишга тегиш жойни қайд этади.—
 Қисқаси, у Аристархдир⁹⁶, демас: «Нечун ранжитай
 Дўстни икир-чикир билан? Лекин бу икир-чикир
 Фалокатга судрар, ёмон дейилса ва кулинса гар.
 Нақ қутурган ё сарамас касалига мубтало,
- 110 Ё қўтирга, ёки руҳий хастадан қочган каби
 Ҳар ким қочар, ҳар онгли шахс ҳуркар тентак
 шоирдан,
 Орқасидан югуришиб тинчлик бермас болалар».

ВЕРГИЛИЙ

Публий Вергилий Марон — Рим адабиётининг «классик даври» шоиридир. У милоддан илгариги ҳисобнинг 70 йилида Мантуи шаҳрига (Италиянинг шимолида) яқин Андах деган бир жойда туғилди, аввал Миланда, сўнгра Римда таҳсил кўрди ва бу ерда адабий фаолиятини бошлади. Вергилий милоддан илгариги ҳисобнинг 45 йилида ватанига қайтди, йўлбошчи Октавианнинг ветеранлари (аскарий хизматни адо этганлар) 10 фойдасига бошқалар билан бир қаторда мусодара қилинган кичик поместьесини ўзининг ёлғиз адабиёт дўстлари ёрдами орқали қайтариб олди. Вергилий Меценатнинг адабий тўғараги бошлиғи эди. Шоир милоддан илгариги ҳисобнинг 19 йилида Грецияга саёҳат қилишга чиқди, лекин офтоб тегиб, Италияга қайтди ва Брундизия шаҳрида вафот этди.

Граждан урушлари йилларида (милоддан илгариги ҳисобнинг 42—37 йиллари) ёзилган илк асарлари «Буколикалар» (чўпонлик шеърлари)да Вергилий Феокритга тақлид этади (I томга қаранг). Деҳқончилик ҳақидаги «Георгикалар» (37—30 йиллар) номли дидактик поэмада Вергилий гражданлик уруши орқасида вайрон бўлган ва йирик қулчилик хўжалиги томонидан ютилган майда қишлоқ хўжалигига кенг табақаларнинг диққатини жалб қилишни мақсад қилиб қўяди. Лекин Вергилийнинг энг машҳур асари «Энеида»дир; у ўн йил ичида, шоирнинг то вафотига қадар ёзилди; бу поэма куйдирилган Троядан қочган Троя қаҳрамони Энейнинг дарбадар кезишларини, унинг Италияга келишини ва давомли урушлардан сўнг унинг томонидан янги сулола, келгуси Римнинг ташкил қилинишини тасвирлайди. 30

Бу қаҳрамонлик поэмасида Вергилий «Илиада» ҳам «Одиссея»га очиқдан-очиқ тақлид қилади.

Вергилийнинг поэзияси Рим адабиётига катта таъсир кўрсатди, «Энеида» эса ўзидан кейинги бутун эпосга таъсир қилди. «Энеида»ни «бироз дирдов», Вергилийни эса «сил ота» деган Пушкин ҳар ҳолда Вергилийни, унинг тақлидчилигига қарамай, гений деб ҳисоблаган, уни билган ва асарларини ўқишни севган эди.

БУКОЛИКАЛАР

(Парча)

[Вергилий Феокритга¹ тақлид қилиши билан бирга Италия чўпонларининг реал бўлмаган образларини яратади. Автобиографик аҳамиятга эга бўлган биринчи эклога (қишлоқ ҳаётига оид шеър) («Танланма шеърлар») бу жиҳатдан кўпроқ типикдир. Бу ерда Вергилий Титир номи остида ўз-ўзини тасвирлайди; ўз поместьесининг қайтарилишидан ўзининг рози бўлганини унинг тилидан ифода қилади ва йўлбошчи Октавианни мадҳ этади.]

БИРИНЧИ ЭКЛОГА

Мелибей, Титир.

Мелибей

Катта қайин кўлкасида, Титир, ёнбошлаб ётиб.
Ингичка найда ўрмон куйларини тўқийсан,
Мана мен тарк этаман севикли далаларни,
Мен қочаман ватандан, сен кўланкада, Титир.
Куйлатасан ўрмонга гўзал Амариллидани².

Титир

10 Эй, Мелибей, бу тинчликни бизга бахш этди тангри,
У ҳамиша тангрим бўлур³, унинг қурбонлик ўрни
Юмшоқ қўзиларимиз билан тез-тез йўқланар.
Сигирларим яйраб юрар, мен содда қамиш найда
Хоҳлаган куй чаламан,— бунга имкон берди у.

Мелибей

Йўқ, мен ҳасад қилмайман: кўпроқ ҳайрон бўламан;
Барча дала-кентда шундай паришонлик! Ана мен
Ўзим шундай ҳориб-чарчаб, эчкиларни олисга
Ҳайдайдирман, лекин, Титир, элтармиканмен бун!
20 Ҳозир шунда, ёнғоқзорда у ташлади қўш бола,
Оҳ, поданинг қутини у қуруқ тошда қолдирди.

Ёдимда бор, чақмоқ урган болут оғочи менга
Бу офатдан аксар вақт олдин хабар берарди⁴.
Эсим-ҳушим у вақтда гарчи айнамагани,
Ҳа, Титир, қани менга англат-чи, у худо ким!

Т и т и р

- Мен, аҳмоқ, ўйлардимки, Рим деб аталган шаҳар
Биз, чўпонлар, Мелибей, одатда қўзиларни
Элтиб сотдигимиз у шаҳримизга ўхшар деб⁵.
30 Билардим, кучуквачча катта кучукка ўхшар,
Улоқ ўз онасига; шундай, мен катта нарса
Билан кичикни ҳар вақт таққослашга ўргандим.
Урмонда майин калина оғочлари устидан
Одатда сарвлар тик юксалгани каби Рим,
Чиндан, бошқа шаҳарлар ичида бош кўтармиш.

М е л и б е й

Айт, сен қай сабаб билан бординг Рим шаҳарига?

Т и т и р

- Озодлик!
40 Соқолим оқариб-да тўкилгандан сўнг, эрклик
Кеч бўлса-да, мен беғамга жилва кўрсатди ахир;
Галатеядан⁶ айрилиб, мен Амариллидага
Етишгач, кўп чоқдан сўнг у менга боқди келди.
Тан оламан, Галатея менга ҳоким бўлганда,
Менда йўқди эрк умиди, на даромад қайғуси.
Биз ҳайдаган подалардан кўп неъматлар чиқса-да,
Сиқиб олинди қаймоқ мойи нонкўр шаҳарга,
Қўлим, ёним пул билан тўлган ҳолда қайтмадим.

М е л и б е й

- 50 Мен ҳайрон қолгандимки, тангриларнинг ҳасрати
Билан чақирадирсен, Амариллида дея,
Дўстинг учун оғочларда мевалар қолдирасен.
Бунда йўқ эди Титир! Сени арчалар ўзи,
Булоқлар, буталарнинг ўзи чақирди, Титир!

Т и т и р

Нима қилиш керак эди? Мен ўзга бир йўл билан
Чиқолмасдим қулликдан, дўстим билан бирликда
Билолмасдим мен шундай лутфкор тангриларни.
Кўрдим унда⁷, Мелибей, бир йигит, унга ҳар йил
60 Олти кундан икки марта қандилимиз тутақар,
Илк сўровчи — менга мана қандай жавоб берди у:
«Аввалгидай, сигир боқинг, ҳўкнзларни кўпайтинг
Урчитинг, болаларим».

М е л и б е й

Бахтиёр чол, далаларинг қўлингда сақланади!
Гарчи яйлов-ўтлоқни ва ботқоқликда ўсган
Қамишларни⁸ тош босган, майли бу ҳам бир
давлат.

Оғритмайди бу ерда ярамас ўт болали
Ҳайвонларни; зиён бермас теваракнинг подаси.
70 Бахтиёр чол, бунда, таниш қирғоқларда ва эзгу
Булоқларнинг салқинида ором олиб яшайсан.
Ён бағрингда чорвоғ бордир, у ерда ҳеч тўхтовсиз
Учар чаман яйловида Гиблей⁹ бол арилари;
Нозик товуш таклиф этар сени кўп вақт уйқига.
Бунда боғбон куйлайди юксак тошда, кенгликда,
Ҳа, тагин кабутарлар — сенинг овинг — ҳу-ғувлар,
Қумрилар баландликда фиғонлардан тинмаслар.

Т и т и р

Токи менинг кўкрагимдан унинг расми-хаёли
30 Кўтарила бошлашидан олдин чаққон кийиклар
Денгизларни яйлов қилиб, пода бўлиб юрарлар
Ё яланғоч балиқларни тўлқин отар соҳилга,
Саргардон бўла-бўла парфянли қувғинди
Ардан сув ичади, герман ичар Дажладан¹⁰.

М е л и б е й

Биз кетамиз бу ердан, кимлар чўл афрларга¹¹,
Кимлар Скифияга балки бориб етармиз
Тез оқар Оксгача¹², ҳамда бутун оламдан
Жуда узоқ яшаган британлар юртига.

- 90 Усиб унган ерларим-ла мен кўп йиллардан сўнг
 Завқланайми? Неча марта экин ўрилгандан сўнг
 Ўз ерим-мулкларимни янадан кўриб, тагин
 Тикон қоплаган фақир кулбам-ла завқланайми?
 Худосиз жангчи, гўзал шудгорни эгаллайди
 Экинларни варвар олар. Мана, қаерга элтди
 Бизда иттифоқсизлик бахтсиз гражданларни!
 Улар учун экдикми далаларга? Мелибей,
 Энди пайванд қил нокларни, кўчириб эк тоқларни¹³,
 Кетинг, бир вақт хушбахт пода бўлган эчкилар,
 кетинг!
- 100 Юксакда қояларда тентиб юришингизни
 Яшил ғорда ётиб ҳеч кўрмай шу ондан бошлаб;
 Куйламаймен, боқмаймен, эчкилар, менсиз энди
 Аччиқ толбарг ва гуллаган ялпизларни чимтасиз.

Т и т и р

Бунда, кўкаламзорда бу кеча сен мен билан
 Ҳар ҳолда дам олишинг мумкин: менда сузма мўл,
 Етилган мевалар ҳам юмшоққина каштан бор.
 Ана узоқда қишлоқ, уйлардан тутун бурқар,
 Узунроқ энмоқдадир юксак тоғдан кўлкалар.

ГЕОРГИКАЛАР

(Парчалар)

[1, 43—99. Деҳқоннинг дала ишлари. Ўзининг махсус техник қоида-
 йўлларини ёрқин образлар билан, шоирона жонлантирадиган Верги-
 лийнинг маҳорати билан танишув учун бу парча фавқулодда ха-
 рактерлидир.]

- Илк баҳорда қорли тоғлар чўққисидан¹⁴ муз суви.
 Оқар экан, зефир-шамол тупроқларни ғовлар экан,
 Омоч олдида семиз ҳўкиз мағрай бошласин
- 10 Мола билан ишқаланган омоч тиши порласин.
 Дала икки марта иссиқ, икки марта совуқ кўрган
 Бўлса¹⁵, у вақт деҳқонларнинг ҳамма орзусин берар,
 Бундай ернинг зўр ҳосилин омборлар ҳам
 сиғдирилмас!
 Номаълум бир увани биз қўпоришдан аввалроқ
 Шамолларни, турли-турли об-ҳавони, боболар
 Усулларин, мазкур маҳал одатларин билиш керак.
 Мана бу ер нима берар ва деҳқонга нима бермас,

- Мана бу ер донга бопдир, анов ерда ток ўсар,
 Бунда дарахт авж олади, ўз ҳолича ўт кўкарар.
- 20 Кўрмайсанми, Тмол¹⁶ заъфар атирларни юборар,
 Ҳиндистон — фил суяклари, Сабей¹⁷ — нозик
 қалампирлар,
 Яланғоч¹⁸ Халиб¹⁹ — темир, Понт²⁰ — муаттар
 ҳидларин,
 Эпир²¹ Элиднинг голиб қулонларин юбормасми?
 Девкалион бўш оламга тошлар отиб, улардан
 Қаттиқ насл — яъни инсон пайдо бўлган асрларда²²
 Табиат ўз қонунларин ва абадий шароитин
 Бермиш турли ўлкаларга. Қани, ишга киришинг.
 Кўркам ернинг тупроғини йилнинг илк ойларида
- 30 Қизиб кетган тўзонли ёз ўти билан хўп қизитсин,
 Агар тупроқ озғин бўлса, у вақт Арктур²³ олдидан
 Уни бироз кўтариб қўйиш кифоя қилади ҳам;
 Бунда қувноқ кўкатларнинг ҳосили ранжимайди
 Ва бефойда қумлар камчил намликни йўқотмайди.
 Бардош қилки, дала бир йил шудгор бўлиб дам
 олсин,
- Бўш ётганда ором олиб у кучини тўпласин;
 Ёки олтин донларни сеп, худди қуёш алмашгандай,
 Олдин титроқ қин-қобиқли сербарака нохот сепгил.
 Ё чўл нохот — ҳосилга ёт, ё танаси мўрт бўлган у
- 40 Экинзори гур янғровчи, аччиқ пахолни эккил.
 Ерни сўриб олар каноп, сули экинлари ҳам,
 Улим уйқуси билан суғорилган кўкнори²⁴ ҳам.
 Йил оралаб меҳнат зўрдир: озғин ерни бақувват,
 жирли
 Гўнғлар билан обдон ниқтаб тўйғизиш керак холос;
 Кучдан кетган ер устига ифлос кулни сепиш фойда.
 Хуллас, дала меваларни алмаштириб роҳат қилар.
 Лекин асло ҳайдалмаган ер ҳам умидни кесмас.
 Кучсиз ерни куйдирмаклик фойдалиқдир кўпинча,
 Даладаги хашакларни чарсиллатиб ёқиш керак.
- 50 Сирли қудрат ёки бақувват таомни ер шу хилда
 Оладими ё аланга билан куяр ердаги
 Ҳар хил иллат кераксиз нам чиққан каби тер бўлиб;
 Ё иссиқ кўп яширин йўл, тешикчаларни очар
 Ва булардан ўсимликка янги озиқлар кирар,
 Ё на майда ёмғир ва на куйдургувчи қуёш кучи

Шиддат билан ёқмасин ва Борей²⁵ ўткир совуқ билан
 Урмасин, деб ер ичида бўлган ёйиқ томирларни
 Мустаҳкамлаб, чиниқтириб, сиқиб қўядими у?
 Ким кетмон-ла майдаласа бекорчи ер палахсасин,
 60 Кимки ерда мола судрар, у далага фойда берар:
 Уни Олимп чўққисидан оқ юз Церера кўрар.
 Ким шудгорда тортиб қўйган жувакларни бир
 томонга
 Майилланган омов билан яна қирқиб текислар,
 Кимки ерни доим ишлар — у далалар ҳокими.

[II, 458—540. Деҳқонларнинг қишлоқ ҳаётини Вергилий учун харак-
 терли равишда идеаллаштирилиши.]

Эй, жуда ҳам саодатли қишлоқ халқи! Сиз бир
 карра
 Билсангизди бахтингизни, — уруш ғавғоларидан
 Узоқ бўлган одил ер қулайгина озиқ тўкар
 70 Олий уйлар даргоҳидан уларга отилмасин,
 «Сабоҳингиз муборак»ка орзумандлар тўлқини.
 Зийнати зўр эшикларни, зар тикилган кийимларни
 Тўрт кўз бўлиб кутмасинлар, Эфирия²⁶ миси ҳам
 йўқ:
 Оқ юнг кийимлари қиммат ранга бўялмаса-да,
 Суюқ мойни дорчин билан улар бузмасалар-да²⁷,
 Лекин роҳат уларга ёр, улар умри билмас хато,
 Ҳар нимага у бой! Чексиз кенг далада
 яйрашликлар,
 Форларнинг зўр пештоқлари, жонли кўллар, салқин
 Темпа²⁸,
 Ҳўкизларнинг маърашлари, оғочликда ширин
 уйқу —
 80 Барчаси бор. Тоғларида дарахтзорлар, ҳайвон
 инлари.
 Озга кўниб, меҳнатда кўп чидамли унда ёшлар.
 Худоларга эътиқод бор²⁹, оталарга ҳурмат бор.
 Адолатнинг маъбудаси ердан узоқлашиб-да,
 Уларнинг ўртасида қолдирибди сўнг изини³⁰.
 Энг аввали мени қабул қилсин гўзал Музалар,
 Улуғ ишққа тўлиб-тошиб, мен уларга чин хизматда,
 Кўрсатсинлар менга кўкнинг, юлдузларнинг
 йўлларини;
 Англатсинлар ой дардини³¹, қуёш тутилишини,

- Зилзилани, денгиз қаъри қандай куч-ла хўппайиб,
 90 Тўсиқларни узиб, яна орқага қайтишини;
 Нима учун қиш қуёши океанга шўнғимоққа
 Ошиқади, суст қадамли тунлар учун нима монe?
 Табиатнинг бу жузълари бу кун баҳс бўлса агар,
 Юрагимни бир совуқ қон урар, монелик қилар,
 Қалб истайди сувлар тошган далаларни ҳамиша,
 Менинг фақир ёзмишимда дарё, ўрмон диёри!
 Оҳ, қалб истар Сперхийнинг³² бўйларида яшашни
 Ва Тайгетни³³, Лакедемон қизлари май базмини
 Унда қурар! Оҳ, ким мени Гемнинг³⁴ салқин этагига
 100 Элтар, дарахтларнинг қуюқ кўлкаси-ла мушарраф
 Қилар унда? Нарсаларнинг сабабини англаёлган
 Ва ҳар қандай қўрқувни ҳам, номоз-ниёз қисматин
 ҳам
 Ва у бахил Ахеронтнинг шовқинини³⁵ — барчасини
 Оёқлари билан эзиб тепганлар бахтиёрдир.
 Хушҳол эрур ким танибди қишлоқ худоларини;
 Пан ва кекса Сильван, эзгу ҳамширалар —
 Нимфалар.
 Қишлоқини ҳаяжонга солмас халқнинг обрўси, ҳам
 Чилчўп³⁶, шаҳарнинг дабдабаси³⁷ ё вафосиз исёнчи
 Оға-ини жанжаллари³⁸, ё бўлмаса Истрадан
 110 Унга тил бириктириб, тушиб келувчи у Дак³⁹.
 Рим ишлари, мушкуллашган салтанатлар... Аммо
 қишлоқ
 Йўқсилга ҳам ачинмайди ва молдорга ҳасад
 қилмас⁴⁰.
 Дарахт ва ер ўзи берган меваларни деҳқон йиғар,
 Билмас темир қонунларни, таниш эмас унга Форум⁴¹
 У билмайди нимадир халқ архивлари...
 Римликларчи? Эшкак билан чайқаталар тунд
 гирдобни,
 Қилич ушлаб кирадилар саройларга ва шоҳнинг
 Даргоҳига; манов ост-уст қилиб ясайди босқин
 Шаҳарга ва бахтсиз пенатларга⁴², унинг орзуси —
 120 Гўзал қадаҳларда ичиш, сарран атласда⁴³ ухлаш
 Ким беркитар бойлигини, комуғ олтинда ётар;
 Рострларнинг⁴⁴ қаршисида манов қотмиш
 суюнчдан,

- Манов эса, курсиларда ўтирганлар оталарнинг
 Ҳамда халқнинг чапагига берилиб донг қотибди.
 Ёқадими бошқаларга, қардош қонига ботиб,
 Ўзнинг дилбар уй-жойидан узоқларга қувилиш,
 Қуёши ёт яна ўзга бир ватанни ахтариш...
 Деҳқон ерни ҳайдадими эгри омочи билан —
 У бир йилга таъмин бўлди. Бу билан у ватанни,
 130 Кичик пенатларни ҳамда сигир подаларини
 Ва хизматин бажо қилган ҳўкизларни тўйдирар,
 Токи йил меваларни, эзгу буғдой ғарамларин
 Мўл-мўл қилиб тўкмагунча, ҳайвон мол болаламай,
 Жўякларни ҳосилот босиб ташламагунча,
 Дам олиш йўқ, омборларни лим-лим
 тўлдирмагунча...
 Қиш, Сикион меваларин тош билан эзадилар.
 Яйрар семиз кўп чўчқалар. Урмонлар
 маймунжонлар.
 Куз ҳам ҳар хил меваларни беради: тепаларда
 Ширин узум кунга яққол, етилиб ётар.
 140 Оғушига интилади кўп ёқимтой болалар.
 Исматли уй топ-тоза. Сигирларнинг сутга тўлган
 Елинлари осилган; шан ўтлоқда тўпланишиб,
 Қаршима-қарши туриб семиз эчкилар ана
 Шоҳлари-ла сузишади. Деҳқон ўзи байрам кунин
 Ўт устига ястаниб дам олади ва ўртада
 Гулхан ёнар, ўртоқлар май ўлтириши ясайлар
 Қадаҳларни тўлдиришиб, Лене⁴⁵, сенга сиғинишар;
 Шахт мизроқлардан отиб, ўзишувчи чўпонларга
 Созликда ясайдилар нишон, уларнинг қўпол
 150 Баданларин ўргаталар қишлоқнинг курашига.
 Бир замонлар сабинлар⁴⁶ шундай ҳаёт кечирганлар,
 Рем ҳам унинг қардоши шундай тарбияланган,
 Шунинг учун Этрурия қудратли бўлиб ўсди.
 Ҳақиқатан Рим ҳам бўлди дунёнинг энг гўзали,
 Ўзи учун девор билан ўраб етти тепани
 Диктей⁴⁷ деган подшоҳнинг салтанатидан аввал
 Ҳатто инсофсиз одам авлоди ҳўкизларни
 Емак учун сўйишга бошлашидан ҳам аввал,
 Олтин Сатурн⁴⁸ дунёда яшаганди нақ шундай.
 160 У вақтларда билишмасди карнай шодиёнасин,
 Маҳкам сопли найзаларнинг ҳавода шақирлашин.

Маъбуданинг⁴⁹ алангали юрагида ўйлар-хаёллар гирдобланароқ булутли ватанга, жануб шамоллари жавлон этган Эолия⁵⁰ оролига кучли интилкоқдалар. У ерда поёнсиз бир ғор ичида подшо Эол бир-бирига қарши шамолларни ва момақалдиरोқдай қалдирлаган бўронларни ўз ҳокимияти билан эзади ва зиндонлар, бўғовлар билан тизгинга олади. Улар эса зиндонларнинг панжаралари олдида ғазабланиб, тоғларнинг зўр гулдурос садолари билан гулдурлайдилар, Эол юксак қалъада ҳукмдор ҳассасини ушлаб ўлтиради, уларнинг руҳини юмшатади ва ғазабларини тизгинлайди. Агар у шундай қилмаса эди, улар денгизни ҳам, қуруқликни ҳам, чуқур осмонни ҳам ўз орқаларидан эргаштириб, илдам интилиб отилар ва бутун фазоларга учириб кетган бўлар эди.

Лекин қудрати баланд ота уларни қоронғи ғорларга кишанлади, ундан ўзи ҳам хавфланиб, устидан юксак тоғларни, оғирликларни қалаб ташлади ва бир подшо қўйдики, у шароитга мувофиқ, фармон бўйича, тизгинларни бўшата ва торта билсин. Унга ёлбориб, Юнона⁵³ шундай муножот қилди: «Эол! Худоларнинг отаси ва бандаларнинг подшоҳи, тўполонларни босишни ва шамол билан тўлқинларни авжлантиришни сенга топширган; мен нафрат қилган бир қабила Иллийнинг⁵² мағлуб бўлган пенатларини Тиррен денгизи бўйича Италияга келтирмакда. Сен шамолларга азамат ҳукмронлик бер, юкли кемаларни денгизга ғарқ қил, уларни яксон эт, ҳайда ва ўликларини денгиз юзига улоқтир. Менда ўн тўрт соҳибжамол Нимфа⁵³ — пари қизлар бор, уларнинг ичида энг гўзали бўлган Дейопеяни сенга узилмас никоҳ боғичи билан боғлаб бераман, бу хизматлар учун, у сен билан умр қилиши учун ҳамма нарсани сенга мулк қилиб бераман; йиллар ўтар, сен, у пари орқали гўзал бир уруғнинг отаси бўлар эдинг».

Эол жавоб берди: «Эй малика, муҳокама қилиш сенинг ҳақингдир, сен бажаришни орзу қилган иш мен учун фармон олишгинадир. Сен бу салтанатни, бу ҳукмдор тожини ва Юпитернинг марҳаматини менга тасдиқ-

лаб берасан ҳам худоларнинг зиёфатларида узала тушишга рухсат берасан. Булутлар ва бўронлар устидан мени ҳукмрон қиласан». У шундай деди ва бўш тоғнинг ёнбағрига уч тишли гурзи билан уради, эшик очилган жойдан, шамоллар, сафба-саф лашкардай отилиб чиқадилар ва ернинг устида, қасирға каби, эсадилар. Мана, денгизга ёпирилдилар, Эвр ҳам Нот билан бирга, ҳам-ма нарсани туб-томири билан қўпорадилар, тоғ-тоғ тўлқинларни соҳилга ҳайдайдилар. Кемачиларнинг садолари янгради, арқонлар қисирлади, ғижирлади. Кутилмаган қора булутлар кундузни ҳам, осмон гумбазини ҳам бирдан кўзлардан яширадилар; денгиз устига қора кеча ястаниб олади.

10 Кутблар қалдиради, тез-тез яшнаган ёлқин билан ҳаво порлайди, эрларга атрофда ҳар бир нарса муқаррар ҳалокатни кўрсатади. Шу онда Энейнинг аъзолари совуқдан бўшашади. У биров инграйди ва икки қўлини юлдузларга кўтариб, товуш қўйиб, шундай нола қилди:

20 «Оҳ, кимки оталарнинг кўзи олдида, Троянинг юксак қўрғонлари остида ўлимни қаршилаш шарафига ноил бўлибди, у жуда кўп, ҳаддан ортиқ бахтиёрдир! Эй, Данай уруғининг энг ботири, Тидид!⁵⁴ Нима учун Троя майдонида ўлиш менга муяссар бўлмади ва сенинг қўлинг бу жонни баданимдан суғуриб ташламади? У ерда Закиднинг⁵⁵ найзаси остига ғазабли, зўр Гектор⁵⁶ бош қўйди, Сарпедон⁵⁷, Симоэнт⁵⁸ тўлқин супириб кетганларнинг остида судралди, у ерда қаҳрамонларнинг шунча дубулғалари, қалқонлари ва зўр, кучли жасадлар ётади!». У шундай хитоб қилар экан, шимол шамолнинг кескин парвози кема чодирини олдинги томондан узиб юборади, устига ташланган нарсаларни кўкларга учуриб кетади. Эшкаклар синади; сўнг кемани орқага айлантиради ва тўлқинларга кеманинг ёнини тутуди; сўнг сув, тоғ каби тиккайди. Улар тўлқиннинг чўққисиди осилиб турадилар; қасирға бу билан тўлқинларнинг ўртасиди денгиз тубини кўрсатади; қумларда кучли чайқалишлар қайнайди. Уч кемани Нот⁵⁹ тутиб олиб, яширин қояларга урарди. Улуғ сув тоғи очиқ денгиздан учовини Эвр саёзларига ва гирдобларга ҳайдади (кўрмак азоб!), оқинларга суриб боради ва қум қасирғаси билан қуршаб олади. Вафокор Оронт билан Ликий тушган кемани, Энейнинг нақ кўз олдида, бениҳоят зўр ва даҳшатли тўлқин орқа томондан савайди;

30

учирилган, ўқдай тез юмаланувчи кема ҳайдовчи боши билан тубанга йиқилади, худди шу кемани қасирға уч марта судраб айлантиради ва жаҳаннам тўлқинлари очкўзлик билан ютиб юборади. Буюк гирдоб устида фақат сузувчиларгина ўқтин-ўқтин кўриниб қолади, эрларнинг қуроллари, тахталар ва Троянинг бойликлари тўлқинларда қалқиб юради, кучли Ахатнинг кемаси, мустаҳкам қурилган Илионеянинг кемаси олиб келаётган нарсалар. Абант ҳайдаган кема ва жуда кекса Алет⁶⁰ тушган кема бўрон томонидан мағлуб этилган: кеманинг ёнбағирларидаги тиргаклар бўшашади, улар душман сувни тортадилар, аҳвол бундай экан, денгиз буюк сурон билан исён қилганини ва бўроннинг бўшатилиб юборилганини Нептун сезди, чуқур ҳаяжонланди ва сув тоғларининг устидан, денгизни кўриш учун, азамат бошини чиқарди. Энейнинг бутун денгиз юзига тўс тарқалган кемаларини, осмоннинг ағдарилишини ва сув билан чилпарчин бўлаётган трояликларни кўради. Юнонанинг фитна-фасоди ва ғазаби қардоши назаридан яшириниб қолмади; у Эвр билан Зефирни ўз хузурига даъват қилади ва уларга шундай дейди:

«Ўз аждодингизга сизда шундай меҳр борми, ажабо? Шамоллар, сиз менинг раъйимни олмасдан, ер билан кўкни аралаш-қуралаш қилишга ва шундай тўстўполонлар яшашга жасорат қиласиз! Кўрасизлар менадан! Лекин, яхшиси, дастлаб сиз бу қутурган тўлқинларни тинчлатинг, қилган ёмонлигингиз учун асло кўрилмаган жазони кейин тортасиз. Қани, илдам қочиб қолинг ва ўз ҳукмдорларингизни хабардор қилинг; денгизлар устидан ҳукмрон бўлиш ва даҳшатли тақдир мавжибин-ча, унга эмас, менга тушмишдир. У, Эвр, сизнинг масканингиз бўлган буюк қояларни сақласин; Эол бу саройда шон-шавкат қурсин, ёпиқ зиндонда шамолларни идора қилсин». У шундай дейди ва бир он ичида кўпирган сувларни жиловлайди, қора булут уюмларини ҳайдайди ҳам қуёшни янгидан кўкка олиб чиқади. Қимотой⁶¹ ва Тритон⁶² билан бирга ўткир, буюк тошлардан зўр бериб кемаларни итариб суради; у ўзи уч тишли гурзи билан уларни кўтариб беради ва кенг саёзларни очиб ташлайди ҳам сувларни тинчитади. Сўнг енгил ғилдираклар устида тўлқинларнинг текис юзидан учиб ўтади. Кўпинча халқ йиғинида, унинг ичида ғазаб авж олиб, жоҳил қора халқнинг руҳи ёвуз-

ланган, машъалалар ва тошлар отилган, қуролни қу-
турган ғазаб идора қилган бир пайтда, хизматлари ва
140 инсоф-тавфиқи билан машҳур бўлган бир эр тасодифан
кўриниб қолса, товушлар кесилади, ҳамма қотиб қола-
ди; у ўз сўзлари билан эҳтирослар устидан ҳоким бўла-
ди ва руҳларни юмшатади. Худди шунинг сингари, сув-
ларга назар солиб халлоқ ўтар экан, денгизнинг бутун
шовқин-сурони жим бўлди, у отларни орқага буриб,
иродасига тобе аравада учароқ, тизгинларни ташлади.

[Лаокооннинг ҳалокати]

150 [Трояни айёрлик билан қўлга тушириш учун греклар жуда катта
ёғоч от ясадилар, унинг ичига қуролли жангчиларни ўтқаздилар
ва бу отни трояликларга совға қилиб юбордилар. Отни шаҳар ичига
киргизишга биринчи мартаба роҳиб Лаокоон қаршилик қилади,
бунинг учун у худоларнинг даҳшатли жазосига дучор бўлади:
унинг гавдасига икки илон чирмашиб, уни ҳам унинг икки боласини
бўғади. Энейнинг Троянинг яқсон қилиниши ҳақидаги ҳикоясига бу
эпизод киради. Вергилий томонидан тавсифланган Лаокоон ҳало-
кати ҳайкалтарошликда акс этган; мрамарда ясалган «Лаокоон
группаси» 1506 йилда Римда топилган (ҳозир Римдаги Ватикан
музейида); Лессинг ўзининг «Лаокоон» деган асарига бу группани
160 тавсиф этади, ҳайкалтарошнинг тавсифларини Вергилий образи
билан солиштиради.]

Кўп оломон билан ўралган Лаокоон ҳаммадан ол-
динда, юксак қасрдан югуриб тушиб, узоқдан қичқира-
ди: «Ҳой, бахтсиз граждандар, бу қандай тентаклик!
Душманлар орқага чекилиб кетганига ишонасизларми?
Данай совғаси⁵³ бирон фирибгарликдан ҳоли деб ҳисоб-
лайсизларми? Улиссни шундоқ деб танийсизларми?
Мана бу отнинг ичида ё ахейликлар яширинган, ёки бу
бошдан-оёқ бизнинг қўрғонларимизга қарши яратилган
ўқдир, уйларга қараш ва шаҳарга юқоридан тушиш
170 учун ясалган; ё бўлмаса, унинг ичида бошқа бир ҳийла
бор; тевкрлар, сиз отга инонманг, унинг ичида нима
бўлмасин, мен Данай совғасини келтиргувчилардан қўр-
қаман». Шундай деб, бу ажойиб махлуқнинг биқинла-
рига ва қориндаги қинғир ёриқларига катта найзани
кўтариб зўр куч билан ҳамла қилди. У қалтираб кетди,
зарба орқасида бўш қоринда, форлардан чиққан фарёд-
дай, нимадир гувуллади. Агарда худо насиб қилса эди,
агар бизнинг ақлимиз айнамаган бўлса эди, у Арголи⁶⁴
180 разолатхонасини темир билан парчалаш учун бизни эр-
гаштириб борган бўлар эди, Троя ҳозир ҳам турган

бўлар, сен ҳам, Приам қасри⁶⁵, бутун қолган бўлар эдинг.

[57—198 гача бўлган шеърлар. Асир тушган грек Синопнинг ёлгон гапига алданган трояликлар, отни Минерва маъбудасига назир тариқада қабул қилиш керак, деган фикрга келадилар.]

Шўрликларни яна бошқа ва даҳшатли нарса кутиб турар эди⁶⁶ ва юракларни тўсиндан чайқалтириб юборди. Нептуннинг хоҳиши билан роҳиб сайланган Лаокоон машъал олдида жуда катта бир буқани қурбонликка сўйди. Лекин бу орада Тенедосдан⁶⁷ икки илон — айтиб беришим ҳам даҳшатли — сокин сув юзида катта доиралар шаклида чирмашиб, гирдоб ичига отилди ва иккиси ҳам соҳилга интилди; сув ўртасида улар кўкракларини кўтарди, тўлқинлар устида қонли чўққилар юксалди, қолган қисми орқада денгизни мавжлантирди ва зўр тоғ каби қивранишлар, тўлғонишлар ясади. Кўпирган денгизда шовқин янгради, ана энди улар соҳилга, майдонга сузиб келди, қон ва олов қуйилган кўзларини ялтиратиб, тилларини ўйнатиб, шувуллаган оғизларини ялай бошлади. Кўрқувдан бўздай оқариб, биз ҳар ёққа қочиб кетдик. Улар тўғри йўл билан Лаокоон олди-га борди; икки илон тезда икки боланинг мўъжаз баданларини қамраб олиб, чирмашиб, уларнинг шўрлик аъзоларини узиб, тишлаб ошайди; сўнг қурол билан ёрдамга югурган Лаокооннинг ўзини ушлаб олиб, ғоят узун ва зўр занжирдай гавдалари билан боғлади, белдан икки топқир чирмашди; қиврақли елкалари билан унинг бўйнини икки топқир ўраб олди ва бошига чиқиб турди. Илон тугунларини у қўллари билан узиб ташлашга чалишади, устидаги лунгилар сўлак ва заҳар билан жиққа ҳўл; айти замонда у даҳшатли фарёд-фиғонини юлдузларга етказилади — қурбонлик сўйиладиган меҳробдан ўтакаси ёрилиб қочган ва тўғри тушмаган болта бош орқасида қимирлаб борган ҳўкиз шундай ҳайқиради. Иккала илон, сирпаниб, юқоридаги ибодатхонага қочади ва маъбуданинг оёқларида юмалоқ қалқон орқасига яшириниш учун золим Тритониянинг⁶⁸ қасрига етишга ошиқади. Бу чоқда ҳамманинг титроқ кўксини янги бир қўрқув эгаллайди: роҳиб Лаокоон ўз жиноятининг ажрини кўрди, у муқаддас оғочни ўқ билан таҳқирлади ва унинг елкасига жинояткор найзани санчди.

- Мен бунда қиличимни янадан белга тақдим ва қалқонни бошлаб қўлга олдим, уйдан чиқмоқчи бўлдим. Мана, остонада оёқларимни қучоқлаб, хотиним зорланади ва шунда чақалоқ Иулни отасига узатади. «Агар ҳалок бўлишга кетаётган бўлсанг, бизни ҳам ўзинг билан бирга олиб кет, агар сен тажрибангга мувофиқ қуролга умид қўйган бўлсанг, энг аввал уйимизни мудофаа қил. Гўдак Иулни кимга ташлаб кетасан, ота билан қаллиғингни кимга қолдириб кетасан?» Шундай хитоблар билан, фарёд-фиғони билан бутун уйни тўлдириди; мана бу ҳолнинг тўсиндан қандай кўриниш берганлигини айтиб бериш ҳам ажойиб-ғаройиблардандир, чунки қайғули ота-онанинг қўллари ва юзлари ўртасида ногихон Иулнинг бошидан энгил олов нур тарата бошлади, юмшоқ сочларнинг қўл тегизса куйдирмайдиган ёлқини чаккаларни қамраб ўйнай бошлади. Биз чўчиб, қўрқудан қалтираймиз, ёнаётган сочларни силкитамиз ва
- 20 муқаддас оловга сув сепамиз. Лекин падар Анхиз нашъали кўзларини юлдузларга тикди ва шу сўзлар билан қўлларини кўкка кўтарди: «Қудратли Юпитер, сен қандай муножотларга берилар экансан, ёлғиз бизга назар сол, биз мушфиқона ёлбориб турар эканмиз, бизга башорат қил, падар ва аломатинг билан барчасини тасдиқ эт». Пир буни айтиши биланоқ сўл ёқдан момақалдироқ қалдираб кетди⁶⁹, осмоннинг тимқора оғушида, орқада ёрқин нур оқимини судраб, бир юлдуз отилди ва буюк порланиш билан илдам учди. Биз унинг
- 30 чўққисидан кўрамизки, у порлаб Ида⁷⁰ ўрмонига яширинди ва ўз йўлини ойдинлатиб кетди. У солган из узун йўл каби порлайди ва теваракда узоқ ерлар олтингургурт каби ёнади. Бу ҳолда саросимада қолган падар, ниҳоят, юқорига чиқди ва худоларга мурожаат этди, муқаддас юлдузга муножот қилди: «Мана энди монелик йўқ: қаерга олиб борсангиз, шу ерга бораман. Лутфкор худолар, уйимни асранг, набирамни асранг; сизнинг башоратингиз шу бўлди, Троя сизнинг паноҳингизда бўлади; мен, ўғлим, сенинг орқангдан боришга қаршилиқ
- 40 қилмайман». У шундай деди, қўрғонлар орқасида олов ярқироқ бўлиб кўринди, ёнғиннинг яллиғи энди яқинроқдан бурқиб кела бошлади. «Азиз ота, қани меннинг

бўйнимга мин, елкамин мен ўзим тутаётirman, бу меҳнат менга оғир бўлмайди. Унда аҳвол қандай бўлмасин, бизга бўлган таҳлика бирдир, ҳа, қутулиш ҳам иккимизнинг ишимиздир. Кичкина Иул менга ҳамроҳ бўлсин, хотиним узоқда йўлни пойлаб турсин⁷¹. Сиз эса, хизматкорлар, нима десам, шуни ўз қулоғингизда тутишг. Шаҳарнинг четига чиқишда Цереранинг букуи унутилган кўҳна бир ибодатхонаси бор: бу ердан нарироқда оталарнинг ихлоси билан кўп йиллардан буён сақланган бир сарв дарахти ўсиб туради. Турли йўллардан бориб, биз ҳаммамиз шу жойга тўпланамиз. Падар, сел муқаддас нарсаларни ва хонадон тангриларини ол; бундай жангдан ва халигина бўлган қиргинлардан чиқиб келганим учун шарқираб оққан анҳорда чўмилмагунимча, менинг уларга қўл тегизишим ярамайди». Бу сўзни айтиб, мен бўйнимни букиб, елкамга кийин ва сариқ арслон терисини тапладим, юкни кўтардим; ўнг қўлимдан гўдак Иул ушлаб олди. У тенг юролмай, отанинг орқасидан боради; орқада хотиним келади. Қоронги жойлардан ўтиб борамиз: ҳеч қандай қиличбозликлар, олдинда уюлиб турган грекларнинг сафлари шу вақтгача мени саросимага солмаган экан, энди ҳар бир енгил шамол қўрқитади ва ҳар қандай товуш ҳаяжонлантиради. Мен ҳамроҳим учун, елкамдаги юк учун хавфланаман. Мен дарвозаларга яқинлаша бошладим ва бутун йўлни ўтгандек бўлганимда, ногохон қулоқларимга тез-тез босилган қадамларнинг дукури етди ва қоронгиликка тикилган падарим қичқирди: «Ўғлим, ўғлим, қоч, улар бизнинг устимизга етиб келмоқдалар. Мен қалқонларнинг ялтирашини, мисларнинг порлашини кўраётirman». Бу вақт, билмадим, қайси худо қаҳрланиб, менинг эс-ҳушимни олди. Чунки мен тамом бошқа йўлга қараб югуриб қолдим,— шўрим қурсин!— Мен бечоранинг хотиним — Креузани қисмат олиб қочдимми ё у йўлни адаштирдими, ёки у ҳориб-чарчаб бироқ жойда ўтириб қолдимми,— маълум эмас; кейинча у бизнинг қошимизга қайтиб келмади. Тенага, Цереранинг қадим зиёратгоҳига етиб келгунча, мен у йўқолган хотинга қарамабман ва фикримга ҳам олмабман; бу ерда умумий йиғин ичида ёлғиз у йўқ эди; у ўғлини ҳам, дўстларини ҳам, эрини ҳам алдади. Мен эсимдан айрилиб, одамлардан, худолардан кимни айбламадим ёки хароб қилинган шаҳарда мен бундан ёмонроқ воқеани кўрган-

50

60

70

80

- мидим! Падарим Анхизни, Асканийни ва пенатларни бу ерда дўстларга топшираман ва водийнинг сойига беркитаман, ўзим эса, порлоқ қурулни белга осиб, шаҳарга шошиламан. Бошимни янгидан бутун фалокатларга солиб, бутун қўрқинчларни қайтадан кўришга ва бутун Троя орқали ўтиб қайтишга жазм қилдим; мен ўзим ҳозир келган, тевараги қоронғи қўрғонларга, дарвозаларга қайтаман, ҳалиги йўл билан яна юриб, атрофга телмуриб, кечанинг кучоғига кираман ва кўзларим билан ахтараман. Ҳамма ерда руҳим қўрқув сезади. Сукунатнинг ўзи ҳам қўрқитади. Уйга кирганмикин, эҳтимол, киргандир, деб бу ердан уйга бораман. Данайлар босиб кириб, бутун уйни ишғол этганлар. Шу онда бурқиган оловни шамол бир юксак томга суриб келади.
- 100 Аланга кўтарилади, чанг-тўзон қайнаб, ҳавога урилади. Мен ўтаман ва Приамнинг масканига ва қасрига қарайман. Юнонанинг бўш-хувуллаб қолган уйининг йўлакларида⁷² посбонлик учун золим Улисс ва Феникс⁷³ кўйилган экан, улар бутун ғанимат ўлжаларни тақсимлайдилар. Троянинг ёқилган ибодатхоналарининг хазиналари, худоларнинг хонтахталари, олтин пиёлалар ва, шунингдек, таланиб олинган кийимлар бу ерга йиғилади. Болалар ва қўрқувдан зир титраган оналар атрофда узун-узун саф тортиб турадилар.
- 110 Мен қоронғи тунда овозимни чиқаришга жасоратландим, ҳайқирғим йўлларни тутди. Ҳасратга тўлиб, беҳуда оҳ чекиб, Креузани чақирдим, қайта-қайта чақирдим. Уйларда ғазабли ҳолда чексиз тентираб, қидириб юрувчига, менинг кўзларимга хира бир шарпа, Креузанинг хаёли кўринди, унинг сиймоси одатдагидан баландроқ эди⁷⁴. Мен муаттал бўлиб қолдим, товушим ҳалқумимда ўчди, лекин у сўз сўзлаб, бутун эмгакларни бирдан бартараф қилди: «Эй, азиз эрим, бундай зўр, савдони қайғидан нима фойда чиқади? Бу нарса худоларнинг хоҳишисиз рўй бермайди; бу ердан Креузани сафарга олиб кетишнинг тақдирда ёзилмаган экан, буни улуғ ҳоким Олими⁷⁵ истамайди. Кенг денгизни кеса-кеса, сен узоқ замон қанғиб юрасан. Геспер⁷⁶ юртига келасан, бу ердаги халқнинг серунум далаларида Лидий Тибри⁷⁷ сокин бир иттилиш билан оқади; у ерда хушҳол бир маскан ва малика — ёр⁷⁸ билан салтанат сенга муҳайё бўлур; севикли Креузани ўйлаб йиғлама. Мен мирмидонларнинг⁷⁹ ёки мағрур долопларнинг⁸⁰

масканларини кўрмайман, грек аёлларининг хизматларига бормайман, Дарданида, бунинг устига, маъбуда Венеранинг⁸¹ келинидир; йўқ, худоларнинг улуғ онаси⁸² мен бу ерда сақлайди. Сўз шу, хайр энди, сен ўғлимизга меҳрибон бўл». Буни айтиб, у ҳўнграб йиғлаган ва унга кўп гапиришни орзу қилган одамнинг кўзларидан ўша онда нозик ҳавода ғойиб бўлди. Қўлларим билан унинг бўйнидан кучишга мен қанча уриндим; гўё шамол каби, қанотли рўёлар каби, унинг наф-ла қучоқладигим хаёли қўлларимдан қанча мартаба лип этиб учди кетди. Кечани шу хилда ўтказиб, ниҳоят, мен ўз дўстларим қонига қайтиб келдим.

130

140

[Дидона ҳам Эней романидан]

[Энейнинг флотини бўрон Африканинг шимолий соҳилларига элтиб ташлайди, бу ерда трояликларни Карфаген маликаси Дидона жуда яхши қабул қилади. Маъбуда Юнона Энейни Африкада тутиб қолганини истаб, Дидонанинг кўнглига Энейга муҳаббат ўйотади ва момақалдироқ вақтида овда уларнинг никоҳини ясайди.]

Бу орада кўкда буюк шовқин кўтарила бошлади, кетидан дўл аралаш ёмғир қуйиб берди; трояликларнинг⁸³ йўлбошчилари, Троя йигитлари, шунингдек, Венеранинг набираси⁸⁴ кўрқиб, хар қайсилари ўз бошларига, далала маскан кидирдилар, тоғлардан тошқинлар отилди: Дидона ҳам Троя йўлбошчисини бир ғорга келишади. Ер⁸⁵ ва никоҳлар ҳукмрони Юнона ишорат қилдилар; олов ва хаво, никоҳга шаҳодат берувчилар каби, ялтираб кетди, тоғ чўққилари устидан нимфалар — парилар баланд овоз кўтардилар⁸⁶.

10

Бу кун ўлимнинг бошланғичи бўлди, бахтсизликнинг биринчи сабаби бўлди, Дидона энди на сўз билан, на кўриниши билан хижолат тортди, на яширин ишқ тўғрисида ортиқча бош котирди, ишқни ч никоҳ билан чорлади; бу исм билан ўз айбини ёпади. Ливиянинг⁸⁷ буюк шаҳарлари бўйича дарров шойна тарқалди, барча ёмонликлардан тенглашмас даражада чаққон бўлган шойна авж олди; ҳамма нарса ҳаракатдан ўсади ва ҳаракат ҳолида кучлар тўшлайди, кўрқув остида дастлаб кичик бўлган шойна тездан хавога кўтарилади ва ерда юрар экан, бошини бўлутларга яширади. Накл этадиларки, унинг онаси Ер худоларга аччиғланиб, газабда эканда, Кеяни ва унинг ҳамшираси Энцеладани⁸⁸ учқур ва

20

- 30 қанотлари билан жасур, ажойиб дов махлуқ қилиб туққан; унинг патлари қанча бўлса, шунча сергак кўзлари бор, уларнинг остида шунча тили, шунча оғзи бор, қулоқлари ҳам ўшанча чиқадикки, буни айтиб бериш ҳам ажойиботдандир. Кечаси у осмон билан ер ўртасида, зулматда сурон билан учади, ширин уйқу билан кўзларини юммайди; кундуз кунни посбон каби, ё томда, энг юксак жойда, ёки минораларда қарор топади ва унда туриб, ҳақиқатни хабар қилгани каби, алдаш ва ёлғонни ҳам қўлдан қўймай, катта шаҳарларни қўрқитади.
- 40 Мана, у турли сўзлар билан халқни тўлдирди. Суянганидан, бўлган воқеани уйдирмалар билан бирга ёяберди, гўё Троя жинсидан бўлган Эней келган эмиш, гўзал Дидона уни эри каби қабул қилишга муштоқ эмиш; ҳозир улар ўз салтанатларини упутиб, номуссиз эҳтиросга мафтун бўлиб, бутун қишни муҳаббат ва ноз-карашма ичида кечирарлар эмиш.

[Лекин ишққа қизиқиб кетган Эней, таңриларнинг ишояти билан ўз саёҳатидан қузатган мақсадни, ишоят, ёллайди. Дидонадан алоқани узати ва ошиғич равишда денгизга тушиб, жўнаб қолади.

- 50 Ташиланилган малика эс-ҳушини йўқотиб, ўзинга ханжар уради.]

- Кеч эди, гавдалар ҳориб-чарчаб, ерда, ўрмонларда гўзал ором олмоқдалар эди, даҳшатли денгиз жим ётар эди, ёлғиз унинг ўртасидан юлдузлар югуради, бутун далалар, ҳайвонлар, ҳар хил рангдаги қўшлар, сассиз кўлларнинг юзидаги барча нарсалар, майда тун дарахтлар, қаққайган далаларда яширинган барча нарсалар — ёлғиз биргина финикияли⁸⁹ аёлдан бошқа ҳамма жимжит кечада уйқуга ботган эди; малика асло уйқуга берилмайди, на кўзлари билан, на юраги билан
- 60 кечани сезмайди: ишқ янадаям уйғониб, фақат бир машаққат ўрнига икки машаққат келтиради, шиддатланса, ғазаб ҳаяжони билан жўш уради. Малика мана шундай нарсага жазм қилди ва юрагида ёлғиз шу нарсагина айланади: «Оҳ, мен нима қилсам экан? Масхара бўлиб, эски кўёвларни ахтарайми ва инқо тўғрисида номаллардан⁹⁰ ожизона илтимос қилайми? Аммо мен уларни эр қилишга неча марта рад қилганман? Демак, кейинги фармон бўйича Тевкрларнинг флоти орасидан борайми? Илгарни қилган ёрдам уларни суюнтирар ва улар миннатдорлик билан эски қадрдонликни ёлламасларми?
- 70 Гарчи мен хоҳлаганда ҳам мени, нафрат қилинган аёл-

ни кемага ким яқишлаштиради ёки қабул қилади? Ёки сен бечора бутун Лаомедонт⁹¹ уруғининг аҳду вафосизлигини билмайсанми? Бундан сўнг нима? Қувонган кемачиларни кузатишгина қоладими менга? Ёки мен трояликлардан ва Сидон шаҳаридан⁹² олган барча дружинамни атрофимга тўплаб, денгизга отилай, уларни янадан қувлаб, кема чодирларини ёйиб солишни уларга буюрайми? Яхшиси, ўзингга муносиб ўлим билан ўл, қайғу, изтиробни қилч билан бартараф эт. Лекин кўз 80 ёшларимга таслим бўлиб, ҳамшира, сен қайғум билан мени кулфатга соласан ва душманга тутиб берасан. Мен каби бева хотин, таънасиз ва ҳайвон каби, бундай азобларни кўрмасдан, умр ўздиролмайди. Сихейнинг⁹³ жасадига бердигим вафокорлик аҳдига мен рноя қилмадим». Бу шикоятларни у ўз кўксидан чиқариб айтди.

Ҳамма нарса кераклигича тайёр бўлган эди, жўнашга ишонган Эней кемада уйқуга кетди. Унинг тушида худонинг образи, худди аввалги қиёфада, унга кўрниди ва ўшандек яна башорат берди. У ўзининг бутун сиймоси 90 билан, юзининг туси, сўзлари, сочларининг сариқлиги ва андомларининг ёш гўзаллиги билан Меркурийга ўхшар эди.

«Тангрининг ўғли, аҳвол шундай бўлган пайтда ухлашнинг мумкинми, атрофингда қандай қўрқинчлар рўй бераётир, кўрмайсанми? Эй, тентак! Йўлакай эсан шамолларни сезмайсанми? У, малика, ўлмоққа жазм этиб, кўкрагида алдовга ва зolim ёвузликка жой бераётир ҳам газабли ҳаяжон билан қайнаётир. Интилишга 100 ҳали имкон бор экан, бу ердан интилмайсанми? Сен саросимада қолган кемалар билан денгизни тезда кўрасан, даҳшатли машъалалари, оловлари билан ҳозир соҳиллар чарақлаб ёниб кетади. Агар яна шундай имирсиласанг, сен бунда, ерда Аврорага⁹⁴ йўлиқасан, сустликни ташла тездан! Аёл хушбахт ва абадий қарорсиздир». Бу хабарни билдириб, у қора кечага қўшилиб кетди.

Ниҳоят, Эней тўсатдан кўринган кўклардан қўрқиб, илдамлик билан уйқудан сачраб турди ва ўзининг ҳамқурларини ношира бошлади: «Дўстларим, турингиз, 110 курсиларга ўтирингиз; тездан чодирларин ёйингиз. Кўкдан юборилган худо, тездан қочинга ва ўрма арқонларин кесинга яна ундаётир. Итоат қиламиз, эзгу илоҳ! Сен ким бўлмагин, фармонларингни қувонч билан яна

ижро этаминз. Оҳ, паноҳингга ол, ёрдам эт, шафқатли тангри, марҳаматли юлдузларни кўкка чиқар!» У шундай деди-да, порлоқ қиличини қинидан суғурди ва яланғоч пўлат тиғи билан арқонларни кесди. Уларнинг барчасида ҳам айни қизғинлик: улар чанг соладилар ва
120 учадилар; шундай қилиб, соҳиллардан нари кетишди; флотнинг остида гирдоб-тўлқин псади; кемалар оғишиб, кўпикни буруқтиради ва зангори сувнинг кўксини янчиб қазиб боради.

Тифоннинг⁹⁵ заъфар оғушини тарк этиб, Аврора янги порланиш билан ерни нурлантира бошлаган эди, тонг оқариши билан малика ўзининг юксак қасрида туриб, чодирларни текислаб, юриб кетган флотни кўрди; соҳилни бўш, портни қайиқчилардан холи кўриб, гўзал кўкрагини қўллари билан ура-ура, олтин сочларини юлиб,
130 деди: «Эй Юпитер! Энди билинди. У, келгинди, менинг салтанатимни масхара қилиб кетаверади. Йўқ, шаҳардан, кемалардан бошқа одамлар қуролланиб, уларнинг изидан югуриб, ёқалаб олмасинларми? Ошигич суратда ҳаракат қилинг, қуролга ёпишинг, оловни илдамроқ олиб боринг, қайиқларда югуринг! Мен нима сўзлаётирман? Мен қаердаман? Дидона, ақлингни қандай тентаклик чайқалтириб юборади? Ёки сендан содир бўлган айб, сен учун оғирми? Ишин олдиндан қилиш яхшироқ бўлар эди. Кексаликда ҳолдан кетган отани елкасига
140 қўйиб, туғишган пенатларини олиб кетаётганлигини сўйладилар; у одам мана қандай садоқатли ва виждонлидир! Ёки мен уни қўлга тушириб, баданини парча-парча қилиб, тўлқинларга улоқтиролмасмидим? Ё унинг ҳамроҳларини, ёки унинг ўзини, олдин бўғизлаб, падар Асканияга овқат қилиб бермасмидим? Жангнинг оқибати шубҳали бўлиши мумкин эди. Майли эди; ўлимга борар эканман, кимдан кўрқаман? Мен лагерга машъалаларни, кема палубаларига ўт қўяр, ота билан ўғилни бутун уруги билан бирга қириб ташлар ва ўзимни ҳам юқоридан отар эдим. Дунёнинг бутун ишларини
150 оташ билан нурлантирган эй қуёш, сенга маълум бўлган бутун кулфатларнинг воситачиси, Юнона ва ҳузурда кечалари кинчи Диралар⁹⁶, инграган Геката⁹⁷ ва сиз, эй ҳалок бўлган Элиссанинг⁹⁸ худолари, менинг ёлборишларимни эшитинг, муножотимни қабул этинг, ёмонлардан ёмонликларига яраша ўч олинг. Агарда бу даҳшатли сардорга Зевснинг хоҳиши билан соҳилга ва

портга қадар етиб бориш чиндан муяссар бўлса, у вақт иш тамом; жасур халқ билан жангда қаттиқ қийналиб, ҳар ёқдан қувилиб, Иулнинг бағридан айрилсин, ёрдам сўраб ёлворсин ва ўз одамларининг даҳшатли ўликларини кўрсин; агарда нафратли жаҳон уни қабул этса, у орзу қилган ҳаётга ва салтанатга тўймасин, бунга эришмасдан аввал, қумлар ўртасида, кафансиз-мозорсиз ҳалок бўлсин. Бу ибодатни, бу сўнгги сўзимни юрагимнинг қони билан тўкаётирман. Сиз, Эй тирийликлар⁹⁹, унинг аждодига ва бутун келажак наслига нафрат қилинг ва менинг бир ҳовуч тупроғимга бу мукофотни бағишланг. Бу халқлар ўртасида на севги, на иттифоқ бўлмасин! Бизнинг суякларимиздан бир кичи туғилади, у Дардан¹⁰⁰ муҳожирларини олов ва қилич билан ҳайдаяжак. Бу кунми, келажакдами, замон ўтиши билан кучлар пайдо бўлар. Қасамёд қиламан, соҳилларга қарши соҳил, тўлқинларга қарши тўлқин, ҳарбжўйликка қарши ҳарбжўйлик турсин, набираларимизнинг ўзлари ҳам жанг қилсинлар». У шундай деди ва нафратли ҳаётдан алоқани тезроқ узишни истаб, фикрини ҳар ёққа учирди. Сихейнинг энагаси Баркага (ўз энагаси эски ватанда қора тупроқ остида эди) қисқагина сўзлади: «Меним азиз энам, ҳамширам Аннани бу ерга чақир; сен унга айтки, у танасини оқар сув билан ювсин, ҳам қўйларни ва қурбонлик учун керакли ҳамма нарсани ўзи билан бирга олсин; шундай қилиб келсин; сен ўзинг муқаддас рўмолни бошимга сол. Мен Стикс Зевсига¹⁰¹ бахш этган назирни охирга етказмоқчиман¹⁰² ва бутун қайғу-изтиробларга ниҳоя беришим ва дарданликларнинг йўлбошчисини гулхан ўтига ҳавола қилишим керак». У шундай деди. Энага отилароқ, кампирларча каловланиб, қадамини илдам босади.

Лекин Дидона зир қақшаб, даҳшатли ўйлардан эҳсушини йўқотиб, қон тўлган кўзлари билан ҳар ёққа жовдираб қарайди, у бечоранинг чаккалари титрайди, даҳшатли ўлим олдида унинг ранги ўчган, юзларини доғ босган; у пинҳон уй ичига отилиб кирди ва қўрқинчли ҳиддат-азобга тўлган ҳолда гулхан устига чиқди, бунга ўхшамаган хизматлари учун сўраб олган Дардан қиличини қиндан суғурди. Шу чоқда унинг кўзи Илион кўйлагига ва ўзининг ётоғига тушди, кўз ёшларини қуя-қуя, фикрга кетиб, тараддудланди-да, тўппа-тўғри тўшакка отилди ва сўнгги сўзларини айтди: «Севибли кўйлакла-

рим, худо ва тақдир лозим кўрмакда экан, меним жонимни олинг ва мени ғам-ғуссадан қутқаринг. Мен яшаб бўлдим ва тақдирга бағишлаган йўлни тамом ўтиб бўлдим. Энди улуг кўлкам билан ер остига кираман. Энг гўзал бир шаҳар бинно қилдим, қўрганларни кўрдим, эрим учун ўч олишга отланиб, душман қардошни жазоладим; оҳ, бизнинг соҳилларимизга Дардан кемаларни абадийи келмаганда эди, бу улуг бахт бўлар эди!».

- 210 Тўшакка юзи билан мукка тушиб, яна сўзлади: «Ўч олмасдан ўлаётирсен, лекин ўл, ахир бу ҳам севишч-фарахдир. У золим Дардан бу оловни ўз кўзлари билан кўрсин ва ўлимнинг шарпасини у ўзи билан олиб кетсин». У шундай деди ва бу сўзлар миёнасида канизаклар уни тигдан заифланган ҳолда, қондан қизил қўлларида қон кўпирган қилични тутган ҳолда кўрдилар. Юксак заллар ичида фиғон кўтарилди; ларзага тушган шаҳар бўйича сўз тарқалади. Лёл инграшлари ва чинқириклари билан барча уйлар тўлади; гўё бостириб кирган душманлардан бутун Карфаген¹⁰³ ёки қадим 222 Тир¹⁰⁴ шаҳри йиқилиб тушгандай, ҳаво буюк нола-фиғон билан гулдурайди ва гўё шиддатли олов одамларнинг уйларини, худоларнинг масканларини бўрон каби қамраб ўтгандай.

[Римнинг истиқболи]

[«Энеида» асарининг тенденцияларидан бири -- Рим халқининг қудратини ва Римнинг бутун жаҳонга ҳукмронлиги ҳақидаги хаёлларни мадҳ этишидир. Энейнинг отаси Анхизининг Рим истиқболи ҳақида охирада Энейга олдиндан айтиб берган сўзлари характерлидир. У римликларга тушган вазифани бундай белгилайди.]

- 10 Майли, жонли мисни (ҳайкални) бошқалар¹⁰⁵ позикроқ қуйсинлар, шунингдек мраммрдан жонли қиёфалар ясасинлар, даъволарни, ишларни яхшироқ юритсинлар, осмоннинг ҳаракатини қалам билан яхшироқ чизсинлар ва юлдузларнинг чиқишидан хабар берсинлар, лекин сен эса, эй Рим халқи, сен халқларни етаклашинг керак, ҳокимиятни ёдда тут, сенинг ҳунар-санъатинг мана будир. Дунёнинг урф-одатларини барпо қилмоқдир, бўйсунганларга омон бермоқ ва мағрурларни истило қилмоқдир.

[Энейнинг отаси Анхиз охиратда ўғлига унинг ўтган авлодларини кўрсатади.]

Меним томонимдан сенга кўпинча ваъда қилинган мард киши Август — Цезарь мана будир; бир замонлар далааларини Сатурн¹⁰⁶ идора қилган Лацияда¹⁰⁷ бу одам янада олтин асрларни яратажакдир; Гарамантларга ва Индларга ҳокимияттин у элтажакдир; у ер юлдузлар доирасидан ташқаридадир. Инл — қуёшнинг йўллари-дан хорихда бўлган у ерда осмонни тутиб турувчи Атлант¹⁰⁸ ўз елкаси билан дунё ўқини айлантиради, ундан 10
ёрқин юлдузлар порлайди. Унинг — Августнинг келиши олдида энди Каспий салтанатлари, таигриларнинг берган хабари бўйича, қўрқувга тушадилар, Меотия¹⁰⁹ области ва етти қўлли Нил дарёсининг мансаблари ларзага келиб лойқаланади.

[Эней қалқонининг тавсифидан]

Уртада мис билан қопланган флотларни, Актий жангини¹¹⁰ ва Марснинг қуроли билан бутун Левкатнинг¹¹¹ қайнаб-тошувини, тўлқинларнинг олтин каби порлашини кўриш мумкин эди. Бу ерда италияларни жангга бошловчи Август — Цезарь, унинг билан бир қаторда еталар, сенаторлар ва халқ, оила пенатлари¹¹² ва бошқа худолар — буларнинг барчаси кеманинг юксак орқа тарафида турадилар: унинг икки чеккасидан севишч олови ёлқинланиб учади; унинг боши тепасида аждод 10
юлдузи порлайди¹¹³. Шамолларнинг ва худоларнинг лутфкорлиги ила у дўсти Агриппа¹¹⁴ билан полкларни ҳайдайди, унинг боши олтин кема буруни¹¹⁵ тасвирланган денгиз тожи билан порлайди, унда жангнинг фахрли нишони бордир. Авроранинг¹¹⁶ ва қизил соҳилнинг¹¹⁷ ҳамма қабилаларини енгувчи Антоний варвар лашкари ва турли қуроллари билан Шарқнинг кучларини, Миср-ни ва узоқ Бактрани¹¹⁸ олиб жўнайди ва унинг изидан — оҳ, фалокат қурсин! — унинг мисрлик хотини¹¹⁹ йўлга тушади.

20

[689—713 гача бўлган шеърлар. Актий жангини тавсифлаш.]

Уч зафар ила Рим қўрғонларига тантанали кириб келувчи Цезарь, шаҳарга юзлаб энг буюк меҳробларни уч карра бино қилиб, ўзининг ўлмас назир-ниёзини Италия худодларига бағишлади. Ҳамма кўчаларда, ҳар ерда ўйинлар ва чапакларнинг сурони юксалади; ибодатхоналарда оналар хор куйлайди, барча ибодатхоналарда меҳроблар; бу меҳроблар олдида бутун ер сўйилган ҳўкизлар билан қопланган; Цезарнинг ўзи эса, нурли Фебнинг¹²⁰ оппоқ остонасида барқарор бўлиб, халқларнинг совға-саломларини кўздан кечиради, ўрнидан туриб, азамат гердайган колонналар сари юради, тиллари, кийимлари ва қуроллари турлича бўлган мағлуб қабилалар узун саф тортиб борадилар.

[Италия Амазонкаси Камилла
ҳам унинг ҳалокати]

Қирғиннинг нақ ўртасида амазонка Камилла ўқдони билан юради ва жанг учун кўкрагини очиб, қувноқ чопади; гоҳ у эгилувчан отма найзаларни дўлдай ёғдириб ташлайди; гоҳ толмас қўли билан катта секирага¹²¹ ёпишади, орқасига осилган ёй ва Диананинг қуроли олтиндай жаранглайди. Ҳатто у орқага чекилиш учун чопган вақтда ҳам ёйни айлантириб, найзаларни душман томонига учиради. Теваракда ўртоқлари парвонадай айланишади; қизлар — Ларина ҳам, Тулла ҳам, Тарпея ҳам, гўзал Камилла фахр-шараф учун танлаб олган бутун қизлар, мис секирани ўйнатиб, тинчликда ҳам, жангда ҳам садоқат билан унга хизмат қилиш учун унинг орқасида юрадилар. Фракия амазонкалари Ипполитанинг атрофига тўпланишиб, ранг-баранг совутларда жанг қилишароқ, Фермодонт¹²² сувининг музида худди шундай от ўйнатиб чопадилар ёки Марсдан туғилган Пенфесилея¹²³ шўх сурон кўтариб, зафарлардан қайтиб келаркан, ой шаклидаги қолганлари билан шовқин солиб, аёл жангчилар отларда шундай чопадилар.

[664—758 гача бўлган шеърлар Камилланинг жангда кўрсатган қаҳрамонликларини тасвирлайди.]

У вақтда маҳорати ва ўқ-ёйи билан энг кучли бўлган
 ва қисмат томонидан белгиланган Аррунт ўнғай бир
 фурсатни топиш учун Камилланинг атрофида айланиб
 юради. Шиддатли қиз полкларнинг ўртасида қаерда уч-
 масин, ўша томонга Аррунт ҳам суқилиб киради, унинг
 изидан ғинг демасдан пусиб пойлайди; қиз қаерда душ- 30
 манни ағдариб, ғалаба билан қайтаркан, йигит Аррунт
 жиловни зимдан у ёққа буради. Ҳар тарафдан, бутун
 донра бўйича, қиз теварагида айланади ва ғазабланган
 ҳолда, беомон найзасини ўйнатади. Лекин бу ерда
 Хлорей кўриниб қолди, у Кибелага бағишланган бўлиб,
 бир вақтлар гўзал, шонли роҳиб эди, у бунда Фригия
 ҳарб кийимларида ялтирар эди; кўпирган отни сакра-
 тар, уни олтин боғичли ва майда мис патли тери қоп-
 лаб турар эди. Унинг ўзи эса, четдан келтирилган тўқ
 қизил атлас ва яшнаган шафақ рангли кийимлар билан 40
 ялтираб, Гортина¹²⁴ ўқларини Ликия¹²⁵ ёйи билан узоқ
 масофага отар эди. Унинг орқасида олтин ўқдон жа-
 ранглайди, бошида олтин дубулға порлайди; у ипак мол-
 нинг ҳилпираб турган тахларини йиғиштирган, заъфар
 тусли уст кийимга олтинлар қадаган; узун кўйлаги че-
 варлик билан, шалвори эса варварларга¹²⁶ хос равишда
 тикилган. Ибодатхонанинг остонасида Троянинг совут-
 ларини пачоқлаш учунми ёки олтинлар билан ўзи яса-
 ниш учунми, қиз унинг орқасидан илдам қувиб кетди,
 урушда жанг қилувчилар ичида ёлғиз унингна астойдил 50
 таъқиб этди, қимматли ғаниматга ўч аёл муҳаббати
 унинг борлигини ёқди, эҳтиёт бўлишни унутиб, лашкар
 сафларига ўзини урди. Бу ерда, ниҳоят Аррунт қулай
 фурсатга нонл бўлади ва пистирмадан қизга отма ёйни
 тўгрилайди ҳам шундай муножот қилади: «Эй муқаддас
 Сорактанинг¹²⁷ посбони Аполлон, эй олий худо, илк
 аввал биз сени ҳурматлаймиз, арча оловини биз ман-
 гулик ёндириб турамиз, ўз эътиқодимизда биз ҳалим
 ва собитмиз, ёниб турган чўғларни босиб, ишонч билан
 алангага кирамиз! Бу шармандани бизнинг қуролимиз
 билан маҳв этишга ёрдам эт, эй қудратли улуғ эгам! 60
 Жангда йиқилган қизнинг аслаҳаларига, ўлжаларига
 интилмайман; ўзга ишлар менга донг келтирар. Ёлғиз
 мендан олган яра билан бу даҳшатли офат ҳалок бўл-
 са, бас; ва мен ўз юртимнинг шаҳарларига шон-шуҳ-
 ратсиз қайтиб кетишга тайёрман». Аполлон уни тинг-
 лади. Ёлборишнинг бир қисмини ижро қилишга у ўз

кўнглида рози бўлди, лекин иккинчи қисмини шамолларга совуриб юборди. Камиллани бирданига ўлдиришни ёлборгувчига насиб этди, лекин унинг тоғлиқ ватанга қайтишини насиб этмади, бу сўзларни бўрон учуриб, совуриб юборди.

Мана, найза жаранглаб ҳавода учган ондаёқ барча Вольсклар¹²⁸ ҳаяжонланиб, кўзларини маликага тикадилар. У эса на шамолни, на садони эшитади. Яланғоч кўкрагига найза санчилмагунча, қиз қонини ичган найза унинг баданига чуқур ботмагунча ҳавода учувчи ўқларни у сезмайди. Қўрқув қучган ўртоқлари — қизлар югуради ва ўз бекасини ердан кўтаради.

[Энейнинг Турн билан тўқнашуви
ҳам Эней томонидан унинг ўлдирилиши]

Турн¹²⁹ исминини эшитиш билан падар Эней қўрғонларини ташлайди, қуллаларининг юксак пояларининг тарк этади, ҳар қандай сустликни маҳв этади ва бутун инларни тўхтатади, қувониб яшнайди ва даҳшатли суратда қурол ўйнатади. Баъзан Афон ёки Эрик¹³⁰ шундай тўполон қилади, шунингдек қалин оғочларни шовдиратиб, қувноқ Апеннин тоғлари қорли бошларини очиқ

10 самога юксалтиради. Ниқоб шу онда рутуллар, италлар ва трояликларнинг барчаси кўзларини тикдилар, юксак қуллаларнинг энг баландликларини ниғол этганлар ва пастда қуролларини елкаларидан олиб қўйиб, гурзилар билан деворларни урувчилар ҳам қараб қолдилар. Оломонининг икки четидан келган икки паҳлавон бирига дуч келганликларини ва ишни қурол билан ҳал этажакларини кўриб, Латиннинг¹³¹ ўзи ҳам қотиб қолади.

Бўшаб қолган кенг майдон очилган ҳамон улар илдамлик билан олға югуриб, узоқдан олов пескуриб, янғровчи мис ва қалқон билан Марс жангини бошладилар. Зарбадан ер инграйди; улар борган сари қиличбозликни тезлатадилар, тасодиф ва ботирлик қўшилишиб кетади. Бу ерда гўё Сила ёки Табурн¹³² юксакликларда, жуда катта ўрмонларда газабли икки ҳўкиз бир-бирлари билан сузишиб жанг қилишади; бундай вақтларда чўпонлар қўрқиб орқага чекиладилар; ҳайвонлар жим қараб турадилар, тўқайларга ҳоким бўлишни ва бутун подалар кимнинг орқасидан кетишини ғунажинлар

кутадилар; ҳўкизлар даҳшатли куч билан бир-бирларни 30
ни яралайдилар, шохлари билан бир-бирларини дапгал
найзалайдилар, уларнинг бўйинларидан, ўмузларидан
пишқириб қон оқади; бутун дарахтзорни маъраш-ҳайқи-
риқ тутати. Худди шунинг сингари троялик Эней ва
Давния паҳлавони Турн калқон жанги қилишди, ҳаво
зўр ғулғулаларга тўлди. Тарозунинг икки палласига
икки турли қуръа-чек қўйиб, шайинни баробарлаб, Юпи-
тернинг ўзи ушлаб туради ва жангда кимнинг тинкаси
қурийди ва кимнинг тоши ўлимга қараб босали, бунга 40
қарайди. Бу вақт Турн бутун гавдасини тиклаб, қилич-
ни кўтариб, ўз зарбасининг кучига инонган ҳолда ура-
ди. Трояликлар ва титроқ босган латинлар ҳайқиради-
лар. Иккала полк ҳам шайланиб, сергакланиб қолади.
Лекин вафосиз қилич синади, агар қочиб кутулмаса эди,
кизгин паҳлавонни ўлимга тутиб берган бўлар эди. У
Эврдан ҳам чаққонроқ югурар экан, қуролсиз қўлида
беғона қуролнинг сопинигина кўриб қолади. У биринчи
жангларга интилиб, қўшуғлик отларга минар экан,
ўзининг отадан қолган қиличини унутиб қолдириб, 50
шошганидан, аробачи Метискнинг темир тагини қўлга
илиб кетганлигини ривоят қиладилар. Тевкрлар ўз лаш-
карларининг орқа томонини бўзар экан, у кифоя қилиб
турди; лекин Вулкан қуролига¹³³ гал келгач, оддий пў-
лат қирс этиб синди ва зарбага чидамсиз мўрт муз каби
чил-чил ушалиб кетди; унинг синиқлари олтин рангли
қумларда йилтирайди. Мана, эс-ҳушини йўқотган Турн
текис майдонда қочишга киришади, тараддуд билан,
гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга югуриб, ҳалқа чизади;
тевкрлар уни ҳар тарафдан қуршаб, тор чамбар ичи-
га оладилар, бу ерга келса кенг ботқоқликларни, у ёққа 60
борса баланд деворлар, қўрғонларни кўради. Болдир-
лари қайрилиб, жарохатдан секинланган ва тез қувиш-
га имкон бермаган бўлса ҳам, Эней сусаймасдан қув-
лайди ва қайнаб-тошиб, қочқинни изма-из қувиб етади.
Бу мана шунга ўхшайди: учраб қолган дарё ёки қи-
қизил патли, қўрқинч йўлини тўсган кийинки баъзи
вақтда овчи кучук вовуллаб, таъқиб қилиб, қувиб етади,
у эса пистирма ва юксак сирт орасида қолиб, қаттиқ
кўркади, ўзини минг ёққа уради; лекин қудратли Ум-
бер¹³⁴ оғзини ғазаб билан катта очиб, сал бўлса чапг 70
солади; гўё тутиб олгандай, тишларини ғижирлатади ва
бефойда тишлашдан алданиб, доғ қолади. Шу чоқда

хайқириб янграйди; теваракдаги қирғоқлар ва кўллар унга жўр бўлади, бутун осмон даҳшатли бир тўнолонларза билан гулдурайди. Турн ҳайт этиб қочади ва рутулларнинг номларини айтиб, уларнинг барчасини сўкади, ўзига ўрганиш бўлган қилични талаб қилади.

80 Аксинча, Эней ўз олдига келган ҳар қандай кишига ўлим ва бир зумда ҳалок бўлиш билан таҳдид этади; шаҳарни ер билан яксон қилишга таҳдид қилиб, ҳаммани даҳшатга солади, зир қақшатади, гарчи ярадор бўлса ҳам уларга ҳужум қилади. Улар беш марта ўраб оладилар ва шунча марта орқага ва олдинга сиқиштирадилар, улар қулай бўлмаган ва бир нимага арзийдиган мукофотни ахтарадилар, лекин асл жанжал-говға Турннинг ҳаёти ва қони устида боради.

90 Бу ерда Фавнга¹³⁵ бағишланган, барглари аччиқ ёввойи зайтун оғочи ўсар эди, бу дарахтга эски замонларда денгизчилар сингар эди, улар тўлқиндан халос бўлганлари учун, Лаврент¹³⁶ худосига атаган назирларини бу ерга ўрнаштириб кетар эдилар, умумий аҳд бўйича кийимларини у дарахтга осар эдилар; лекин очиқ майдонда жанг этиш учун тевкрлар ҳурматсизлик қилиб, у дарахтнинг муқаддас танасини кесдилар.

100 Энейнинг найзаси ҳамла билан бирдан бу ерга адашиб учиб келди-да ёпишқоқ илдиизга қадалиб қолди. Дарданид¹³⁷ зўр берди ва қувиб етолмаган душманга отма ёй билан етмоқ учун қўли билан темирни сугуриб олмоқчи бўлди. У вақт Турн, қўрқувдан эс-ҳушини йўқотиб, муножот қилди: «Эй Фавн, эй хайрли Ер, темирни маҳкам ушланг; мен сизга ҳаминша эҳтиром кўрсатдим, Энеадлар¹³⁸ энди уни кесдилар, эзгуликни таҳқир этдилар». У шундай деди ва худодан ёрдам сўраши беҳуда кетмади. Чунки, узоқ вақт курашиб, ёпишқоқ тўнғақда қанча уринмасин, ҳеч қандай Эней дарахтининг чангалидан темирни куч билан ола билмас эди. У ғазабланиб, зўр бериб унналиб турар экан, маъбула Давнига¹³⁹ яна Метиск¹⁴⁰ қиёфасига кириб, Турн олдига югуриб келади ва биродарига қилични қайтариб беради.

110 Ўзбошимча нимфанинг бу ишига Венера чидай олмади, келди-да найзани чуқур илдииздан сугуриб олди. Мана энди уларнинг иккови гердаядилар, қурол ва руҳ билан тетикланадилар, бири қиличга умид қўйиб; иккинчиси найзани юксалтириб, Марс ўтидан ҳансираб, бир-бирларига қаршима-қарши турадилар.

[791—886 гача бўлган шеърлар. Юпитер сабрсизланиб, Энейнинг галаба қозонишига монелик кўрсатмаслиги учун Юнонани зўр бўриб ундайди; Юнона кўнади ва Энейга галаба ваъда этади. Юпитер Турннинг ҳамширасини ҳам ўз таъсирига олади, у ўз қардошдан чекилади.] 120

Мана, дарахтга ўхшаш жуда катта найзасини кўтариб, Эней ҳужум қилади ва ёвуз юраги билан шундай боғ уради: «Эй, Турн, нимага суст ҳаракат қиласан? Нимага энди чекинасан? Энди чопиш билан эмас, кўкракма-кўкрак қурол билан мусобақа қилишимиз керак. Бутун шаклларга кир, маҳорат ва шон нима билан кучли эса, уларнинг барчасини ёрдамга чақир; қанот тақиб, юксак юлдузларга учишни ва ернинг қаърига кўмилишни орзу эт». Турн бошини чайқаб, деди: «Сенинг қайноқ сўзларинг мени кўрқитмайди, аммо Юпитер ва худолар адоватлидир». У бошқа сўз айтмади ва олдида катта бир тошни кўрди, далада тасодифан ётган ва ер устида чиқадиган даъволарни ҳал қилувчи ҳам чегара хизматини ўтовчи жуда катта ва эски бир тош. Ҳозирги вақтда ер ярата билган бақувват, сара одамлардан ўн иккитаси бир бўлиб, у тошни елкага ололмагайлар балки. Паҳлавон қалтироқ қўллари билан тошга чанг солди, қаддини юқори тутиб, югуриб, тутоққан ҳолда душманга отди. Лекин на югураркан, на юраркан, на катта тошни кўтараркан, на улоқтираркан, у ўз-ўзини таний олмай қолди. Тиззалари қайрилиб кетади, қони муздай қотиб, увушади. У вақт мард йигит томонидан фазога отилган тош ҳам бутун масофани ўтмади ва зарба ҳам еткизмади. Кечанинг чуқур оромни билан кўзларимиз юмилар экан, тушимизда худди шундай ҳол юз беради: оёқлар чопмоқчи бўлиб бекорга интилади; чопишга уринган чоқда биз, касаллар каби, мадорсизланамиз, тил ожиз, одатландигимиз куч гавдага етарли бўлмайди; на сўз чиқади, на товуш чиқади. Турн ҳам шундай бўлди, унинг мардлиги қаёққа йўналмасин, шоввоз маъбудадан мадад йўқ. Унинг кўкрагида турли ҳислар талашади; рутулларга, шаҳарга қарайди, кўрқувдан имирсилайди, унга қаратилган найза қаршида титрайди. Ҳеч қаерга қочиш мумкин эмас, душман устига ташланишига асло имкон йўқ. на аравани, на аравачи қизни ҳеч ерда кўрмайди. У сусткашлик қилади. Эней эса унинг рўпарасида машъум найзани 130 140 150

- ўйнатади, ютуқни кўз остига олиб, бутун гавда билан тиришиб-тиришиб, узоқдан ҳамла қилади. Қўргон деворларини ёрувчи снаряддан отилган тош бундай гулдурмайди, чақмоқ чақиб қалдираган момақалдироқ кўкни бундай ларзага солмайди. Ҳалокатчи даҳшатли мизроқ қора бир қуюн каби учади, қалқонни майдамайда қилиб, зирҳли кийимни ёндан тешиб ўтади, кучли визиллаш билан соннинг ўртасига киради. Жароҳатланган катта гавдали Турн тиззаларини букиб, ерга чўккалайди, рутуллар фиғон-нола кўтаради, теваракдаги барча тоғлар инграб жавоб қайтаради, бу фиғонни қалин тўқайлар такрорлайди. У кўзларини ожизона очиб, юқори тикилади ва қўлларини чўзиб, дейди: «Мен чиндан ҳам бу ҳолга сазоворман, омонлик тилайман. Уз бахтингдан истифода эт. Лекин сен менинг шўрлик отамга раҳм қила билсанг — сенинг ҳам Анхиз деган шундай падаринг бор эди ахир,—ёлворамен: Давнининг¹⁴¹ кексалигига шафқат қил, менинг ўзимни ёки ёруғликдан маҳрум бўлган жасадимни қондошларимга бер. Сен мени енгдинг. Авзонларнинг¹⁴² кўз олдида мен сенга қўлларимни ёйман: Лавинияни хотин қилиб ол. Нафратни ортиқ кес». Қурол тутган ғазабли Эней тўхтади, кўзларини жовдиратиб, қўлини бир лахза тутиб қолди. Бу сўзлар секин-секин уни юмшата бошлади; лекин шу ондаёқ душманнинг елкасидаги осма қайишга кўзи тушди, ўспирин Паллантнинг кўзга таниш камари ялтираб кўринди. Турн уни ярадор қилиб, душманнинг безакларини, голиб сифатида, елкасига тақиб олган эди. Эней золим қайғунинг ёдгорига ва ўлжага кўзларини қадаган ҳамон, шиддатли ғазаб билан ёниб, ҳайқирди: «Дўстнинг жанг буюмлари билан жилваланган одам, менинг қўлимдан сенми қутулсан? Бу яра билан сени Паллант қийрайди ва жинояткор қондан ўз қасосини олади». Эней бу сўзни айтиб, кин билан қайнаб, душманнинг кўкрак остига найзани ботирди. Унинг аъзолари совуқдан кучсизланади ва ҳаётни аччиланиб, муңлар билан Кўлкалар диёрига учиб кетади.

ТИБУЛЛ

Альбий Тибулл — Рим шоири, эротик (ишқий) элегиянинг намояндасидир, у милoddан илгариги ҳисобнинг тахминан 54 ва 19 йиллари ўртасида яшаган. У Овидий каби (тубанроққа қаранг) «суворийлар» табақасидан келиб чиқди ва Педумга (Лацнумда) яқин жойда, йўлбошчи Октавианнинг ветеранлари учун бир қисми тортиб олинган ўз мулкида умр кечирди. Август замонининг машҳур сиёсий арбоби, лашкарбошлиғи ва ёзувчиси бўлган аристократ Корвий Мессала Тибулл 10 поэзиясига ҳомийлик қилди. Мессаланинг баъзи сафарларида Тибулл унга ҳамроҳлик қилди, Мессаланинг адабий тўғарагига аъзо бўлди ва ўз шеърларида уни мақтади.

Тибулл «Элегиялар»дан иборат биринчи китобида Плания деган бир хотинни, иккинчи китобида эса, оқчага ўч сатанг хотин Немесидани Делия тахаллуси остида тараннум этади.

Тибуллнинг характерли кайфиятини ва ижодиётининг услубини биринчи китобнинг биринчи элегияси 20 очик кўрсатади.

I, 1

Кимки ёвнинг шарпасидан чўчиб, чиқмас

машаққатдан,
Ҳарбий карнай суронидан кимнинг ўчар уйқуси,
У тўпласин сариқ олтин, у тўпласин бойликни,
Эга бўлсин шудгорланган кўп десятин ерларга.
Йўқсиллигим ҳамроҳ бўлсин ғам-ташвишсиз ҳаётда,
Учоғимда ўт ўчмасдан ёруғ сочса басдир бу:
Қишлоқидек, ишга моҳир қўлим билан мен ўзим

- Катта олма, нозик тоқлар экамен вақти келса;
 10 Мени Умид алдамасин, бағишласин кўп мева,
 Қуюқ ва ёш шароб билан хумларимни тўлдирсин,
 Чунки дала ўртасида танҳо тўнка тураркан,
 Ё гулдаста тожи¹ билан безалган тош ётаркан
 Йўл бошида менинг унга ҳурматларим зиёда;
 Ҳар янги йил менга қандай меваларни тўкмасин;
 Ундаи қишлоқ худосига назир-ниёз атайлар.
 Сарик юзли Церерага салом! Сенга даламизнинг
 Бошоғидан гултож ясаб маъбадингга осамиз,
 Даҳшатли бир косов билан қушларни қўриш учун
 20 Бағишлансин мевазорлар посбони Приап²,
 Энг сўнгида менга мумкин бўлди фақир ҳаёт-ла,
 Хурсандчилик ва интилмаи узоқ сафар йўлига,
 Иссиқ таътил чоғларини оқар сувлар бўйида,
 Дарахтларнинг кўлкасида ҳузур билан кечириш,
 Уялмайман кўлларимга чўқмол олиб ишлашдан,
 Ё калтак-ла сусти ҳўкизнинг қадамни тезлатишдан
 Ва онамнинг эсиндан чиққан бир қўзи ё улоқни
 Кўлтиғимга олиб уйга келтиришдан эринмайман.
 Мен бу ерда кашниш, ҳар йил қўйларимни
 дуолайман,
 30 У беозор Палесага³ сун бағишлаш одатим.
 Бир замонлар бой ва бу кун фақирлашган
 даланинг⁴
 Посбонлари, сиз ҳам, Ларлар, ўз совғангиз
 олингиз!
 Аввал гаров бир бузоққа сонсиз сигир келарди,
 Энди кичик далаларининг зўр қурбони бир қўйдир.
 Биз сизга қўй келтирамиз, атрофида қишлоқнинг
 Ёш-яланги десин: «Бизга берингиз нон, яхши май!»
 Кўмаклашинг, эй тангрилар! Нафратланманг бу
 фақир
 Дастурхоннинг неъматидан, тоза сопол косалардан.
 Қадим замон қишлоқиси дастлаб ўзига лойдан
 40 Пиёлалар ясагани, улар бари хом лойдан
 Энди отам бойлигини, меним эски бобомга
 Экинлари берган мўл-мўл меваларни қидирмайман,
 Оз экинга мен розимен, суюнаманки, мумкин
 Қаравотда ётиш, ўша тўшакларда дам олиш.
 Қандай роҳат ел шўхлигин жимгина тинглаб ётиш
 Ва жононни ёш кўкракда нозиккина ўйнатиш!
 Ёки жануб шамоллари қишда совуқ нам қуйса,

- Ёмғир куйлар экан, тип-тинч рўёларга берилиш!
 Менга насиб шу бўлсайди; денгизларнинг ғазаби
 50 Ва ёмғирлар ғуссасига чидаганлар бўлсин бой.
 Орқамиздан қиз мотамда йиғлаб қолишдан олдин,
 Қанча олтин бўлса битсин, асл тошлар-да битсин,
 Айтиб ўтай, дўст Мессала, уйинг ёв ўлжаси-ла
 Ясаниши учун ерда ва денгизда жанг қиласен.
 Мени асир қилиб тутар гўзал қизнинг бўғови,
 Утирамен, посбон каби, мустаҳкам эшикларда⁵.
 Делиям, донг қидирмайман! Ёлғиз сен билан
 бўлсам,
 Беғайрат ва ялқов дея номланишдан қўрқмаймен.
 Ёлғиз сенга боқсам дейман, келгач сўнги соатим,
 60 Улар чоқда кучсиз қўл-ла сени ачомлай дейман.
 Делия, сен йиғлайдурсен тўшагим ёқиларкан,
 Кўздан ёниқ ёшлар қуйиб, менга бўса сочарсан.
 Сен йиғларсен; кўксинг ахир қаттиқ темирдан эмас,
 Сенинг нозик юрагингга зил-занбил тош чўкмаган.
 • Ҳеч бир йигит ва ҳеч бир қиз у вақтда жанозадан
 Кўзларини намламасдан асло қайта олмагай.
 Сен руҳимни нотинч қилма; паришон сочларингни
 Аягил ҳам гулдай нозик юзларингни асрагил.
 Тақдир имкон берар экан, ишқда ўртоқлашайлик.
 70 Улим балки келиб қолар қора бир кеча каби.
 Шундай вақт жим келмакдаки, унда севмоқ ва
 оппоқ
 Сочлар билан гўзалларни эркалашлар ярашмас.
 Эшик бузиш, шўх тўполон ҳали уят эмаскан,
 Бу кун енгил Венерага хизмат қилиш керакдир.
 Мен бу ерда яхши сардор ва солдатмен, карнайлар
 Ва байроқлар, нари туринг, сиз ўз ғовғаларингиз
 Очкўз эрлар сари элтинг, бойлик элтинг уларга;
 Мен эса ўз экиними йиғиштириб олганмен,
 Барча бойга ва очликка асло парво қилмайман.

ПРОПЕРЦИИ

- Рим эротик (ишқий) элегиясининг бошқа намоян-
даси, Овидийнинг кўрсатишича, «Тибуллнинг вориси»
Секст Проперцийдир. У милоддан илгариги ҳисобнинг
I асрининг ўрталарида, афтидан, Ассизи шаҳрида (Ум-
брияда) туғилган ва Октавианнинг ветеранларига ерлар
тақсимланганда, Тибуллга ўхшаш, у ҳам ўз мулкининг
бир қисмидан маҳрум бўлган; у умрининг кўп қисмини
Римда кечирди, бу ерда у Меценатга маълум бўлиб,
10 Овидий ҳам бошқа шоирлар билан таниш эди. Унинг
элегияларининг кўп қисми (4 китоб сақланиб келган)
Кинфия деган бир аёл билан унинг ўртасида бўлган му-
носабатларга доир воқеаларни акс эттиради.

I, 15

- Иўқ, ўзининг аҳдсизлигинг энди, Кинфия,
Зўрланма сен ёлғон билан ёпиш-чун,
Таугриларни янги қасам билан синама:
Эскиларин унутсалар-чи бурун.
Эй, бераҳм, билки, жазо худди тепангда,
Менинг учун ҳасрат келар у билан.
Фалокатли зарбанинг, кутмаганингда,
Бутун кучин сезиб қоласен бирдан.
10 Олдин наҳр сувлари орқага қочар
Денгизларда агар қутурса тўлқин,
Табиатнинг йил тартиби шуни кўрсатар:
Кейингиси олдин олади ўрин.
Нима билан қалбим бирон ҳоли бўлади,
Мапа бундай кучли ғам-машаққатдан:
Сен истасанг, яша, кўнглинг тилаган каби,
Менга ёлғиз ёт бўлма ҳар жиҳатдан.

Менга ёлгон сўзларкансан, кўп вақт шакимни
Босиб қўйган гўзал кўзларинг, гарчи
20 Қитдай бўлсин, меним сенга муҳаббатимни
Йўқотсалар агар, сен мени қарға...
Шунча марта юзларингнинг қизил гулини
Сўндиришга сени мажбур қилдиким,
Кўзларингнинг порлаб турган совуқ нурини
Ким қайнатди кўз ёшлар-ла билсайдим?
Букуи ҳалок бўлажакмен бу ҳийлалардан,
Ошиқ бўлганларга берай маслаҳат:
«Инонмангиз позик ҳиснинг пардасига шап:
Чунки унда йўқдир қилча ҳақиқат».

ОВИДИЙ

- Публий Овидий Назон — цезаризм даври бошланғичида Рим эротик элегиясининг катта намояндасидир. У милоддан илгариги ҳисобнинг 43 йилида Сульмон (Ўрта Италияда) шаҳрида туғилди. «Суворийлар»нинг қадимий уруғига мансуб эди. Овидий Римда нотиклар мактабида у замоннинг машҳур нотикларида таҳсил кўрди, Греция ва Кичик Осиёга саёҳат қилди (тубанда унинг шеър билан айтилган автобиографиясига қаранг).
- 10 Унинг сақланиб келган бош асарлари шулардир: «Муҳаббат қўшиқлари», «Метаморфозалар» («Турланишлар»), «Фастлар» (Рим байрамларининг тавсифи), «Қаҳрамон аёллар», «Муҳаббат санъати», «Ишқнинг давоси», «Юз учун воситалар», «Қайғули элегиялар», «Понтдан мактублар».

- Август биз учун унчалик равшан бўлмаган бир баҳонадан фойдаланиб, милодий ҳисобнинг 8 йили охирида шоирни оппозиция бошлиғи сифатида Қора денгиз бўйидаги Тома шаҳрига бадарға қилиб юборди. Бунга
- 20 Овидийнинг нозиклашган эпикурчилик билан суғорилган ишқий асарлари асосий сабаб бўлди. Ўзини оқлашга ва Августга ҳам унинг халафи Тиберийга энг разил равишда хушомад қилишга («Қайғули элегиялар», «Понтдан мактублар») қарамай, шоир то ўлимига қадар (милодий ҳисобнинг 17 йили) ҳалиги шаҳарда қолди.

- Овидийнинг эротик (ишқий) асарлари, «юрак хони-ми»га топинган трубадурларнинг феодал-рицарлик поэзиясида тақлидлар яратди. Пушкин бадарға қилинган вақтларда ўз аҳволи билан Рим шаҳрининг ёзмиши ўр-
- 30 тасида бир кўп ўхшашлик кўриб, чуқур ҳис этилган кўп шеърларни Овидийга бағишлади.

Ким эди ишқ тарихларин эртакчиси, ким у куйчи?
Бугун кимнинг қўшиқларин куйлайдирсан, биллиб
ол, авлод,

Туғилиб ўсган шаҳрим Сульмон, у бой муздек
булоқларга,

Рим у ердан фақатгина тўқсон порсох нарида.

Бир урушда¹ икки консул ҳалок бўлган бир йили
мен

Туғилгандим у шаҳарда (сен замонни аниқроқ бил).

Балки айтмоқ лозим бўлур, мен суворий насабим-ла,

10 Бу унвонни менга тақдир сахийлиги бахш этмаган.

Оилада мен тўнғичмас, қардошимдан сўнг
тугилдим;

Мендан худди бир йил аввал дунё юзин кўргандир
у.

Туғилган кун иккимизга нур сочди бир тонг
юлдузи.

Нақ бир кунда икки назир сомса ёпилди уйда.

Жангчи Минерва байрамининг беш кунидан

биридир бу.

Ўша кундан буён қонли байрам жанги бўлиб турар.

Кичик ёшдан ўқитдилар бизни: отам буюрдики,

Римда яхши мураббийлар сари қатнай мен

акам-ла.

Сўз бозори у Форумда нотиқликка менинг акам

20 Ёшлигидан интиларди, гапдонликка туғилган у.

Болаликдан мен истадим кўк элига хизмат қилай

Муза мени орқасидан эргаштирди қаттиқ, пинҳон.

Отам кўп вақт дерди менга: «пучак ишга урмасен

Ҳатто Гомер ўзидан сўнг кўпми бойлик қолдирди?»

Отам сўзи таъсир қилди, Геликон-ла² музаларни

Ташлаб, шеърдан бутун қочиб, бошқа нарса ёзай

дедим.

Лекин сўзлар ўз-ўзидан оҳанг билан тизиларди,

Наср билан ёзган нарсам, ўзи шеърдай қуйиларди.

Аста-аста олга босди менинг ёшлик чоғларим-да;

30 Акам билан менга энди кенгроқ кийим берилди.

Кенг тўқ қизил уқа тутган рдага биз бурулдик³;

Лекин бизнинг руҳимизда сақланди у интилишлар.

Менинг акам йигирмага эндигина кирганда
Вафот этди тўсидан, сўнг жигаримсиз мен

Сўнг ёшликда мен биринчи фахрий мансаб ишғол

яшадим.

Ва мен учлик бир ҳайъатга аъзо бўлиб ишладим.

Этдим

Истиқболда сенат ҳам бор. Лекин... йўлни торроқ

олдим:

Чидамимдан кўра кўпроқ эзди у юк елкаларим.

Жисман заиф ҳамда ақлим майл этмади у ишга,
40 Шухрат севиш ғовғасидан четроқ туриш истадим.
Музалар ўз тин пайтлари сари мени чақирдилар,
Мен-да ҳар вақт кўп севардим улар-ла тинч

кечинишни.

Оҳ, мен қандай иззат-ҳурмат қилдим даврим

шоирларин!

Атрофимда қанча куйчи бўлса, шунча худолар
Кўлкаланди кўзимда!..

[43—55 гача. Овидийнинг адабий муҳити]

Меним музам жуда эрта шухратга ноил бўлди.

Музам билан мен ошкора чиқишга жазм этганимда.

Ҳали у вақт бир ё икки марта соқол қирдиргандим.

50 Бутун пойтахт кўшиқ қилган ва мен ўз

шеърларимда

Коринна деб номладигим хотин очди талантимни.

Дуруст, мен кўп нарса ёздим, лекин кучсиз деб

билганим

Тузатиш-чун ўз қўлим-ла мен оловга ташладим.

Зўр, чидамли меҳнатимга, шеърларимга

ғазабланиб,

Бадарғага жўнарканмен, ёқдим яхши шеърлардан

ҳам.

Қалбим нозик эди. Эрот ўқларига мен узоқ

Қарши тура олмадим, бўш баҳона мени ёқди.

Мен шундайкан, ҳар қадамда ишқ ахтарар эканмен,

Рим гийбати билан исмим ҳеч ким қўшиб тўқимади,

60 Бир полойиқ ва ярамас хотинга мен болалик

Чоғимдаёқ уйлангандим, лекин узоқ яшамадим.

Унинг ўрни олган аёл гар қусурсиз бўлса ҳам,

Лекин тақдир мен-ла узоқ яшатмади уни ҳам.

Учинчиси мен-ла қолди то мункайиб қаригунча.

У мен билан бош тортмади қувғин бўлиб кезишдан.
Менинг қизим ёшлик чоғда икки набира берди,
Отам ўлди қирқ беш ёшга яна шунча йил қўшиб;
Мен отамга шундай мотам тутдимки, унинг ўзи
Агар ўгли ўлса, шундай мотам — аза тутарди.

- 70 Мундан сўнг тез онамни ҳам кўмишга тўғри келди.
Менга етган жазо кунин кутмасдан, ўз вақтида
Иккови ҳам ҳаёт билан видолашди (бахтиёрлар!)
Мен шўрлик ҳам бахтиёрмен, чунки улар ўлгандан
сўнг

Бахтсиз бўлдим ва бу билан мен уларни
қайғиртмадим.

Ўлимдан сўнг исмингиздан бошқа бир нарса қолган
Бўлса⁴, агар кўлкангизни гулхан ўти ёқмаса,
Оталарнинг кўлкалари, агар ҳақимда гап-сўз
Сизга етса, агар Стикс⁵ оломони ўртасида ҳақимда
Бичиб-тўқиш давом этса, билингиз, ёлборамен:

- 80 Бадарғамга сабаб бўлган (сизни алдаёлмаймен)
Айб-жиноят эмас, балки сохта, янглиш қадамдир.
Кўлкаларга ортиқ изоҳ керак эмас... Дўстлар,
сизга

Қайтадирмен: сўрайсизми мен умримнинг
кечишини

Айтиб битирай? Соч оқарди. Кечди гўзал чоқларим;
Сочларимнинг ўзгартирди тусин қарилик келиб.
Туғилгандан буён Олимп — шўхрат гулдастасидан
Ола билди ўн мартаба мукофотни суворий.
Мендан кўнгли қолган раҳбар⁶, менга зўр

газабланиб,

- Понт гарбида кичик шаҳар — Томага у ҳайдади.
90 Бадарғамнинг сабаблари ҳаммага ҳам яхши

маълум.

Ўзим эса у тўғрида гапиришни эп кўрмаймен.
На деясен аҳдсиз дўстлар, қуллар хиёнатига?
Кечирдигим аҳвол у чоғ бадарғадан ҳам оғирроқ.
Офат олдида мук тушишни ўзимга эп кўрмадим.
Ўзимда куч топиб, дадил чидаш бердим сиқувига.
Замон ўзи нима берган бўлса, шунга суяниб,
Ўзимни ҳам, кечган роҳат турмушни ҳам унутдим.
Қуруқликда ва денгизда меним чеккан кулфатим
Кўкда чақнаб турган чексиз юлдузлардан оз эмас.

- 100 Мен йўлларда кўп адашиб, Сарматларнинг

соҳилига

- Етдим; ёйда мерган Гетлар юрти бунга қўшнидир
 Атрофида жанглар қайнар: тез-тез уруш
 қўшниларда;
 Бунга боқмай, тақдир дардин юпатамен шеър
 айтиш-ла,
 Бунда бирон кимса йўқки, ўқиб берсам
 шеърларимни,
 Уз-ўзимни қулай алдаб, кеч қиламен кунни яна.
 Мени қаттиқ мусибатлар йнқитмади, мана ҳатто
 Мен яшаймен ва кўп нотинч ҳаёт мени бездирмади,
 Барчасига сен сабабчи, муза: менга биргина сен
 Юпанчдирсен, сен қайғуда тин берасан, меним учун
 110 Сен табибсен. Менга фақат сен йўлдошсен ва
 раҳбарсен;
 Геликоннинг сиртидаги ҳамшираларинг сари
 Еткизиш-чун Истрадан⁷ мени олиб жўнайсан.
 Кўзим очиқ экан бердинг ном ва шуҳрат, бу надир
 ҳол
 (Кўп вақт шоир ўлимдан сўнг эришади шуҳратга).
 Замонанинг ҳар нимасин тубанлашни севган ҳасад,
 Бирига ҳам теголмади меним асарларимдан.
 Замонимда гарчи пайдо бўлди улуғ шоирлар,
 Ҳар на эса тош тегмади, менинг талантимга ҳеч.
 Кўпларини мен ўзимдан афзал кўришга тайёр;
 120 Лекин мени паст кўрмайлар улардан асло;
 Бутун дунё ўқир мени, агарда бу шоирнинг
 Қароматли ҳисларида ҳақиқатнинг жузъи бўлса,
 Ўлганимдан кейин-да мен сенинг бўлмайман, эй ер!
 Бу юртдошлар марҳамати, ё ҳақлича топдимми
 шон,
 Лекин меним ташаккурим, жон ўқувчим, қабул эт.

МУҲАББАТ ҚЎШИҚЛАРИ

(П а р ч а л а р)

[«Муҳаббат қўшиқлари» — Овидийнинг илк ва жуда
 типик асаридир. Бу асарда шоир севгилиси Кориннани
 тараннум қилади. Бу нарса аслида эротик элегиядаги
 шаблон мавзулар ва ситуацияларнинг термаси ҳам иш-
 ланишидир. Овидий бир кўп жиҳатлардан бошқа эле-
 гиячиларга боғлиқ бўлса ҳам, лекин у ҳамма вақт ори-
 гинал бўлиб қола билади.]

- Етоғимда роҳат йўқдир, кўрпам менинг гўёки
 Бутунлайн менга ётдир, нима экан сабаби?
 Бутун кеча, нақ тонггача кўзим уйқи билмади,
 Суяк зирқиб оғрир, танда ҳорғинликнинг оғуси.
 Яна севган бўлсам балки билардим, деб ўйлайман.
 Ё қалбимда маккор худо маскан қуриб олган-да,
 Даф этилмас ўқларини сўз ўрнига отарми?
 Бўғовларни сезмоқдамен: Амур қаҳрли, бераҳм.
- 10 Таслим бўлай? Ё курашда ёқай янги бу ёлқинни?
 Кўникувчи бўлсанг агар; жафоларга бардош осон:
 Кўп кўрганман машъалларнинг ўз-ўзидан сўнганин,
 Кучли силксанг, оловлари чақнаб ёниб, нур сочар.
 Машаққатга ўрганмаган, дангаса ҳам ёввойи
 Ҳўкиз ортиқ калтак ейди ерни ҳайдаш чоғида.
 Гажир, асов отларни-да юган мулла қилади;
 Қанча озроқ тихир бўлса — тепкини ҳам оз сезир,
 Амур шундай: раҳм-шафқат билмас итоатсизга;
 Сен ярашни сўраган он у меҳрибон, майин бўлур,
- 20 Хўп, Амурга иқрор бўлай, яна тушдим қўлига:
 Сен ғолибсен, ҳузурингда тиз чўкаман ёлвориб,
 Йўқ мен жангни истамайман, сўрайман, тез омон
 бер,
 Сен энгдинг бир нотавонни — кўпми шуҳрат
 қозондинг?
 Шон тожини бошингга қўй, қўш-қўш боғла
 кабутарлар,
 Зафар дабдабаси учун Арей бергай араба;
 Ҳадяланган арабада, сен бир гала қушларни
 Бошқарувчи бўлиб мағрур халқнинг олқишларида
 Кезажаксан, арабачи қизларнинг сен ҳокими.
 Ортда юрар асир қизлар, борар асир йиғитчалар:
- 30 Огир зафар билан фахр эт, кеккай бу тантанадан!
 Яқинда асир бўлиб, ғазабдан инграган мен,
 Бўйним букиб кетажакман, занжирни ҳам
 судрайман,
 Қўллар орқамда боғлиқ, ақли салим ҳам орқада,
 Номус, ҳаё ва Амурга зиёнли барча хислат
 Орқададир, титраб қолар ҳамма сенинг қаршингда.
 Ўздан кетиб оломон ҳам қўл кўтариб қичқирар:
 «Эй, сен қувон, эй шон-зафар эгаси, қувон!
 Сендан кетмас хушомад ҳам орқангдан эргашади

Гумроҳликлар, телбаликлар абадий қофиласи.
40 Булар билан тангриларни, инсонларни тўрға

иласен,
Қим уларни сендан узса, кўргай сени қипяланғоч.
Онаи⁸ Олими чўққисидан, кулиб, позик гулларини
Даста-даста отиб турар нақ мўлжаллаб юзингга
Қанотингда, сочларингда асл тошлар порлайди,
Хуси эгаси, сен олтинсен, олтин ичра кезасен.
Мен биламан, кўплар ўзи тугилади бу чоқ сенга,
Кўпларини ўзинг асир этажаксен: шўхлигинг
Зимдан бўлар. Ишқ ўқлари тинмай учар

иста-истама,
Енингдаги ўққа учса, қоч: оғуси юқумлидир.
50 Узоқ Гангнинг⁹ диёрларин забт этган Вахх¹⁰

шундайди:
Унда урғоч арслонларининг, бунда ўйноқ қуш галаси
Зафаридир. Бу зафарда менинг ўрним ҳақлидир:
Иқрор бўлай, голиб келдинг. Кучни этма беҳуда

сарф:
Сен туғишган Цезардан¹¹ ибрат ол: буюк Цезарь
Маҳкам қўли билан элтар барча забунларга паноҳ.

I, 9

Ҳар бир ошиқ — солдат; бордир Амурнинг-да
қароргоҳи,
Эй Аттик¹², сен менга инон: ҳар бир ошиқ

солдатдир¹³.
Уруш учун, севги учун бир текис ёш мос келади:
Кекса учун хизмат уят, кекса учун севмоқ уят,
Ҳарбий иш-чун йўлбошчилар белгилаган йилларни,
У ҳам, яъни сенинг гўзал қизинг талаб қилади.
Уруш, севги — тетик, сергак; иккиси ҳам ерда

хушҳол:
Бирин бека, бирин сардор остонасин қўриқлар.
10 Солдат иши — сафар. Қизин олисроққа жўнатиб

кўр,
Ошиқ унинг орқасидан бениҳоят шошиб чопар:
Тик тоғлардан, дарёларнинг тошқинидан ўтади у,
Қиз ортидан юради у қорли тепа, муз саҳрода,
Ва денгизга тушмоқчиқан, бўронларни кўзга илмас,
У чоқ кўкда юлдузларни ҳамроҳликка ахтармас.
Совуқ тунлар, қалин қорлар ва зўр ёмғир-селларга
Фақатгина ошиқ билан солдат бардош қила олур.

Жосус бўлиб юборилган бири душманни пойлар;
 Иккинчиси кўз юммайди: будир унинг рақиби.
 20 Бири шаҳар, бири ёрнинг эшигини қамал қилар.
 Бири бузар дарвозалар, бири эшикни чертар.
 Душман ухлаб ётган чоқда ҳужум қилиш, қуролсиз
 Одамларни дўшосламоқ фойда берар эди кўп вақт.
 Шундай ҳалок бўлди Реснинг¹⁴ ёвуз, ваҳший,
 қўшинлари,
 Отлар битди, жасур қўллар тортиб олди уларни.
 Ошиқларга шундай фойда берар эрлар уйқуси,
 Ва уйқучил душманлар-чун уларда кўп қуроллар
 бор.

Солдат каби ошиқ ҳар вақт маҳоратга эгадир.
 Тўда-тўда посбонлардан эпчил, чечан ўтадир.
 30 Венерадек, Марс ишончсиз; енгилганлар кўпинча
 Яна туриб оладилар, ётар энди енгувчилар.
 Демак, совги туйғусини бсфойда туйғу дема:
 Ишқ туйғуси энг ғайратли мардонларга ҳам хосдир,
 Асир қиздан айриларкан ёнар ишқда Ахиллес¹⁵.
 Троянинг ўғиллари Аргивян молларини
 Яксон қилсин. Андромаха¹⁶ ширин эркалагандап
 Кейингина кетар эди Гектор¹⁷ уруш майдонига.
 Ва бошига кийгизарди дубулғани хотини.
 40 Менадалар каби унинг сочлари гўзал эди¹⁸.
 Шундай Марс ҳам нлинганди билди расом тўрини:
 Бу ҳикоя осмонда ҳаммадан кўра машҳур¹⁹.
 Мен-да сўлғин эдим, ширин ором учун яратилдим:
 Тип-тинч ҳаёт, юмшоқ ётоқ юрагимни нозиклади;
 Қиз қайғуси лекин қувди тентаклик, танбалликни
 Ва хизматни буюрди унинг қароргоҳида,
 Мен энди кўп чаққон бўлдим, тун жанглари
 ясайман:
 Танбалликдан кимки қочса, тезроқ севсин бирини.

Хотин қаҳрамонлар
 (Парчалар)

[«Хотин қаҳрамонлар» — ўз ошиқлари томонидан ташлаб кетилган мифик қаҳрамонлар — хотинларнинг шоирона мактубларидир. Мифик образларни Овидий, ўз одатига кўра, оддий одамлар даражасига туширади. Бизнинг кўз олдимиздан бахтсиз бир кўп хотинлар ўтади; Овидий уларнинг бутун пинҳон ишқий азобларини кўрсатиш билан уларнинг бутун руҳини моҳир очиб

10 беради. Овидий ижодиёти учун характерли бўлган риторик (фасоҳат) формализмнинг сунъийлиги бу фонда яна ёрқинроқ кўзга ташланади, бу «мактублар»ни формализм ранги айниқса қуюқ бўяб қўяди.]

VII мактуб. Дидонанинг Энейга мактуби

Сўнг нафаси олдида, ҳўл майса-ўтлар орасида
Меандра²⁰ сувларининг бўйларида шундай йиқилиб,
Елбориш-ла сенинг кўнглинг юмшатишга умид куйлайди оққуш.
Мен сўзлайман, сўзларимга душмандирлар қилганимданмас,
Хизматни ҳам, номусни ҳам, баданни ҳам, тоза-соф тангриларнинг барчаси.
Барчасини барбод қилгач, сўз йўқотиш кулфат юракни ҳам
Демак, қочиш ва бечора Дидонани ташлашга жазм эмасдир асло.
Фақатгина шамол ҳайдар чодирингни ва сен ичган қилибсен,
10 Жазм қилибсен, Эней, сен ўз аҳду паймон қасамни.
Ва белгисиз узоқларга, Италия тожларига учишга, лангарингни узишга,
Имламайди сени янги бор Карфаген²¹ ва юксалган Империалнинг қўрғонлар,
Хукмдорлик, иродангга топширилган ҳокимият чақирмас.
Битган ишдан сен қочасан, оғирлик ваъд этган битган ишга интиласан.
Янги ерлар қидирмоқчи бўласан сен: топилгани гўё
Борди-ю сен бир юрт топдинг — эгаллашга оз!
Пишиб турган даласини бегонага ким бергуси беришадими имкон?
Янги севги ҳамда янги бир Дидона топиш керак келадим!
Яна алдаб кетиш учун янги онтлар ичиш керак бўлгуси,
бўлгуси.

- 20 Қарфагенга тенг келарлик бир истехком қура
оласанми тез,
Ва энг маҳкам қалъалардан салтанатинг
қилармисан томоша?
Майли, бутун ишларда сен муваффақ бўл,
орзуларингга етиш;
Лекин бундай чуқур севган бир хотинни сен
қаердан топасан?
Эримакдамен, шамдонда ёлқин билан эрувчи бир
мум каби,
Кечаси ҳам, кундузи ҳам кўзларимда Эней хаёли
турар.
У билмайди миннатдорлик туйғуларин, неъматларга
у бепарво;
Мен айрилган бўлар эдим ундан, лекин
бўлмасайди бу савдо.
Гарчи буни ўйламайди Эней, лекин нафрат қила
олмайман,
Вафосизни борган сари кучли, қизгин севаман кўз
ёшим-ла.
- 30 Сен, Венера — қайн онам²², раҳм эт! Юмшат золим
қардошингни.
Эй, ёш Амур!²³ Лашкарларинг орасида у ҳам
чалишсин!
Дастлаб ўзим севдим уни, энди ишқдан мен қўл
узиб кетолмайман,
Фақатгина ҳисларимга у илтифот кўрсатса
кифоядир.
Беҳуда бир алданишдир! Мен чорасиз хаёл
қиламан уни,
Онасининг юрагига бениҳоят бегона-ёт экан у.
Сени тошлар, тоғлар, олис қояларда ўсган болут
оғочлари:
Ё раҳмсиз йиртқич ҳайвон, ё даҳшатли тўлқинларда
сузишга,
Интилганинг ва ҳозир ҳам ел ўйнатган денгиз сени
тугдирди.
Нима учун қочадирсан? Ҳозир қиш-ку! Ёрдам
қилсин менга қиш!
- 40 Эй, ана, боқ, тўлқинларни! Эвр қандай ҳайдайди,
парчалайди!
Мен истаган нарсаларни бўронлардан кўражаксан
менсиз ҳам,

Шамол ҳамда бу тўлқинлар юрагингдан кўра вафокорроқдир.
 Мен шундайин ҳақир эмас, сен вафосиз, ҳалокатдан қўрқмайсан,
 Фақат биздан қочиб, узоқ денгизларга интиласан,
 Сенда нафрат кучли ҳамда абадиян ўзгармасга биламан!
 Улим — агар биздан узоқ бўлса — сенинг ўхшайди.
 Кучли океан тезда тинар, сўнгги мавжлар ўйинини парвойингга келмайди!
 Зангори тус арғимоқлар миниб чопар денгизларга тинчитиб,
 Кошкийди сен, шамол каби, юрагингни ўзгарта Тритон
 билсанг эди!
 50 Болут оғочлардан-да сен агар дагал бўлмасанг, қайтажаксан.
 Телба денгиз нета олур, жиддан буни билмайсанми сен ахир?
 Шунча дафъа синалинган тўлқинларга қандай ишониш мумкин?
 Ҳатто денгиз кулиб турган вақтида ҳам арқонларни ешсанг сен,
 Денгизнинг кўк кенг сатҳида кўи фалокат пинҳон ётар, буни бил.
 Денгизларга тушар чоқда қўрқинчлидир ўз сўзида турмаслик,
 Разилларча алдашликнинг жазосини бунда тўлқин беради,
 Айниқса ишқ-муҳаббатни таҳқирлаган чоқларда: Амурларнинг
 Онаси қип яланғоч чиқар сувлар тагидан Киферада²⁴.
 Мени ҳалок қилганини мен ҳалок этиб, бадкирдорга бадкирдорлик
 60 Қилмасайдим, фарқ бўлароқ денгиз сувин ютмасайди у душман!
 Иўқ, яшайвер! Сени ҳалок қилганимдан, шундай бўлганинг маъқул.
 Улимимга сабабчи деб сенигина кўрсатсинлар дунёга,
 Фақат сен бир тасаввур эт, сени бирдан — бу башорат бўлмасин! —

Зўр бир тўлқин ёқаласа, сен у чоқда нима ўйлайсан
 ахир?
 Кўз олдиндан бир-бир ўтар ёлғондаки қасамлар
 ҳамда сўзлар
 Ва у алдоқ соясида Дидонанинг ўлими ҳам;
 Ва алданган хотиннинг кўз олдида жилваланар бир
 сиймо,
 Соч паришон, нигоҳлари қайғу-дардли ва кўкраги
 тўла қон.
 Қанча марта сен ундайсан: «Ҳар нарсага мен
 сазовор! Кечиринг!»
 Осмон отган қанча яшин тушар сенинг ичингга!
 70 Денгизнинг ҳам юракнинг-да золимлигин қисқа
 муддат менга бер,
 Бу муҳлатнинг бадалига таҳликасиз бир йўл сенга
 очиқдир.
 Мен сен учун қўрқмайдирман: марҳамат қил ёш
 Иулнинг ҳолига,
 Отасидек, ундан менга келгусидир ўлимимнинг
 сабаби.
 Асканий ҳам яқин, қардош пенатларнинг айби,
 гуноҳи нима?
 Уларнинг кўп жафо кўрган юзларини тўлқинларми
 қоплайди?
 Сен элтмадинг худоларни, эй бадкирдор, бас, етар
 виқорланиш!
 Юк бўлмади ўмузингга на падаринг, на пенат.
 Ҳар нарсада сен бутунлай лоф ургансан! Лекин
 сенинг сўзинг-ла
 Илк мартаба алданган ҳам сендан заҳмат, зарар
 кўрган мен эмас.
 80 На дейсан сўрасалар, гўзал Иулнинг²⁵ у онаси қайда
 деб?
 Қўпол, бераҳм эри уни ташлаб кетган ўлим бағрига
 танҳо²⁶,
 Буни ўзинг сўзлагандинг,— бунга боқмай сенга
 кўнгил қўйибман.
 Ендир, чунки золимона ўлим жазо гуноҳи ҳеч
 нимадир.
 Тангриларнинг ўзи сени жазолайди, бунга асло
 шубҳам йўқ:
 Денгизда ҳам ерда тентиб, ўтказасан мана еттинчи
 қишни,

Денгиз сени улоқтирган чоқда сенга мен
 бағишладим макон,
 Ёлғиз сенинг исмингни мен эшитдим-да, дарҳол
 бердим тахтимни,
 Бу хизматим билангина хурсанд бўлган бўлсам эди,
 майлиди,
 Агар бизнинг никоҳимиз шойиаси жим қолган
 бўлса эди!
 90 Кутилмаган ёмғир қора тошқин билан бизни
 бирдан қувалаб,
 У кун, чуқур моғорага келтирган кун — фалокатли
 кун эмиш,
 Мен эшитдим у чоқ садо: ўйладимки, куйлашади
 парилар,—
 Йўқ, меним бу фалокатим ишоратин бермиш
 Евменидалар²⁷:
 Таҳқирланган номус, Сихей²⁸ кўлкалари, сиз қасос
 талаб қилинг,
 Оғир, аччиқ шармандалик билан тушкун у
 кўлкалар олдиға.
 Мармар ибодатхонада турар пинҳон Сихейнинг у
 муқаддас
 Ҳайкали, у япроқларнинг орасида ва оппоқ юнг
 ичида.
 Бунда мени таниш товуш тўрт мартаба чақиргани
 билинди,
 Оғир, бўғиқ овоз янграб, дедики, «Элисса, кел!»²⁹
 100 Тараддудсиз, тез бораман, бораман тез, меним
 қисматли ёрим,
 Бунда мени бироз ушлаб қолди бизнинг гуноҳимиз
 шуури.
 Меним ожиз руҳимга сен ачин! Йўлдан оздирувчи
 у маккор,
 Маҳв этади гуноҳимнинг бутун жиноятини,
 Худо — она ва ўғилнинг елкасида беминнат юк чол
 ота
 Шаъри ётоқ тузишликнинг умидини берадилар
 менга ҳам.
 Гуноҳлик иш пешонада бўлса, хато сабаби
 қадрлидир;
 Илова қил садоқатни, бунда асло разил гуноҳ
 кўринмас.
 Энг охирги кунга қадар, туғилгандан ўлгунгача
 ҳаётни

Айни қисмат таъқиб этар илгариги кучли чидами
 билан.
 110 Оиланинг меҳробида қурбон каби кесилиб ўлди
 эрим.
 Ўз бадкирдорлиги учун олди бутун хазинани
 қардоши,
 Мен қочаман, эр жасадин ҳам ватанни ташлаб
 узоқ элларга,
 Душман қувлаб юрар мени машаққатли йўлларда
 изларимдан,
 Бегона бир мамлакатга етиб ҳамда у душмандан
 қутулиб,
 Бугун сенга берилган бу соҳилларни сотиб олдим
 бу ерда.
 Шаҳар қурдим бунда, катта-кенг деворлар билан
 уни қуршадим.
 Чегарадош барча ерлар нафрат, ҳасад ва таҳликада
 қолди.
 Жанг ўтлари ёлқинланди. Мен бу янги шаҳарнинг
 қўрғонини
 Яратган он, уруш билан қийнайдилар бир мусофир
 аёлни.

120 Кўпларига ёқиб қолдим, бир кўплари илтимос ҳам
 қилдилар,
 Никоҳ саройида ортиқ кимни қабул қилишимни
 билмайман.
 Нега бизни занжирбандлаб Гетул Ярбга³⁰
 тутқизишга шошмайсан;
 Ўз қўлимни мен ўзим ҳам сенга дарҳол тутқизган
 бўлар эдим.
 Борди унинг қардоши ҳам; у эримнинг орқасидан
 менимда
 Қоним унинг чиркин, разил қўлларини суғора олар
 эди.
 Тангриларни, қудсиётнигина қолдир; қўлларинг-ла
 уларни
 Чиркинлама! Тангриларга лозим эмас бетавфиқлар
 ҳурмати.
 Эҳтимолки, мен шўрликни, ташлаб кетасан, золим
 бадкирдор,
 Ҳалитданоқ гавданг жузъи пинҳон этар меним
 гавдам.

- 130 Бахтсиз гўдак онасининг ўлимига шерик бўлади у
вақт,
Туғилмаган бир гўдакнинг ўлимига сен сабабчи
бўласан;
Онаси-ла бирга ҳалок бўлар у вақт Юлнинг
қардоши ҳам³¹,
Бирга пайванд икки шахснинг ҳалокатга бири олиб
кетади.
Кетмакликни раво кўрмиш худо,— кошки
келтирмаган бўлсайди,
Кошки бизнинг қирғоқларни босмасайди Тевкр
қадами асло!
Ғазабли бир тўлқин қаттиқ эзиб, сизни олиб борса
керакдир,
Энг даҳшатли тўлқинлар-да тангри сизни узоқ
сарсон қилади!
Бундай қайтиш ҳаяжонга солмас эди ҳаттоки
Пергамни ҳам,
У Гекторнинг ҳузурида бўлган каби турса ҳам.
- 140 Ўсиб-унган Симоисга³² эмас, Тибр мавжларига
интиласан,
Тушгил орзу соҳилга майли;— бари бир ёт бўласан.
Кемалардан яширинаверар, узоқ диёр тутилмас;
Қўзладигинг юртга балки етажаксан нақ кексайган
чоғингда,
Сен, яхшиси, макрни қўй, бу ерларга ташилган у
ҳисобсиз
Пигмалион³³ бойликларин халқим билан қабул
айла.
Илионни кўчириб кел бахтли Тибр шаҳрига ва
ўзинг ҳам
У муқаддас ҳукмдорлик ҳассасин ол, бизга бўлгил
подшоҳ.
Агар уруш орзу қилсанг, Марс жангида зафарнинг
тантанаси,
Шуҳратига эришмоқни истар экан Асканий
топилади.
- 150 Унга душман ва душманни енгиш учун унда бўлур
ҳар восита;
Мамлакатда тинч турмуш ҳам ва жанглар ҳам
бўлғусидир ўшанда.
Елвораман, мушфиқ она ва қардошлик қуроллари—
ўқлари-ла,

- Сабот билан кечиришга юрагимни кўндирай ва ўргатай.
 Бу бўлмаса, қайғу-дардли ҳаёт билан видолашмоқ истаيمان,
 Ва сен менга узоқ замон бундай золим ва қаҳрли бўлолмайсан.
 Кошкийди сен бир кўрсайдинг, бу номани қай аҳволда ёзаман:
 Қўлим ёзар, кўкрагимда Троянинг ётар ҳозир қиличи.
- 180 Кўз ёш юздан оқиб тушиб, ярқираган пўлатда югуради,
 Мана, ҳозир бу кўз ёшлар оққан пўлат — қоним билан бўялади!
 Ҳадяларинг бизнинг қисмат билан қандай гўзал, яхши мос тушди!
 Бизга дафн гулханини бесарф-текин қандай қилмоқдасен!
 Юрагимга ҳозир темир илк мартаба санчилаётгани йўқ;
 Кўпдан буён юрагимда ишқнинг аччиқ жароҳати пинҳонди³⁶.
 Анна, Анна, бундай ёвуз йиқилишнинг надимаси, эгачим,
 Сен эгачинг жасадига сўнг ҳадяни мана тез келтирасан!
 Куйдирилгач, мени ёзманг Сихейнинг хотини деб, Сўрайманки, фақат шу байт меним қабр тошим узра ёзилсин:
 190 «Маликанинг ўлимига сабабни ҳам, қилични ҳам Эней берди;
 Ўз қўли-ла юрагига қилич санчиб, Дидона ўлди-қолди».

МЕТАМОРФОЗАЛАР

(Парча)

Пирам ва Тисба

Шарқда ўсган барча қизлар орасида энг чиройли қиз Тисба,
 Йигитчалар орасида энг гўзал деб донг чиқарган ёш Пирам —

- Қўшни бўлиб яшардилар; афсонага қараганда, бу
 шаҳар
 Атрофига баланд ва ғишт девор қурган
 Семирамида³⁷.
 Муҳаббатнинг унишини, танишувни осонлатди
 қўшнилик,
 Аста, зимдан ўсди ҳавас, улар шаръан қўшилиши
 мумкинди,
 10 Лекин улар оталари ман этди. Аммо иккиси-да ҳам
 Буюк ишқнинг оташига асло моне бўлолмас.
 Йигит ва қиз ўртасида совчилар йўқ, ййма билан
 сўзлашди.
 Лекин қанча кўп уриниб яширилса, ёлқин шунча
 зўр ёнар.
 Икки уйни айирувчи деворларда бир кичкина
 тешик борди.
 Ушбу тешик пайдо бўлган кўпдан буён, девор
 урилган чоқда.
 Тешикчани узоқ замон муддатида ҳеч бир кимса
 кўрмаган;
 Ҳар нимани ишқ сезар! Эй, севишганлар, бу
 кавакни биринчи
 Мартаба сиз кўрдингиз-да сўзлар учун бу ердан
 йўл солдингиз.
 Секин-секин шивирлашиб, ишқ туйғусин улар баён
 қилишди;
 20 Кўп вақтларда Тисба билан Пирам қарши туриб
 бир-бирларига,
 Титроқ лаблар маъносини фаҳмлашга уринишди
 галма-гал.
 Улар дерди: «Золим девор, моне бўлма биздек
 севишганларга!
 Бутунлайн чирмашишга имкон берсанг ахир нима
 билади?»
 Биз, сенингча, кўп нарсани орзу қилган бўлсак агар,
 имкон бер,
 Лабларимиз бирлашсинлар бўлсалар-да! Севикли
 қулоқларга
 Сўзларимиз етказишга йўл очганинг учун-да
 миннатдормиз».
 Юпантирмас сўзларини тамом қилиб, кеч бўлганда
 хушлашиб

Икки ёқдан, танҳо туриб, ўпишарди фақатгина
 деворни;
 Бўсалари ўта олмас эди ёлғиз қалин девор орқали.
 30 Тонг нурлари кўкни тутиб, ҳайдар экан туннинг
 қандилларини,
 Қуёш чиқиб шуъласи-ла майсалардан шабнамни
 учираркан,
 Йигит ва қиз ҳар вақтдаги жойга келди, дастлаб
 улар шивирлаб,
 Анча-мунча гап сотишди, кейин эса шунга қарор
 қилишди:
 Жимжит тунда қоровулни алдайдилар, ташқари
 чиқадилар,
 Уйдан чиққач, шаҳарни ҳам ташлаб кетиш
 бўлажакдир муяссар.
 Лекин улар кенг далада қанғиб-тентиб
 юрмаслик-чун,
 Тунда Ниннинг мақбараси олдида жим учрашмоқчи
 ва унда
 Усган катта бир дарахтнинг кўлкасида
 яширинмоқчи бўлишди.
 Бир туп баланд тут дарахти ўсар эди, мевалари
 оппоқди.
 40 Нақ ёнидан муздек совуқ бир булоқ ҳам оқар эди,
 иккови
 Бу қарордан шодланишди; ҳордирувчи узоқ кун
 ҳам океаннинг
 Қаърига жим чўқар, ундан секин-секин чиқиб
 келади кеча.
 Қоронғида астагина эшик очиб, чиқди туйғун айёр
 қиз,
 Уйда ким бор, барчасини алдади у, рўмол билан
 юзини
 Ураб олди ва қўрғонга етиб, дарахт остида жим
 ўтирди:
 Ишқ кишини ботир қилар. Лекин шу вақт пайдо
 бўлиб қолади
 Бир урғочи арслон, оғзи кўпик, ҳозир ичган ҳўкиз
 қонини;
 Яқиндаги булоқда у чанқоқликни босмоқ истар сув
 ичиб.
 Ойдинликда уни кўрди вавилонлик Тисба қўрқиб
 титради,

- 50 Шу онда қиз тез югурди қоп-қоронғи бир ғор
 ичига шошиб,
 Лекин Тисба қочар экан,— рўмолини тушириб
 қўйди йўлга,
 Золим арслон сувни обдон ичиб-ичиб, чанқовини
 бостириб,
 Тўқай томон жўнар экан, топиб олди Тисбанинг
 рўмолини.
 Қонли оғзи, тишлари-ла парча-парча қилиб
 ташлади уни.
 Тез орада Пирам чиқар, қалин қумда равшан кўрар
 у золим
 Йиртқич изин ва қўрқувдан жон чиққундай
 оқаради шу дамда;
 Мана бирдан кўриб қолиб қиз рўмолин, шундай
 хитоб қилади:
 «Шу кечаси ҳалок бўлар севишганлар иккиси ҳам;
 лекин у,
 Узоқ умр кўриш учун чексиз лойиқ бўлган Тисба
 ҳам ҳалок!»
- 60 Қаршингда мен айбдорман: эй бечора, ўлимингга
 мен сабаб;
 Таҳликали жойларга мен тун ўртаси мажбур
 қилдим келишга,
 Сендан олдин мен келмадим. Шу қоялар орасида
 яшовчи,
 Эй арслонлар, барчангиз ҳам келинг мунда,
 баданимни талашиб,
 Парчалангиз. Лекин ёлғиз ўлмоқликни орзу қилиш,
 албатта,
 Қўрқоқларга хос нарсадир». У рўмолни Пирам
 ердан кўтариб,
 Шарт қилинган у дарахтнинг кўлкасига яширинди.
 Рўмолга
 Кўз ёшларин қуйди-қуйди, кўз ёши-ла рўмолни
 ўпди, деди:
 «Меним қоним сўришга сенга энди фурсат келибди
 мана»
 Ва қинидан суғурди-да ханжарини, тўғри юракка
 санчди,
- 70 Ҳам тиғини тезлик билан у суғурди иссиқина
 ярадан.

Мукка тушиб йиқилди у, қон отилди юқорига
 Қувурдаги қўрғошин бузилиб, ёрилганда, ингичка ^{визиллаб,}
 Юқорига сув шарақлаб отилади, зарбаси-ла ^{тешикчадан}
 Худди шундай қон отилди. Дарахтдаги қон ^{ҳаволарни кесади.}
 Қора тусга бўялдилар. Қон ҳўллаган илдизлар ҳам ^{сачраган мевалар}
 Ҳар хил мева тўқ қизил тус, қон рангига кирдилар. ^{осилган}
 Борлиғини қўрқув босган, лекин Пирам алданмасин ^{деб Тисба}
 Бунга келиб кўзлари ҳам қалби билан қидиради ^{йигитни,}
 Лекин жойни, қордай оппоқ меваларнинг шаклини ^{билган Тисба,}
 80 Улар тусин кўриб, ҳайрон, қайда эди дарахт, энди ^{билмайди.}
 Шундай гумон қилар экан, қиз кўради бир ^{гавдани, у қизил}
 Ерда ночор типирлайди. Бирдан қўрқиб, орқага ^{чекинади}
 Ва қарайди, шамшоддан ҳам ранги ўчиқ; юзи ^{дир-дир титрайди,}
 Секин эсган шамол теккач, жим ва енгил титровчи ^{денгиз каби.}
 Лекин тикилиб, тез таниди ўз ёрини, севдиги ^{Пирамни,}
 Қаттиқ фиғон кўтарди-да, ҳеч гуноҳсиз қўлларини ^{ушлаб,}
 Даҳшат ичра сочларини юлиб олди, ёр гавдасин ^{қучоқлаб,}
 Жароҳатни кўз ёши-ла лим тўлдирди, аралашди ^{кўз ёш, қон.}
 Ҳаёт ўчган у кўзларга бўсаларни кўп ёғдирди ^{бечора.}
 90 Тисба деди: «Менга жавоб бер, эй, Пирам, қани ^{менга айтиб бер:}
 Мендан сени нима узди? Ҳеч бир замон унутилмовчи ^{Тисба.}

Сенинг исминг айтади-ку! Ё қуйи тушган
 кўзларингни менга оч!»
 Тисба номи айтилганда, жим кўтарди Пирам солқи
 қовоғин,
 Қизни кўриб, сукут билан яна юмди кўзларин.
 Тисба тезда рўмолини ва бўш қинни кўриб қолди
 шу ерда,
 Ва шундай деб хитоб қилди: «Бахтсиз йигит, сени
 ҳалок қилибди
 Ўз қўлларинг, муҳаббатинг!». Сенинг қўлинг
 сингари жасур қўллар
 Менда ҳам бор: менинг ишқим бағишлайди менга
 қувват-куч.

100 Мен орқангдан борай сенинг; мен бахтсиз қиз,
 Пирамнинг ўлимига
 Сабабчи ҳам йўлдош дея аталгаймен, бизни фақат
 бир ўлим
 Айриши мумкин эди, лекин бизлар ҳеч айрилмай
 қолайлик.
 Буюк ғамдан қадди букук, бизнинг шўрлик
 ота-оналаримиз,
 Бизнинг сўнгги орзумизни бажарсинлар, биз
 иккимиз сўраймиз.
 Севги билан, ҳаётнинг сўнг нафаси билан боғлиқ
 бўлганларни сиз
 Ер остига бирга қўйинг, иккимизга битта сағана
 қуринг.
 Шохлари-ла ёрим Пирам жасадини қучоқлаган эй
 дарахт,
 Мана, тезда қоплайдирсен мени ҳам сен; туси қора
 мевалар
 Қайғу — мотам аломати бўлсин; мангу сақла
 уларни сен ҳозирдан,

110 Икки карра тўкилган қон — Пирам, Тисба қони
 учун эсдалик деб.
 Айтган ҳамон, ҳали қондан совумаган қиличга
 ботирона
 Қиз интилди, ўткир тигни юракка шунда санчди.
 Лекин қизнинг илтимоси тангриларга, ота-онага
 етди,
 Чунки мева пишар экан, қораяди, Пирам,
 Тисбанинг ўтда
 Қуйдирилган жасадидан тушган куллар бир қутида
 туради.

Дубби Асқар³⁸ посбони океанга кўз тикар паст,
 Денгиз гирдоб сувларини чароғи-ла хира қилар.
 Ўз эркимиз билан Ион денгизини кезмабмиз-да:
 Бизга қўрқув туфайлидан жасур бўлиш керакдир.
 Ҳайҳот! Шамол денгиз юзин қандай қабартиради!
 Сув қаъридан бурқиб чиққан қумлар қандай

қайнайди?

- Ҳайбатли, зўр тоғ тўлқинлар кемага човт солади,
 10 Кема бурни ва тангрилар тасвирини савайди.
 Зарбалардан жаранглайди арча оғочлар бари,
 Кулфатимиз тўғрисида инграр кема суюги ҳам.
 Жон чиқувчи бир қўрқувни яширолмай, ранги

ўчган

Денгизчи ҳам, мана, таслим бўлибди:

Кемани у юритмайди, кемага ўзи тобе.

Елдай учган асов отни эплаёлмай, тизгинларин
 Бефойда деб худди шундай қўяр ожиз чавандоз,
 Ҳайдовчи ҳам кемани ўз истагани томонга
 Юргизолмас, тўлқин бизни ўз йўлида судрайди.

- 20 Агар Эол юбормаса бизга муқобил шамол,
 Боришимиз ясоқ бўлган ерга элтади тўлқин.
 Сўлимизда, узоқларда қолди иллирияликлар,
 Бизга ясоқ мамлакат — Италия нақ қаршида.
 Ман этилган соҳилларга жалб этишдан тўхтасин

ел!

У мен каби итоаткор бўлсин улуғ тангрига!³⁹

Шундай дейман ва қўрқаман, айни вақтда

қайтмоқчиман,

Зўр куч билан бирдан урди тўлқин кема канорига!

Кўк сувларнинг тангрлари! Елвораман, омон

беринг!

- Мени қувар Юпитер⁴⁰: менга бу ҳам етади!
 30 Ҳорғин руҳим у раҳмсиз ажалдан қутқарингиз!
 Магар ҳалок бўлар кимса ҳалокатдан нетиб қочар?

III. ИМПЕРАТОРЛИҚ ДАВРИНИНГ АДАБИЁТИ (Милодий ҳисобнинг I—II асрлари)

ТРАГЕДИЯ

СЕНЕКА

Люций Анней Сенека — милодий ҳисобнинг I асри ўргаларида яшаган файласуф ва шоирдир. У милодий ҳисобнинг бошланғичида, император Августнинг замонида Испанияда туғилди ва «суворийлар»нинг цензли табақасига¹ мансуб эди. Сенека Римда фалсафий ва риторик (фасоҳат илми) маълумот олди. У 41-йилда Корсика оролига бадарга қилинди (гўё император хонадонига мансуб бўлган бир хотин билан алоқаси учун). 49-йилда Сенека қайтиб келди ва бўлғуси император Неронга тарбиячи бўлиб тайин қилинди, унинг идораси замонида Сенека фаолиятининг энг порлоқ даври бошланди. Янги императорга ёқиш учун Сенека ўлган император Клавдийни ёмон ҳажв қилди; унга «Қовоқланиш» деб ном берди (қовоқ — аҳмоқлик символи), гарчи Клавдийнинг қовоққа айланишини кўрсатмаган бўлса-да, афтидан, бу императорнинг амалга ошмай қолган худолашиш маросимини танқид-масхара (пародия) қилди. 58-йилда у консул бўлди ҳам императордан сўнг биринчи шахс ҳисобланди. Лекин сарой доираларининг ҳасади ва фитнаси 62-йилда уни саройдан узоқлашишга мажбур қилди. 64-йилда Нерон бу файласуфни заҳарлашга уриниб, муваффақ бўлмади. Юқори доиралар ўртасида император шахсиятига қарши фитначилик ташкилотида қатнашувда айбланган Сенека 65-йилда ўз қон томирини кесди.

Биз учун унинг айниқса 10 та трагедияси муҳимдир (улардан «Октавия» Сенекага, эҳтимол, тегишли эмасдир). Бу трагедиялар Софокл ва Эврипиднинг грек трагедияларидир, лекин улар тамом бошқа услубда ишланганлар.

Бир кўп аломатларга қараганда, Сенеканинг трагедиялари театрда ўйналиш учун эмас, қулдор бойлар доирасида баланд овоз билан ўқиб бериш учунгина ёзилган. Бу трагедияларнинг аҳамияти шундаки, улар Ғарбий Европа учун узоқ замонгача қадимги трагедияларнинг ягона намунаси бўлди ва Европа драмасининг шаклланишига таъсир кўрсатди. Урта асрлар ва Шекспир даври Сенека трагедиялари билан таниш эди. Францияда XVII асрда, «классицизм» даврида, уларнинг услуби (патетика — қизгин руҳлилик, сўз ва ибораларнинг сараланиши) сарой аристократиясининг завқига жуда мос келар эди, драматург Корнель ва Расин улардан истифода этди. XVIII асрда Лессинг уларда юксак трагизм хусусиятлари бор эканини қайд қилди.

МЕДЕЯ

(Парчалар)

[Сенека трагедияларда ўз синфининг услубига яраша, ўқувчини қўрқинчли, сирли ва мистик ҳодисалар билан танг қолдиришга тиришади. «Медея» трагедиясини анализ қилиб, бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин: бу трагедия Эврипиднинг юқорида келтирилган трагедиясига (I томда) асосланган, лекин Сенека ўз услубида ўзининг янги тавсифларини, масалан, афсунгарлик саҳнасини ва Медеянинг сеҳр меросимини киритади.]

ТҮРТИНЧИ ПАРДА

Д о я, М е д е я.

Д о я

Рух зир титрар даҳшат ичра; зўр офат
 Таҳдид этар. Медеянинг ғазаби
 Фавқулодда бир куч билан ўсмоқда
 Ва ўз-ўзин ёқмоқдадир, мен уни
 Худолар-ла олишганин кўпинча
 Кўрар эдим, лекин энди тайёрлар
 10 Самоларни қақшатувчи бир ёмонлик,
 Сирли ондир масканига у титрак
 Одимлар-ла кирар экан, у аввал
 Чўчидиги бор афсунни қўллади,
 Барча сирли номаълум сеҳрларни
 Ишга солди, сўл қўли-ла ғам меҳробин

- Тақдис этди; Африканинг оловли
 Қумларида ва зўр совуқ билан сиқилган
 Таврнинг² мангу қори остида
 Бўлган ҳамма чиркинларни ва бутун
- 20 Ваҳимали махлуқларни чақирди.
 Зулмат ичра яширинган ва тукли,
 Ваҳимали махлуқлардан бир тўдаси
 Авровчи куй билан дарҳол жалб этилди.
 Бунда оғир, зўр гавдасин судрайди
 Даҳшатли бир илон; учта тилини
 Айлантирар, қурбонини ахтарар,
 Аммо афсун куйларини эшитиб,
 Гавдасини ҳалқа қилиб, жим қотар,
 Медея дер: «Йўқ, бу нарса ҳали оз,
- 30 Ер ва дўзах қуроллари мен учун
 Яроқсиздир, топаман кўк заҳарин,
 Одатдаги макрларни менга энди
 Ошиш учун вақт келибди. Осмоннинг
 Йиртқичларин руҳин маҳкам бўғувчи,
 Кўк илони, тошқин каби, бу ерга
 Тушсин энди (уларнинг каттакони
 Пелазларга, кичкинаси Финикияга
 Нур сочади)³; Илон ҳокимнинг⁴ ўзи
 Панжасини ёйсин, заҳар оқизсин;
- 40 У икки худога⁵ ҳужумга ботинган
 Пифон⁶ келсин бу сеҳрнинг сасига,
 Гераклнинг қўлида ўлдирилган
 Лернанинг кўп бошли аждари келсин,
 Илк мартаба қўшиғимдан ухлаган
 Колхиданинг посбони, сен ҳам кел⁷.
 Илонларнинг барча жинсин чақириб,
 Заҳарларни шунда олар Медея:
 Тошлиқ Эрик⁸ ниманики туғдирса,
 Мангу қорлар қоплаган тоғларида
- 50 Кавказ нима Прометей⁹ қонидан
 Етиштирар, бой араблар, енгил парф¹⁰
 Ўз ўқларин тўлдирадиган заҳар,
 Ўқ ёйчи мед¹¹, Гиркан ўрмонларида
 Муз ҳавода свелар¹² қандай заққум
 Йиғар эса --- барчаси шунда ҳозир;
 Қуш инлари ясовчи жонбахш баҳор
 Келганида қиш нималар ўстирса,
 Ва қиш келиб совуқнинг муз бўғови

- Билан барча нарсаларни боғлагач,
60 Ўрмонларнинг гўзаллигин силкиб тўккач,—
Нима ўсса ва гулида заҳарлар,
Илдизида ажал суви оққан ўтлар,
Барчасини Медея қўлга терар.

[864—873 гача бўлган байтлар. Турли жойларнинг ҳар хил заҳарларини бир-бир санаб ўтиш давом қилади.]

- Мана бу ўт юлиб олинди
Тонгга яқин, анов эса қора тунда,
Мана буни тирноғи-ла соҳиранинг
Ўзи кесди ва шивирлаб авради.
70 Ўлим ҳидли ўсимликларни кесар,
Илоннинг фасодини сиқиб олар,
Машъум бойқуш, узунқулоқ бойқушнинг
Юрагини ва қорнини ҳам қўшар,
Сеҳрларнинг соҳира санъаткори
Айрим қўяр уларни: баъзисига
Ўт кучи хос, бошқалари муздек совуқ.
Заҳарларнинг устида алжирайди,
Ўзларининг даҳшати оз эмасдир.
Лекин мана, эшитаман одамини.
80 У куйлади — унинг илк садолари
Билан жаҳон қалтирайди.

Медея

- Ўликларнинг арвоҳлари ва махшарнинг барча
худоларини,
Қар Дитнинг¹³ зулмат уйи ва сени ҳам, эй кар, бўш
фазо,
Чақираман. Жаҳаннамнинг соҳилида қора ўлим
горлари.
Руҳлар! Иъдамларни унутароқ йиғилингиз бизга
тўйга!
Иксион, туш ерга! Қимир этмай тўхта, чарх!
Пиреней сувини ичсин беғам-беғусса Тантал.
Мангу мавжуд қояларнинг ўртасида Сизиф ҳам
90 Юмалатсин ўзининг силлиқ тошини кери.
Сиз ҳам, бекор ва бемаъни меҳнатда кўп сиқилган
Данаидалар, йиғилингиз: сиз учун ҳам мунда иш
бор.
Эримнинг қайн отаси кўрсин бутун азобни

Туннинг ёруғ юлдузи¹⁴, афсунларим даъватига
Қўтарилгил учта қўрқинч юзинг билан машъум
турда.

- Сенга ёлвориб, сочларим ёйиб,
Оёқ яланг кирдим сирли ўрмонга
Ва қуруқ шохлардан сувлар оқиздим.
Пасайтирдим денгизларни ва океан
- 100 Мавжларин тинчитиб, қаърига қайтди,
Дунё кўрди айни замонда
Қуёшни ҳам, юлдузни ҳам,
Мен ўзгартдим йил фаслини:
Қўшиғимдан ёз чиқишда ер гуллади.
Қиш ичида экин пишиб ўрилди.
Қайтиб кетди Фазис¹⁵ ўз манбаига,
Қўп тармоқлар билан оқувчи Гистр¹⁶
Озайган сувларини базўр жилдиратади.
Меним буйруғим билан шамол эсмасдан
- 110 Тўлқинлар гурлади, денгиз чайқалди,
Жуда эски бир ўрмон баргларин тўкди
Ярим йўлда тўхтади Феб,
Гиадалар¹⁷ тушаётир кўклардан.
Фурсат келди,
Муқаддас ишларингга кела қол, Феба¹⁸
Қонли қўл-ла гулдасталар ўрайман,
Уларни чирмайди тўққизта илон.

[922—933 гача бўлган шеърлар. Медея заҳарнинг таркибий қисм-ларини санайди.]

- 120 Шовқин бор меҳробда: уч оёқлик асбобимни,
Биламанки, қимирлатар қаҳрли худо.
Мен кўраман. Гекатанинг¹⁹ чархи юзмоқда.
Лекин туннинг самосида порланиб
Тўла юзли-ла юргизганидек эмас,
Фессалия соҳирининг тунги афсуни
Билан тоза самолардан отилгани каби,
Қоронғилик ерга яқинлаштираб.
Ой ўзининг кемтик, машъум, қизорувчи ўроғни.
Қани энди ғамли, хира шуъланг сочавер.
- 130 Халқни кеткиз! Эй тузоклар маъбудаси, кўмаклаш,
Сенга Коринф қимматбаҳо мис карнайи
Ғатилласин. Мен сенга қонли майса
Устида тантанали пешкаш қиламан,
Ёқажакман сенга тунда чироқлар,

- Шамларни нақ қабрлардан ўғирлаб,
 Бошим силкиб,
 Бўйним эгиб чақираман сени мен.
 Мен сен учун сочларимга боғладим
 Қабрга сочилажак гулдасталарни,
 140 Стикс²⁰ мавжида ўсган бу дардли
 Новдани сен учун силкиб тураман.
 Менададек дириллаган кўкрагим очиб,
 Сен учун пичоқ-ла қўлим кесаман.
 Майли меним қоним меҳробга оқсин!
 Қиличларни яланғочлашга ўрганинг, қўллар,
 Ўрганингиз азиз қоним тўкишга!
 Эзгу қон томчилар ярали қўллардан.
 Ёлвориш, афсунлар билан мен сенга,
 Тинчлик бермайман кўп, сен мени кечир.
- 150 Персеида²¹, сени кўп чақираман
 Сабаби ўшанинг ўзи ҳамиша:
 Ҳамиша Язон²².
 Энди Креузанинг кийимин бўя:
 У кийимни кияр экан, шу онда
 Ўт-ёлқин қопласин суякларгача.
 Порловчи олтинда яширин, ёниқ
 Олов беркитилган; ўт ўғирлаган
 Учун абадиян буюк жазога
 Дучор бўлган Прометей у ўтни
- 160 Менга берган эди ҳамда у ўтдан
 Фойдаланиш санъатини ўргатган эди.
 Мульцибер²³ ҳам менга сирли ўтларни,
 Юпқа олтин гугурт билан кўзлардан
 Яшириб берди. Қариндош Фаэтон²⁴,
 Сенинг кўкдан отилган қолдиғингдан
 Мен ёқувчи чақмоқларни тўпладим.
 Ва Химера²⁵ олови ҳам менда бор.
 Колхида посбони, ҳўкиз кўксидан
 Олинган оловга мен соҳибдирман;
- 170 Уларнинг барчасин Медуза²⁶ талоғи
 Билан аралаштириб, сўнгра бу сирли
 Қабоҳатни асраш учун буюрдим.
 Геката, заҳарларим кучайтир, сақла
 Совғаларимда пинҳон олов тухумин.
 Қўлларни ҳам, кўзларни ҳам улар алдасин.
 Томирларга ва кўкракка олови кирсин,
 Аъзолар сусайсин, суяк тутоқсин;

Эрга янги теккан келин сочида
Елқин шамлар нуридан ёрқин порласни!
180 Аврашлар эшитилмиш; Геката узоқда
Уч марта қўрқинчли вавлади²⁷: мана
У юбораётир эзгу оловлар.

[Дояга.]

Сеҳр маросими тамом. Бу ерга
Чақир болаларни; улар орқали
Келинга қимматли совға юборгум.

[Трагедиянинг ечилиши Сенекада Эврипидагидан бошқача изоҳланади. Энг муҳим фарқ шуки, Медеянинг қилаётган ҳаракатининг даҳшатини ва қўрқинчилигини кучайтириш учун, Медея томошабинларнинг кўзи олдида ўз болаларини ўлдирувчи тарзда тасвирланади, болаларидан бирини Язон олдида ўлдиради.]

БЕШИНЧИ ПАРДА

Ч о п а р, х о р, д о я.

Д о я

Шоҳ уйи бузилди, ҳар нарса битди,
Ота ва қиз аралашди бир кулда.

Х о р

Қандай жазо маҳв этибди уларни?

Ч о п а р

Одатда

10 Шоҳларни маҳв этувчи — ҳадялардир.

Х о р

Уларда

Қандай макр, нима бало бор экан?

Ч о п а р

Узим таажжубдаман, базўр ишонқирайман.

Х о р

Қандай рўй берди офат?

Ч о п а р

- Ютоқ аланга,
20 Гўё буйруқ бўйича, бутун саройни
Қамраб олди, уй-жой бузилди,
Шаҳарга ўтмаса, деб қўрқадилар.

Х о р

Сув ўчирсин оловни.

Ч о п а р

- Мана бу ажаб:
Сув оловни кучайтирар, қанча қаршиллик
Кўрсатсанг оловга у, шунча кучли ёнур;
Ўт ўради посбон қулаларини.
- 30 Ҳалигилар, Медея, болалар.

Д о я

Тезгина қоч. Пелопон ўлкасидан²⁸,
Медея, ўзга юртлар қидир ўзингга.

М е д е я

- Мен кетайин? Йўқ, мен агар илгари
Қочган бўлсам, энди қайтиб келардим;
Янги эрга теккум мана; юрагим,
Зўр ҳавасинг кўришга нега шошмайсан?
Эй, бу қасос улугмидир?
- 40 Телба, мажнун, шу вақтгача Язонни
Севсанг керак, унинг уйланмаслиги
Сенга кифоядир! Ахтаргил энди
Белгисиз, кўрилмаган, фавқулодда жазонни.
Йўқол, уят, йўқол қонун бус-бутун!
Қўллар маъсум бўлса, ўч бир заррача.
Эй, кўксингда мудраган ғазабларни ёқ,
Ҳаяжонли руҳнинг қаъридан чиқар
Ғазабнинг қадимги ҳамлаларини!
Шу вақтгача қилган барча ишларим
- 50 Эзгу бўлиб кўринсинлар! Мен шундай
Ёмонликлар қилайки, эскилари

Одий, пучак аталгайлар уларда.
 Газабимни фақат машқ қилдиргандим
 Тажрибасиз қўллар ва қизлик савдоси
 Нимани юзага чиқара оларди?
 Энди мени -- Медея: меним онг-эсим
 Фалокатлар ичида пишиб етишди.
 Қардошнинг бошини узиш ва унинг
 Аъзоларини кесиб ташлаш қандай хушбахтлик;
 60 Қандай бахтдир отанинг эзгу тўнин
 Уғирлаш ва мўйсафидини ҳалок қилиш-чун
 Қизларини қуроллаштирмоқ!²⁹ Газаб, овинини

қидир!

Барча ёмонликлар учун қўлим ярайди.
 Газабим, сен маккор душманга қандай
 Уқлар тайёрлайсан? Билмайман, руҳим
 Ўз ичида нимага жазм этди, қайишда
 Ўз-ўзига эътирофдан тортинадн. Мен аҳмоқ
 Жуда шошдим. Оҳ, агарда у
 Рақибангдан бола кўрган бўлсайди!
 80 Лекин бари бирдир: болаларинини
 Креуза Язон учун туққандир.
 Мен танлайман бу жазони ва бунда
 Қилган ёмонликларимнинг авжин кўраман.
 Руҳ тайёрлан! Бир вақтларда меники
 Бўлган болалар, энди сиз отангизнинг
 Жинояти учун қурбон бўласиз.
 Қалбни даҳшат сиқди гавдамда — совуқ,
 Кўкрагимда — титроқ. Аллақайга учди газаб,
 Маъшуқалик ҳиссини она меҳри ҳайдади.
 90 Наҳотки мен болаларим қонини тўксам?
 Йўқ, йўқ! Сен дурустроқ бир нима ўйла
 Эшитилмаган, куфрли иш йўқолсин мендан!
 Бечоранинг қонини қай гуноҳ-чун тўкалар?
 Уларнинг отаси Язон, онаси
 Медея бўлгани учунми? Ҳалок бўлсинлар!
 Улар ахир меникимас, ҳалок бўлсинлар...
 Улар менинг болам, уларда ҳеч айб йўқ,
 Улар шундай маъсумдирлар. Бу ҳақиқат...
 Лекин қардошим айблимиди?³⁰ Нимага,
 100 Руҳим, иккиланасан, нечун кўз ёшим
 Юзларимда томчилайди? Нечун муҳаббат, газаб
 Ҳаяжонли руҳимни парчалаб турар?
 Ҳар тарафдан денгиз мавжларини ҳайдаб,

- Шиддатли шамоллар жанг қилган чоқда,
 Денгиз иккиланиб қайнаган каби,
 Менинг ҳам энг кучли чайқалган қалбимда
 Бир-бирини суриб қувар муҳаббат, ғазаб,
 Ғазаб, ёнабер ишққа! Эй, болаларим.
 Сиз — бузилган оиланинг ёлғиз нашъаси,
- 110 Келингиз бу ерга, илдамроқ келинг,
 Бағрим-қучоғимга отилинг, шўнғинг.
 Сизни ота тирик кўрсин, фақат она ҳам
 Сизга эга бўлса эди. Лекин эзмоқда
 Қувғиндиллик ва қочқинлик. Мана тезгина,
 Уларни йиғлатиб, фиғонга солиб,
 Она кўкрагидан айирадилар.
 Она учун улар маҳв бўлган экан,
 Ота бўсаси-ла овунмасинлар.
 Яна ғазаб ўсар ва нафрат қайнар.
- 120 Қадимги Эриния ихтиёрсизча
 Қўлимни тортади, эргашай унга.
 Чиқсайди дунёга менинг ичимдан
 Мағрур Танталиданинг³¹ бутун гуруҳи
 Ва туғиб ташлардим ўн тўрт болани!
 Жазоланиш учун бефарзанд эдим,
 Лекин мен қардошим ва отам учун
 Ҳч олишга туғдим икки бола — бас.
 Қасос илоҳалари қайга интилар?
 Кимга тайёрлашар олов зарбани?
- 130 Жаҳаннамнинг отрядлари кимларга
 Қонли оловлар-ла таҳдид қилишар?
 Зўр бир илон қивралиб, думини урар,
 Кимга дўқ қилади даҳшатли Мегера?
 Бу парчаланган кимнинг кўлкаси?
 О! Бу қардошим экан: у талаб қилар
 Ҳч олишни; ўч оламан. Севги нури, сўи!
 Эз ва ёқ, қасос учун кўкрак очиқ.
 Эй қардошим, кет, кет, ўч илоҳалари
 Ва менга ҳам жаҳаннамда яширинишга
- 140 Буюр; мени қолдир. Қилич яланғочланган
 Мана шу қўлимдан фойдалан, қардош
 Ва бу қурбон билан арвоҳингни мен
 Тинчитаман³².

(Уғлини ўлдиради.)

Аммо бу шовқин нима?
 Қурол тайёрлашар ва мени қувиб
 Юбормоқчилар-да. Қотилликни мен

Охирига етказиш-чун томга чиқайин.

(Дояга.)

150 Сен-да орқамдан юр, менинг доячам.

(Ўлдирилган ўғлига.)

Жасадингни ўзим олиб юраман.

Аҳа, руҳим! Шон-мардликни пинҳон сарф этиш
нима?

Бутун халқнинг олдида мардликни кўрсат!

(Томга чиқади.)

Ҳалигилар, Язон, аскарлар.

Я з о н

Подшоҳлар кулфатига ачинганлар

Вафокорлар, йиғилингиз тезгина,

160 Тутиш керак бу даҳшатли гуноҳ қилган аёлни!

Эй лашкарлар, бу ёққа, бу ёққа келинг,

Уйни ост-уст қилиб бузиб ташлангиз!

М е д е я

Ўзимнинг, қардошимнинг ҳам отамнинг

Тожини мен қайтиб олдим, Қолхида, янадан

Олтин қўйни ўлжа қилиб эгалладинг.

Йўқотилган бокиралик яна қайтди.

Оҳ, ниҳоят, ҳалимлашди, худолар!

Оҳ, бу куним — хурсандлик ва тўй кунимдир!

170 Йўқ, ҳали бутун қасос олинган эмас,

Қўлларинг кўнар экан, шундай қилавер,

Нега тараддуддасан, шошмайсан, руҳим?

Ғазабим пасайди, ўкиниш, ҳаё

Мени эгалламоқда. Оҳ, мен бечора

Нима иш қилдим ахир? Майли мени ҳам

Ҳаё эзсин, бўлган иш бўлди энди.

Бенхтиёр қабаради руҳимда буюк

Лаззат, ҳузур; ўсмоқдадир у ҳар он.

Фақатгина бир нарса — фақат бу шоҳид

180 Етмас эди. Шу вақтгача мен ҳеч нима

Қилганим йўқ. Усиз қилдигим

Барча ёмонликлар беҳуда кетди.

Я з о н

Мана, мана том лабида у дўқ қилади.
Тезгина келтирингиз ўтни бу ерга,
Токи у ҳалок бўлсин ўз гулханида!

М е д е я

Язон, болалар учун тайёрла қабр
Ҳам сағана. Биласанми мен кўмган эдим
190 Хотинингни, қайи отангни. Бу ўғил
Ҳалок бўлган; энди сенинг кўзингда
Иккинчиси ҳалок бўлар.

Я з о н

Бутун тангрилар,
Бизнинг бирга қочишимиз, оила
Садоқати ҳақиға ёлвораман,
Эй, гўдакка раҳм қил сен!
Айбдор бўлса,
200 Ёлғиз менман, мени ўлдир тезгина,
Кесиб ташла жинояткор бошимни.

М е д е я

Йўқ, йўқ! Сенинг қай еринг кўпроқ оғриса,
Уша ерга қилич санчаман. Кет, такаббур,
Онани ташлаб қўй, қизлар оғушин ахтар.

Я з о н

Бири етар!

М е д е я

Бирини ўлдириш-ла қониқса эди қўлим,
Ҳеч бирини ўлдирмасди. Ғазабим
240 Учун икки бола кесиш ҳам жуда оз.
Оналик қорнимда севгинг гарови
Яширинган бўлса, ҳозир мен уни
Қилич билан қорнимдан узиб ташлайман.

Я з о н

Эй, давом эт! Мен ортиқ ўтинмайман,
Жилла қолса азобларим бироз нари сур!

М е д е я

Йўқ, газабим, секин-секин завқлангил!
Бу кун меним куним, муҳлат мендадир.

220

Я з о н

Мени, мени ўлдир, эй ёвуз хотин!

М е д е я

Ачинишни ўтинасан?

(Иккинчи ўғлини ўлдиради).

Тайёр бўлди!

Иш тамомдир, газабим ҳам қониқди.

Эй, нонкўр Язон, йиғидан шишган

Кўзларинг-ла бу томонга бир қарал

Танийсанми хотинингни? Шундай қочиб кетишга

230 Урганганман. Осмонларга йўл очилди.

Икки илон ола-чипор бўйинни

Менга қўйди. Эй, ота, болаларни ол,

Мен учаман қанотли аробада.

Я з о н

Тоғ ҳавоси фазосида учароқ,

Шоҳид бўлки, унда ортиқ таңгрилар йўқ!

ОКТАВИЯ

(Парчалар)

Бу тарихий трагедия Нероннинг қонли истибдод воқеаларини очиб ташлайди. 62-йилда Нерон ўзининг биринчи хотини Октавияни, унинг туғмаслигини баҳона қилиб, ҳайдаб юборган ва ўзининг маъшуқаси Поппея Сабинага уйланган. Бу хотин Октавияни александриялик қандайдир бир найчи билан алоқада бўлиб, Неронга хиёнат қилганлигида айблайди. Бунинг учун Нерон

- 10 Октавияни Кампанияга қамаб қўйишга буюрган. Бу ўртада, Нерон Октавияни қайтарармиш, деган ёлғон хабар тарқалади; қувғинди аёлга хайрихоҳ бўлган халқ оммаси (тарихчи Тацитнинг кўрсатишича) ғалаёнга келган. Поппеянинг ҳайкаллари синдириб, Октавиянинг ҳайкаллари қўйганлар ва уларга гуллар сочганлар. Аскарлар кўмаги билан тартиб базўр ўрнаштирилган. Поппея Неронга, бу қўзғолон унинг ҳокимиятига қарши қаратилганлиги ва Октавияни кўздан узоқлаштириш кераклиги ҳақида ўз фикрини уқтирган. Нерон янги бир хиёнатни баҳона қилиб, Октавияни Пандатария оролига (Италиянинг ғарбий соҳилида, Тиррен денгизиде) сургун қилади ва тез орада унинг қон томирини кесиб ўлдиришга буюради. Тацит шундай ривоят қилади: «Унинг ҳамма томирларини ёрадилар ва у қўрққанлиги орқасида қон жуда секин оққанлигидан, Октавияни ҳаммонинг қайноқ буғи билан ўлдирадилар». Унинг бошини кесиб, Поппеяга кўрсатадилар, қулларча хушомадчи сенат ибодатхоналарда худоларга шукрона назирлар аташга қарор қилган.
- 30 Трагедиянинг автори воқеаларни анча қисқартган; у Поппеянинг бутун найранглари чиқариб ташлаган ва Неронни халқ билан тўқнашишларида золим истибодчи (деспот) қилиб кўрсатишни истаб, бутун айбни Нерон устига ағдарган. Бу трагедияда иштирок қилувчилар қаторида ўзининг фалсафий тирадалари³³ билан Неронга ёпишувчи шахс сифатида Сенеканинг ўзи ҳам кўрсатилган. Шунинг учун кўп одамлар, бу трагедия айни плутократик юқори донраларга мансуб бўлган бироқ шахс томонидан Сенеканинг услубида ёзилган ва
- 40 Нерон ўлгандан сўнг тарқатилган, деб ўйлаганлар. Бу трагедия Рим тарихий сюжетига эга, «протекста» трагедияси дейилган ва бизгача етиб келган ягона трагедия сифатида диққатга сазовордир.

БЕШИНЧИ ПАРДА

[Октавияга халқнинг таважжуҳидан ғазабланган Нерон ачиғланган ҳолда Октавияни Пандатария оролига ҳибс этишни ва у ерда ўлдириб юборишни буюради.]

Нерон, Префект³⁴, хор.

Нерон

Эвоҳ, солдатларим жудаям сусткаш,
Бахтга қарши, мен ғазоби тез одам эмас,

- Бизга қарши ёқилган ўт халқ қони
- 10 Билан ҳали ўчирилмаган ва бундай
 Ярамаган одамларни ўстирган Римни
 Гражданлар қони ҳали суғорган эмас.
 Халқ ўзининг бадкирдорлиги билан
 Улимдан ҳам ортиққа сазовор бўлди³⁵.
 Лекин мени халқ топширмоқчи бўлган
 Хотин ва ҳамшира³⁶ эътимодсиздир,
 Жондан кечар ва ниҳоят менинг ғазабим,
 Хиддатимни ўз қони-ла бостирар у.
 Ёнғин кулга айлантирсин бутун шаҳарни³⁷.
- 20 Тутшиб ёнган харобалар ичида
 Разил қашшоқликдан ҳамда очликдан
 Халқ қирилсин. Менинг бутун хотамтойлигим
 Бузуқи оломонга таъсир қилмас ҳеч
 Оломоннинг ўзи ношкўр, истамайди
 Меҳр-шафқат ва тинчликни, интилади
 Тўнглик қилиб ҳалокат чуқурига.
 Оғир бўйинтуруқ билан бу оломонни
 Қийнаш зарур, токи бундан кейин у
 Бунга ўхшаш бирон қилиқ қилмағай,
- 30 Рафиқамнинг муқаддас ҳайкалига³⁸
 Кўзларини ўқрайтмағай, подшоҳнинг
 Орзусига бўйсунишга ўргангай,
 Лекин кўраман, келаётир ана у,
 Чин севгиси, садоқати учун лагерга
 Бошлиқ тайинланган одам келмоқда.

П р е ф е к т

Арз қилишга келдимки, халқнинг исёни
 Беҳуда ва узоқ қаршилик қилган
 Оз одамни ўлдириш-ла бостирилди.

40

Н е р о н

Қандай?

Шу кифоя? Пўлбошчининг буйруғин
 Сен шундай англадинг? У бостирди!
 Менга шундай қасос олишми керак?

П р е ф е к т

Қуладилар исён йўлбошчилари.

Н е р о н

У оломон, саройга ўт қўйишга,
Подшоҳга қонун бериш, унинг вафодор
50 Рафиқасин ётоғидан судрашга
Ва ҳар мақом билан уни таҳқир этишга
Ботинган халқ қолаверарми жазосиз?

П р е ф е к т

Мумкинмики граждaнлар бошига
Ағдарилсин даҳшат билан ғазабинг?

Н е р о н

Ағдарилар ҳам бу жазони асло
Келажак асрлар унутмагайлар.

П р е ф е к т

60 На ғазаб, на қўрқув уни юмшатмас?

Н е р о н

Муносиб шахс ғазабимни ювади.

П р е ф е к т

Айт, у кимдир, аямайин мен уни.

Н е р о н

Ҳамширанинг ўлимни сўрар ғазабим.

П р е ф е к т

Даҳшатдан титрайман ва қотмоқдаман.

Н е р о н

70 Иккиланмакдамисан?

П р е ф е к т

Садоқатимдан
Нечун гумонланасен?

Н е р о н

Сен душманни аяйсан?

П р е ф е к т

Ном чиқарган аёл-а?

Н е р о н

Жинояткор эрур у.

80 П р е ф е к т

Бормидир қораловчи?

Н е р о н

Халқ ғалаёни.

П р е ф е к т

Ким идора қила олар
Телбаларни?

Н е р о н

Ким уларни қўзғота олди?

П р е ф е к т

90 Мен билмайман бундай бирон кимсани.

Н е р о н

Эҳе, бу аёлга табиат бағишлаган
Золим, ёвуз бир руҳ, энг фитиачи қалб.

П р е ф е к т

Аммо куч бермаган.

Н е р о н

На бўлмасин

- У мағрурга, унинг занф кучларини
Қўрқув, жазо синдириши керакдир;
100 Кўпдан буён у гуноҳкор, мен уни
Ўлдиришга кечикдим. Қўй сен кенгашни,
Илтимосни, буйруқни қил. Кемага
Солиб узоқ бир соҳилга элтишни
Ва у ерда ўлдиришни буюр, ниҳоят,
Эркин нафас ва қўрқувсиз ором олайин.

Х о р

- Халқ севгиси жуда кўп одамлар учун
Машъум бўлди. Даставвал у ишқ
Йўловчи шамол кемаши юргизади,
110 Мамлакатдан узоққа суради-да
Кучсизланиб, қасиргага ташлаб кетади.
Бахтсиз она мотам тутди Гракхларга,
Қора халқнинг улуг ишқи уларни ҳалок
Қилди, уларнинг зоти машҳур уруғдан,
Тўғрилиги ва тақвоси билан ҳар ерда
Шонли эди, сўзга уста ва кўкрагида
Қудратли қалб урар эди ва граждандлик
Қонунида улар ақли кўп ўткир эди³⁹.
Бундай ўлимга тақдир, эй Ливий⁴⁰, сенинг
120 Бошингга ҳам келтирди: сени на фасклар⁴¹,
На мустаҳкам қурилган бир уй қутқарди.
Бошқа мисолларни келтирмакликка
Монелик қилади ҳозирги қайғи;
Отасининг саройини ва оила ётоғин
Гражданлар ўзига қайтаришмоқчи бўлган.
Аёл энди бахтсиздир, кўз ёшларин қуяди,
Ўлим жазосига у маҳкум этилган.
Ўз кулбахонасида озга қаноат қилиб,
Камбағал одам яшар бедард, беғавфо,
180 Лекин довул кўпинча саройларни қақшатар,
Ва Фортуна уларни ер билан яксон қилар.

Октавия, хор, солдатлар

О к т а в и я

Мени қайга судрайсизлар? Эй, нимага
Мени сургун қилишга малика буюради,

- Агар шунча кулфатимга қониққан бўлса,
 Хаётимни қолдирарми? Улим жазоси
 Билан ёки қайғиларим авжлатмоқчими,
 Ўз юртимда ўлишимга золима
- 140 Фашлик қиларми менга?
 Лекин қутулишга асло умид йўқ.
 Мен шўрлик кўраман Нерон кемасин:
 Бир вақтларда унга чиққанди онам⁴².
 Энди чиқар унга гоҳ ётоғидан
 Қувилган рафиқа ҳамда ҳамшира,
 Ниҳоят, йўқотди тахт инсоф-тавфиқни,
 Ортиқ йўқдир тангрилар:
 Дунёга ҳокимдир золим Эриния.
 Ким ўхшатиб айтиб йиғлай олади.
- 150 Менинг кулфатларим йиғим, кўз ёшим,
 Ғамли булбул куйинга қуйилган бўлар.
 Оҳ, агарда тақдир булбул қанотларини
 Бағишласа эди менга! Мен бу даҳшатли
 Одамлардан ва ўлим жазосидан ҳам
 Узоқ-узоқ ерга илдам учиб кетардим,
 Кимсасиз ўрмонда, ингичка новдада,
 Тебраниб ва ғамли куйимни сочиб,
 Ўрмонларни тин уйқидан уйғотар эдим⁴³.

Х о р

- 160 Инсон зотин Қисмат идора қилар,
 Замонларнинг ваҳимали учишидан
 Нарсаларнинг айланиши, барча ўзгарш
 Орасида ҳеч кимса ўзи учун
 Турғун ва барқарор неъмат тузолмас,
 Сизнинг онлада шунча кўп бўлган
 Бошқалар мисоли куч берсин сенга:
 Фортуна шунчалик ёвузми сенга?
 Илк сенга эмас.
 Исми бутун дунёга нурини сочган
- 170 Севги омонатин, дунё тинчлигин,
 Кўп мартаба туққан гўзал она ҳам,
 Қувғинлик, зарбалар, темир занжирлар
 Зиндонларда узоқ қийналиш билан
 Ўлимни кўргандир⁴⁴ Друзнинг хотини,
 Бахтиёр Ливия⁴⁵, бахтиёр она
 Ёмонликлар қилди, жазосин тортди.
 Юлия қизининг-да тақдири шундай⁴⁶:

- Гарчи ҳеч бир айби бўлмаса-да у
 Катта ёшда қилич билан кесилди.
 180 Бир вақтлар шоҳ саройин идора этган,
 Эрига суюкли, болалари мўл
 Бўлган онанг нима ишлар қилмади?
 Уз хизматкорига эркини бериб⁴⁷,
 Солдат қиличидан у ҳалок бўлди.
 Уз умидларини кўкларга қадар
 Етказган хотиннинг ҳоли на бўлди?
 Нероннинг илгари Тиррен сувида
 Қайиқчи қўли-ла ҳақоратланган
 Онаси на бўлди? У ўткир қилич
 190 Билан узоқ замон азоблар чекиб,
 Золим ўгил қўлида қурбон кесилди.

О к т а в и я

- Энди золим мустабид мени юборар,
 Ғамли кўлкаларнинг зулмат юртига.
 Нимага мен шўрлик беҳуда йиғлай?
 Тақдир кимни лойиқ кўрган бўлса у
 Элтсин ўлимга мени! Кўк тангриларин
 Чақираман... Тўхта, тентак, кўк тангрилари
 Сендан нафрат қилишади. Мен чақираман
 200 Тартарни⁴⁸, ҳам жаҳаннамнинг ўч олар
 Илоҳаларин, шундай жазо ва ўлимга сазовор
 Бўлган отам, сени-да чақираман.
 Тайёрлангиз кемани, чодирни қуриб,
 Узоқ Пандатария соҳилларига
 Томон йўл солсин илдам кема ҳайдовчи.

Х о р

- Эй енгил шамоллар ва нозик Зефир⁴⁹,
 Ифигенийни меҳроб ўтидан
 Бир вақтлар қочириб, булут-ла ўраб,
 210 Илдам учирдингиз тўлқинларда сиз;
 Ёлвораман сизга, бунини элтингиз
 Ғамли, машаққатли жойлардан узоқ.
 Шаҳримиздан кўра Авлид раҳмдил,
 Таврларнинг ери варвар еридан
 Кўра шафқатлидир, унда меҳмонни
 Улдириб сийлашар худоларини.
 Уз граждандарининг қонини ичар
 Бу асабий Рим⁵⁰.

ЛИРИКА

МАРЦИАЛ

Валерий Марциал — Рим шоири, эпиграммалар устасидир. У, афтидан, милодий ҳисобнинг 42-йили атрофида Испанияда туғилган. 65-йилларда Марциал Римга келган ва «болхонадаги ҳужрага» жойлашиб олиб, Рим бойларининг ва эътиборли шахсларининг клиенти бўлиб қолган. Қатта шаҳар шароитида Рим бойлари ва магнатлари ўртасида мода бўлган енгил, ўткир эпиграмма «тасодифий садақа тушимлари билан яшаган» 10 бу ёзувчи учун ҳатто император Домицианнинг ҳимоясини қозонишга қурол бўлди. Марциал ўз даврининг кўзга кўринган ҳамма ёзувчилари билан алоқада бўлди. Император Траян замонида шоир ўз юртига қайтади ва 101/2 йилларда шу ерда ўлади. Марциалдан эпиграммалар тўплами бўлган 12 китоб сақланиб қолган, буларга яна 2 китобни қўшиш керакки, бу иккисида дастлабки маънодаги («битик» маъносида) эпиграммалар тўпланган: 13-китобнинг исми «Меҳмонларга совғалар» (турли овқатлар ва винолар ҳақида айтилган байтлар); 20 14-китобнинг номи «Олиб кетилган нарсалар»дир («Сатурналий» байрамида қилинадиган совғалар ҳақида байтлардир). Тит ва Домициан каби императорлар замонида циркда ва амфитеатрда бўлган томошалар ҳақида ёзилган эпиграммалар алоҳида тўпламни ташкил этади. Бузуқ Римнинг турли-туман образлари, шаҳарнинг барча янгиликлари ва ғийбатлари, «мишмиш»лари Марциалнинг эпиграммаларида ёрқин акс этган. Марциал ўзининг бутун дунёда танилганлиги билан мақтанган. Дарҳақиқат, унинг ўткир эпиграммаларининг кундалик турмуш билан боғланганлиги Марциални Римнинг севиб ўқилган ёзувчисига айлантирди. 30 У Уйғониш даврида ҳаммага танилган ёзувчи эди.

Унинг эпиграммаси XVII—XVIII асрлардаги немис эпиграммасига (Лессинг) катта таъсир кўрсатди.

Биринчи китоб

КИРИШ

- Мен китобларимда ўзимни шундай тийдимки, ўз тўғрисида катта фикрда бўлган кимсалар улардан, китобларимдан, шикоятлана олмаслар, деб умид қиламан: улар энг паст одамлар билан-да ҳазиллашганда лозимий даражада ҳурмат, тавозега риюя қиладиларки, бу нарса оддий исмлар билангина эмас, буюк исмлар билан ҳам бетакаллуф муомала қилувчи қадим ёзувчиларда йўқ эди. Майли, сўзлар менга у қадар юқори баҳога тушмасин ва менинг бундай кайфиятим мадҳасаного сазовор бўлмасин. Менинг маъсум мутойибаларимга зардали изоҳчи қўл тегизмасин ва менинг эпиграммаларимни чизиб қораламасин; бошқанинг китобида ихтирочилик кўрсатган одам, инсофли иш қилган бўлмайди! Агарда тимсол мендан чиққанда эди, у вақт мен сўзларнинг очиқ ҳақиқатини, яъни эпиграмманинг тилини ўзгартган бўлар эдим: Катулл¹, Марс², Педон³, Гетулик⁴ ва умуман кимнинг асари ўқилса, у шундай ёзади.
- 20 Агар бир кимса такаббуруна тунд бўлса ва унинг ҳузурда ҳеч бир саҳифада лотинча сўзлашга йўл қўйилмаса, у мактуб ёки сарлавҳа билан қаноатланиши мумкин. Эпиграммалар Флоралияни⁵ кўришга одатланган одамлар учун ёзилади. Катон⁶ меним театримга кирмасин, агарда кирса, томоша қилсин. Ушбу мактубни шеърлар билан тугатсам, тўғри ҳаракат қиламан шекилли:

Агар ўйноқ Флоранинг қувонч ойини билсанг,
Халқнинг бутун тошган руҳин, байрам ўйинларин
билсанг,

- Нима учун театрга келдинг, қаҳрли Катон?
- 30 Ёки фақат яна қайтиб кетиш учунми келдинг?
Китобларим тасодифан қўлга олсанг агар, Цезарь⁷,
У вақт жаҳон ҳукмдори жиддиятин бир ёққа қўй.
Ҳазилларга чидашликни зафарларнинг ўргатади.
Аскияга мавзу бўлиш йўлбошчига айб эмас.
Фимелага⁸ ва қизиқчи Латинга⁹ сен қандай боқсанг,
Менинг қўшиқларимни ҳам шундай ўқи, ўтинаман.
Бу зарарсиз ҳазилларга рухсат берар цензура ҳам:
Шеърларим шўх бўлса-да — қусурсиздир ҳаётим.

- 40 Манцин, сенинг уйингда биз меҳмонлар олтмишта
 бизларга чўл чўчқасидан ўзга бирои емак асло
 киши,
 тортилмади.
 Қўйилмади кеч асралган у тоқларнинг ширин
 узумларидан.
 Ширинликда асал билан баҳслашуви мумкин
 бўлган олмалар,
 Солқим-солқим осилиб турган юмшоққина хушбўй
 ноклар;
 Ё Пуния анорлари, гулга ўхшаш қисқа гул бунда
 пишган,
 Қишлоқ Сассинаси бизга юбормади кулча-кулча
 пишлоқлар,
 Бизга Пинцен кўзачаларидан қуймадилар зайтун
 мойи,
 Фақатгина ёввойи чўчқа, у ҳам бўлса, шундай
 кичикки,
 Уни ҳатто қуролсиз бир митти одам зумда ўлдира
 билар;
- 50 Баъзи вақтда ёввойи чўчқани кўрсатишга
 одатланди саҳна ҳам.
 Бундан кейин сенга ҳеч бир ёввойи чўчқа
 берилмасни,
 Харидемдек¹⁰ бир кун сен-да ташланасан у
 чўчқанинг олдига.

47

Яқинда табиб бўлган Дनावл букуи гўрковдир:
 Табиб бажарган ишни энди гўрков қилмоқдадир.

108

Транстиберинда сенинг ҳақиқатан ажойиб уйинг
 бор, у уй
 Узоқ йиллар гулласин ва равнақ кўрсин;
 Менинг ҳужрам эса болхонадан Випсаний¹²
 лаврларига қараб туради.

- 0 Бу тарафларда юра-юра мен қаридим, Галл, сенинг
 уйингга эрта келиб қутлаш учун кўп йўлларни кезиш
 керак бўлади¹³, лекин уйинг бу ердан нарида бўлган тақ-

дирда ҳам юришга арзирликдир. Агар тогада¹⁴ биргина мен ортиқча бўлсам, сенга ҳеч нима эмас, лекин, Галл, шу билан менинг ёлғизланиб қолмаслигим мен учун муҳимдир. Қўпинча мен соат ўнларда¹⁵ салом бергали сенинг уйингга келаман, эрталаб эса менинг ўрнимга китобчам десин «Соғ бўл!».

Иккинчи китоб

40

Тонгилий уч кундан буён безгак бўлиб ёнар дерлар,
Биламанки, ёлгон сўйлар; смак, ичмак истаиди у.
Гоҳ қарабсан ҳийла билан тўр қўяди семиз
Гоҳ барвена¹⁶ ёки тилла балиққа у қармоқ солар.
Опимий¹⁷ замонида етишган шароб сузилсин.
Кичкина бир шишачага қўйилаверсин қора
Тонгилийга барча табиб буюрмишдир чўмилишни:
10 Эй аҳмоқлар, безгак дедингиз? Мунда фақат
Фалерн¹⁸, мечкайлик.

65

Салаянни нимадан қайғилироқ кўрамиз?
Ё бекорга? Сен додлайсан: «Хотинимни кўмдим»,
Эй тақдирнинг золимлиги! Эй тоқатсиз қайғи-ғам!
Уйланишда сенга миллион пул келтирган у молдор,
У бой хотин. Секундилла вафот этди, дейсанми?
Қизғонаман бу иш сенда бўлганига, Салаян.

Учинчи китоб

3

Юзинг ҳуснин беркитасен қора дори-дармон билан,
Сен ўзингнинг хунук танинг билан сувни
Гўё худди маъбудадан тинглагандек, сўзим тингла:
«Ёки сен ўз юзингни оч, ёки жома кийиб чўмил».

Эмилиан, йўқсил бўлсанг, ҳар вақт йўқсил қоласан,
Бойлик ҳозир фақатгина бойларга берилади.

Саккизинчи китоб

КИРИШ

[Разил хушомад ва император олдида ер ўпишнинг
ифодаси.]

Герман, Дакний Қайсари Августга,
император Доминианга Валерий Марциал соғлиқ тилайди.

10

Жаҳон ҳукмдори, сен шон-шуҳрат, яъни ҳаёт бағиш-
ладинг, бутун китобларим сенинг қаршингда бош эга-
дилар ва ўйлайманки, улар бу сабабдангина ўқилади-
лар. Менинг асарларим орасида саккизинчи бўлиб ёзил-
ган бу китоб эса, сенинг ҳузурингда эҳтиром арз этиш
тасодифан кўпроқ истифодаланади. Шунинг учун мен-
га ўз ижодчилигимга озроқ зўр беришга тўғри келади;
унинг ўрнини шундай бир мундарижа ишғол этдики,
мен бу мундарижани, баъзи ҳазил-мутойиба қўшиб,
турлилашга чалишдим, токи сенинг улвий камтаринли-
гинга доир, бизни қаноатлантиришдан кўра, сени чарча-
та олиши мумкин бўлган мадҳ-саюлар ҳар бир шеърда
яққол кўриниб турмагай. Гарчи энг жиддий ва юксак
мартабали одамлар эпиграммаларни шундай ёзганлар-
ки, улар, афтидан, сўзларнинг саҳнавий эркишлиги билан
товланадилар, лекин мен уларга, бу жанрда қабул
қилинганидек, шундай бебошвоқ гапиришга йўл қўйма-
дим. Китобнинг катта ва энг яхши қисми сенинг муқад-
дас исмининг азаматига боғлангани учун ибодатхона-
га таҳорат—диний покизалик билан кириш кераклигини
у унутмасин. Менинг келгусидаги ўқувчиларим бу нар-
сага риоя қилишимни билишлари учун ушбу китобнинг
бошидаёқ энг кичик эпиграмма билан бу нарсани арз
этиш дуруст кўринди менга:

20

30

Жаҳондорнинг шуҳрат-шонли даргоҳига¹⁹ кетаётган
эй китоб,
Камтарлик-ла гапирмакни сен ўргангил ҳаёли
оғизлардан.

Бу китобча сенинг эмас, йўқол бундан, эй беадаб
Венера!
Эй, Цезарь Палладаси²⁰, сен кел менинг қошимга.

12

30 Нима учун бой хотинни олмоқ истамас эдим,
Сабабини билмоқчисан? Хотинимга хотин бўлиш
Истамайман, ўз эридан хотин пастроқ бўлиши
керак,
Бусиз аёл эркак билан баб-баравар бўлолмайди.

24

Уятчанг ҳам юпқагина китобимда бирон нарса
сўрасам,
Менга бергил, номам сенга уятсизлик бўлиб
кўринмас экан,
Цезарь, агар бермасанг-да, илтимосларга йўл
қўй²¹:
Зевс ҳеч вақт ранжмайди сунбулдан ҳам
ибодатдан
Ким олтиндан ё мрамардан ижод қилса
худоларнинг тасвирин,
40 Худоларни у яратмас; тоат қилган кишигина
яратар.

74

Сен илгари кўз табиби эдинг, бу кун оғир жангчи.
Табиб бўлиб на қилгандинг, шунинг қилгани жангчи
бўлиб,

Ун биринчи китоб

66

Сен ҳам олчоқ, ҳам ёлгончи,
Ҳам алдоқчи, ҳам харидор.
Ҳам фаҳшга зўр, ҳам қароқчи.
Мен ҳайронман, нима учун
Сенда пул йўқ, Вацерра.

100

Мен бундайин қотма-ориқ рафиқани истамасдим,
10 Менинг узукларим унинг билагига сиғардай,

246

Бути билан у қашлайди, тизза билан санчади,
Бел суяги арра каби ўткир тишин қадайдди.
Лекин яна истамасдим ботмон-дахсар рафиқани.
Мен севаман соз баданни, лекин майга иштаҳам
йўқ.

Унинчи китоб
«МЕҲМОНЛАРГА СОВГАЛАР»

34. Пиёзалар

Хотининг кўп қари ҳамда аъзоларинг жонсиз бўлса,
Елғиз пиёз чайнаш билан қорнингни тўйдирасан.

58. Ғоз жигари

Қатта ғознинг жигари, боқ, қандай шишиб кетибди!
Ҳайрон қолиб дейсан: «Айтинг, бу қаерда ўсган
ахир?»

Ун тўртинчи китоб
«ОЛИБ КЕТИЛГАН НАРСАЛАР»

12. Фил тишидан ясалган қути

Бу қутини тўлдириш учун фақат зар танга
Ярашар; ёғоч қутида ётавер, кумуш.

22. Тиш тозаловчи

Энг яхшиси сақич, лекин агар ёғоч тиш ковлагич
Топилмаса, перо тишни тозалаши мумкиндир.

28. Соябон

10 Қуёшнинг яллиғини даф этар пардани оч;
Шамол турган тақдирда елканингни ёпиб ол!

ТОМОШАЛАР ҲАҚИДА

7

Скиф қоясига занжирбанд этилган Прометей ғоят
жасур кўкраги билан очкўз қушни боққани каби, чина-
кам салбга яланғоч ҳолда осилиб, Лавреол ўз қорини
Қаледон айиғига тутди.

Аъзолари парча-парча қилинди, қонга беланди ва
унинг бутун баданида бадан қолмади, ниҳоят, у дил-
озор ўз отасинингми, ёки хўжайининингми томоғига

- 10 қилич санчганидан, ёки у тентак ибодатхонада яшириб қўйилган олтинни ўғирлаганидан, ёки Рим, сенга машъум ўт қўйганидан, ўлим жазосига гирифтор бўлди. Бу даҳшатли жинояткор ёмонликларнинг эски шуҳратини енгди: эртак бўлган нарса унга жазо бўлиб тушди.

12

- Цезарь Дианасининг²² энг қизишган пайтида
Болалик бир чўчқага найза санчилган онда
Бойқини она ярасидан сакраб тушди боласи,
Ёвуз Люцина, ахир шу ҳам туғиш бўлдимми?
Барча болаларига бу ғамли йўл очилсин
20 Учун она тайёр эди найзалардан ўлмоққа.

17

- Цезарь²³, сенга нечун бу фил таъзим қилади
хушҳол,
Ҳозиргина ҳўкизга у қандай мудҳиш қаради,
Буни буйруқ билан қилмас ё бир кимса ўргатмаган:
Инон менга, сезмоқдадир у ҳам бизнинг худони.

САТИРА

СЕНЕКА

ҚОВОҚЛАНИШ

[Сохта тантана, император Клавдийнинг ўлимига ҳажв]

I боб. Ҳазилнамо муқаддима: ривоят қилинажак воқеанинг чинлигини уқтириш.

II боб. Октябрь ойининг 13-куни эди¹; қай соат эканини мен сенга аниқ айта олмайман: соатларга қараганда, файласуфлар ўзаро тезроқ битиша олади,— 10
боринг, вақт тушга яқин эди.

III боб. Клавдийнинг нафаси бўғила бошлади, лекин сира ўлолмади. Унинг доҳийлигига ҳар вақт қойил қолган Меркурий² бу чоқда қазо илоҳаларидан бирини бир чеккага тортади ва унга дейди: «Сен нима, разил, бу бечорани азоб чекишга мажбур қиласан? Унинг азоблари ҳеч вақт битмайдими ахир? Мана 64 йил ўтди, у ҳануз жон бериш талвасасида. Хўш, сен на унга, на давлатга яхшилик истамайсанми?..»

[Қазо илоҳлари унинг ўлимини шунинг учун секинлатиб турадиларки, у грекларга, галларга, испанияликларга, британияликларга ва бошқа халқларга Рим граждонлиги ҳуқуқини беришга улгурмаган экан.] 20

IV боб. Ниҳоят, Клавдий жон берди ва шу вақтдан бошлаб, уни ҳеч ким ортиқ тирик деб ўйламади. У қизиқчиларни тинглаб, жон берди, билки, менинг улардан қўрқишим бекор эмас. Бу дунёда ундан эшитилган энг кейинги сўз мана шу бўлган: «Вой, тақсирлар! Мен қуршалганга ўхшайман!» Хўп, буни айтганми, йўқми, мен билмайман, лекин у ҳамма нарсани ифлослади, бу 30
тўғри.

Бундан кейин ерда нима ишлар бўлди — айтиб бериш ҳам ортиқча. Сиз ўзингиз ҳам жуда яхши биласиз: умумий хурсандчиликка сабаб бўлган воқеа эсдан чиқиб қолар, деб хавфланиш ҳам ўринсиз: ўз бахтини

ҳеч ким унутмайди. А мапа эшитингиз, кўкда нималар рўй берди: бундаги воқеанинг чинлиги учун сўз бераман. Юпитерга маъруза қиладиларки, баланд бўйли, соч-соқоли бутунлай оқарган, қандайдир бир киши келди, нима биландир таҳдид қилади, тинмасдан бошини чайқайди, ўнг оёғини судраб босади, у қайси халқдан эканини ундан сўрадилар; у бунга қизариб-бўзариб, ямлиниб бир нима деб жавоб берди; унинг тилини тушуниш мумкин эмас: у грек ҳам эмас, римлик ҳам эмас, қандайдир помаълум миллатга мансуб одам. Бу вақт Юпитер бутун коннотни айланиб чиққан ва ўйлаш керакки, ҳамма халқларни билган Геркулесни³ чақиради, бу қанақа одам эканини билиб келиш учун уни юборади. Ҳар қандайин ваҳимали махлуқ қаршисида кўрқмаган Геркулес ҳам биринчи қарашда, албатта, чўчиб кетган. У ҳеч бир кўрилмаган башарани, одатдан тиш юришини кўрган он ва ерда-сувда яшовчи биронта ҳайвонда топилмайдиган ва фақатгина денгиз ваҳимали махлуқларида бўладиган бўғиқ ҳам гумбурловчи товушни эшитиш билан, Геркулес шундай ўйлаган: унга ўн учинчи буюк ғалаба⁴ муяссар бўлди. Диққат билан тикилиб қарагач, бунинг одамга ўхшаш бир нарса эканини сезган; унинг ёнига келиб, грек тилида — у грек бўлганидан ҳаммадан қулай шу тил эди унга — сўраган: «Сен кимсан? Ватанинг қаерда? Падаринг қаерда яшайди?» Осмонда ҳам тилшунослар бор экан, деб Клавдий қувонган ва ўзининг «Тарихлар»⁵и учун бунда бир гўша топилар, деган умид билан кўкси тўлган. Шунинг учун у Цезарь эканлигига ишорат қилиб, Гомер байти билан жавоб берган:

«Илиондан Киконларга мени бўрон суриб келди».

[Бундан кейин Безгак илоҳаси унинг император Клавдий эканини ва у худолар сирасига қабул қилинишни сўраётганини тушунтиришга ёрдам қилади. Худоларнинг мажлисида император Август худо бўлишга Клавдийнинг муносиб эмаслигини худоларга уқтиради. Бундан кейин Клавдийни Меркурий маҳшаргоҳга олиб боради, у ўлдирилган одамларнинг барчаси бу ерда унга ҳужум қилади ва уни судга судрайди. Бир кўп чингалликлардан кейин пировардида охират судьяси Эак Клавдийни «Қиморда қуруққа, бекорга ошиқ отишга» ҳукм қилади, кейин уни ўзининг дархон қилинган қули—драматург Менандрга полиция хизматини бажариши учун топширади.]

ЮВЕНАЛ

Деций Юний Ювенал — Рим сатирик шоиридир (милоддан кейинги ҳисобнинг тахминан 60—140 йиллари). Лациумдаги Аквина шаҳарида яшовчи дархон қилинган бой қулнинг ўғли бўлиб, умуман жуда яхши таҳсил (айниқса, риторикадан) олди ва узоқ замон фасоҳатчи — декламатор сифатида ўртага чиқди. Ювенал Римнинг эътиборли бойларининг кленти эди. Ювеналнинг адабий фаолиятининг гуллаши 100 йилларга тўғри келади. Кескин сатираси учун у Римдан сургун қилинганини ривоят қиладилар, ва баъзи бир маълумотларга қараганда, у сургунда ўлган. Ювеналнинг 16 сатираси бизгача етиб келгандир. Уларнинг ёзилишига сабаб қутилган ҳомийликни кўрсатмаган валий неъматлардан Ювеналнинг ранжишидир. Ювенал ўзининг ост-уст қилувчи сатирасида Домициан замондаги Рим қулдорлик плутократиясига, унинг қабоҳатларига ва Римда ақчанинг қудрат касб этганига бутун аччиғи ва кучли истеҳзоси билан ҳужум қилади. Бойларнинг клиентлари бўлган риторлар (фасоҳат муаллимлари)нинг, шоирларнинг, адвокатларнинг ва грамматикачиларнинг паришон аҳволига Ювенал юракдан ачинади (8-сатира); кўпинча унинг зарбаси ўз клиентларини хўрловчи бойларга қаратилган (масалан, 5-сатирада ўз клиентларини ёмон таомлар билан меҳмон қилувчи бой валий неъмат (патрон)нинг зиёфати тасвир қилинади). Баъзан шоир ўз материалини яққол драматик картинада бера билади.

I САТИРА

Римнинг даҳшатли разолатини кўриб туриб, «Ҳажвлар ёзмаслик қийиндир»: «нафратлар шеър тўқийди».

Бичилган нозиккина қулбачча уйланса, кўкрагини очиб¹, найзасини ушлаб турган Мевия Тусс ёввойи чўчқаси билан курашса; ўспиринлик вақтимда соқолимни қиртиллатиб тарашлаган ва Нил ифлосларидан бири, Қаноплик² бир қул ўз бойлиги билан барча патрицийларни оёқда қолдирса; Тирияда ишланган жомасини

10 силаб пуфлаб, ёзда терлаган бармоқларида олтин ўйнатиб, катта тошларнинг оғирлигига тоб беролмайдиган анов Криспинни³, бошқа шунга ўхшашларни кўриб туриб, сатира ёзмаслик қийин.

Мафон — адвокат янги тахти равонларни ўз гавдаси билан тўлдириб, мана яқинлашмоқда; унинг кетидан мағрур дўстга қўйилган жосус, у зодагонларнинг салқитларини битта қўймасдан бир зумда ўғирлашга тайёр; ундан Масса⁴ ҳам қўрқади, уни ҳар ерда талтайтирадилар, унинг олдида Лотин⁵ ҳам қалтирайди, ўз

20 Фимеласини⁸ унга юбориб туради. Сени шундайлар четга қоқадиларки, уларга бирга ўтказган кечалар учун ҳадяга катта мерос васият қилнади, бу кунда энг яхши муваффақиятларнинг йўли, яъни бой кампирга хушторлик этиш уларни кўкларга қадар юксалтиради, мана буларни кўриб туриб, разолатга ботган Римга ким бепарволик билан қарайди, ўзини тута билиш учун темирдай метинликка ким эгадир?

[40—62-гача бўлган шеърлар. Бошқа бир кўп разолатлар ва жиноятлар кўрсатилиб ўтилади.]

30 Кўчанинг муёнлишида ўтириб, қалин китобнинг варақларини тўлдиргинг келмайдими. Мана, қалбак мерос васиятлари учун гуноҳ бўлувчи, дабдаба ва бойликни бир парча ёзув лавҳаси ва у намланган муҳр билан қозонган ва сиймоси лоқайд Меценатга жуда ўхшаб кетган одам олти ўмуз устида, деярли ёпилмаган тахти равонда, икки томондан кўриниб, елмоқдадир. Мана бу сердавлат, такаббур хоним ўз эрининг ташналигини енгил Калес шароби билан қондирмоқчи бўлади ва шаробга чўл қурбақасининг заҳаридан қўшиб

40 қўяди, ҳам заҳар-заққумдан қорайган эрларнинг жасадларини, оломоннинг гап-сўзи, шов-шувни орасида, қандай қилиб кўмиш кераклиги ҳақида тажрибасиз аёл қариндошларга Лукустадан⁷ ҳам яхшироқ кенгашлар беради.

Агар савлатдор бўлмоқ истасанг, у вақт Гиарнинг⁸

зиндонларига ва юксак қоя тошлиқларига арзийдиган бирон иш қил; виждонли бўлиш — мақтовга сазовордир, лекин виждонли бўлсанг — қақшаб қоласан, боғлар, саройлар, дастурхонлар, шунингдек қадаҳларнинг эски кумушлари ва бошқа зиёфат асбоблари фақатгина ёмонлик билан, бадкирдорлик билан орттирилади. 50

Баднафс келини йўлдан оздирувчилар, у манхус каллиқлар, мўйлаби сабз этмаган ёш-ёш фахшлар бирон кишига тинч ухлашга йўл берадими? Агар табиат бош тортса, у вақт нафратнинг ўзи шеър тўқийди, менинг шеърларимдекми ёки Клувиен⁹ шеърларидекми, билганича тўқийди.

Зўр тўлқинлар, гирдобларни яратган ёмғирлар қуйиларки, Девкалион қайиққа ўтириб, тоққа чиқар ва роз этар, юмшоқ тошлар нафас олиб, оз-оз исийдилар, яланғоч қизларни эркакларга Пирра кўрсатар — ана шу замондан бошлаб инсонлар ниманки қилган бўлсалар, уларнинг орзу армонлари, қўрқинчлари, ғазаблари, завқлари, хурсандчилклари ва ҳаяжонлари — буларнинг барчаси меним китобимнинг мундарижасидир¹⁰. 60

[Римда ақчанинг ҳокимлиги]

Разолатларнинг қўри қай вақтларда мўлроқ бўлган эди ахир?

Очкўзликнинг жаҳаннами қай вақтда шундай кенг очилган эди ахир? Қай вақтда ўйин-қимор шундай шиддат касб этган эди? Энди кимор столларига таваккал қилиб ҳамён билан бормайдилар, энди сандиқни ўша ерга қўйиб ўйнайдилар. Сен у ерда, қуролли кассир олдида қандай жангбозликларни кўришинг мумкин? Титраб-қақшаган қулга биргина кўйлак қилиб бермасдан юз минг сестерцийни¹¹ йўқотиш ҳазилакам аҳмоқликми? Унинг ота-боболаридан ким шунча кўп саройлар бино қилган, ким кунда танҳо ўзи етти маҳал хар хил овқатлар еган? Бу кун эса Рим оломони талашиб олсин учун остоналарига арзимаган садақа қўядилар¹². Лекин бой дастлаб юзинга тикилади, бошқанинг ўрнига келмаслигинг ва қалбаки исм билан садақа талаб қилмаслигинг учун титраб-қақшаб туради. Агар сени танисалар, оласан. У ҳатто трояликлар¹³ авлодларининг номларини айтиб чақиришга жарчига буюради. Бизга ўхшаш, улар ҳам бойларнинг остоналарини қуршайдилар: «фалон маъмурга бер, кейин фалон трибунга бер!» 20

Бу ерда дархон этилган қул биринчи бўлиб туради. У дейди: «Мен илгари келган эдим, гарчи мен Ефратда туғилганман, буни инкор қилсам эди, қулогимнинг тешиклари мени бари бир фош қилган бўлар эди, лекин мен олдинман, ўз жойимни дадиллик билан талашиб эгаллашдан қўрқмайман. Лекин беш дўкон менга тўрт юз ми¹⁴ беради, ахир. Лаврентий қишлоғида боқиб беришга олган қўйларга Корвин¹⁵ ўзи қоровуллик қилар экан, кенг-ковул қизил либоснинг¹⁶ нима фазилати бор, мен Палласдан ва Лицинлардан кўра кўпроқ давлатга эгаман»¹⁷. Майли трибунлар навбатларини тутсинлар, бойлик ғалаба қозонсин, яқиндагина бизнинг шаҳаримизга оппоқ оёғи билан кириб келган қул муқаддас мартабадан юқори бўлсин, чунки уларнинг ўртасида бойлик азамати ҳар қандай тангриларнинг азаматидан муқаддасроқдир, гарчи сен, машъум Капитал, ҳали ибодатхонада маскан қурмадинг, Садоқатни ҳам, Тинчликни ҳам, шопли Мардликни ҳам ва шунингдек ошиёнда ҳамманинг саломига асосланган мурасасизликни ҳам ҳурмат кўрсатганлари каби, ҳали биз ақчалар шарафига меҳроблар — муқаддас обидалар тикканмиз йўқ.

Лекин энг юқори мансаб садақа-хайр нима беришини ва у даромадларни қандай кўпайтиришни ҳисоблар экан, кийими, пойафзали, номи ва ўчоғининг тутуни ана шу садақага боглиқ бўлган анов клиентлар нима қилиши мумкин? Мана тўп-тўп оломон юзларча квадрант масофадан ёпирилади, мана эрининг орқасидан касал ёки ҳомилдор хотин уйма-уй тентирайди. Таомилни яхши билган манови эса, йўқ хотини учун ҳам сўрайди, хотинининг ўрнига бўш, лекин ёпиқ бир курсини кўрсатади¹⁸. У дейди: «Менинг хотиним Галла, қани тезроқ жўнатиб юбор! Нега имирсилайсан? Галла, бошингни чиқар! Безовта қилма, роҳатда ётибди!»

III САТИРА

[Бу сатира Ювенал учун жуда характерлидир: ўз қўл кучи билан кун кўрувчи камбағал интеллигент меҳнатчилар мафкураси бўлган Ювенал ўз дўсти бўлган шоир Умбрицийнинг тилидан Рим ҳаётини ачитиб танқид қилади. Сатиранинг темаси: «Римда ҳалол меҳнат мумкин эмас, у ерда инсоннинг мезони фақат ақчадир. Сатиранинг драматиклашган формаси ҳам мароқлидир. Умбриций пойтахтдан кетаётир, унинг араваси тайёр, у энди видолашув нуқтисини сўзлайди.]

Қадрдон дўстимдан айрилиш мени қандай саросима- 10
га солмасин, кимсасиз Кумига¹⁹ кўчиб кетишга жазм
қилгани ва Сивиллага²⁰ яна битта граждан орттиргани
учун мен унга қойил қоламан. У — Байи²¹, тотли ором-
гоҳ бўлган гўзал манзарали денгиз бўйининг йўлида-
дир. Ҳатто Прохита²² менга Субурадан²³ кўра ёқимли-
роқдир. Ёнғинлар, биноларнинг кетма-кет ағдарилиш-
лари ва даҳшатли пойтахтнинг мингларча хил-хил кул-
фатлари ва август ойида шоирларнинг шеър ўқиб бе-
ришлари²⁴ ва ҳоказо қаршисида асабийланишдан кўра
ёмонроқ, аянчлироқ, бездирадиганроқ бир нима бирон 20
жойда кўрилганмикан?

Ҳозир бутун бир хонадонни бир аравага юклашар
экан, у, дўстим, рутубатли Капена дарвозасининг эски
пештоқлари олдида туради²⁵.

[12—20-гача бўлган шеърлар. Капена дарвозасининг атрофидаги
жойлар тасвирланади.]

Мана бу ерда Умбриций шу сўзларни айта бошлади:
«Ҳалол касблар учун Римда ўрин йўқлигидан, бу кун
рўзгор кечагидан ночорроқ, эртага рўзгор мана шу оз- 30
гина маблағни ҳам йўқотажагидан мен Дедал ҳорғин
қанотларини қоқишдан тўхтаган жойга²⁶ кетганим
яхши, деган қарорга келаман, соч-соқол оқариб, қари-
ликда бош букилмасдан аввал йигириш учун Лахеза-
да²⁷ ҳали бир нима бор экан, мени ўз оёқларим элтар
ва қўлларим ҳали асога суялмаган экан, биз ўз ватани-
мизни ташлаймиз.

Бу ерда Арторий билан Катулл яшасин; бу ерда
қорани оққа айлантирувчилар, гаванларни, дарёларни,
ибодатхонани ва ахлатхоналарни тозалашни, ўликларни 40
гулханга элтиш ишини ўлпонликка осонгина олувчилар
ҳам жанобларнинг найзаси остида ўзларини бозорга
солувчилар қолсинлар. Бу сурнайчилар ва яқиндагина
муниципал майдонининг абадий йўлчилари бўлганлар,
ҳамма шаҳарларга таниш қабариқ лунжлар²⁸ энди
ўйин-томошалар ясайдилар²⁹ ва бармоқ билан кўрса-
тиб, қора халққа буйруқ қилмоққа кишиларни бойлар
завқи учун ўлдирадилар, ўйиндан қайтиб келиб, бод-
рафларни ўлпонга оладилар, агар бу одамларни тақ-
дир, у ҳазиллашмоқ истаркан, энг пастликдан дунёда

- 50 энг юқори поғоналарга кўтарган бўлса, нима учун барчани эмас? Мен Римда нима қиламан? Ёлғон сўзлашни билмайман; китоблар талаб қилишни ва ёмон бўлса, мақташни билмайман; юлдузларнинг ҳаракатини билмайман; бировга отасининг ўлимини ваъда қилишни истамайман ва бунга қодир ҳам эмасман; қурбақаларнинг ичига бирон марта қараган эмасман; ошиқнинг сўзларини ва хатларини эрли аёлларга элтиб топширишни бошқалар билади; ўгрига кўмакчи бўлмайман, мен ҳеч кимга ўртоқ эмасман ва шунинг учун кетаманки, гўё мен қўли қақроқ бир чўлоқ ва кераксиз бир гавдаман».

[49—189-гача бўлган шеърлар. Римда ўрнашиб қолган ва ўзларининг хушомадлари соясида бойларининг эътимодини қозонган греклар ҳам бошқа ажнабийлар Римнинг ярамас унсурларига қўшилиб кетадилар. Римда фақат ақча аҳамиятга эгадир, камбағалларга ҳурмат йўқ.]

- 70 Салқин Пренестда³⁰, ёки ўрмон билан қопланган тоғлар орасидаги Вольсинияларда³¹, виждонли Габийларда ёки Тибурнинг³² юксак сиртида емирилишлардан бир кимса қўрқадими ёки қўрққанми? Биз катта қисми нобоп таёқлар билан тиралиб қўйилган пойтахтда яшаймиз; уйларни бошқарувчи маъмур шундай тадбир билан уй қулашининг олдини олади; уй тутдак тўкилай деб турса ҳам, у эски ёриқларни суваб, бемалол ухлайверишга маслаҳат беради. На ёнгишлар, на кеча ваҳималари бўлмаган жойда яшаш керак.

- 80 Мана сув деб қичқирди, мана энди Укалегон қақир-қуқурини ташимоқда, мана уйнинг учинчи қабатыёқ тутунга кўмилиб қолди; сен ҳали билмайсан, агар фалокат пастки поғоналардан бошланган бўлса, у вақтда хоналарининг тепасида кабутарлар ин қурган ва ёмғирдан фақатгина юпқа том билан сақланган одамлар энг кейин ёнади.

- 90 Кодрнинг³³ кровати Прокуладан³⁴ қисқароқ эди, столнинг зийнати олти дона кружка, пастда кичкина чўмич ва айни мрамор остида Хирон³⁵ ётади. Эски сандиқда грекларнинг асарлари сақланар ва буюк илҳом самараси бўлган қўшиқларни ахмоқ сичқонлар кемиради эди. Кодрда ҳеч нима йўқ эди. Бу хусусда ким баҳслашиб ўтиради? Лекин у бахтсиз ҳеч нимага арзимас нарсасини-да йўқотди; кулфат ва машаққатнинг сўнгги

даражаси шундаки, бир парча қаттиқ нон сўровчи қип-
ялангоч йўқсилга ҳеч ким таом бермайди, ҳеч ким ун-
га ўз эшигидан жой бермайди. Агар Астурикнинг сар-
ройи қулаб тушса — хонимлар мотам тутадилар, аён-
акобирлар қора киядилар, суд маъмури судни бир ёққа
йиғиштириб қўяди. У вақтда биз Римнинг фалокати
тўғрисида йиғлаймиз, оловни қарғаймиз. Сарой ҳали
ёнмоқда, лекин бир ёқдан, мрамар беришга ва кўрил-
ган зиёнларни қоплашга дарров киришиб қоладилар.
Анави — ялангоч оқлиги билан кўз қамаштирувчи фигур-
ралар, манави эса Эвфранор ҳам Поликнетнинг³⁶ гўзал
асарини беради, яна бири Осиё худоларининг қадим
безакларини, иккинчиси китоблар, шкафлар ва улар-
нинг орасида Минервани беради, баъзи бойлар бир
миқдор кумуш беради. У аввалгидан кўра каттароқ,
яхшироқ ва нодир саройлар орасида энг нафисини ян-
гидан қуриб олади, ўз саройларига ўзи ўт қўйган, деб
ундан бадгумон бўлишлари бежиз эмас.

Агар сен циркка қўл силтаб кетишга қодир бўлсанг,
яхши уй Сорада ёки Фабратерийда, ё бўлмаса Фрузи-
нонда⁷, сен ҳозир қоронғи бир уй учун бир йилда қан-
ча пул тўласанг, шунчага сотиб оласан. У ерда боғча
бор, пастгина бир булоқ оқади, нозик ўсимликларни
суғориш учун сувни арқон солиб тортиб чиқармайсан.
Чўқмолни севиб, у ерда яша, боғчанг меваси билан юз-
ларча пифагорчиларни³⁸ меҳмон қилиш учун ишланган
боқчани парвариш қилиб юр. Қандай бўлмасин бир
жойда, ҳар қандай узоқ-пастқам бир мавзуда жилла
қурганда бир қарич ерга хўжайин бўлиш бир нимага
арзийди.

«Бунда уйқусизликдан кўп одамлар касал бўлиб
ўладилар, бу иллатнинг ўзини, уларнинг бузилган меъ-
даларида тўхтаб қолган ниширилмаган овқат туғдира-
ди. Ижарага олинган қайси бир уйда ухлашга имкон
бор? Пойтахтда катта пул тўлаб ухлаш мумкин. Касал-
нинг манбаи худди бу ерда; кўчаларнинг тор айланма-
лари бўйича ўтувчи аравалар ва подалари йўл устида
тўхтаб қолган подачиларнинг сўкишлари Друзнинг³⁹
ҳам тюленларнинг уйқусини қочира билади.

Агар лозим бўлса, бой ўтиб кетади: оломоннинг ора-
си очилади, у гавдали либурияликларнинг⁴⁰ елкасида,
оломоннинг тепасидан жўнаб қолади; тахти равоннинг

ичида у ўқийди, ёки ёзади, ё бўлмаса шу вақтда ухлаб кетади, чунки ёпиқ деразали тахти равон мудроқ бостиради. Ҳар ҳолда у олдинроқ бориб етади. Мен эса шошаман, олдимда омма тўсиқ бўлади, орқада тўла-тўда халқ елкадан итаради: биров тирсаги билан, биров қаттиқ тахта билан туртади; бири бошимга хода тегизади, бири шароб кўзаси билан уриб олади. Оёқлар лойга ботган, дарров мени катта пошналар билан янчиб ташлайдилар, солдат этигининг миҳи бармоғимга санчилади.

Кўрмайсанми ахир, бу тутун қандай зиёфатдан хабар беради? Унда юзларча меҳмон бўлади ва ҳар бири учун айрим ошхона муҳайёдир».

[251—314-гача бўлган шеърлар. Пойтахтда камбағал кишини саргардон қилувчи бошқа офатлар саналиб ўтилади.]

«Мен бунга яна бошқа кўп сабаблар қўша олган бўлар эдим, лекин арава кутиб турибди ва қуёш ботаётир: кетишим керак. Мана, аравачи ўз таёғини силкиб, кўпдан буён ишорат қилмоқда. Хайр, бизни унутма! Сен истироҳат қилишга ошиқиб, Римдан ўз Ватанинг Аквинга⁴¹ қайтар экансан, Гельвинли Церера ҳам Дианангизга⁴² Кумидан мени чақириб ол; агар сатиралардан ор қилмасалар, ёрдам учун соя-салқин экинзорга боришга тайёрман».

IV САТИРА

[Император Домицианнинг галати қилиқларини кўрсатувчи мароқли драматиклашган картина. Бир балиқчи Адриатик денгизда каттакон бир камбала балиғини тутиб олган ва уни Домицианга ҳадя қилиб келтирган. Лекин саройда бу балиқ сиғадиган бир лаган топилмаган. У вақт балиқни бутунлигича бериш керакми ёки бўлиб-бўлиб бериш керакми, деган масалани ечмоқ учун Домициан Римнинг ўн битта олий мансабдорларидан иборат мажлис чақиради.]

Балиққа ҳеч ким ундан кўпроқ таажжубланмади: 10 ҳайвон ўнг томонда ётаркан, у анча сўлга қараб гапирди⁴³. Шунингдек у Қиликнинг⁴⁴ жангларини ва одамларни полотнога⁴⁵ кўтарувчи пегмаларни⁴⁶ ва зарбаларни мақтади. Вейентон⁴⁷ ҳам ундан қолишмади, у Беллонанинг найзасидан шикаст еган мутаассиб каби каромат қилароқ, гапирди: «Бу сенинг қаршингда улуғ ва шонли зафарнинг катта муждасидир: бирон подшо асир бўлади, ёки Арвираг⁴⁸ арабадан йиқилиб тушади. Бу

хайвон ажнабий ерникидир. Умузида қаққайиб турган анов қозиқни⁴⁹ кўрасанми». Балиқнинг ватанини ва ёшини айтиб бериш учун фақат Фабрицийгина етишмас эди. «Сен бу хусусда нима ўйлайсан? Балиқни кесиш керакми?» Монган айтади: «Йўқолсин бу шармсорлик! Бу дов балиқни сиғдирадиган катта чуқур лаган тайёрласинлар. Бундай лаганни яшаш учун янги буюк Прометей⁵⁰ керак. Тупроқ ҳамда кулолчилик чархини тезроқ топиб келтиринг! Шу дақиқадан бошлаб, Цезарь, кулоллар сенинг ихтиёрингда қолсинлар». У давлат арбобининг фикри устун чиқди. У саройнинг эски ҳашаматини, Нероннинг ярим кечагача чўзилган зиёфатбазмларини ва бошқа сафоҳатларини билар эди, у вақтларда Фалерн шаробидан томирларда қонлар сурон солар эди. 20 30

Менинг замонимда овқатланиш ҳунарида ҳеч ким тажрибали эмасди. Устрица — балиқлар Цирцей бурни, ёки Лукрин қоялари олдидами туғилган, ёки Рутупийский тагидан олинганми, тотиб кўрган ҳамон дарров айира билар эди. Денгиз типратиконига кўз ташлаш билан унинг қай соҳилдан эканини айтиб берар эди.

Мана, улар ўринларидан туришди, кенгаш тарқатилди, аъёнларга ташқари чиқишга буйруқ берилади, буюк раҳбар уларга хаттлар ва ваҳший сикамбрлар⁵¹ ҳақида бир нима айтмоқчи бўлгандай ва дунёнинг энг узоқ мамлакатларидан қанотли чопарлар нотинчлик хабарларини келтиргандай, танг қолган аъёнларни шошилтириб, Албан қалъасига⁵² судраб келди. 40

ЛУКИАН

Лукиан — II асрда (у 125-йилга яқин туғилиб, 192-йилда ўлди) Рим императорлик даврининг талантли грек сатирик ёзувчисидир. У Суриядаги Самоста шаҳрининг майда ҳунармандлари муҳитидан чиқиб келди ва кенг умумий ҳам риторик таҳсил кўрди. Лукиан 165 йилда Афинага кўчиб келди, бу ерда, ёзувчи сифатида катта шуҳрат топди. Лукианнинг 82 асари бизгача сақланиб келди, улардан 32 асар асл нусха эмас, деб

10 ҳисобланади.

Лукианда биз аксари диалог шаклида усталлик билан ёзилган сатира, пародия, памфлетларни кўрамиз. Биринчи асарларида («Пашшани мақтовлар», «Уйқи» ва бошқалар) афзал кўрадиган софистик риторикадан кўнгли қолиб, Лукиан бундан кейинги асарларида ўзининг ўткир ўқларини худди шу риторикага ва грамматикага қарши отади, фалсафага мурожаат қилади, лекин ҳеч бир фалсафий системага қўшилмайди ва ҳар хил фалсафий мактабларни масхара қилади¹.

20 Лукиан «Ҳақиқий воқеалар»ида, масалан, ажойиб-ғаройиб мамлакатларни тавсифловчи грек хаёлий романига, қуюқ бўёқлар билан чизилган картиналар орқали карикатура равишида тақлид қилади. Энгельснинг таъбирича, «классик қадим замоннинг Вольтери» бўлган Лукиан ўз сатирасининг айниқса ўткир ўқларини грек динига ва мифологиясига қарши отади. («Тангриларнинг сўзлашувлари», «Ўликларнинг сўзлашувлари», «Денгиздаги суҳбатлар», «Зевс фоже аҳволда» ва бошқалар, булар пастда келтирилган). Одатда у худоларни уларнинг интим ҳаётида кўрсатиб беради ва бу билан бутун мифологияни кулги-масхарага айлантиради. Маркснинг жуда ўткир равишда қайд этган мана бу сўзлари ҳақиқатан тўғридир: «Эсхилнинг «Занжир-

банд Прометей» асарида ўладиган бўлиб биринчи марта трагик равишда яраланган Греция худоларига, Лукианнинг «Сўзлашувлар»ида иккинчи марта комик равишда ўлишга тўғри келади. Тарих нечун бундай ҳаракат қилади? Инсоният ўз ўтмиши устидан кулиб видолашиши учун»².

Бадий диалогнинг такомилда Лукианнинг ижодиёти катта аҳамиятга эгадир. Ренессанс даврида гуманистлар феодал-диний схоластикага қарши курашаркан, Лукианни таржима қилдилар ва унга тақлид этдилар; масалан, Эразм (унинг «Аҳмоқликнинг мақталиши»га қаранг), Рабле ва бошқалар шундай қилдилар. XVIII асрда Англияда сатирик Свифт Лукиандан илҳомланди.

ТУШ КЎРИШ

[Лукиан тушини ўзининг автобиографиясида сўйлайди. Лукиан мактабдан чиққандан сўнг, бу бўлғуси ёзувчининг отаси ўғлига энди қандай таҳсил бериши ҳақида дўстлари билан маслаҳат қилди. Уни тоғаси қўлига ҳайкалтарошлик ўрганиши учун топширишни улар лойиқ кўрдилар. Биринчи сабоқ муваффақиятсиз чиқди. Лукиан тарашламоқчи бўлган тош парчасини синдириб қўйди ва бунинг учун таёқ билан саваланиб жазоланди; шикоят қилиш учун кўзларида ёш билан онасига югурди. Онаси аччиқланиб ҳайкалтарош биродарини уришди. Лукиан ҳикоясини давом эттиради.]

10

«Ҳозирга қадар меним ҳикоям амлақандай болалик ва кулгилик характерда эди. Энди бундан сўнг эшитадиганингиз, жаноблар, бундай оддий тарихдан иборат бўлмас, балки гоят диққатли эшитувчилар учун мўлжалланган. Чунончи, Хомер сўзлари билан айтганда,

«Муаттар кечаларнинг жимжитлигида
Ажиб бир туш кўринди менга»³.

У шу қадар аниқки, ҳақиқатдан ҳеч қолишмас. Шу қадар ҳаммаси аниқ кўринган эдики, ҳозир ҳам, шунча йиллар ўтса-да, у кўрганларим меним кўз олдимда аниқ кўриниб, овозлари қулоғимга эшитилиб турибди.

Икки хотин меним қўлларимдан ушлаб, жуда шўхлик қилиб кучли равишда ҳар қайси ўзига қараб тортиди, улар бир-биридан қизганиб мени пора-пора қилаёздилар. Гоҳ бириси зўрроқ чиқиб мени тортиб олар, гоҳ иккинчиси мени эгаллаёзар эди.

Ҳар иккаласи ҳам ўзаро қичқириб баҳслашар. Бириси мени ўз моли қилиб, рақиб тортиб олмоқчи деб бақирар, иккинчиси бекор, бировнинг молига кўз олайтиради, деб бақирар. Бириси ишчи хотин, эркаксимон, сочлари пахмоқ, қўллари қадоқли, кўйлагини белига қистирилган ва этаги нақ тоғам тош тарашлаган вақтдаги каби, тош парчаларига тўла. Иккинчисининг юзи фоят ёқимли, кўринишини асилзода, кўйлаклари нафис бурмали. Инҳоят, уларнинг қайсиси билан қолишини, танилашини ўзимга таклиф қилдилар».

Аввал эркаксимон ва қўпол қиёфалиси сўйлайди.

[Ҳайкалтарошлик билан олимликнинг сўзлари келади.]

30 Олимлик сўзида давом этар эди, мен сўзининг охири-ни кутмасдан, ўз қароримни баён қилиш учун ўрнимдан турдим ва ишчи қиёфали биринчи хунук хотинни қолдириб, олимликка шу қадар буюк севинч билан кетдимки, кечагина ҳунар ўргана бошлаганимда мени калтаклаган таёқни эсладим. Мен ташлаб кетган ҳайкалтарошлик, газабланиб муштарин билан дўқ қилди ва тишларини ғижирлатди, сўнг қотди ва Ниобея⁴ ҳақида ривоят қилингани каби, тошга айланди.

Бу ҳодиса сизга аҳтимолдан тиш кўринса-да, сиз инонинг: тушда кўпинча ажойиб нарсалар кўринади-ку.

40 Олимлик менга қараб сўйлайди:

Бизнинг жанжалимизни одиллик билан ҳал қилганинг учун мен энди сени мукофотлайман, юр, чиқ бу аравага, у Пегасга⁵ ўхшаш отлар қўшилган, аллақандай қанотли бир аравани кўрсатди. «Сен меним орқамдан келмаганингда нимадан маҳрум бўлардинг, шунини кўрасан». Биз аравага чиққандан сўнг маъбуда отларини ҳайдаб кетди, юқори кўтарилгандан сўнг мен шарқдан гарбга қадар ҳар томонни, шаҳарларни, халқларни, қабилаларни сайр этиб, Триптолем⁶ каби бир нарсани

50 ерга сепга бошладим. Нима сепганим ҳозир эсимда қолмади, фақат одамлар осмонга менинг орқамдан қараб, мени мақтаганларини ва сафарим учун мени дуо қилганларини биламан. Маъбуда буларнинг ҳаммасини менга кўрсатиб ва мадҳ этган одамларга мени кўрсатиб, менинг билан бирга орқага қайтди. Энди мен йўлга тушган чоғдаги кийимларда эмас, балки аллақандай ҳашаматли кийимлар кийганга ўхшаб кўриндим. Мени кутиб турган отамни чақириб, кийимларимни ва янги

қиёфамни унга кўрсатди ҳам менинг келгусим ҳақида
яқинда қилган қарорларини эслатди.

60

Мана, болалик вақтимда, балки даҳшат ва таёқ
таъсири остида кўрган тушимдан ёдимда қолганлари
фақат шулардир.

ХУДОЛАРНИНГ СЎЗЛАШУВЛАРИ

[Бу сўзлашувнинг бошланғичини «Кельн газети» (№ 179) бош
мақоласининг авторига насиҳат бериш учун Маркс немисча тар-
жимасида цитата қилиб олади. Бу мақоланинг авторини фалсафий
ва диний идеяларни пропаганда қилиш учун ва шунингдек уларга
қарши кураш учун кундалик матбуотдан фойдаланишга йўл бер-
маслик керак, дейди. Маркс уни навқар деб ҳисоблайди ва Лукиан-
да бир кўп навқарлик вазифаларини бажарувчи Гермесга ўхшатади.]

Гермес ҳам Мая.

Гермес

10

Бутун осмонда мендан бахтсизроқ худо бормикан,
она?

М а я

Бундай нолиш яхши эмас, Гермес.

Гермес

Бошимда шунча меҳнат бўлсин-ку, нега нолиш яхши
эмас, бутун ишни менга ағдардилар, бу навқарлик
вазифаларнинг кўплигидан саргардон бўламан. Эрта
билан ўрнимдан турган замон овқатхонани супириш,
сўнг ётоқ жойларни йиғиштириш керак, буларнинг ҳам-
масини жойига келтириб, сўнг Зевс ҳузурига ҳозир бў- 20
лишим ҳам юқори билан пастга ошиб тушиб, югура-
югура унинг фармонларини тарқатишим лозим; буларни
тамом қилиб, уст-бошимнинг чанги билан яна
дастурхонга амбросия⁷ беришим лозим, янги косагул
келишдан илгари нектарни ҳам мен тортар эдим. Аммо
ҳаммасидан ҳам даҳшатлиси шуки, бутун худолар ичи-
да ёлғиз мен, кечалар ухламасдан Плутоonga ўлганлар
жонини олиб келишим, марҳумларнинг элтувчиси бў-
лишим ва охират судида иштирок этишим лозим; кун-
дузги барча ишларим оз, палестраларда⁸ иштирок эти- 30
шим етмайди. Яна халқ йиғинларида жарчилик қила-
ман, нотиқларга сўз ўргатаман — ўликларнинг ишлари-

ни тўғрилаш ҳам менинг вазифам. Леданинг ўғиллари⁹ навбатлашиб турадилар; бириси осмонда бўлган чоқда бириси кунини жаҳаннамда ўтказди; ёлғиз менгина ҳар кун ҳам у ишни, ҳам бу ишни қилишга мажбурман. Алкмена ҳам Семела¹⁰ ўғиллари, аячли хотинлардан туғилган бу ўғиллар, ҳеч қандай машаққатсиз маза қилиб яшайдилар, мен эса, Атланта қизи бўлган Маянинг
40 ўғли, уларга хизмат қилишим лозим! Мана, мен ҳозиргина, Сидондан Кадма¹¹ қизи олдидан қайтдим, Зевс мени у ерга маъшуқасидан хабар олгали юборган эди; ҳали нафасимни ростлаганим ҳам йўқ, у мени Данаяни¹² йўқлаш учун Аргосга юборади, у ёқдан қайтишда йўлда «Беотияга кириб, Антиопани кўра кел» дейди. Ортиқ тоқат қолмади менда. Агар имкон бўлса эди, мени бирон бошқа кишига сотишга қувониб рози бўлар эдим, масалан, ишдан чиқиб қолган қулларни ҳам ер сатҳида шундай сотиб юборардилар.

50

М а я

Қўй бу нолишларни, ўғлим, сен бутун кучинг билан отанга хизмат қилишинг лозим: сен ҳали ёшсан. Ҳозир, у сенга иш буюрган экан, тезроқ Аргосга югур, сўнг Беотияга бор, йўқса у эзмалигинг учун урмасин яна сени, севишганлар доим жуда ачиқланувчан бўладилар.

Прометей ҳам Зевс.

Пр о м е т е й

60 Қутқар мени, Зевс, шунча жазоланганим етар менга.

З е в с

Сен қутулишни сўрайсанми? Сени оғирроқ занжирга боғлаш ва бутун Кавказни бошингга тўнтариш керак! Сен бизга одам деган шундай «севимли» махлуқлар яратганинг, меним оловимни ўғирлаганинг, хотинларни яратганинг учун, ўн олти қарчиғай сенинг фақат жигарингигина юлиш эмас, балки кўзларингни ҳам ўйишларни керак! Гўштни бўлганда мени алдаганинг учун, ёғ
70 билан қопланган нуқул суякларни менга тикиштириб, энг яхшисини ўзингга қолдирганинг учун нима дейиш керак?

264

Прометей

Мен Кавказ қояларига кишанланишим, ўз жигарим билан бу қушни — қортолни тўйдиришим етарли жазо эмасми, лаънат бўлсин унга!

Зевс

Бу сенинг қилмишларинг учун ҳатто кичик бир жазо ҳам бўлолмайди.

Прометей

Агар сен мени қутқазсанг, сенинг ҳақингни узаман: 80 мен сенга, Зевс, муҳим бир нарсани очаман.

Зевс

Сен менга қувлик қиласан, Прометей.

Прометей

Бундан менга нима фойда? Сен Кавказнинг қайда эканини яхши биласанки, агар бирор ёмон ният билан қўлга тушсам, кишанлаш учун сенда занжир етмай қолмас.

Зевс

Айт аввал, мен учун қандай муҳим хизмат билан 90 ҳақингни узасан?

Прометей

Агар мен сенинг ҳозир қаерга боришингни айтиб берсам, меним бошқа кароматларимнинг тўғри эканлигига ишонасанми?

Зевс

Албатта.

Прометей

Сен Фетида билан учрашувга борасан.

Зевс

100 Тўғри топдинг, яна нима? Ҳақиқатан сенга ишониш мумкин шекилли.

Прометей

Бу Неренда билан яшама, Зевс: агар у сендан ҳомиладор бўлса, Кроносга¹³ сен нима қилган бўлсанг, ўғлинг сенга шунини қайтаради.

Зевс

Сен менга ҳокимиятдан айрилсан, демоқчимисан?

Прометей

110 Бу иш сира рўй бермасин, Зевс! Аммо сенинг у билан бирга яшавинг шу хавфни туғдиради.

Зевс

Агар шундай бўлса, алвидо! Фетида! Сени эса бу хизматинг учун Гефест¹⁴ қутқажак.

Зевс ҳам Гермес.

Зевс

Гермес, сен Инохнинг қизи гўзал маликани биласанми?

Гермес

120 Биладан, сен Ио¹⁵ ҳақида сўйлаётирсан-да.

Зевс

Фараз қилки: у ортиқ қиз эмас — таначадир.

Гермес

Мана бу ажиб! Бу ўзгариш қандай рўй берди.

Зевс

Рашк орқасида уни Гера ўзгартирибди. Буниси оз, бахтсиз қиз учун у яна янги азоб топди: Аргус¹⁶ номли кўп кўзли чўпонни унга қоровул қўйди, бу эса таначани қўриydi ва ҳеч киприк қоқмайди.

Гермес

130

Энди нима қиламиз!

Зевс

Немеяга ¹⁷ уч: уни Аргус шу жойда боқиб юради; Аргусни ўлдир, Иони денгиз орқали Мисрга олиб бор ва уни Исида қил; ул бундан сўнг маъбуда бўлғай, Нил тошқинларини майдонга чиқарсин; шамолни идора этсин ва денгизчиларни қўриқласин.

Гефест ҳам Зевс

Гефест

Менга нима буюрасан, Зевс? Мен сенинг фармонинг бўйича энг ўткир болтани кўтариб келдим. Лозим бўлса мен унинг билан бир уриб тошни парчалашга тайёрман. 140

Зевс

Жуда яхши, Гефест, ур меним бошимга ва уни иккига бўл.

Гефест

Менинг ақлим жойидалигини синамоқчимисан? Сенга керакли бўлган бирор жиддий ишни бажаришга буюр. 150

Зевс

Бўл меним калламни, худди шу керакдир менга; агар сен сўзга кирмасанг, менинг ғазабимни кўрасан, сен уни биринчи кўришинг эмас-ку, ахир. Қани ур тезроқ, бутун кучинг билан ур! Менда тоқатсиз тўлғоқ, у бутун мияни ост-уст ағдарар.

Г е ф е с т

160 Эҳтиёт бўл, Зевс, бир фалокат чиқмагай бундан:
болтам ўткир, бу иш қонсиз ўтмагай, бу сенга Илития¹⁸
каби яхши бўла олмас.

З е в с

Ур, жасорат билан, Гефест; менга нима кераклигини ўзим биламан.

Г е ф е с т

170 Хўп, ураман, ихтиёр менда эмас; сен буюрар экансан мен нима қиламан?.. Яна бу нимаси? Мукаммал қуро-
ланган қиз! Бошингда огир бир нима бор экан, Зевс; кайфингнинг ёмонлиги ажабланарли эмас: каллада шундай зўр қизни ва мукаммал қуролли қизни кўтариб юриш! Бу нима сенда: бош ўрнида ҳарбий лагерми? У сакрайди, ҳарбий рақсни бажаради, қалқон билан сил-кади, ўқини кўтаради ва илоҳий илҳомдан нур сочади! Энг қизиғи, у гўзал бир жонон ва қисқа бир муддат ичида бўйи етган. Фақат кўзлари аллақандай кўкимтил қўй кўз, бу унинг дубулғасига ярашган. Доялигим учун, Зевс, рухсат эт, мен унга уйланай.

З е в с

Бу мумкин эмас, Гефест, у абаднй қиз қолишни истайди. Меним эса бунга ҳеч қаршилигим йўқ.

Г е ф е с т

180 Менга шу кифоя, бошқасини ўзим ҳаракат қиламан ва уни ўзим кўндиришга тиришаман.

З е в с

Агар бу сенга осон кўринса, майли! Лекин сен мумкин бўлмаган бир нарсани истайсан, бунга сени ишонтираман.

Аполлон ва Гермес.

Аполлон

Нега куласан, Гермес?

Гермес

190

Эй Аполлон, мен шундай бир қизиқ нарсани кўрдимки!

Аполлон

Қани сўзлагин-чи, гапингни эшитиб, бир кулишни хоҳлайман.

Гермес

Гефест Афродитани Арес билан тутди ва уларни ётоқда бирга бойлаб олди.

Аполлон

У бунни қандай қилди? Сен ғоят қизиқ бир нарсани 200 сўйламоқчисан шекилли.

Гермес

У уларнинг алоқасини кўпдан билган ва пойлаган бўлса керак, бугун ётоғини кўринмас тўр билан ўраб, ўзининг темирчилигига кетган. Арес кирган, ўйлаганки, уни ҳеч ким сезмаган, аммо уни Гелий кўриб қолган ва Гефестга етказган. Шу орада Арес Афродита билан ётоқда ётганлар ва ишни бошлаган ҳамон, тўрға тушиб қолганлар ва ўзларини чамбарчас боғлиқ сезганлар. Шунда Гефест келган. Афродита тамом яланғоч, 210 ўз баданини нима билан қоплашни билмаган, Арес аввал қочишга уринган ва тўрни узишга муваффақ бўларман деб ўйлаган, лекин кўп ўтмасдан бунинг мумкин эмаслигини билган ва қутқазилганини сўраб ялинган¹⁹.

Аполлон

Қалай? Гефест қутқазганми уларни?

269

Гермес

220 Йўқ, у бутун худоларни чақирган ва қўлга тушган ошиқларни кўрсатган; улар эса ҳар иккаласи тамом яланғоч ва шарманда ҳолда бир-бирлари билан боғлашиб, уятдан қизариб ётадилар. Уларни томоша қилиш керак эди-да: улар шундай ҳолда тutilганларки...

Аполлон

Ва бизнинг темирчи ўз шармандалигини ҳаммага кўрсатишга уялмайдами?

Гермес

230 Зевс ҳақиға оғт ичаман; у уларнинг тепасида туриб қаҳ-қаҳ уриб кулади. Мен эса, ростимни айтсам, Аресга ҳавасим келди, маъбудалар орасида энг гўзалини эгаллаш бир ёқда турсин, унинг билан бирга банд бўлиш ҳам яхши нарса.

Аполлон

Сен бундай ҳолларда ўзингни боғлатишдан тоймайсан шекилли.

Гермес

Сен-чи, Аполлон? Бор, биргина боқ! Агар сен уларни кўриб ўзинг ҳам уни истамасанг, мен сенинг фазилаткорлигинг олдида бош эгай.

ДЕНГИЗ СУХБАТЛАРИ

Дорида ва Галатея²⁰

Дорида

Галатея, бу гўзал ошиқ Сицилия чўпоними?²¹ У сенинг дардингда эс-ҳушидан айрилган эмиш.

Галатея

Масхара қилма, Дорида. У қандай бўлмасин, Посейдон²² ўғли-ку.

Д о р и д а

Нима қилибди? Агар Зевснинг ўгли бўлса-ю ва шундай тукли ёввойи бўлса, яна ҳаммадан ёмони, шундай бир кўзли бўлса, аслзодалиги унинг чиркинлигини оз бўлса-да, безар деб ўйлайсанми? 10

Г а л а т е я

Унинг туклилиги, унинг ёввойилиги, сенинг таъбирингча, уни ҳеч чиркинлаштирмайди: булар ҳаммаси эр кишига хос нарсадир. Кўзига келсак, унинг пешона ўртасида туриши жуда яхши, ўткирлиги икки кўздан қолишмайди.

Д о р и д а

Галатея, сенга Полифем ошиқ эмас, балки сен ўзинг унга ошиқу мубтало бўлганга ўхшайсан; жуда мақташинг зўр. 20

Г а л а т е я

Мен сира муҳаббат қўйган эмасман! Лекин мен сизнинг қўпол масхараларингизни кўтара олмайман! Сиз буни кўра олмаслигингиздан айтаётган бўлсангиз керак? Қоялар устида Полифем бир вақт ўзининг подаларини боқиб юраркан, биз тоғ ва денгиз ўртасида чўзилган соҳилда Этна этагида ўйнардик, Полифем бизни кўрди ва сизга илтифот қилмади, мени энг гўзал деб билди ва кўз боқиши фақат менда эди. Фақат шу нарса сизни хафа қилди, чунки бу нарса меним сиздан гўзалроқлигим ва севишга сиздан муносиброқ эканлигимни кўрсатади. Сизни... Сизни назар-писанд қилмадилар. 30

Д о р и д а

Хира кўзли бир чўпонга сен гўзал кўринган бўлсанг, шунга ҳам рашк этиш мумкинми? Оқлигиндан бошқа у нимангни мақташи мумкин? У қурт ва сут билан овра, шунинг учун балки сен ҳам ёқиб қолгандирсан. Қурт ва сут тусидаги ҳар бир нарса унга, албатта, гў- 40

зал кўринади. Агар сен ўз чехрангни яхшилаб кўрмоқчи бўлсанг, тинч ҳавода қоя устига ошиб, сувга қара, ўз аксингни дурустроқ кўр, мулойим оқ рангингдан бошқа диққатни тортадиган ҳеч нимаг йўқ, лозимича қизили бўлмаган оқ юзни севиб бўладими?

Г а л а т е я

50 Майли, меним тиниқ оқлигим менга шу ошиқни топди, сизни ёқтирган на чўпон, на денгизчи, на кемачи бор, ҳеч кимингиз йўқ. Бунинг устига Полифем яна музикантдир.

Д о р и д а

Овозингни ўчир, Галатея! Сени мақтаб айтган қўшигини биз яқинда эшитдик. У, шафқатли Афродита! Эшак ҳайқирди, деб ўйлаш мумкин эди. Чолғиси эса қандай дегин? Қийик калласини гўштларидан тозалаб, чолғи мугизи ўрнига кийик мугизларини боғлаган, унга қил таққан ва соз қилмасдан, аллақандай пойма-пой, ярамас бир куйни чўзиб ўтирибди, куйлагани бир куй, 60 чалгани бошқа, биз унинг бу ишқий қўшигини тинглаб кулгимизни тута олмадик. Шу сергап Эхо²³ ҳам унинг маърашига жавоб бергиси келмади, бу ёввойи масхара қўшиққа жўр бўлишга уялди. Бу хушбичимнинг қўлида эса нақ ўзига ўхшаб тушган пахмоқ айиқ боласи бор эди. Ҳақиқатан, Галатея, сенинг ошигингга ким рашк қилмасин?

Г а л а т е я

70 Қани, Дорида, сен ўзингникини кўрсат; у менкидан гўзалроқ, музыкага устароқ бўлса керак ва яхшироқ чалса керак.

Д о р и д а

Меним ошиқларим йўқ, ўзимни бировнинг муҳаббатига ҳам арзирман деб ўйламайман; бундай тепа кўз, эчки ҳидли, айтишларича, хом гўшт егувчи, ўзига келган чет мамлакатлиларни ошовчи ёринг ўзингга буюрсин; унинг муҳаббатини фақат ўзинг қабул эт.

Циклоп²⁴ ва Посейдон.
Циклоп

Боқ менга, ота, лаънати меҳмоним нималар қилди менга! У мени маст қилиб ичкизди ва ухлаб қолганим- 80 дан сўнг кўзимни ўйди.

Посейдон

Бундай қилишга ким ботинди, Полифем?

Циклоп

Аввал у ўзини «Ҳеч ким» деб атади, мен уни тутолмай қочирганимдан сўнг, Одиссей эканлигини айтди.

Посейдон

Биламан кимнинг тўғрисида гапираётганини. Бу италиялик Одиссейдир. У Илион томонидан сузиб келган. У буни қандай қилган экан? У жилла ботир эмас 90 эди-ку.

Циклоп

Яйловдан қайтиб келганимда, ғорда аллақандай бир кўп кишиларни кўрдим, булар меним подамга кўз тиккан бўлсалар керак. Мен сақлаб қўйган катта тош билан ғор оғзини қопладим, тоғлардан келтирган ёғочни ёқиб гулхан қилдим,— меҳмонларимнинг аллақаяққа яширинишга уринганликларини кўрдим. Бу ўғриларнинг бир-иккисини тутиб ўхшатиб еб олдим. Шундан сўнг ҳалиги муттаҳам, билмадим, ҳақиқатан Ҳеч кимми 100 ёки Одиссейми, у аллақандай бир ичимликни менга тутди; ичимлик ширин ва хушбўй, аммо шайтон ва фикрларни чувалтувчи экан. Ичиб бўлмасданоқ, атрофимда ҳамма нарса айланиб кетгандай, ғор тўнкарилгандай бўлди, мен ўз-ўзимни танимай қолдим ва, ниҳоят, мени уйқи енгди. У эса ёғочни найзалаб, учини куйдирди ва ухлаб ётганимда, кўзимга тиқиб кўр қилди; шундан буён, Посейдон, кўр бўлиб қолдим.

Посейдон

Кўзингни ўйганда ўрнингдан сапчиб туролмаган бўлсанг, жуда қаттиқ уйқига ботган экансан-да, болам! 110

Хўш, Одиссей қандай қочди? Фор оғзига қўйилган тошни у силжита олмаслигига аниқ ишонаман.

Циклоп

Мен фордан чиқиш вақтида тутишим осон бўлар деб, ўзим тошни ағдардим. Эшикда ўлтириб қўлларимни чўзиб, уни ушлашга ҳаракат қилдим. Яйловга фақат қўйларни ўтказдим, меним ўрнимга қўйларга қараб туришни қўчқорга буюрдим.

120

Посейдон

Тушунаман. Сенинг меҳмонларинг қўйларга осилиб секин фордан чиққанлар; сен бошқа циклопларни ёрдамга чақиришинг керак эди.

Циклоп

130

Мен уларни чақирдим, ота, улар ҳозир бўлдилар ва мени хўрлаганнинг номини сўрай бошладилар. Мен «Ҳеч ким» деб жавоб бердим, улар мени жинни бўлган деб қайтиб кетдилар. У лаънати ўзига шундай ном бериб, мени алдаб кетди. Ҳаммадан ҳам у меним бу фалокатимни масхара қилиб: «Отанг, Посейдон ҳам сени даволай олмайди», деб қичқиргани менга жуда алам қилди.

Посейдон

Гам ема, ўғлим, мен ундан ўчимни оламан! У билсинки, сенинг кўзингни даволаш қўлимдан келмаса-да, денгизда юрувчиларнинг бирисини қутқариш, иккинчисини ҳалок қилиш меним қўлимдадир. У ҳали денгизда юрар.

Ўликларнинг сўзлашувлари

Гермес ҳам Харон²⁵.

Гермес

Сенинг менга қанча қарзинг бор, ҳой ташувчи, ҳозирдан ҳисоблашиб қўйсақ, яхши бўлмасми? Йўқса, орамизда яна жанжал чиқар.

274

Харон

Ҳисоблайлик, Гермес. Бу нарсани аниқлаб олсак, машаққатдан қутуламиз.

Гермес

10

Сенинг буйруғинг бўйича, мен сенга беш драхмага²⁶ лангар келтирдим.

Харон

Вой, қандай қиммат!

Гермес

Аиданий²⁷ ҳақиға онт ичаман, мен уни беш драхмага ва яна эшкакни тутиб турувчи тасмани икки оболга²⁸ сотиб олдим.

Харон

Соз, беш драхма ва икки обол.

20

Гермес

Елканнинг ямоғини тикиш учун нина олдим ва унга яна беш обол тўладим.

Харон

Ёз уларни ҳам.

Гермес

Қайиқ тешикларини бекитиш учун мум, михлар; ва сен рейни²⁹ мачтага маҳкамладигинг арқон,— буларнинг ҳаммаси икки драхма.

Харон

30

Бу қиммат эмас.

Гермес

Мана бўлди, агар биз ҳисобда биронта нарсани унутмаган бўлсак. Сен энди буларни қачон берасан менга?

Харон

Ҳозир ҳеч беролмайман, Гермес. Агар биронта вабо ёки уруш бизга кўп одамларни юборса, ташувдан тушган даромадлар ҳақида ҳисоб берганда, қаллоблик қилиб, бир қадар нарса қўлга киритиш мумкин.

40

Гермес

Мен энди дунё юзида бирон фалокат бўлишини тилаб ва шу йўл билан насиямни ундиришни кутиб ўтиришим керакми?

Харон

Бошқа йўл йўқ, Гермес, бизга одамларнинг оз келатганини ўзинг кўриб турибсан-ку: ер юзида ҳозир тинчлик.

Гермес

50

Қўй шу тинчлик қолсин, насиямнинг униши чўзилса-да, майли. Аввал бизга ҳозиргидеклар келмас эди, тўғрими, Харон: ҳаммаси шижоатли, қонга бўйланган ва кўпинча жароҳатдан ўлганлар бўлар эди. Ҳозир-чи?

Бирисин ўғли заҳарлаган, иккинчисини — хотини, учинчисида ортиқча ҳашамат орқасида қорни ва оёқлари шишган, ҳаммаси сўлғин, аввалгиларга ҳеч ўхшамайди. Уларнинг кўплари пул ғовғаси натижасида келадилар шекилли.

Харон

Ҳа, пул яхши нарса...

60

Гермес

Демак, сенингча агар мен қарзингни тўлашни қатъий талаб қилсам, ишни қотирган бўлар эканман-да?

Харон, Гермес ва ўликлар.

Харон

Тинглангиз, бизнинг ҳолимиз ҳозир қандай. Ўзингиз ҳам кўрасиз-ку, қайиғимиз кичик, чурук, кўп жойлари-

дан сув ўтади, бир томонга сал оғса, сувга ботади-кетади; сизлар жуда кўпсиз ва ҳар қайсингизда анча юк. Мен сизни шу қадар юк билан қайиққа киритгани қўрқаман: сўнг ўкинарсиз дейман, айниқса суза билмаганларингиз. 70

Гермес

Йўлни беҳатар қилиш учун қандай чора кўриш лозим?

Харон

Мен сизга айтаман: бу ортиқча юкларнинг ҳаммасини қирғоқда қолдириб, қайиққа тамом яланғоч ўтиринг, шунда ҳам қайиққа базўр сифасиз, сиз жуда кўпсиз. Гермес, сен қараб тур, устидан бутун нарсаларини ташлаган ва бутун юкларини қолдирганларнигина қайиққа ўтқиз. Йўлакда тур, ҳаммасини текшир ва қайиққа яланғоч ҳолда бўлиб тушишга мажбур қил. 80

Гермес

Тўғри гапирасан, шундай қиламиз. Сен, биринчи, ким бўласан?

Менипп³⁰

Менипп, мана меним қопим, бу таёғим. Гермес, мен буларни сувга отаман. Жандамни олмаган эдим — яхши қилганман.

Гермес

90

Ўтир қайиққа. Менипп, яхши одам, қайиқни йўналтириб турувчининг олдидаги курсига ўтир: у баланд жойдан сен ҳаммани кўрасан. Бу чиройлик йигит ким?

Харон

Хармолей. Мегар гўзали, унинг бир ўпиши учун икки талант тўлар эдилар.

Гермес

Тезроқ ўзингдан бутун гўзалликни ташла, лабингни, бўсаларингни, узун сочларингни, юзингнинг қизиллигини, умуман бутун терингни ташла. Яхши, тайёр бўлдингми, ўтир. Сен ким, қизил тўн ва кулоҳ кийган, жиддий киши?

Лампих

Лампих, Геланинг золими.

Гермес

Бу нима, Лампих, бу ерга шунча юк билан келгансан?

Лампих

Қандай нарса, золим одам қандай қилиб қуруқ келсин?

Гермес

Золим яланғоч келолмайди, аммо ўлик кела олади. Ташла буларнинг ҳаммасини!

Лампих

Мана бўлмаса, бойликни ташладим.

Гермес

Қибр ва ғурурингни ҳам ташла, Лампих, агар булар ҳам сен билан қайиққа кирсалар, уни ортиқ оғирлаштиради.

120

Лампих

Рухсат эт, менда кулоҳ билан тўним қолсин.

Гермес

Мумкин эмас, буларни-да ташла.

Л а м п и х

Майли, сенинг айтганинг бўлсин. Яна нима? Кўра-санки, ҳаммасини ташладим.

Г е р м е с

Йўқ, қаттиқ қўллингни, муҳокамасизлигингни ва такаббурлигингни ҳам ташла.

Л а м п и х

130

Мана, мен энди тамоман яланғоч.

Г е р м е с

Қайнққа кирсанг бўлади. Сен семиз, гўштдор, ким бўласан?

Д а м а с и й

Дамасий, гимнастикачи полвон.

Г е р м е с

Ҳа, сен экансан: сени гимнастика майдонида кўп кўрардим.

Д а м а с и й

140

Ҳа, Гермес, киргиз мени, мен тамом яланғоч деярли.

Г е р м е с

Йўқ, азизим, шунча гўштинг бор-ку, сени яланғоч деб бўладими. Ташла ҳаммасини, бўлмаса бир оёғингни қўйиш биланоқ қайиқни ботирасан. Узингнинг ғалаба гултожларингни ҳам, мақташларни ҳам ташла.

Д а м а с и й

Қара, ҳақиқатан, мана мен яланғочман, оғирлигим ҳам бошқа ўликларникидан ортиқ эмас.

279

Оғирлигингни ташлаганинг ўзингга яхши. Ўтир қайиққа. Сен, Кратон, тош бойлигингни, ортиқ нозиклигингни, безакларингни, кўмилишдаги кийимларингни, ота-боболарингни қилмишларини ўзинг билан олма, келиб чиқишингни, шуҳратингни-да қолдир ва агар шаҳринг бир вақт сенга сахий-эҳсонли номини берган бўлса, уни-да ташла; сенинг тасвирларингдаги битикларни ҳам ташла ва сенга қандай юксак сағана солганларини сўйлама: буни бир марта ёдга олишнинг ўзиёқ

160 қайиқни оғирлатиши мумкин.

К р а т о н

На чора? Қандай қийин бўлса-да, ҳаммасини ташлашга тўғри келади.

Гермес

Бу нима? Сен нега бу қадар мукамал қуролланган ҳолда келдинг? Кўтарган бу ўлжанг яна нимаси?

Қ ў м о н д о н

Бу менинг қозонган ғалабам, жангда иш кўрсатдим ва бунинг учун шаҳар мени ҳурмат қилди.

170

Гермес

Ўлжаларингни ерда қолдир, жаҳаннамда тинчлик ҳукм суради: унда қуролга ҳеч қандай талаб йўқ. Бу ким, шу қадар жиддий қиёфали, шу қадар такаббур, бу қошларини чимириб хаёлга ботган киши? Унинг соқоллари қандай узун?

М е н и п п

Бу файласуфдир, Гермес, тўғриси айтганда, муттаҳам ва алдамчидир. Ҳамма нарсасини ташлашга буюр, тўни остида қандай кулгили нарсаларнинг яширинганини кўрасан.

180

Гермес

Аввал қадди-қоматингни ташла, сўнг бошқаларни. О, Зевс! У ўзи билан қанча ёлғонни, қанча нодонликни, жанжалкашлик, бўш шуҳратга интилишни келтирган! Қанча макрли саволлар, қув муҳокамалар, чигил текширишлар! Унда беҳуда эркалик ҳам кўп, эзмалик, бўш гап, бачканалик ҳам оз эмас... Зевс ҳақида онг ичаман, олтини ҳам бор, завқларга муҳаббат, уятсизлик ва такаббурлик, хушомад, ортиқ нозиклик ҳам бор. Сен жуда уста бекитсанг ҳам мен буларнинг ҳаммасини кўриб турибман. Ташла ҳаммасини. Ёлғонни ҳам, такаббурликни ҳам ва бошқаларнинг ҳаммасидан яхшиман деган хаёлингни ҳам ташла. Агар сен бутун юкинг билан кирсанг, эллик эшкакли кема ҳам, бундай оғирликни кўтара олмас!

Файласуф

Сен фармон қилар экансан, ҳаммасини ташлайман.

Менипп

Гермес, у ўзининг соқолини ҳам ташласин: кўрасанки, у оғир ва паҳмоқ: соқолининг оғирлиги энг ози беш миндир³¹.

Гермес

Тўғри айтасан, соқолингни ол!

Файласуф

Ким қирқади?

Гермес

Остонага қўй. Менипп болтаси билан кесар.

Менипп

Гермес, менга аррани берганинг яхши — арралаш қизиқроқ бўлади.

Гермес

Болта ҳам етади. Жуда яхши! Бу эчки соқолингни ташлаб, энди бир қадар одамга ўхшадинг.

Менипп

Қошларини ҳам биров қирқсам яхши бўлмасмикан?

Гермес

220 Албатта! Қошларини пешонасидан ҳам юқори кўтарди, билмадим нима учун у шунча сергакланиб қолди. Бу нимаси? Сен йиғлайсен, аблаҳ, ўлимдан қўрқасанми? Утир қайиққа!

Менипп

Унинг қўлтиғида яна бир оғир нарса яширинган.

Гермес

Нима?

Менипп

Ҳаётида унга кўп хизмат кўрсатган — хушомадчилик.

Файласуф

230 Бўлмаса сен, Менипп, руҳ эркинлигингни, сўз эркинлигингни ташла, ўзингнинг беғамлигингни, асилзодалигингни, кулгингни ҳам ташла: сендан бошқа ҳеч ким кулаётгани йўқ-ку, ахир.

Гермес

Ҳеч бир-да! Сақла уларни: бу нарсалар ҳаммаси енгил, уларни ташиш қийин эмас, аксинча, улар бизга кўлдан сузиб ўтишга ёрдам ҳам беради. Ҳай сен, нотик! Битмас-туганмас сўзга чечанлигингни қўй, бутун анти-тезалар ва такрорлашларингни, узун-узоқ жумлалар ва варваризмларни ва умуман бутун сўз юкларингни ташла.

Боқ, мен ҳаммасини ташлайман.

Г е р м е с

Энди ҳаммаси жойида. Арқонларни еч! Тезроқ кўп-рикни тортиб ол! Лангарни кўтар, елканни ёй! Ташувчи, рулни тўғрила! Кетдик — йўлимиз хайрли бўлсин! Нега йиғлайсиз, аҳмоқлар, айниқса, ҳозиргина соқоли кесилган бу файласуф?

Ф а й л а с у ф

Оҳ, Гермес! Мен жон абадий деб ўйлар эдим.

М е н и п п

250

Алдайди у! Уни қайғуга солган бу нарса эмас.

Г е р м е с

Нимади?

М е н и п п

У ортиқ ҳашаматли зиёфатлардан завқ ола олмаслиги ва ортиқ ҳеч вақт уйдан кечаси яширин, бошини тўнига ўраб чиқиб, бутун ўйин-кулгили уйларни бирмабир кезиб, сўнг эрта билан ёшларнинг бошларини айлантириб, ўзининг донишмандлиги учун пул ола олмаслигига йиғлайди — булар уни қайғиртади.

260

Ф а й л а с у ф

Сен-чи, Менипп, ўлганинг учун қайғирмайсанми?

М е н и п п

Чақирилмасам-да, ажалимни ўзим қарши ола туриб, нега мен қайғирай? Биз бу ерда сўзлашиб турибмиз, унда эса аллақандай шовқун эшитилади шекилли, ерда биров бақиради шекилли.

Гермес

270 Ҳа, Менипп, эшитилиб турибди ва шовқин бир жойдан эмас. Бир жойда халқ йиғин ясаб, Лампих ўлгани учун суюнадилар, куладилар; унинг хотинини хотинлар қамалга олади, болаларини болалар тошбўрон қиладилар. Бошқалар Сикионда Ритор Диофантнинг мана бу Кратонни кўмиш маросимидаги сўзини мақтайдилар. Унда нима? Зевс ҳақиқа олт ичаман, бу Дамасийнинг онаси бир тўп хотинлар билан, шовқин ва фиғонлар орасида жаназа қўшиғини айтадилар. Ёлғиз сенгагина, Менипп, ҳеч ким йиғламайди: сенгина тинч ётибсан.

Менипп

280 О, йўқ, ҳозир мен учун итларнинг қандай қизғанчли увлаганларини, қарғалар мени кўмиш учун йиғилиб, қанот қоққанларини эшитасан.

Гермес

Сен гўзал киши, Менипп. Биз энди манзилга етдик. Сиз нақ шу йўл билан тўғри судга боринг, биз ташувчи билан яна бошқаларни олиб ўтиш учун орқага қайтамиз.

Менипп

290 Сафарингиз хайрли бўлсин, Гермес. Бизга ҳам йўлга тушиш лозим. Нега сиз эзмаланасиз? Барибир: суддан ҳеч ким қутулолмас; бундаги жазолар оғир дейдилар: филдираклар, тошлар, қарчиғайлар. Энди кимнинг қандай ҳаёт кечирганини равшанроқ кўрамиз.

АНТИК РОМАН

ПЕТРОНИЙ

Қай Петроний — император Нерон (милоднинг I асри ўрталарида яшаган)нинг суюкли сарой оғаси, «нафосатшунос» (тарихчи Тацитнинг таъбирича), но-зиклашган, завққа берилган эпикурчи бўлиб, кейинги вақтда императорга қарши фитнада айбланиб, ўзининг қон томирини кесган. «Сатиралар» ёки «Сатирикон» (Ҳажвнома) дейилган катта асарнинг бизга қадар келиб етган парчасининг шу Петронийга мансублиги ҳа-қида энди шубҳа бўлмаслиги мумкин. Бу ҳар нав ҳикоялар аралаштирилган реал — маиший антик давр романидир (кейинги замон ҳикоячилигига таъсир кўрсатган эфеслик хоним тўғрисидаги ҳикоя айниқса мароқлидир). Сақланиб қолган парча воқеа ўрни Неаполга яқин бўлган Кампаниядир. «Сатирикон»нинг сюжети ранг-баранг, «Приап ғазоби» таъқиб қилган, шубҳали репутацияли, жоҳил, паст табақадан келиб чиққан унинг қаҳрамонларининг саргузаштлари фавқу-лодда бепардадир. Автор провинциянинг маданиятдан орқада қолган дархон этилган қулларини масҳара қилади. Бизга қадар сақланган парчанинг кўп қисми бирдан бой бўлиб кетган, маълумоти оз, қўпол, бемағиз, озод қилинган қул Тримальхионнинг жуда зўр зиёфати-ни тавсиф қилишга бағишланган. Тримальхион зиёфат-да ўзининг ҳар нав қўпол қилиқлари ва телбаликлари билан меҳмонларни ҳайрон қолдиради.

Петронийнинг «Сатирикон»и Европанинг турли мамлакатларида яхши танилган, ҳатто Тримальхион зиёфати XVIII асрда Германияда сахнада ҳам қўйилган. Зиёфат тавсифи бизда Валерий Брюсовнинг «Ғалаба меҳроби» романида ўз таъсирини кўрсатган.

1. [Тримальхионнинг образи]

XXXII. Бизнинг эс-ҳушимиз бу гўзал нарсаларда¹ экан, бирдан музыка садолари остида Тримальхионни келтиришди, у кичкина ёстиқчаларда ўтирган эди. Бу манзара бизнинг кулгимизни қистатди. Очиқ-қизил яхтаги остидан у гувала бошини чиқариб, даккам-дуккам осилиб турган шокилални қизил шарф билан бўйинни ўраб олган эди. Сўл қўлининг жимжилоғида ялатилган катта узук, отсиз бармоғининг сўнгги бўғинида, афтидан, темир юлдузчалар қадалган соф олтин узук бор эди.

LXXV. Дўстларим, хурсандчилик қилиб ўтиришингизни сўрайман, чунки мен ҳам нақ сиздай эдим. Лекин ўз ақлим орқасида мана шу мавқега эришдим. Одамни одам қиладиган фаросатдир. Бошқа нарсаларнинг бари чақага арзимайди. Яхши сотиб олсанг, яхшилаб сотасан. Эҳтимол бошқалар сизга бошқача гапирар. Мен бахтдан тарс ёриламман. Ҳа, мен сизга айтганимдай, бойликни ўз фазилат ва ахлоқим билан топдим.

Мен Осиёдан келаркан, анов шамдондан катта эмас эдим; ҳатто ҳар кун у билан бўйимни ўлчар эдим; соқолим тезроқ ўссин, деб мен чироқ мойи билан лабларимни мойлардим. Ун тўрт ёшимда бамисли хотин хўжайинимга ёқиб қолдим; бунда ҳеч қандай айб тақилладиган нарса йўқ; хўжайин буйруғи. Бекамизнинг ўзининг ҳам кўнглини олдим. Мен нима деяпман, тушунасизми? Лекин ичимда сақлайман: мен мақтанчоқлардан эмас.

LXXVI. Шундай қилиб, тангриларнинг марҳамати билан мен уйда хўжайин бўлиб қолдим, хўжайинимнинг кўнглини тўлдирдим: Яна нима керак? Хўжайин мени, Цезарь қаторида² меросхўр қилиб қўйди. Мен сенаторлик маликона (вотчина)сини олдим. Аммо инсон ҳеч вақт қониқмас экан: савдогарчиликка ҳавасим ошди. Ҳикояни чўзмаслик учун қисқача айтаман: бешта кемани муҳайё қилдим. Вино юкладим, вино у вақтларда олтин баҳосида юрар эди — Римга жўнадим. Лекин мен жўрттага шундай қилдим, дебми ўйлайсан: ҳамма кемалар фарқ бўлди. Бу уйдирма эмас, факт, Нептун бир

кунда ўттиз миллион сестерций ютиб юборди. Мен руҳан тушдим, деб ўйлайсизми? Эҳе, мен бу зиёндан юзимни буриштирадим ҳам. Ҳеч нима бўлмагандай, мен бошқа кемаларни тайёрладим, уларни яхшироқ, пухтароқ, муваффақиятлироқ юкладим, ҳеч ким мени ожиз одам деёлмади. Биласизми, кема қанча катта бўлса, шунча пухта бўлади. Янадан вино, чўчқа гўшти, ловия, хушбўй нарсаларни, қулларни юкладим. Бу ерда Фортуната³ муқаддас иш қилди: у ўзининг ҳамма қим- 50
матбаҳо нарсаларини, ҳамма безакларини сотиб, менинг қўлимга юз дона олтин танга берди, бу нарса менинг бойлигимнинг моюси бўлди.

Худо хоҳлаган иш тезда юзага чиқади. Биринчи сарфардаёқ ўн миллионни урдим. Дарров ўз вале неъматимнинг илгариги ерларини сотиб олдим. Кичкина уй қурдим. Қулларини, қора молни кўп сотиб олдим; ни-
мага қўл тегисам, у болари уясидай, ўсиб кетаверди. Бутун округдагиларнинг ҳаммасидан ҳам бой бўлгач, 60
қўлимни силкдим: савдони ташладим, ишларимни дарҳон қилинган қуллар орқали юрита бошладим. Мен умуман ҳар қандай ишдан чекилмоқчи эдим, лекин Серапа исмли бир мунажжим грек, ҳақиқатан улвий илҳомга соҳиб бўлган бир одам, қайдандир пайдо бўлиб қолиб, мени бундан қайтарди. У менга ҳамма нарсани айтди, ҳатто мен унутган нарсаларни баён қилди, ишдан тортиб нинасига қадар ҳамма нарсани тўқди; у менинг ичимдагиларни кўра билди; ёлғиз кеча овқатда мен нима еганимнигина айтиб беришга қодир эмас эди. 70
У мен билан бутун умр бирга яшаган, деб ўйлайсан.

LXXVII. Лекин Габинна⁴ менга манов сўзларни айтганда, эсингдами, сен бор эдинг шекилли. «Сен ана шундай бир йўл билан бека хонимингнинг қалбини асир қилдинг. Сен дўст-ёрда бахтсизсан. Ҳеч ким сенга лозимий қадар миннатдорчиликни бажо келтирмайди; сен жуда катта ерларнинг эгасисан; сен ўз кўкрагингда илонни илитасан» .

Мен яна нимани айтиб бермадим? Оҳо, у менинг ўттиз йил, тўрт ой ва икки кун умрим қолганини олдиндан сўйлаб берди. Бундан ташқари, мен тездан мерос оламан. Мана меним тақдирим қандай? Агар мен Апулияда тағин бир катта ер сотиб олсам, у вақт ҳаётимнинг ғояси бажарилган бўлади. Меркурий мени ўз паноҳида сақлар экан, мен мана бу уйни қурдим; эсга 80

олинг: бу бир чайла, энди эса — сарой. Бунинг ичиде тўрт ошхона, йигирмата ётоқ бўлмаси, икки мармар айвонча; юқорида яна ошхона, сўнг менинг ўзимга хос оромгоҳим, мана бу илоннинг⁵ ини, эшик ходими учун энг чиройли бир хўжра, болалар учун бир уй бор.

90 Хулласи калом, Скавр⁶ келганда, ҳамма вақт менинг уйимга қўнади, ҳолбуки денгизга яқин жойда унинг отасининг катта ери бор. Бу уй яна кўп нарсаларга эга,— мен ҳозир сизга кўрсатаман. Менга ишонинг сенда асс⁷ борми — сен ассга арзийсан. Сенда нарса борми—яна бўлажак. Сизнинг дўстингиз нақ шундай бўлди: қурбақа эди, подшоҳ бўлиб қолди.

LXXXVII. Мен қорнимни ўлгидай тўйғизиб олиб, мумкин қадар кўпроқ нарса билиш учун қўшнимга мурожат қилдим. Узоқдан сўз бошлаб, олдинга, орқага югуриб юрган хотиннинг кимлигини билиб олдим. «Тримальхионнинг хотини,— исми Фортуната,— деб жавоб берди қўшниси, ҳовуч-ҳовуч пул билан ўйнайди. Илгари у қандай эди? Сен унинг қўлидан нон олишни ҳам истамас эдинг. Ҳозир эса — ҳеч нимадан ҳеч нима йўқ — кўкка кўтарилибди. Жамики нарса — Тримальхионда! Агар у куппа-кундузи ҳозир қоронғи кеча, деса — Тримальхион ишонади! У қанча нарсаси борлигини ўзи ҳам тушунмайди. У шундай бадавлат! Бу она бўри эса ҳамма нарсани кўради, кутилмаган жойда пайдо бўлади.

110 Сергакдан ўтган сергак, кенгаш берса — олтиндай, лекин тили ачиқ — пар тўшакда ола қарға; кимни суйса севади-қолади, кимни суймаса — уни ҳеч кўролмайди! Тримольхионнинг ерини лочин ҳам учиб чиқолмайди, ақчасининг сон-саноғи йўқ: мана бунда эшик ходимининг хўжрасида ўзга бировнинг хаёлидагидан кўпроқ кумуш бор. Қуллари-чи, қуллари қанча! Уларнинг ўндан бири хўжайиннинг юзини кўрганмикан. Умуман, у манов балбесларнинг⁸ ҳар бирини юмалоқ-ёстиқ қилиб қўяди».

120 LXXXVIII. У четдан ҳеч бир нарса сотиб олмайди (ҳамма нарса унинг уйида етишади: юнг, мурч, померанс), товуқ сутини хоҳласанг, у ҳам топилади. Кўп гапиришнинг нима ҳожати бор? Уйда етишган юнг унга пастроқ кўринибди, у Тарентдан қўйлар сотиб олиб, яйловга қўйди. Ўз уйида Атика асали ҳосил қилиш учун Афинадан болари келтиришга буюрди, ҳа, айтгандай, уй боли ҳам грек хотинлари парвариши орқаси-

да яхшиланиб қолажак; оқ капалак етиштириш учун уруғ юборишни сўраб, яқинда Хиндистонга хат ёзди. Ёввойи эшакдан туғилмаган биронта хачири йўқ. Кўрасанми, қанча ёстиқлари бор! Уларнинг ҳаммасига қизил юнг тиқилган. 130

LXXXIX. Иккинчи дастурхон йиғиштирилиб, ялпи суҳбат бошлангач, Тримальяион, ёнбошлаб, деди:

— Бу шаробни сиз ўртада баҳам кўришингиз керак (хушҳол улфатчилигингиз билан). Балиқ сузади. Сиздан сўрайман: сиз лаганда кўрдингиз овқатга мен қойилманми, сиз қандай ўйлайсиз? «Улиссни сиз шундайми билар эдингиз?» Бу нима демак? Мана нима дегани! Овқат устида ҳам донишманд бўлиш керак. Менинг вале неъматимнинг жасади тинч ором олсин! Одамлар орасида мени инсон қилишни у истади! Бу лаган⁹ кўрсатгани каби, мен учун номаълум ҳеч нима йўқ. Уни икки худонинг макони бўлган осмон бири-кетин ўн икки шакл олади ва ҳаммадан олдин Ови бўлиб қолади. Кимки бу аломат остида туғилса, унинг кўп чорваси, кўп юнги бўлади, боши болут, манглайи ҳаёсиз, ўткир шохлари бўлади. Кўп схоластикачилар ва кўзилар бу аломат остида туғилади. 140

Астрономнинг зарофатига биз мадҳ-сано ўқидик, у 150 эса сўзида давом этди:

— Кейин бутун осмон Жисмча аломати остига ўтади. У вақтда увиллай биладиганлар ва ҳўкиз боқарлар ҳам ўз-ўзларини подага сурувчилар туғилдилар. Эгизлар аломати остида қўшалок отлар, ҳўкизлар ва бир варакай икки деворни сувовчилар туғилдилар. Мен Қисқичбақа аломати остида туғилдим: шунинг учун оёқларим кўп, қуруқликда ҳам, денгизда ҳам бир кўп нарсаларга эгаман. Арслон аломати остида мечкайлар ва мансабпарастлар туғилдилар. Қиз аломати остида аёллар, қочқин қуллар ва маҳбуслар туғилдилар. Тарозу аломати остида қассоблар, атторлар ва бирон нарсани тортувчилар туғилдилар. Чаён аломати остида заҳарловчилар ва одам ўлдирувчилар туғилдилар. Уқ-ёй аломати остида сабзавотга тикилиб, майга чанг солувчи ғилайлар туғилдилар. Тоғ эчкиси аломати остида шундайлар туғилдики, бир кўп фалокатлар соясида уларда шох ўсиб чиқади. Дала аломати остида майхоначилар ва қовоқбошлар туғилдилар. Балиқ аломати остида ошпазлар ва фасохат арбоблари туғилдилар. 160 170

Шундай қилиб, коинот тегирмон тоши каби айланиб туради ва ҳар бир он қандай бўлмасин, бир қабоҳат келтиради, чунки ҳар онда бир кимса ё ўлади, ёки туғилади. Мана сиз ўртада чим (дернина) ва унинг устида боларининг иинни кўриб турасиз, бу нарса ҳам бесабаб эмас: она ер ўртада тухумдай юмалоқ ва худди боларининга ўхшаш унинг ичида ҳам ҳар хил неъматлар бўлади.

180 XLVIII.— Муҳтарам Агамемнон¹⁰,— давом этди Тримальхион,— сенга ўтинаман, яхшиси сен Улисснинг дарбадарликларини, унинг бармоғини Полифем амбур билан қандай узиб олганлигини бизга айтиб бер¹¹, ё бўлмаса Геркулеснинг ўн икки баҳодирлик ишини сўйлаб бер. Мен болалик чоғимдаёқ бу нарсаларни Гомерда ўқиган эдим.

LIX. Агар биз янадан дилкашлик қилсак ҳам гомеристларни¹² томоша қилсак, яхши бўлар эди.

190 Худди шу вақтда найзаларини қалқонларига уриб янгратиб, бир тўда гомеристлар кириб келди. Тримальхион ёстиқларини қалаштириб ўтириб олди, гомеристлар ўз одатларича такаллуфсизлик билан грек шеърларини ўқишар экан, у лотинча текстни оҳанг билан ўқиди. «Сиз биласизми, улар нимани кўрсатаётирлар?— деб сўради у жимжитлик бошланганда.— Бир бор экан, бир йўқ экан, Диомед ҳам Ганимед деган икки ака-ука ва уларнинг Елена деган ҳамшираси бор экан. Агамемнон уни олиб қочиб, Дианага қурбонликка атаб келтирган экан. Трояликларнинг парентияликлар билан уруши ҳақида Гомер бизга шундай дейди. Албатта, Агамемнон енгилган ва ўз қизи Ифигенияни Ахиллга берган: бундан Аяке савдойи бўлиб қолганки, буни ҳозир сизга кўрсатадилар...»¹³.

200 XLIX. Тримальхион сўз сотишда ҳали тўхтамаган экан, бутун столни банд этган ва жуда катта бир чўчқа солинган лаганни ўртага қўйдилар. Биз овқатнинг тез тайёрланганига таажжубландик ва ҳатто оддий бир хўрозни ҳам бундай тез пишириш мумкин эмаслигига онг ичдик, ҳолбуки, бу чўчқанинг катталиги ҳалигина столда турган ёввойи чўчқадан ортиқ эди. Лекин Тримальхион чўчқага диққат билан боқиб-боқиб, бирдан қичқириб юборди. «Бу қандай гап? Чўчқанинг қорни тозаланган эмасми? Худо ҳақи, қорни тозаланган эмас! Чақир, чақир бу ерга ошпазни!». Хафа бўлган ошпаз

стол ёнига келди ва чўчқанинг қорнини тозалашни унутганлигини айта бошлади. «Қандай унутдинг?— деб Тримальхион бақирди.— Муруч ёки зира сепишни унутган эмиш-а, мановини қара. Унинг эгини ечиш керак!». Тезда ошпазни ечинтирдилар, у қайғули тус олиб, иккита қийновчининг ўртасида турди. Ҳамма ундан ошпазни кечеришни ўтина бошлади: «Бу ҳар вақт бўлиб турадиган бир нарса; уни қўйиб юборишингизни сўраймиз; агар у яна шундай иш қилса, у вақтда ҳеч биримиз унинг ёнини олмаймиз». Фақат менгина қонқмас золимликнинг жўшқинини тўхтатолмадим, энкайиб, Агамемноннинг қулоғига шивирладим: «Маълумки, қул — аҳмоқликнинг уччига чиққани бўлади! Чўчқанинг қорнини тозалашни унутиш нима деган гап? Агарда у ҳатто балиқни шундай расво қилган бўлса эди, мен уни кечирмаган бўлар эдим». Лекин Тримальхион кулиб юборди ва шундай деди: «Қани, сенинг эсинг шундай ёмон бўлса, бизнинг кўз олдимизда бу чўчқани тозалаб қўйчи». Ошпаз узун жомасини кийиб, пичоқни қўлга олди ва қалтироқ қўллари билан чўчқанинг қорнини бу ёқдан, нариги ёқдан ёрди, қондан иборат қовурилган қазилар ўз оғирликлари орқасида ҳали ёрилган жойдан ағдарилиб туша бошладилар.

Л. Бу ҳазил бутун хизматкор аҳлини чапак чалдирди; улар ўз хўжайинини «Бахтиёр бўлинг!» деган хитоблар билан олқишладилар. Ошпазни ичкилик ичиш билан шарафладилар, унга кумуш гултож ва Коринф тунжидан ясалган лаганда қадаҳ тақдим этдилар.

2. [қистирма ҳикоя намунаси—„ЭФЕС ХОНИМИ“]

СХ. Хавф-хатарлар ичида бизни ҳар вақтги мудофимиз ва ҳозирги ялпи аҳилликни яратувчи Эвмоп¹⁴, қизиқ ҳикоялар айтилмаса, бизнинг кайф чоғлигимиз сўниб қолишидан қўрқиб, хотинларнинг фикри енгиллиги, уларнинг севгига қандай ўч эканликлари, ҳатто ўз ўғилларини ҳам улар тез унутиб кетишлари мавзун устида эзмалик қилишга киришди, дунёда шунчалик маъсума ва исматли бир аёл йўқки, уни янги эҳтирос телбалик даражасига олиб боролмасин, деди у; қадимги трагедиялардан ёки тарихда маълум бўлган исмлардан мисол келтиришни асло ўйламайди, лекин биз унинг гламоқни истасак, унинг эсига келган бир мароқли воқеани айтиб бериши мумкинлигини у арз қилди. Мана, ҳамма юзини унга қараб бурганлигини ва тинг-

лашга тайёр эканини кўриб, Эвмолп шу равишда бошладн:

- СХІ. Эфесда бир хоним яшар эди, у шундай улуг
- 26) исмати, маъсумалиги билан машҳур бўлган эдики, ҳатто уни кўргали қўшни мамлакатлардан аёллар келишар экан. У хонимнинг эри ўлгач, сочларини ёйиш, ҳамманинг кўзи олдида кўкрагини чок қилиб уриб, ўликни кузатиш каби халқ одатига қаноатланмай, ўлган эрининг орқасидан ҳатто қабрга борди ва грек одатига мувофиқ жасадни сағана ичига қўйганларидан сўнг хоним ўз эрини қўриқлаш учун у ерда қолди, кўз ёшларини тўкиб, кундузлари ва тунларини у ерда ўтказиб бошладн. У шундай даҳшатли қайғу ичида ўзини очлик билан ўлдиришга жазм қилди, на ота-онаси, на қариндошлари уни бу қарордан воз кечира олмадилар. Ҳатто шаҳар ҳокимлари ҳам ҳеч бир натижа чиқаролмай қайтганлар. Бу аёлга, ўз эрига муҳаббатнинг бу ягона тимсолига қараб, ҳамма йиғлаган. Ҳеч қандай овқатни қўлга олмай, у энди бешинчи кунни ўтказар эди, унинг содиқ чўриси қайғуланиб у билан бирга эди. Чўри кўз ёшларини қуя-қуя, ўз бекасининг дардига ўртоқлашар ва қабр тошига қўйилган шамнинг сўна бошлашини кўрган ҳамон, уни тўғрилаб қўяр эди. Шаҳарда ҳамманинг оғзида шу хоним эди. Барча мансаб ва табақага мансуб одамлар шу эътиқодга келдиларки, уларга ҳақиқий ишқининг ва вафокорликнинг порлоқ тимсолини биричи мартаба кўришга тўғри келди.
- 280

- Лекин нақ шу вақтларда у вилоятнинг ҳокими, ҳали чирмаган жасаднинг устида бева хоним йиғлаб ўтирган сағанадан бир оз нарида, беш ўғрини осншга фармон берган. Осилганларни кўмиш учун ҳеч ким олиб кетмасин, деб дорнинг олдига бир солдатни қоровул қилиб қўйганлар. Бу солдат кеч бўлиши билан қабр обидалари ўртасида анча ёрқин бир нурнинг қуйилаётганини кўрди, бахтсиз беванинг фарёд-фиғонини эшитди, бутун одамзодга хос бўлган бир қизиқсиниш билан солдат у ким эканини ва нима қилаётганини билишни истади. Мана, у сағана ичига пастга тушди, бунда ажойиб соҳибжамол бир аёлни кўриб, гўё аллақандай мўъжиза қаршисида қолган каби, гўё охиратдаги арвоҳларга дуч келган каби, олдин саросимада туриб қолди. Сўнг, олдида ётган ўлик жасадини кўргач, аёлнинг кўз ёшларига ва унинг тирноқлари билан тимдаланган
- 290

юзига яхшилаб қарагач, у, албатта, аҳволни тушунди, 330
бу аёл ўз эрининг ўлимидан сўнг қайғудан таскин топа
олмаганини билди. У вақт солдат ўзининг содда ов-
қатини сағана ичига олиб келди ва бекорга изтироб
чекмасликни, бефойда фарёдлар билан ўз кўксини доғ-
ламасликни айтиб, йиғлаб ўтирган хотинни юпатишга
киришди. Ҳаммани бир оқибат кутиб туради, деди у,
ҳамма учун айни бир маскан тайёрланиб қўйилган.
У кучли изтироб кечириб турган одамларни юпатиш
учун одатда айтиладиган яна бир кўп бошқа нарсалар-
ни сўзлади. Лекин бегона одамнинг юпатишлари таъ- 310
сирида у ўз кўксини аввалгидан кучлироқ тирнашга, ҳам
бошидан сочларини юлиб, уларни ўликнинг кўкрагига
ташлашга бошлади. Аммо солдат ўз гапиде қаттиқ
турди ва овқатдан озгина татинишни бечора бевага яна
ҳам ишонтирарлик қилиб таклиф этди. Шароб ҳиди
билан чўрининг кўнгли беором бўлиб, солдатнинг муло-
йимлик билан қилган таклифига ортиқ қариниллик кўрса-
толмаслигини, ниҳоят, сизди ва ихтиёрига бўйсунмаган
қўлини овқатга дастлаб ўзи узатди. У овқат ва шароб
билан ўз кучларини тетиклаб олиб, ўз бекасининг ўжар- 320
лигини синдириш учун курашди. У деди: «Агар очлик
билан ўлсанг, агар сен ўз-ўзингни тириклайин ерга кўм-
санг, агар тақдиринг талаб қилмасдан олдин, сен гуноҳ-
сиз руҳингни таслим этсанг, бундан нима фойда чиқади!
Ўлган кўлкалар ва кул сенинг фиғонингни эшитади, деб
гумон қиласанми? Сен яна тетиклансанг, яхши бўлмай-
дими? Агар сен аёлларча гумроҳлигингдан воз кечиб,
тақдир сенга имкон берар экан, ҳаётнинг ноз-неъматла-
ридан аввалгидай завқлансанг, бу яхши бўлмайдими?
Бу ётган жасаднинг кўринишиёқ сени яшамоққа ишон- 330
тириши керак». Агарда овқат ейишга ва яшашга таш-
виқ этилса, ҳар қандай одам ҳам берилиб тинглайди.
Овқатдан шунчалик узоқ вақтгача қўл тортган ва
жуда тинкаси қуриган бизнинг бу бевамиз ҳам, ниҳоят,
матонатини синдиришга кўникди ва биринчи мартаба
таслим бўлган чўрисен каби, айни очкўзлик билан ов-
қатга ёпишди.

СХII. Кўпинча тўқлик бизни қандай йўлларга судра-
шини, албатта, сиз биласиз. Хонимни тирик қолишга
кўндира олган ҳалигидай ёқимли, эркаловчи сўзлар 340
билан солдат унинг уят-ҳаёсига ҳужум қила бошлади.
Бундан ташқари, солдат бу исматли маъсума аёлга

асло хунук бўлмаган ва ҳатто сўзлаш қобилиятига эга бўлган бир ёш йигит бўлиб кўринди. Ҳа, чўри ҳам ўз бекасини бу солдатга мойил қилишга тиришди ва ҳар йўл билан шу сўзларни такрорлаб турди:

«...Кўнглинг тилаган муҳаббатни рад қилишинг мумкинми? Кўз олдиндаги далалар кимники эканини ёки билмайсанми?»¹⁵.

- 350 Лекин ортиқча изоҳлаб ўтиришга ҳожат борми? Аёл бу жиҳатдан ҳам тамом мағлуб бўлди; голиб жанговар уни у жиҳатдан ҳам, бу жиҳатдан ҳам ишонтирди. Улар ўз тўйларини қилдиқлари бу кечанигина қучоқлашишда ўтказиб қолмадилар, балки эртаси ва индини ҳам худди шундай ишратда бўлдилар; танишдан ёки бегоналардан бирон киши қабрга келиб қолса, энг исматли — боадаб хотинлардан бўлган бу хоним ўз эрининг жасади устидан жон берибди, деб ўйласин деган андиша билан сағананинг эшикчасини маҳкам ёпиб қўйдилар. Севги-
- 360 лисининг гўзаллигига ва можаронинг сирли эканлигига ортиқ берилган солдат, ўз ҳолига яраша, ҳар кун турли ширинликлар сотиб олиб, қоронғи тушиши билан сағананага олиб келаверди. Бу вақт осилганлардан бирининг қариндошлари, уларни ҳеч ким пойламаганини кўриб, кечаси ўз одамининг жасадини дордан ечиб олиб, дафн этишди. Бутун кечани сағана ичида ўтказган солдат дорда бир жасад камлигини фақат эртаси кун сезиб қолди. Жазо қўрқувсидан қалтираб, бўлган воқеани бева хонимга айтиб берди, суднинг ҳукминини кутмасли-
- 370 гини ва ўз қилмиши устидан ўз қиличи билан ҳукм чиқаришини гапирди; у ўлгандан кейин унинг жасадини шу сағанада қолдиришни хонимдан сўради ва эри билан бир қаторда ўз ошиқини ҳам мана шу машъум қабрга қўйишни илтимос қилди. Исматли — боадаблиги қадар раҳмдил ҳам бўлган хоним жавоб берди: «Мен учун энг азиз бўлган икки одамнинг ўлимини бир вақтда кўришни тангри кўрсатмасин! Тирикни ҳалок этишдан кўра, ўликни осини афзал кўраман».
- 380 Бунга мувофиқ у ўз эрини қабр ичидан олиб чиқиб, бўш дорга чамбарчас боғлаб қўйишга маслаҳат берди. Муҳокамали аёлнинг бу порлоқ фикридан солдат дарров фойдаланди. Улик қандай қилиб дорга чиқиб олганига эртаси кун ҳамма ўткинчилар таажжубландилар.

АПУЛЕЙ

Люций Апулей — милоднинг II асрида яшаган императорлик Римининг машҳур ёзувчиси. У Шимолий Африкада Мадавр шаҳрида 125-йилга яқин туғилди, зодагон уруғига мансуб эди.

Апулей Карфагенда¹ порлоқ таҳсил кўрди, Грецияда, Шарқда, Италияда кўп саёҳат қилди. Апулей ритор — софист, файласуф шоир эди, ҳатто уни (айниқса у ўлгандан сўнг) сеҳргар, афсунчи деб ҳисоблаганлар. У ўзини бутун адабий жанрларнинг мастери деб билар 10 эди. Унинг риторик декламациялари («Гулзор»), унинг «Апология»си (афсунчиликда айбланиши муносабатига ҳимоя нутқи), фалсафий асарлари сақланиб қолган.

Апулей ўзининг бизгача етиб келган «Метаморфозалар» («Тур ўзгартишлар») ёки «Олтин эшак» (11 китобдан иборат) номли романи билан дунё адабиётида шуҳрат қозонгандир. Бу романининг қаҳрамони коринфлик грек Люций Фессалияда эшак қиёфасига кириб қолади ва Изида² деган илоҳанинг ёрдами билан янгидан инсон шаклига киргунча, эшак ҳолида ҳар хил оғир можа- 20 роларни бошидан кечиради. Бу сюжет рамкасига 12 та ҳикоя киритилган; улардан Амур ва Психея ҳақидаги ҳикоя-эртақ берилади (тубанга қаранг). «Метаморфозалар» («Тур ўзгартишлар») асосида Апулей томонидан қайта ишланиб чиқарилган грек ионик ҳикояси ётади.

Кейинчалик «Метаморфозалар» катта шуҳрат қозонди, китобнинг кейинроқ келиб чиққан иккинчи номи «Олтин эшак» бу билан изоҳланади, лекин Европада айниқса севилган ҳикоя Амур ва Психея ҳақидаги ҳикоя-эртақдир. 30

Сўз боши

[Романининг қаҳрамони Люций ўзини
ва ўз ҳикояларини ўқувчига тавсия қилади.]

I китоб. 1. Сенга Милет тарзида ҳар хил масаллар тўқини учун ҳикояга киришаман³, сенинг лутфкор қулоғингни ёқимли ширин тил билан завқлантираман; агар сен Ил қамишнинг ингичка учи билан ёзилиб ташланган Миср қоғозига боқишга эринмасанг, одамларнинг бошқа шаклларга киришларини ҳам уларнинг янадан аввалги ҳолатга қайтишларини кўриб, таажжубда қоласан. Қулоқ сол, ўзимнинг кимлигимни калта қилиб айтиб бераман.

Атика Гиметти, Эфирей ва Спарта барзахи каби бахтиёр ерлар ажойиб китоблар билан шуҳрат қозониб, мангу қолганимга сабабчи бўлган меним қадимги юртим — бешингим эди. Мен болалигимда улардан Атика шеvasини мукофот олдим. Тезда мен Лациум пойтахтига⁴ келдим; ҳеч қандай муаллимда ўқимасдан, мен 20 маҳаллий тилни жуда зўр қийинчилик билан ўрганиб олдим.

Мана шунинг учун меним қўпол ҳикоямда ажнабий ва авомга хос ифодалар учраса, ранжимасликни ҳаммадан аввал ўттишаман. Аммо услубдаги бу қаршилик олдимизда турган тур ўзгартишларга мос тушади. Грек масалани бошлаймиз. Тингла, китобхон, бироз хурсанд бўласан.

[Люций эшакка айланади.]

30 [Фессалияда бир соҳиранинг хизматкор қизи Фотида Люцийни қушга айлантиришни истаб, сирли май солинган қутичаларни чалкаштириб юборди-да, уни эшакка айлантириб қўяди. Ҳайрон бўлиб қолгач, япадан инсон шаклига ўта олмаслигидан дастлаб Люций кўрқади. Фотида уни юпантиради.]

III китоб. 23. «Бу тўғрида безовта бўлма,— деди у.— Ҳайвонларни янадан инсонга айлантира биладиган воситаларни менга бекам муфассал кўрсатган. Сен ўйламаки, бу нарсани у менга қандайдир алоҳида мурувват қилганидан ўргатган, деб: у уйга қайтган вақтда мен унга керакли ёрдам кўрсатиб туришимни истади. Асли-

ни сурштирсанг, бу муҳим нарса қандай олди ва ар- 40
зимас кўкатлар билан муяссар бўлади: булоқ сувида
увитилган озгина укроп ва лавр янроқлари; бу нарса-
дан ювиш ва пчириш сифатида фойдаланадилар».

24. Бу таълимни бир неча мартаба такрорлаб, у
бутун титраган ҳолда уй ичига отилди ва бир яшикчани
чиқарди. Мен уни қўлга олиб, у менга масъуд учинлар
насиб этиши учун дуо ўқиндан олдин ундан ялаб, эг-
нимдан кийимларни ечиб ташлайман ва унга очкўзлик 50
билан қўлимни солиб, озгина мой олиб, у билан бутун
аъзоларимни ишқалайман. Павбат билан қўлларимни
силкиб ва мувозанатни сақлашга чалишиб, қушларнинг
ҳаракатларига тақлид қиламан,— лекин, ҳеч қандай
пар, ҳеч қандай пат йўқ, фақат менинг тукларим юнгдай
йўғонлашади, теримнинг майинлиги дағаллашиб, пўс-
такка айлана бошлайди ҳам оёқ қўлларимнинг бармоқ-
лари бирланиб, бир бутун туёқ ташкил этадилар, орқа
суягимнинг учиди катта дум ўсиб чиқади. Ортиқ юзим
ҳам жуда катта, оғзим қулоқларимга етади, бурун
катаклари очилиб қолган ва лаблар осилиб ётади, бу-
нинг устига юнг қоплаган қулоқлар ҳаддан ошиқ дара- 60
жада юқори кўтарилади. Ўзимнинг бундай фалокатли
тур ўзгартишимда, гарчи мен Фотидани эгаллаш имко-
ниятидан маҳрум бўлишимга қарамай, меним эрлик
олатим катталашганини ҳисобга олинмаса, мен ҳеч бир
яхшилик кўрмадим.

25. Шундай ноилож бир вазиятда мен ўз гавдамнинг
барча қисмларига назар солиб, ўзимни қуш эмас,
эшакка айланганимни кўраман; рўй берган бу воқеа
учун Фотидага шикоят қилишни истадим, лекин инсо-
ний ҳаракатлардан ва шунингдек товушдан маҳрум 70
бўлганимдан, фақат шунигина қила билдим: пастки
лабимни чўзиб, ҳали ҳам намли кўзларим билан қиё
боқиб, Фотидага жимгина ялиндим. Фотида эса мени
бу шаклда кўрган ҳамон қўллари билан ўз юзини қат-
тиқ урди ва қичқирди: «Мен битдим, шўрим қурсин!
Ҳаяжоним ва шошқоқлигим мени янглиштирган, қути-
чаларнинг ўхшашлиги ҳам мени хатога солган. Яхшики,
бундай ўзгаришга қарши восита топилади. Агар сен
гулларни чайнасанг,— у вақт эшак шаклидан чиқиб,
янадан менинг Люцийимга айланасан. Нега кечқурун 80
мен, одатимча, озгина бўлсин гулдаста келтирмаган-
ман — сен бир кеча ҳам кутиб ўтирмас эдинг! Майли,

тонг сал ёриши билан мен сенга дарров дорн келтираман».

26. У шундай қайғирди, мен эса, гарчи ҳақиқий эшакка айланиб қолган бўлсам-да, Люцийдан юк ташувчи ҳайвонга айланган бўлсам-да, леккин инсон ақлини сақлаган эдим.

АМУР ВА ПСИХЕЯ ҲАҚИДАГИ НОВЕЛЛАДАН

- 90 [Бу катта, айрим жойлари юксак бадний новелла — эртақда ишқий эҳтирос худоси Амурнинг ўзи инсонлардан бўлган гўзал Психеяни қандай севиб қолганлиги ва бир кўп узун ва мушкул воқеалардан сўнг улар кўкда қандай қилиб инкоҳланганликлари ривоят қилинади. Новелланинг сюжет схемаси — учрашув, севишганларнинг айрилиши, уларнинг қатъий қовушмаси — бу даврнинг грек-эротик романидаги схемага ўхшашдир, ўз мотивлари бўйича бу новелла турли халқларнинг бошқа эртақлари билан жуда яқин алоқадордир. Фақат ўрта асрларнинг мистикларингина эмас, балки афсулчи ва софист Апулейнинг ўзи ҳам сюжетига эҳтимол аллегорик (киноявий) маъно бергандир: Психея — изтироблар орқали тозаланувчи ва Амур билан қўшилиш орқали соф ишққа эришувчи инсон руҳидир (грекча исми ҳам шунини кўрсатади). Кейинги вақтларда бу ажойиб эртақ буюк рассомларни (Рафаэль, Қанов ва бошқалар) ва ёзувчиларни илҳомлантирди. Францияда Лафонтен «Психея» деган трагедия-балет ёзди, бу асар Россияда Богданович учун намуна бўлди («Душенька» номли достон, 1775). Янги поэзияда Валерий Брюсовнинг «Психея» деган шеърини кўрсатиш мумкин.]
- 100

[Венеранинг денгизда кезиши]

- 110 [Одамлар одамзод гўзали малика Психеяга, Венерага топингандан кўпроқ топингани учун аччиқланган Венера Психеянинг элг паст ва аянчли одамни севиши учун чора кўришни ўз ўғли Амурдан сўрайди.]

- 120 *IV китоб, 31.* Шундай деб ва бироз очиқ дудоқлар билан ўз ўғлини яхшилаб ўпиб, Венера тошқин денгиз соҳилига боради; у гулдай нафис оёқларини чайқалувчи тўлқинлар юзига эндигина қўйиб, тўлқинларнинг қиррасига ўтириб, орзу этдиги ондаёқ, гўё аввалдан ҳозирланиб қўйилган каби, бир пастда денгиз маияти кўринди: бу ерда хор билан куйловчи Нерея қизлари⁵, паришон ложувард соқолли Нортун⁶, кўкрагида оғир балиқлар билан Салация⁷ ва дельфинларнинг кичкина аравачаси Палемон⁸ бор эди, мана денгиз ичидан бир тўда тритонлар сакраб чиқадилар, улар садоли чиғаноқларни майин чаладилар; бири қуёшнинг зарарли яллиғидан сақлаш учун шоҳи рўмолини чодир қилади,

иқкинчиси ўз бекасининг кўзларига ойна тутати, баъзилари қўш уловли араваларда сув бетиде сузадилар. Океанга кетаётган Венерани шундай маият кузатиб боради.

[Психея Амурнинг ажойиб саройида]

130

[Психея учун куёв топилмаганидан ташвишланиб, Психеянинг отаси бу ҳолини сўрамоқ учун Аполлоннинг қоҳини (оракул)га боради. Оракул Психеянинг эри одамзоддан бўлмаслигини ва Психеяни дафи-жаноза кийимлари билан ясантриб, юксак қоя устига ўтқазиб қўйиш кераклигини каромат қилган. Унинг ота-онаси худонинг продасини бажаришди, лекин енгил Зефир (шамол худоси) уни қоядан учириб, чаманзорга келтиради.]

V китоб. Майин, чаман билан қопланган майсаликка, шабнамли ўтлар оғушига келиб қолган Психея, туйғуларда рўй берган бундай тез ўзгаришдан кўнгли тинчиб, лаззатланиб ётади. Уйқи билан анча тетикланиб, юпаниб ўрнидан туради. Катта, қалли дарахтлар билан қопланган оғочликни кўради, садаф мавжлар билан ўйнаб оққан булоқни кўради, ёғочликнинг ўртасида, булоқнинг манбаларига яқин бир жойда, инсон қўли билан эмас, балки илоҳий бир санъат билан бино қилинган сарой кўринади. Сен у ерга қадам қўйишинг биланок сенинг қаршингда қандайдир бир тангрининг ёруғ ва гўзал маскани турганлигини билиб оласан. Уйнинг кедр ҳам фил тишидан моҳирона ишланган тоқилик шипини олтин устунлар тутиб туради, барча деворлар ҳайвон расмлари солинган босилма кумуш билан қопланган ва ҳайвонларнинг тасвирлари шундай жонлидирки, гўё у ҳайвонлар уйига кирувчи кишиларнинг қаршисидан келаётгандай. Оҳ, ҳақиқатан ажойиб инсон у, албатта, ярим худо ёки ҳақиқий худодирки, кумуш китлада ҳайвонларни юксак санъатнинг бутун нозиклиги билан тасвирламиш! Қимматбаҳо тошнинг кесик парчаларидан ясалган пол ҳам ҳар нав картиналарни жилвалантиради. Бу қимматбаҳо тошларга қадам қўйиш насиб бўлганлар чиндан-да бахтлидирлар, қўшақўша ва ҳаддан зиёда хушбахтдирлар! Энига ҳам, бўйига ҳам катта бўлган бу уйнинг бошқа қисмлари ҳам таърифга сизмас қимматбаҳодир: барча деворлар шунча кўп олтин билан қопланганки, агар қуёш нур сочишдан воз кечса эди, сарой бу олтинларнинг порлаши билан ўзи учун кундуз ярата олар эди; ҳар бир хона, ҳар

бир галерея, ҳатто ҳар бир эшик ёндори порлайди
Бошқа жиҳозлар ҳам уйнинг азаматига лойиқ эди, улуғ
170 Юпитер бу самовий саройларни бандалар билан суҳ-
батлашув учун яратган, деб чиндан-да ўйланилса бўлди.

2. Бу манзилнинг нафислиги билан диққати жалб
этилган Психея унга яқин келади, бироз дадиллик би-
лан остонага қадам қўяди ва тез орада бу энг гўзал
қасрнинг бутун тафсилотини зўр ҳавас ва диққат билан
томоша қилади, уйнинг нариги томонида бўлган, зўр
санъат билан бино қилиниб, жуда кўп бойлик тўпланган
хазинани қараб чиқди. Дунёда ҳеч нима йўқки, у ерда
180 бўлмасин. Таажжубланиш мумкин бўлган шунча бой-
ликлардан ташқари, ҳаммадан кўпроқ таажжубланти-
радиган шу нарса эдики, бутун дунёнинг хазинаси ҳеч
қандай занжир билан, ҳеч қандай қулф билан, ҳеч қан-
дай посбон билан қўриқланмас эди. Психея буюк завқ
билан буларга қараб юрар экан, инсон товушига ўхша-
маган бир товуш аллақайдан унинг қулоғига эшитила-
ди. У товуш дейди: «Бека, сен шунча бойликларга тааж-
жубланасанми? Буларнинг барчаси сеники! Ётоқ бўл-
масига кир, тўшакда ётиб истироҳат қил, ҳордиқ чиқар,
хоҳлаган вақтингда чўмилтиришни буюр. Биз, товушла-
190 римизни эшитдигнинг махлуқлар, сенинг канизакларинг-
дирмиз, сенга содиқ хизмат учун қўйилганмиз, сен ўз
пардозингни битирган онда ноз-неъмат билан тўла даст-
турхон муҳайё бўлади.

3. Таангри ҳимояси остида эканлигини билиб, Психея
ўзини масъуд ва саодатли ҳис этди, кўринмас товуш-
нинг кенгашини тинглаб, у дастлаб ухлади, тезда ван-
нада чўмилиб, сўнгги ҳордиқларини тарқатди ва ҳозир
ўз олдида пайдо бўлиб қолган ярим доира шаклидаги
столни кўриб, дастурхондаги идиш-асбобларга қараб,
200 бу нарса уни зиёфатлаш учун тайёрланганига ҳукм эт-
ди-да, истак билан емоққа бошлади. Болдан ясалган
шароблар, турли-турли таомлар солинган бир талай
лаганлар дарҳол берилади, ҳеч қандай хизматкор йўқ,
таомларни гўё аллақандай шамол учириб келтиргандай
бўлади. У ҳеч кимни кўра олмади, фақатгина товуш-
ларининг янграшини эшитди ва ўз хизматлари учун
фақат товушларга молик эди. Ҳашаматли зиёфатдан
кейин кимдир кўринмасдан кириб келди ва куйлади,
бошқа бири соз чалиб юборди, у созни ҳам кўрмади.

Шу чоқда куйловчи кўп товушлар Психеянинг қулоғи- 210
га етди, гарчи одамлардан ҳеч бири кўзга кўринмаса-
да, бу хор экани равшан эди.

4. Уйин-кулги тамом бўлгандан сўнг оқшом қорон-
гисига тая бериб, Психея уйқуга кетади. Қоқ ярим кеча-
да аллақандай енгил бир сас унинг қулоғига етади. У
шундай хилватгоҳда ўз бокиралиги учун хавфга тушди,
нима қилишини билмайди, уни қўрқинч қоплайди, қан-
дай бўлмасин бир офатдан қўрқади ҳам у офат унга
номаълумлигидан, қўрқувси ошади. Лекин энди сирли
қаллиқ ётоққа кириб келди ва Психеяни у ўзига хотин 220
қилди ва қуёш чиқмасдан олдин шошиб-пишиб чиқди-
кетди. Ётоқ бўлмасида кутиб турган кўринмас канизак-
лар бокиралиги йўқотилган келинчакни меҳрибончилик
билан дарҳол қуршаб оладилар. Узоқ замон шундай
давом этди. Табиатнинг қонунларига мувофиқ одатла-
ниш орқасида ётиш унинг учун лаззат бағишлайди ва
номаълум товушнинг янграши ёлғизликда Психеяни
юпантиради.

[Психеянинг ҳамширалари эрининг афтига ёруғда қарагил деб 230
ундасалар, уларнинг кенгашларига қулоқ солмасликни Амур Пси-
хеяга уқтиради. Лекин Психеянинг ҳамширалари унинг бахтига
ҳасад қилганларидан сенинг эринг катта заҳарли бир илон, агар
сен уни кечаси ўлдирмасанг, у сени еб қўяди, деб Психеяни қўрқи-
тадилар. Психея ўзининг сирли эри ким эканини билишга ва агар
ҳамширалари ҳақли бўлса, уни ўлдиришга жазм қилади.]

V китоб, XXI боб. Психеяни азоб-уқубатга солувчи
душман фурияларни (қасос илоҳаларини) ҳисобланма-
са, Психея ёлғиз қолган эди. У, жўшқин денгиз каби
тўлқинланади, у ўйлаб қўйган нарсасини бажаришга
қаттиқ жазм қилган бўлса-да, лекин бу жиноятни амал- 240
га ошириш олдида у ҳар ҳолда шубҳаланади, тараддуд-
ланади ва ўз бахтсизлиги орқасида уйғонган ҳар хил
руҳий кечинмалар билан азобланади. У шошади, яна
кейинга қолдиради, жазм қилади, қалтирайди, ўз-ўзига
эътимод қилмайди, аччиқланади ва ҳаммадан даҳшат-
ли шу нарсани, у биргина гавдада тажассумланган
ийртқич ҳайвондан нафратланади ва эрини севади.
Оқшом бўлиши билан у зўр шошқалоқлик билан куфр-
ли жиноятни тайёрлайди. Кеч бўлди, эри келди, у сев-
ги ўйинлари билан ҳориб-чарчаб, энди қотиб ухлаб 250
қолди.

XXII боб. Жисман ҳам руҳан умуман заиф бўлган,
лекин тақдирнинг золимлиги билан тетикланган Психея

куч-қувватини тўплайди, лампани ёқади ва пичоқни маҳкам ушлаб олади, у гўё ўз жасорати билан ўз жинсини ўзгартгандек бўлади. Лекин чироқ нури сирли ётоқни ёритган онда Психея энг ҳалим, энг ёқимли кичик бир махлуқни, чиройлик бир вазиятда ётувчи энг гўзални, тангри Купидоннинг ўзгинасини кўрди; унинг жамолидан ҳатто чироқ ҳам равшанроқ ва нашъалироқ порлаб кетди, ўткир ва худога қарши кўтарилган пичоқ ҳам равшанроқ чақнади... Бу манзарадан чўчиб кетган Психея ўзини туголмай, ранги-рўйи оқариб, титраган ҳолда тиз чўқади ва пичоқни беркитишга, лекин ўз кўкрагида яширишга тиришади... Агарда пичоқ бундай жиноятдан қўрқиб, унинг кучсиз қўлларидан сиргилиб чиқиб кетмаса эди у, албатта, буни бажарган бўлар эди. Нашъали ҳислар билан ҳорғинлашган, заифланган Психея ўз эрининг улвий юзининг гўзаллигига борган сари кўпроқ севиб қарайди ва ортиқ ўзига келади. Психея унинг амброзия⁹ суртилган олтин мўйларини, сутдек оппоқ бўйнини, унинг анордай юзларини, баъзилари, олдинга, баъзилари орқага ташланган ва жуда чиройли осилиб тушган паришон кокилларини кўрдики, бу сочларнинг ўткир порлашидан ҳатто чироқнинг ёлқини ҳам сўна бошлайди. Бу париллаб учувчи тангрининг ўмузларида ёрқин чақноқлик билан шабнамланган кичик қанотлар порлар эди, гарчи у қанотлар сокин турсалар-да, энг учдаги нозик ва майин патлар титрар ва нотинч ўйноқлар эди. Тангрининг бутун кичик жуссаси майин ва гўзал эди, шундайки, Венера уни гуғишда ўксина олмаган. Ётоқнинг этагида улуғ тангрининг беозор қуроллари — ёй, ўқдон ва ўқлар ётар эди.

280 **XXIII боб.** Ўсиб борган бир мароқ билан Психея бу нарсаларни қўлга олади ва эрининг қуролига таажжуб қилади. Мана, у ўқдондан бир ўқни олади ва ҳозир ҳам титрамоқда бўлган бармоғи билан у ўқнинг учини синаб кўрар экан, ўқ бармоғига чуқур санчилиб кетди ва пушти ранг майда қон томчилари тишга тепди. Шундай, Психея ишқ тангрисининг ишқ тузоқларига, ўзи беҳабар бўлган ҳолда, тушиб қолди! Энди у эҳтирос тангрисига бўлган эҳтироси билан борган сари кучли ўртаниб, унга эгилади, кўзлари билан уни қучади ва дарров унга ёлқинли, шўх ўпишларни ёғдиради, айни вақтда унинг уйқисини бузишдан қўрқади. Психея шундай бахтдан

ўзини тутолмай, ҳаяжонда бўлган вақтда, чироқ, ёмон вафосизлик натижасидами, ёки манхус ҳасадданми, ёки ўзи ҳам шундай гўзал баданга қўл тегизишни ва уни ўпиб олишни кучли орзу қилгани учунми,— чироқ тангрининг ўнг елкасига бир томчи қизгин май томизди... Бадани куйган тангри сапчиб турди ва Психеянинг виждонан берган сўзини қўпол равишда бузганлигини англаб, бахтсиз хотинининг ўпишларидан ва қучоқларидан қочиб, шу ондаёқ жимгина учиб кетди.

[Венеранинг аравада кезиши]

[Амур ғойиб бўлгандан кейин Психея ўз эрини қидиргани каби, Венера ҳам Психеяни қидириб юради, ўглини йўлдан оздиргани учун унга жазо бермоқчи бўлади.]

VI китоб. Ер юзида қидиришларнинг фойдасизлигига ишониб, Венера кўкка интилади. У эрга тегиш олдида олтин темирчи Вулкан нозик санъат билан ясаб, унга тўяна қилган аравани тайёр қилишни буюради. Вулкан ингичка арра билан текислаб, аравани гўзаллаштирган эди. Олтиннинг камайиши араванинг қимматини оширган эди. Жаҳон маликасининг оромгоҳлари атрофида мангу учиб юрувчи бир кўп кабутарлар ичидан икки жуфт оппоқ кабутар айрилиб чиқади, улар шўх парвозда, товланиб турган бўйинларини ҳаппайтириб, қимматбаҳо арава — жабдуққа қўшилади ва бекани ўтқазиб, суюнч билан учиб кўтарилади. Илоҳанинг аравасини кузатиб борувчи тўрғайлар ва бошқа сайроқ қушлар чирқиллашиб сурон кўтарадилар ва шўх ўйнайдилар; майин сайрашлари билан ҳавони тотли янгротиб, илоҳанинг келишидан дарак берадилар. Булутлар таралиб йўл беради, осмон ўз қизига оғушини очади, юксак эфир илоҳани қувонч билан қабул қилади, буюк Венеранинг сайровчи маияти — кузатувчилари ва учраган қартоллардан, на йиртқич қарчиғайлардан қўрқмайди.

[Амур ва Психеянинг тўйи]

[Психеяни топиб, Венерага олиб келадилар. Ғазабланган илоҳа уни ҳалок этиш учун бажариш қийин бўлган бир кўп вазифалар беради, буларни Психея ажойиб суръатда ижро қилади. Психея энг кейинги вазифани бажариб, нариги дунёда ухлаб қолганда, Купидон уни ўқ санчиб уйғотади ва Венера олдига қайтариб олиб келади.]

VI китоб, 22. Кучли муҳаббатдан юраги яраланган

340 Купидон ўз онасининг кутилмаган қаҳридан қўрқиб,
эски найрангбозликларга қайтди, толмас қанотлари билан
у осмоннинг энг юксак жойига етиб, муножот билан
Юпитерга мурожаат қилади, ҳам воқеанинг моҳиятини
сўйлаб беради. Юпитер эса Купидоннинг юзини силаб,
уни ўзи томон тортиб ўнади ва шундай дейди: «Муҳта-
рам ўғил, гарчи сен, худоларнинг мажлиси томонидан
меним фойдамга ҳукм этилган зарурий эҳтиромни мен-
га лойиқ кўрмаган бўлсанг ҳам, аксинча, стихия қону-
ларини ва юлдузларнинг жараёнларини олдиндан бел-
гилловчи кўкрагимга кўпинча зарбалар етказган бўл-
санг ҳам ва тасодифий дунёвий орзу-ҳаваслар билан
350 кўпинча яраланган бўлсанг ҳам, гарчи сен бу билан
меним номусимга ва яхши номимга доғ солган бўлсанг
ҳам, қонуларни, хусусан Юлий қонуларини¹⁰ ва иж-
тимой ахлоқни бузишга мажбур этган бўлсанг ҳам,
менинг нуроний тасвиримни илон, олов, йиртқичлар,
қушлар ва уй ҳайвонлари тасвирига разил суратда ал-
маштирган бўлсанг ҳам, лекин бунга қарамасдан, мен
ўз камтаринлигимни эслаб ва шунингдек, сен менинг
қўлимда ўсганлигингни назарда тутиб, бутун орзула-
рингни бажараман, сен фақат ўз душманларингни тин-
360 чита бил».

23. Бу сўзларни айтиб, у бутун худоларнинг мажли-
сини чақирди ва самовий кенгашга ким келмаса, унга
ўн минг нум штраф солинажанин эълон қилиш учун
Меркурийга¹¹ буйруқ беради. Шундай катта жаримдан
қўрқиб, кўк аҳли мажлис манзилини тезда тўлдириб
қўяди; Юпитер олий курсида ҳаммадан юксакда ўлти-
риб, шундай дейди:

— Музалар рўйхати бўйича сайланган худолар, мен
ўз қўлим билан боқиб ўстирган бу йигитчани биласиз,
370 албатта. Мен унинг ўспиринлик чоғларининг жўшқин
ҳавасларини жиловлашга қарор қилдим; бас энди, зина-
корликлар ва ҳар шав қабоҳатлар ҳақидаги бўлмағур
эртаклар билан ҳар кун уни бадном этадилар. Бунинг
туғдирувчи ҳар қандай сабабни йўқотиб юбориш ва ёш-
лик фисқ-фужурини никоҳ занжирлари билан тизгин-
лаш керак. У бир қизни таплаган ва уни бокираликдан
махрум этган: у қиз энди буники бўлиб қолсин, уни
олсин ва Психейнинг қучоқларида абадий ишқ билан
завқ-сафо сурсин!

Ҳам Венерага қараб шундай деди:

380

— Сен эса, қизим, ҳар қандай қайғу-ҳасратни отиб ташла ва ўғилнинг оддий қизга уйланиши уруққа ёки мавқеимга зиён беради, деб қўрқма. Мен шундай қиламанки, никоҳ тенгсиз бўлмайди, лекин қонуний, граждандлик қоидалари-тартибларига мувофиқ бўлади.

Шу вақтда у Психеяни олиб, ҳозирнинг ўзида кўкка келтириш учун Меркурийга буйруқ беради. Оби ҳаёт қуйилган қадаҳни тутиб, гапиради:

— Ол, ич, Психея, ўлмайдиган бўл, сенинг оғушингдан Купидон ҳеч вақт айрилмасин ва сизнинг никоҳингиз абадий бўлсин. 390

24. Ҳашаматли тўй дастурхонини дарҳол ясайдилар. Психеяни қўллари билан сиқиб қучоқлаб, куёв баланд ётоқда ясланади. Юпитер ўз Юпонаси билан бирга худди шу вазиятда ясланди ва унинг кетидан, маълум тартиб бўйича, бошқа худолар ҳам ясланишди. Худоларга шароб ўрнида ўтувчи нектар қуйилган қадаҳни Юпитерга унинг соқийси, овозаси кетган қишлоқ боласи¹² тутиб турди, қолган меҳмонларга Либер¹³ тутди, Вулкан тайёр таомлар тортди, Оралар¹⁴ қизил гуллар ва бошқа чечаклар сочдилар, Грациялар атирлар сепдилар, Музалар куйлаб, ҳавони янгротди, Аполлон созга жўр бўлиб куйлади, Венера тотли музика оҳангида рақс этди, у ўз рақиси учун музикани шундай мослади: Музалар куйладилар ва флейта чалдилар, Сатиралар ва Паналар най машқ қилдилар. Шундай маросим бўйича Психея Купидоннинг қўлларига топширилди. Муайян муддатда улардан бир қиз туғилдики, уни биз Орзу-армон деймиз. 400

[ВАФОСИЗ ХОТИН ҲАҚИДА НОВЕЛЛА]

[Бу ҳикоя-новеллани Боккаччо¹⁵ «Декамерон»га киргизган. У француз масалчиси Лафонтенда ҳам учрайди]. 410

IX китоб, 5. Бир ҳунарманд бор эди, касби темирчи эди, у ўзининг унча-мунча тоғга-таянгани билан қашшоқликда яшар эди. Унинг бир мискин хотини бор эди, унинг ҳам жонидан бошқа ҳеч нарсаси йўқ эди, лекин у ўтакетган бузуқлиги билан шуҳрат қозонган эди. Қушлардан бир кун темирчи байлаб олган ишига кетганда, унинг уйига довурак ошиқ секингина етиб келди. Улар уят-ҳаёни йиғиштириб, ишқ ўйинига берилишган 420

пайтда, бундай ишлардан тамоман беҳабар бўлган, ҳатто бунга ўхшаш бирон нарсадан бадгумон ҳам бўлмаган эр тўсиндан қайтиб келиб қолади. У эшикни ёпиқ, ҳатто қулфли кўриб, хотинининг эҳтиёткорлигини мақтайди; ўзининг келганлигини билдириш учун у эшикни қоқди, хуштак чалади. Бундай кирдикорларга жуда моҳир бўлган алдамчи аёл ошиқнинг қучоқларидан ўзини айириб олади-да, муюлишдаги ярми ерга

430 кўмилган бочка ичига ошиқни яширади. Кейин эшикни очди, эри ҳали остонага қадам қўймасдан, унга сапчиб, қарғай бошлади. «Нега сен икки кўлингни бурнингга тикиб, лақиллаб қайтиб келдинг? Нега ишга бормайсан? Тирикчилигимиз учун нега ғайрат қилмайсан? Нега овқат топиш тўғрисида қайғирмайсан. Мен жилла қурганда кулбамизга чироқ мойи топиш учун кундузи ҳам, кечаси ҳам ишлайман, ип йигириб тинка-мадоримни қуритаман. Қўшним Дафна менга қараганда қанча бахтли, у баҳузур сйди, ичади ҳам

440 ошиқлари билан ҳангома қилади».

6. Бундай мисолдан ҳижолатга түшган эр дейди: «Нима дейсан? Биз ишлаб турган жойдаги хўжайинни бу кун судга чақиринган экан, бизга жавоб бериб юборди: аммо бу кунги овқатга пулни қаердан топишни мен кўзлаб қўйдим; анов бурчакдаги бочкани кўрасанми, у ҳар вақт бўш туради, ҳам бекорга жой ўғирлайди. Ундан заррача фойда йўқ, бундан ташқари, у юришга халақит беради. Мен уни бир кишига беш динарга¹⁶ сотдим, у ҳозир келади, пулни тўлайди-да, молини олиб

450 кетади. Яхшиси, сен энди энкай, харидор келгунча, бочкани ердан чиқариб олиш учун менга кўмаклаш».

Буни эшитган алдамчи аёл безбетлик билан хохолаб, дейди: «Мен хўп ғалати эржонга учраганман-да, эргинам! Чаққон савдогар, мен аёл киши, уйда ўтириб етти динарга сотган нарсамни сен беш динарга сотасанми?».

Ортиққа сотилгани учун қувонган эр сўрайди: «Шунчага сотиб олган ким у?»

Хотин жавоб беради: «Ҳа, мана, аҳмоқ, бочка маҳкамми, йўқми,— яхшилаб кўриш учун ичига тушиб олди».

460 7. Бу сўзларни ошиқ эшитмай қолмади, дарров бошини бочкадан чиқариб дейди: «Сенга тўғрисиини айттайми, хўжайка? Бочка анча эскиб қолган экан, ҳам ёриқлари кўп экан»,— кейин эрга қараб, билмаган

киши бўлиб, дейди: «Қани, азамат, тезроқ бир лампа бер-чи менга, бочканинг ичини тозалай, у бирон ишга ярайдими-йўқми, кўрай, мен пулни ўғирлаб олган эмасман, сен нима дейсан?» Хизматга тайёр эр узоқ ўй-ламасдан ва ҳеч нимадан гумонсирамасдан лампани ёқди ва деди: «Ука, сен бу ёққа чиқ, мен ўзим бочкани яхшилаб тозалаб бўлгунча, сен қўлингни қовуштириб туравер». Шундай деб, у кийимини счди, чироқни олиб, бочка ичига тушди ва ифлос идишни қоплаган мўғорларни қириб тозалашга киришди. Хушбичим азаматча эса унинг хотинини бочкага энкайтирди. Ҳа, бунинг устига, фоҳиша—безори аёл бошини бочкага суқиб, қиртишлаб тозалаш керак бўлган жойларини, гўё масхара қилгандай, бармоғи билан эрига кўрсатиб турди: анов ерда, ҳа манов ерда, яна анов жойни, ҳа, яна манов жойни, деб то ҳар икковларининг муродлари ҳосил бўлгунча, гапириб турди, етти динарни олиб, шўринг қурғур темирчи, яна бочкани ўз елкасига қўйиб, хотинининг ошигининг уйига элтиб беришга мажбур бўлди.

470

480

КОММЕНТАРИЙ

Плавтга изоҳлар

¹ *Вафодорлик маъбудаси* — қадимги римликларнинг эътиқодича, вафодорликнинг ҳам махсус худоси бўлар эди.

² *Лар* — Рим мифологиясида хонадон (уй) худоси.

³ *Церерина* — Церера худосига бағишланган махсус байрам. Церера — Зевснинг қизи, деҳқончилик маъбудаси.

⁴ *Ургумчак уни* — Эвклионнинг кўзига ҳамма мирқуруқ ва камбағалга ўхшаб кўринаверади, ўзини ҳам шундай деб ўйлайди; унинг кўшиниси Мегадор ҳам уни шундай таъриф қилади.

⁵ *Юпитер* — Рим мифологиясида бош худо. Рим давлатининг ҳомийси; грек мифологиясидаги Зевс ўрнида юради.

⁶ *Филипп* — Македония подшоҳи; милоддан илгариги ҳисобнинг IV асрида яшаган; машҳур Александр Македонскийнинг отаси.

⁷ *Доро* — Эрон подшоҳи; милоддан илгариги ҳисобнинг VI асри охирида яшаган. Грекларнинг эътиқодича, Доро катта бойликнинг тимсоли бўлган.

⁸ *Фортуна* — Рим мифологиясида тақдир ва толе худоси.

⁹ *Туман* — грекчада «дем», яъни округ бўлиб, туман унинг маъносини тўлиқ бермайди; «дем» оқсоқоллари камбағал граждандарга ёрдам пули улашар эдилар.

¹⁰ *Тутқун қилади* — маиший комедиялар эски патриархал турмуш асосларининг емирилишини, пулнинг кучини тасвирлаган вақтда, қалин-мол зарарини айнақса бўрттириб кўрсатадилар. Қалин-мол берувчи қизлар эрлардан жуда катта сарф талаб қиладилар ва ўз эрларини қул ҳолига айлантдириб қўядилар. Бу ерда Плавтнинг Рим кибор хотинларининг ҳашамли ҳаётига бўлган нафрати очиқ кўриниб туради. Бу ҳол фил суяклари билан безатилган араваларда Рим кўчаларида сайр қилувчи хонимларни тасвир қилганда кўрилади.

¹¹ *Иш пачава* — комедия бойлик проблемасини ўртага қўйиб, милоддан илгариги ҳисобнинг III–IV асрларидаги Грецияда, шунингдек II асрдаги Римда бойлар билан камбағаллар ўртасида авж олган антагонизмни кўрсатади.

¹² *Стробил* — Плавт томонидан севилиб ишланган, эңчил, чаққон қул образидир.

¹³ *Калхитни судга тортиш* — Плавтдаги бу образ Мольерда ҳам учрайди. Мольер комедиясининг персонажи бўлган Гарпагон қўшинисининг мушуги бир парча гўштни еб қўйгани учун уни судга чақиртиради.

¹⁴ *Ошпаз керакдир* — Стробил умуман ошпазларнинг ўғри эканини билгани учун Анфракнинг эпичлигини ўғирлик ишонаси деб билади.

¹⁵ *Даъват қилинар* — Анфрак бу ерда Конгрионнинг ёмон ошпаз эканига ишора қилади.

¹⁶ *Лақаб* — ўғри сўзи латинчада «фур» бўлиб, уч ҳарфдан иборат; «уч ҳарfli лақаб» сўзлари билан Плавт ўғри демоқчи.

¹⁷ *Церери* — Римда Церера худоси шарафига бағишланган бу байрам милоддан илгариги ҳисобнинг 191 йилда қабул қилинган (бу тарих комедиянинг 191 йилдан кейин ёзилганини кўрсатади). Стафила Эвклион тўйида байрамдаги зиёфатларга ўхшаш катта зиёфат бўлишини кўзда тутди.

¹⁸ *Шароб* — одатда маншйи комедияларда иштирок қилувчи хизматчи кампирлар шаробга жуда ўч бўладилар; «узумли ток» маъносига бўлган «стафила» сўзи ҳам кампирнинг шаробхўр табиатини кўрсатади.

¹⁹ *Вулқон* — ҳамма нарсани тозаловчи олов худосидир; ошпазнинг иши доимо олов билан бўлгани учун уни вулқон ходими деб атайди.

²⁰ *Меҳроб* — христианлар ибодатхонасининг бош қисми, қурбонлик маросими ижро этиладиган жой.

²¹ *Аполлон* — грек мифологиясида қуёш худоси; қадимги грекларда у санъат ҳомийси ҳисобланар эди.

²² *Юлинган актёр* — Рим актёрлари сочларини қирдириб олдирмас, балки юлиб-юлиб олар эдилар.

²³ *Вакханалий* — айш-ишрат ва май худоси Вакх шарафига ясалган байрам ва зиёфат; *вакханка* — шу байрамда иштирок этувчи соқий хотин; Вакх худосининг ҳамроҳи.

²⁴ *Лаверна* — ўғрилар худоси.

²⁵ *Драхма* — Грецияда юрадиган тапга пул.

²⁶ *Эшикда* — бу ерда кўрсатилган ҳунарларнинг баъзилари эҳтимол Плавт томонидан комизм учун ўйлаб топилган бўлса керак.

²⁷ *Оч жинговар* — аллақандай бир ҳарбий хирож кўзда тутилади.

²⁸ *Герион* — грек мифологиясига кўра, подшоҳ Герионнинг учта бадани, олтига қўли бўлган.

²⁹ *Юнона (Гера)* — мифга кўра, Юпитернинг хотини.

³⁰ *Ио* — Аргос подшоиси; *Аргос* — Грециядаги бир жой.

³¹ *Аргус* — юзта кўзли бир махлуқ. Юнона Ионнинг қизига кунчилик қилиб, унинг орқасидан таъқиб этиш учун Аргусни пойлоқчи қилиб қўйган.

³² *Коринф* — Грециядаги бир шаҳарнинг исми.

³³ *Пирена* — Коринфдан оқиб ўтадиган дарё.

³⁴ *Финикаликлар* — бу ерда фонарнинг финика халқлари томонидан ясалгани назарда тутилади. Чунки у вақтларда ойна яшашни финикаликлар тонган, деб ўйлар эдилар.

³⁵ *Садоқат маъбудаси* — таржимада вафодорлик маъбудасини садоқат маъбудаси деб ҳам ишлатилган.

³⁶ *Севади* — юқорида Стробил ошпазлар билан бўлган суҳбатда хўжайини Ликониднинг Эвклион қизини севишидан хабари йўқ эканини айтган эди, бу ерда ўша сўзнинг аксини айтиб турибди.

³⁷ *Вифо* — вафодорлик маъбудаси кўзда тутилади.

³⁸ *Сильвин* — Рим мифологиясида ўрмон худоси.

³⁹ *Оқланган кийим* — камбагал одамлар янги кийим тополмаганлари учун ўз кийимларини оққа бўяб кияр эдилар.

⁴⁰ *Венера* — Рим мифологиясида муҳаббат ва гўзаллик маъбудаси; мақтанчоқ жангчи ўзини «Венеранинг набираси» деб атайд.

⁴¹ *Ловелас* — фақш, бузуқ одам типи. Ловелас — инглиз ёзувчиси Ричардсоннинг «Кларисса Гарло» номли романининг қаҳрамони бўлиб, бузуқ одамнинг лақаби бўлиб кетган.

⁴² *Артотрог, Пиргополиник* — кулгили исмлар бўлиб, персонажларнинг касбини кўрсатади. Пиргополиник — дўл зўравони, Артотрог — ноқавшир.

⁴³ *Марс* — римликларда уруш худоси.

⁴⁴ *Нептун* — Рим мифологиясида денгиз худоси.

⁴⁵ *Червив, Бомбомахид Клитоместоридисархид* — ўйлаб чиқарилган, тўқма жой ва одам исмлари.

⁴⁶ *Легион* — римликларда энг катта ҳарбий қисм.

⁴⁷ *Ахилл (Ахиллес)* — грекларда мифик қаҳрамон; афсонага кўра, унинг товонидан бошқа жойига сира шикаст етмайди.

⁴⁸ *Селевк* — Александр Македонский империясидаги меросхўрлардан, Шарқ подшоҳларидан бири.

⁴⁹ *Мина* — грек пули, юз драхма бир мина бўлади.

⁵⁰ *Аждодим* — аслда қул насл-насабсиз ҳисобланар эди.

⁵¹ *Баллион* — Псевдол алдамоқчи бўлган қўшмачининг оти.

⁵² *Эллин лирикаси* — Александр Македонский монархияси йиғилгандан кейин, яъни милоддан илгариги ҳисобнинг IV—I асрлари бўлган давр эллинистик давр деб аталади. Бу даврда яратилган лирикани эллин лирикаси (эллинистик лирика) дейилади.

Теренцийга изоҳлар

¹ *Сенатор* — қадимги Рим республикасида давлат олий кенгаши (сенат)нинг аъзоси.

² *Баён қилиш эмас* — грек маиший комедияларида одат бўйича прологларда асарнинг мазмуни баён қилинар эди.

³ *Эски шоир* — Теренцийнинг қадимги комментатори Донатнинг кўрсатишича, бу ерда шоир Лусций Ланквен кўзда тутилади. Лусций Ланквен драматургия соҳасида Теренцийга қарши бўлган оқимнинг бошлиғи бўлиб, Плавт демократик театрининг тарафдори эди.

⁴ *Бир комедия* — Теренций душманлари уни икки грекча комедияни улаб-қураб бир пьеса ёзишда айблаганлар.

⁵ *Тақлидига тайёр* — Теренций ҳам «Ўзини-ўзи қийновчи» номли комедиясининг прологда бошқа драматургларни бир неча асарлардан улаб-қураб пьеса ёзишда айблаб, уларга жавоб қайтаради.

⁶ *Невий* — Рим драматурги, Теренцийнинг душмани.

⁷ *Энний* — Рим драматурги, Теренцийнинг душмани.

⁸ *Лутфиқорлик-ла* — Теренцийнинг прологда ораторлик хусусиятлари кўринади: пролог орқали Теренций томошабинларнинг диққатини тортишга, асардаги воқеа билан таништиришга интилади.

⁹ *Дифил* — драматург; грек маиший комедияси намояндаларидан бири.

¹⁰ *Аҳамиятсиз қолдирилган* — Теренций шу комедиясида ҳам «қурамачилик» билан шуғулланган (Менандр комедиясига Дифил комедиясидан айрим кўринишларни олиб қўшган); шу билан «Евнух» («Бичилган навкар») асарида кўрилгани каби, ўз устида адабий ўғри деган номнинг тарқалишига сабабчи бўлади.

¹¹ *Таҳқир кўринар* — Теренцийнинг устига қўйилган бу аиб «Узини-ўзи қийнаш» комедияси устида бўлган аниолашларга ухшайди. Теренцийнинг жавоби илгари қўл бўлиб, кейинчалик Сципион бош бўлган аристократлар гуруҳининг таъсирига тушиб қолган киши учун характерлидир.

¹² *Сторак* — қулларни шу таъбир билан чақирар эдилар.

¹³ *Кипр* — Урта Ер денгизидаги бир орол исми.

¹⁴ *Вилла* — шаҳар атрофидаги ҳашамли боғ.

Катуллага изоҳлар

¹ *Сапфо* — милоддан илгариги ҳисобнинг VI—V асрида яшаган грек шоираси.

² *Эпиллия* — эпик асарнинг бир жанри, кичкина поэма.

³ *Юлий Цезарь* — милоддан илгариги ҳисобнинг биринчи асрида яшаган машҳур Рим императори.

⁴ *Қалин бир кечи* — бу ерда Катуллада умидсизлик аломатлари кўрилади. Бу дунёнинг «бевафолиги»га мангу ўлим уйқиси қарши қўйилади.

⁵ *Унутамиз* — шеър Катуллага хос бўлган, сунъий, кутилмаган бир хотима билан тугайди.

⁶ *Севгиси эди* — бу ердаги такрор Катулл лирикасининг халқ поэзиясига яқинлигини кўрсатади.

⁷ *Йўллардан* — шеърнинг бу сатридан кейин таъзия нутқларининг кўтаринки стилига ўхшатма бошланади.

⁸ *Равид* — номаълум бир шахс.

⁹ *Сезаман* — бу сатрлар Катуллнинг Лесбиядан айрилгандан сўнгги алам ва ҳасратларини тасвирлайди, Лесбия ҳақида аламли куйлаш Катулл лирикасининг умумий хислатидир.

¹⁰ *Постумия* — *малика* — отасининг ўлимидан кейин туғилган малика **демақдир**.

¹¹ *Шарбатин* — Катуллнинг бу шеърини А. С. Пушкин русчага таржима қилгандир.

¹² *Лициний (Лициний Кальв)* — оратор ҳам шоир; Катуллнинг яқин дўсти; бу шеърда уларнинг турмуши, маишати ва поэзиянинг улар турмушида тутган ўрни равшан тасвир этилади.

¹³ *Немезида* — грек мифологиясида қасос — ўч худоси; у жиноят қилувчиларни жазолаб туради.

¹⁴ *Мунозара* — бу шеър Катуллнинг эски аристократ шоирлар билан олиб борган мунозарасининг намунасидир; Катулл дағал ишланган, узун, дабдабали стилда ёзилган героик дostonларга ўз дўстнинг чиройли ишланган, лирик асарларини қарши қўяди.

¹⁵ *Цинна* — Рим шоирларидан бири; Катуллнинг ҳамшаҳари.

¹⁶ *«Смирна»* — афсонавий бир поэманинг номи; бу поэма ўз отасини севиб қолиб, сўнгга дарахтга айланган Кипр маликаси Смирнанинг номи билан аталган.

¹⁷ *Баҳорни* — бу билан поэманинг формал жиҳатдан жуда яхши ишланганига ишорат қилинади.

¹⁸ *Гортензий* — эски стилда ёзувчи номаълум бир шоирнинг исми.

¹⁹ *Бўлади* — асл пухсада «беш минг» ўрнида «беш юз минг» дейилган.

²⁰ *Сатрах* — Кипр оролидаги бир дарё исми.

²¹ *Волюзий* — «Анпаллий» номи остида катта ва қўпол хроникалар ёзган бир шоир исми.

²² *Албитта* — Катулл бошқа бир ерда Волюзийнинг китобини «Буланган қоғоз» («загаженная бумага») деб атади.

²³ *Мамурра* — Шимолий Италиядаги Форинний исмли шаҳардан чиққан; Цезарининг тарафдори.

²⁴ *Аттис* — Шарқ маъбудаларидан бирининг исми; кичик осёликлар эътиқоди бўйича, «буюк она» — Кивева номи билан шуҳратланган маъбуданиннг ҳамроҳи.

²⁵ *Фригия* — Яқин Шарқдаги бир область.

²⁶ *Кивева* — кичик осёликлар маъбудаси; бу маъбуданиннг култи айш-ишратга мойиллиги билан характерланади.

²⁷ *Галлар* — Кивева маъбудасининг қоҳинлари. Мифга кўра, Аттис шу қоҳинларнинг бири ҳисобланади.

²⁸ *Диндимена* — Кивеваниннг диний маросим вақтидаги исми.

²⁹ *Менадалар* — вакханкаларнинг иккинчи турли номи.

³⁰ *Ида* — Фригиядаги бир тоғ исми.

³¹ *Парвози* — мифологик тушунчага кўра, қуёш осмонда олов отларга миниб учди.

³² *Пасифея* — уйқу худоси.

³³ *Гимнасий* — гимнастик машғулотлар учун жуда чиройли қилиб безатилган бино.

³⁴ *Палестр* — ўсинрин йигитларнинг кураши ва мусобақаси учун тайёрланган махсус жой.

Лукрецийга изоҳлар

¹ *Юксалдик* — Маркс бу парчани цитата қилиб келтиради ва шуни уқтириб ўтади: «Шунинг учун Эпикур энг буюк грек оқартувчисида ва Лукрецийнинг мақташига арзийди» (диссертацияга тайёргарлик ишларидан).

² *Қўшиғи* — скобка ичидаги бу сўзлар — Маркснинг сўзлари.

³ *Муза* — қадимги грек ва Рим мифологиясида фан ва санъат тармоқларига ҳомийлик қилувчи тўққиз маъбуда (Урания, Каллиопа ва бошқалар)нинг ҳар бири муза аталади.

⁴ *Шарҳлайман* — бу жойга келганда Маркс: «Лукреций шоир сифатида гултожга сазовордир, чунки у муҳим нарсалар тўғрисида баҳс қилади», деб уқтиради.

⁵ *Зарралар* — бу ерда бўлинмас зарралар, яъни атомлар кўзда тутилади; Эпикур таълимотига кўра, ҳамма нарсалар шундай зарралардан ташкил топадилар.

⁶ *Таслим бўлар* — маънавий ва жисмоний азоблардан холи бўлган бундай узлатли ҳаёт («яширин ҳолда яша»). Эпикурнинг идеали эди, Лукрецийга кўра, ўлимдан ва охиратдан сира қўрқмаслик йўли билан ундай ҳаётга эришиш мумкин.

⁷ *Қўрқалар* — Лукреций бу ерда, шубҳасиз, ўз замонасидаги граждонлар уруши фактларини назарда тутди.

⁸ *Ҳасад* — Лукреций замонасидаги демагоглар ва сиёсат арбоблари бошлича, ҳасад билан ва шуҳратпарастлик билан иш кўрар эдилар; эникурчилар бу бузуқликларга қарши айниқса курашар эдилар.

⁹ *Ахеронт* — мифологияда Ахеронт ер ости салтанатидаги бир дарёнинг исми; Ахеронт сўзи кўп вақтда ер ости салтанатидаги бутун даҳшатларнинг симболи сифатида ишлатилади.

¹⁰ *Санъатларда* — аслида артистдир. Бу сўз биз ишлатиб юрган «санъат» маъносини англантибгина қўя қолмайди, балки кенгроқ маънода «дунар», «касб» маъноларида ҳам ишлатилади.

Цицеронга изоҳлар

¹ *Катилина* — милоддан илгариги ҳисобнинг 108 йилида туғилиб, 62 йилда ўлган. Рим империяси даврининг давлат арбобларидан биридир.

² *Юлий Цезарь* — милоддан илгариги ҳисобнинг 102 йилида туғилиб, 44 йилида ўлган қадимги Римнинг давлат арбоби, дунё тарихидаги энг буюк саркардалардан биридир.

³ *Помпей* — милоддан илгариги ҳисобнинг 106 йилида туғилиб, 48 йилида ўлган; у Рим империяси даврининг машҳур давлат арбобларидан бири бўлиб, Юлий Цезарга қарши исён кўтарган.

⁴ *Антоний* — милоддан илгариги ҳисобнинг 83 йилида туғилиб, 31 йилида ўлган; у Рим империяси даврининг машҳур саркардаси ва давлат арбоби бўлиб, империя давридаги урушларда республикачиларга қарши Цезарь томонида туриб курашган.

⁵ *Гортензий* — машҳур Рим оратори, у Цицеронга қарши туриб, Верресни ҳимоя қилган.

⁶ *Мессина* — Сицилиядаги бир жойнинг номи.

⁷ *Рим граждани* — Гавиянинг граждани.

⁸ *«Мен Рим граждани»* — Веррес қонунига қарши зўр жиноят қилди: қонунга мувофиқ Рим гражданининг жисмоний жазо билан қийнаш ва Рим халқининг судисиз ўлдирish тақиқланган эди.

⁹ *Палатин* — Рим шаҳари бино қилинган адирлардан бири.

¹⁰ *Мустаҳкам жойда* — Сенат ўзининг одатдаги жойида (курнийда) мажлис қилмай, Юпитер храмида, Статорда мажлис ўтказар эди.

¹¹ *Аристотель* — милоддан илгариги ҳисобнинг IV асрида яшаган машҳур грек олими — файласуфи.

¹² *Феофраст* — Аристотель шоғирдларидан бири.

¹³ *Сцевола (Квинт Муций Сцевола)* — римликларнинг машҳур юристи ва давлат арбоби; у давлатга қарши фитнада қатнашган.

¹⁴ *Курул эдил* — давлат мансабларидан бири; бу мансаб эгасининг вазифаси савдо ишлари ва томошахоналар устидан назорат қилиш эди.

¹⁵ *Арат* — Александр даврида яшаган грек шоири; у «Юлдузлар ҳақида» деган дидактик поэма ёзган, бу поэма бизгача етиб келмаган.

¹⁶ *Никандр Колофонский* — милодгача бўлган ҳисобнинг II асрида яшаган грек шоири.

¹⁷ *Сиқилади* — антик даврдаги ораторларнинг путқларида, айниқса уларнинг маълум нуқталарида ритмик структура учраб эди.

¹⁸ *Ниқоб* — Рим актёрлари грим ўрнида ниқоб кийиб сахнада ўйнаб эдилар.

¹⁹ *Қилмадингми* — бу ва ундан сўнгги нарча милоддан илгариги ҳисобнинг III—II асрларида яшаган Рим драматурги Паккувия трагедиясидан олинган шеърлардир.

Қартайган Теламон ўз ўғли Тевкерни акаси Аяксни бир ёққа ташлаб қайтиб келишга журъат қилгани учун койийди.

Горацийга изоҳлар

- ¹ *Октавиан Август* — милоддан илгариги ҳисобнинг биринчи асрида яшаган машҳур Рим императори.
- ² *Меценат* — Октавиан Август императорлиги даврида яшаб унинг яқин сафдошларидан бўлган. У қадимги римликларда фан ва санъат ҳомийлиги билан шуҳрат қозонган. Меценат сўзи бутун санъат ва илм ҳомийларига хос исм бўлиб кетган.
- ³ *Парфян* — Яқин Шарқда яшаган халқларнинг бири бўлиб, улар билан римликлар узоқ вақтларгача уруш олиб борганлар.
- ⁴ *Улдириш* — мифга кўра, римликлар тақдирига ўз қонларини тўкиш азалдан ёзилган эди; чунки бир вақтлари Римга асос солувчи Ромулнинг гуноҳсиз укаси Реманинг қони тўкилган эди.
- ⁵ *Антоний* — Рим империяси даврининг машҳур саркардаси, давлат арбоби; милоддан илгариги ҳисобнинг I асрида яшаган.
- ⁶ *Фригия* — Грециядаги Дорня областининг оддий лирасига Фригия (бир жойнинг оти) қўш пайининг ёқимли товушлари қўшилиб чалиниши керак.
- ⁷ *Этилди* — Антонийга теккан Миср маликаси Клеопатра кўзда тутилади.
- ⁸ *Галл* — қадимги замонларда Галлияда (ҳозирги Франция, Бельгия ва Шимолий Италияда) яшаган халқлар номи.
- ⁹ *Югурта* — Нумидия (Африкада) подшоси устидан Рим саркардаси Мариа ғалаба қозонган эди.
- ¹⁰ *Африкан* — қадимги Рим саркардаларидан бири.
- ¹¹ *Крит* — Урта Ер денгизидagi бир оролнинг номи.
- ¹² *Сирт* — Африканинг шимолий соҳилларида бўлган қумли жой.
- ¹³ *Нот* — жанубдан эсадиган ва кўп вақтда туман, булут ва ёмғир келтирадиган бир шамол исми.
- ¹⁴ *Хиос, Лесбос* — винолар номи.
- ¹⁵ *Туллий (Сервий-Туллий)* — қадимги, афсонавий Рим подшоси.
- ¹⁶ *Тарквиний* — қадимги римликларнинг подшоларидан бири.
- ¹⁷ *Валерий (Валерий Попликола)* — подшо Тарквиний тахтдан ҳайдалгандан кейинги биринчи консул номи.
- ¹⁸ *Тасвирилар* — мумдан ясалган аجدодларнинг суратлари.
- ¹⁹ *Варий* — Рим шоири, Меценат тўғарагининг аъзоси.
- ²⁰ *Сатурий* — Тарентга яқин бўлган областда ўз отлари билан шуҳрат қозонган бир киши.
- ²¹ *Ер берди* — бу ерда Меценат томонидан Горацийга ҳадя қилиниб берилган Собиндаги янги мулк кўзда тутилади.
- ²² *Майя ўғли* — худо Меркурий (Гермес)дир. Гермес шоирлар ҳомийси эди.
- ²³ *Геркулес* — худо номи бўлиб, у беркитилган хазиначарни топиб беради.
- ²⁴ *Сақловчим* — яъни Меркурий.
- ²⁵ *Молос итлари* — Грециядаги Эпира итларига айтилади, бу итлар жуда қопоғон бўладилар.
- ²⁶ *Соракта* — Италиядаги тоғ номи (ҳозир бу тоғ Монте-де-Сильвестро деб аталади). У камдан-кам қор билан қопланган бўлади.
- ²⁷ *Талшарх* — афсоналарга қараганда, қадимги вақтларда Римда яшаган бир грек.
- ²⁸ *Сабин майини* — бу сатрлар бизгача сақланиб келган машҳур грек шоири Алкейнинг лирик шеърларига яқин келади. Эҳтимол Гораций Алкейга ўхшатма қилгандир. Бу шеър Горацийнинг грек

шеърларига янги бадний тус беришда катта маҳоратга эга эканини кўрсатади.

²⁹ *Левконоя* — Горацийга таниш хотин; шоир бу ерда унинг фолбинларга инонмаслигини ўтинади.

³⁰ *Халдей* — қадимги халқлардан бири; бу халқ фолбинлик, куръачилик билан ном чиқарган эди.

³¹ *Тиррен суви* — Италиянинг ғарб қирғоқларидан ўтувчи денгиз.

³² *Золим онаси* — яъни Венера.

³³ *Дионис* — вино ва кайф-сафо худоси.

³⁴ *Шўх майли билан* — Венерага ҳамроҳлик қилувчи худо.

³⁵ *Мармаридан ҳам* — Парос оролидаги мрамрлар антик дунёда энг яхши сифатли ҳисобланар эди.

³⁶ *Кипр* — бу орол Венера маъбудасининг ватани ҳисобланган ва бу ерда Венеранинг бош маъбадлари жойлашган.

³⁷ *Книд* — Қариядаги (Кичик Осиёда) бир шаҳар номи; бу шаҳарда Венера култи ҳукмронлик қилган.

³⁸ *Паф* — Кипр оролининг қирғоқларида бўлган бир шаҳар номи.

³⁹ *Гўдагинг* — яъни муҳаббат эҳтирослари худоси — Купидон.

⁴⁰ *Геба* — Зевс билан Герадан бўлган қиз; Геба абадий ёшлик хислатига эга бўлиб, худоларга хизмат қилади ва уларни май (нектар) билан меҳмон қилар эди.

⁴¹ *Меркурий* — римликларда фасоҳат, савдо ва ўғирлик худоси, грекларда худолар мунодийси — жарчиси.

⁴² *Помпей Вар* — Горацийнинг ҳарбий хизматдаги сафдошларидан бири; у Филипп яқинида бўлган урушлар билан чекланиб қолмай, республикачи Брутнинг қолган аскарлари билан бирга янги урушларда иштирок этди; бу урушлар илгаригилари каби республикачиларнинг энгилиши билан тугаган эди. Гораций, автобиографик аҳамиятга эга бўлган бу одасида ўз дўстининг урушдан омон-эсон қайтиб келишини кутлайди ва уни зиёфатга қақиради.

⁴³ *Брут* — милоддан илгариги ҳисобнинг I асрида Рим империяси даврида яшаб Юлий Цезарга қарши курашган республикачи.

⁴⁴ *Дуони* — бу сатрларда баён қилинган воқеа, эҳтимол, ҳақиқатда бўлмагандир. Гораций Август билан Меценатни ўз қўрқоқлиги билан ажаблантирмоқчи бўлган эди (Пушкин ҳам шундай тахмин қилган эди).

⁴⁵ *Эрмий* — яъни Гермес.

⁴⁶ *Лициний (Лициний Мурена)* — милоддан илгариги ҳисобнинг 24—25 йилларида консул бўлган. Гораций ўз шеърларида турли ифодадар орқали унга мўътадил йўл билан борнишга маслаҳат беради.

⁴⁷ *Лукрин кўли* — Неаполга яқин Байн исмли жойда.

⁴⁸ *Зайтун* — бу ерда Гораций кўп ерли бой қул эгалари томонидан майда хўжаликларининг сиқиб чиқарилишига норозилик билдиради; шу шеърларининг кейинги сатрларида Август сиёсатининг умумий руҳига мос келадиган оҳангда қадимги, оғдий, галвасиз Римни қўмсайди.

⁴⁹ *Қатон* — милоддан илгариги ҳисобнинг III—II асрларида яшаган қаттиқ қўлли Рим ҳокими.

⁵⁰ *Шимолга* — Гораций даврида римликлар офтобнинг нисигидан қочиб, ўз деразаларини уйнинг шимол томонидан очар эдилар.

⁵¹ *Бутун* — қадимги римликлар хусусий уйларини кўпинча хом гиншдан ясар эдилар.

⁵² *Хлоя* — Деметронинг иккинчи номи бўлиб, кўк экинлар ҳомийси ҳисобланади.

⁵³ *Илия* — иккинчи турли исми Рея Сильвиядир; Илия Римга асос солувчи Ромул ва Римнинг онаси ҳисобланади.

⁵⁴ *Турий* — Жанубий Италиядаги бир шаҳар.

⁵⁵ *Постум* — помаълум бир шахс. Гораций, турмуш бевафо бўлгани учун Постумни уйдан завқланиб қолишга чақиради; бу шеър Горацийнинг улим ҳақидаги тушунчаларини ва умуман унда туғилган пессимистик кайфиятини акс эттиради.

⁵⁶ *Герион* — учта танаси бўлган афсонавий подшо.

⁵⁷ *Титий* — олов сочиб турувчи юзта оғзи бўлган махлуқ (дев); афсонага кўра, Юпитер узоқ курашлар натижасида уни синган ва ер билан яксон қилган.

⁵⁸ *Марс* — қадимги римликларда уруш худоси.

⁵⁹ *Адрий* — Адриатик денгизи.

⁶⁰ *Данай* — Давайнинг қизлари, улар тенги йўқ бочкага мудом сув қуйиш билан овора бўладилар.

⁶¹ *Заҳматни* — Эола билан Сицифинг ўғиллари катта бир тошни доимо баланд бир тоққа думалатиб чиқариш билан овора бўлганлар, тош эса ўша онда яна думалаб қайтиб тушаверган.

⁶² *Сарв оғочи* — бу дарахт ер ости маъбудаси Прозерпина шарфига мазорларга экинлар эди.

⁶³ *Тиррен* — яъни Италиянинг гарбий қирғоқларидан ўтувчи Тиррен денгизининг тўлқинлари.

⁶⁴ *Парфянлар* — Кичик Осиёда яшаган халқлар; улар билан римликлар узоқ вақтларгача уруш олиб борганлар.

⁶⁵ *Зевс* — грек мифологиясида бош худо.

⁶⁶ *Беркутдинг* — икки юзли италияликлар худоси. Янус римликлар тасаввурича, урушнинг эшигини очиб ва бекитиб турар эди. Август эса урушни тамом тўхтатди.

⁶⁷ *Шараф билан* — Гораций Октавиан Августнинг куйчиси бўлгани учун унинг қадимги турмуш руҳига мос бўлган ислохотларини кўкларга кўтариб мақтайди.

⁶⁸ *Дуохон* — Эней, унинг онаси Венера, отаси Анхиз. Юлийлар уруғининг ота-боболари ҳисобланар эдилар; Август эса Юлийлар уруғига мансуб эди.

⁶⁹ *Вазифасида экан* — бу сатрнинг маъноси шундан иборат: роҳиб маъсума роҳибаси билан Римнинг Капитолий адирида шаҳар худоси Веста билан Юпитерга қурбонлик қиладилар. Горацийнинг фикрича, бу ҳодиса абадийдир.

⁷⁰ *Авфид* — Горацийнинг ватани бўлган Апулиядаги бир дарё.

⁷¹ *Давн* — Апулиянинг биринчи афсонавий подшо.

⁷² *Тондим* — Гораций грек лирикасини биринчи мартаба италий мақомига солдим деб мақтанади; ваҳоланки бу ишда биринчи қадимни Катулл ташлаган эди.

⁷³ *Эолия* — Кичик Осиёнинг бир области.

⁷⁴ *Дельф* — шоирлар ҳомийси бўлган Аполлон култи ҳукмронлик қилган шаҳар.

⁷⁵ *Пизонлар* — бу ерда аристократ Пизон ва унинг икки ўғли кўзда тутилади. Ўғилларнинг каттаси эндигина драма ёза бошлаган эди. Гораций ана шунга хат ёзиб юборди.

⁷⁶ *Қила олмайди* — Гораций бу ерда, ўз асарларининг композициясининг яхши чиқишига эътибор бермайдиган шоирларни кўзда тутди.

- ⁷⁷ *Диана* — қадимги римликларда ёруғлик ва табиат маъбудаси.
- ⁷⁸ *Бйласин* — бирлик, бутунлик, гармонийлик ва ундан кейин муносабатлик — антик дунё санъатининг асосларидир.
- ⁷⁹ *Куритмоқ лозим* — Гораций бу ерда арханст шоирлар билан — улар эҳтимол консерватив насабдор аристократлар намояндаси бўлсалар керак — мунозара қилади; арханст шоирлар: фақат қадимги рим шоирларигагина эргашин керак, Грециядан ҳеч қандай янгиллик олин керак эмас, дер эдилар.
- ⁸⁰ *Пецилий* — Рим драматурги, Плавтийнинг кичик замондоши бўлиб, комедиялар ёзган.
- ⁸¹ *Варий* — Рим шоири, Горацийнинг замондоши.
- ⁸² *Вергилий* — машҳур Рим шоири.
- ⁸³ *Катон* — милоддан илгариги ҳисобнинг III—II асрида яшаган Рим оратори ва ёзувчиси.
- ⁸⁴ *Энний* — милоддан илгариги ҳисобнинг III—II асрида яшаган Рим шоири.
- ⁸⁵ «*Илиада*» — машҳур афсонавий грек шоири Гомернинг достони.
- ⁸⁶ *Қолмасанг* — яъни одамлар юриб янчган йўлдан кетмай, балки янги, оригинал йўллар топиб, усталик билан ундай фойдалансанг, демоқчи.
- ⁸⁷ *Марс майдони* — Римда турли мусобақа ўйинлари бажариладиган майдон.
- ⁸⁸ *Сократ* — милоддан илгариги V асрда яшаган машҳур грек философи.
- ⁸⁹ *Мангун шон* — кейинги мисраларда, грекларда бўлган чини қўнғилдан олдинга интилишни римликларда бўлган прагматизмга ва ичкиоралликка қарши қўяди.
- ⁹⁰ *Куритишди* — Гораций бошқа бир ерда шеър ёзини қўлидан келса-келмаса уринадиган кишилардан шикоят қилади.
- ⁹¹ *Минерва (ёки Афина-Паллада)* — Зевснинг опасиз туғилган қизи Гефест Зевснинг бошига ойболта билан урганда, боши ёрилиб, Афина-Паллада (Минерва) сакраб чиққан.
- ⁹² *Меций* — қадимги Римнинг адабий танқидчиларида бири.
- ⁹³ *Сайлагил* — Гораций Пизоннинг катта ўғлига мурожаат қилади.
- ⁹⁴ *Маррага* — яъни чопиш мусобақасида ютиб чиқиш.
- ⁹⁵ *Квинтилий Вар* — Горацийнинг дўсти.
- ⁹⁶ *Аристарх* — грек танқидчиси ва Гомер поэмаларининг редактори.

Вергилийга изоҳлар

- ¹ *Феоокрит* — милоддан илгариги ҳисобнинг IV—III асрида яшаган машҳур грек шоири.
- ² *Амариллида* — Титир севган чўпон қизининг номи.
- ³ *Тангрим бйлури* — бу ерда Вергилий ёш Октавиани кўзда тутди; Октавиан император деб ҳисобланган вақтда бошқа императорлар қаторида у ҳам расмий жиҳатдан худо деб эълон қилинган эди.
- ⁴ *Хабар берарди* — римликларнинг эътиқодларича, дарахтга чақмоқнинг келиб уриши бахтсизликдан дарак беради.
- ⁵ *Ушиар деб* — бу ерда Вергилий ўз ватани Мантуяни кўзда тутди.

⁶ *Галатея* — Титирнинг биринчи маъшуқаси; бу сўзлардан Титир мақсади — Амариллида билан қўшилишган вақтимдагича қулликдан озод бўлдим, — дейишдир.

⁷ *Унда* — яъни Римда.

⁸ *Қамишларни* — бу ерда Вергилий Мантуяга яқин бўлган ўз мулкининг тўқайзор бир ер бўлганини кўрсатмоқчи.

⁹ *Гиблей* — асарларнинг тасвирий ифодаси; бу сўз Сицилиядаги Гиблей тоғларининг исмидан олинган бўлиб, у ерда энг яхши асаллар етиштирилар эди.

¹⁰ *Ичар* — бу ерда Вергилий ҳеч бўлиши мумкин бўлмаган ҳодисани айтади. Шарқ халқларидан парфянлар Фарбдаги Арар дарёсидан (Франциядаги ҳозирги Сена дарёсидан), фарбдаги германлар эса Шарқда бўлган Тигр (Дажла) дарёсидан сув ичар эмишлар.

¹¹ *Афрлар* — африкаликлар.

¹² *Окс* — Шарқдаги қандайдир олис бир дарё бўлса керак.

¹³ *Токларни* — Вергилийнинг дастлабки асарларида гражданлар урушдан шикоят қилиш мотиви кўп учрайди.

¹⁴ *Қорли тоғлар чўққиси* — яъни Альп тоғлари.

¹⁵ *Бўлса* — бу ерда бир йилда қилинадиган тўрт чопиқ кўзда тугилади: гайрат билан ишловчи қўшчилар йилда тўрт мартаба (кузда, баҳорда, ёзда, яна тагин кузда) ер ҳайдар эдилар.

¹⁶ *Тюл* — Кичик Осиеда бир тоғ.

¹⁷ *Сабей* — Арабистонда бир қабила исми.

¹⁸ *Яланғоч халиблар* темирчиларга ўхшаб, кўйлакчан ишлар эдилар.

¹⁹ *Халиб* — Қора денгизнинг жануб қиргоғида энг яхши темир ясайдиган бир қабила исми.

²⁰ *Понт* — Қора денгизнинг Кичик Осие соҳиллари.

²¹ *Эпир* — Элиддаги от пойғаларида енгиб чиққан отлари билан шуҳрат чиқарган Грециядаги бир область.

²² *Асрларда* — Овидийнинг «Метаморфозалар» номли асарида хикоя қилинган Девкалион ҳақидаги афсонадир. Бу афсонага кўра, Девкалион ва унинг хотини Пирра тўфондан қутулиб қолган бирдан-бир одамлар бўлиб, булар бошқа одамларни тошдан ясаб кўпайтирганлар.

²³ *Арктур* — яъни Арктур юлдузининг ёруғ сочиб чиқишидан илгари — сентябрнинг бошлари.

²⁴ *Кўкнори* — кўкнори Лета дарёсининг оқишига ўхшаб, уйқу келтиради.

²⁵ *Борей* — қадимги греклар мифологиясида шимол шамолларининг қанот қоқиб учувчи худоси.

²⁶ *Эфирия* (ёки Коринф) — энг яхши мис вазалари Коринфда бўлар эди.

²⁷ *Бўзмасаларда* — қишлоқ ҳаётига шаҳар ҳаётининг зеб-зийнати карши қўйилади.

²⁸ *Темпа* — Грециянинг шимолида Фессалияда бир водийнинг исми; бу ерда умуман водий маъносидан ишлатилган.

²⁹ *Худоларда эвтиқод бор* — Вергилийнинг ўзи патриархал дин ақидаларига инона эди.

³⁰ *Изини* — адолат маъбудаси — хушбахт «олтин аср» маликаси.

³¹ *Ой дарди* — ойнинг турли паллаларга ўтиб турниши.

³² *Сперхий* — Грециянинг шимолидаги Фракиядаги тоғ номи.

³³ *Тайгет* — бу ҳам Фракиядаги бир тоғ номи.

³⁴ *Гем* — Лаконияда (Пелопоннесда) бир тоғ; у ерда Дионис (Вахх) худосининг ибодатхонаси бўлган; бу ибодатхонага ёлғиз хотинларгина киришга ҳақли эдилар.

³⁵ *Ахеронтинг шовқини* — бу ерда охирот дунёсидаги азобларни инкор этувчи Эпикур таълимоти тарафдори кўзда тutilади. Эпикуризмнинг динга қарши таълимоти Вергилий учун номувофиқ эди.

³⁶ *Чилип* — бир даста чўп; у консул ҳокимиятининг симболи эди.

³⁷ *Дабдабаси* — қишлоқ ҳаёти шовқин-суронли сиёсий ҳаётга қарши қўйилади.

³⁸ *Жанжаллари* — парфян тахти учун кураш олиб борган икки ака-ука — Фраат ва Тридат — кўзда тutilади.

³⁹ *Дак* — Истрага, ҳозирги Дунайга яқин бир жойда яшаган халқ.

⁴⁰ *Ҳасад қилмас* — Вергилий ҳамманинг диққатини қишлоқ хўжалигига жалб қилиб, фақат деҳқонларгина хусусий мулк тенгсизлиги нима эканини билмайдилар, демоқчи.

⁴¹ *Форум* — Капитолий билан Палатин ўртасида бўлган кенг саҳнли бир майдон; Римнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаёти бу майдонда кечар эди. Вергилий бу ерда форумда бўладиган сотқинликларни назарда тутад.

⁴² *Пенатлар* — граждандар уруши даврида Рим солдатларининг Римнинг ўзига ҳужум қилишларини назарда тutilади.

⁴³ *Сарран атлас* — бошқача айтганда, Тийр шойиси, шарқнинг Тийр деган шаҳаридан келар эди.

⁴⁴ *Ростр* — Форумда кема бурунлари билан ясатадиган кафедра; нотиқлар бу ерда туриб сўзлар эдилар.

⁴⁵ *Леней* — Диониснинг маросим вақтида қўлланадиган бошқа бир исми.

⁴⁶ *Сабин* — Апеннинларда яшаган қадимги италий қабиласи.

⁴⁷ *Диктей* — Диктей подшоси Юпитердир; афсоналарга кўра, у Крит оролидаги Диктей тоғида тарбияланган.

⁴⁸ *Сатурн* — мифга кўра, у бир худо бўлиб, унинг замонида ерда «олтин аср» даври бўлган эмиш.

⁴⁹ *Маъбуда* — Энейнинг душман хотини Юнона; Юнона Энейни Италияга етказмаслик учун унинг кемасини дарёга фарқ қилишга аҳд қилади.

⁵⁰ *Эолия* — бир орол исми; бу орол Сицилияга яқин.

⁵¹ *Юнона* — қадимги италийларда Юпитер билан бир қаторда турган маъбуда.

⁵² *Иллий* ёки Иليون, ёки Троя — Кичик Осиёнинг ғарбий қирғоғида қадимги замонларда мавжуд бўлган бир шаҳар.

⁵³ *Нимфалар* — қадимги греклар ва Рим мифологиясида иккинчи даражада турган худолар; нимфалар табиат кучларининг тинчлиги ҳисобланганлар; нимфалар турлича бўлиб, ўрмон, тоғ, дарё ва бошқаларнинг ўзларига хос нимфалари бор эди.

⁵⁴ *Тидид* — Тидейнинг ўғли Диамид; у Троя урушида греклар қаҳрамони сифатида иштирок қилган.

⁵⁵ *Эакид* — Ахиллеснинг иккинчи исми.

⁵⁶ *Гектор* — машҳур грек шоири Гомернинг «Илиада» исмли достонида иштирок қилувчи афсонавий қаҳрамонлардан бири. Гектор трояликлардан бўлиб, грекларга қарши урушган.

⁵⁷ *Сарпедон* — трояликларнинг иттифоқчиси бўлиб, Патрокл томонидан ўлдирилган.

⁵⁸ *Симонэнт* — Гомернинг «Илиада» асарида иштирок этувчи Троя қаҳрамонларидан бири.

⁵⁹ *Эвр ва Нот* — жанубдан туман, булут, ёмғир келтирадиган шамол худоси.

⁶⁰ *Алет ва Абант* — Эней ҳамроҳларининг номлари.

⁶¹ *Кимотой* — денгиз нимфаси — париси.

⁶² *Тритон* — денгиз худоси; Посейдон ва Амфитритадан бўлган ўғил; у кўпроқ ўз туғишганлари билан денгиз тагидаги олтин қасрда яшайди.

⁶³ *Данай совғаси* — яъни ёғоч от.

⁶⁴ *Арголий ёки Арголида* — Пелопонеснинг шимолидаги бир жой исми.

⁶⁵ *Приам қасри* — трояликлар подшоси.

⁶⁶ *Турар эди* — китобхонларга кучлироқ таъсир этми мақсадида Вергилий Троянинг емирилиши ҳақидаги ҳикояни кетма-кет келадиган жуда даҳшатли воқеалар билан тасвир қиладди.

⁶⁷ *Тенедос* — Кичик Осиё қирғоқларида Трояга яқин бўлган бир орол; бу оролда греклар беркиниб, ёғоч от ишининг оқибатини кутганлар.

⁶⁸ *Тритония* — Тритоннинг қизи; Афина-Паллада маъбудаси.

⁶⁹ *Қолдириб кетди* — греклар эътиқодича, чап томондан келган момақалдироқ хайрли иш аломати эди.

⁷⁰ *Ида ўрмони* — Трояга яқин бўлган Ида тоғидаги ўрмон.

⁷¹ *Пойлаб турсин* — душманлар диққатини жалб қилмаслик учун эҳтиётдан хотинини узоқда пойлоқчи қилиб қўяди.

⁷² *Йўлакларида* — мусофирларга жой берган Юнона ибодатхонаси.

⁷³ *Улисс, Феникс* — Гомернинг «Илиада» достонидаги қаҳрамонлардан.

⁷⁴ *Баландроқ эди* — римликлар эътиқодича, ўлганларнинг арвоҳи ўз жасаидан кўра баландроқ бўлар эди.

⁷⁵ *Олимп* — Грецияда тоғлар туркуми; Олимпи тоғларининг баландлиги уч километрача бўлиб, грекларнинг эътиқодича, унинг булут билан қопланган чўққиларида худолар яшайдилар.

⁷⁶ *Геспер* — грекларнинг қарашича, гарбий ўлкалар деб ҳисобланган Италия ерларидир.

⁷⁷ *Лидий Тибри* — Тибр бошлаб этрусклар ерида майдонга келади; этрусклар эса, афсоналарга қараганда, Кичик Осиёнинг Лидия деган областидан келганлар.

⁷⁸ *Малика* — Италий подшоси Латиннинг қизи Лавиния.

⁷⁹ *Мермидон* — бир қабиланинг исми бўлиб, бу қабиллага Ахиллес йўлбошчилик қилган эди.

⁸⁰ *Долоп* — Грециянинг шимолида, Фессалияда яшаган бир қабил.

⁸¹ *Венера* — маъбуда Венера Энейнинг онаси.

⁸² *Улуғ онаси* — Кичик Осиё маъбудаси Кивеа.

⁸³ *Трояликлар* — иккинчи турли қилиб айтганда, карфагенликлар; Карфагенга асос солувчилар Тирадан келиб чиққан эдилар.

⁸⁴ *Набираси* — Юл Энейнинг ўғли бўлиб, Венеранинг набираси ҳисобланар эди.

⁸⁵ *Ер* — ер ҳам Юнонага ўхшаш никоҳ ҳомийси ҳисобланар эди.

⁸⁶ *Кўтардилар* — бу сатрлардаги тасвирлар ҳақиқий тўй маросимига пародиядир; тўй машъали ўрнида чақмоқ ялтирар, тўй яллаганлари ўрнида нимфалар қичқирав эди.

- ⁸⁷ *Ливия* — Шимолий Африкада бир шаҳар.
- ⁸⁸ *Энциелада* — Ернинг болалари Титанлардир.
- ⁸⁹ *Финикиялик* — Дидона демоқчи.
- ⁹⁰ *Номадлар* — Шимолий Африкада яшаган нумидийлар деб исмланган халқнинг бошқа бир номи.
- ⁹¹ *Лаомедонт уруғи* — Трояга асос солувчи Лаомедонтнинг авлодлари ёки трояликлар.
- ⁹² *Сидон шаҳари* — Дидона Тир шаҳаридан Ливияга келади, бу шаҳар Сидон аҳолилари томонидан бино қилинган эди.
- ⁹³ *Сихей* — Дидонанинг вафот этган эри.
- ⁹⁴ *Аврора* — қадимги Рим мифологиясида тонг маъбудаси. Тифоннинг рафиқаси.
- ⁹⁵ *Тифон* — юзта бошли, оғзидан олов сочиб турувчи, ажойиб бир махлуқ; Тифон дунёга ҳоким бўлиш учун Зевс билан урушган, оғир жангдан сўнг Зевс томонидан кунпаякун қилиниб, жаҳаннамга ташиланган.
- ⁹⁶ *Диралар* — қасос маъбудаси бўлиб, Фуриялар ҳам дейилади.
- ⁹⁷ *Геката* — жодугарлик маъбудаси, бу маъбуда арвоқларни идора этади, ёвуз ва зарарли шайтонлар устидан ҳокимлик қилади. Ўлганларнинг руҳини чақириб, шарпалар билан одамларни қўрқитади.
- ⁹⁸ *Элиссалар* — иккинчи хил қилиб айтганда, Дидоналар.
- ⁹⁹ *Тирийликлар* — Тир шаҳаридан келганлар.
- ¹⁰⁰ *Дардан* — бу ерда карфагенликларнинг раҳбари Ганнибал кўзда тутилади; Ганнибал милоддан илгариги ҳисобнинг III асрида Рун урушларида римликлар билан узоқ вақт курашган карфагенликлар саркардаси.
- ¹⁰¹ *Стикс Зевси* — нариги дунё худоси, Стикс — жаҳаннамдаги дарё.
- ¹⁰² *Дидона* — илгари ҳам бир мартаба худодар учун қурбон қозони осган эди; ўшанда ўзини ўлдириб қўлган эди.
- ¹⁰³ *Карфаген* — қадимги даврда Римга қарши узоқ вақтларгача кураш олиб борган Шимолий Африкадаги бир шаҳар.
- ¹⁰⁴ *Тир* — қадим замонлардаги финикияликларнинг машҳур бир шаҳари.
- ¹⁰⁵ *Бошқалар* — бу ерда, греклар энг яхши санъаткор, оратор, олим астороном ва математик бўладилар, демоқчи.
- ¹⁰⁶ *Сатурн* — қадимги италийлар худоси.
- ¹⁰⁷ *Лацция* — Италиянинг марказий области; бу областнинг энг катта шаҳари Римдир.
- ¹⁰⁸ *Атлант* — афсонага кўра, бутун осмонни ўз елкасида тутиб турувчи денгиз титани.
- ¹⁰⁹ *Меотия* — Азов денгизи бўйида бир область.
- ¹¹⁰ *Актив жангши* — милоддан илгариги ҳисобнинг 31-йилда Актив бурунига яқин жойда бўлган денгиз жанги; бу жангда, миср маликаси Клеопатра билан иттифоқ тузиб урушган Антонийни Октавиан Август тор-мор келтирган эди.
- ¹¹¹ *Левкат* — Грециянинг тарбий соҳилидаги бир орол номи.
- ¹¹² *Пенатлар* — оила ўчоғининг худодари.
- ¹¹³ *Порлайди* — Октавиан Август ўз бошидаги жез қалпоғида Юлий Цезарь ўлгандан кейин осмонда пайдо бўлган думли юлдузга жуда ўхшаб кетадиган юлдуз тақиб юрар эди; римликлар эътиқодича, Юлий Цезарнинг руҳи ўша думли юлдузга жойлашган эмиш.

- ¹¹⁴ *Агриппа* (Марк Випсаний Агриппа) — қўмондон ва давлат арбоби бўлиб, Октавиан Августнинг сафдоши эди.
- ¹¹⁵ *Кема буруни* — Агриппа кема буруни сурати солинган денгиз тожи билан мукофотланган эди.
- ¹¹⁶ *Аврора* — тонгни, яъни шарқ қабилаларини демоқчи.
- ¹¹⁷ *Қизил соҳил* — Эритрей денгизининг қирғоқлари (Арабистоннинг кўрфази ҳам Африка билан Ҳиндистон ўртасидаги Ҳинд океанининг бир қисми демоқчи).
- ¹¹⁸ *Бактра* — Бактриядаги (Осиёдаги) бир шаҳар.
- ¹¹⁹ *Мисрлик хотини* — Клеопатра номли Миср маликаси.
- ¹²⁰ *Феб* — палатинлик Аполлоннинг ибодатхонаси остонасида.
- ¹²¹ *Секира* — қиличнинг бир нави, у эгри ва букилган формада бўлади.
- ¹²² *Фермодонт* — италийлар амазонкаси Пермодонт дарёсининг музларида сакраб ўйновчи Фракия амазонкалари билан чоғиштирилади.
- ¹²³ *Пенфесилея* — Троя урушида трояликлар учун ёрдамга келган амазонкаларнинг малikasi.
- ¹²⁴ *Гортина ўқлари* — Крит оролидаги Гортина шаҳарида ясалган ўқлар.
- ¹²⁵ *Ликияда* — Ликияда (Кичик Осиёда) ишланган ўқ ёйлар.
- ¹²⁶ *Варварлар* — италийлар ўзларидан бошқа ҳамма халқларни варварлар деб атаётдилар; уларнинг нарсаларини ҳам варварларча деб билар эдилар.
- ¹²⁷ *Соракта* — Италияда бир тоғ, бунда Аполлонга ўхшатишган италийан худоси Веовис яшар эди.
- ¹²⁸ *Вальсклар* — италийлар қабиласи.
- ¹²⁹ *Турн* — рутил қабилаларининг қаҳрамони бўлиб, Лавинияни хотинликка олган эди. Лавинияга бир вақтлар Эней ҳам совчи қўйган эди.
- ¹³⁰ *Афон, Эрик* — тоғларнинг номлари.
- ¹³¹ *Латин* — латин қабилаларининг подшоси ва Лавиниянинг отаси.
- ¹³² *Сила ёки Табурн* — Италиядаги тоғ чўққиларининг номлари.
- ¹³³ *Вулкан қуроли* — Вулкан томонидан тобланиб ясалган Эней қуроли.
- ¹³⁴ *Умбер* — Италиядаги Умбрия номли жойнинг итлари.
- ¹³⁵ *Фавн* — чорвалар ҳимоячиси, деб ҳисобланган қадимги италийлар худоси.
- ¹³⁶ *Лаврент* — латинларнинг пойтахти бўлган шаҳарнинг номи.
- ¹³⁷ *Дарданид* — Энейнинг иккинчи бир исми.
- ¹³⁸ *Энеадалар* — Энейнинг ҳамроҳлари, трояликлар.
- ¹³⁹ *Давния* — Турнга ҳамма вақт ёрдам бериб турувчи унинг ҳамширасидир; Давния дарё нимфаси ҳисобланади.
- ¹⁴⁰ *Метиск* — Турннинг аравақаси.
- ¹⁴¹ *Давн* — Турннинг отаси.
- ¹⁴² *Авзонлар* — италийлар.

Тибуллга изоҳлар

- ¹ *Тож* — худоларнинг тошдан ясалган тасвири.
- ² *Приап* — Приап худосининг тасвири фақат диний мақсадлар учунгина хизмат қилмай, кушларнинг қўриқчиси сифатида ҳам ишлатилар эди.

³ *Палеса* — подаларнинг ҳимоячиси бўлган қишлоқ маъбудаси.

⁴ *Даланинг* — бу ерда Октавиан сафдошларининг фойдасига ернинг бир қисмини тортиб олингандан кейинги ҳол кўзда тутилади.

⁵ *Эшикларда* — бу ерда Тибулл Мессаллоя билан бирга урушга боришдан бош тортади. Тибулл сўнграқ шарққа бўлган юришда иштирок этиб, Коркира оролида касал бўлиб қолди.

Овидийга изоҳлар

¹ *Бир урушда* — милоддан илгариги ҳисобнинг 43-йилда Мутинадаги, Цизалпин қалъаси деворлари тагида Гриций ва Панса номли консулларнинг баравар ҳалок бўлган урушлари.

² *Геликон* — Грециянинг Беотия исмли областидаги бир тоғ; афсоналарга қараганда, бу тоғларда музалар яшар эмишлар.

³ *Бурундик* — 16 ёшга қадам қўйиш олдида.

⁴ *Бўлса* — бу ерда жиний ишлар бўйича шерик бўлган уч ҳамроҳ кўзда тутилади.

⁵ *Стикс* — ер ости салтанатидаги Стикс дарёсининг қиргоқларида бўлган арвоҳлар туркуми кўзда тутилади.

⁶ *Раҳбар* — Октавиан Август.

⁷ *Истра* — ёки Дуная.

⁸ *Онанг* — маъбуда Венера.

⁹ *Ганг* — Ҳиндистонда бир дарё.

¹⁰ *Вах* — май ва кайф-сафо худоси.

¹¹ *Цезарь* — Август кўзда тутилади.

¹² *Аттик* — Овидийнинг дўсти.

¹³ *Солдатдир* — Овидий бу ерда усталик билан ўз даъвосини исбот қилади; Овидийнинг бу даъвоси ўша даврдаги мактабларнинг риторик декламациясини хотирлатади. Овидий ҳарбий хизматни ёмон кўрар ва у шунинг учун уни масхаралар эди.

¹⁴ *Рес* — Фракия подшоиси бўлиб, трояликларнинг иттифоқдоши эди; Реснинг жуда ажойиб отлари бўлар эди. Грек қаҳрамонларидан Одиссей билан Диомед унинг отларини ҳийла билан олиб қочганлар, чунки оракулнинг айтишича, агар Реснинг отлари Трояга борсалар ва у ерда сув ичиб, ўт есалар, у ерни греклар ҳеч қачон ола билмаслар эмиш.

¹⁵ *Ахиллес* — грекларнинг афсонавий қаҳрамонларидан бири; унинг товонида бошқа ерига ўқ ўтмайди.

¹⁶ *Андромаха* — Гомернинг «Одиссея» достонидаги хотин қаҳрамонлардан бири.

¹⁷ *Гектор* — Гомернинг «Илиада» достонидаги Троя қаҳрамонларидан бири.

¹⁸ *Гўзал эди* — Атрид — Агамемнон Приамнинг қизи авлиё қиз Кассандрани севиб қолган эди.

¹⁹ *Машҳур* — худо Гефест ўзининг чиройли пухта ишланган тўрларига ошиқ-маъшуқ бўлган Марс билан Венерани ўраб олган, бу миф машҳурдир.

²⁰ *Меандра* — Фирогияда (Кичик Осиёда) бир дарё.

²¹ *Карфаген* — қадимги даврда Римга қарши узоқ вақтларгача курашган Шимоллий Африкадаги бир шаҳар.

²² *Венера қайн онам* — Венера, Энейнинг онаси; Дидона эса унинг хотини эди.

²³ *Амур* — Венеранинг ўғли бўлиб, муҳаббат эҳтиросларининг худоси саналади.

- ²⁴ *Кифера* — Венера тугилган орол номи.
- ²⁵ *Иул* — Энейнинг ўгли бўлиб, Юл деб ҳам юритилади.
- ²⁶ *Танҳо* — бу ерда Энейнинг хотини Креуза назарда тutilади; Креуза дом-дараксиз йўқ бўлиб кетган эди; бу ҳодиса учун Дидона Энейни айбдор деб билади.
- ²⁷ *Эменида* — қадимги грек мифологиясида қасос-ўч маъбудаси.
- ²⁸ *Сихей* — Дидонанинг биринчи эри.
- ²⁹ *Элисса* — Дидонанинг бошқача оти.
- ³⁰ *Гетулли Ярб* — африкалик гетулларнинг подшоси, Дидонанинг қаллиқларидан бири.
- ³¹ *Қардоши ҳам* — бу ерда Дидона Энейнинг айбини муболага қилиб оширади. Дидона Энейни фақат ўзинингина ўлдиришда айбламай, тугилажак болани ўлдиришда ҳам уни айблади.
- ³² *Симоис* — Трояга яқин бир ердан оқувчи дарё; уни Симонит деб ҳам атайдилар.
- ³³ *Пигмалион* — Дидонанинг акаси бўлиб, Тир подшоси эди.
- ³⁴ *Фития* — Ахиллеснинг ватани.
- ³⁵ *Микен* — Агамемноннинг ватани.
- ³⁶ *Пинхонди* — Дидона ўзининг бу сўзларини риторик санъатининг қонунарига мувофиқлаштириб тузди; у бу сўзлари орқали Энейда кучли ачиниш сезгиларини уйғотишга муяссар бўлади.
- ³⁷ *Семирамида* — Вавилон маликаси.
- ³⁸ *Дубби Асқар* — Кичик Етти Огайни юлдузи.
- ³⁹ *Тангрига* — яъни худо даражасига кўтарилган император Августга.
- ⁴⁰ *Юпитер* — яна шу император Август кўзда тutilади.

Сенекага изоҳлар

- ¹ *Цензли табақаси* — қадимги римликларда «суворийлар» («всадники») исми маълум ижтимоий гуруҳ бўлиб, бу гуруҳ кўп имтиёзлардан фойдаланар эди.
- ² *Тавр* — Кичик Осиёда баланд тоғ силсиласи.
- ³ *Нур сочади* — греклар (пелазлар) Дубби Акбар (Катта Етти Огайни), финикияликлар (седанялар) Дубби Асқар (Кичик Етти Огайни) юлдузига қараб мўлжал олар эдилар.
- ⁴ *Илон ҳокими* — маълум юлдуз тўши.
- ⁵ *Икки худога* — Аполлон ва Диана.
- ⁶ *Пифон* — афсонага кўра, катта бир илон бўлиб, уни Дельфда Аполлон ўлдирган.
- ⁷ *Колхиданинг посбони, сен ҳам кел* — Медея ўзининг жодугарлиги билан Язонга ёрдан қилиш мақсадида Колхидада катта бир аждаҳоини беҳуш қилиб қўйган эди.
- ⁸ *Эрик* — Сицилиядаги бир тоғ.
- ⁹ *Прометей* — грек мифологиясида худо бўлиб, бонн худо Зевсдан олов ўғирлаб одамларга бергани учун Колхида (Кавказ) тоғларига заنجирбанд қилинган эди.
- ¹⁰ *Парф* — Кичик Осиёдаги халқлар.
- ¹¹ *Мед* — медаплар; шарқ халқлари.
- ¹² *Свев* — Германияда, Гиркан ўрмонида яшаган бир қабила.
- ¹³ *Кар Дит* — Ер ости салтанатининг худоси.
- ¹⁴ *Еруғ юлдуз* — сеҳргарликнинг уч юз йиллик маъбудаси Геката.

¹⁵ *Фазис* — Қолхидадаги бир дарё.

¹⁶ *Гистр* — ҳозирги Дунай.

¹⁷ *Гадалар* — юлдузлар тўпининг исми.

¹⁸ *Феба* — Ой худоси бўлиб, Диана деб ҳам аталади.

¹⁹ *Геката* — Гекатани Ой маъбудаси деб ҳам ҳисоблайдилар.

²⁰ *Стикс* — жаҳаннамдаги дарё.

²¹ *Персеида* — Геката Персей подшосининг қизи ҳисобланар эди.

²² *Язон* — қадимги грек мифологиясида Айтзоннинг ўғли бўлиб, Фелниянинг тошпиряги бўйича Фессалиядан олтин тери олиб келиш учун Қолхидага уруш ясаган.

²³ *Мульцибер* — олов худоси Вулқоннинг лақаби.

²⁴ *Фазтон* — Қуёшнинг ўғли; Медея эса Қуёшнинг набираси ҳисобланар эди.

²⁵ *Химери* — огзидан олов сочиб турувчи афсонавий қўрқинчли махлуқ.

²⁶ *Медуза* — афсонавий бир махлуқ; ўзи қанотли қиз бўлиб, сочлари илондандир.

²⁷ *Вавлади* — Геката кучук қисфасига ҳам кира олар эди.

²⁸ *Пелапов йлкаси* — Греция.

²⁹ *Қуроллантирмоқ* — бу ерда Язоннинг амакиси Пелийнинг ўлдирилиши назарда тутилади; Пелийни ўз қизлари ўлдирган эдилар ва Медея уни яшартиб тирилтирса керак, деб ўйлаган эдилар.

³⁰ *Қардошим* — Медеянинг акаси Ансиртдир. Медея отасини қувишни тўхтатиш учун ўз акасини пора-пора қилиб ўлдириб қочган.

³¹ *Танталида* — Ниобадир; афсонага кўра, Ниоба Танталнинг қизи.

³² *Тинчитаман* — Медеянинг бу монологини Сенека Креузани ҳалок бўлиш хабари келгандан сўнг беради; бу хабар билан Медея томонидан ўз ўғилларининг ўлдирилишини оқламоқчи бўлади. Сенекадаги Медеянинг бу монологи Эврипиддаги Медеянинг монологидан фарқ қилади. Сенека бу монолог орқали кишида қўрқинч ва даҳшат уйғотади. Эврипид эса чуқур психологик ва трагик кечирмалар беради. Сенекада Медея ўч очувчи, ёвуз бир хотин. Эврипидда эса у нозик муҳаббат кечирмалари билан тўлган онадир.

³³ *Тирада* — юқори тонда айтилган фалсафий монологдан нарча.

³⁴ *Префект* — қадимги римликларда бир неча ҳарбий ва маъмурий мансабларнинг номи.

³⁵ *Ўлимдан ҳам ортиққа бўлди* — ўлим тиранлар кўзига жуда кичик жазо бўлиб кўринади, Сенеканинг бошқа трагедияларида ҳам бу фикр кўп учрайди; бу билан Сенека Тиберий ва Нерон исмли императорларга ишора қилади.

³⁶ *Ҳамшира* — Октавиядир.

³⁷ *Ёнғич кулга айлангирсин бутун шаҳарни* — милоддан илгариги ҳисобнинг 64-йилда Римда бўлган катта ёнғинга ишорат. Бу ёнғин пойтахтнинг учдан бир қисмидан кўра кўпрогини ҳалок қилган эди; бу ёнғиндан Нерон завқланиб, Трояни ёндириш тўғрисида ёзган шеърини декламация қилган эди.

³⁸ *Ҳайкалига* — Нероннинг иккинчи хотини Поппея Сабинага қўйилган ҳайкал.

³⁹ *Улар ақли кўп ўтқир эди* — бу ерда Тиберий ва Қай Гракх номли ака-укалар кўзда тутилади; булар аристократларнинг либерал қисмига мансуб бўлиб, аграр реформалари учун (милоддан илгариги II асрнинг иккинчи ярмида) сенат партияси томонидан ўлдирилган эдилар.

⁴⁰ *Ливий* — милоддан илгариги ҳисобнинг I асри бошларида халқ трибуни бўлган; бу ҳам ўзининг чиқарган янги қонуни учун сенатлар партияси томонидан ўлдирилган; бу қонун бўйича судлардаги мансаблар сенаторлар билан «суворийлар» сословнеси ўртасида баробар тақсим қилиниши керак эди.

⁴¹ *Фаск* — бир даста чивиклар. Бу ерда «фаск» сўзи маъмурий мансабнинг даражаси маъносинда ишлатилган бўлса керак.

⁴² *Онам* — Агриппинадир. Агриппина Октавиянинг ўғай онаси, Нероннинг ҳақиқий онасидир; Агриппинани Нерон кемага ўтказиб қўйиб, уни ҳалок қилишга буйруқ берган.

⁴³ *Ўйғотар эдим* — Октавия бу ерда афсонавий Прокнани эсга олади; Прокна ўлган Итис номли ўғлига мотам тутиб йиғлаган ва булбулга айланиб қолган эди.

⁴⁴ *Кўргандир* — бу ерда Германиканинг хотини Катта Агриппина кўзда тутилади. Катта Агриппинани ҳам император Тиберий Пандатария оролига қамаган эди.

⁴⁵ *Ливия* — Друзининг хотини; император Тиберийнинг укаси Друзининг хотини. Ливия ўз эри Друзни ўлдиргани учун Тиберий томонидан жазоланган эди.

⁴⁶ *Тақдири шундай* — Ливия билан Друзининг қизи Юлия ҳеч гуноҳсиз сургун қилинган ва ўлдирилган эди.

⁴⁷ *Ўз хизматкорига эркини бериб* — Октавиянинг онаси, император Клавдийнинг хотини фоҳиша Мессалина эри йўқ вақтида ўз хизматчиси Силийга хотинликка чиққан.

⁴⁸ *Таргар* — қадимги грек мифологиясида жаҳаннамнинг исми; римликлар эътиқодича, у ер ости салтанатида бўлади.

⁴⁹ *Зефир* — қадимги греклар тушунчасига кўра, ғарбдан эсадиган шамол.

⁵⁰ *Асабий Рим* — бу ерда Хорнинг фикрича, Ифигения яшириган шимолдаги Таврларнинг ери Римдек қаҳрли эмас. Таврлар ерида ёт кишиларни худолар учун қурбон қиладилар; Рим эса ўз граждандарининг қонини ичади.

Марциалга изоҳлар

¹ *Катулл* — машҳур Рим шоири (юқорига қаранг).

² *Марс* (Домиций Марс) — Август даврининг шоири.

³ *Педон* (*Педон Альбинован*) — ўша даврнинг шоири ва Овидийнинг дўсти.

⁴ *Гетулик* — қадим замоннинг номаълум бир шоири.

⁵ *Флоралия* — баҳор мавсумида ўтказиладиган Флора байрамларидаги мимикага асосланган театр томошалари.

⁶ *Катон* — милоддан илгариги ҳисобнинг III—II асрларида яшган Римнинг машҳур қаттиққўл ҳокими. Ривоятларга қараганда, у ҳокимлик қилган даврда ҳатто Флора байрамларида ҳам хотинларнинг ўз устларидаги чодирларини олиб ташлашларини талаб қилишга халқ ботина олмаган.

⁷ *Цезарь* — Домициан кўзда тутилади.

⁸ *Фимела* — ўша замоннинг машҳур ўйинчи хотини.

⁹ *Латин* — шу ўйинчи хотиннинг эри.

¹⁰ *Харидем* — афтидан, қандайдир бир жипоятчидир, уни ёввойи чўчқа олдига ташлаб ғажитганлар.

¹¹ *Транстиберин* — Тибер дарёсининг орқасидаги бир мавзу.

¹² *Випсаний лаври* — Випсаний Агриппанинг лаврлар билан ўралган устунли очиқ биноси.

¹³ *Кезиш керак бўлади* — Марциал бу ерда ўзининг бой Галлнинг клиенти қилиб кўрсатади.

¹⁴ *Тога* — римликларда махсус уст кийими.

¹⁵ *Соат ўнларда* — бу Рим вақти, бизнинг вақт билан кундуз соат 3 лар атрофи.

¹⁶ *Бирзени* — денгиз балиқларидан бир нави.

¹⁷ *Опимий* — милоддан илгариги ҳисобнинг 121-йилда консул бўлган киши.

¹⁸ *Фалерн* — машҳур шароб.

¹⁹ *Жаҳондорнинг... даргоҳига* — яъни Домициан саройига. Бу сарой душманлар устидан ғалаба қозониш шарафига лаврлар билан безатилган эди; бу ерда, эҳтимол, Домицианининг Сармат устидан ғалабаси кўзда тутилар.

²⁰ *Цезарь Палладаси* — Афина-Паллада камтаришлик маъбудаси ҳисобланар эди. Домициан эса ўзини унинг ўгли деб эълон қилган.

²¹ *Йўл қўй* — бу ерда император Домицианга мурожаат қилинадн.

²² *Цезарь Дианаси* — бу ерда ов маъбудаси бўлган Диана номи остида цирклардаги ёввойи ҳайвонлар билан кураш кўзда тутилади.

²³ *Цезарь* — Домициан.

Сенекага изоҳлар

¹ *Из-қуни эди* — милоддан илгариги ҳисобнинг 54-йили.

² *Меркурий* — санъат, айниқса сўз санъати ҳомийси ҳисобланган.

³ *Геркулес* — грек мифологиясига кўра, ҳаддан ташқари кучга эга бўлган қаҳрамон.

⁴ *Ғалаба* — мифга кўра, Геркулес Эврисфеянинг топшириғи билан курашда 12 марта зафар ва ғалаба қозонган.

⁵ *«Тарихлари»* — Клавдий филолог ҳам тарихчи бўлган; у граждандлар урушининг тамом бўлиш вақтидан бошланган Рим тарихини ёзган эди. Бу китоб бизгача сақланиб келган эмас.

Ювеналга изоҳлар

¹ *Кўкрагини очиб* — циркда хотин киши йиртқич ҳайвон билан курашга тушади.

² *Канолик бир қул* — Каноп — Мисрдаги бир шаҳар исми. Ювенал бу ерда аввал қул бўлиб, сўнгра бойиб кетган кишиларга нафрат билдиради, ҳолбуки, Ювеналнинг маслағи бўлган стоицизм таълимоти бўйича, ҳамма кишилар тенг ҳуқуқли эдилар.

³ *Криспин* — Домициан даврида яшаган фақш турмуш кечирувчи машҳур исрофчи давлатманд; буни Ювенал қаттиқ танқид қилди.

⁴ *Масса* — Домициан замонидаги бир жосус.

⁵ *Лотин* — Домициан замонидаги машҳур актёр.

⁶ *Фимела* — ўйинчи хотин, Лотиннинг хотини.

⁷ *Лукуста* — Римда одамларга заҳар бериши билан шуҳрат чиқарган бир аёл.

⁸ *Гиар* — Эгей денгиздаги кичик бир орол исми; римликлар бу ерга сургун қилинар эди.

- ⁹ *Клувиен* — Ювеналга замондош бўлган қандайдир бир шоир.
- ¹⁰ *Китобимнинг мундарижасидир* — одамларнинг ерда пайдо бўлган даврларидан бошлаб ўтказган ҳаётларининг ҳаммаси Ювенал сатирасининг мундарижасидир.
- Мифга кўра, машҳур тўфондан қутулиб қолган Девкалион ва унинг хотини Пирра тошдан эр ва хотини ясаб ер юзиде қайтадан одамларни кўнайтирганлар.
- ¹¹ *Сестерций* — тахминан 50 минг сўм миқдориде пул.
- ¹² *Садақа қўядилар* — бойларга садақа учун келадиган клиентларнинг аянч аҳволи, авваллари клиент бўлиб кўрган Ювеналга қаттиқ таъсир қилади.
- ¹³ *Трояликлар* — энг қадимги хонадонлардан бўлиб, кейин камбағаллашиб қолган аристократлар турли мансаб эгалари преторлар, трибунал билан бирга садақа олиш учун бойлар эшигига келдилар.
- ¹⁴ *Тўрт юз минг* — яъни тўрт юз минг сестерций; бу тахминан 35 минг сўм бўлади.
- ¹⁵ *Корвин* — мазаси қочган аристократ.
- ¹⁶ *Либоснинг* — ич кийимига энли ипак жияк тугилган сенатор димоқчи.
- ¹⁷ *Давлатга эгаман* — Паллас ва Лициний озод қилингандан кейин бойиб кетган қуллардир; булар бошқа қуллар қаториде оёқлари бўр билан оқлангани ҳолда сотиш учун Рим бозорига келтирилган эдилар.
- ¹⁸ *Курсини кўрсатади* — ҳар бир клиент ўзи учунгина садақа олишни мумкин эди; касал хотини учун ҳам садақа олишни мўлжаллаган эр хазиначини алдаш мақсадида бўш замбилни кўтариб келар эди.
- ¹⁹ *Куми* — Италияда (Кампанияда)ги бир шаҳар.
- ²⁰ *Сивилла* — Кумиде машҳур кароматчи хотин.
- ²¹ *Байи* — Неаполга яқин, гўзал манзарали денгиз соҳилларига жойлашган бир шаҳар.
- ²² *Прохита* — Неаполитан кўрфазидаги бир орол исми.
- ²³ *Субура* — Римдаги бир кўча.
- ²⁴ *Ўқиб беришлари* — бу ерда адабий асарларни кўчаларда маърака тўплаб ўқиб бериш кўзда тугилади; бу нарса Ювенал даврида модага айланиб кетган эди.
- ²⁵ *Туради* — Ювенал бу ерда Умбрицийни Римнинг Қапен дарвозаси олдида турган деб тасаввур этади. Умбриций гўёки, хотини ва қулларининг бутун мол-мулкларини аравага ортишларини кутади.
- ²⁶ *Жойга* — бу ерда Куми шаҳари кўзда тугилади; бу шаҳарга ўзи ясаган қанотларда учиб юривчи афсонавий Дедал кўнган эди.
- ²⁷ *Лахеза* — мифга кўра, учта нуқсон киши умрининг ипини йиғриб ўтиради, яъни умрни эговлайди, буларнинг бири Лахеза аталади.
- ²⁸ *Лунжлар* — шаҳарма-шаҳар юриб томоша кўрсатувчи музикачиларининг ўйин вақтида лунжларининг шишгани.
- ²⁹ *Ўйин-томошалар ясайдилар* — яъни гладиаторлар ўйинини ясайдилар.
- ³⁰ *Пренест* — Римга яқин бўлган Лациум деган жойдаги бир шаҳарча.
- ³¹ *Вольсиния* — Этруриядаги бир шаҳар.
- ³² *Габий. Тибур* — Лациумдаги шаҳарлар.
- ³³ *Кодр* — қандайдир бир камбағал номи.

³⁴ *Прокула* — эҳтимол, Кодр хотинининг отидир.

³⁵ *Хирон* — кентавр Хиронининг мармардан ясалган ҳайкали; афсонага кўра, кентавр ярми от, ярми одам шаклидаги ғаройиб бир махлуқ.

³⁶ *Эвфранор, Поликлет* — грекларнинг машҳур рассомлари; Поликлет — милоддан илгариги ҳисобнинг V асри, Эвфранор эса IV асрида яшаган.

³⁷ *Сора, Фибраторий, Фрузинон* — Лациумдаги турли мавзулар.

³⁸ *Пифагорчилар* — машҳур грек файласуфи Пифагорнинг шогирдлари.

³⁹ *Друз* — бу ерда Ювенал милоддан илгариги ҳисобнинг I асрида яшаган Рим императори Клавдий устидан кулади. Клавдийнинг тўлиқ оти — Тиберий Клавдий Друздир.

⁴⁰ *Либурияликлар* — Либуриядан (Иллириядан) келтирилган куллар.

⁴¹ *Аквин* — Лациумдаги бир шаҳар. Бу шаҳар Ювеналнинг ватанидир.

⁴² *Диана* — Аквинда Диана маъбудасининг култи ҳукмронлик қилар эди.

⁴³ *Гапирди* — сарой рнёкорларидан Катулл балиқни мақташда биричи бўлиб оғиз очди, лекин кўзи гилай бўлганлиги учун балиқ ётган томонга эмас, балки бошқа томонга қараб гапирар эди.

⁴⁴ *Қилик* — машҳур гладиаторнинг номи.

⁴⁵ *Полотно* — бу чодир амфитеатр устига осилган бўлар эди.

⁴⁶ *Пигма* — театрда одамларни юқорига чиқариш ва пастга тушириш учун ишлатиладиган асбоб; бу асбоб баъзи вақтда жиноятчиларни жазолаш учун ҳам ишлатилар эди.

⁴⁷ *Вейентон* — бошқа бир маслаҳатчи; Ювенал бунни уруш маъбудасининг роҳиби — пайғамбари билан тенглаштиради.

⁴⁸ *Арвираг* — Британия подшоши.

⁴⁹ *Қозиқ* — у баҳайбат балиқнинг қанотини қозиққа ўхшатади.

⁵⁰ *Прометей* — қадимги Рим мифологиясига кўра, титанлардан бири; Прометей Зевсдан олов ўғирлаган ва одамларга бериб, ундан фойдаланишни ўргатган; бу қилган иши учун Зевс қаҳрига учраган, Кавказ тоғларига занжирбанд қилинган, тоғдаги бургутлар унинг юрагини чўқиб ер эдилар; Прометейни Геркулес озод қилган.

⁵¹ *Сикамбр* — герман қабилалари бўлиб, римликлар билан уринганлар.

⁵² *Албан қалъаси* — Домицианнинг ёзлик боғи шундай деб аталар эди.

Лукианга изоҳлар

¹ *Масхара қилади* — Лукианнинг файласуфларни масхара қилиши тўғрисида Марк «Немис идеологияси»да қуйидагиларни айтади: «Қадимги дунёнинг ҳалок бўлиши даврида майдонга чиққан энг кейинги антик файласуфлар таълимотининг аҳамиятини англамоқ учун Лукиандан мукамал материал топиш мумкин. Лукианнинг кўрсатинича, халқ файласуфларни масхарабозлар деб ҳисоблаган, Рим капиталистлари эса уларни сарой қизикчилари сифатида ёллаганлар. Файласуфлар стол тепасида суяк ва қотган пон талашиб, куллар билан жанжаллашгандан сўнг, ўзларига махсус тайёрланган май билан кайфларини ошириб олиб, ўз хўжалари меҳмонларининг

кўнглини турли ажойиб сўзлар билан очар эдилар: «отараксия, афазия, гедоний» ва бошқалар каби.

² *Инсоният... учун* — «Гегель ҳуқуқ фалсафасининг танқидига кириш» исмли асаридан.

³ *Кўринди менга* — бу сатрлар Гомернинг машҳур «Илиада» асаридан олинган.

⁴ *Ниобея* — Танталнинг қизи, Фив подшоси Амфионнинг хотини; Ниобея ўз болаларининг кўплигига мағрурланиб (унинг 6 жуфт, 7 жуфт ўғил-қизлари бор эди), маъбуда Латон (Гето)га писбатан дағал муомалада бўлган; маъбуда Латоннинг атиги икки ўғли бўлиб, бири Аполлон, иккинчиси Артемида эди, булар оналарига қилинган дағал муомаладан аччиқлари чиқиб, Ниобеянинг ҳамма болаларини ҳалок қилдилар, ўзини эса тошга айлантирдилар.

⁵ *Пега* — мифга кўра, бошидан жудо қилинган Медуза қонидан бунёдга келган қанотли от.

⁶ *Триптолем* — мифга кўра, маъбуда Деметраининг ошиғи. Триптолем қанотли аравада бутун Грецияни айланиб, одамларга ерга уруғ сочишни ва ҳосил олишни ўргатар эди.

⁷ *Амбросия* — худолар ичимлиги.

⁸ *Палестра* — гимнастик машқлар учун тайёрланган алоҳида жой.

⁹ *Леданин* ўғиллари — Кастор ва Полидевк: Зевс ҳам Леданиннинг ўғиллари ҳисобланар эдилар.

¹⁰ *Алкмена ҳам Семела ўғиллари* — Геракл ва Дионис.

¹¹ *Қадма* — Зевснинг маъшуқаси Европа.

¹² *Даная* — бу ҳам Антиопага ўхшаш Зевснинг маъшуқаси.

¹³ *Кронос* — Зевснинг онаси.

¹⁴ *Гефест ёки Вулкан* — Зевс билан Герадан бўлган ўғил. Вулкан авваллари оловнинг тимсоли эди, сўнграқ Зевсга тобе бўлгандан кейин, ўт ёрдами билан металларни эритишга моҳир бўлди.

¹⁵ *Ио* — Эсхилнинг «Занжирланган Прометей» исмли асарига қаранг.

¹⁶ *Аргус* — Аресторнинг ўғли; унинг юзта кўзи бор эди. Гера Зевс яхши кўриб қолган Иога қоровуллик қилиб туришни унга топширган эди. Гемес най овозлари билан уни эритиб ухлатди ва ўлдирди. Аргус ўлгандан кейин Гера унинг кўзларини ўйиб олиб, товуснинг думига жойлаштирди.

¹⁷ *Немея* — Арголидаги (Грецияда) бир жой номи.

¹⁸ *Илигия* — бола туғдириш маъбудаси.

¹⁹ *Ялинган* — Афродита эри Гефестнинг қилмишлари тўғрисидаги бу ҳикоя Гомернинг «Одиссея» исмли романида бор.

²⁰ *Галатея* — денгиз нимфалари.

²¹ *Сицилия чўпони* — Циклоп Полифем.

²² *Посейдон* — денгиз худоси.

²³ *Эхо* — Гера томонидан жазоланган нимфанингни оти. Эхо ёлғиз ўрмонда яшаб юриб, Нарцесса исмли чиройли бир чўпонни яхши кўриб қолади. Лекин чўпон кўнгилсиз бўлгани учун Эхо чуқур қай-гуга тўлади ва тошга айланади. Ундан ёлғиз жаранглаган товушгина қолди.

²⁴ *Циклоп* — Уран билан Гайнинг ўғли. У ниҳоятда кўрқинчли, ҳайбатли махлуқ бўлиб, пешонасида бир кўзи бор эди. Циклоп Зевсга момақалдироқ етказиб, чақмоқ тайёрлаб берар эди.

²⁵ *Харон* — Охиратда ўликларнинг арвоқларини кўлдан олиб ўтувчи чол.

²⁶ *Драхма* — тахминан 1 сўм 20 тийинга тўғри келадиган пул.

²⁷ *Аиданий* — ер ости салтанати (Айда)нинг худоси Плутоннинг исми.

²⁸ *Обол* — тахминан саккиз тийинга тўғри келадиган пул.

²⁹ *Рей* — кемаларда мачтага кўндаланг қўйилган ёғоч; бу ёғочга елкан осилади.

³⁰ *Менипп* — Циниклар мактабига мансуб грек файласуфи, Лукан бу одамни кўп вақт масхара қилади.

³¹ *Беш минг* — ўн олти килограммга яқин оғирлик ўлчови.

Петронийга изоҳлар

¹ *Нарсаларда* — яъни зиёфатдаги ажойиб ноз-неъматларда.

² *Цезарь қаторида* — бойлар одатда ўзларнинг бир қисм бойликларини императорларга васият қилиб қолдирар эдилар.

³ *Фортунига* — зиёфатда ништирок қилувчи Трималхионнинг хотини.

⁴ *Габинна* — Трималхионнинг эски тапишларидан бири.

⁵ *Илоннинг* — яъни Фортунатанинг.

⁶ *Скавр* — аристократларнинг фамилияси; бу ерда умуман насабдор одам маъносида келади. Зиёфатда, эҳтимол насабдор хотинга хумошад қилган бўлса керак.

⁷ *Асс* — майда пул.

⁸ *Балбес* — эҳтимол бу ерда сўз ўтирган меҳмонлар устида бо раётгандир.

⁹ *Лаган* — эҳтимол, бу идишда ўн иккита юлдузлар тўпининг расми чизилгандир.

¹⁰ *Агамемнон* — романнинг иштирок этувчи шахсларидан бири.

¹¹ *Айтиб бер* — бу ерда автор Трималхионнинг нодонлигини кўрсатмоқчи; Гомер тасвирича, Циклоп Полифем бунга ўхшаш нарсани ҳеч қачон қилгани йўқ эди.

¹² *Гомеристлар* — бу ерда Гомер достони «Илиада» ва «Одиссея»дан алоҳида саҳналарни ўйновчи актёрлар кўзда тутилади.

¹³ *Кўрсатадилар* — Трималхионнинг нодонлигини кўрсатадиган яна янги бир факт: Елена грек қаҳрамонларидан Диомед билан Ганимеднинг синглиси эмас эди. Агамемнон Еленани эмас, балки ўз қизи Ифигенияни қурбон қилган эди. Буларнинг устига Трималхион трояликлар билан парентияликлар ўртасида бўлган аллақандай номаълум урушлар тўғрисида сўзлайди.

¹⁴ *Эвмоли* — қадимги шоир: «Сатирикон» қаҳрамонларидан бири; воқеа денгиз саёҳати вақтида кема ичида ўтади: Эвмоли ўз ҳикоялари билан кемада чиққан жанжал ва урушларни тўхтатишга муваффақ бўлади.

¹⁵ *Билмайсанми* — бу ерда келтирилган сатрлар Вергилийнинг «Энеида» исми асаридан олинган.

Апулейга изоҳлар

¹ *Карфаген* — қадим замонларда Шимолий Африкада бўлган катта бир шаҳар исми.

² *Изида* — Ионинг Миср халқларидаги исмидир. Изида Энеанинг қизи бўлиб, Мисрда Зевсдан туғилди.

³ *Милет тарзида* — бу ерда халқ оғзида сўзланиб юрадиган «Милет» новеллалари кўзда тутилади (бу новеллалар Кичик Осиёдаги савдо шаҳари бўлган Милет билан боғлангандир).

- ⁴ *Лациум пойтахти* — яъни Рим.
- ⁵ *Нерея қизлари* — нимфалар.
- ⁶ *Нортун* — гаванларни қўриқловчи худо.
- ⁷ *Салиция* — мифга кўра, деңгиз худоси Пентуinning хотини.
- ⁸ *Палемон* — гаванлар худоси.
- ⁹ *Амброзия* — қадимги грекларда бир турли хушбўй май.
- ¹⁰ *Қонунларини* — худолар ўртасида ҳам Рим қонунлари амалга оширилган эди.
- ¹¹ *Меркурий* — худолар жарчиси; греклардаги Гермесга тўғри келади.
- ¹² *Қишлоқ боласи* — яъни Ганимед.
- ¹³ *Либер* — қадимги римликларда табиат ноз-неъматлари ва шод-хуррамлик маъбудаси.
- ¹⁴ *Ора* — йил фасллари маъбудаси.
- ¹⁵ *Боккаччо* — XIV асрда Ренессанс даврида яшаган машҳур италиян ёзувчиси. Узининг «Декамерон» исмли асари билан дунё адабиётида шухрат қозонди.
- ¹⁶ *Динар* — тахминан 25 тийинга баробар келадиган пул.

АТОҚЛИ ИСМЛАР ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК ТЕРМИНЛАРИНИНГ РУЙХАТИ

Аврора — римликларда тонг маъбудаси.

Австр — римликларда жануб шамолнинг номи.

Амазонкалар — Скифияда, Қора денгизга яқин бир жойда яшган ва малика қўли остида бутун бир халқни ташкил этган афсонавий жанговар аёллар.

Амур — Венеранинг ўғли, римликларда ишқий эҳтирос худоси (грекларда Эрос).

Анхиз — афсонага кўра, Энейнинг жуда кекса отаси («Энеида»га қаранг).

Аполлон — қуёш ва каромат худоси (иккинчи исми — Порловчи Феб); поэзия худоси «музалар пешвоси»дир. «Мўътадиллик»ни ваъз этган Арионга топиниш уруқчилик аристократиясининг руҳига мос келар эди.

Асканий — Энейнинг ўғли Иолнинг иккинчи исми («Энеида»га қаранг).

Африк — римликларда жануб ва жануби-ғарбий шамолнинг исми.

Борей — грекларда ва римликларда шимол шамолнинг номи.

Венера — римликларда ишқ ва гўзаллик маъбудаси (грекларда — Афродита).

Веста — римликларда оила ўчоги ва шаҳар ўчоги маъбудаси.

Вулқон — римликларда олов ва металларни ишлаш худоси (грекларда — Гефест).

Геката — сеҳр маъбудаси, ўз вазифасига мувофиқ уч қисфага эга эди: Ой (туққан аёлларнинг ҳимоячиси), Диана (ов маъбудаси), Прозерпина (жаҳаннам маъбудаси).

Геракл — грек афсонавий полвони, Зевс ҳам оддий аёлнинг ўғли. Эврисфейда хизмат қилганда ўн икки марта қаҳрамонлик иши кўрсатган.

Дардон — Эней хонадонининг ва бошқа трояликларнинг афсонавий уруғ бобоси.

Дакданидлар — Дарданининг авлоди, трояликлар.

Диана — римликларда ов маъбудаси (грекларда — Артемид).

Диатриба — тўла бўлмаган фалсафий диалог; у шундан иборатдирки, фикр қилувчи шахснинг ўзи хаёлий суҳбатдошининг эътирозларини келтиради ва уларни рад этади (Горацийнинг «Сатиралар»ига қаранг).

Дивалар — ўч, қасос илоҳлари.

- Зефир* — римликларда ғарб шамолининг номи.
- Иол* — Энейнинг ўғли.
- Купидон* — римликларда оила ўчоғи худоси.
- Либер* — Вакхнинг маросим лақаби.
- Луцина* — римликларда туғиш маъбудаси.
- Марс* — римликларда уруш худоси (грекларда — Арес).
- Медуза* — афсонага кўра, сочлари илондан бўлган энг даҳшатли махлуқ.
- Милломена* — афсонага кўра, тўққиз музадан бири, поэзиянинг намояндаси.
- Меркурий* — римликларда савдо худоси, кейинча у худоларнинг хабарчиси (грекларда — Гермес).
- Нептун* — римликларда бош денгиз худоси (грекларда — Посейдон).
- Нимфалар* — афсонага кўра, дарёларда, ўрмонларда, ўрларда, қорларда яшаган маъбудалар.
- Ниоба* — афсонага кўра, Танталнинг қизидир, маъбуда Латона олдида у ўз болалари ва асли-насаби билан мақтанганлиги учун, Латона болалари Аполлон ва Артемида томонидан унинг болалари ўлдирилган; Ниоба қайғудан тош бўлиб қотган («Ниоба болалари билан» деган Флоренция группаси сақланиб келган).
- Нот* — жануб шамолининг номи.
- Ода* — қўшиқ, шеър демакдир; грек комедиясида хор ашуласи; мадҳ-санога оид қўшиқ, шеър-қасида.
- Паркалар* — римликларда тақдир маъбудалари.
- Пенатлар* — римликларда оила ва шаҳар ўчоғи худолари.
- Приап* — ҳосилот ва уруғланиш худоси.
- Рем* — Ромулнинг қардоши; афсонага кўра, у билан бирга ургочи бўрини эмиб ўсган.
- Сатира* — лотинча «сатура» — аралаш-қориштирув демакдир. Турли мазмунга ва баъзан қоришиқ шаклга (масалан, орасига шеър киритилган насрий асар) эга бўлган публицистик асарлар рим адабиётида шундай деб аталар эди. Бу асарлар кўп вақт кескин сатирик (биз англаган маънода) элементга эга бўлар эди.
- Сатурн* — римликларда бугунги италий худоси (Сатурн асри — «сатин аср», «Сатурн шеъри»).
- Тевкрлар* — тройликлар. Тевкр деган подшоҳнинг авлодлари маъносиди.
- Улисс* — Одиссейнинг римча исми.
- Фавн* — қадимги италий худоси, у подаларнинг ҳимоячиси.
- Фортуна* — римликларда тақдир маъбудаси.
- Форум* — аслида қора демакдир; Римдаги майдон, бу ерда ҳукумат муассасалари ва ибодатхоналар жойлашган эди.
- Фурий* — қасосни тажассумлантирувчи ваҳимали махлуқлар.
- Цекуб* — римликларда шароб номи.
- Перера* — римликларда деҳқончилик ва ҳосилот маъбудаси (грекларда — Деметра; шоирлар кўпинча метонимик равишда «нон» сўзи ўрнида қўллайдилар).
- Эвр* — римликларда шарқ шамолининг номи.
- Эрмий* — Гермес.
- Юнона* — маъбуда; римликларда Юпитернинг хотини.
- Юпитер* — римликларда худоларнинг подшоҳи.

II
XVII – XX АСРЛАР
ЕВРОПА АДАБИЁТИ

МОЛЬЕР

ТАРТЮФ

БЕШ ПАРДАЛИ КОМЕДИЯ

ВОҶЕАДА ИШТИРОҚ ЭТУВЧИ ШАХСЛАР

Оргон.

Пернель хоним — унинг онаси.

Эльмира — унинг рафиқаси.

Дамис — унинг ўғли.

Мариана — унинг қизи.

Валер — Марианани севган ёш йигит.

Клеант — Эльмиранинг биродари.

Тартюф — авлиё.

Дорина — Мариананинг хизматкори.

Лояль жаноб — суд пристави.

Офицер — полис.

Флипот — Парнель хонимнинг хизматкори.

Воқеа Парижда, Оргон уйида бўлиб ўтади.

БИРИНЧИ ПАРДА

I саҳна

Пернель хоним, Эльмира, Дамис, Мариана,
Клеант, Дорина ва Флипот.

Пернель хоним

(Флипотга)

Қани тез юр! Гуноҳдан қоча қол нари...

Эльмира

Тўхтаг ахир, онажон... Ҳаллослаб қолдим...

10 Сизга етолмайман...

Пернель хоним

Ҳой, азиз келиним!

Утинаман ҳамда йўқдир ҳожати.

Э л ь м и р а

Мен жуда ачинамен... Лекин нимага
Бунча ҳовлиқишингиз, тушунолмаймаен...

П е р н е л ь х о н и м

Нимага?

- Тоқатим йўқ! Ана шу ҳангомаларни
20 Кўриш менга оғирдир! Она бўлганим
Туфайлидан ҳаққим бор — керак айтмоғим.
Мен бу ишдан жуда, жуда норози.
Ўйлаб кўринг ахир бу қандай оила?
Ҳеч кимда на қўрқув бор, на-да эҳтиром:
Қайси бирига боқсанг, ўз муҳокама,
Ўз қарашили илгари суради мудом...
Айтинг менга: мен қайда, қайси водийда?
Бозордами? Лўлилар кўчида ёки?
Билмайман... Христиан уйида
30 Эмаслигим муқаррар!

Д о р и н а

А мен...

П е р н е л ь х о н и м

Сенми, энанг айлангур, хизматкор, чўри,
Гапга аралашмаган сен қолганмидинг?
Сендадир тилнинг ҳаддан ошиқ узун, —
Менга аёнки, бунда сендан умуман
Кўп нарса дов қилмаслар...

Д а м и с

40

Аммо...

П е р н е л ь х о н и м

Сен бир аблаҳ! Ҳаммага кўпдан маълум-ку,
Отанг сендан кўрмади асло ҳаловат,
Уятга қолди, дарди кўпайди фақат:
Ҳамма вақт ёдингда тут: ҳал этилган бу.

М а р и а н а

Мен ўйлайман...

П е р н е л ь х о н и м

Мана, бу қўйдай беозор!

Molje

Tartjuf

Bez predala komi

من جوده اهدا من ... بلان سده
بدرغا داد لقصير تو سوا ما سمن
پا پيل خانم
غده ؟

بتمه جيانگ كسند ه اهدا سده ل
كوب نه ... دات سله ...

«Тартюф» пьесасын таржымасынын кўлөзмасы.
Титул варақ.

- 50 Мана, чинакам содда, ғуборсиз сыйна!
Юмалоқ-ёстиқ қиллиб сўзлашдан қўрқар...
Лекин писмиқда гап кўп, сен биларсан-а?

Э л ь м и р а

Лекин, онажон...

П е р н е л ь х о н и м

Сизга яширмай айтай —

- Майли жаҳлингиз чиқсин ёки чиқмасин,
Ўгай она, завжага, уй бекасига
Ярашмас енгил қилиқ...
60 Эсни йўқотиб, ажва бўлгандан кўра —
Сиз ақли салим билан бошқаларга ҳам
Тимсол бўлишингизни истардик ҳар дам:
Эрга ёқинш-чун ҳожат йўқ безанишга.

К л е а н т

Хоним афанди! Менга рухсат этгайсиз...

П е р н е л ь х о н и м

- Аҳ, бегим, сизни жуда ҳурмат қиламен,
Мен бу ерда хўжайин бўлсам, билмаймен,
Бу эшикка бош суқа олармидингиз!
70 Ҳаётга қай кўз билан қарашингизни
Баъзи вақтларда сиздан мен эшитамен,
Мен худди жаҳаннамга тушган бўламен!
Бу гаплар учун ҳаргиз койинманг мендан,
Кўнгилдагини киши вайсайди баъзан...

Д а м и с

Аmmo сизнинг Тартюф...

П е р н е л ь х о н и м

Мумтоз ва тимсол

- Бўлувчи гўзал инсон! Унга қарши сен
80 Боши мағизсиз бўлган бир маҳмадана,
Менинг бутун ғазабим жўш урар дарҳол!

Д а м и с

Демак, сизча, мен унга ҳар вақт индамай
Ва нима деса, шуни лом-мим демасдан —

Муқаддас ҳақиқат деб қабул ҳам этай?
Йўқ, ташаккур этаман бош эгиб тубан.

Д о р и н а

Ҳамма нарсада унга бўйсунсанг агар,
Бирон ишни ишлашга ботинолмайсен!
90 Ҳеч нимани кўзидан қочирмайди у,
Яна ҳар бир ишни ҳам ёқтирмайди у:
Бу гуноҳ, бу — уят... Бу динга зарар...
Бошинг ганг бўлади-да,
Ҳеч нима қилолмайсан!

П е р н е л ь х о н и м

Майли текширсин, майли! Ҳар бир одимни
Кўзда тутсин! Тафтиши — биз учун нажот!
Уғлим бир оз забардаст бўлсайди, уят,
Ҳурмат, севгига сизни мажбур қиларди.

100 Д а м и с

Йўқ, буви!
Бу беҳуда заҳмат бўларди бутун:
Бировларнинг фойдаси, ишваси учун,
Мен мунофиқ бўлишни ҳеч истамайман!
Агар у мени яна бирон мартаба
Қойиса, нетса, у чоқ — мен ишонамен —
Яхшилик билан битмас иш натижада!

Д о р и н а

Алам қилади: беном-бенишон, саёқ
110 Кутилмаганда уйга кирди бесўроқ;
Худодай қаршиладик, кийим-кечак бут,
Қорни тўқ: гадой учун бу ўзи давлат!
Яна нима? Ҳомийлар ҳаққига фақат
Тангрига ибодат қил — бошқасин унут!
Йўқ! У исқиртни энди қил бир томоша!
Ҳамма унга қул, ёлғиз у ҳукмфармо.

П е р н е л ь х о н и м

Нетайлик! Дин аҳлини ҳурмат қилмайин,
Биз гуноҳга чуқурроқ ботдик кун сайин!

120 Д о р и н а

Унинг каби виждонсиз, энг сохталарга?
Унда тақводорлик йўқ, динчилик парда!

Пернель хоним

Тилинг қурсин, тилинг!

Дорина

Нима бўлибди, асло —
Икки юзлик қилмай, мен дангал айтай:
Мен ишонмайман унга, ишонч йўқ қитдай:
Мен уни анча-мунча таниб олганман!

130

Пернель хоним

Таниганман дейсанми? Таниб қолгансан!
Бизнинг одатимиздир ҳақ йўлдан қочиш —
Ҳақиқатни тинглашни ҳар кимса орзу
Қилавермайди... Унинг дарди ёлғиз шу:
Адашганларни нажот йўлига тортиш.

Дорина

Хўб, шундай бўлсин... Фақат нима сабабдан,
Бизнинг уйга меҳмонлар келса, дарров у
Қовоқларини солиб, кўтарар шов-шув,—
140 Меҳмонлар ёш эркаклар бўлса, хусусан?
Бу ерда ёт киши йўқ... Хўб, айта қолай...

(Эльмирани ишорат қилади)

Ишонингки, бекага кунчилик қилади!

Пернель хоним

Юм оғзингни! Юм! Ортиқ битди тоқатим...
Ахир ёлғиз ундами шу фикр ҳоким?
Атрофда нималарни дерлар, қулоқ сол...
Лутф этинг, ҳамма учун уй очиқ яққол!
Меҳмон устига меҳмон — арава ҳадсиз!..
150 Мен бирон ёмон ишдан қилмаймен гумон —
Лекин шу ҳақда гап-сўз юриши ёмон.

Клеант

Сўзфурушларни қандай жим қилмоқчисиз?
Уларга ёқиш учун дўстлардан жудо
Бўлмоқ, алоқа узмоқ мумкинмас ҳаргиз!
Бу иш тамом фойдасиз бўларди ҳатто.
Пучак пулга арзимас гийбат «миш-миш»ни
Босиш учун, менимча, йўқдир бир чора,

- Яхшиси шу — биз қандай яшаган бўлсак,
160 Шу хилда яна қураверсак турмушни:
Улар сўзни чуватаверсин тобора.

Д о р и н а

- Сўз чуватувчилар ким? Улар шундайлар:
Ўз-ўзларидан ҳадиксираган яна.
Кимнинг ахлоқи чиндан қабиҳ-кир эса;
Улардан ғийбат пар-пар учиб келади —
Тилни ишга солишга бас!
Сизни жуда синчиклаб текширадилар.
Тушга кирмагани ҳам ёпиштирадилар,
170 Шунда ўйлайдиларки, ўзлари соп-соғ!

Пернель хоним

Тўғри эмас, Мопарда хонимлар ҳам бор...

Д о р и н а

- Уларни ҳам биламан...
Уларнинг ҳаёти барчага тимсол...
Нечук? Билмоқ истарсиз буни эҳтимол?
Гуноҳларга ёшлари ўзган бир қадар!
Улар қартайганлар-да, ҳусн ҳам сўлган...
Дунё унутган, энди улар чиллада...
180 Баъзиси ҳеч нимадан тоймаган бир чоқ —
Бугун эса ёнига йўлатмас сира:
Шафқат кўрмай тақводор... Қелар ҳаваси!
Атрофда ўйин-кулгу, боёқиш хурсанд
Бўлар эди-ку, лекин чиқитга чиққан:
Истеъфо берган! Танг боёқиш аҳволи...

Пернель хоним

(Эльмирага)

- Мана шундай бемаза ҳангома билан
Сиз кўнгил очасизми, азиз келиним?
190 Биз боёқишларга энди гап йўқми чиндан?
Ҳар ҳолда мен айтишим керак ўз фикрим!
Шуни билингки, ўғлим, яхши иш қилди,
Машҳур бир зотга уйдан у берди макон,
У зотга қарши сизда ғазаб ва нафрат,
Сизга талқин этибди буларни шайтон
У — азиз одам, унинг кўнгли мусаффо,—
Лекин атрофга боқиб у нима кўрар,

Нима эшитар! Қандай маразлар туяр!
Анвои йиғинлар... ҳар хил бемаъни кайф-сафо...
200 Базмлар, зиёфатлар... меҳмон кутишлар,
Туну кун шу! Улфатлар? Суҳбат тузишлар?
На тақво, на камтарлик — йўқдир чин инсон...
Ҳамма оғизда ёлғиз бўш бир ҳангома,
Биронта қудси гап йўқ... Ахир бу нима!
Яъжужу-маъжуж босганми? Бу қандай сурон?
Сабабин суриштира бошласак шу он.

(Клеантни кўрсатади)

Мана, мана! Кулишга ҳалитдан тайёр!
Ҳа, мен унга эмасман нодон заифа,
210 Мени масхаралашни қилсин ихтиёр...
Мирзам, дуч келмагансиз ундайига!

(Эльмирага)

Хайр, азизим, эс-ҳушни йиғиб олсангиз,
Ишларингиз яхши саранжом топар,—
Мен у вақт келурмен... Олдин кутмангиз.

(Флипотга шапалоқ уради)

Қани, ҳай ҳафтафаҳм! Олга лўкилла!

II саҳна

Клеант ҳам Дорина

220

К л е а н т

Ҳеч кимни ўкситмади — ҳаммани текис
Қийратди... У забардаст кампир!

Д о р и н а

Ай-яй-яй!

Сизнинг хушомад учун кампир ҳеч қандай
Раҳмат демас эди...

К л е а н т

Рост, қайнаб оқди,
Хўш, кампирга Тартюфнинг нимаси ёқди?

230

Д о р и н а

У нима ҳали! Мана жаноби Оргон,
У чинданда Тартюфга кўнглини қўйган:

344

- Анқо тухуми каби подир воқеа —
 Тушунмайман бу ишни мен ўзим сира...
 Шундай таърифлаш мумкин: Тартюф у учун
 Бола, хотин, онадан азиздир бутуи!
 «Тартюф шуни хоҳлайди, шуни буюрур...
 Тартюф хафадир... Тартюф кўнмас бир умр.
 Тартюф ухлар — гинг дема! У овқатланар,
 240 Тартюф ошаб бўлгунча ҳамманг оч ўтир!»
 У ҳам ягона доно, у ҳам пайгамбар...
 Нима деса ва қилса, албат, мўътабар
 Ва биздек аҳмоқларга бўлармиш сабоқ...
 Бу гапларнинг барини билар, албатта,
 У қилавермайди ҳар ишни таъна:
 Қай вақт дўқ қилган бўлар, қай вақт — бол билан
 Андавалар, қарабсан ҳеч сездирмасдан
 У бирмунча пулчани ишлар лаҳзада...
 250 Ҳаммадан безакларга у қаттиқ душман:
 Гулми, уқами — майли, кўзига — балол!
 Юлади, ташлайди... Баъзи вақт ҳатто
 Сал дуруст кийиндикми — бўлмайди хурсанд!
 Жанобларми, хизматчими, бари бир унга.

III саҳна

Клеант, Дорина, Эльмира, Дамис

ва Мариана.

Эльмира

(Клеантга)

- Сен бахтли экансанки бормадинг, яна
 260 Қоп-қоп гап эшитдик биз бечоралар.
 Мен у ерда Оргонни кўрдим; юқори
 Чиқайин — яхши эди у дуч келмаса...

Клеант

Сен боравер. Бу ерда биз гаплашамиз.

IV саҳна

Клеант, Дорина, Эльмира, Дамис

Дамис

Синглим ишини билиш керак эди, тогажон!
 Сезаман, Тартюф бирон ўй билан машғул.

270 Бу никоҳни ёқтирмас, қиламан гумон...
Нима қилишни билмай ўзим ҳам ҳайрон...

Д о р и н а

Тисс. У келаётир!

V саҳна

Клеант, Дорина ва Оргон.

О р г о н

Э, салом, биродар...

К л е а н т

280 Яхши бўлдимизми? Ҳаёт созми қишлоқда?
Бардаммисан! Хўш, сафар
Гарчи хурсандчилик йўқдир у ёқда...

О р г о н

Дорина...

(Клеантга)

Кечир. Мен билмоқчиман бизда қандайин
Янгиликлар бор экан... Бир минут, бирпас!
Икки кун бўлмадим-а, ҳазил гап эмас...
Сабр эт бир оз!

(Доринага)

290 Тинглайман. Сен муфассал
Айтавер бирин-бирин...

Д о р и н а

Даставвал

Хотинингиз оғриди қаттиқ.
Титраб қақшади, ёнди... кучли бош оғриқ...

О р г о н

Хўш, Тартюф қалай?

Д о р и н а

300 Тартюф? Уни сўрамоқ ҳам беҳуда...
Кимда бор унинг бунда кўрган ҳузури!

О р г о н

Боёқиш! Ғариб!

Д о р и н а

Бекамиз оғриб
Кечки таомга базўр ўтира билди,
Бошим, деди-да, таом тотмади асло.

О р г о н

Хўш, Тартюф қалай?

Д о р и н а

310 Икки каклик ошади —
Ҳа, қўй гўштдан ҳам оз-моз ортди... у аммо
Тўйганидан, ўзи кўп хоҳламади.

О р г о н

Боёқиш! Ғариб!

Д о р и н а

Тун ўтди зўр таҳликада!
Уйқу йўқ, ёнди, киприк қоқмадик биз ҳам!
Кўп қийналдик, юришга дармон йўқ сира...
Тонггача силжимадик касалдан бир дам!

320 О р г о н

Хўш, Тартюф қалай?

Д о р и н а

Беғам, беташвиш, тўйиб,
Дастурхондан қўзғалди оҳишта, шошмай,
Сўнг ташланди тўшакка ва хуррак қўйиб
Бутун кеча ухлади... У қотди тошдай!

О р г о н

Боёқиш! Ғариб!

Д о р и н а

330 Аллақачон қон олиш керакди, лекин
Истамади, Хонимни босди зўр даҳшат!
Қон олдиришга ўзи кўнди, ниҳоят —
Ҳаммамизга ташаккур билдирди кейин...

О р г о н

Хўш, Тартюф қалай?

Д о р и н а

Тартюф билдики, хаста
Қон олдирганида кўп қувват йўқотди.
У дарров ўз бўғзини тўлдирди яна!
340 Понуштада у икки қадаҳ шаробни
Том ихлос билан ортиқ томоққа отди!

О р г о н

Боёқиш! Ғариб!

Д о р и н а

Аммо келишингизга дард ариди бекадан...
Бориб айтайинки мен:
Меҳрибону лутфкор эрингиз бизга
Соғайганингиз учун билдирди шодлик!

VI саҳна

Клеант ва Оргон.

350

К л е а н т

У сени мазах қилар кўзинг олдида,
Дангал қилиб айтайин, унинг ҳаққи бор!
Мумкинмики, ўзини киши шу хилда
Ўжарчасига алдар? Азиз дўст, сира,
Аччиғланма; сен каби улуғвор инсон
Жилла фозил бўлмаган битта шахс учун
Ўзни, оиласини, барчани бутун
Унутсин, — бундай гапни биларми замон!
360 Ўзинг инсоф қил...

О р г о н

Тўхта, қизишма чандон.
Сен беҳуда сўзлайсан, ўзинг билмаган
Бир шахс устида мунча лоф-қоф недан?..

К л е а н т

Билмайманми, эҳтимол, ўрганиб ҳамда
У ҳақда тўғри фикр олишим мумкин...

О р г о н

Майли, ўрган! Тайёрмен лекин қасамга,
370 Ки сен уни севасан, бўласен мафтун!
Мана инсон! Оҳ, қандай ажойиб инсон!

348

У шундай бир инсонки, мундай бир ҳазрат...
 Қўй, хуллас чин инсон! Бундай азамат
 Улугликни топмасмиз бизлар ҳеч қачон.
 Унга эргашган — руҳий оламга учар.
 Одамзод авлодига, унинг беҳуда
 Икир-чикир ҳаваси, армон-орзуга
 Маънавий оламдан менсимай боқар...
 Мени ол: мен ўзгардим, мен бошқа жуда.
 380 Нозик туйғулар учун руҳим кўр ва кар.
 Оёқларим остида ҳозир ўл, сенмас —
 Бутун оила ўлсин — солмаймен назар:
 Уруғларимга, барча дўст-ёрга ҳатто
 Бўлган қиттак севги ҳам менда йўқ ҳозир.

К л е а н т

Инсонча иш бўлибди!

О р г о н

Тартюфга йўлиққаним тушди ёдимга:
 У бизнинг бутхонага қатнаб юрарди...
 390 Мен дарров кўз остига уни олдим-да,
 Ундан буён ҳамиша кўзларим зорди.
 У мендан бир оз нари,
 Ибодат тугагунча тиз чўкиб, ҳалим,
 Намоз ўқирди — гоҳи мунис диққатли,
 Гоҳ қудси ўт юзида мавжланарди жим.
 Кўзларин ихлос бирлан тикиб самога
 Оҳ чекар, нола қилар...
 У тинмай сажда этар ва ерни ўпар,
 Бор кучи-ла кўкракка ўрар бечора...
 400 Мен чиқаркан, шошилиб юрар илгари,
 Халқни ёриб, мен учун йўл очар эди.
 Сабрим битди, ниҳоят, мен жазм қилдим:
 Худди ўзи сингари хизматчиси-ла,
 Таниш бўлдим-да аста сўзлаша билдим,
 Сирига воқиф бўлдим ҳайронлик била!
 Гадой каби яшарди хор-зор ва юпун...
 Бечорага кўрсата бошладим ёрдам.
 Дастлаб асло кўнмади! Кейин у кам-кам
 Ола бошлади:— «Шу ҳам кўпдир мен учун»...
 410 Мен қайтиб олмасам, у кўзим олдида
 Гадойларга улашди қолдирмай сира.
 Ниҳоят, тангрига шукурлар бўлсин!

Меним хонадонимда у топди макон —
Турмушимни ўзгартди у секин-секин;
Қўриб турибсен, сенга барчаси аён;
Ҳаттоки хотиним ҳам димоғ қилмади:
Тартюф унга оқсочдай парвона бўлар,
Бировга сал қайрилиб, боққанин сезса,
Уйлаб ўтирмай, уни шу онда ҳайдар!
420 Ҳатто менга рашкчи деб қўярканлар ном,
Унга не дер эканлар!— У бошқа тамом!
У ўз-ўзига пишиқ — энг кичик гуноҳ,
Анчайин бир қусурнинг қаттиқ душмани:
Тунлари уни чулғар фикр дарёси;
Шу вақтда бир бургани ўлдирса ногоҳ —
Инонасенми, ғамдан кўз юммас бир он!

К л е а н т

Бас, етар! Довдирама! Алданасен ёлғиз,
Бошқаларни қўй... Қандай телбалик ахир!
430 Гўдак эмасмиз, сендан нодон эмасмиз,
Токи кўрмайик...

О р г о н

О, эркин фикр!
Сен сўзимга қулоқ сол — оғир-вазмин бўл:
Ҳали унча кеч эмас, йўқса, иш мушкул!

К л е а н т

Менга маълумдир ушбу мулоҳазалар.
Сизнингча, ким кўр эса — у яшайди соф,
Қитдай сезгирроқ бўлса бир киши агар,
440 У шаксиз, ҳур фикрли, қаллоб, беинсоф —
У боёқиш кечирилмас, шафқат этилмас.
Бу ҳукм қўрқинч эмас! Дилимда меним
Йўқдир чиркин туйғулар, бадкирдорликлар,
Жилваланмадим, ҳар нав риёкорликлар
Ниқоблари остида ва келажагим
Учун айни йўл билан ташвишланмадим...
Биз жуда ажойиб яратилганмиз:
Биз бўлмағур матонат кўрсатиб, диндор
Одамлардан аслида алдамчи, чексиз
450 Мунофиқларни ҳеч фарқ қилмасмиз; иқроп
Қилайликки, ўлгудай бизлар риёкор.
Тақдир насибасига эмасмиз рози,

Биз ёлғиз бир нарсага жон куйдирамиз;
Табийй сиймомизни йўқотиб беиз,
Нима бўлсак бўлайлик — руҳнинг ўз зоти
Бўлмаса бас... Мен бунн анчайин айтдим.

О р г о н

Ҳа, шундай! Ақлга фақат сен етук,
Ҳам таҳсил кўргансан, ҳам илминг буюк:
460 Сенга довруқ! Қўлингга китоб ярашар!
А биз бўлсак эшаклар ва аҳмоқлармиз...
Ҳаёт тажрибаси ҳам доно китоблар
Бизга бўлмади насиб...

К л е а н т

Қандай пуч гаплар!
Инонгил, мен ўзимнинг қадрим биламен:
Керакмас на камтарлик, на-да мақтаниш,
Аммо қандай ниқобда жилваланмасин,
Муғомбир, маккор мендан қоча олмамиш,
470 Ёлгонни ҳар вақт чиндан мен фарқ этамен...
Чуқур ҳурмат қиламен чин тақводорни,
Лекин мунофиқлардан қиламан нафрат!
Барча икки юзликлар ва айёрларни,
Авлиё кўринувчи, таассубпараст,
Қароматфуруш бўлган юзсиз, ҳаёсиз
Махлуқларни кўришга тоқат йўқ ҳаргиз.
Уларда йўқ ҳеч қандай эзгулик... Аммо
Тама бор, манфаат бор. Уларга дучор
Бўлибсен, сени қурбон қилмоқлик асло
480 Қийин эмас,— уларга йўл-йўриқ тайёр!
Ҳалокатинг ўзгалар учунмиш нажот!
Мақсадлари ифлосдир, қурооллар ёмон:
Соддадил халқ кўзида улар қадрдон,
Улар дин чароғлари, раҳбари ҳаёт —
Барча ҳаракатлари юксак, мукаммал...
Шу юздан улар кучли, хавфли ҳар маҳал!
Шундайлардандир сенинг бу шоввозинг ҳам...
Бу ерда энди у саёқ муттаҳам —
Барча фазилатларнинг нодир тимсоли
490 Бўлсин-да, ҳурмат кўрсин? У паст, алдамчи —
Сенинг пиринг, биринчи азиз одаминг?
Сенинг дўстинг, қардошинг? Оргон! Оргон! Боқ,
Дуруст ўйла! Сен жуда кўр, гумроҳ бу чоқ...

О р г о н
Тугатдингми?

К л е а н т
Ҳа.

О р г о н
Хайр, сенга бахт тилайман.

500 К л е а н т
Бирдам сабр эт. Бу баҳсни йиғиштирайлик,
Оилага тегишли суҳбат қилайлик.
Валерга сўз бергандинг, унутмагансен?

О р г о н
Йўқ, унутган эмасмен.

К л е а н т
Кўрсатгандинг кунни ҳам...

О р г о н
Ҳеч нимани унутмаймен.

510 К л е а н т
Орқага ташламоқнинг маъноси борми?

О р г о н
Билмаймен.

К л е а н т
Балки сенда бошқача хаёллар бордир?

О р г о н
Ҳар нима бўлса мумкин.

К л е а н т
Ваъдани бузиш?

520 О р г о н
Мен бу ҳақда ҳеч нима деганим йўқ-ку.

К л е а н т
Сен демадинг... Лекин бу тараддуд...
Яна бирон сабабсиз...

О р г о н
Кимга сабабсиз.

К л е а н т
Валер сўради сен-ла сўзлашувимни...

О р г о н

530 Жуда соз,

К л е а н т
Унга не дейй?

О р г о н
Истаганинг айт.

К л е а н т
Эй-эй, Оргон! Сен нечун менга ҳам шундай
Дудмал бир муомала қиласен ахир?
Сезамен, бир нимага жазм қилгансен.
Нимага уни менга билдирмагайсен...

540

О р г о н
Қарорим сир эмасдир: вазифам нима
Буюрса, шуни қилиш.

К л е а н т
Демакки, ваъдага вафо қиласен?

О р г о н
Хайр.

К л е а н т
(ёлғиз)
Эҳ-э, қардошим Валер, бир кўриниш бер,
550 Ишларинг бир оз чатоқ... Белни боғлайвер!

ИҚҚИНЧИ ПАРДА

I саҳна

О р г о н ҳам Мариана.

О р г о н
Сен бу ерда бир ўзинг?

М а р и а н а

Бир ўзим.

О р г о н

Жуда соз, ҳеч кимса йўқдир.
10 Сен билан сўзлашмакни орзу қиламен...

(Эшик орқасига қарайди.)

М а р и а н а

Бирон нарса қидирасизми?

О р г о н

Шошмай тур,
Зимдан тингловчилар кўп бунда, биламен...

М а р и а н а

Биз ёлғизмиз-ку...

О р г о н

20 Ҳар ёқни қараб чиқай!
Тинч кўринар... Қулоқ сол. Иш бундай, дўстим,
Яширмаймен, ҳали қиз бўлганинг учун
Шу дамгача мен сендан бўлгандим мамнун...

М а р и а н а

О, отажон! Инонингки мен...

О р г о н

Кичик, маъсум бола каби сен
Сўзларимдан чиқмагандирсан эҳтимол?
Энди ўсдинг... Қим билар ишониниш маҳол...

30

М а р и а н а

Ҳамиша ва ҳар ишда сизга садоқат,—
Онт ичаман, менда йўқ бундан зўр орзу!

О р г о н

Мана бу менга ёқар! Бу жавоб ғоят
Таъзимкор ва маъқул... аъло жавоб бу!
А, сен нима ўйлайсан бизнинг энг азиз
Жонон Тартюф ҳақида?

М а р и а н а

Мен?
40

О р г о н

Ҳа, албатга сен!
У тўғрида не дерсан, биз эшитамиз?

М а р и а н а

Сизга нимаики ёқса, шу фикрдамиз...

II саҳна

О р г о н, М а р и а н а ва Д о р и н а.

Дорина секингина кириб орқада туради ва Оргон уни сезмайди.

О р г о н

Сен жуда ақлли қиз! Лйт менга, дсмак,
50 Сен уни шу даража ҳурмат қиласан,
Шу қадар севасанки, сен шаръан тегмоқ,
Унга никоҳланишни бахт деб биласан!

М а р и а н а
(ҳайратда)

Нима?

О р г о н

А?

М а р и а н а

Мен...

60

О р г о н

Хўш?

М а р и а н а

Менга кўриндики...

О р г о н

Қандай?

М а р и а н а

Сўзингиз тушунмадим: кимни севамен.
Кимни ҳурмат қиламен ва кимга шаръан
Тегишни ўзим учун бахт деб биламен?

70

О р г о н

Тартюфга тегишни.

М а р и а н а

Йўқ! Чин айтамен,
Отажон, мен бу ишга бўлмасмен рози!
Елгон сўзлашнинг сира борми фойдаси?

О р г о н

Мен бу ишни бўлсин дейман...

М а р и а н а

Хоҳлайсизки, мен Тартюфга кўнгил қўяй?

80

О р г о н

Ҳа! Сен унинг хотини бўлишинг керак —
Мен бунга бел боғладим — қизим кўнажак!
Лутф эт-да, кўз ёш тўкма!
Сен: таъсир қилай ва алдайин, дейсан-да.
Мен сизларни биламан.

(Доринани кўриб қолиб)

Нега бундасан?

Томошавозликка боқ! Яширин кириб —
Эшитмоқда! Ниҳоят мен биров билан
90 Махфий сўзлашмоқдан ҳам маҳрум бўлибман.

Д о р и н а

Сизга айтишим керак, бу ҳақда «миш-миш»
Ҳар хил гап-сўз кўпдандир уйда боради —
Яна жуда махфийдир шунинг сингарин...
Албатта ҳазил дейман: бўлмағур бир иш!

О р г о н

Дейсизки бўлмағур иш. Қандай жасорат...
Бу тегсиз гапмас, жоним, эзгу ҳақиқат!

Д о р и н а

100 Мумкин эмас.

О р г о н

Мен айтяпман!

Д о р и н а

Ҳазиллашасиз.

О р г о н

Мана кўрармен...

Д о р и н а

Ишонмаймен ҳеч қачон...

О р г о н

110 Ишонасан!

Д о р и н а

Иўқ.

О р г о н

Оҳ, жаҳлимни чиқарма!

Д о р и н а

(*Марианага*)

Қўрқмасангиз бўлади ҳеч нимадан сиз,
Сизни эрмак қилмоқда отажонингиз.

О р г о н

120 Дорина!

Д о р и н а

Лаббай. Ҳаммаси пуч гап, бўш бир ҳангома.

О р г о н

Жим бўл!

Д о р и н а

Хўп, яхши — ишонайик... Оқибат ёмон!
Афтига қарасанг, у ақлли одам,
Ёши анча-мунчага бориб қолган ҳам,
Лекин яхши кўриниш учун жиннилик
130 Қилади, яна кимга у беради жон?

О р г о н

Тингла! Мен кўпдан буён бардош қиламен,
Сабр-бардошнинг чеки бордир, биламен...

Д о р и н а

Хўп, яна сиз бир нафас кўрсатинг бардош.
Аччиғланмай, мен билан сўзлашинг ювош!

- Уйлаб кўрингки, сизда фақат битта қиз —
 Нима учун маҳв этмак истайсиз уни?
 Тасқара, йўқсул бўлса ё бошпанасиз...
 140 Аммо шундай чиройли бир қизни яна
 Шунча кўп мол-қол билан бир гадоё сари
 Узатиш! Йўлиқибсиз зўр хазинага!
 Сизга унинг нимаси мунча ёқади?

О р г о н

- Балли сенинг ақлинга! У қашшоқлиги
 Билан улуг! У ҳар бир амали билан
 Самоватга итилар кўнгил оқлиги
 Сабабли маҳрум дунё неъматларидан...
 Лекин бу қийинликдан, албатта, уни
 150 Қутқарамен, қайтариб олади у чоғ
 Гўзал, катта ерлари билан боғу роғ,
 Тикланади зодагон асл уруғи!

Д о р и н а

- Катта ерлар? Асл уруғ? Қандай мўъжиза!
 Сизга шуларнинг барин айтдимиз ўзи?
 Уйлайсанки тикилган самога кўзи,
 Бутун фикри-зикри ер неъматиди-ку!
 Бу гап сизга, кўрамен ёқмайди спра?
 Сукут этамен. Унинг авлод-аждоди
 160 Қолсин-да, сўзлашайлик ўзи ҳақида...
 Сиз у шахсда топасиз кўнгил сафоси,
 Лекин бундай никоҳлар эса ҳамиша
 Қандай натижа берар — ўйламагансиз:
 Қонда қайнаса ёшлик бир булоқ каби
 Эрга бўлмаса ишқдан бир учқун, бир оз,
 Аёлни жиловламас никоҳ боғичи!
 Қарабсанки, бошқага қўйибди кўнгил,
 Гуноҳини у шўрлик яширолмаса --
 Унга ачинмас кимса...
 170 Бунга айбдорми ул?

О р г о н

Мана оқила! Қандай яшамоқ керак —
 Сендан олғумиз сабоқ!

Д о р и н а

Нима бўпти? Уқитамен
 Тажрибаларим, балки иш берар андак...

О р г о н

Хўп, яхши! Ҳазилларга энди тоқат тоқ...

(*Марианага*)

- 180 Мен отангмен ва сендан ёмон нарсани
Талаб қилмоғим мумкин эмас, албатта;
На десам, севганимдан дейман ҳамиша.
Хўп, Валерга бермоққа сени
Ваъда қилган бўлайин...
Лекин қартабоз эмиш, биласанми у...

Д о р и н а

Мана бу — бўҳтон!

О р г о н

Ҳукм этмангиз бот!

- 190 Қартабоз, ҳам умуман фикри бизга ёт...

Д о р и н а

Шу ҳам айб бўлибди-ку!

О р г о н

- Сенга алоқаси йўқ! Қизим, бор гап шу,
Чиқармоқ керакдир Валерни ёддан...
Аммо қайғурма, зое кўрмадинг зотан:
Тартюф... Ҳа, у гўзал эр бус-бутун!
Сизда севги эртаги битмас-туганмас.
Биз-чи — томоша қилиб хурсанд бўлсак бас!
200 Яна истаган ёққа юришинг мумкин...

Д о р и н а

Юриш, айлантиришни биларми бу қиз?
Уни аҳмоқ қилади бўлиб вафосиз,
Мен бунга ишонаман!

О р г о н

Нималар вайсар! Ёраб, нималар вайсар!

Д о р и н а

Вайсаганим йўқ, бўлур ишни айтамен...

О р г о н

- 210 Гапирма! Товушинг ўчир!

Д о р и н а

Мана бу дилбар
Ахир нетай, мен сизни севарсам агар...

О р г о н

Севиб овора бўлма!

Д о р и н а

А мен севамен!
Нима қилиш керак?

О р г о н

220 А!

Д о р и н а

Ҳар қандай одам
Масхараларкан сизни, хафа бўламен...

О р г о н

Тишкам қуриди!

Д о р и н а

Ота бўлмай қуриб кет!— дейди ҳамма ҳам.
Ачинмайди ҳаёсиз, дерлар дам-бадам.

О р г о н

230 Жим бўласенми, нлон?

Д о р и н а

Аҳ, сиз қандай ғазабланасиз!
Гуноҳ эмасмикан бу?

О р г о н

Гуноҳга беихтиёр мажбур этган ўзинг-ку...
Сен қулоқ сол, мана шу энг сўнгги фармон:
Жим бўл!

Д о р и н а

Жим турамен... бари бир ўйлаймен шуни...

240

О р г о н

О, ўйлайвер — ўз ичингда...

Лекин гинг деб гапирма!

(Марианага)

Нималар кераклигини ўйлаб қўйибман...

Д о р и н а

(четга қараб)

Ёраб,

Тилим қандай қичияпти!

О р г о н

250 Тартюф олифта эмас, тапти ҳам эмас...
Аксинча, у... ҳа, қандай айтишим мумкин?

Д о р и н а

(четга қараб)

У тасқарадир!

О р г о н

На хасис, на зуҳумли... Тушунасанми?
Сен унга теккач, билиб оласан бутун...

Д о р и н а

(четга қараб)

260 Ҳа, антиқа!

(Оргон Доринага қараб бурилади, қўлларини қовушти-
тиради ва унинг юзига тикилиб эшитади.)

Агарда менга бирор

Зўрлаб уйланишни қилсайди орзу,

Мен ўз ишимни билиб қилардим дарров!

Қилмишига яраша

Жазоланар эди у!

О р г о н

(Доринага)

270 Демакки, мен бу ерда бир сариқ чақа?

Д о р и н а

Сизни бирор сабаб-ла нотинч қилмадим:
Буюрганнингиз каби сукут қиламен...

О р г о н

Ёлгон айтасен!

Гапирмоқдасен!

Д о р и н а

Қиши ўз-ўзи-ла жим
Уйлаши мумкин эмас? Бу гап қанақа?

280

О р г о н

(четга қараб)

Йўқ, азизим, сенга бир таълим лозимдир!
Мендан ҳозир оласен энг аъло сабоқ...

Доринани урмоқ учун ўнгай бир вазият олади ва қизи билан гаплашаркан, ҳар бир сўзни айтганда, Дорина томон бурилади. Лекин Дорина ҳаракатсиз, жим туради.

Қизим, барча шубҳангни улоқтир узоқ!
Бахтингга яхши гаров — танлаганимдир...

(Доринага қараб)

290 Нимага жим турасен?

Д о р и н а

Айтадиган гапим йўқ.

О р г о н

Жилла бўлмаса бир сўз!

Д о р и н а

Мен истамаймен.

О р г о н

Шошма, сени тутамен!

Д о р и н а

300 Унча аҳмоқ эмасмен тутқич бергали.

О р г о н

(Марианага)

Умид қиламен, тезда зеҳн қўясен.
Сен бола эмас. Ўзинг муҳокамадан
Бирма-бир ўтказасен...

Д о р и н а

(қоча туриб)

Ҳеч бўлмас бу уят иш!

О р г о н
(Марианага)

Дўстим, кўриб турибсен.. бунда вафо бор!
Айрилмасайдим сўнгги куч-қувватимдан...
Мен ўзимда эмасмен... титроқ ичимда...
Ёлғиз қол-да, яхшилаб ўйлаб, ўлчаб кўр.
Бир оз кезай... кўнглим жиндай ором топсин...
(Чиқиб кетади.)

III саҳна

М а р и а н а в а Д о р и н а .

Д о р и н а

320 Сиз учун кўп талашдим, сиз соқовмисиз?
Чиндан нодир бир қилиқ, эшитилмаган:
Лом-мим демасдан
Шундай таклифни тинглаш — сокин, шиддатсиз!

М а р и а н а

Мен нима қилай, ахир отам хоҳласа...

Д о р и н а

Нетай! Ухшатиб жавоб бермоқлик лозим!

М а р и а н а

Яъни қай турда?

330

Д о р и н а

Айтиш керакди — севги муҳокамага
Асло бўйсунмас: юрагимга ўзга шахс ҳоқим,
Сиз учун эрга тегиш жуда жиддий иш...
Отангиз Тартюфга кўнгил қўйган бўлса чин,
У вақтда ўзи унга тез тега қолсин.

М а р и а н а

Вой ўлай, ҳушинг борми? Шундай жавоб отага?

Д о р и н а

Сиз самимий равишда менга айтингиз:
340 Валерни севасизми ёки севмайсиз?

М а р и а н а

Дорина! Сен инсоний ҳисдан бегона!
Мени қийнамоқ сенга жиноят бўлур —
Сенга очмаганмидим бутун юрагим.
Валернинг ишқи билан борлиғим куюр,—
Сен буни билмагандек сўрайсен дардим.

Д о р и н а

350 Мен бу ҳақда эшитдим юзларча дафъа,
Бунга боқмасдан, менда шак ва гумон бор:
Сизнингча, бу муҳаббат, аммо, менимча,
Ишқингиз гўёки бир хаёлга ўхшар.

М а р и а н а

Демакки мен ўзимни ва ҳаммани ҳам
Алдарканман! Хўп, яхши...

Д о р и н а

Демак, севасиз шаксиз?

М а р и а н а

Мен топинамен!

Д о р и н а

360 У ҳам сизни севарми?

М а р и а н а

Ҳа, ўйлашимча, шундай...

Д о р и н а

Менимча иковингиз тез қовушмоққа
Интилсангизлар керак — бир кун ҳам кутмай!

М а р и а н а

Оҳ, кошкнйди! Бу чиндан бўларми лекин?
Тартюфга қарашга ҳам тобим йўқ бир зум!

Д о р и н а

370 Ҳаммаси эса сизнинг жавобга боғлиқ...

М а р и а н а

Менга қолмиш фақат бир йўл — бу ўлим!

Дорина

Улиммиш! Иқрор этай, буни билмабман...
Жуда соз, энг содда чорадир:
Маъшуқа ўзини бир зумда ўлдирадир,
Бу билан иш тамомдир... Шундай хом фикр
Билан қизиқиша оласиз жиддан?

Марина

380 Дорина! Нима бўлди қайғу-ҳасратим
Кўнглингга қитдай бўлсин қилмасми таъсир?

Дорина

Тўғриси, мен сизга ҳеч ачинмадим...
Бутунлай ачинмайман: ранжитади шу;
Еш боладек ўз-ўзини ўтга отиш бу.

Марина

Биласан мен ювош бир қиз ҳамиша.

Дорина

Ювошликка йўқ эҳтиёж шу пайтда.

390

Марина

Валернинг ўзи отам билан сўзлашсин,
Мен ахир ҳали унинг нишонлисиман.

Дорина

Кўп соз! Ўзни гуноҳдан қутқариб яна
Бутун юкни ағдаринг куёв болага?

Марина

Демак, сен истайсанки аёл ҳаёсин
Ва қизлик вазифасин бутун унутамай?..

Дорина

400 Вой, йўқ!

Мен сизга ҳеч бундай демадим!
Ишга аралашишга йўқ меним ҳаддим...
Мен ҳайрон қолган нарса оддий ва равшан —
Тартюф бекаси бўлиш ўзингиз учун
Бир мартаба ва дилкаш кўринар, дейман...
Аслида куёв йигит Тартюф бўлмасин?

Айёр — ҳар бир балодан ўтар чап бериб,
Қачон қарасанг — соғлом: иштаҳа — карнай,
Эмиш аждоди донгдор, юзи қизил олмадай?
410 Нима учун у сизга ёқа қолмасин!

М а р и а н а

Ё раббим!

Д о р н и а

Унинг хотини бўлиш?

Шундай севинчдан ўзни унутиш мумкин!

М а р и а н а

Сен бу тўғрида менга гапирма бир дам!
Мен Тартюфга тегмайман.
Сўз билан, кенгаш билан менга бер ёрдам!
420 Дорина! Сўзламайсен? Гапир, кутамен...

Д о р н и а

Беҳудадир! Яхшиси ёрдам кутмангиз!
Мен маслаҳат бергали ботинолмаймен...
Бундан фойда чиқарми? Англай олмаймен —
Нима лозим? Қай тўғрида сиз дард чекасиз?
Уйланг ахир: севган эр ўз бекасини —
Чиройли хотинни назокат билан
Аравага ўтқизиб, олиб кетар шан
Ўз шаҳрига... у ерда шарафли номни
430 Қутлаб амма-холалар очади қучоқ.
Ва гийбатлар тўрига ўралиб у чоқ
Давр суриб юражаксиз, гўзал қўғирчоқ!

М а р и а н а

У мени кўп ҳордирар!
Нима қилишим керак?

Д о р н и а

Сизга айта олмаймен:
Сиз — хоним, мен эса...

М а р и а н а

440 Ёлворамен, Дорина!

Д о р н и а

Ҳамма билсин, ҳамма! Жазоланинг сиз...

Тингла... М а р и а н а

Иўқ! Д о р и н а

Аммо меним ҳаётим, иффатим...

Д о р и н а

450 Балли, Тартюфга тегишга ичингиз қасам,
Олам гулистон бўлур, иш тамом...

М а р и а н а

Ёрдам кутамен
Сендан, Дорина.

Д о р и н а

Хўжа ихтиёри-ла,
Тартюфга эш бўлишга мажбурсиз мудом...

М а р и а н а

460 Ҳа, шундайми, мен энди оғиз очмаймен!
Энди ихтиёр менда: кул ва аччиғлан —
Мен сенсиз ҳам ишимни қила олгаймен...
Лекин билки, ҳар ишга тайёрмен бу он!

(Кетишга чоғланар.)

Д о р и н а

Шошманг! Ҳар ҳолда сизга ачинмоқ даркор...
Жаҳлим чиқди, бунга ҳам ўзингиз айбдор.
Ўтган ишга салавот...

М а р и а н а

Оҳ, бахтдир ўлмоқ!

470 Д о р и н а

Шу ҳам гап бўпти-ю...
Сўзлашиб олайик... Масалан... Мана
Жаноб Валернинг ўзи келмоқда!

IV саҳна

Мариана, Дорина ва Валер.

В а л е р

Менга билдиришди ёқимли хабар
Анови... Тартюф... билан сиз тўғрингизда!

М а р и а н а
480 Меним тўғримда ҳам?

В а л е р
Бу нима, ҳазилми ё...
У сизнинг куёвми, а?

М а р и а н а
Отам ўз хоҳишин сўзлади шу дам...

В а л е р
Наҳотки отангиз-а?

М а р и а н а
Отамнинг хоҳиши....

490 В а л е р
А, сиз-чи?

М а р и а н а
Билмаймен.

В а л е р
А, қандай яхши жавоб...
Билмайсизми?

М а р и а н а
Йўқ...

В а л е р
500 Ким билар бунини?

М а р и а н а
Эҳтимол берурсиз менга маслаҳат.

В а л е р
Дарҳол рози бўлишга
Маслаҳат берурмен сизга!

М а р и а н а
Сизнинг маслаҳат шуми?

В а л е р
Ҳа.

510

М а р и а н а
Ҳазил эмас-а?

В а л е р

Маслаҳатда ҳеч вақт бўлмас ҳазилим.

М а р и а н а

Ташаккур... Энди бизга видолашувми?

В а л е р

Кўряпманки, қийналмай бўласиз рози?

М а р и а н а

Бундайин кенгашга қулоқ осамен...

520

В а л е р

Шу кенгаш-ла истайман сизга ёқмоқни.

М а р и а н а

Бу маслаҳат марҳамат билан баробар...

Д о р и н а

(ишкарироқ бораркан)

Шу ҳам гапми! Не билан битар бу говға?

В а л е р

Мана ишқ деган нима! Тарқалди туман,
Туманлар орқасида налар кўрамен.

530 Алдов... Фақат бир алдов! Мен алданганмен!

М а р и а н а

Ўтинаман... Бу ҳақда сўзламангиз, бас!
Меним саволим жуда равшандир... Бунга
Сиз жавоб қайтардингиз эркин кўнгил-ла...
Ана шу йўлни танлаймен, холос!

В а л е р

Сўзларимда нима маъно — аччиқми сўзим?
Жилла қурса шу билан оламен ўчим...

М а р и а н а

540 Қилмайсиз хато...

24—65

369

В а л е р

Ҳар вақтдаги сингари!
Очиқ иқрор этингиз, мени ҳеч қачон
Севмаганмидингиз-а?

М а р и а н а

Ҳар нима ўйласангиз, ихтиёр сизда...

В а л е р

Бунга йўқ гумон!
Демак, таҳқир этилдим... Кўнгил орзуси
550 Самимий бир саломни қайда ахтарай —
Балки унда хўрламаслар йигит туйғуни...

М а р и а н а

: : : : : : : : : : :

В а л е р

Балки мен инонган бордир бир кўнгил,
Балки йўқотганимни тўлдирар буткул!

М а р и а н а

Йўқотганингиз шундай кичик, у учун
560 Юпаниш мумкин...

В а л е р

Бўлмаса-чи! Тиришиб кўрамен, аммо
Унутмоқлик имконсиз бўлса бус-бутун,
Қўл силтайман, эътироф қилмайман асло.
Майли, қийналай сизсиз... Дилимда тутун...
Ёлқинин сизгагина сақлайин мангу —
Ва сиз ўксиз қолдирган юракни эса
Асло жалб этмасин ўзга бир дилдор?

М а р и а н а

570 Йўқ, йўқ! Аксинча орзу этдигим ушбу:
Тездан сиз эришингиз барча муродга...

В а л е р

Ҳа, шундай денг! Хоҳлайсиз?

М а р и а н а

Ҳа...

В а л е р

Равшан масала; ноласиз ва шикоятсиз
Оласиз лаззат,
Бу хусусда мен асло айбли эмасман!

580

(Эшикка бурилади)

М а р и а н а

Йўқ, унутмайман.

В а л е р

(қайтиб)

Билиб қўйингки,
Содир бўлмасайди сиздан ушбу ҳол...

М а р и а н а

Ҳа, ҳа...

В а л е р

(кета туриб)

590

Ҳамма ипни раҳмсиз узган ўзингиз!

М а р и а н а

Майли шундай бўлсин.

В а л е р

Вафосизликка ҳам мисол ўзингиз!

М а р и а н а

Менми бевафо? Майли, сизнингча, бўлсин!

В а л е р

(эшикка бориб, сўнг қайтади)

600 А?

М а р и а н а

Нима?

В а л е р

Чақирдингиз шекилли?

М а р и а н а

Ҳожат сезмадим!

В а л е р

Бардам бўлишингиз тилайман. Хайр...
(Секин-секин эшикка кетади.)

Д о р и н а
Бу нимаси-я!

М а р и а н а

Йўқ, йўқ! Уринишларинг беҳуда, қўйвор!

В а л е р

(четга қараб)

Бетимга қарагиси келмас... Тез кетай!

650

Д о р и н а

(*Марианани қўйиб, Валерни ушлайди*)

Тағинми? Қайси бирингиз ушлай?

Лекин мен ўз сўзим ўтказажакмен...

(*Мариана ҳам Валернинг қўлларидан ушлаб,
олдинга суради.*)

Юринг-чи бу томонга!

В а л е р

(*Доринага*)

Хўш?

660

М а р и а н а

Бундан кейин?

Д о р и н а

Аввало истардим, сизларни яраштирай,
Кейин сиз билан бирга бир йўл ахтарай.

(*Валерга қараб*)

Ҳаё қани, оздингизми ақлдан?

Қилиқларингизга ҳайронман.

В а л е р

Ахир у ўзи-ку.

670

Д о р и н а

(*Марианага*)

Сиз-чи, хоним? Сувда бўккандай,
Бу нимаси, ҳай-ҳай!

М а р и а н а

Сен кўрдингми, у ҳали
Мендан енгил айрилишга жасоратланди.

Д о р и н а

(Валерга)

680 Ҳаммаси аҳмоқликдир! Бу қизда сизга
Хотин бўлишдан ўзга йўқдир бир армон,
Истасангиз онт ичай.

(Марианага)

Унинг юраги сизда,
Гапимнинг чинлигига бошимни тикай!

М а р и а н а

(Валерга)

Сиз менга бердингиз шундай маслаҳат...

В а л е р

(Марианага)

690 Менга ўзингиз шундай савол бердингиз.

Д о р и н а

Етар, эркалар, тугатинг аскияни.
Бирингиз бирингиздан баттар; беринг қўлларни.

(Валерга)

Қани, жаноб, қани!

(Валер қўлини Доринага узата туриб)

На учун?

Д о р и н а

(Марианага)

700 Сиз ҳам берингиз!

(қўлни Доринага узатаркан)

Нечун?

Ортиқ ярашингиз! Ҳа, мана шундай...
Бир-бирингизни севиб, тўйни ҳам дарҳол
Тайёр этгайсиз — аммо нақ айрилгундай
Бўлдингиз! Ҳеч нимага ўхшамас бу ҳол...

Мариана ҳам Валер бирмунча вақт қўл ушлашиб турадилар,
аммо бир-бирларига қарамайдилар.

В а л е р

710 (Марианага боқиб)

Ҳануз жаҳлдамисиз?

Мариана табассум билан Валерга қарайди.

Д о р и н а

(четга)

Ишқдан инсонлар овсар бўлар лаҳзада!

В а л е р

(Марианага)

Аммо золимсиз! Хафа қилиш ҳеч гапмас,
Бутун дилни парчалар — қизиқ ҳангома.

720 М а р и а н а

Сиз ҳам ўжарсиз, ношукурсиз жуда.

Д о р и н а

Жаноблар, жанжаллаша берарсиз кейин:
Ҳали бўйнимиздадир Тартюфнинг қўли...

М а р и а н а

Уни нима қиламиз?

Д о р и н а

Ҳозирча чидам...

(Марианага)

730 Раҳм этар эгам.

(Валерга)

Унча катта ташвишмас!

(Марианага)

Сиз учун энг муҳими — айёрлик йўли...
Уни сағал-пағал қилиб умидвор,—
Орқага силтайверманг; ҳар хил баҳона:
Айтингки, дилим ғаш, кўрдим ёмон туш,
Гоҳ денг, юракда аллақандай титроқ бор,

740 Ҳар хил машъум хаёллар калаваси —
Гуё бўйнингизда дор.
Кейинча маълум бўлур! А ҳозир эса
Тарқалингиз, токи кўрмасин кимса...

(Валерга)

Сиз ҳам ўзингиз учун қилинг ҳаракат:
Дўст-ёр билан кенгашинг ва сўзлашинг сиз...
Қани энди марш!

В а л е р

(Марианага)

750 Кетаман, кўнглим тинч: мени севасиз —
Бу нарса менинг учун ҳаммадан қиммат!

М а р и а н а

(Валерга)

Майли, отам ўз сўзин бузмасин ҳаргиз,
Майли, сизни оғизга олмасин, ахир
Мен сизники, ҳеч кимса қилмас менга ҳад!

В а л е р

Оҳ, агарда ботинсам...

Д о р и н а

Этмасмен рухсат!

760 (Иккаловини елкасидан ушлаб, турли томонга
юборади.)

Сиз у ёққа, сиз, бекач, бу ёққа!.. Хайр!

УЧИНЧИ ПАРДА

I саҳна

Д а м и с ва Д о р и н а.

Д а м и с

Майли бошимда чақсин даҳшатли чақмоқ,
Майли мен бориб турган разил бўлайин,
Майли... мен ҳар балога йўлиқай, бироқ
Мен унга кўрсатаман!

Д о р и н а

10 Биламиз, лекин

Сиз анча ҳовлиқмасиз ва дали-ғули...
Аҳмоқликка арзийдими? Ишонинг жиддан
Тайёрлик кўришлар ва гап-сўзлар билан
Орқага ташлашади кўп замон буни!

Д а м и с

Мен ёлғизгина унга — у дарбадарга
Икки оғиз сўзимни шипшитмоқчидим...

Д о р и н а

Вой, қўйинг! Аралашмай, кетаверинг жим,
20 Ҳовлиқмасдан тушуниб ишлаш соз нарса...
Угай онангиз ҳозир
Тартюф билан шу ерда қилади суҳбат...
Тартюф унинг қошида кўп дафъа зоҳир
Қилди ўз туйғусини... Гумоним суҳбат...
Ажзини — иқрор этиш бежизмас албат...
Биз учун яхши дастак бўлур бу ахир.
Хўп, мен бунда кутамен,— жўнанг бундан сиз...

Д а м и с

Нима учун? Қоламен мен ҳам...

30 Д о р и н а

Ҳеч, ҳеч, ҳеч!
Қўйинг тўйиб гаплашсин иккови тип-тинч...

Д а м и с

Тилим қисамен...

Д о р и н а

Гарчи қасам ичингиз —
Жим туришингизга мен ишонаменми?
Кетинг!

Д а м и с

40 Йўқ!

Д о р и н а

Демак, бизга ёрдамлашишмас,
Ишга тўсиқ бўлишни истарсиз балки?
Мана ўзи келмоқда! Кетинг шу нафас!

Дамис ичкарига, эшик орқасига яширинади.

II саҳна

Дорина ва Тартюф.

Тартюф

(Доринани кўриб қолиб, орқасига айланиб, эшикка
50 қараб гапиради.)

Ишим битди... Ҳа, яшир қамчи, хирқани;
Яхши қол! Биров мени агар сўраса,
Айтки, қамоқхонанинг бечоралари
Учун бергали кетди бир оз садақа.

Дорина

(ўзича)

Мақтанчоқ!

Тартюф

Сўзлашмоқчи эдинг мен билан?

60

Дорина

Ҳа...

Тартюф

Ё тангрим! Тўхта-чи...

(Киссасидан дастрўмолини олади.)

Ўтинамен — ол...

Дорина

Нега?

Тартюф

Ўра-чи!

70 Тамом ўра, баданга кўзим тушмасин!
Қани ҳаё! Бу қандай чиркин ва бидъат...

Дорина

Сиз йўлдан оздиришга ожизсиз лекин!
Тўғрисини айтсам, менга бари бир:
Сиз қандай вазиятда бўлмангиз, сабр —
Бардош билан қарай олардим фақат.

Тартюф

Сўзлама! Эшитмаймен сени... Кетамен!

Д о р и н а

80 Йўқ, йўқ! Сиз қолаверинг — сукут этамен...
Мени сизга юборди бекам, илтимос —
Қилди икки оғиз сўз-чун ташриф этишни...

Т а р т ю ф

Биласан-ку, ҳамиша тайёрмен холос...

Д о р и н а

(четга қараб)

Тамом бўшашди! Наҳот пайқамиш ишни?

Т а р т ю ф

У қай вақтда келади?

90 Д о р и н а

Уйлаймен,— ҳозир...

Сизлар шунда қолинглар, у келаётир!

III саҳна

Т а р т ю ф ва Э л ь м и р а.

Т а р т ю ф

Қабул айлангиз маъсум ҳислар арзини:
Ҳар ерда ҳозир-нозир ҳақ таоло ҳам,
Бутун умр озайтмасин ўз карамини —
Кунларингизга бўлсин нур, қувонч ҳамдам...

100 Э л ь м и р а

Сизга ташаккур яхши ниятлар учун!
Ўтирайлик-чи, бизга бўлур ўнғайроқ...

Т а р т ю ф

Тузалдингизми қаттиқ оғриқдан бутун.

Э л ь м и р а

Ҳа-а!

Т а р т ю ф

Меним муножотим ҳақ
Даргоҳига етибдими — менга номаълум,
110 Аммо туну кун сизни мен қилдим дуо,
Риёзатларга ўзни қилдим мубтало...

Э л ь м и р а

Менга бу хуш келса ҳам... хижолат тортғум...

Т а р т ю ф

Сизнинг нозик умрингиз сақламоқ учун —
Ҳаётимдан кечардим!

Э л ь м и р а

Билмадим, шундай

Азиз қурбон мен учун бўлгай ноўрин...

120

Т а р т ю ф

Сизга арзигудайин эмас бу қурбон!
Қимнинг қўлидан келар қадригиз билиш...

Э л ь м и р а

Кечирингиз! Сиз билан бир оз сўзлашиш
Учун келган эдим... Биз бу ерда ёлғиз...

Т а р т ю ф

Ҳа, ёлғизмиз!— Мени талаб қилмиш самолар!
Муножогимни улар эшитган шаксиз,
Рўй берди хаёл қилган орзулар якбор!

130

Э л ь м и р а

Сиз билан очиқ, яққол сўзлашмак даркор...

Дамис ўзи яширинган эшикни сал очиб, ўзини кўрсатмасдан
муколимага қулоқ солади.

Т а р т ю ф

Бутун дилни очмоқлик бу кўпдан мурод!
Ишонингки, сиз ҳусн билан товланиб,
Суронли ошиқлар-ла бутун қуршалиб,
Юраркансиз, ишонинг, этай қасамёд,—
Шунда ҳаяжонланиб, кўтарсам фарёд,
140 Кўрмангиз сиз бу ишда ҳасад ё ғазаб,
Қабргача садоқатим дилда лабо-лаб!
Онт ичамен...

Э л ь м и р а

Албатта, ишончим комил,
Менга яхшилик иташ сизда таомил...

380

Т а р т ю ф

(Эльмиранинг қўлини ушлаб, сиқади.)

Сиз хато қилмагансиз! Кўнглимнинг майли...

Э л ь м и р а

150 Вой, оғритдингиз!

Т а р т ю ф

Кечиринг... Бу кўнгил дайди...

Сал оғриқни мен сизга раво кўрамен?

(Қўлини Эльмиранинг тиззасига қўяди.)

Э л ь м и р а

Вой, сизга нима бўлди?

Т а р т ю ф

Қизиқамен матога... Қандай юмшоқ-а!

Э л ь м и р а

160 Йўқ, йўқ! Қўйинг! Мен бунни ёмон кўрамен —
Ва қитиқдан қўрқаман...

(Эльмира ўз курсисини нарироқ суради, Тартюф яна ёндашади.)

Т а р т ю ф

(Эльмиранинг дуррачасига қўл тегизиб)

Бу тўқима рўмолга

Ҳеч баҳо йўқдир! Қандай нозик ва енгил!

Гули, безакларининг нафосатин кўр!

Мана шу ишда узоқ кетибмиз дадил...

170

Э л ь м и р а

Биз ҳам асли суҳбатдан узоқлашдик, ҳа,
Ишонса бўлармикан?— Ҳар ерда лекин
Эшитаменки, эрим ваъдага вафо
Қилмасдан, қизни сизга атамиш гўё...

Т а р т ю ф

У менга чертиб ўтди... Эвоҳ! Хаёл чин
Саодатни, ўзга бир бахт қўмсар ҳар чоқ!

Э л ь м и р а

Тушунамен... Дунёвий бахтдан сиз йироқ!

180

Т а р т ю ф

Туғилмадим тош кўнгил билан мен асло!

Э л ь м и р а

Кўзларингиз тикилган кўкка доимо...

Т а р т ю ф

Ихлос билан тангрига қилиб ибодат,
Ерда ҳам — унинг ажиб манзаралари
Ичида тополамиз баъзан бағоят
Чиройли нимарсалар — диллар эрмаги,
Дунёмизда оз эмас соҳибжамоллар:

- 190 Лекин порлоқ нурафшон ҳусннинг ҳамма
Келишган андомлари битта санамда —
Елғиз сизнинг суратга қўйилмиш, дилдор!
Сиз намоён бўлдингиз — мен ўшал онда
Нафис пари ҳуснидан бўлибман мафтун,
Борлигимни қоплади мубҳам ҳис бутун.—
Ёр ишқининг сафоси ўйнади қонда!
Дастлаб ўйладим-ки — бу гумроҳлик бўлғай,
Ҳазиллашади менга шайтон ҳукмрон.
Қаттиқ жазм айладимки — сизни тарк этай,
200 Кўзимдан ҳам хаёлдан кўчинг бенишон...
Мен тезда кўра олдим: ҳаммаси равшан —
Мени ташвиш тортганим беҳуда экан,
Руҳимга таҳдид этмас васваса ҳеч бир,
Бу эҳтирос гуноҳмас... берилдим ахир!
Қўрқмангиз жасурана эътирофимдан;
Эзгу хаёлларимни дилга тугамен,
Юрагингиз тўладир нозик ҳис билан,
Гадойдек бошим эгиб эҳсон кутамен...
Тинглайсиз, арзи ҳолдан қайга қочайин,
210 Тақдир ёзганмикан менга саодат,—
Сизнинг ихтиёрга ўзимни топширайин...
Ўлдиринг, ё менга кўрсатинг меҳр-шафқат!

Э л ь м и р а

Ҳисларингизни нозик этдингиз изҳор,
Лекин иқрор этдингиз,— мен шундай ҳайрон...

Лоақал тақводорлик сизни бир қадар
Тутса бўларди: тақво сизда зўр имон!

Т а р т ю ф

- Айтиш қулай. Нима бўпди тақводор бўлсам?
220 Мен ҳам одам! Алдашга эҳтиёж йўқ ҳам!
Муҳаббат иллатига бўлиб гирифтор,
Қалбимга жонли гўзал энди ҳукмрон —
Буни билдингми ақл, мантиқ ҳам бекор!
Майли бу сўзларимдан — ўйланг девона,
Дейингики, бу сўзларим — том ваҳшиёна;
Мен фаришта эмасмен! Сехрли ҳусн
Қаршисида бу ожиз банда не қилсин?
Мен ўзимнинг ажзимни энди тушундим,—
Илгари сукут этиб, кўзларим билан,
230 Хўрсинишларим билан ифода этган
Ҳисларни арз этишга букун уридим...
О, қаҳрли тақдирим менга ногаҳон
Кулиб қараса — бахтсиз бу қулни сиз ҳам
Овутсангиз самимий ноз билан шу он!
Сизгагина топинар эдим мен ҳар дам...
Сиз мен билан бўлсангиз, ҳар хил таъналар
Ва ҳар қандай ғийбатдан омон бўласиз:
Ҳеч гап-сўз қўзғалмас: мен бир камтар даъвосиз...
Лекин бўлади бир нав маҳмадоналар.
240 Ҳавас билан аёллар уларга мудом
Кўниб таслим бўлурлар бепарво тамом!
Улар учун ғалаба жуда ҳам қулай —
Улар ўз гурурини кўтариш учун
Ҳаёсиз мақтанчоқлик билан ҳар қандай
Аёлни шармисор қилар бус-бутун...
Биз эса ибратомуз, гўзал хулқ билан
Ҳурмат ва эътиборга бўлдик сазовор.—
Сирни пинҳон тутамиз!— Мақтаниш чиндан
Бизга зарар: кетади обрў-эътибор...
250 Биз ўзимизни тийиб, сақлаймиз сизни,
Шунинг-чун севиш мумкин хавф қилмай бизни!

Э л ь м и р а

Сиз кишини аврашга уста экансиз...
Аммо мен ўз эримга вафодор хотин,
Ҳамма гапни мен унга айтамен сокин:
У кўрсинки, текширмай ҳаммани азиз
Дўст тутиш оқибати не бўлур экан...

Т а р т ю ф

- Оҳ, йўқ, меним маликам?
260 Айтмагайсиз! Мен тоза самимий севгим
Иқроор этдим, мен сизни қилмадим таҳқир!
Сизга қараб совуққон туrolмас ҳеч ким —
Уйлаб кўринг!— Қай инсон бўлмагай асир!..

Э л ь м и р а

- Ҳожат борми изоҳга! Энди зўр жазога
Лойиқсиз, лекин мен сизни аяйман,
Бу тўғрида Оргонга ҳеч сўз демаймен:
Сиз бунинг бадалига бергайсиз ваъда —
Яъни Оргон олдида Марианадан
270 Сиз қатъий равишда воз кечажаксиз,
Бундан кейин бу ишга ҳеч бир йўл билан
Аралашмайсиз ёлғиз...

VI саҳна

Т а р т ю ф, Э л ь м и р а, Д а м и с.

Д а м и с

(эшик ортидан чиқиб)

- Йўқ, бўлмайди! Бу ишни қиламен эълон...
Мен ҳаммасин эшитдим — бизнинг қўлда у!
Биз унинг туфайлидан кўрдик ҳар замон
280 Нохушлик ва бекорга эшитдик сўкув!
Шармсиз алдашларга келди хотима:
Отам ҳамма сирни билгуси тезда.

Э л ь м и р а

- Кераги борми, Дамис? Уни аяшга
Мен сўз бердим, букунги олган сабоғи,
Бекорга кетмас, ақл кирар бу бошга,
Мени ҳеч ранжитмади севги изҳори:
Эрни севар вафодор бир хотинга бу
Маза-матрасиз гаплар фақат кулунч-ку,
290 Эрим нотинчланмасин арзимас гапга...

Д а м и с

Балки ҳақлисиз... Аммо уни бу дафъа
Сиз сингари аяшга рози эмасмен:
Аяш эмас эркалаш, эркалаш — ваъда!

Зухми бошларимизда эмасми даҳшат?
Отам унинг сеҳрига гирифтор экан,
Авлиёлигига ҳам ишонар экан —
Ана шунгача хавfli бизга у фақат,
Яхши фурсатни қўлдан берамиз наҳот?
300 Умр бўйи армонда кетарман шаксиз!

Э л ь м и р а

Дамис!

Д а м и с

Йўқ-йўқ! Сўзингиз бутун кетади бекор!
Шундай жазм айладим... Буни қиламен!
Нима қилмоқ бўлсангиз, сизнинг ихтиёр
Лекин ўчимни олиб, мен овинаман!

V саҳна

Тартюф, Эльмира, Дамис ва Оргон.

310

Д а м и с

Аҳ, отажон! Биз сизга эдик мунтазир!
Марҳамат қилинг яқин: сиз учун мунда
Яп-янги воқеа бор, — албатта, бунга
Сиз гоят таажжуб қилгайсиз зоҳир...
Қаранг бу одамга — у унутган бутун
Шафқатингизни, хайри эҳсонингизни,
Ҳамма яхшиликларнинг эвази учун
Мунофиқларча олчоқ хиёнат қилди.
Хотинингизга қайноқ севги изҳори
320 Қилар экан бу ерда, рост, келиб қолдим...
Юмшоқ кўнгилли хотин бу воқеани
Сиздан яширмоқ бўлди, мен билиб олдим.
Қўрқмай фош этамен бу авлиёни!
Сиз отамсиз, бу эса — иккинчи онам:
Сизга бу сирни очмоқ бўлди вазифам...

Э л ь м и р а

Мен бояги фикримда қоламен яна;
Эрга чақавришнинг борми лузуми?
Бурчимиз бумас, балки эр бўлмаса-да,
330 Ўзни сақлай билмоқлик — будир муҳими,
Сиз агар мени жиндай ҳурмат қилсангиз,
Ҳеч нимани айтмаган бўлар эдингиз.

(Чиқиб кетади.)

VI саҳна

Тартюф, Дамис, Оргон.

Орган

Ваҳм босди! Қардошим, қандай ҳангома?
Уларнинг қоралашга асосими бор!

Тартюф

- 340 О, шундай! Мен жуда қаттиқ айбдор
Мен разилман, ёвузман, мен осий банда!
Бутун ҳаётимда фаҳш, бузуқлик бисёр!
Кўтариб урди мени самоват ҳозир!
Қаршингизда ўлик тан тез йиқиладир...
Лекин сукут қиламен. Майли айбланай,
Ҳар қандай жиноятни мен кўтараман,
Ер ўпиб оқланишдан ўзни тиямен.
Уларга ишонинг-да, ҳайданг бу гадоё,
Уятсиз бир алдамчи ва қароқчини!
- 350 Менга бари бир! Меним шармандалигим
Кўпаймайди бу билан, бузинг инини.
Сиз тинглаганингиз ҳам қилар кифоя...

Орган

(Дамисга)

Ҳа, бетавфиқ, бу бўҳтон билан сен ҳали
Меним ҳузуримда қораламоқчи
Бўлдингми соф, гуноҳсиз авлиёни-да?

Дамис

- Ота, нима? Бурунги каби ҳаёсиз
- 360 Мунофиқлик қилар у, сиз инонасиз?

Орган

Жим бўл, лаънати вабо!

Тартюф

Йўқ! Нечун койиш.
Эҳтимол унга лозим эмас айб тақиш!
У сизга бермоқдадир қизиқ маълумот...
Меним ичимдагини қайдан биласиз?
Менинг камтар ва ҳақир ташқи қиёфам
Эҳтимол сизга кўп рост кўрингандир бот,

370 Ҳавасларга берилиб кетманг жилла-ям!
Мен қаерда бўлмайин, ҳамма вақт тоза
Сазовор бўлганмидим бу шойиага
Аслида энг биринчи ёвуз менман-ку,
Филҳақиқат — жуда оз меним қимматим!

(Дамисга)

Ардоқли ўғил, сўзни эттиринг давом!
Юзимга отаверинг юрак қаҳрини —
Ёлғончи, разил, қотил — айтинг барини:
Мен буларга қилмайман эътироз тамом,
380 Лекин мен қаршингизда тиз чўкиб дарҳол,
Ожизона ер ўпиб, гуноҳдан тил лол,
Кўз ёшларим-ла тавба қилишга тайёр...

(Тиз чўкади.)

О р г о н

(Тартюфга)

О, бу ортиқча!

(Дамисга)

Қани, аҳволинг қалай?

Д а м и с

Оҳ, ота! Шундай разил, алдоқчи бўлғай...

390 О р г о н

Сен гапирма!

(Тартюфни турғизиб)

Қардошим, туринг беозор!
Мен жазосин берамен! Ўзи пушаймон.
Бўлур сўнг... раҳм этингиз...

(Дамисга)

Жувон ўл, нодон!

Д а м и с

400 Шундай бир дардисарни
Истайсизки...

О р г о н

Жим!

Д а м и с

Мен ўзимни йўқотдим.
Мен нима қилай...

О р г о н

Агар яна биров сўз айтганинг билан,
Сени бўғиб ўлдириш — будир ниятим!!!

410

Т а р т ю ф

Биродар! Худо ҳаққи, ғазабланмангиз!
Юз қатла азобга ҳам тайёрмен, лекин
Бошқаларнинг азобин кўрмасам ёлғиз...

О р г о н

(Дамисга)

Виждонсиз!

Т а р т ю ф

Ва унинг ҳам гуноҳи учун,
Оёғингизга ётиб, ёлворай бурун...

420

О р г о н

(Тиз чўкиб Тартюфни қучоқлайди.)

Ё раб! Ё раб! Етмаган эди бу аҳвол!

(Дамисга)

Кўрасенми?

Д а м и с

Лекин...

О р г о н

Гапирма!

Д а м и с

430 Ҳа, мени...

О р г о н

Жим!

Ҳамма иш англашилди менга бемалол.
Бундан нафрат қиласиз. Ҳеч истисносиз —
Ҳаммангизга бир бало эмиш бу ожиз.
Бир илож қилиб бизни уриштиргани,
Ҳар бир нарсани дастак қиласиз яна...
Лекин мен, азиз дўстлар, унчалик содда
Эмасмен... Сиз қанча кўп уринманг ҳали

440 Мен эса унга шунча бўламен яқин!
Сизни тезроқ ювош қилиш-чун тагин
Тўйни ҳам тезлатамен.

Д а м и с

Ҳамширамни наҳотки қилсангиз мажбур...

О р г о н

Шундай ўйим бор! Бугун етар машман!а!
Сизни қўлга оламен, ким бу уйга бош?
Жуда ҳам эрка бўлиб кетибсизлар-да!
Қани, оёқларига йиқил, дилозор,
450 Айбингни сўраб ёлвор!

Д а м и с

Мен яна сажда қилай шу мўлтонига?

О р г о н

А! Ужарлик этасен! Ўзбошимчалик!
Қани таёқ?

(Тартюфга)

Сўраймен, қилманг монелик!
Мен уни...

(Дамисга)

460 Кет бу ердан! Шу минутдаёқ!
Мен сенинг қорангни кўрмайини ҳатто!

Д а м и с

Кетамен... Лекин...

О р г о н

Иўқол! Уғлим йўқ асло...
Мен сени меросдан ҳам маҳрум этамен!
Бу ҳам оз, лаънати... Сени оқ қиламен!

(Дамис кетади.)

VII саҳна

Тартюф ва Оргон

470

О р г о н

Шундай таҳқирлаш! Яна таҳқирланган ким!

Т а р т ю ф

Тангри марҳамат этиб кечирсин уни!
Ишонасизми, қардош, мени нақадар
Эзмоқдадир мана шу ғазаб тўлқини!

О р г о н

Тушунамен!

Т а р т ю ф

- 480 Дилимни озорлар! Оғир!
Ахир мен қай бирига етказдим зарар?
Ёмонликка-яхшилик бу одатимдир.
Тама билмаган йўқсиллигимдан магар?
Нима бўлди? Ва рангим ўчганми ҳозир?
Кўз олдим сиёҳ... Сизни кўзим илғамас...
Ҳозир ўладиганга ўхшаймен... бирпас...

О р г о н

(Дамис чиқиб кетган эшикка кўз ёшлари билан югурди)

- 490 Ҳа, бахтиёр экансен! Бир оз турсайдинг,—
Ёруғ жаҳонга кўзни мангу юмгайдинг!

(Тартюфга)

Ҳушингизга келинг, азизим, жоним...

Т а р т ю ф

Йўқ! Қўрамен, бу аҳвол этолмас давом,
Мен бу ердан жўнашим керак шу оқшом:
У вақт уйингизга тинчлик бўлади ҳоким...

О р г о н

Ҳазилми!

- 500 Т а р т ю ф

Мунда мени кўра олмайлар —
Тезда бошимга бошқа кулфат солгайлар,
Яна не нарсаларни тўқишар бир кун!

О р г о н

Уларни тингламоқчи эмасмен бутун!

Т а р т ю ф

Улар ўжар: истаган замон —
Тинглатдиришар... Бунга ишонамен чин!

О р г о н

510 Бўлмас ҳеч қачон!

Т а р т ю ф.

Қардошим, лекин
Биласизми, ҳар аёл бир табассум-ла
Эрнинг дилига ҳоким бўлур бир зумда...

О р г о н

Йўқ, йўқ!

Т а р т ю ф

Рухсат этингиз, кетамен бундан!
Мен йўқолгач тинчишиб қолишади жуда...

520

О р г о н

Ҳалок бўлайми! Сизсиз яшаш беҳуда.

Т а р т ю ф

Тайёрмен ҳар жафога —
Лекин агар...

О р г о н

А?

Т а р т ю ф

Хўп, шундай бўлсин! Майли қўяйлик...
Энг кичик бир бўҳтондан қутулниш учун
Ўзни қандай тутишни бу шахс билгуси:

530

Сиз шу кундан ҳеч қачон
Кўрмайсиз мени бир он
Хотинингиз ёнида...

О р г о н

Йўқ, учрашиб турасиз!

Мумкин қадар тез-тез! Майли кўрсинлар,
Ҳовлиқиб қоврилсинлар, дардга тўлсинлар —
Менга бу нарса эрмак бўлади ёлғиз!

Тайёрлаймен уларга манов совғани:
Уларни ниҳоятда қаттиқ қийнамоқ

540

Юракларига солиш учун оловни —
Ягона меросхўр деб билай муҳаққақ...
Хўш, ўзингиз айтинг-чи: тайинлай кимни?
Билмайсизми? Ё раббим! Кимдир у одам,

Ҳаммадан яқин, азиз борми бир ҳамдам,
Тайинлаймен бўлажак ўз кувимни!
Дўстим, бу фикримга сиз ҳам рози-а?
Т а р т ю ф

Ўз фақир қисматимда, ҳар нимада ҳам
Бўйсинамен тангрининг ихтиёрига...

550

О р г о н

Бу жуда соз! Демакки, қўл бериш мумкин!
Энди биламен — бизни бир-бирдан жудо
Қилажак нима бордир! Юринг мен бутун
Ишни сизга топширай расмий йўсинда:
Ҳасад ё ғазабдан бари куйсин ўт аро!

ТУРТИНЧИ ПАРДА

I саҳна

Тартюф ҳам Клеант.

К л е а н т

- Бу тўғрида сўзлайди ҳамма ошкор,
Ҳисоблайлар ҳар жиҳатдан сизни айбдор,
Ўйлайманки яшириш буни беҳуда,
Биз икир-чикирини суриштирмаймиз,
Ишни дангал қилиб фикр қилғаймиз —
- 10 Фараз қилайик иш ёмон: ҳар бир нарсада
Дамис айбдор бўлсин... лекин отанинг
Даргоҳидан бир ўғил оқпадар бўлиб
Қувилишига хурсанд бўласизми чин?
Қулоқ солинг! Диндорсиз, яна айталар:
Намуна, тимсол бир зот эмишсиз тагин,
Ҳамма ёр, хешлар учун, ҳар соат, ҳар он.
Тайёрмишсиз жонингиз қилишга қурбон...
Хўш, олижанобликни қилингиз исбот!
Энди ташланг ғазабни! Унутинг шу дам
- 20 Ҳақоратни! Ўч эмас, диний афв-карам
Орқада ғалабага сиз эришингиз!

Т а р т ю ф

Эвоҳ! Қўл силтар эдим бу ишдан буткул
Раижиш, фахрланишни тез унутамен,
Дамисга ҳеч қандайин кек сақламасмен...
Лекин тангри қошида бўлмагай мақбул.

392

- Мумкин эмас Дамиснинг қайтиб келиши:
У уйга қайтса — уйдан дарҳол кетамен.
Ёки чиркин бўҳтонга бўйсунмоқ керак.
- 30 У вақт менга қайралар ҳамманинг тиши.
Ҳамма айтар: ҳа, мана гап қайда экан!
Дамисдан ҳадиксираб чиқибди жонн!
Сирни Дамис ичига ютсин, деб юғи
Мунофиқона ҳийла қилибди орзу,
Энди ўзини бутун очиб берди у!

К л е а н т

- Бемаза далиллар бу: ҳеч нимарсани
Қилмади исбот!
Сўзаро қистирдингиз тангри, самовот...
- 40 Лозимми бу? Айтингиз, сиздирсиз балки
Бизга юборилган у осмон жаллоди?
Қизиқ гап! Унутайлик уларнинг барин,
Ҳаддимиз борми бунга!— Яхшиси бизлар
Виждон билан ҳақиқат йўли тутаёлик.

Т а р т ю ф

- О, тангрим! Мен ҳамиша шундай қиламан.
Дамисни афв этганман... Лекин у билан
Яна бирга яшамоқ — бу гуноҳ ахир.
Бу тўғрида ўйлашга эмасмен қодир,
- 50 Эркимни бўғишга йўқ ҳеч кимнинг ҳадди...

К л е а н т

Меросхўрлар мулкига панжасин солиш,
Бутун бир оилани кулфатга отиш —
Буни гуноҳ деб сира ўйламайсизми?

Т а р т ю ф

- Мени таниганларнинг ҳеч бирида ҳам
Бўлмагай зарра қадар бунга шак, гумон:
Менда бир тама бордир, ё мен ўлармон:
Аксинча, дедим: мерос ёмон бир одам
- 60 Қўлига ўтмасин ва ҳеч кимни ёмон
Йўлларга бошламасин, қабиҳ иш томон
Судрамасин, деб қабул айладим уни!
Қарорим шу: барини мен улашаман,
Худо йўли савоб ишга барин сочаман...

К л е а н т

Баракалла! Пуч хавфлар нимага даркор?
Мерос кимники бўлса, қўлига илсин,
Истаса, у номаъқул ишларни қилсин:
Тўғриси, сизга бундан нима зарар бор?
70 Чўчитмаслиги керак сизни бу нарса,—
Нима дейсиз — талончи деб ном қўйсалар,
Тавба қилишга мажбур этсалар агар,
Савоб ва талончилик —
Бирлаштириб кўринг-чи! Қулай эмас-да...
Хўп, яхши! Дамис билан яшай олмайсиз?
Разил қораланишдан кўра, обрўни
Қўлдан бермай ўзингиз жўнаб қолсангиз,
Бу яхши бўлмасмиди?
Чақирамен ишсофга сизни бир йўли.

80

Т а р т ю ф

Кечирасиз! Суҳбатни узишим даркор:
Муқаддас вазифам ундайди мени.
Тоат-ибодат вақти етибди...

(*Чиқиб кетади.*)

К л е а н т

(*ёлғиз ўзи*)

Айёр...

II саҳна

Клеант, Эльмира, Мариана ва Дорина.

90

Д о р и н а

Аҳ, жаноб, ёрдамингиз зарурдир бизга,
Изоҳга ҳожат йўқ, бир қаранг қизга:
Бечоранинг жуда ҳам кетди мазаси,
Улимдан даҳшатлидир у никоҳ сабил!
Хўжайинимиз ҳозир келиб қолади,
Унинг бу аблаҳона қарорин бекор
Қилишга кўндирмоқ учун астойдил
Уринишимиз керак — у кўнгай ночор...

III саҳна

Клеант, Эльмира, Мариана, Дорина ва Оргон.

О р г о н

Аҳа, бунда ҳаммангиз жамсизми, кўп соз!

(Марианага)

Сенга совға келтирдим, тингла, оппоғим,
Шартнома тайёр... сенга маълум мазмуни.
Бахтли бўл! Қўлдан келган қадар чолишдим...

М а р и а н а

(Оргон олдида тиз чўкиб)

- Отажон! Ялинамен ва ёлворамен...
100 Мажбур қилмангиз сира!
Айтинг қошингизда гуноҳим нима?
Қай айбим-чун бу жазо лойиқ? Биламен
Оталиқ ҳаққингиз... Мен шу дамгача
Бўйсуниб келдим сизга худди қул каби...
Қайғули ёзмишимда зўрламанг мени
Ҳурматни унутишга! Айрилай яна
У йигитдан. Балки унга арзимасмен ҳам,
Гарчи севамен... Жуда севамен уни...
120 Бунга куймаймен... Аммо Тартюфга хотин
Бундан кўра ўлганим яхшидир, лекин...

О р г о н

(Ўз иродасини йўқотган каби)

Оргон! Оргон! Мардлингиз қаерда, қани?

М а р и а н а

- Тартюфга ҳеч ёмонлик қилмаймен орзу,
Барча мулкни беринг унга — мол унинг жони,
Биламен, жуда хушвақт қилар уни мол...
Энди кўксимда қолди бир хаёл, армон...
130 Отажон, рухсат этинг! Ёлғиз истагим
Умримни монастирда кечирмоқдир жим...

О р г о н

Ҳа, бобилла!
Ишқ эрмак бўлолмайди, бошқа ўйинчоқ
Қолмади, энди чилла ўтирмақчисан?
Қизиқ... Чучварани хом санабсан, чироқ!
Тур! Мўмин-маъқул хотин бўлишга отлан
Менга бемаза гапни кўп валдирама!

Д о р и н а

- 140 Аҳ, жаноб...

О р г о н

Хўш? Мен сенга орзумандамидим?
Қандай эпчил! Ҳар ишга бурнин тижар жим!
Сени ким чақирди? Келдинг нимага?

К л е а н т

Рухсат эт, мен сенга берай маслаҳат.

О р г о н

Кенгашларингга қулоқ солдим ҳамиша:
Яхши кенгашу баҳсга йўқ сира ҳожат...
150 Аммо менга керакмас мана бу офат!

Э л ь м и р а

Таажжубдан эс кетибди, тилим бўлди лол!
Эшитинг ҳозир менга нима бўлганин.
Уйлабдимки, шу нарса кўзингни дарҳол
Мошдай очиб қўйишга кифоя қилар!

О р г о н

Кўзим билан кўрганга ишонамен, бил!
Угай ўғлинг шаллақи, безори, енгил.
У тухмат қилди. Унга сен эргашасен...
160 Ҳар гапнинг ҳам бўлади бирон меъёри.
Йўқ, азизим, мени алдай олмайсан...
Агар рўй берса чиндан шундай воқеа,
Юзингда ўзгариш бўлмасди пича?

Э л ь м и р а

Афтимга қараб ҳукм чиқарма тагин,
Аблақ севги ҳар қандай аёлни, албат,
Қизартмайди ва бундан қандай хотин
Йиглаб юбориб қилмасин эрга шикоят.
Биламен орамизда кўпдир шундайлар:
170 Уларнинг иши эрлар диққатин тортмоқ,
Лекин номусларини ҳатто тиш-тирноқ
Билан сақлашга улар тайёр тургайлар.
Уларга иярувдан тангри сақласин!
Икки оғиз совуқ гап билан ҳар қандай
Севги изҳорини кесиб қўямен.

О р г о н

Хўп, майли! Сўзлашишга вақтим йўқ, лекни...
Ҳар бир иш бўлади нақ мен хоҳлагандай —

Вассалом!

180

Э л ь м и р а

Гап уқтириб бўлмас, нетайин!
Улгудай ўжарсан! Дўстинг кимлигин
Агар яққол кўрсатсам, не дерсан у чоқ?

О р г о н

Ўзим кўрсам?

Э л ь м и р а

Ҳа.

О р г о н

Лйтавер!

190

Э л ь м и р а

Сен тўхта озроқ! Сўзлай сенга.

О р г о н

Қўйсанг-чи!

Э л ь м и р а

Бу қандай қийноқ!

Сен лоақал жавоб бер ушбу саволга:
Фараз қил-чи: мен уни шундай бир ҳолга
Келтирайки, у яна очсин дардини,
Сен яшириниб тинглаб олсанг барини —

200 Нима дер эдинг у чоқ?

О р г о н

У вақтми? Тўғриси буни билмаймен.
У вақт... Хўп, нима дердим? Уйлайманки, мен...
Ҳа, ҳеч нима айтмаган бўлар эдим-да.
Ҳаммаси бўлмағур гап! Қўй, тингламаймен...

Э л ь м и р а

Майли, сўзингдан қайтма! Қолади бир йўл.
Айёрликни, ҳийлани ишга соламен —
Сенга лўнда қилиб исбот этамен...

210

О р г о н

Бўпти!

Кўрамиз, ҳали қандай типирчиларсан!
Менимча, майна бўлиб қўлга тушарсан!..

Э л ь м и р а

(Доринага)

Бу ёққа чақир уни!

Д о р и н а

У зийрак, туйғун!

Фаҳмлаб қолар, келмас — чақиринг ўзингиз...

220

Э л ь м и р а

Хотиржам бўл! Қимки севгига дучор,

Қимки ўз-ўзини йўлдан оздирар —

Уни қўлга туширмақ осон. Тез чақир!

(Клеант ва Марианага)

Сизлар жўнангиз!

IV саҳна

Э л ь м и р а ва О р г о н

Э л ь м и р а

Энди манов столни бу томонга сур —

230 Ҳам тагига кир.

О р г о н

Стол тагига?

Э л ь м и р а

Ҳа, киравер!

Сен бутунлай беркиниб олишинг лозим...

О р г о н

Ахир мен нега стол тагига кирай?

Э л ь м и р а

Эй, худойим!

240 Шу керак-да... Сен менга халақит қилма!

Яхши беркин, ўзингни сира билдирма...

О р г о н

Очиқ гап, аблаҳона лутфкордирмен...

Аммо меним айтганим чиқар албатта,

Сени жуда ўхшатиб масхаралармен!

Э л ь м и р а

Кулишга тўғри келар —
Ким кулар — бу масала?

(стол тагига яширинган Оргонга)

- 250 Шу маъносиз ўйинга мен бўлдим рози,
Албатта сенга аён бунинг сабаби...
Кўзингни очиб қўйиш қўлимдан келар...
Лекин бу авлиёнгни ёқалаш учун
Ўзни муғомбирликка солишим керак.
Агар қизиқтирмасам уни мен бутун,
Балки ўзи бошлашдан чўчийди андак...
Гап шундаки, у хаёл қилиб, дардига
Дармон топилишидан бўлсин умидвор —
Шунда сен ишонасен дўстинг ёлқинли,
260 Майин оҳанг билан булбулдек сайрар!
Лекин сўрайман, бекор мени қийнама:
Қурбон бўламен — бунинг яхши уқиб ол...
Хамма сир сенга аён бўлдим дарҳол
Чиқиб келавер, сира имирсилама —
Йўқса мен... Келаётир, ўтир жимгина...

V саҳна

Э л ь м и р а, Т а р т ю ф, О р г о н

(стол остида)

Т а р т ю ф

- Билмайман, тўғримикан... Сиз чақирибсиз —
270 Хабар берди Дорина...

Э л ь м и р а

Тўғри. Мен ҳозир
Айтамен... Сиз эшикни дастлаб ёпингиз.
Ҳеч кимса эшитмасин, шунда қолсин сир.

(Тартюф эшикни ёпиб, қайтиб келади.)

- Бундаги синоатни такрор қилишни
Истамайман, эсламанг сиз ҳам бегумон,
Дамис мени шундайин чўчитгандики,
Ўзимни беихтиёр йўқотдим шу он...
280 Уни юпатиб, аста инонтириш-чун
Мен қанча уриндим, биласиз бунинг.
Кейин қўрқув, хижолат босди бус-бутун,
Қолмади эътирознинг ҳам бирон йўли...

Ҳар тугул иш силлиқ ўтди у сафар.
 Эрим аввалгидай, ҳатто ундан ҳам
 Ортиқ ишонар сизга —
 Биз ташвишсиз яшашни истасак агар —
 Тез-тез учрашиб туриш лозимдир бизга.
 Ана шунда бизларни пойламас ҳеч ким,
 290 Эҳтимол, жуда пинҳон учрашиб, жим-жим,
 Худди ҳозиргидай, топишсак ёлғиз...
 Эътироф қиламен севгимни ожиз...

Т а р т ю ф

Тушуна олмадим... Ахир яқиндагина
 Муомалангиз тамом бошқача эди-ку?

Э л ь м и р а

Ҳа, бошқачайди... Сизни қилдим хафа:
 Аёллар руҳини оз биларкансиз-да!
 Биз ўзимизни қучсиз ҳимоя қилсак,
 300 Демак, ҳислар кураши бизни эзган чин,
 Кулунж бўлади у вақт қайтиш орқага.
 Уйлайман, буни англаш ҳеч эмас қийин.
 Дарров қабул этмаймиз бизлар ҳеч қачон.
 Аёллар табиати шундайдир ҳар вақт.
 Севамиз-да тортамыз лекин хижолат...
 Аммо биз ҳақиқатни яширолмаймиз —
 Кўнгилнинг ҳавасига тўсиқ йўқ асло!
 Сизга нима десалар, десинлар, бир он
 Тингламанг! Қуруқ сўзга инонмас доно.
 310 Дилнинг чин тўлқинига инонинг ёлғиз...
 Кечиринг! Беихтиёр қизиқиб кетдим,
 Эҳтимол ҳаддан ортиқ кўп гаплар айтдим —
 Лекин бўлгани бўлди! Сўрайман сиздан:
 Сиз менга очиқ айтган гапларингиздан
 Мен таъсирланмаган бўлсам эди у замон
 Ажабо мен Дамисни қайтарармидим,
 Сиз сўзлашга бошлаган чоқда ногаҳон
 Сўзингизни шарт кесиб жўнамасдим,
 Ҳамма гапни бўйнимга мен олармидим?
 320 Яна ўгай қизимга уйланишингизни
 Эшитиб куя-пиша айнитдим сизни...
 Шунда ҳам ниятимни англамадингиз?
 Тушуниш осон-ку! Шу эди истак:
 Орамизда бўлмасин бошқа бир аёл,

Кўнглингизга ҳоким бўлай мен ёлғиз,
Бўлмасин дилда мендан ўзга бир хаёл...

Т а р т ю ф

- Оҳ! Жононнинг тили шундай сайраркан,
Қандай лаззат ва қувонч дилга бағишлар!
330 Мен шавқ билан, берилиб уни тинглайман,
Қўрқаменки, бирон сўз чатилмай қолар...
Сиз томондан севилиш —
Бутун орзу интилишнинг юксак пояси!
Мен учун бундан олий йўқдир саодат!
Лутфу карамингизни қилсам-да ҳурмат,
Лекин кўнглимнинг бордир андак шубҳаси...
Бошимга беихтиёр келар шу фикр:
Кутилмаган марҳамат кўрсатиб, балки
Бузарсиз Марианага уйланишимни,—
340 Бахтни тақдир юборган деб билсам агар,
Шунда сўзингиз мени ишонтирар чин,
Сеҳргар сўзлар билан эмас, жонли ноз —
Эркалаш билан дилнинг севги-фироқин
Юпатган чоғингизда шубҳа қолмас оз!

Э л ь м и р а

(Йўталиб, эрига ишора қилади)

- Вой, мунча шошқолоқсиз! Ҳовлиқин билан
Ҳар бир севги, ҳавасни чўчитиш мумкин...
Айтганим кифоя муқаддима учун,
350 Деганим етар дастлабки танишиш учун,
Яна ҳозир кўнглингиз не тилар экан?

Т а р т ю ф

- Хуқуқ, талаб оз бўлса, оз бўлар роҳат!
Инсон орзуларининг йўқдир поёни;
Хаёлда учиш осон, лекин ҳақиқат —
Билан хаёлнинг жуда узоқ ораси!
Сиз раҳм айладингиз муҳаббатимга,
Бунга арзимасам-да, лекин қаршимда
Кўрамен янги олам — ер жаннатини...
360 Бахтни бер, ишонтир бу бахтга мени!

Э л ь м и р а

Ишқингиз мунча ҳам тизгинсиз экан,
У билмайди на шафқат, на-да марҳамат...

Бошни айлантириб, ўйнатади қон,
Тўймас экан, иштаҳа зўр экан беҳад!
Қўксингизга жо бўлса аёл севгиси,
У шўрликка қолмасми нажот бутунлай?
Таслим бўлган юракка сиз ҳукмингизни
Қаттиқ ўтказишингиз мумкинми шундай?

370

Т а р т ю ф

Сиз менга оз-моз мойил бўлсангиз агар,—
Хўш, энди сизга нима зўр тўсиқ бўлар?

Э л ь м и р а

Сиз худонинг қаҳридан сира қўрқмайсиз?
Бу тўғрида кўпинча уқтирардингиз...

Т а р т ю ф

О, ваҳимага солмасин сизни бу фикр!
Ишқ бизни ундамоқда завқу сафога,
Ишқда ўрин йўқ бундай хавфга, жазога...

380

Э л ь м и р а

Лекин тонг-ла бунинг-чун сўрарлар бизни!

Т а р т ю ф

Инонинг — ҳеч нима бўлмас! Илоҳий
Қонунлар мавжуд деб, довдирайди ким!
Буларнинг ғовларига учрар ҳар доим...
Лекин четлаб ўтишнинг бордир имкони.
Бундай ишларни эплаб кетмоқлик учун
Одамзод кўпдан буён эпчилдир бутун —
Оғир гуноҳларни бажариб инсон,

390

Бошқалар кўзида бўлар пок виждон!
Қўрқмангиз, Эльмира, мен ялинаман!
Севгига содиқ бўлиб, эргашинг менга.
Ҳар бир ишга мен ёлғиз жавоб берамен!
Бор гуноҳни оламен мен ўз бўйнимга!

(Эльмира кучлироқ йўғалади.)

Йўғаласизми?

Э л ь м и р а

Ҳа.

Т а р т ю ф

Мана бу берар шифо
400 Йўтал доруси.

Э л ь м и р а

Йўқ менга ёрдам бера олмас бу.

Т а р т ю ф

Йўтал сизни жуда ҳам нотинч қилурми?

Э л ь м и р а

Ҳеч чидаб бўлмайди! Кеча-кундуз шу..

Т а р т ю ф

Ачиннамен... Қани, хўш, сиз рознимисиз?
Уйлаб қаранг, ким бор қоралайдиган,
410 Бундан ҳеч кимса огоҳ бўлмайди зотан?
Биз бу ерда сира ҳам хавфда эмасмиз!
Ошкора гуноҳ қилиш — ёмон нарса-ку,
Лекин яширин гуноҳ — қандай гуноҳ бу?

Э л ь м и р а

(яна йўталиб, столни тиқирлатади)

На деяй! Қўнаман-да энди чор-ночор...
Шундай ҳаракатга рози бўлишни
Ҳеч-да ўйламаган эдим, тўғриси!
Сизга қарши туришнинг йўқдир имкони:
420 Шундай ўжарсиз... Гапга ҳеч ишонмайсиз...
Керак ҳар бир нарсанинг сизга исботи...
Нима қилай! Таслимман... Гуноҳи лекин
Менга эмас, мен ёлғиз орзуга қурбон —
Жавобгар бўлмаймен бунга ҳеч қачон...

Т а р т ю ф

Дедим-ку беражакман ўзим жавобин!

Э л ь м и р а

Бир қаранг, у ерда эрим йўқмикан...

Т а р т ю ф

430 Садаганг бўлай! Нега қўрқамиз ундан?
У шу қадар содда, оқ кўнгил киши,—
Биз уни алдаймиз жуда ўхшатиб!

У яна шундайин менга содиққи,
Сўзимдан ҳеч чиқмайди... Атрофга боқиб
Кўрган парсасин ҳам кўрмаган бўлар!..

Э л ь м и р а

Майли, шундай бўлса ҳам, сиз бораверинг,
Атрофни яхшилаб бир қараб келинг!

VI саҳна

440 Эльмира ва Оргон.

О р г о н

(стол тагидан чиқиб)

Тан бердим! Бориб турган безори экан!
Бу гапларга ишонар қайси бир одам?

Э л ь м и р а

Барвақт чиқа қолдинг, жоним, жудаям!
Яна тез шу ерга кир, кут охирини:
Яққол кўрмасдан туриб, қутулмас киши!
Капалагинг учиб кетибди, қара...

450 О р г о н

Инсон шундай қабиҳ, ифлос бўлса-я!

Э л ь м и р а

Кўрдингми, азизим, дуруст уқиб ол,
Хато қилиб қўйиш жудаям осон.
Яхшиси, аввал синаб, шундан сўнг ишон!

(Органни орқасига яширади)

VII саҳна

Эльмира, Оргон ва Тартюф.

Т а р т ю ф

460 *(Органни кўрмасдан)*

Ҳар ёқни қараб чиқдим, жимжит ҳар томон,
Ҳеч ким йўқ! Қандай гўзал, хушбахт воқеа!
Биз тамоман ёлғизмиз... О, бўлай қурбон...

Кучоғини очиб Эльмирага яқинлашади; Эльмира четланади —
Тартюф Оргонни кўриб қолади.

О р г о н

Дўстим, бир оз тушинг! Қайнаманг унча!
А, тақводор пир! Маъсум хаёлларни
470 Нималарга тиккансан? Кўриб турибман.
Отмоқчи бўлдинг икки ҳақорат тошн —
Маҳв этмоқ истадингми, қизим, хотиним!
Битди! Ортиқ қолмади сабру бардошим!
Стол остида эдим,— маълум барчаси,—
Сўз тинглашнинг ортиқ йўқдир маъноси!

Э л ь м и р а

(Тартюфга)

Мен нима деган бўлсам, унутинг барин,
Шундай ҳийлага мажбур қилдингиз лекин....

480 Т а р т ю ф

(Оргонга)

Шунга ишонасизми?

О р г о н

Бас, биродар, бас!
Ўўлдан қолма!

Т а р т ю ф

Ҳасратим кўксимга сиғмас...

О р г о н

Айтдим-ку — сўзга ҳеч солмайман қулоқ.
490 Жўнаб қол уйимдан сен шу топдаёқ!

Т а р т ю ф

Шундайми? Йўқ! Мен эмас, сизлар кетасиз,
Уй — меники. Хўрликка мен чидолмайман —
Қонуний ҳаққимни тез талаб қиламан:
Мени шунда танийсиз — шунда биласиз
Мен билан жанжаллашиш нима эканин!
Арзимаган гап учун мени паст, ёмон
Бўхтонга чулғадингиз, тухматчисиз чин.
Бунинг учун жазо юборар осмон!
500 Мен бу шармандаликни ҳеч кечирмайман,
Пушаймон бўласиз кўп вақт ўтмасдан!

VIII саҳна

Эльмира ва Оргон.

Эльмира

Бу нима демак-а? У нима демоқчи?

Орган

Иш ёмон, эс-хушни ҳам йўқотиш мумкин!

Эльмира

Ҳа, нима бўлди?

510

Орган

Нима? Азизим, даҳшат!
Тўғри айтди — гарчи сен мени ўлдир, ос!
Эшитдингми — гапирди у очиқ ва рост:
Бу ерда биз эмас — хўжайин удир.

Эльмира

Бу гап бўлмағур!

Орган

Хўп дейвур... яна ҳам оғир,
Яна ҳам қўрқинчли балолар келгай?

520

Эльмира

Масалан, қандай?

Орган

Сўнг ҳаммасин биласен... Анови қути
Қаерда экан, бориб билайин уни...
Шўрим қуриб қолди, ҳолимга вой, вой!

БЕШИНЧИ ПАРДА

I саҳна

Клеант ҳам Оргон.

Клеант

Қаёққа борасен шошиб?

Орган

Қаёққа!

Қайдан биламен?

406

К л е а н т

- 10 Бўлмаса қулоқ сол. Ҳаммамиз бирга
Йиғилиб, нима қилиш кераклигини
Сўзлашмоқ, ёмон бўлмас дейман...

О р г о н

У қути сира
Кўнглимга тинчлик бермас. Хароб бўлибман!

К л е а н т

Шошма, нима бор эди унинг ичида?

О р г о н

- Гап шунда-да... Қутини менга омонат
20 Ташлаб кетган эди бир қочоқ дўстим.
Ичида хатлар бор... Хўш? Қалай аҳволим?
Тушунасанми агар бирдан шунча хат...

К л е а н т

Тартюф қўлига қандай тушди у қути?

О р г о н

- Бир вақтлар нима бўлиб, мен сирдан уни
Воқиф қилган эдим, чидай олмасдан,—
Чунки дилни жуда ғаш қилганди қути...
Шунда у муттаҳам солди қўрқувга,
30 Дедик: ўҳ, бу нарса хавфлидир жуда,
Мен бўлсам ўлгудай бепарво, лақма,
Билиб қолсалар ногоҳ — ёмон воқеа...
Қутини яшириб қўйгандан кейин
Майли тергов қилсинлар — «Туя кўрдинг? — «Йўқ»!
Бундай ёлғондан-да тап тортма лекин,
Чунки бу гуноҳ эмас — бўлсин кўнглинг тўқ...

К л е а н т

- Ҳа, сен ўз-ўзингга ортдинг фалокат!
Бу нарса мени ҳам ташвишга солар,
40 Кўрган чоранг кескиндир ҳаддан ташқари
Бир оз чидаб муғомбир бўлиш даркорди,
Энди у сендан қаттиқ ўчини олар!

О р г о н

Хўп ўхшатди-да бизни! Лаънати илон!
Ғамхўрлигим, диққатим ва эркалашим,
Хайри эҳсоним қадрин билмади шайтон!
Ҳайвон! Саёқ, ўғри. Энди ҳеч қачон
Бу дарсни унутмайман, мен абадиян
Таъзимни едим! Бунга ўхшаган
50 Жанобларга ортиқ йўқдир алданиш:
Улар учун шайтондан баттар бўламан!

К л е а н т

Ифротчилик керакми? Сени у айёр,
Қўлга туширибди — бунга ким айбдор.
Қўшиламен, пешананг тошга тақ тегди...
Бошга тушган бало кимга хуш ёқар...
Тартюфни қарғайвер! Ўзгалар нима?
Бир разилни кўриб халқ орасида —
Уйласакми ҳамма ҳам шундай экан деб?
60 Дўстим, сен кўп қизишма, шу гапим тингла:
Биргина ярамасни мисолга олиб,
Ҳамма одамларни аралашига
Қораламоқдан кўра, ҳадсиз ишониб,
Қўнгилчашлик қилиш, баъзан қўлга ҳам тушиш,
Албатта, яхшироқ иш...

II саҳна

Клеант, Оргон ва Дамис.

Д а м и с

Отажон, нима гап? Ишониш қийин!
70 У бадкирдор сизга дўқ қиларми чин?

О р г о н

Ҳа, шундай, азиз ўғлим! Яқин орада
Бошимизга зўр қайғу тушар, албатта...

Д а м и с

Безорининг таъзирин бераман ҳали!
Шилқимлигини мангу босиб қўяман!
Бутун оила учун ҳисоб оламан...
Уни чала ўлик қилиб ураман!
Соғ қолмас калтагимдан унинг гавдаси!

Шошма, ҳовлиқма! Ёшсан, қизиққонсан ҳам...
 Эсингни йиғ, ўзингни совут бир қадар —
 Муштумларингни сен пеш қилма жилла-ям!
 Иним, замон бошқача: муштлишиш учун
 Қатъий жавобгарликка сени торталар...

III саҳна

Клеант, Оргон, Дамис, Пернель хоним, Эльмира,
 Марнана, Дорина.

Пернель хоним

90 Мумкин бўлмаган гаплар эшитмоқдаман.

Орган

Мумкинмас деб ўйлаган эдим ўзим ҳам —
 Лекин кўрдим, ишондим энди чинакам...
 Кўнгилчанлигим учун жазоланаман!
 Гадоё экан мен парвариш қилай уни,
 Оғамдек эркалай-да, берай мўл совға,
 Қизимни, мол-мулкимни берайин, тавба,
 У нималар қилади? Қароқчи каби,
 Ифлос пият билан хотинимни у
 100 Йўлдан оздиришга уринибди-ку!
 Бу ҳам оз! Ҳуқуқига тўла ишониб,
 Менга дўқ ҳам қилади: ўзи илгари
 Қандай ифлос қашшоқ бўлса, шу каби
 Қашшоқликка мени ҳам судрар зўр бериб!

Дорина

Бечора!

Пернель хоним

Йўқ ишонмайман! У шундай ёмон,
 Шундай виждонсизча ҳаракат қилсин!

110

Орган

Ишонмайсизми?

Пернель хоним

Ҳар бир пир ва пок инсон
 Ҳасадга қолар ҳар вақт — бу кўпдан аён.

О р г о н

Мана бу сўзларнинг маъноси нима?
Тушунмайман, нимага алоқаси бор...

П е р н е л ь х о н и м

120 Сен тушунмасанг агар, тушунар бошқалар!
Ундан нафрат қилишлари бежиз эмас-да!

О р г о н

Нафрат нима қилсин?

П е р н е л ь х о н и м

Ҳамиша

Меним насиҳатим шулки ҳаммага:
Фазилаткор одамга дард-аламдир насиба,
Ҳасадчилар ўлади, ҳасад ҳеч ўлмас!

О р г о н

130 Онажон, фикрингизга қўшиламен, рост...
Лекин бошқа илож...

П е р н е л ь х о н и м

Кўп сафсаталар

Эшитарсен ҳали...

О р г о н

Мен ўзим кўрдим,
Англамг, онажон,

П е р н е л ь х о н и м

Ҳа, кимда ғазаб қайнаса,
Ана унда ғийбат бўлур бепоён!

40

О р г о н

Ё, худо! Мен ахир дедим-ку сизга...

П е р н е л ь х о н и м

Аҳ, одамларнинг тили шунчалик заҳар,
Бу заҳарга даво йўқдир муқаррар!

†10

О р г о н

Демак, тушуниш қийин бир-биримизга!
Шу кўзларим-ла кўрдим! Эшитасизми!
Ҳаммасини кўрдим! Тушунасизми?
Эки мен овозимни баралла қўйиб,
150 Айни сўзларни такрор қилай бўкириб!

П е р н е л ь х о н и м

Нима бўлибди хато қилиш сен учун.
Шунча қийинми? Кўрган нарсангни оз-моз
Ўйласанг, бошқа бўлиб чиқиши мумкин.

О р г о н

Тоқат бўлди тоқ!

П е р н е л ь х о н и м

Одат бўлибди бизга
Яхшилик ўрнида ҳам ёмонлик кўрмак!

160

О р г о н

Меним хотинимга очаркан қучоқ,—
Таъсирланиб кўз ёшим тўкишим керак?

П е р н е л ь х о н и м

Қоралаш-чун бу нарса кифоя қилмас,
Хўп синаб, ишонишинг керак эди-да!

О р г о н

Хўп синашми? Демакки... О, жуда маъқул!
Мен алданган ҳамда кўр эканман жуда?
Кутиб туришим керак экан — токи ул...
170 Йўқ, онажон, бу гаплар тамом беҳуда!..

П е р н е л ь х о н и м

Кўнгли шундай покиза бир инсон хотин
Хуснига астойдил қизиқа олсин —
Бунни ўйлашни ҳам ҳеч истамайман!

О р г о н

Сиз онамсиз... На қилай! Бир сўз демайман...
Шуни билинг, ўзимни тутамен базўр!

Д о р и н а

Ишонмагандингиз бизга бир умр,—
180 Энди сизга ишонч йўқ! Экканингни ўр!

К л е а н т

Бу ерда бекор вақтни ўтказмоқдамиз.
Бирон чора топишнинг келибдир чоғи:
Ҳазиллашмоқ хавфлидир — у разил, беор.

Д а м и с

Ўйлабсизки, у яна борар юқори?

Э л ь м и р а

Менга қолса, ўринсиз беҳуда ваҳма:
У яна бир озгина дўқ қилади-да,
190 Тинчийди кейин.

К л е а н т

Йўқ, йўқ, ҳазир бўл, Оргон!
Унинг қўлидаги қуроли ёмон!
Тепангда ҳоким бўлиб қолди у баттар.
Инсон бошига баъзан
Арзимаган нарсдан тушар кулфатлар,
Анчайин иш эмас, бу, фош қилса — бало!
Такрор гапираманки, сен ўз-ўзингни
Тийишнинг керак эди, қилмай можаро.

200

О р г о н

Яхши тушунамен барча сўзингни...
Лекин жаҳлимни у чиқарди шундай,
Ҳар нарсани унутиб қўйдим бутунлай.

Э л ь м и р а

Бўлмас эди шундай талон-тўполон,
Яширмасанг эди агарда мендан...

О р г о н

(кираётган Лоялни кўриб, Доринага)

Қим келаётир? Етар ушбу ҳаяжон!
210 Қара, бил! Айт, бугун қабул қилмайман...

412

IV сәхна

Клеант, Оргон, Дамис, Пернель хоним, Эльмира,
Марнана, Дорина ва Лояль.

Л о я л ь

(Дорина ичкарида)

Салом, попук қизим! Хўжайининг билан
Кўришмоқ тилардим...

Д о р и н а

У шунда, лекин
220 Қабул қилмайди фақат...

Л о я л ь

У билан бир шингил

Гаплашаман... Сираям олмайман вақтин!
Биласанми, биргина иш бор — хушхабар
Келтирдим, сен усталик билан шипшитгил!

Д о р и н а

Сиз ким бўласиз?

Л о я л ь

Қув қиз, айтки, шу чоқда
230 Жаноб Тартюф юборди мени бу ёққа.

Д о р и н а

(Оргонга)

Қандайдир лаганбардор! Тартюфингиздан
Юмуш билан келибди. Сизга хушхабар
Келтирганин айтди...

Рухсат тилайди сиздан.

К л е а н т

(Оргонга)

Қабул эт! Зиёнсиз бу.

240

О р г о н

Агарда келишувни таклиф этса у?
Мен кўнмайман... Ич-тошим бутун ларзада...

К л е а н т

Сен аччиғланма, уни тингла безарда!

Л о я л ь

(Оргонга)

Жаноб, хурматлар бўлсин... Уйингизни ҳақ
Асрасин балолардан ва душманлардан!

О р г о н

250

(Клеантга секингина)

Нафасим ҳам бекорга кетмайди шу чоқ:
Афтидан, ярашувга у тайёр экан.

Л о я л ь

Мен сизга ёт эмасман. Сизнинг мавқедор
Отангизга ҳам эдим содиқ хизматкор...

О р г о н

Шундай денг! Кечирасиз... Очиқ айтайин,
Ўзингизга қараб танишим қийин!

Л о я л ь

260

Камина — Лояль, суд пристави.
Соф виждоним билан сизга айтаман:
Қирқ йилдан буён ҳалол хизмат қиламан —
Ҳасадчиларнинг мендан қайнайди шўри.
Топширишим керак сизга ниҳоят
Кичик бир повестка... Қилинг марҳамат!

О р г о н

Повестка? А! Мумкинми, бу нима демак...

Л о я л ь

270 Ғазабланмангиз — сиздан шудир илтимос!
Даҳшатли бир воқеа бўлмаса керак.
Повесткада ёзилган мана шу холос:
Оилангиз билан шу уйдан тезроқ
Чиқишларингиз лозим — ҳамда бу ерда
Қанча мол-жиҳоз бўлса чиқаринг эрта...

О р г о н

Мен бу уйдан чиқайин?

Л о я л ь

Нақ айтганингиз.

280 Суд ҳукми бу! Бировнинг машмашасимас,
Биласизми, барча ую-жойингиз
Энди кимга ўтибди... Шудир ҳолингиз.
Муоҳида мендадир: бўлсин минг ҳавас!
Лекин ўчакишмоқлик ҳеч мумкин эмас!

Д а м и с

(Лоялга)

Сурбетлигингизга ҳеч ҳайрон қолмайман!

Л о я л ь

Жаноб, мен арзимни сизга айтмайман —

(Оргонни кўрсатиб)

290 Мен шахсан бу кишига: сўзимни англаб,
Менга қарши туришни қилмасалар орзу...

О р г о н

Лекин бир нарса бор...

Л о я л ь

Ҳа, ҳа! Тезда батамом

Қиламиз барча ишни — мақсадим ҳам шу.

Сиз — номусли граждон, мудом нимани

Қонун талаб қилса, мен ижро қиламан,

Бу ишда ҳар тўсиқни ортиқ биладан...

300

Д а м и с

Бошингизда ўйнаганми бирор вақт таёқ?

Л о я л ь

(Оргонга)

У тилин тийсин ёки жўнасин илдам!

Не бўлур ҳақоратларин протоколга ёзсам?

Гарчи истамасам-да сизни қайғуртмоқ.

Дорина

(четга)

Ростин айтсам, ана шу қонунфурушда
310 Ҳеч қонунга сиғмаган шаклу шамойил!

Лояль

Яхши одамлар билан мен шул равишча
Дағал муомала қилиш одатим эмас.
Бу феълимга ҳамма ҳам қолади қойил.
Сизнинг бу иш қўлимга кириши учун
Мен жўрттага уриндим, кўп ғайрат қилдим.
Бошқа одам бу ишга қўнт этмай бутун,
Дағал, чала-чулпа қилишин билдим...

Оргон

320 Бу озми бутун бошлиқ бир оилани
Уйдан ҳайдайсиз

Лояль

Сизга беряпман фурсат:
Эртага қолдираман иш ижросини,
Лекин ҳар ҳолда бунда сизни назорат
Қилиш учун кўп эмас, фақат
Ўнта навкар билан уйда тунайман.
Улардан ҳеч кишига етмайди озор —
Хотиржам бўлинг... Бизлар фақат юзаки
330 Расмиятга риоя этишимиз даркор:
Ҳамма уйлар калитин ёнга соламиз:
Тонг одими — дарровда йўлга равона!
Бизга басдир бу уйни тез бўшатсангиз,
Ҳатто одам бераман ёрдам этгали.
Мендан кўра лутфкор бўлмоқ кўп қийин:
Бунни назарда тутиб, берингиз буйруқ,—
Токи менга ҳеч кимса бўлмасин тўсиқ,
Бирон ишда чурқ этиб огиз очмасин...

Оргон

340

(Клеантга)

Кўрмаганман бундайин чиркин башара:
Мен энг сўнги чақамнинг баҳридан кечиб,
Қани ит боласидай юборсам тепиб!

К л е а н т

Бекорга аччиқланма, фойдасиз зарда!

Д а м и с

Қўлларим шундай қичир — тоб бериш маҳол...
Қўрқамен, оқибати бўлмагай ёмон!
Сабр этмоқ душвор...

350

Д о р и н а

(Лоялга)

Фурсат келар эҳтимол,
Хўп уриб, терингизга тиқарлар сомон!

Л о я л ь

Ҳай, сулув, қараб гапир! Аёлларни ҳам
Судга тортиш мумкин... Ҳам оғир жазо...

К л е а н т

Менимча, ҳангомани битирмасанг шу дам:
Эрталабгача бизни тинч қўйинг, мирзо!

360

Л о я л ь

Хайр, хуш қолинг, сизга бахтлар тилаймен...

О р г о н

(унинг орқасидан)

Сени бу томонга юборган беор
Маҳлуқ билан бирга бўлган қўшмозор!

V саҳна

Клеант, Оргон, Дамис, Пернель хоним, Эльмира,
Мариана, Дорина.

О р г о н

370 Хўш, онажон? Сиз учун яна қандайин
Далиллар керак? Менга ишондингизми?
Энди тушундингизми мен қандай хонн
Илонни кўксимда асраганимни?

Пернель хоним

Мен худди туш кўргандай... Бу — тушми ё чин?

Дорина

Нега у бечорани шу қадар ёмон
Қаргайсиз? Менга қолса қарғаш беҳуда!
Унинг саи ғайратин билмайсиз чандон.
380 Одамларни мол-бойлик бузади жуда.
Сизга нажот йўлин тўсувчи ушбу
Бойликдан қутқармоқни ўйлагандир у!

Оргон

Жим бўл! Сўзлашим керак сенга юз марта?

Клеант

(Оргонга)

Манави маслаҳатга бир дам қулоқ сол...

Эльмира

Менимча, бу қаллобликни тезда ҳаммага
390 Ёйиш керакдир, шунда билинар аҳвол —
Ҳамма англайди қаттиқ алданганлигинг,
Шартномага шак билан қарашар кейин.

VI саҳна

Валер, Оргон, Пернель хоним, Эльмира. Клеант.
Мариана, Дамис ва Дорина.

Валер

(Оргонга)

Ана, жаноб, сизнинг учун даҳшатли хабар!
Айтишга тилим бормас... Лекин бир зум ҳам
400 Тўхтамай қочиш керак — тез мумкин қадар!
Бир яқин дўстим шунин билдирди шу дам:
Қиролга борибди-ю у ўғри-саёқ
Ҳаққингизда бўҳтон қилиб чақибди —
Қандайдир қоғозларни ҳам кўрсатибди:
Назоратга олиб сизни қамамоқ
Учун тайёр бўлмиш тегишли фармон...

К л е а н т

Шундай зўр жасоратни ундан ҳеч қачон
Кутмаган эдим мен!
Мергандек мўлжалга жонин уради!

410

О р г о н

Одам деб юрибмиз уни биз ҳамон!
Йўқ, одам эмас, у қабиҳ бир махлуқ.

В а л е р

Сизга ялинамен — сустанманг аммо!
Эшикда аравам сизни кутади...
Мана бунда минг олтин, вақти-соати
Келса ҳисоблашармиз... Жаноб, тезгина
Йўлга тушмоқ керак! Мен сизнинг била
Борамен... То сизни пухта яшириб
420 Қўймагунча келмайман сиздан айрилиб...

О р г о н

Сизга қандай билдирсам миннатдорлигим?
Бунга сўз йўқ, вақт ҳам йўқ... билингиз лекин
Юз қатла яхшилик қилмоқ ниятим —
Фақат бош омон бўлса... Хайр, кетайин!
Сизларни паноҳида сақласин танграм!
Сизга топшираман ниманки бор...

К л е а н т

Деганингизни қиламиз — ўзингни қутқар!

430

VII саҳна

Клеант, Оргон, Дамис, Пернель хоним, Эльмира,
Марiana, Дорина, Валер, Тартюф ва Полис.

Т а р т ю ф

Қўпирманг, жанобим! Шошқоқсиз ортиқ!
Узоққа кетолмайсиз: мана бу фармон,
Турмага элтадилар сизни шу замон...

О р г о н

Бадкирдор! Риёкор хоин! Бетавфиқ!
440 Шу биланми етмоқчи бўлдинг тагимга?
Не дердик! Разолатни аъло бажардинг!

Т а р т ю ф

Мен бутун ҳақоратни тинглайман сокин:
Лаззат беради тангри қайғу-ғамимга.

К л е а н т

Эшитдингизми, қандай олижаноб у?

Д а м и с

Уялмасдан тилга олар тангрини!

Т а р т ю ф

450 Ҳеч нима ҳақорат қилолмас мени —
Муқаддас вазифамга мутеман мангу...

М а р н а н а

Гўзал вазифа! Бундан фахрланасиз?
Қанчалик беғараз тама ўйламадингиз?

Т а р т ю ф

Менга шундай эътимод, ишонч бўлса-ю,
Яна мен фахрланмай, чекайми қайғу!

О р г о н

Унутдинг, нонкўр, барча яхшилигимни?
460 Миннатдорчилик билмас нонкўрнинг дили?

Т а р т ю ф

Мен унутмадим, лекин менда энг юксак
Вазифа бордир: унинг илоҳий кучи
Аввалги ҳисларни бўғди бир йўли —
Мен у вазифа-чун қилардим қурбон
Елғиз дўстни, хотинни, ота-онадак
Азизларнимас, ўзим бағишлардим жон!

Э л ь м и р а

Мунофиқликка қара!

470

Д о р и н а

Узи шундоқ
Қандай айб ағдарма — жавоб тайёр-да.

420

К л е а н т

Рухсат этинг! Сиз шундай мискинлар каби
Вазифангизни ҳурмат қилар экансиз,
Ботирона даъвонгиздан ўз хотинини
Ҳимоя қилибди у — бунга не дерсиз?
Оқланишга ҳеч қандай йўл қолмаганда,
Белни боғладингизми чақиқ-бўхтонга?
480 Унйнг молу мулкини усталик билан
Қўлга киргизибсиз — мен бу тўғрида
Сизга ҳеч нимарса айтмоқчимасман,
Майли шундай бўлсин! Аммо бу нима,
Модомики қонунни бузган бир одам
Тегишли жазони тортсин дейибсиз, —
Модомики, муқаддас вазифангиз ҳам
Бажарилибди — нега садақайисиз?

Т а р т ю ф

(Полисга)

490 Бас эзмалик, фармон қилингиз ижро!

П о л и с

Вақтида эслатдингиз: топшириқни нақ
Ижро қилиш пайти етибди, аммо
Мен сизни элтаман турмага шу чоқ,
У ерда сизга кўпдан жой ҳам муҳайё.

Т а р т ю ф

Турмага, меними?

П о л и с

Ҳа, сизни.

500

Т а р т ю ф

Не учун мени?

П о л и с

Тушунтургин дейсизми бунинг сабабин?

(Органга)

Жанобларн, қўрқмангиз. Битди фалокат.
У оғзини очиб сўзлаган ҳамон

- Қиролга барчаси бўлибди аён,
 Яъни алдангансиз қаттиқ, беомон...
 Ва билинганки, бу иш ўғрилиқ фақат.
- 510 Бунинг жазосини у тортади албат:
 Ёмон ният билан сизга қазиб чоҳ,
 Кутилмаганда ўзи йиқилди гумроҳ,
 Унинг ишлари энди чиқди чиппакка!
 Бу машҳур доғули-ку! Биз кўпдан буён
 Зўр бериб уринардик уни тутмоққа:
 Бошқа ном — лақаб билан у бизга таниш...
 Ҳамма қилмишларини қийиндир айтиш —
 Агар уларни тасвир этсак батафсил,
 Жилд-жилд китоб бўлар балки ҳар фасл,
- 520 Уни тоза расво қилиш мақсади
 Билан бу ерга келдим, бошқа сабаби:
 Қирол сизни кечирганин ва сизларга чин
 Фалокатли шартномани бекор қилганин
 Билдириб қўйиш эди!
 Сиздан осий дўст кўмак олган бўлса ҳам,
 Ўтмиш хизматлар учун шафқату карам —
 Ёғилиб келди, қаранг, кутмаган чоқда,
 Эзгу ният нечоғлиқ баланд ардоқда —
 Қирол қандоқ қадрлар, кўнгли нақ дарё,
- 530 Эл билсин: яхшилиқни унутмас асло...

Д о р и н а

Оҳ, тангрига шукурлар, ҳар ишга қодир.

Э л ь м и р а

Уф! Елкадан гўёки тоғ тушди ҳозир.

О р г о н

Қалайсан, ҳой ярамас!..

VIII саҳна

Оргон. Клеант. Дамис, Пернель хоним, Эльмира,
 Мариана, Дорина, Валер

540

К л е а н т

Тинчланинг, куёв!
 Обрўйингизни ерга урмасин бу дов,
 Сўз на ҳожат, Ақл, дер: ғазабингни бос!

Йиғлагулик тақдири — қилмишига мос.
Тавбасига таяниб то бу шармисор,
Яхшилик ва хайр ишга йўл олиб такрор,
То разил ўтмишига иқрор бўлса чин,
Майли денг, гар ҳукмдор юмшатса ҳукмин.
Улуг ҳукмдор сизга раҳмдил бисёр,
550 Оёқларига ҳозир йиқилмоқ даркор!

О р г о н

Ҳа. Тўғри гап! Тиз чўкай мен бориб дарҳол,
Адолатинг — дегайман — кўрмасин завол.
Энг аввало шу бурчимни адо айлагум,
Кейин ўзга бурчга ҳам даво айлагум,
Яъни Мариана билан Валернинг тўйи!
Қовушгуси икки қалб то умр бўйи.

ГЕНРИХ ГЕЙНЕ

СИЛЕЗИЯ ТҰҚУВЧИЛАРИ

Кўз ёши тўкмаган боқишлар қайғули,
Дастгоҳда ўтириб, тишларин қайрайлар;
Германия, тўқиймиз биз кафанингни,
Лаънати уч рангли жияк тутамиз —
Тўқиймиз, тўқиймиз!

Тангрига лаънатки, унга биз совуқ
Очлик, қашшоқликда ибодат қилдик!
10 Ҳар соат биз унда кўмаклар кутдик,
У бизни алдади ва лақиллатди —
Тўқиймиз, тўқиймиз!

Лаънат, у королга, золим хоқонга,
Инграшимиз унга таъсир этмади.
Биздан у энг сўнгги чақани сўрди,
Мол каби ёгқизди бизни пичоққа...
Тўқиймиз, тўқиймиз!

Лаънатлар бу юртга, ёлғон ватанга,
Унда бахт кўради тубанлик, хўрлик.
20 Унда бемаҳал топталган ғунча...
Унда ҳар ўсмирин моғол босади.
Тўқиймиз, тўқиймиз!

Дастгоҳ ғижирлайди, моксиен чаққон;
Тўқиймиз кеча-кундуз сира толмасдан.
Қари Германия, тўқиймиз кафанингни,
Уч қат лаънат ила жияк тутамиз —
Тўқиймиз, тўқиймиз!

I

Савдо кемасининг бошлиғи ван Кук
 Бўлмасида ётиб ҳисоб қилади;
 Тўкинди, чиқинди билан фойдани —
 Тоза фойдасини солиштиради.

- «Елим ҳам яхшидир, мурч ҳам чаққон.
 Минг-минглаб қоп-қанор, бочкалар сони;
 Олтин қум, фил тиши — барчаси ҳам бор.
 10 Лекин энг лўндаси — қора тан жони.

Чақага арзимас нарсага олдим
 Сенегал юртида тўрг юз негрни.
 Қуюлган металлнинг фўласи каби
 Эtlари мустаҳкам ва пишиқ пайи.

Алиштирмақ учун менда бор эди
 Шишадан ясалган минчоқ, паст шароб;
 Етти юз процент фойда қиламан
 Агар сиҳат бориб етса ярмиси.

- Тирик қолса агар икки юз негр
 20 Рио-Жанейрога етиб боргунча,
 Икки юз дукатдан беради ҳар бир
 Бош учун Гонзалес Перрейро менга».

Лекин нақ шу онда савдогар ван Кук
 Епишга мажбурдир ҳисоб-китобин;
 Эшикдан киради денгиз хирурги —
 Кеманинг доктори ван дер Смиссен.

- Оп-ориқ, уп-узун денгиз хирурги —
 Бурнини қоплаган стилма бўртук
 «О, келинг, бош табиб; негрчаларнинг
 30 Сиҳатлари қалай?» деб сўрар ван Кук.

Унинг саволига хирург миннатдор.
 «Мен сизга билдириш учун киргандим,
 Бу кеча негрлар ичида ўлим
 Ҳар кунги мўлжалдан ошди бир қадар.

Одатда ўларди ҳар кун иккита,
Аммо бу кун эса ўлибдир саккиз.
Эркак ҳам, аёл ҳам — соқит бўлганни
Дафтарга тезликда биз қайд этамиз.

Жасадларнинг барин синчиклаб ёрдим,
40 Мен яхши биламан у тоифани,—
Сувга улоқтирсин, дейиб кўпинча,
Улимни ўзлари тилаб олади.

Кейин ўликлардан занжирни ечдим
Худди ҳар вақтдаги каби уларни
Саҳардан бир соат илгари денгиз —
Сари ағдаришга мен буйруқ бердим.

Нақ ўшал лаҳзада бир гала балиқ
Илдам сузиб чиқди сувнинг остидан;
Қора этни улар жуда севади;
50 Балиқлар ризқини оладир мендан.

Кўрфаздан биз кечар экаиғимиз, улар
Орқамиздан сузди, бўлиб бир тўда.
Разиллар, ўликнинг бижиган ҳидин
Сезади, балиқлар искавчи жуда.

Улар ўликларни қуршаб олишар,
Талашар; қарасанг томоша жуда.
Бири бошни юлар, бири оёқни,
Парчаланган жасад хомталаш сувда.

Барини ютишар, сўнг ором олиб,
60 Саф тортиб, бемалол чўзилишади.
Гўё зиёфатга раҳмат дегандай,
Менга қараб бирдан жилпанглашади».

Хирургнинг сўзини кесади шу чоқ
Бир огир хўрсиниб ван Кук айтади:
«Ганнинг, балога борми бир чора,
Бу офатнинг ўзи қайдан тугади?»

Хирург баён қилар: «Кўп проценти
Ўлиб кетди фақат ўз айби билан;
Улар ўзларининг бадбўй нафаси
70 Билан омборхона ҳавосин бузди.

Яна ўладилар бекорчиликдан,
Негрлар ўлгудек зерикишади;
Рақслар, музыка ва тўза ҳаво
Ҳамма вақт бу ишга ёрдам беради».

Бу сўзни эшитиб, қичқирди ван Кук:
«Бундан ўзга яна борми бирон йўл!
Қандай яхши кенгаш! Азиз табибим,
Аристотель каби сизда ақл мўл.

- 80 Долаларни яхши тарбия қилиш —
Дўстлари аталган бир жамиятнинг —
Раиси бўлса ҳам, у қув, эпчилмиш.
Лекин табиати хасисдир унинг

Музыка! Музыка! Энди негрлар
Уйнасин, шўхласин болалар каби;
Ким ўйин вақтида хафақон бўлса,
Уни қамчи ўзи йўргалатади».

II

- 90 Самонинг зангори кенг гумбазидан
Ишққа хумор бўлган йирик ва туйғун
Мингларча юлдузлар боқар, кўзлари
Гўзал хотинларнинг кўзидан сузгун.

Юлдузлар юксакдан боқар денгизга;
Денгиз эса бутун шавкати билан
Фосфор рангли, ёрқин гардиш ичида;
Тўлқинлар кўп ширин куйлайди маст, шан.

Бир чодир кўринмас. Қуллар кemasи
Гўёки кечада ёп-ёлғиз сузар.
Ёрқин ёниб порлар лекин фонарлар
Кеманинг саҳнида базм палласи.

- 100 Эски бир каманни боцман чалар,
Ошпаз ҳам тинмайин найни чалади,
Бири дўмбирани урар мақом-ла,
Доктор карнай пуфлаб, юз шиширади.

Эркак, аёл бўлиб юзларча негр
Тентаклардай сакрар, эгилар, учар;

Уларга тақилган бўғов ва занжир.
Ҳар сакрашда аста-текис жаранглар.

Оёқлари қаттиқ тепар тахтани,
Яланғоч дегундай бир қиз ҳирс билан
110 Яланғоч ўртоққа оғуш очади,
У билан оҳ чекиб гир айланади.

Назоратчи эса кузатиб борар,
Қўлидаги йўғон қамчиси билан.
Ялқов ўйинчилар кўзини очар,
Ахир сиҳатларини тузатсинлар-да.

Ҳам ди-дель-дум-дей, ҳам шнед-дере-денг,
Ҳам денгиз базмининг шовқин-сурони
Жаранг, карахт бўлиб мудрашиб ётган
Уйғотди денгизнинг махлуқларини.

120 Тўлқинлар ичидан сузиб чиқади,
Гала-гала бўлиб балиқлар мудроқ.
Юқорига, ёруғ томонга қараб
Сапчийлар тушунмай ҳайрон: бу на, боқ?

Кўрдиларки, улар нонушта вақти
Ҳали келмагандир, тизилиб қатор,
Бўйларини чўзиб хомуш ётади.
Оғизлари тўла ўткир тиш чақнар.

Ҳам ди-дель-дум-дей, ҳам шнед-дере-денг,
Ҳам сира битмайди денгизда базм.
130 Бетоқат бўлишиб бир кўп балиқлар
Ўз думларини эгиб, тишлашади жим.

Музикани, тўғри, улар севишмас,
Валий дунёсига мансуб ҳаммадай,
«Музика севмаган ҳайвон содиқмас»,—
Шекспирнинг айтган ибораси бу.

Ҳам шнед-дере-денг, ҳам ди-дель-дум-дей,
Ҳам сира битмайди кемада базм.
Мачтанинг олдида туради вап Кук
Ёлбориб, сингиниб, қўл очиб, дерким:

«Раҳм эт, сақла қора гуноҳкорларни,
140 Сигиндим, чор миҳга қоқилган Исо!
Қаҳр этма уларга, эй тангрим, улар
Шохли ҳайвонлардан аҳмоқроқ ҳатто.

Олам учун ўз танини бахш этган
Эй Исо пайғамбар, уларни асра!
Агар икки юзта етиб бормаса,
Ахир бутун ишим бўладир расво».

АНАТОЛЬ ФРАНС

БАШАРИЯТ ТАРИХИ
(ҲИКОЯ)

Донишманд Забнинг шогирди ёш шаҳзода Замир отаси ўлгандан сўнг Эрон тахтига ўлтирган вақтида, унинг салтанатидаги бутун олимларни чақирнишга буйруқ берди ва бутун олимларни чақирди:

— Менинг ўқитувчим донишманд Заб, менга ҳақимлар: «Мозийдан хабардор бўлиб иш қилсалар, кўп хато қилмаслар эди»,— деб айтган эди. Шунинг учун мен 10 бутун халқларнинг тарихларини ўқимоқни орзу қиламан. Мана бунинг учун бутун дунё тарихини тузишга ва унинг мукамал бўлиши учун ҳеч воқеанинг тушиб қолдирилмаслигига сизга буйруқ этаман,— деди.

Олимлар шаҳзоданинг хоҳишини таъмин этишга ваъда қилиб, таъзим қилдилар ва шу соатдан ишга бошладилар. Ингирма йилдан сўнг олимлар подшоҳнинг олдида ҳозир бўлдилар. Уларнинг орқасидан ўн икки туя келар эди. Ҳар бир туяда 500 жилддан китоб бор эди. Олимларнинг энг мўйсафиди тахтнинг зинаси-га келиб, таъзим билан шу сўзларни сўйлади:

— Шавкатли подшоҳим, подшоҳлигингиздаги барча донишмандлар буюклигининг орузини ўтамак учун ўзлари таклиф қилган бутун дунё тарихини оёғингизга тўкмакни истайдилар. Бутун дунё тарихи 18 минг жилддир. Бу тарих халқларнинг одат ва ахлоқи ҳам подшоликка эришган ўзгаришларга тегишли ҳамма нарсанинг мақтовидир. Биз унинг ичига эскидан қолган васиқаларни киритдик ҳам уларни жуғрофий, воқеий, сиёсий жуда кўп қўшимчалар билан тасвир қилдик. Биз ёзган 30 бутун дунё тарихининг муқаддимаси бир туяга юк бўлади. Хотимасини бошқа бир туя зўрға, қийинлик билан кўтаради,— деб сўзини тамомлади.

Подшо:

— Донишмандлар ўз устингизга олган сайингиз

учун мен сизларга жуда миннатдорман. Фақат, мен давлат ишлари билан жуда машғулдирман. Бундан бошқа, бутун дунё тарихи устида сиз ишлаб бўлгунча мен қартайиб қолдим. Мен, бизнинг Эрон шоирининг айтишича, ҳаёт йўлининг ўртасига етдим. Агарда мен жуда қартайиб ўладирган бўлсам-да, шундай узун тарихни ўқиб чиқишимга вақтим етишлигини умид қила олмайман. Марҳамат қилиб, ундан менга инсон ҳаётига инсбатан қисқача хулосасини ёзиб берингиз,— деб жавоб берибди. Эрон донишмандлари янгидан ишга бошлаб, йигирма йилдан сўнг ишлаб битказдилар, ҳам бир ярим минг жилдди уч туяга ортиб келтирдилар.

Меҳнат орқасида кучсизланиб қолган товуш билан олимларнинг энг мўйсафиди сўзга тушди:

— Шавкатли подшоҳим, мана бизнинг сайимиз. Биз ўйлаймизки, бунда ҳеч бир асосий нарсани тушуриб қолдирмадик!— деди.

— Бу дуруст, лекин мен бунга ўқимайман, қартайиб қолдим. Вақтни йўқотмасдан, яна қисқартирингиз,— деб подшо жавоб берди.

Олимлар жуда оз вақт йўқотдилар. Яна ўн йилдан сўнг бир филга 500 жилд китоб ортиб, подшо олдига келдилар.

— Ҳар қандай бўлса-да, бу етарли эмас. Менинг ҳаётим битади. Улим кўзларимни юммасдан илгари башарият тарихини билишни истасангиз, қисқартирингиз, яна қисқартирингиз,— деб подшо сўйлади.

Олимларнинг мўйсафиди яна 5 йилдан сўнг сарой олдида пайдо бўлди. Ҳассага суялиб қолган эди. Бир кичкина эшакнинг устига бир дона буюк китобни ортиб, эшакнинг жиловидан ушлаб кириб келар эди.

Эшикдаги маъмурлардан бириси: «Илдам бўлингиз, подшо ҳозир ўлади»,— деди.

Чиндан ҳам подшо ўлим тўшагида эди. Олимга ҳам келтирган китобига сўник бир назар солди ва энтикиб:

— Демак, мен инсонларнинг тарихини ўрганмасдан ўлиб кетаман?!— деди. Подшоҳимнинг ўзи каби ўлим кишини бўлиб қолган мўйсафид олим:

— Подшоҳим, мен сизга уч оғиз сўз билан уни англашиб бераман: улар тугилдилар, азоб чекдилар ва ўлдилар — деб жавоб берди.

Шундай қилиб, Эрон подшоҳи бу дунёдан у дунёга кетиш олдида бутун дунё тарихи билан ошно бўлди.

ЭМИЛЬ ВЕРХАРН

* * *

- Ҳаво ипакларига
Олтин билан тўқилган,
Эй нашъамиз порламаси!
Мана нозик уй ҳам енгил шийпон.
Мана боғча ва мевазорлар.
Олма боғчаларининг кўланкасида
Ана супача...
- 10 Эркаловчи ва эринчак гул япроқлари
Оқ баҳордек тўкилади
Олма оғочларидан.
Ана нурли каптарларнинг жавлони
Порлоқ кўкда сирпанган
Бир белги каби...
Тоза мовий шиша ҳаво лабидан
Ерга тушган бўсалардек
Ана икки соф ва содда
Зангори кулча.
- 20 Атрофга маъсум, эркисиз гуллардан
Уқа тутилган...
Эй нашъамиз порламаси, бизлар ҳам
Бу боғчада яшаймиз
Ўз хотирамиз билан...

ОНДРА ЛИСОГОРСКИЙ

САМАРҚАНД КУЗИ

Шамоллар Чингизнинг ваҳший қўшини
Сингари ёприлди кузги водийга
Қуёш сариқ тонгни қоплаган куни.

Деворлардан ошиб изғир бетиним
Чинорлардан учган супра япроқлар,
Қайтиб келмас қушлар каби бўлур жим.

Барглар қани? Қаерда йўқолур бари?
Чексиз саҳроларга қанча мартаба
Бу ердан боқмишди бир чоқ Навоий.

- 10 Самарқанд боғлари, мевазорлари —
Зар тўла косадир, еллар олтинни
Кўп дафъа учирган қумликлар сари.

Замон гирдобиди шундай боғчалар,
Шундай узоқликлар, шундай соф само.
Қайлардандир эсан шўх шаббодалар

Оёғимга отди чинор япроғин;
Учирди қумларга, шаҳардан узоқ,
Билмайман қай боғдан, қай уйдан локин?

- Беш юз йил — кичкина одим сингари,
20 Шеърнинг нафасида абадият бор.
Мана асримизга келди Навоий.

Хазонларнинг сариқ гирдобиди у,
Тўнган бармоқлари тутмиш сариқ барг.
Европада қанча гулзор ва сўлим —

Мевали боғларни қийратар бўрон,
Шоир кўрар доно кўзлари билан.
У гўзал боғларни ўстирган боғбон.

Тиф тутолмас заиф қўлида япроқ,
Ҳимарар у. Лекин мангу руҳида
30 Туғилур мўъжиза, улуг эзгу, ҳақ.

Шоирнинг сўзига хос бир мўъжиза.
Бу мўъжиза бутун асрга ҳукм!
Шундай мўъжизаким, жаҳон юзига —

Булут орасидан шоирдек тоза,
Лоладек қип-қизил янги бир аср —
Туғилар, нур билан тўлар дунёда.

БОМБАРДИМОН ВАҚТИДА

Қалам тутган қўлим қоғоз бетида,
Фақат қўлга тушар чироқнинг нури.
Қўлкада китоблар ва хариталар.
Аэропланларнинг бўрон, гумбури —

Бошимда; сезаман душман шу онда
Ташлайди бомбани; у бало каби,
Шиғиллаб, гизиллаб учади бир зум;
Қўлим, қалам, девор кул бўлар бари.

Йўқ, бомба дуч келмас. Қалбинг топ-тоза,
10 Ҳали айтилмаган қўшиқларга бой.
Бескид тоғин, конин сендай ким севар?
Улардан ким сендек қўшиқ тўқигай?

Сен минглаб чақирим ватандан узоқ.
Боқ, титрар шаҳарлар ва мамлакатлар.
Тингла, қонли аср безгакдек титроқ.
Ўз асринг-ла дардлаш ва куйчиси бўл!

Юртингга Лях тоғига қайтарсан бир кун,
Кўклам майсасида оларсан ором.
Кўкда сузар майин, момиқ булутлар,
20 Тингларсен қушларнинг куйин ҳар оқшом.

Бутун кўрганларинг даҳшатли бир туш,
Безгак рўёсидек ўтгай у замон.
Нозик бинафшани олиб дудоққа
Айтарсен: Сен мунча гўзал ва хандон!

Эй, майса, эй, само, мунча гўзалсан,
Мунча гўзалсиз, тоғ, дарё, ўрмонлар!
Ер, денгиз гўзалдир, Европа гўзал.
Бу гўзал жаҳонга тасаддуқ жонлар.

- 30 Болалик чоғимда қараганимдек,
Гулзордан қуёшга завқ-ла боқамен.
Қуёшдек, ўрмондек, бинафшадек соф
Инсонлар ҳақида хаёл сурамен.

КОНЧИ ПАРТИЗАНЛАР ҚЎШИҒИ

- Тоғ остида яшаймиз иноқ,
Қон тўкамиз қонларда биз ҳам.
Томирларда ўйнайди ҳар чоқ
Қўкламга хос қўшиқлар хуррам.
Биз биламиз: ер, кўкда не бор,—
Ўрмон, кўмир, булут, гул, бошоқ.
Қим табиат қўйинини ёрар,—
Унга ҳаёт наъмаси ўртоқ.
Турбиналар, маъдан ўчоқлар,
10 Томирларга жуда бўлмиш ром.
Электрик тўлқини-ла бор
Кучлар сирин очганмиз мудом.
Ҳар ким танлар ихтиёрича —
Бири дала, бошқаси омон?
Ҳаёт, ўлим деган доира
Ҳаммамизга беради қулоч.
Партизанлар жангидан туғар
Эртанги кун, бизга ёруғ кун.
Унда асло бўлмас, ўртоқлар,
20 Уруш деган қоронғи ўпқин.
Биз қонларга беландик, аммо
Томирларда мўлдир соғлом қон.
Ёвни уринг! Гар етса қазо,
Бизни куйлар дала, тоғ, ўрмон!

I

- Мен шоир, ит каби қувдингиз мени.
 Чунки мен қичқирдим: эл-юрт оч, дея,
 Вагонлаб Бескиднинг пўлатларини,
 Кўмирни ўғирлаб олдингиз яна.
 Мен шоир, урамен қаттиқ шапалоқ —
 Бетингизга дангал; пес сизнинг олам.
 Шарқда яшамоқда янги ва порлоқ
 Бир гулшанки, ҳиди хуш, ҳусни кўркам.
 Мен шоир, мен сиздан сув сўраганда,
 10 Панжарадан мазах қилдингиз бир чоқ.
 Ғазаб садосини кесмас чўянда,
 Қонингиз эмгали қор жуда чанқоқ.
 Мен шоир, куйладим сокин кечалар,
 Шахталарга бердим тонг муждасини.
 Гулларим эздингиз тупроқдан бадтар,
 Лекин шоир сезади кун нафасини.
 Мен шоир, яшаймен созим қилида,
 Ақлим, қалбим, руҳим куйда қайнади.
 Ҳар ерда, вагонда, халқим тилида
 20 Ёзамен, қоғозим қарз дафтарчаси!
 Мен шоир, қамалдим, буржуй муштуми,
 Дўқ билан билмоқчи бўлди қиёфам.
 Кўрдилар бетимда қизил ранг гулни,
 Қафасдан оташин қуш учди шахдам.
 Мен шоир, тутқунда оҳанг, қофия
 Топдим, қанотимни кучли керамен,
 Юртим учун жаҳон зўр гирдобиди
 Янги манбаларни мен қидирамен.
 Мен шоир, кўзларим ўткир ва туйғун,
 30 Айтилмаган куйларнинг фигони аён.
 Жаҳон айвонида куй бошлар забун,
 Панжалар қинига суқилган ҳар он.
 Мен шоир, булоқдек тоза қолароқ,
 Куйлашим мумкинми ваҳим, қонли асрда?
 Европа тамоман бўлди қонга ғарқ.
 Қандай ёзай, қоп бор қоғоз, сатрда?
 Мен шоир, боқамен сабоҳга дилгир,
 Қуёшга оғир, кир булут югурди.

Лат еган илондек кундуз тўлғонир,
40 Тун зулмати аста орқага юрди.
Мен шоир, кўрамен тоғларда гулхан,
Ўти бизга, пастга сачрайди мана.
Машғаллар — Пиреней, Альплар, Татрдан
Шаҳарларни галвир қилмоқда бомба.
Мен шоир, даҳшатдан вужудим қақшар,
Оловда ёнароқ муздек қатамен.
Деразадан ташлаймен дунёга назар,
Мен кончи, кўзим-ла нур ахтарамен.

II

Мен қолдим қўшиқчи ёлғиз саҳрода,
50 Куйимдан яшнади қуп-қуруқ тўнғак.
Бўронлар қутирди, қолдим ягона,
Қайин оғочидек тетик ва тийрак.
Хўроздек қичқирдим тонгда мен баланд,
Бузилди тор катак — сиз этган совға.
Қичқирамен ҳар кеч, ҳар кулбага ман:
Инсонлар, янги кун келди, юр довга!
Мен сизга куйлаймен тун, кун баравар.
Ўпкангизга янги бахш этдим нафас.
Мен ляш исёнчиси, ҳеч қандай хатар
60 Мени эзгу йўлдан қайтара олмас.
Ташналар, сув ичинг, мен ляш булоғи:
Жим оқиб сувларни мен мўл йиғамен.
Ўсади меванинг ҳар тонг ниҳоли,
Ҳар тонг мен ҳаётга шарбат тутаман.
Мен маъдан ўчоғи, гурлаган ёлқин,
Бу ёлқин қонимдур; туну кун асир
Ташлайди чўянни, ўт ёниб жўшқин
Соф пўлат куйилар — бу куйим, бу шеър.
Гуллардан бол йиғган ари сингари,
70 Ляш элининг тўплаймен ғаму гуссасин.
Гоҳ ернинг қаърига наъмам киреди,
Чок этиб ҳаётнинг эски тамалин.
Ўлкамни йиртдилар парча-парчага,
Қани унинг қалби, қани муштуми?
Нима қолдирдилар? — Фақат ғам гусса,
Эркин ўғирлади ўғрилар шуми.
Вагон, йўл, рельсларни ўғирладилар,

- Қолмади тўшак, том, табассум илиқ.
 80 Ҳар ерда шу қўллар разиллик қилар,
 Даҳшат фалокати балодан қаттиқ!
 Спиртга чўмилиб, жинлардек ўйнаб,
 Пробкадек учар фазога жаҳон.
 Қитъалар жулдуридан қоқилмоқда чанг.
 Дунё сўнг пўстагин ўт олди бу он.
 Инқидим ўлкадаги зиндон қалъани,
 Тоғларим бошидан жангга ҳайқирдим.
 Уфқлар ва тоғлар қалтирар бари,
 Ҳайқирдим жаҳонга саёқ куйларим.
 90 Саёқдим, яна мен қолай саргардон.
 Кунни илма-тешик қилдингиз. Нафрат!
 Хаёт куйларини тугатган замон,
 Куйган кўлка каби қучайин лаҳат.
 Куйингиз қақраган оғзимга заҳар,
 Заҳар ҳам айланар куй бўронига!
 Ўлкада сиз мени гажинг не қадар,
 Барибир, ляш ўгли --- мен эл ёнида
 Кўрамен, тоғ аҳлини очилди юзи.
 Элим даласидан совурди тўзон.
 100 Қончи қаддин ростлади, туғди кундузи.
 Янграйди янгича унга тегиш кон.
 Очликдан жизгинак бўлмас болалар,
 Элим йиллаб ичмас ҳасрат косасин.
 Қуёш элчиси қуш — қанотлари зар,
 Шарқдан учиб борар, кулбалар ёрқин.
 Ўўқолур дунёни ажратган наҳра,
 Тўкилган қонларини қоплар майсалар.
 Тунда тонг нафасини куйлаган саёқ —
 Шоирни ёдларсиз — шундай кун тугар.
 110 Мен шоир, кўрамен соғлом, ёш бўғини,
 Денгиз, қуёш, гўзаллик эркалар уни.
 Кўрамен мангулик йўллари бутун,
 Соф, ёрқин; унда бор жаҳонлар куйи.
 Мен шоир, кўрамен кўзларини ғамсиз,
 Қуёш эркалайди, танда куйлар қон.
 Мен шоир, хира кун битмоқда сассиз,
 Қалбим тинч, кўз юмай, отар нурли тонг!



Ойбек СССР Ёзувчилар союзининг IV пленумида.

1937 йил 22—26 февраль.

Сўлдан ўннга: Усмон Носир, Ойбек, Ойдин ва Раҳмат Мажидин.

ЭЖЕН ПОТЬЕ

ИНТЕРНАЦИОНАЛ

- Қўзғол, лаънат остида қолган
Дунёнинг қул ва очлари,
Ғазабимиз қайнаб ўт олган,
Тортар қонли жанг сари.
Жабрнинг дунёсини тагидан
Ағдариб, ундан сўнгра
Қурамыз эркин дунё янгидан
- 10 Хорлар эришгай бахтга.
Бу бизнинг кейинги ҳам кескин жанг бўлар,
Интернационал билан инсон бахтга тўлар.
Бизни ҳеч ким қутқара олмас
На шоҳ, на тангри, на ботир.
Ўзимизнинг қадоқ қўлимиз
Озодликни яратур.
Жабрни йиқиб, эпчил қўл билан
Ҳаққимиз олмоқ учун
Темирни қизигида ур дадил,
- 20 Учоқлар ёнсин бутун.
Бу бизнинг кейинги ҳам кескин жанг бўлар,
Интернационал билан инсон бахтга тўлар.
Ёлғиз бизлар бутун дунёнинг
Буюк меҳнат қўшинимиз,
Текинхўрлар йўқолсин! Ерни
Эгаллашга ҳақли биз.
Агар ит жаллодларнинг устида
Чақир ғазабли чақмоқ,
Бизнинг бошимизда нур сочиб,
Порлар қуёш ҳар чоқ.
- 30 Бу бизнинг кейинги ҳам кескин жанг бўлар,
Интернационал билан инсон бахтга тўлар.

ВАРИАНТЛАР

АНТИК АДАБИЁТДАН ХРЕСТОМАТИЯ
РИМ АДАБИЁТИ

(5-бет)

Қўлёзма (Қ) ва китоб (К) вариантлари

7-бет

11 бутун кучи/бутун интереси (К).

8-бет

22 хонадон худоси./Эвклионнинг хонадон худоси. (К).

33—34 Вафодорлик/Вафокорлик (К)

80-бет

2 қаршилигига/протестига (К)

7 пулга/суммага (К)

147-бет

25 Хуллас калом, аямабди узун бошли шolini (К)

27 Тумшуғи-ла ташибди у қуруқ мева, оз-оз май, (К)

29 У, кеккайган тиши билан ҳар нимадан чўқилаб (К)

30 Уй соҳибни тоза осмон устида ғажир фақат (К)

148-бет

36 Улим битмиш; қутулолмас улуг, кичик ўлимдан, (К)

38 Гўзал яша шаронгда умринг қисқа эканини (К)

47 Саватларда лим-лим бўлиб етарди кўп овқат. (К)

49 Узи дарров, хўжайкадек, таом ташнига тушиди, (К)

51 Ҳар бир берган овқатидан ўзи аввал ялади. (К)

53 Меҳмон каби, мўл-жўлликдан рози, лекин шу чоқда (К)

58 Қаттиқ титроқ, қўрқув босиб, азоб берди уларга; (К)

59 Мана шу чоқ шаҳарлисига деди қишлоқ сиққони: (К)

1 Қасидалар (одалар) Одалар (қасидалар) (К)

3 Қара: юксаларди қорли Соракта, (К)

6 Барча дарёлар ҳам писиб қолибди. (К)

9 Пмирсиламай менга кўзачадан қуй (К)

149-бет

13 Ҳозир тип-тинч ана баланд сарвлар, (К)

16 Тасодиф ўлжасини илавер беғам, (К)

25 Таслимокор ва маъсум гул бармоқларнинг (К)

2 Йўқ, билмоққа сен уринма — таниш қийин, тангри меним. (К)

7 Тўлқинларнинг панжаси-ла ёзаётган шу қишними (К)

12 Илавер-да, энг оз инон эртанги кун лаззатига. (К)

3 Еш Дионис, ишвали вола (К)

7 Ерқин Перос мрамаридан ҳам (К)

150-бет

8-сатр йўқ. (К)

- 9 Ургиламен лирин низадан (Қ)
 10 Кўзга зиён латиф юзидан; (Қ)
 12 Мен ожизман: айрилибди у (Қ)
 13 Кипрдан парфёнларми ёки (Қ)
 17-сатр йўқ. (Қ)
 18 Назарланган бир коса шароб (Қ)
 2 Сен суюкли Кипрингни тарк эт ва созиннг (Қ)
 6 Сен билан югурсин ўтли гўдагинг, (Қ)
 2 Бизга эрклик шарпаси учун (Қ)
 3 Ўтли Брут бўлганда сардор (Қ)
 5 Уртоқлашган бир дўстни менга (Қ)
 6 Қайси худо қайтариб берди? (Қ)
 7 У билан жаиғ алгов-далговни (Қ)
 9 Солқиб тушган майин сочларни (Қ)
 11 Қайси худо қайтариб берди? (Қ)
 13 Мен — қалтироқ Рим граждани, (Қ)
 17 Келин Эрмий булутга ўраб (Қ)

151-бет

- 25 Беринг жомлар! Аяманг меним (Қ)
 26 На шаробим, на атрларим! (Қ)
 27 Жом тайёрми, соғий? Қуй-ғуй бемалол! (Қ)
 30 Дўстим билан қуриб соз улфат, (Қ)
 6 Қўрқинчидан сезгир, сергак,— шунда яхши яшарсан,
 (Қ)
 7 Қимки мезон қилган бўлса олтин мўътадилликин, (Қ)
 17 Бизга ёвуз қиш келтириб, яна олиб кетувчи айни Юпитер.
 (Қ)
 20 Қайғу соат келадик, созин чалиб Аполлон (Қ)
 24 Бахт шамоли агар ғоят кучли эсса, у чоғ сени (Қ)
 25 Кеманинг зўр шишиб кетган чодирини онглича энлаб
 ола бил (Қ)

152-бет

- 6 Қўлларини солмаган дамда, (Қ)

153-бет

- 14 Мен у вақт Рим Илнясидан (Қ)
 15 Кўра кўпроқ шарафли эдим». (Қ)
 18 Ашулалар айта олади. (Қ)
 22 «У Арниснинг ўгли Калайсдир, (Қ)
 26 Рози: ёлғиз умрига
 38 Сенинг жаҳлинг даҳшатли бўлсин, (Қ)
 40 Ҳатто сен-ла ўлмоқ ҳам тотли!» (Қ)

154-бет

- 24 Дақиқалик эй соҳиб ҳол, борар орқангдан (Қ)
 28 Роҳиблар ҳам ичмаган бундай май билан (Қ)
 29-сатр йўқ. (Қ)
 1 [Августга мадҳия]/[Августни мақтов]
 2 Мен тараннум қилмоқчийдим қонли жангини... (Қ)
 5 Кўҳна чодир кема билан курашга юрмагаймен. (Қ)
 7 Бахтиёр қўшчиларнинг меҳнатини қўллади; (Қ)

155-бет

- 24 Биз эса хоҳ иш кунлари, хоҳ байрам кунлари (Қ)
 29 Биз тараннум қиламиз ва бу қўшиқда қадрдон (Қ)
 2 Қурилиши шоҳона эҳромлардан юксакдир, (Қ)
 3 На ёмғирининг тишлари, на бўш шамол Аквилон, (Қ)

- 4 На кечувчи йилларнинг бениҳоя кўп сафлари (Қ)
 5 Ёки замон пойгаси абадиян юзолмас. (Қ)
 6 Йўқ, бутун ўлиб кетмам: меним кўп қисмим (Қ)
 10 Сосин ютган роҳиба қиз билан вазифасида экан, (Қ)
 12 Суви камчил чорвадорлик қабиласига (Қ)
 13 Давн деган подшолик қилган жойларда яна (Қ)
 16 Сазовордир, Мельхумина, қабул эт, (Қ)
 16 Ва Дельф шани-тожи билан шарафлантир бошимни.
 (Қ)

261-бет

- 26 эгаллай ёзарди. (Қ)

262-бет

- 28 рақиб/рақибни (Қ)
 33 парчаларига тўла/парчалари билан тўла. (Қ)
 38 сўйлайди./сўзлайди. (Қ)
 6 Ниобея ҳақида/Ниобей ҳақида (Қ)
 54 аравани/аробани (Қ)
 56 маъбуда/илоҳа (Қ)
 59 Триптолем/Гриптолем (Қ)
 63 Маъбуда/Илоҳа (Қ)
 67 кийганга ўхшаб кўриндим./кийганлигим кўринди. (Қ)

263-бет

- 71 вақтимда/вақтида (Қ)
 71—72 таёқ таъсири/таёқ калтаклари таъсири (Қ)
 11 осмонда/шу осмонда (Қ)
 21 пастга/пастга чарчамасдан (Қ)
 25 нектарни/нектарини (Қ)
 31 етмайди./битмайди. (Қ)

264-бет

- 33 менинг/меним (Қ)
 42 хабар олгали/хабар олиш учун (Қ)
 43—44 Данияни йўқлаш учун Аргосга юборди./Аргосга Да-
 нияни йўқлаш учун юборди. (Қ)
 45 дейди./деди. (Қ)
 48—49 ер сатҳида/ерда (Қ)
 57 Прометей ҳам Зевс./Зевс ҳам Прометей.
 (Қ)
 62 Сени оғирроқ/Сени янада оғирроқ (Қ)
 3 тўнтариш/ағдариш (Қ)

265-бет

- 86 биласанки./биласан-ку, (Қ)
 94—95 тўғри эканлигига/тўғри эканига (Қ)
 104—105 ҳомилдор бўлса/ҳомилдор бўла қолса, (Қ)
 110 рўй бермасин./бўлмагай, (Қ)
 110 сенинг у/сен унинг (Қ)
 117 гўзал маликани/гўзални (Қ)
 120 сўлаётирсан-да./сўйлайсан-да. (Қ)

267-бет

- 126 Буниси оз./Ҳали буниси оз, (Қ)
 135 маъбуда/илоҳа (Қ)
 136 майдонга чиқарсин; бажарсин; (Қ)
 142 бир уриб./бир урганда, (Қ)
 142—143 парчалашга тайёрман./парчаласам бўлади. (Қ)
 155 эмас-ку, ахир./эмас. (Қ)

268-бет

160 бўла олмас./бўлолмайди. (Қ)

172 илоҳий/улвий (Қ)

172—173 нур сочади!/порлайди! (Қ)

269-бет

189 Гермес?/сен, Гермес? (Қ)

191 Эй Аполлон./Оҳ Аполлон, (Қ)

194—195 Қани сўйлагин-чи, гапингни эшитиб, бир кулишни хоҳ-
лаймен./Сўйла, сени тинглаб мен ҳам кулгим келади.
(Қ)

270-бет

226 уялмайдами?/уялмайди? (Қ)

228—229 туриб қаҳ-қаҳ уриб кулади./турар, қаҳ-қаҳ урар. (Қ)

230 ҳавасим келди./кунлашдим. (Қ)

230 маъбудалар/илоҳлар (Қ)

238 кўриб/кўр (Қ)

10 Нима қилибди?/Хўш, нима қилибди? (Қ)

10 бўлса-ю ва/бўлса-ю, у (Қ)

271-бет

28—29 биз тоғ ва денгиз ўртасида чўзилган соҳилда Этна
этагида ўйнардик./биз Этна этагида тоғ ва денгиз ўр-
тасида чўзилган соҳилда ўйнардик. (Қ)

33 чунки бу нарса/чунки бу (Қ)

35 Сизни... Сизни/Сизни (Қ)

35—36 қилмадилар./қилмайдилар. (Қ)

38 бир чўпонга/бу чўпонга (Қ)

39—40 овора/овора бўлишга ўрганиб қолган (Қ)

272-бет

44 дурустроқ кўр./дурустроқ қара, (Қ)

53 Сени мақтаб./Сенга атаб (Қ)

59 бир куйни/куйни (Қ)

Мольер

ТАРГИУФ

(337-бет)

Қоралама қўлёзма (Қ) ва «Шарқ юлдузи» (ШЮ) вариантлари

337-бет

7 Қани тез юр! Гуноҳдан қоча-қоч нари... (ШЮ)

9 Тўхтаг ахир, онажон... Ҳаллослаб қолдик... (ШЮ)

10-сатр йўқ. (ШЮ)

12-сатр йўқ. (ШЮ)

13-сатр йўқ. (ШЮ)

338-бет

15—16 Сизга эътибор, иззат бизнинг қарзу фарз,
Бироқ нечун шашасиз, тушунолмайман... (ШЮ)

340-бет

72 Худди жаҳаннамга тушган бўламен. (Қ)

79 Бўлувчи гўзал инсон! Унга қарши ундаса, (Қ)

341-бет

89 Бирон ишни ишлашга ботинолмаймен! (ШЮ)

446

- 91 Яна ҳар бир ишни ёқтирмайди у: (Қ)
 110 Алам қилади: беном-бенишон, гариб, саёқ (Қ)
- 342-бет**
 150 Меҳмон устига меҳмон — аравалар ҳадсиз!.. (Қ)
- 343-бет**
 163 Ҳа, сўз чуватувчилар ким? Улар шундайлар: (Қ)
 164 Ўз-ўзидан ҳадиксираган яна, яна. (ШЮ)
 186 Истеъфо берган! Танг бойқиш аҳволи... (Қ)
- 344-бет**
 206-сатр йўқ. (ШЮ)
 226-сатрдан сўнг:
 Кампир дедингизми? Ҳеч қачон!
 Минг йил ўтса-да, билинг ёш жувон! (ШЮ)
 233 У чиниан Тартюфга кўнгилни қўйган: (ШЮ)
- 345-бет**
 241-сатр йўқ. (ШЮ)
 248 У бирмунча пулини ишлар лаҳзада... (ШЮ)
- 346-бет**
 280 Яхши бўлдимиз? Созми қишлоқда? (ШЮ)
 300 Боёқиш! (ШЮ)
- 347-бет**
 310 Ҳа, сур гўштдан ҳам оз-моз тотди... у аммо (ШЮ)
 314 Боёқиш! (ШЮ)
 324 Сўнг ўзни тўшакка отди ва хуррак қўйиб, (Қ)
 331 Қон олишга ўзи ҳам кўнди, ниҳоят — (ШЮ)
- 348-бет**
 338 Операцияда кўп қувват йўқотди. (Қ)
 340 Нонуштада у нақ беш қадаҳ шаробни (ШЮ)
 343 Боёқиш! (ШЮ)
 347 Меҳрибону лутфкор эрингиз
 348 Ғоят шодлигин билдирди бизга! (Қ)
 369 Сен ўрган! Тайёрман лекин қасамга, (Қ)
- 349-бет**
 375 Одамзод авлодига, унга беҳуда (ШЮ)
 378 Мени ол: мен ўзгардим, мен бошқачаман. (ШЮ)
 382 Уруғларимга, барча ошна-ёрларга
 383 Бўлган энг кичик севги менда ўлибди. (Қ)
 392 То ибодат битгунча тиз чўкиб, ҳалим (Қ)
- 350-бет**
 424 Тунлари уни қоплар фикр дарёси; (Қ)
 431 Наҳот кўрмасак... (ШЮ)
 437 Сизнингча, ким зўр эса — у яшайди соф, (ШЮ)
 443 Жилваландим ҳар нав ва келажагим
 445 Учун ниқоб остида... ташвишланмадим... (ШЮ)
- 351-бет**
 459 Сенга шон! Қўлингга китоб ярашар!
 460 А биз эшаклар ва аҳмоқлармиз... (Қ)
 465 Инон — мен ўзимнинг қадрим биламен: (Қ)
- 352-бет**
 495 Битирдингми? (Қ)
 499 Хай, сенга бахт тилаймен. (ШЮ)
- 353-бет**
 526 Кимга бесабаб. (Қ)
 537 Дудмал муомала қиласен ахир? (Қ)

- 355-бет
50 Сен уни шу даражада ҳурмат қиласан, (ШЮ)
- 356-бет
74 Ёлғон сўзлашнинг сира борми фойдаси? (Қ)
83—84-сатрлар йўқ. (ШЮ)
89 Эшитаётир! Ниҳоят, мен биров билан (Қ)
- 357-бет
118—119-сатрлар йўқ. (ШЮ)
128 Ёши унча-мунчага бориб қолган ҳам, (ШЮ)
- 358-бет
139 Шунча кўп мол-жон билан бир гадоё сари (ШЮ)
140 Аммо шундай чиройли бир қизни ана
146 Билан улуғ! У ҳар бир алами билан (ШЮ)
176 Тажрибаларим балки иш кўрар андак... (ШЮ)
- 359-бет
195 Отиб ташламоқ керакдир Валерни ёддан... (Қ)
- 361-бет
254 Қундузни ўлдирадир! (Қ)
263 Агар менга биров (ШЮ)
272 Сизни бирор сабабда нотинч қилмадим: (ШЮ)
- 362-бет
283 Мендан бир оласен энг аъло сабоқ... (Қ)
- 363-бет
311 Дўстим кўриб турибсен... бунда вафо бор! (ШЮ)
332 Асло бўйсунмас: юрагимга ўзга шахс ҳоким, (ШЮ)
- 364-бет
335 У вақтда ўзи унга уйланаверсин. (Қ)
342 Дорина/Инсоний ҳисдан бегона! (ШЮ)
350 Сизнингча, муҳаббат, аммо, менимча,
351 Ишқингиз гўёки хаёлга ўхшар. (Қ)
- 365-бет
370 Ҳаммаси эса бизнинг жавобга боғлиқ... (ШЮ)
374 Ўлиммиш! Иқрор этди, буни билмабман... (ШЮ)
381 Қўнглингга қитдай бўлсин қилмасин таъсир? (ШЮ)
392 Мен ахир унинг нишонлисиман. (ШЮ)
404 Тартюф бекаси бўлмиш ўзингиз учун (ШЮ)
- 366-бет
428 Аравага ўтқизиб, олиб кетади (ШЮ)
430 Қутлаб амма-холалар очади қучоқ. (ШЮ)
- 367-бет
461 Мен сенсиз-да ишимни қила олмаймен! (Қ)
469 Оҳ, яхшидир ўлмоқ! (ШЮ)
471 Шу ҳам гап бўлдим (Қ)
- 368-бет
500 Йўқ? (ШЮ)
- 369-бет
534 Сиз жавоб қайгардингиз яна эркин кўнгила-ла... (Қ)
- 370-бет
546 Нима ўйласангиз ихтиёр сизда... (ШЮ)
552—554-сатрлар йўқ. (ШЮ)
556 Балки мен инонган бордир бир кўнгила, (ШЮ)
- 371-бет
577—578 Равшан масала: оласиз лаззат, (ШЮ)
578-сатрлардан сўнг:

Қилмаймен шикоят,
Чарчадим: чексиз ҳақорат.
Майли, на чора, кетишга розиман, (ШЮ)

374-бет

679 Ҳаммаси аҳмоқлик! Бу қизда сизга (ШЮ)
702-сатрдан сўнг:
Д о р н а

375-бет

715 Ишқдан одамлар овсар бўлар лаҳзада! (ШЮ)
719 Бутун дилни парчалар — қизик ҳангома. (ШЮ)

376-бет

741 Кейин маълум бўлур! А ҳозир эса (ШЮ)
745 У биланки, бу билан сиз сўзлашинг, (Қ)
761 ажратиб юборади.)/юборади.) (ШЮ)

377-бет

14 Орқага ташлади кўп замон буни! (ШЮ)
22 Тартюф билан шу жойда қилади суҳбат... (ШЮ)
24 Қилди ўз туйғусини... Гумоним суҳбат... (ШЮ)
32 Қўйинг, улар гаплашсин икови тип-тинч... (Қ)

380-бет

121 Сизга арзигудайин йўқдир бу қурбон! (Қ)
135 Бутун дилимни очмоқ бу кўпдан мурод! (ШЮ)
138 Юраркансиз, ишонинг, энди қасамёд,— (ШЮ)

381-бет

147 сиқади.)/қисиб.) (ШЮ)
169 Мана бу ишда узоқ кетибсиз дадил... (ШЮ)
171 Биз ҳам асли суҳбатдан узоқлашдик зўр (Қ)

382-бет

187 Ичида дам оламиз баъзан бағоят (ШЮ)
194 Нафис пари ҳуснига бўлибман мафтун, (ШЮ)
204 Онгладим бу эҳтирос гуноҳмас... берилдим ахир! (ШЮ)
215 Лекин иқрор эдингиз,— мен шундай ҳайрон... (ШЮ)

383-бет

224 Майли, бу сўзларимдан денг девона (Қ)
226 Мен пашша эмасмен! Сеҳрли ҳусн (ШЮ)
241-сатр йўқ. (ШЮ)

384-бет

281 Отам ҳамма сирни ўрганар тезда. (Қ)
289 Эрим нотинчланмасин арзимаган нарсага... (Қ)
293 Аяш эмас эркалаш, эркалаш-ку бу! (ШЮ)

385-бет

325 Сизга бу сирни очмоқ бўлди менинг вазифам... (Қ)

386-бет

342 Бутун ҳаётида фаҳш, бузуқлик бисёр! (ШЮ)
347 Ерни ўпиб оқланишдан ўзни тиямен. (ШЮ)
349 Уятсиз бир алдамчини ва қароқчини! (Қ)
356 Меним ҳузуримда қоралмоқчи (ШЮ)
359 Ота нима? Бугунги каби ҳаёсиз (ШЮ)
364 Йўқ! Мен-чун койиш. (ШЮ)
367 У сизга бермоқда қизик маълумот... (ШЮ)

387-бет

379 Аслида энг биринчи ёвуз менман-ку, (ШЮ)
376 Уғлим; сўраймен сўзни эттиринг давом! (Қ)
377-сатр йўқ. (ШЮ)

- 378 Ёлғончи, фотих, фотил — айтинг барини: (Қ)
- 390 Оҳ, ота! Шундай разил алдамоқчи бўлгай... (ШЮ)
- 400 Шундай бир лангасани (Қ)
- 383-бет
- 405 Мен ўзим йўқотдим. (ШЮ)
- 408 Агар яна бирон сўз айтганинг билан. (ШЮ)
- 416 Ношукур! (ШЮ)
- 389-бет
- 447 Сизни қўлга оламен, энди ё ҳузур (Қ)
- 466 Мен сени меросдан маҳрум этамен! (Қ)
- 390-бет
- 490 Ёруғ жаҳондан кўзни мангу юмгайдинг! (ШЮ)
- 500 Мени шунда кўра олмайдилар — (ШЮ)
- 507 Тинлатишар... Бунга ишонамен чин! (ШЮ)
- 392-бет
- 16 Ҳамма ер, хешлар учун ҳар соат, ҳар он. (ШЮ)
- 25 Дамисга ҳеч қандайин кек сақламасмен... (ШЮ)
- 393-бет
- 34—35 Мунофиқона ўзини очиб берди у! (ШЮ)
- 41 Бизга юборилган осмон жаллоди? (Қ)
- 56—57 Мени айтганларнинг ҳеч бирида ҳам
Бўлмайди зарра қадар бунга шак, гумон: (ШЮ)
- 395-бет
- 109 *тиз чўкиб)/сиз чўкиб* (ШЮ)
- 119 Гарчи ссваман... Чуқур ссваман уни... (Қ)
- 129 Биламен, жуда рози қилар уни бу... (Қ)
- 396-бет
- 150 Яхши кенгашу баҳога йўқ сира ҳожат... (ШЮ)
- Яхшу кенгашлар баҳсга йўқ сира ҳожат... (Қ)
- 158—161-*сатрлар йўқ*. (ШЮ)
- 166 Афтимга қараб ҳукм чиқаргин тағин, (ШЮ)
- 397-бет
- 206 Ҳаммаси бўлмағур гап! Кўп тингламаймен... (ШЮ)
- 398-бет
- 231 Ҳам тезгина кир. (Қ)
- 233 Стол остига? (Қ)
- 241 Шу керак-да... Лекин менга халақит қилма! (ШЮ)
- 399-бет
- 248-*сатр йўқ*. (ШЮ)
- 250 (*стол тағиди бўлган Орғонга*) (Қ)
- 258 Гап шундоқ у хаёл қилиб дардига (ШЮ)
- 259 Дармон топишлигидан бўлсин умидвор — (ШЮ)
- 277 Бундаги сафоҳатни такрор қилишни (ШЮ)
- 279 Дамис мени шунчайин чўчитдики, (ШЮ)
- 400-бет
- 315 Мен таъсирланмаган бўлсам у замон (ШЮ)
- 317 Сиз сўзлашга бошлаган чоқда дафъатан (Қ)
- 401-бет
- 326 Бўлмасин дилда мендан бошқа бир хаёл... (ШЮ)
- 349 Айтганим етар муқаддима учун, (ШЮ)
- 350-*сатр йўқ*. (ШЮ)
- 402-бет
- 367 У бойқишга қолмасми нажот бутунлай? (Қ)

- 408-бет 385 Буларнинг говларига учрар ҳар доим... (ШЮ)
- 404-бет 449 Яққол кўрмасдан туриб, қутурмас киши! (ШЮ)
- 405-бет 472 Маҳв этмоқчи бўлдингми қизим, хотиним! (ШЮ)
500 Шу шармандаликни ҳеч кечирмайман, (ШЮ)
- 406-бет 516 Бўлмаган гап! (ШЮ)
- 407-бет 19—26-сатрлар йўқ. (ШЮ)
31 Мен бўлсам жудаям бепарво, лақма, (Қ)
61 Биргина фалокатни мисолга олиб, (Қ)
70 У дангаса сизга дўқ қиларми чин? (Қ)
- 409-бет 104 Қашшоқликка мени ҳам судрар зўрланиб! (Қ)
- 413-бет 241 Агарда келишувни таклиф қилса у? (Қ)
- 415-бет 304 У тилин қиссин ёки жўнасин илдам! (Қ)
343 Қани кучукваччадай юборсам тепиб! (ШЮ)
- 416-бет 402 Королга борибди-ю, у ўғри-саёқ (Қ)
- 419-бет 408 Қутмаган эдим асло! (Қ)
411 Бизларни одам деб айтарлар ҳамон!
412 Ўўқ одам эмас, у энг йиртқич ҳайвон (Қ)
419 Борамен... Сизни пухта яшириб (ШЮ)
441 Не дердик! Разолатни аъло бажардинг! (ШЮ)
- 420-бет 466 Ёлғиз дўстин, хотинни, ота-онадан (ШЮ)
- 421-бет 501 А нега мени? (Қ)
- 422-бет 517 Ҳамма зафарларини қийиндир айтиш— (Қ)
522 Король сизни кечирганин ва сизларга чин (Қ)
- 422—423-бетлар 525—557-сатрлар йўқ. (ШЮ)

ГЕНРИХ ГЕПНЕ

Силезия тўқувчилари (424-бет)

«Лирик шеърлар» варианты:

7 Очлик ва совуқда ибодат қилдик!

Қуллар кемаси (425-бет)

«Лирик шеърлар» варианты:

65 Хирург баён қилади: «Қўп проценти

76 Аристотель каби унда ақл мўл.

ИЗОҲЛАР

Ойбек қолдирган бой адабий мерос орасида унинг таржима асарлари ҳам салмоқли ўрин эгаллайди.

Ўзбек китобхони унинг таржимасида илк марта қадим замон адабиётидан тортиб, то ҳозирги замон ёзувчилари ижодларидан намуналар билан танишиш имконига эга бўлган. Ойбек фақатгина поэтик, прозаик ва драматик асарларни эмас, балки марксизм-ленинизм классикларининг мақолаларини ҳам таржима этган.

Ойбек жаҳон адабиётининг классик намуналарини, шунингдек рус ва қардош халқлар адабиётларининг энг яхши асарларини ўзбек тилига таржима этиш масаласига алоҳида аҳамият билан қараган. Унинг илк таржималаридан бўлиши Анатоль Франс ва Максим Горький асарларидан намуналар 1926 йилда «Ёр юзи» журнали саҳифаларида эълон этилган.

Ойбек айниқса 30-йилларнинг ўрталаридан бошлаб таржима ишлари билан жиддий шуғулланган. Адиб 1965 йилда ёзган автобиографиясида бу ҳақда ёзган эди: «Менда янги майл пайдо бўлди: мен икки иш устида тараддудга тушиб қолдим. Бу вақтда Ўзбекистон учун энг муҳим иш билан машғул бўлдим. Деярли барча ўзбек ёзувчилари жаҳон маданияти ютуқларига олтин фонд бўлиб кирган бадний ва илмий асарларни она тилига таржима қилмоқда эдилар. Мен ҳам таржима билан шуғуллана бошладим. Карл Маркс «Капитал»ининг бир қатор бобларини, Гётенинг «Фауст», Дантенинг «Илоҳий комедия», Байроннинг «Кайн» асарларидан парчаларни таржима қилишга киришдим»¹.

1938—1941 йилларда «Ўзбекистон ўқув-педагогика нашриёти»да ишлаган Ойбек ўзбек тилига кўпгина асарларни таржима этади ва таржима китобларга муҳаррирлик қилади. Уша йилларда мазкур нашриётнинг директори бўлган филология фанлари доктори Жуманиёз Шарипов шундай эслайди:

«Атоқли шоир Ойбек 1937 йилда Пушкиннинг шоҳ асари «Евгений Онегин» шеърини романини таржима этиб, нашр қилдиргач, республикамизга моҳир таржимон сифатида танилди, халқимиз олдида катта шухрат қозонди. Уша вақтларда Ўзбекистоннинг энг

¹ Ойбек, Асарлар, 1-том, Тошкент, 1968, 10-бет.

Афсуски, ҳозирча «Фауст», «Илоҳий комедия» ва «Кайн» асарларидан қилинган таржималар топилганича йўқ. Автор архивида ҳам бу таржималарнинг қўлёзмаси учрамади.

катта нашриёти — Уқувпеднашр жуда кўп дарсликлар, хрестоматиялар ва қўлланмаларни нашр қилиб чиқарар эди. (Мазкур нашриётда Теша Зоҳидов, Ҳамид Олимжон, Ҳусни Рустамов, Абдулла Султонов, Ёлқин Тўрақулов, Ҳабиб Турсунов, Адҳам Юнусов каби бир қанча ёзувчи, олим ва таржимонлар ҳам ишлар эдилар.)

1937 йилнинг қиш кунларидан бирида Ойбек домла нашриётга кириб келди. Шу кундан бошлаб у нашриётнинг бош таржимони бўлиб ишлай бошлади. Ойбек домлага шарт-шароит туғдириб бердик, домла ишга шўнғиб кетди, катта-катта асарларни таржима қила бошлади ва нашриётдаги ёш таржимонларга бош бўлиб, уларга кўп нарсаларни ўргатди. Мусо Тошмуҳаммадовичнинг ўзи катта-катта, ранг-баранг ва мураккаб асарларни таржима эта бошлади. У адабиёт хрестоматияларига кирган рус классик шоирларининг асарларини таржима қилиш билан бирга Фарбий Европа адабиётининг нодир намуналарини ҳам ниҳоятда масъулият сезиб, катта усталик билан моҳирона таржима қиларди. Маданиятнинг тарихида биринчи бўлиб антик адабиёти намуналарини таржима этган ва уни алоҳида хрестоматия сифатида нашр қилган (1939 йилда) ҳам Ойбек домла бўлди.

Ойбекнинг мазкур нашриётда ишлаган чоқларида таржима қилиб чоп этган китоблари бир неча жылларни ташкил этади; бу ерда баъзиларини қайд қилиб ўтмоқчиман: «Довуд Сосули» (1939 йил), «Динга қарши дарслик» (1939 йил), «Ўрта асрлар тарихи» (1939 йил), В. Г. Белинскийнинг «Поэзиянинг жинсларга ва турларга бўлиниши» мақоласи (1940 йил), «Тарихдан қўлланма» (1940 йил), М. Горькийнинг «Ҳикоялар»и ва ҳоказолар. Бу таржималар ҳозир ҳам ўз қимматини йўқотган эмас, аксинча, улар таржима санъатининг ноёб намуналаридир.

Ойбек таржима қилган асарлар ҳанузга қадар бир ерга тўпланмаган, аниқланмаган ва етарли ўрганилмаган. Натижада бу асарлар турли ерларда — айримлари алоҳида китоб шаклида, аксарияти газета, журнал ва турли тўпламларнинг саҳифаларида ва ҳатто қўлёзма шаклида қолиб келмоқда.

Ойбек «Мукамал асарлар тўплами»нинг 16—18-томларида адиб қаламига мансуб бу таржималар биринчи марта тўла ҳолда чоп этилмоқда.

1939 йилда — совет таржима мактабининг яратилиш тоғида Ойбек томонидан бажарилган «Рим адабиёти»нинг таржимаси илмий, бадиий ва айна чоқда маърифий қизиқтири уйғотади.

Маълумки, таржимонлик фаолияти Ойбекдек улкан санъаткор ҳаётида катта ўрин эгаллайди. Ойбекнинг таржима устида олиб борган иши исбатан кейинроқ — унинг қатор оригинал асарлари яратилгандан сўнг бошланган. Шунинг учун ҳам Ойбекнинг асосий таржимонлик методи унинг оригинал санъаткор сифатидаги ўзига хос ижодий манераси билан боғлиқ.

Таржимон Ойбек ёзувчи Ойбек сингари, турли-туман жанрларда — лирик поэзияда ҳам, фалсафий поэзияда ҳам, прозада ҳам, классик трагедия ва ўзига хос драматургик асарда ҳам барабар ижод қилди. Бу йирик таржимоннинг ўзига хос ижодий манерасини тадқиқ қилиш шунинг учун ҳам айтиқса мароқлидир.

Шу нарса аёнки, таржимоннинг маданияти, тафаккур тарзи, зиёлилиги, маълумотлилиги, яъни интеллектуал меҳнат учун зарур

бўлган барча хусусиятлари унинг ишида кичик роль ўйнамайди. Ойбек таржималарини ўқиб, унинг таржимонлик истеъдодига эга эканига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз: у оригинал оламида — таржима этилаётган муаллиф оламида туриб, шу сониядаёқ ўз фикри-зикрини она тилига кўчира олади.

Ойбек, ҳар қандай катта санъаткор сингари, қатъий текстUAL мувофиқликни ўзининг бирламчи вазифаси деб билмайди. Таржима этилаётган муаллифнинг ижодий манерасини акс эттириш, умуман бадний компонентларни тўғри ифодалашга интилиш унинг бош принципи ҳисобланади. Бу ҳол оригиналда акс этган тарихий реалликни қайта мужассамлаштиришга ингилишда, демак, сюжет-фабула негизини ҳам, эмоционал-образли тузилмани, тоналликни, лексикани, интонацион-ритмик структурани ҳам акс эттиришда кўринади.

Ойбек ўз таржималарида асарнинг ташқи компонентларининг акс эттирувчи шаклан тўғри ва аниқ кўчимларга қарши. У таржимани фан сифатида, санъат сифатида идрок этади. Ана шу икки тушунчани уйғунлаштира билиш таржимон Ойбекнинг ўзига хос хусусиятидир. Ойбекнинг таржимонлик меҳнати адабиёт-шунос ва танқидчининг меҳнати билан ўзаро туташади. У ҳар бир таржимани асарни теран таҳлил этишдан бошлайди. Пушкин адабиётда тафаккур эмас, тафаккурнинг оқими; хусусийлик, кўчирма эмас, яхлитлик муҳимдир, деган эди.

Ойбек таржимага илмий ёндашишни поэтик текст ҳақидаги мумкин қадар кўпроқ ишончли маълумотларни китобхонга етказиш, унинг аҳамиятини кўрсатиш, унинг хусусиятларини, мисра, банд, қофия, композиция, поэтик приёмларнинг тузилишини илҳож борица шарҳлаш деб тушунади. Ойбекнинг илмий ёндашиш масаласини бундай тушуниши эмоционал характерга эга. У вақт ўтиши билан бадний таржиманинг вазифаси яна ҳам кенгрок эканини тушунди. Унинг асосий мақсади оригинални янги тил қиёфасида мужассамлаштиришдир. Бу ерда, шубҳасиз, ботиний туйғуга асосланган субъектив таассуротларни чеклаб ўтиш мумкин эмас.

Оригинални теран ҳис этиш таржимоннинг асарни тўғри тушунишига кўмак берувчи барча фактлардан воқифлигига боғлиқ.

Биз Ойбек таржималарини тадқиқ этар эканмиз, унинг оригинал ижодга қандай муносабатда бўлган бўлса, таржимага ҳам шундай муносабатда бўлганини кўрамиз.

Ойбек асардан нусха кўчириш усулини рад этар экан, ижодий жараёни асарнинг оригиналликни, муаллифнинг оламини, услубининг асосий хусусиятларини қайта тиклашга йўналтиради.

Таржимон Ойбек ана шу ижодий жараёнда чекинишлар мазжудлигини яхши тушунади.

Бениҳоя аниқлик ва бениҳоя баднийлик — ҳар бир таржимон интилувчи идеал ана шу. Аммо Ойбекнинг бош мақсади асарни яхлит ҳолда беришдир.

Ушбу томда тақдим этилган матндан кўрганимиздек, Плавтнинг «Мақтанчоқ жангчи» асарининг таржимасида хушомадгўй ва лаганбардорнинг қармоғига илинган мақтанчоқ образини кўрсатишга интилади. Унинг Артрогги ҳам, А. В. Артюшков таржимасидагидек, бениҳоя шакарғуфтор, аммо у қадар беғараз эмас. У Пиргополиникнинг жасоратларини оғзини кўпиртириб роса мактайд:

«Артотрог. Эсимда. Киликняда бир ярим юз, Скифолатронияда эса бир юз одам, македонияликлардан эллик, Сардларда ўттиз,— мана, сен бир кундаёқ шунча одам ўлдирдинг.

Пиргополиник. Жами қанча бўлар?

Артотрог. Барини йиғиштирсак, етти миңг бўлар.

Пиргополиник. Шунча бўлиши керак. Ҳисобинг жуда тўғри». (65-бет).

Яна:

«Артотрог. Улардан бири сўрди: «Сен Ахилл эмасмисан?» «Йўқ, укаси». Бири деди: «У қандай гўзал, қандай нафис!» «Жингалак соч унга қандай келишган!» (66-бет).

Плавтнинг «Хумча [қўмилган хазина] ҳақида комедия»сидаги баъзи бир бир хилликни, воқеабозликни акс эттирар экан, у ўзбек тили хазинасидан зарур таассурот уйғотиши мумкин бўлган оҳанг излайди. Биз бу таржима мисолида бу ҳолининг ўз-ўзидан юз бермаганини кўрамиз:

«Билмайсизми, мен кимман? Қисқача айтай, ҳозир келиб чиқдигим анави уйнинг — хонадоннинг Ларимен. Мен бунда кўп йил яшаб келдим, бу янги уй эгасининг ота-боболарини ҳимоя қилдим. Яширилган олтинни менга омонат топширганди бобоси: уй ўртасига кўмди-да, қўриқлаш-чун менга ёлворди» (9-бет).

Ойбек бу парчанинг структурасидан эмас, балки ундаги ҳаракатдан келиб чиққан ҳолда уни функционал қайта тиклашга эришадди.

Ойбек таржимани асл нусхадаги бадний воқеликнинг инъикоси сифатида тушунар экан, ана шу бадний воқеликка яқинлашиш ниятида текстуал аниқликдан чекинади. Плавтдан юқорида келтирилган парчада биз таржимоннинг на шаклга, на мазмунга, на шеърнинг стилистик хусусиятларига шикаст келтирмаганини кўрамиз.

Ҳоя ичига кириш, тилга ижодий ёндашиш Ойбеkning Рим адабиёти устида олиб борган ишида амал қилган қондаси бўлиб, у Теренцийдан қилинган таржимада ҳам ёрқин кўринади.

«Д е м е я

Ҳеч вақт мумкин эмас ҳаёт китобига яқин ясаш,
Кн шароит жараёни, тажриба ҳам, ёш ўтуви
Бир янгилик бермасин-да, янги фикр сари бизни
Келтирмасин! Уйлагандим: биламан, деб, билмас эканман.
Мен нимани муҳим десам, энди ташлаш тўғри келар.
Шу нарса рўй берди менга. Қаттиқ турмуш кечирдим мен.
Йўлнинг қарийб охирида айриламан ундан. Нега?
Одам учун юмшоқликдан, камтарликдан яхшироқ ҳеч
Нарса йўқдир бу дунёда, буни жуда равшан кўрдим»

(107-бет).

Биз бу ерда таржима воситаларининг кенглигини, таржима депрессияли ижодни кўрамиз.

Ижодий жараён бошлангунга қадар таржимон томонидан олиб борилган иш кўп масалаларда жараёнининг ўзини ҳам белгилаб беради. Юқорида келтирилган парчадан кўрганimizдек, таржима Ойбек учун мисранинг мазмуни ҳақидаги информация бўлмай, аксинча, муаллифнинг яхлит образидир. Ойбек таржималарыда унинг муаллифни терап ва ҳар томонлама билиши сезилиб туради.

Ойбек таржимада ижозат этилган ва этилмаган масалалар ўртасидаги чегарани қандай тушунади? Ойбек таржималаридан шу нарса аёнки, у компенсация қила олинш қобилиятини муҳим деб билади. Оригиналдаги кучли ва ифодали қисмларни таржимада ҳар доим ҳам баркамол беришнинг иложи йўқ. Шундай ҳоллар унча кучли бўлмаган жойларда компенсация қилинади. Чунонч, у Горацийнинг Семенов-Тяньшанский, Фет ва Брюсов томонидан рус тилига ўғирилган лиро-эпик поэзиясини, Овидийнинг Д. Шестакон, Серг. Бельский, А. В. Артюшков таржималаридаги ишқий қўшиқлари ва элегияларини беришда шундай йўл тутлади.

Бироқ Ойбек таржима этилаётган муаллифдан ўзини ифодлаш мақсалида фойдаланмайди. У аксар ҳолларда лексик ёхуд фонетик жиҳатнинг қай бири муҳим эканини аниқлаб олади ва улардан бирини иккинчиси эвазига қурбон этади ва компенсация қилади. Ойбек зарур ҳолларда фонетик воситаларни лексик воситалар билан алмаштиради, яъни қўшимча сўзлар, сифатлашлар, истиоралар киритади. Шубҳасиз, бундай ўрииларда юксак бадний интуиция талаб этилади.

Ойбек ритми шеърини ва насрий нутқни бадний жиҳатдан уюштирувчи восита ҳисоблаб, уни тез илғаб олади ва ритм харақтерини аниқлаб, ритмик тасвир деталларини пайқаб, ҳис этиб, имкони борича таржимага кўчиради. Масалан, Сенеканинг «Медея» трагедияси (Серг. Соловьев таржимасидан) шундай таржима этилган.

Таржимон бу ерда қайта ижодий тажассум учун нимани муҳим деб билади?

Ойбек-таржимон Ойбек-шоирни рад этмайди. Биз трагедия таржимасида Ойбекнинг шоирлик муҳрини кўриб турамыз. У ўз адабиётининг вакили ўлароқ трагедияни ўз нуқтаи назаридан она тили замирига кўчиради. Ритм харақтери ҳам, ритмик тасвир ҳам, қиссахоликнинг бир оҳангда бориши ҳам таржимон мансуб бўлган адабиётнинг аломатлари бўлмаса-да, улар милоддан илгаричи III—I асрлар ҳақида, шу давр адабиёти ва муаллифлари ҳақида маълумот бериб, китобхон сари йўл топади. Таржимоннинг оригиналдан шунчаки нусха кўчирмай, унинг ич-ичига кириб, уни ўрганиб ва чуқур таҳлил қилгани унга қадимги маданиятнинг бу обидасини қайта мужассамлаштириш имконини берган.

Юзаки қараганда, оддий бўлиб кўринган бу таржимага чишаккам ижодий меҳнат сарф этилган.

Ойбек-таржимон учун сўз танлаш муҳим. У асл нусхалаги бадний воқеликни жонлантириш жараёнида уни қайта акс эттириб чиқади.

Чунонч, Мольер «Тартюф»нинг таржимаси учун таржима соҳасидаги изланиш, фикрни ва ҳиссиёт бойлигини ифодалашга интилиш кучли. Ҳатто шаклни бузишга мажбур бўлган ҳолларда ҳам поэтик туйғу қурбон этилмайди. «Тартюф»нинг таржимасида таржима этилаётган асар оламни ўзга хос индивидуал тарзда кўра олган таржимон шахсининг муҳри мавжуд. Ойбек ҳеч бир нарсани соддалантирмайди ва ҳаммага тушунарли бўлишига интилмайдди. У ўзининг ҳар бир таржима асарига икки адабий тил муталосиблигининг кўпгина масалаларини ҳал этади. Ойбек тил бирлигини ахтармайди. Унинг таржимаси — образли мазмун бирлигини излаш. Бу ерда ботиний туйғу — интуиция кучи кичик роль ўйнамайди. Зотан, асарнинг бадний моҳияти фақатгина сўзда эмас,

у шакл ва мундарижанинг гармоник бирлигида, ритмик ва интонацион бирликдадир. Ойбек таржималари ана шундай бирликни ҳосил қила олиши билан аҳамиятлидир.

Ойбек таржимада кўп тажриба ўтказди ва унинг тажрибалари ҳамиша мароқлидир. Чунончи. «Рим адабиёти»нинг таржимасида Ойбек баъзан матндаги *алтарь*, *полководец*, *Азия*, *репутация*, *стихия* ва ҳ. к. сўзларни айнан қолдиради. Совет таржима мактаби, хусусан ўзбек таржима мактаби эндигина вужудга келаётган ва таржимага турлича ёндашиш зарурлигини инкор этмаган кезларда — дарвоқе, ҳозир ҳам шундай — бу ҳол ўзига хос тажриба эди.

Биз Ойбекнинг ижодий манераси мисолида таржимачилик вазифаларини турлича ҳал этишнинг муҳимлигини, ҳис ва туйғуларнинг ҳақиқийлиги ҳамда муайян жасоратнинг зарурлигини кўрамыз.

АНТИК АДАБИЁТДАН ХРЕСТОМАТИЯ¹ РИМ АДАБИЁТИ

(5-бет)

Проф. Н. Ф. Дератани томонидан тузилган бу хрестоматия бир неча марта нашр этилган бўлиб, мазкур нашрлар орасида айрим текстологик фарқлар ҳам кузатилади. Ойбек таржимасига хрестоматиянинг биринчи нашри асос бўлган.

Ўзбек тилида хрестоматия бир марта — 1939 йили «Ўқув-педагогика нашриёти» томонидан чоп этилган. Хрестоматияга Ғ. Қаримов ва Ҳ. Ёқубов муҳаррирлик қилганлар.

Мазкур хрестоматияга киритилган ҳар бир асарнинг тагида унинг рус тилига ким томонидан таржима этилгани алоҳида қайд қилинган. Бу ҳол хрестоматиянинг ушбу нашри учун муҳим аҳамиятга молик эмас. Шунинг учун ҳам рус таржимонларнинг исм-шарифларини хрестоматия матнидан чиқариб, уларни «Изоҳлар» бўлимида қайд этиш мақсадга мувофиқ топилди.

П л а в т. Хумча ҳақида комедия. Мақтанчоқ жангчи. Фитначи қул образи. *В. А. Артюшков* таржимаси.

П л а в т. Куркулион. *Ф. А. Петровский* ва *С. В. Шервинский* таржималари.

Т е р е н ц и й. Андриянка. Қардошлар. *А. В. Артюшков* таржимаси.

К а т у л л. Лирика. *Адр. Пиотровский* таржимаси.

Л у к р е ц и й. Нарсаларнинг табиати ҳақида. *Р. Рачинский* таржимаси.

¹ Ойбек «Антик адабиётдан хрестоматия»нинг Рим адабиётига оид қисминигина таржима қилган. Ойбек ижодининг катта билимдони бўлмиш Ҳ. Ёқубовнинг хабар беришича, Ойбек грек адабиётдан ҳам таржималар қилган ва нашриётга топширган. Улуғ Ватан урушининг бошланиши туфайли бу асар матбуот юзини кўрмаган. Ҳозирча қўлёзма ҳақида аниқ маълумотлар йўқ.

Цицерон. Верресга қарши. Катилинага қарши сўзланган нутқлар. Нотиқ ҳақида. *Н. Дератани* таржимаси.

Гораций. Эподлар. Сатиралар. *А. Фет* таржимаси.

Гораций. Қасидалар, I, 9. *Г* таржимаси. I, 11; III, 9. *Н. Гинзбург* таржималари; I, 19; I, 30. *А. П. Семёнов-Тяньшачский* таржималари; II, 7. *А. С. Пушкин* таржимаси; II, 10. *В. Лебедев* таржимаси; II, 15; II, 14; IV, 15. *А. Фет* таржималари; III, 30. *Б. Брюсов* таржимаси.

Гораций. Лизонларга бағишлов. *А. Фет* таржимаси.

Вергилий. Буколикалар. Георгикалар. *В. Брюсов* таржимаси.

Вергилий. Энеида [Бўрон тасвири]. [Августини мақтов]. *В. Брюсов* таржималари. [Юоконнинг ҳалокати]. [Дидона ҳам Эней романидан]. [Римнинг истиқболи]. *А. Фет* таржималари. [Эней қалқонининг тавсифидан]. [Августининг зафари]. [Италия амазонкаси Қамилла ҳам унинг ҳалокати]. [Энейнинг Тури билан тўқнашуви ҳам Эней томонидан унинг ўлдирилиши]. *Сергей Соловьев* таржималари.

Тибулл I, 1. *А. Фет* таржимаси.

Овидий. Қайғули элегиялар. *Инг. Аралов* таржимаси.

Овидий. Муҳаббат қўшиқлари. I. 2. *В. Шероиненко* таржимаси. I, 9. *Сер. Бельский* таржимаси.

Овидий. Хотин қаҳрамонлар. *Д. Шестаков* таржимаси.

Овидий. Метаморфозалар. *Е. Винавер* таржимаси.

Овидий. Қайғули элегиялар. *А. В. Артюшков* таржимаси.

Сенека. Медея. Октавия. *Серг. Соловьев* таржимаси.

Марциал. Лирика. *А. Фет* таржимаси.

Сенека. Қовоқланш. *Н. Дератани* таржимаси.

Ювенал. Сатиралар. *Адольф* таржимаси.

Лукиан. Туш кўриш. *Ев. Дийн* таржимаси.

Лукиан. Лудоларнинг сўзлашувлари. *С. С. Сребрний* таржимаси.

Лукиан. Денгиз суҳбатлари. *С. С. Лукьянов* таржимаси.

Лукиан. Уликларнинг сўзлашувлари. *С. С. Сребрний* таржимаси.

Петроний. Сатирикон. * * * таржимаси.

Апулей. Метаморфозалар. *М. Кузьмин* таржимаси.

Ойбек Рим адабиёти хрестоматиясини мукамал таржима қилиш билан бирга ўзбек китобхони учун тушунарсиз бўлган сўз ва терминларга ҳам изоҳлар берди.

«Антик адабиётдан хрестоматия»нинг қўлёзма нусхаси тўлиқ ҳолда авторнинг шахсий архивида сақланмаган.

Ойбек архивидаги бир папкада бу таржиманинг 42 бетигина сақланиб қолган.

Қўлёзманing қоғоз формати 21×30 см бўлиб, ҳар бир саҳфада 14—18 сатр, бундан оз ва кўп ёзилган саҳифалар ҳам учрайди. Қоғози сифатсиз, қалин-юпқалиги ҳам ҳар хил. Қўлёзма яхши сақланмаган: вақт ўтиши билан қуёш нурида сарғайган. Қўлёзма асосан снѣх билан араб графикасида ёзилган. Баъзан ўчирилган саҳифалар, баъзан авторнинг ўзи учун қўйган белгилар ҳам учрайди.

МОЛЬЕР

(1622—1673)

Француз драматурги, актери ва театр арбоби Жан Батист Мольер Европа адабиётининг ўзбек тилига илк марта таржима этилган драматургларидан биридир.

Француз халқ театри аъёналарига таянган ҳамда классицизм драматургияси тажрибалари ва Уйғониш даврининг гуманистик ғоялари билан йўғрилган Мольер ижоди ўзбек китобхони ва томошоинига 1925 йилдан — унинг «Ласис» комедияси (М. Уйғур таржимасида) ўзбек саҳнасида ўналган даврдан буён таниш.

Кейинги йилларда улуғ француз драматургининг «Тартюф» (1941), «Зўрақи табиб» (1949), «Сканецининг найранглари» (1950) комедиялари ҳам ўзбек тилига таржима этилди ва саҳналаштирилди.

ТАРТЮФ

(337-бет)

Комедиянинг уч нардали биринчи варианты 1664 йил 12 майда Версалда, иккинчи варианты 1667 йил 6 августда Пале-Роялда, учинчи — охириги варианты эса ўша ерда 1669 йилнинг 5 февралда саҳнага қўйилди. Оргон родини Мольернинг ўзи ижро этган.

Комедия биринчи марта 1669 йилда чоп этилди. 1757 йилда эса илк дафъа рус тилига таржима қилинди ва уша ишнинг 22 ноябрда Санкт-Петербургдаги Россия театрида саҳнага қўйилди.

«Тартюф» рус тилига бир неча марта таржима этилган. М. Лозинский томонидан бажарилган таржима асарнинг рус тилидаги энг яхши таржимаси ҳисобланади.

Ўзбек тилига Ойбек томонидан таржима қилинган бу асар биринчи марта ҳамза театрида 1941 йил 17 апрелда саҳнага қўйилган.

Бу комедияда Мариана родини ижро этган Ўзбекистон халқ артисти Назира Алиеванинг гувоҳлик берганича, Ойбек пьесани ҳамза театрининг таклифига мувофиқ таржима этган. Пьесани ЎзССРда хизмат курсатган санъат арбоби Н. В. Мадигини постановка қилган. Спектаклга С. М. Миненин расмлик, Шариф Қайумов эса режиссёрлик қилганлар.

Мольер комедиясининг ўзбек тилида саҳналаштирилиши томошабинлар томонидан ҳам, матбуот томонидан ҳам қизғин кутиб олинди. «Буюк Шекспирнинг «Отелло»сидан сўнг, ҳамза театрининг репертуари хазинаси жаҳон классиги Мольернинг «Тартюф»и билан яна боинди, Бу, ҳеч шубҳасиз, театр ижодий коллективининг кишилик маданияти чуққиларини эгаллашга томон дадил қадамлар билан бораётганидан гувоҳлик беради», деб эзилган эди тақрирлардан бирида. Спектакль ҳақида матбуотда А. Хўжаева, Ё. Акбаров, Т. Жалолов фикрлар билдирганлар.

Комедиянинг ўзбекча тексти биринчи марта «Шарқ юлдузи» журналининг 1973 йил 12-сонда Зарифа Саидноспрова томонидан қунидаги изоҳ билан эълон этилди.

«Устоз Мусо Ойбек қаламига мансуб бу таржима архивдаги талай оригинал ва таржималардан бири. Етук таржима нуسخаси «Тартюф» бир вақт ҳамза номидаги академик драмтеатр саҳнасида қўйилганлигини эсласак, эҳтимол, бу таржиманинг саҳна ва-

риантидир, деб ҳам қоламиз. Лекин Ойбек томонидан оққа кўчирилган нусхаси театр архивидан ҳам излаб топилмади. Мусо Ойбек сўз хазинасининг бойлиги, халқ ибораларининг сахий ишлатилиши таржиманинг биринчи бетида ноқ библио турибди. Балки бу эркин, сарбаст таржимадир.

Ўйрик адиб қалам меҳнати аён бу асар ҳам журналхонларга манзур бўлар деган умиддамиз».

Мазкур таржиманинг қоралама қўлёзмаси 86 бетдан иборат бўлиб, адиб архивида сақланади. Қўлёзма ниҳоятда уринган, қозоги сифатсиз, сарғайиб кетган, четлари йиртилган. Формати 33×20 см. Қўлёзма яшил сиёҳда араб графикасида ёзилган. Таржиманинг титул саҳифасидаги (унинг ярми йўқ) «Мольер. Тартюф. Беш пардали комедия» сўзлари эса латин графикасида ёзилган.

Қўлёзманинг ҳар бир бетига 20 сатр, баъзан ундан ортиқ ё кам сатрлар ҳам учрайди. Кўп ҳолларда қоғоз саҳифаларининг олди ва орқасига ҳам ёзилган. Бир неча саҳифаларнинг бурчаклари йиртилган. Бу йиртилган жойлардаги сўзларнинг айрим ҳарфларига қараб, улардаги сўзлар З. Саидносирова томонидан қайта тикланган. Деярли ҳамма саҳифаларда ўчирилган ва қайта ёзилган сатрлар учраб туради.

Қўлёзмада асар бундай бошланади:

Утинмаймен ҳамда йўқдир ҳолати...

Охири:

Фалокатли шартномани бекор қилганин

Билдириб қўйиши эди.

Таржиманинг журнал вариантыдаги сўнгги 27 сатр З. Саидносированинг илтимосига биноан Ўзбекистон халқ шоири Миртемир томонидан таржима этилган.

Миртемирнинг З. Саидносировага (афтидан, 1973 йилда) йўзлаган хатида бундай дейилади:

«Домла таржима қилган рус нусхаси менда бўлмади... Мен 1972 йили чоп этилган М. Донской таржимасига солиштирмоқчи бўлдим (200 томлик, «Худ. литература» нашри, Москва, «Библиотека всемирной литературы», серия I, т. 44). Лекин ҳеч яқин келмади. Оз-моз таҳрир ҳолат бўлур деганини. Бу нусха бўйича жуда қораланиб кетади, кейин журъат ҳам этолмадим.

Агар домланинг жўн бир шоғирди сўзига унасангиз, бу таржимани ҳали 10 томликка қўшманг. Академик нашрга — бошқа гап. Мен ҳар қалай бошдан-оёқ ўқиб, сал-пал қалам урдим, солиштирмай. Негаки, бу бошқа таржима. Эҳтимол домла асос қилган таржима рус нусхасига мосдир. Агар 10 томликка қўшини зарур ва қатъий бўлса, ўзингиз айтгандай, эркин таржима дерсиз ва йиллини ҳам қўясиз. Яна билагон дўстлар билан (Иззат Олхонович, Ҳомил ака билан) маслаҳатлашарсиз. Қолган сатрларни мен ўзимдаги рус таржимасидан ағдардим».

Мазкур таржима З. Саидносирова томонидан нашрга тайёрланган журнал варианты асосида эълон қилинмоқда.

ГЕНРИХ ГЕҒИЕ

(1797—1855)

20- ва 30-йилларда Ўзбекистонда жаҳон классик адабиётинга бўлган қизиқишнинг кучайиши, ўйрик жаҳон классиклари ижоды-

нинг мактаб адабиёт программаларига киритилиши натижасида уларнинг асарларини ўзбек тилига таржима этиш ишлари қизгин тус олди. Вақтли матбуотда Гейне ҳаёти ва ижодига бағишланган мақолалар тез-тез кўрина бошлади.

Шу йилларда ўзбек мактаблари учун чиқарилган адабиёт дарсликлари ва хрестоматияларига киритилган Европа адабиёти-нинг уч йирик сиймосидан бири Генрих Гейне эди. Гейне асарларидаги инқилобий мотивлар, унинг ижодига Маркс ва Энгельс томонидан билдирилган юксак баҳо ва муносабатлар буюк немис шоири шеърларининг ўзбек тилига таржима этилишида муҳим омил бўлди.

Гейне асарларини ўзбек тилига биринчи бўлиб таржима қилган шоирлардан бири Ойбек эди.

Гейненинг Ойбек таржимасидаги «Силезия тўқувчилари» ва «Қуллаар кемаси» шеърлари биринчи марта ўрта мактабларнинг 9-синфи учун чоп этилган «Адабиёт хрестоматияси»да (1935—1940), шунингдек Гейненинг «Лирик шеърлар» (Т., 1941) китобида эълон қилинган.

СИЛЕЗИЯ ТЎҚУВЧИЛАРИ

(424-бет)

1844 йилда ёзилган бу шеър биринчи марта «Vorwärts» газетасининг ўша йилги 55-сонини (10 июнь)да эълон қилинган. 1844 йил июнидаги Петерсвальдау ва Лангенбилау тўқимачиларининг исёни мазкур шеърнинг ёзилишига туртки берган. «Vorwärts» газетасида ўша кезларда босилган исёни тавсиф этувчи мақола Гейне шеърининг яратилишига таъсир этган, деган тахминлар бор.

Гейне Силезияда рўй берган воқеаларнинг аҳамиятини ўша пайтдаёқ тўғри тушунган камёб немис зиёлиларидан биридир. Ўша даврнинг аксар намоёндалари тўқимачилар исёнида очликка қарши қаратилган оддий туғённигина кўрдилар. К. Маркс ўша даврда Франция ва Англияда Силезия тўқимачиларининг исёнидек «назарий ва онгли характерга эга» қўзғолонлар бўлмаганини айтади.

Гейненинг мазкур шеъри 1844 йилда Ф. Энгельс томонидан инглиз тилига таржима этилган ва эълон қилинган.

Мазкур шеърни таржима қилишда Ойбек Г. Шенгели таржимасидан фойдаланган. Шеърнинг ўзбекча таржимаси биринчи марта «Адабиёт хрестоматияси», кейинчалик Гейненинг «Лирик шеърлар» тўпламида ва «Совет Ўзбекистони маданияти» (1956 йил, февраль) газетасида чоп этилган.

Шеър таржима этилган сана аниқ маълум эмас. Таржиманинг қўлёзма нусхаси Ойбек архивида сақланади.

ҚУЛЛАР КЕМАСИ

(425-бет)

1853 йилда, шоирнинг оғир хасталик даврида ёзилган ва «1853—1854 йиллар шеърлари» туркумига кирган бу баллада биринчи марта 1854 йилда «Генрих Гейненинг турли асарлари» китобида босилган. Гейне ўзининг бу туркумига кирган шеърлар

тўғрисида бундай ёзган эди: «Бу шеърлар мутлақо янги бўлиб, уларда эски кайфиятлар эскича услубда ифодаланмайди».

Фалаж ва ногиронликдан беҳад азоб чеккан шоир 1846 йилдаёқ: «Ҳар бир мактуб умримнинг бир парчаси билан тенг»,— деб ёзган ва орадан икки йил ўтар-ўтмас, тўшакка узил-кесил миҳланган эди. Аммо на оғир сиёсий кечинмалари, на хасталиги ва на оилавий келишмовчиликларга қарамай, Гейне ўзининг революцион идеалларига содиқ қолди.

Гейненинг «Қуллар кемаси» балладасида Берапженнинг «Негрлар ва марйонеткалар» ҳамда Проспер Мерименинг «Таманго» асарларида тараннум этилган мотивлар кўринади.

Балладанинг ўзбек тилига таржима этилган санаси аниқ маълум эмас. Таржиманинг қўлёзма нусхаси эса сақланмаган.

«Қуллар кемаси» «Адабиёт хрестоматияси»да, шунингдек Г. Гейненинг «Лирик шеърлар» китобида эълон қилинган.

О. Шарафиддиновнинг шу даврда 9-синф учун нашр этилган «Адабиёт дарслигида «Қуллар кемаси»дан келтирилган парчалар Ойбек таржимасидан жиддий фарқ этади. Бу ҳол мазкур шеърнинг ўзбек тилига қилинган таржимаси Ойбекка қадар ҳам мавжуд бўлган, деб тахмин қилишимизга имкон беради.

АНАТОЛЬ ФРАНС

(1844—1924)

Француз ёзувчиси Анатоль Франс жаҳон адабиётининг кўзга кўринган намоёндаларидан биридир. У ўтмишчи ардоқловчи, мавжум гуманизмни куйловчи ёзувчидан пролетариатнинг инқилобий курашини, социализм оламини қабул қилган курашчига, сатирик ижодкорга қадар бўлган мураккаб ва машаққатли ижод йўлини ўтган. Анатоль Франс қаламига мансуб асарларнинг қиммати улардаги буржуа жамияти иллатларининг шафқатсиз равишда фош этилиши, гуманизм идеалларининг тасдиқланиши билан белгиланади.

БАШАРИЯТ ТАРИХИ

(430-бет)

Анатоль Франс вафотининг бир йиллиги муносабати билан ва, афтидан, «Ёр юзи» редакциясининг илтимосига кўра ўзбек тилига таржима этилган ҳамда ушбу журналнинг 1926 йил 10-сониди (14 июль) эълон қилинган.

Ҳикоя Анатоль Франснинг «Жером Куньяр афандининг фикр ва мулоҳазалари» китобидан олинган. Мазкур китоб биринчи марта «Echo de Paris» газетасининг 1893 йил 15 март — 19 июль сонларида фельетонлар туркуми тарзида чоп этилган. Асар нақл шаклида баён этилган диалоглар силсиласида иборат бўлиб, уларда қаҳрамоннинг давлат тузилиши, армия, уруш, ахлоқ ва ҳуқуқ ҳақидаги қарашлари ифодаланган.

Китоб тўла ҳолда рус тилида биринчи марта Октябрь революцияси ғалабасидан сўнг нашр этилган.

Таржиманинг автограф нусхаси сақланмаган.

ЭМИЛЬ ВЕРХАРН

(1855—1916)

Э. Верхарн XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида яшган жаҳон адабиётининг кўзга кўринган намояндalarидан биридир. Э. Верхарн яшаган даврда шеърнятда ижтимоий реакция билан боғлиқ йўналишлар ҳукмрон эди. Ана шундай йўналишлардан бири — символизм «санъат санъат учун» ширини ўртага ташлаб, формал изланишлар нафоси билан бошдан-оёқ сугорилди.

Э. Верхарн ёшлик чоғларида шеърини форманинг революционлаштириши билан қизиқди. Аммо у ўз ижодидаги символизм таъсирларини енгиб, санъатдаги гоаявийлик ва муңдарижани рад этган декадентлардан узил-кесил ажраб чиқди ҳамда прогрессив романтизм анъаналарига, Гюго анъаналарига содиқ қолди.

Шеърини техника соҳасида беқис новатор санъаткор бўлган Э. Верхарн ижоди Уолт Уитмон, Нозим Ҳикмат каби революцион шоирларнинг асарлари билан бир қаторда ўзбек совет поэзиясининг шаклланишида маълум роль ўйнади. Хусусан Ойбекнинг «Машъала» тўпламига кирган айрим шеърларида Э. Верхарннинг таъсирини сезиш мумкин.

«Ойбек 1928—1929 йилларда,— деб ёзади Ҳомил Ёқубов,— В. Брюсов ва Бельгиянинг атоқли шоири Эмиль Верхарн поэзиясини кўп ўқир эди. Бу ўқиш унга ижодий таъсир кўрсатган... Э. Верхарн поэтик традициясидан ижодий фойдаланиш борлиқнинг абадийлигини, ниҳоясизлигини тасдиқлашда, у билан шоирнинг узвий боғлиқлигини таъкидлашда ўз кучини кўрсатди. Ижодий ўрганиш чегараларининг кенгайиши Ойбек лирикасининг тараққиётида жиддий аҳамиятга эга бўлди.

Ойбек Э. Верхарндан «Ҳаво ипақларига...» деб бошланган сарлавҳасиз бир пейзаж лирикасини таржима қилиб, «Машъала» тўпламига (20-бет) киритди... 1929 йилда (апрель—май) «Оилар» сарлавҳаси билан аталган икки пейзаж шеърини эпиграф қилиб, Эмиль Верхарннинг шу сўзларини келтиради: «Қара, абадиёт нақадар гўзал ва сокиндир»¹.

«ҲАВО ИПАҚЛАРИГА...»

(432-бет)

Э. Верхарн шеърининг таржимаси Ойбекнинг «Машъала» (1932) тўпламида эълоҳ этилган.

Мазкур шеърининг ўзбек тилига ўгирилган санаси аниқ маълум эмас. «Машъала» тўпламига кирган асарларнинг 1928—1931 йиллар орасида ёзилганига асосланиб, мазкур шеър ҳам шу даврда таржима қилинган, дейиш мумкин.

Таржима қўлёзмаси Ойбек архивида сақланади.

ОНДРА ЛИСОГОРСКИЙ

Асл исми Эрвин Лой бўлиб, 1905 йилда тугилган. Чех шоири, янги адабий тилининг асосчиси. Немис баронлари билан муस्ताқил-

¹ Ҳ. Ёқубов. Гоявийлик ва маҳорат. Тошкент, 1963, 87-бет.

тик учун курашган ляш миллий қаҳрамони Ондраша ҳамда ляш исёнчиларининг маскани — Лисая гора номларини ўзига тахаллус қилиб олган. Прага, Сорбонна ва Рим дорилфунунларида таҳсил кўрган О. Лисогорскийнинг ижодида Острова шахтёрлари ва ляш меҳнаткашларининг ҳаёти ва революцион кураши акс этган. Урушгача антифашистлар матбуотида қатнашиб, «Куйчи чўкич» (1934), «Ёр овози» (1935) ва «Тапланган шеърлар» (1936) китобларини чоп этган. 1939—1946 йилларда СССРда (хусусан Ўзбекистонда) муҳожирликда яшаб, рус тилида тўртта шеърлар китобини эълон қилган. Ҳозир Чехословакияда яшайди.

САМАРҚАНД КУЗИ

(433-бет)

1941 йилда Ўзбекистонда ёзилган. Биринчи марта рус тилида «Залп» (Т., 1942) ва ўзбек тилида «Қилич ва қалам» (1943) тўпламларида чоп этилган.

Таржима қўлёзмаси Ойбек архивида сақланади.

БОМБАРДИМОИ ВАҚТИДА

(434-бет)

1941 йилда ёзилган ва рус тилида О. Лисогорскийнинг «Земля моя» (1942) тўпламида, ўзбек тилида эса антифашист шоирларнинг «Қилич ва қалам» номи шеърлар китобида босилган. Мазкур шеър «Оловли йиллар», «Асарлар» (1-том) ва «Мукамал асарлар тўлами» (2-том)га Ойбекнинг оригинал шеъри сифатида киритилган.

Таржима қўлёзмаси Ойбек архивида.

ҚОЧКИ ПАРТИЗАНЛАР ҚУШИГИ

(435-бет)

«Қилич ва қалам» тўпламида босилган бу шеър таржимасининг қўлёзмаси Ойбек архивида учрамади.

МЕН ШОИР

(436-бет)

«Қилич ва қалам» тўпламида босилган бу шеър таржимасининг ҳам қўлёзма нусхаси Ойбек архивида учрамади.

ҲАМҚОРЛИҚДА ҚИЛИНГАН ТАРЖИМАЛАР

ЭЖЕИ ПОТЬЕ

(1816—1887)

XIX аср француз пролетар адабиётининг йирик вакили Эжен Потье жаҳон адабиёти тарихига халқаро пролетариат гимни —

«Интернационал» билан кирган шоврдир. Ҳазининг «Яшасин озодлик!» деган биринчи қўшиғини 14 яшарли чоғидаёқ ёзган Потье бутун ижодида мазлум омманинг озодликка бўлган интилишини куйлади. 1848 йил революциясида баррикада жангчиси сифатида қатнашди. Париж Коммунаси даврида эса буюк Коммунанинг аъзоси бўлди.

ИНТЕРНАЦИОНАЛ

(439-бет)

Париж Коммунаси тугатилгандан сўнг 1871 йил июнида ёзилган бу шеър «Коммуна аъзоси, гражданин Гюстав Лефрансега» бағишланган. Орадан 16 йил ўтгач, Потьенинг «Революцион қўшиқлар» тўпламида биринчи марта эълон этилган. Бельгиялик композитор Пьер Дегейтер 1888 йилда «Интернационал» текстига куй басталаган. Шеър 1902 йилда революционер шоир А. Я. Коц томонидан рус тилига биринчи марта таржима этилган.

Октябрь революциясидан кейин ўзбек тилига таржима этилган «Интернационал» узоқ йиллар мобайнида Совет Иттифоқи коммунистларининг гимни сифатида ўзбек тилида ҳам куйланиб келди. 1937 йилда эса «Интернационал»нинг янги таржимаси учун конкурс эълон қилинди.

Ойбек, Ойдин ва Усмон Носир томонидан ўзбек тилига ҳамкорликда ўгирилган ушбу таржима «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1937 йил 22 март сонидан конкурсга келган материаллардан бири сифатида чоп этилди.

РАСМЛАР РЎҲАТИ

Ойбек. 1967 йил фотоси	8
«Антик адабиётдан хрестоматия» китобининг титул варағи	117
«Тартюф» пьесаси таржимасининг қўлёзмаси. Титул варақ	339
Ойбек СССР Езувчилар союзининг IV пленумида. 1937 йил 22—26 февраль. Сўздан ўннга: Усмон Носир, Ойбек, Ойдин ва Раҳмат Маждий	439

МУНДАРИЖА

I

АНТИК АДАБИЁТИДАН ХРЕСТОМАТИЯ. РИМ АДАБИЁТИ

I. Бизнинг эрадан илгариги III—I асрлар адабиёти

Тақлидий комедия («Плашч комедияси»)

Плавт	7
Хумча [кўмилган хазина] тўғрисида комедия	—
Мақтанчоқ жангчи	61
[Фитначи қул образи]	67
Теренций	71
Андриянка	—
Қардошлар	72

Лирика

Катулл	116
№ 5 [Лесбияга]	118
№ 3 [Чумчуқнинг ўлимига]	—
№ 40 [Рақибга]	—
№ 85 [Нафратланаман — севаман]	119
№ 27 [Шароб]	—
№ 60 [Шоирона ҳангома]	—
№ 95 [Адабий мунозара]	120
№ 57 [Юлий Цезарга доир ҳажвнома-памфлет]	—
№ 63 [Аттис]	121

Дидактик поэма

Лукреций	126
Нарсаларнинг табиати ҳақида	—

Бизнинг эрадан илгариги I асрнинг нотиқлик прозаси

Цицерон	133
Верресга қарши	134
Катиллига қарши нутқлар	135
Оратор ҳақида	136

II. Рим адабиётининг классик даври (милoddan аввалги ҳисобнинг I асрнинг охири, милoddan кейинги ҳисобнинг I асри бошлари)

Лиро-эпик поэзия

Г о р а ц и й	143
Эподлар	144
Сатиралар	145
Қасидалар (Одалар)	148
Пинзонларга бағишлов	155
В е р г и л и й	162
Буколикалар	163
Георгикалар	166
Энеида	171
Т и б у л л	193
I, 1	—
П р о п е р ц и й	196
I, 15	—
О в и д и й	198
Қайгули элегиялар	199
Муҳаббат қўшиқлари	202
Хотин қаҳрамонлар	205
Метаморфозалар (Турланишлар)	214
Қайгули элегиялар	220

III. Императорлик даврининг адабиёти (милодий ҳисобнинг I—II асрлари)

Трагедия

С е н е к а	221
Медея	222
Октавия	233

Лирнка

М а р ц и а л	211
Биринчи китоб. Қириш	242
Иккинчи китоб	244
Учинчи китоб	—
Бешинчи китоб	245
Саккизинчи китоб. Қириш	—
Ун биринчи китоб	246
Ун учинчи китоб. «Меҳмонларга совғалар»	247
Ун тўртинчи китоб	—
Томошалар ҳақида	—

Сатира (ҳажв)

С е н е к а	249
Қовоқланиш	—
Ю в с н а л	251
I сатира	—
III сатира	254
IV сатира	258
Л у к и а н	260
Туш кўриш	261

Худоларнинг сўзлашувлари	263
Денгиз суҳбатлари	270
Уликларнинг сўзлашувлари	274

Қадимги замон романи. Антик роман

Петроний	285
Сатирикон	286
Апулей	295
Метаморфозалар	296
Амур ва Психея ҳақидаги новеллада	298
Вафосиз хотин ҳақида новелла	305
Комментарий	308
Атоқли исмлар ва адабиётшунослик терминлари рўйхати	333

II

XVII—XX асрлар Европа адабиёти

Мольер	
Тартюф	337
Генрих Гейне	
Силезия тўқувчилари	424
Қуллар кемаси	425
Анатоль Франс	
Башарият тарихи	430
Эмиль Верхарн	
«Ҳаво ипакларига...»	432
Ондра Лисогорский	
Самарқанд кузи	433
Бомбардимон вақтида	434
Коччи партизанлар қўшиғи	435
Мен шоир	436

Ҳамкорликда қилинган таржималар

Эжен Потье	
Интернационал	440
Вариантлар	441
Изоҳлар	453
Расмлар рўйхати	468

Ойбек Мусо Тошмуҳаммад ўғли.
Мукаммал асарлар тўплами.
19 томлик (Изоҳлар билан нашрга
тайёрловчилар: М. Султонова ва
бошқ; Масъул муҳаррир: Н. Каримов),
Т., «Фан», 1980.

15-т., Европа адабиётидан тар-
жималар. 472 б.

Айбек М. Т. Полное собрание
сочинений. В 19-ти т., т. 15.

ББК84Уз
Уз

На узбекском языке

М. Т. АЙБЕК

ПОЛНОЕ СОБРАНИЕ СОЧИНЕНИЙ

в 19 томах

том XV

Переводы из Европейской литературы

*Ўзбекистон ССР ФА А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт
институтининг Илмий совети, ЎзССР ФА Тарих, тилшунослик
ва адабиётшунослик бўлими томонидан нашрга тасдиқланган.*

Муҳаррир *М. Алиева*
Рассом *В. Тий*
Техмуҳаррир *Х. Қорабосва*
Корректор *М. Саидова*

ИБ № 395

Терншга берилди 4.05.80. Босишга рухсат этилди 30.04.80. Формати 84×108^{1/32}
Босмахона қоғози № 1. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 24,78
Ҳисоб-нашриёт л. 20,8. Тиражи 5000. Заказ 65. Баҳоси 2 с. 20 т.

ЎзССР «Фан» нашриёти. Тошкент, 700047, Гоголь кўчаси, 70.
ЎзССР «Фан» нашриётининг босмахонаси, Тошкент, М. Горький проспекти, 79.